

P2  
к-27. лев кассиль

# пажлавоннинг қисмати






Лев Кассиль


# ПАҲЛАВОННИНГ ҚИСМАТИ

(БАҲАЙБАТ ПАҲЛАВОН ВА МИТТИВОЙ ҚИССАСИ)



РОМАН

07



ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
„ЁШ ГВАРДИЯ“ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ – 1972

*„Паҳлавоннинг қисмати“* („Баҳайбат паҳлавон ва миттивой қиссаси“) — Лев Кассилнинг янги романи.

Бу китоб ҳалқимизнинг жами авлодлари — қариялар ва ёшлар, оталар ва уларнинг фарзандлари, боболар ва уларнинг набираларини бирлаштирадиган шонли дўстлик ҳақида ҳикоя қиласиди. Китоб азамат рус паҳлавони, кекса цирк атлети Артём Незабуднийнинг ажойиб, қийин ва мураккаб ҳаётни билан таништиради. Кураш бўйича илгари эсаҳон чемпиони бўлган Артём Незабудний узоқ йиллар давомида чет зуларда дарбадар кезиб, қариган чоғида ўз Ватанига, чўлдаги Сухоярка посёлкасига қайтиб келади; бир маҳаллар, революциядан илгари, у шу ерда шахтёр бўлиб шилаган эди. Артём Незабудний бу ерда ҳамқишлоқлари яратган ва ўзи учун бус-бутун янги бўлган ҳаётни кўрибгина қолмай, сухояркалик пионерлардан сидқидил гамхўр дўстлар ҳам ортиради. Бироқ Незабудний ҳам, унинг ёш дўстлари ҳам ҳеч кутилмаган саргузаштларни кечириб, сирли воқеаларга дуч келадилар.

*„Паҳлавоннинг қисмати“* — „Кечирмалар, саргузаштлар ва саёҳатлардан иборат романдор“ деган ёди автор ўзи яратган бу асар ҳақида болалар берган саволга қайтарган жавобида.

Мажид Усмон ва Малик Раҳмон таржимаси

**ШОНБОЗЛИК ЭМАС, ЖОНБОЗЛИК КҮРСАТ**  
*Қадимги рус гербига өзилгән девиз*


**І ҚИСМ**

---

**БАҲАЙБАТ ПАҲЛАВОН  
ВА  
ОДДИЙ КИШИЛАР**

---





Күп учратдим фил — одамларни,  
Ажабландым юришларидан.  
Лекин билдим чин Одамларни  
Ишларидан — қилмишларидан.

Полвон — эгар темирни, дерлар,  
Обод бўлар у ўтган ерлар.  
Чумчуқчалик иш қилмасанг, бил,  
Тан олмайман, гарчи бўлсанг фил.<sup>1</sup>

МУСА ЖАЛИЛ

#### I БОБ

### ЯНА ЎГИЛ БОЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

Шахтёrlар яшайдиган Сухоярка посёлкасига дунёда энг зёр бир киши қайтиб келди. У киши ярим кечаси келганди, шунинг учун ҳам эртасига бу воқеадан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди деса бўлади.

Ҳаттоқи ўғил болалар ҳам — ўғил болалар ҳам-а! — пайқамай қолишганди. Ўғил болаларники хабари йўқ экан, демак бундан ҳеч кимнинг хабари йўқ деб била-веринг. Мълумки, ўғил болалар янгиликларни ҳаммадан олдин билиб олишади.

<sup>1</sup> Шеърларни Мирализ Аъзамов таржима қилган.

Аллақачонлар аниқланганки, тараққиётни дастлаб олга сурувчилар ўғил болалардир. Бу фикрни айтган донишманднинг номи ёдимдан кўтарилибди, лекин ҳеч шубҳасиз у тўғри гапирган. Улар, ўғил болалар кузда эндигина яхлай бошлаган дарёдаги мўрт муз парчасини ҳаммадан олдин тотиб кўрадилар, баҳорда муздек сувга ўйлаб-нетиб турмай, биринчи бўлиб тушадилар. Ўғил болалар, далада қор эриб бўлиши биланоқ лой кечиб ҳаммадан олдин сўқмоқ йўл очадилар. Ер юзидағи барча қитъалар, қутблар, денгизлар, осмондаги орбиталар кечагина бола бўлган, эндиликда эса янги ерлар топган, денгизларда сузган сайдёнлар, космонавтлар бўлиб қолган кишилар очган кўз илғамас йўллар билан боғланган.

Ахир, кинода биринчи қатордаги жойларни эгаллашга шошиладиганлар ҳам ўша болалар эмасми? — Улар, ўша жойдан кино яхшироқ кўриниши ва билетлар арzon бўлгани учунгина эмас, балки ишга — воқеага яқинроқ туриш учун шундай қиласидилар. Улар дарҳол картинада кўрсатилаётган шахслардан кимлар биз томонда-ю, кимлар бизга қарши эканлигини билиб слишга шошиладилар ва ногаҳон отлиқ чегарачиларимиз пайдо бўлиб, адолатни бузувчиларни даф этишга тайёр эканликларини кўришлари ҳамон, залда биринчи бўлиб қаттиқ чапак чала бошлайдилар. Картинадаги ҳамма ишлар, воқеалар охирига етиб, фильм қаҳрамонлари эсон-омон қолиб, бир-бирлари билан ўпишаётгандаридан бирданига ҳаммалари масхара қилган тарзда офиизларини чапиллатиб овоз ҷиқарадиган ҳам ўша биринчи қаторларда ўтирадиган болалардир.

Улар, ўғил болалар ҳамма нарсани билади! Кеча Антарктидада ҳавонинг ҳарорати неча даража бўлганини ҳам, йўлдошнинг ер атрофини неча марта айланганини ҳам, Африка фили ўз хартуми билан неча тонна юқ кўтара олишини ҳам, шунингдек, кино артисти Михаил Жаровнинг қандай қаҳрамонона шароитда ҳалок бўлганини ҳам биладилар; гарчи ҳамма бу машҳур артистнинг тирик, соғ-саломат эканини айтишса ҳам, улар ўз ғапларидан қолмайдилар. Уларнинг ҳар бири кам деганда бешта ёки олтига маҳфий усул билан таниш; ўша усул билан энг нимжон одам ҳам энг зўр одамни бир зумда йиқита олади; бироқ ўшалар ўқийдиган синфда-

ги орқа партада ўтирадиган бир бола бу ҳисобга кирмайди, албатта, негаки, бу полвон нима учундир ҳамиша бу ажойиб қондадан доимо мустасно, бу усулларни унга қўллаб ўтиришдан фойда йўқ.

Бу ўғил болалар мактабида эртага қандай топшириқлар берилганини ҳамма вақт ҳам билаверишмайди, аммо эртанги кун бугунгисидан яхшироқ ва қизиқроқ бўлишинга ишопчлари комил... Чунки уларнинг бутун фикри-зикри эртанги кун билан банд.

Бу шумтака болалардан кишида на уйқу, на ҳаловат бор! Улар тарақа-туруқ қилиб нари-бери чопиб, иштонларини йиртиб, электр пробкаларини куйдириб учқун чиқартириб, жон-жаҳдлари билан уриниб, улуғ ишларга чорловчи чапанича ҳуштаклари билан оламни тўс-тўполон қилиб юрадилар. Лекин, бу олам шундай тузилган эканки, ҳуштак ҳозирча қароқчиларнинг ҳуштагидек таъсир қиласи одамларга, бунда болаларнинг нима айби бор... Вой, болалар-эй! Жонга тегадиган, тоқат қилиб бўлмайдиган, оппоқ болалар-эй! Балли сизларга! «Болалар қувноқ халқ!» — сизларнинг тўғриңгизда шундай деган Пушкин.

Қушлар, ёввойи ҳайвонлар, кемалар, автомобиллар, самолётлар, футбол ўйинлари, одамхўрлар, вулканлардан лава отилиб чиқиши, ойнинг фазалари ва яқиндаги полизда тарвуз пишиши — буларнинг бари сизларга тааллуқлидир! Уч бор ярамас, юз бор баҳтиёр бўлгур болалар! Мен сизларнинг ҳақингизда ёзганман, лекин яна ва яна ёзавераман.

— Бу қандоқ бўлди,— дейишар севикли болаларимнинг ўртоқлари бўлмиш қизчалар, — наҳотки ўша болалардан биз кам бўлсак?

Йўқ, азиз қизалоқлар мендан хафа бўлишмасин! Мен уларни ўғил болалардан кам ҳурмат қилмайман. Лекин, бутун гап шундаки, менинг ўзим ҳам бир замонлар гарчи аллақачонлар бўлса ҳамки, ҳар ҳолда ўғил бола бўлганман, ахир. Табиий, ҳеч қачон қиз бўлмаганман. Чунки, бир шоир айтганидек, ҳеч ким дунёга икки марта келмайди. Шунинг учун ҳам, ўғил болалар ҳақида ёзиш менга осонроқ. Ҳар қалай улар тўғрисида мен анча-мунча нарсани биламан-да...

Хуллас, шуни айтмоқчиман: ҳатто сухояркалик болалардан ҳеч ким, чунончи, ҳамма нарсадан хабардор Сеня Грачик ҳам, унинг дўсти донишманд китобхон

Сурен Арзумян ҳам, уларнинг бошқа жўралари ва рақиблари ҳам дунёда энг зўр бўлган одамнинг посёлка-га қайтиб келганидан бехабар эдилар.

## II БОБ

### ДУНЁДА ЭНГ ЗЎР ОДАМ

Ҳа. Худди шундай. Бутун дунёда энг зўр одам! Артём Незабудний ўзининг туғилган жонажон юртини кўп йилларга — баъзи бирорлар эса бутунлай ташлаб кетди деб ҳам ўйлаган эди — ташлаб кетганига қадар шундай шуҳрат қозонган эди, ўшанга қирқ йилдан ошиди...

Артём Незабудний ер юзида кўп йиллар давомида босиб ўтган зафарли йўлида энг оғир кураш майдонларида ҳам кураги бирор марта ерга тегмаган машҳур цирк полвони эди. У оламда энг зўр одам, енгилмаганларни енгган паҳлавон, кампиониссима, чемпионлар чемпиони, славянлар паҳлавони, давримизнинг Геркулеси, XX асрнинг Левиафани<sup>1</sup>, рус супермени<sup>2</sup>, янги даврнинг энг зўр одами, Россиянинг мўъжизаси эди! Унинг бўйи икки юз тўқиз сантиметр, оғирлиги бир юз қирқ икки кило, кўкраги айланасига — бир юз эллик саккиз, бўйни — эллик тўрт, бели — бир юз тўқиз, қўл мушаги — эллик беш, сони — етмиш саккиз, болдири эллик тўрт сантиметр эди... Артём Незабуднийнинг классик талабларга жавоб берадиган спорт паспорти шунаقا эди.

«Баҳайбат одам» — деб ёзишарди ўша даврда чиқадиган бутун дунё газеталарида. «Одамлар орасида у энг бақувват кишидир; ростини айтганда, ундан бақувватроқ фақат фил бўлиши мумкин», — деб ёзган эди унинг тўғрисида америкалиқ бир спорт обзорчisi. Дарҳақиқат, табиат унга ғайри-табиий куч ато қилган эди. У йигирма пуд келадиган лангарни худди обкашдек бемалол елкасида кўтариб, цирк манежида айланарди. У ўзининг баҳайбат гавдасини чирмаб қўйган занжирни қулочга сифмайдиган кўкрагини тўлатиб бир тафас олганда шартта узуб ташларди... Беш тийинлик

<sup>1</sup> Тавротда зикр қилинган баҳайбат денгиз маҳлуқи.

<sup>2</sup> Ғайри-табиий кучга эга киши.

чақани бармоқлари билан букиб найча ҳолинга келтириш, катта болгадай келадиган мушти билан бир уриб ғишишни ушатиш унга писанд эмасди.

Агар билмоқчи бўлсангиз, мана шунаقا чол эди у! (Йўқ, афтидан, болаларга ҳамма нарса маълум бўлмаганга ўхшайди!)

Чол кўп йиллар давомида элма-эл кезиб юрганидан кейин юртига қайтиб келди. Бундан салкам қирқ йил муқаддам, халқ тақдирни ҳал бўлаётган оғир кунларда у олғир кишиларга ўзини топширди, уни Ватандан олис жойларга олиб кетишиди. Ўша даврларда унинг куч-қуввати беҳад, шуҳрати авжига чиққан эди. У ўша вақтда курашда уч марга жаҳон чемпиони бўлган эди. Бу қадимий спортда, бошқа ҳар қандай мусобақага қараганда кучни, рақибдан устунликни намойиш қилиш имконияти катта бўлган бу мусобақада ҳали ҳеч ким Артём Незабуднийга тенг келмаган, деб гапиришади. Унинг чемпионлик лентасига қадалган олтин медаллар кенг кўкрагини тўлатиб совутдек ярқираб туради. Незабуднийнинг номи дунёдаги барча цирк манежларида янграп, спорт журнallари саҳифаларидан тушмасди. Беш қитъадаги пойтахтларда ранг-баранг афишаларда унинг суратлари босилиб туради. Бу суратларда рассомлар Артёмни ваҳшиёна қиёфада кўрсатишга зўр бериб интилганларига қарамай, паҳлавоннинг хушфеъл, мулойим, барваста бир одам эканлиги кўзга ташланар, у ўзининг мислсиз жуссаси ва оддий одамга хос бўлмаган куч-қувватидан ҳатто сал уялаётгандай кўринарди. Серҳашам қушнинг қанотига ўхшайдиган мўйлови, катта тоғорани қоплаб қўйса бўладиган сомон шляпаси, маҳсус тиктирилган пойафзаллар сирасида номери топилмайдиган баҳайбат ботинкалари, оғирлиги бир ярим пуд келадиган ва дуб ёғочидан ясалган машҳур ҳассаси, ичидан бир сўмлик кумуш танга бемалол ўтадиган узуги, ҳаммаси аллақачонлардан бўён сон-саноқсиз карикатураларга материал бўлиб келди.

Бироқ, Артёмнинг газетачиларга ем бўладиган бошқа аломатлари йўқ эди. Ҳамма жойда рус чемпионининг ғоят соғдиллигини ва спорт соҳасида сотилмаслигини билардилар. У ҳеч қачон «шике»га, яъни рақиби ёки арбитр билан келишишга рози бўлмасди. У нуқул ҳалол курашиб, ҳеч қандай найрангбозликка йўл қўймай, зўрлигидан ва вижданан курашиб ғолиб чиққан!..

Профессионал спортда ҳар хил найрангбозлар, олғирлар учун, түғрисини айтганда, худонинг қаҳр-ғазаби эди у.

Незабудний спорт картеллари корчалонларининг дўқпўписаларидан қўрқмай, уларни бир неча марта шарманда қилди, шундан кейин бу рақиблар Незабуднийдан ўч олишга уриндилар. Унинг адабини беришга тайёрланиб, қотиллар ёллаб, уларни Незабуднийни ўлдиргани юбордилар. Бироқ у машҳур француз курашчиси Рауль де Буше қисматига дучор бўлишдан ўзини сақлаб қолди; Рауль де Буше билан келишолмаган кишилар уни ўлдирган эдилар... Незабудний Филадельфияда юрганида унга ҳужум қилган йўлтўсрарлардан учтаси икки ой касалхонада ётиб чиқди. Улардан бири — шайка бошлиғи эса бир умрга бўйни қийшайиб қолди. Незабудний унинг ҳақида: «Шунга ҳам раҳмат десин, калласи елкасига ёпишиб қолса ҳам, ҳар ҳолда жойида қолди-ку, яна бир ғашимга тегса, калласидан батамом ажралади», — деб ҳазил қиласарди.

Артём Иванович, бақувват одамларнинг кўпчилигидек, ғоят даражада очиқ кўнгил киши эди. Цирк хўжайнлари унинг куч-қуввати ва шуҳратини сотиб давлат орттирас, ҳамиша уни алдар эдилар. Унинг ўзи эса салгина бойишга ҳам интилмади. Бунинг устига, яна шуни ҳам айтиш керакки, Артём Иванович гарчи мўмин-қобил одам бўлса ҳам, кутилмагандаги ажойиб-ғаройиб ишлар қилиб қўярди. Чунончи, гоҳо у бозорда қўққисдан ҳамма пўстинларни сотиб оларди-да, уларни ўз иштирокида чемпионат ўтказилаётган Волга бўйидаги шаҳар етимхонасидаги етим болаларга совға қиласарди. Гоҳо пристанларда извошлар турадиган жойдаги барча файтонларни кира қиласарди-да, жамики юк ташувчиларни файтонларга ўтқазиб, ўзи олдинги файтонга ўтириб олар, бу ғалати карвон катта кўчадан ўтиб бораркан, ҳайратда қолган миршабларни четга чиқиб йўл беришга мажбур қиласарди. Пароходдан тушган «жаноблар» эса пристандан ўз манзилларига пиёда жўнашга мажбур бўлардилар... Гоҳо эса бундай ҳам бўларди: Незабудний йўл-йўлакай ўзи туғилган Сухоярка қишлоғида тўхтаганида (ҳамқишлоқлари уни шахтада кўмир қазиган чоғлариданоқ билардилар) якшанба куни Артёмнинг соғлиғига ичиши истаган ҳар ким унинг ҳисобидан хоҳлаганича ичиши мумкин, деб эълон қиласарди. Майдонга

челаклаб ароқ териб қўйилар, ёппасига бутун посёлка аҳолиси ичиб маст бўлиб қоларди... Умуман, цирк соҳиблари ва чемпионат ташкилотчилари бошига Незабудний кўп ташвишлар орттириб турад эди.

Революция бошларида у мамлакатнинг жанубида авжига чиққан граждан урушига дуч келди. Бу ерда, Одессада, ўша кунларнинг бирида у Котовский билан учрашди. Афсонавий комбриг Котовский қанчалик бақувват бўлмасин, Артёмдан зўр чиқолмаслигини айтиб тан берди: улар кунларнинг бирида, тирсакларини столга тираб бир-бирининг кафтига кафтини қўйиб, куч синашдилар, бироқ Котовскийнинг бақувват кафти қаторасига уч марта бардош беролмади. Григорий Иванович Котовскийга ўшаида жуда алам қилган эди.

Ўша пайтларда Артём ўзи туғилган Сухояркада, бирдан кўп йиллар бурун орзу қилиб юрган муродига эришди; у ёқимтой, хушчақчақ ва уятчан Галина Хмелько деган қизга уйланди. Галина илгари шахтларда плитачи бўлиб ишлаган ва ўша пайтларда Артём у билан учрашган эди. Кейинчалик у касалга чалиниб, шахта бошқарувчиси Грюппонга уй хизматчиси бўлиб ёлланган эди. Артём хотини билан узоқ яшай олмади. Артёмни шартнома билан циркка ишга олган импресарио — митти, сариқ қув киши — Андриян Стефанович Зубяго-Зубецкий Незабуднийни излаб Сухояркага келди; бу киши Артём Незабуднийнинг циркда тер тўкиб топган пулига аллақачоёнлар ўзига уй ва дача қуриб олган эди. У Артёмни Одессага олиб кетди, у ерда кураш мусобақаси бўлиши керак эди.

Артём Галляга, бир-икки ойдан кейин қайтиб келаман, деб ваъда қилган эди. Бироқ тез орада оқ ғвардиячилар мамлакатдан қочди, шу билан жанубда гражданлар уруши тугади. Ана шунда ваҳима тўлқинларидан бири ўйлашга одатланмаган Артём Незабуднийни денгизнинг нариги томонига олиб кетди.

У аллақачонлар қўл қўйган шартномага биноан, Стамбулда, ундан кейин эса Парижда курашмоғи керак эди. Зубяга унга ҳаёт сал изга тушиши билан Батанингга қайтасан, деб сўз берган эди. Аммо ҳаёт ҳадеганда изга тушавермади.

Ўша маҳалларда олам биринчи жаҳон урушининг гоят катта ғалва ва даҳмазаларидан кейин эндигина ўзинга кела бошлаган эди. Одамлар мияни ишлатмайдиган

томушаларга ва мишишларга жуда ташна бўлиб қолган эдилар. Курашга таклифлар бетиним давом қиласарди. Артём бир чемпионатда курашдан кейин навбатдаги мукофотни олиб, цирк манежида ташаккур билдиришга улгурмасданоқ, чемпионлик кубоклари, медаллари териб қўйилган камарини, кураш пайтида киядиган либосини чамадонга жойлаб, дунёнинг бошқа бир бурчига етиб олиш учун поезд ёки кемага шошилар, энди у ерда унинг катта ҳарфлар билан ёзилган номи ва расми босилган афишалар осиб қўйилган, унинг бу расмида жаҳондаги карикатурачиларга маълум бўлган, қўтоснинг шохлари га ўхшаган мўйловлари диккайиб, аслида мулоим бўлган кўзлари жаҳл билан бўзрайиб турган бўларди.

Ҳа, унинг номи ҳамма ерда маълум-машҳур эди. Артём ҳамма жойда ўз номи ёзилган афишаларни кўрарди. Барваста ва машҳур Артём ўз шуҳратини бутун дунёга таратган эди. Узини оламда кўп жой ишғол қилган беҳад азим одам ҳис этарди.

Аммо, бора-бора юраги сал-пал оғрийдиган бўлиб қолди. У ҳатто бир-икки марта кураш майдонига чиқишдан ҳам воз кечди. Очигини айтганда, олам ҳам кўзига борган сари тор кўрина бошлади. Кураш уюштирувчиларнинг манфаати ва вақтни тежаш кўзда тутилиб, самолётлардан тобора кўпроқ фойдаланишга тўғри келарди. Бу аҳволда олис саёҳат гашти бўлмас, босиб ўтилган жойларнинг турли-туманлигидан баҳра ололмас, ҳамма ер бирдек кўринарди.

Божхонанинг сип-силлиқ столларида чамадонлар турибди. Радио мусофиirlарни самолётга чиқишига чақиряпти. Самолёт кабинасига чиқиладиган зинапоя келтирилди. Бошига пилоткасини қийшиқ кийиб олган нозиккина стюардесса<sup>1</sup> тик босиб турибди. Торгина, кресло, «Илтимос: ўзингизни боғлаб олинг. Училаётгандага чекилмасин», деб ёзиб қўйилган. Қучли моторлар гуриллади. Деразадан ўт-ўлан, дараҳтлар, иморатлар рўпараидан ўқдек ўчиб келаётгандек кўринаади. Уфқ қийшайиб, пастга тушгандай бўлди. Қулоқларга пахта тиқиб қўйилгандай. Сидирғасига ўн соат булутлар орасида училди. Яна қулоқлар оғриб қолди. Нарвондан сакраб-сакраб тушгандай пастга тушилди-да, самолёт қаттиқ ерга қўнди. Қулоқ бирданига кар бўлиб қолди-ю, сўнгра аста-секин

<sup>1</sup> Самолётда ўловчиларга хизмат қиладиган официант аёл.

овоз эшитила бошлади. Самолётга зинапоя келтирилди. Оёқ остида ер шарининг иккинчи ярми пайдо бўлди.

Артёмнинг шон-шуҳрати бир замонлар ёйилган ер юзидағи бепоён кенглиқлар ғойиб бўлгандек. Ўша йилларда у қаерларда бўлмади дейсиз! Незабудний бутун дунёни кезиб чиқди. Аста-секин у доимо, тез-тез такрорланиб, одат тусиға кириб қолган қароргоҳининг ўзгаришларига бефарқ қарайдиган бўлиб қолди. Манежни ўраб олган амфитеатр деворларининг нариёғида нима бору нима йўқ, бунинг нима фарқи бор унга? Томоша тугагандан кейин олдида томошабинлар, цирк билимдонлари ва ўғил болалар тўпланишиб хирадлик қиласидиган артистлар хонаси эшигининг қай томонга қараши бари бир эмасми?

У ёқда, ташқарида нималар борлигининг ишга даҳли борми? Шаҳар устида ғиштин сухоридонга ўхшаш Колизей юксалганми ёки бу ёғидан-у ёғи кўриниб турадиган қуондек қотган Эйфель минорасими? Еки Темза дарёси устидағи туманда тиржайиб турган минораларнинг кунгураларими? Еки Мельбурннинг эвкалипт дараҳтларими? Бродвейнинг рекламалар мавжланган электр чироқларими? Еки кундузлари қудуққа ўхшаб, остидан юлдуздек чироқлар милтиллаб кўринадиган, кечалари эса чироқлари ўчадиган юз қаватли иморатлар орасидағи тор кўчаларми? Еки Кейптауннинг жазирама террасалари устидағи жимжима каноп соябларми? Еки дашт тумани билан қопланган уфқда, узоқдан қараганда жонажон шахталарни эслатадиган азим эҳромларми? Ахир бари бир эмасми бу? Хуллас, иқлиmlар ва табиий манзаралар ўзгариб турди. Гоҳ тропик жазирама баданга пластик плёнкадек ёпишади. Гоҳ эса Алясканинг бирон жойида циркдан чиққанда изғирин юзни чимдилаб олади. «Бўғма илон билан олишув» ифодаланган афишадагидек, қор аралаш қуюн кўкракни ўраб-қучиб олади...

Айлана манежга тўшалган квадрат гиламдан, яъни курашдан четда қолмаслик учун ҳамма жойда ҳамиша беллашишга тўғри келади. Математика ҳаваскорларидан бири Артёмга, доира квадратураси масаласи асло ҳал қилиб бўлмайдиган масала, деб тушунтирган эди. Артём буни осон йўл билан ҳал қилишга уринаётгандай кўринарди.

Ҳамма иш яна ўша-ўша, такрорланаверарди: томоша охирида томошабинларнинг гулдурос олқишлиари ос-

тида, фотомухбирларнинг аппаратларидан магнит нурлари чарақлаётган пайтда манежни дабдабали йўсида бир айланиб чиқиш, оёқ остида эзилган гилам ҳамда кураш пайтида рақибининг пишиллаб нафас олиши ва томошабинларнинг бутун циркни бошларига кўтариб ўкиришлари такрорланаверди.

Незабудний ёшлигида шон-шуҳратга ва у билан боғлиқ бўлган пулга ўч эди, уни спорт хумори қамраб олган, ўзига жалб этган эди. Энг зўр рақибларни манежга тўшалган юмшоқ гиламга чалқанчасига ётқизиб қўйиш унга лаззат бахш этар эди. Рақиблари унга не-не ҳийла-найранглар ишлатмасди дейсиз! Бироқ у бу найрангларни пайқаб оларди. Аммо бориб-бориб, бу ҳам оддий бир нарса бўлиб қолди. Худди ўша мустаҳкам тартиб-қоидаларга буйсуниш ҳамда яна ва яна таъсирли, лекин аллақачонлар ўрганилган усулларни ишлатиш кераклиги энди унинг ғашига тегадиган бўлди: ҳолбуки, цирк томошабинлари ўша усул ва қоидаларнинг қандай қўлланишини ўз кўзлари билан кўришга жуда ҳавасманд эдилар.

Артём шу йиллар мобайнида ким-кимлар билан учрашмади дейсиз! Аммо бу кишилар бегона ва тез-тез ўзгариб, алмашиниб турар эдилар. У тунаган хона ҳам вақтичалик бошпана эди. У босиб ўтган ерлар ҳам бегона эди. Хуллас, унинг ҳаёти уй-жойсиз, бошпанасиз ўтмоқда эди. Навбатдаги чемпионатнинг охирида у голиблар курсисига — ҳурмат курсисига чиқиб олиб, нуқул «I» рақами тепасида турганида ҳар сафар у ўзини ўнғайсиз ҳис этарди. Бу пайтларда чемпионатни уюштирганлар қайси байроқни кўтаришларини, қайси гимнни ижро этишларини билмас ва тантанали дақиқанинг бу маросимини амалга оширмай қўя қолардилар. Артёмнинг шон-шуҳратини мақтанадиган ёки ғам-ғуссасини айтадиган кишиси ҳам йўқ эди.

Дастлабки вақтларда у, яқинда ўз юртимга қайтиб бораман, деб ўзини-ўзи юпатарди; шартномага мувофиқ, турнирда рақибларим билан учрашаману Сухояркага жўнайман, Галянинг қошига бориб, у билан бирга яшайвераман деб хаёл қиласарди. Бироқ ўша йилларда чет эллардан Совет Россиясининг жанубига почта камдан-кам келар, гражданлар уруши фронтларида, аллақаёкларда йўқолиб кетарди. Шундай қилиб, Артём хатларига уйидан ҳеч жавоб ололмагач, бунга ўзича маъно бериб, кейин

хат ёзмай қўйди... Унинг уйнига олиб борадиган сўқмоқ йўлни кундан-кун қуюқ ўт-ўлаш босаверди. Фурбатдаги тақдир Артёмни тобора нарроқ судраб кетаверди. Шовшувли гирдоб уни батамом ўз қучоғига олиб, бу шароитда ўз юртини тобора қаттиқроқ соғинди. Бундан ташқари, Зубяго ҳам ўтмишга энди қайтиб бўлмаслигига ишонтира олди... Артём Незабуднийнинг теварак-атрофидаги одамлар ҳам Ватанга қайтиб бориш йўли энди узил-кесил бекилган деб гапирадилар. Ростини айтганда, бу ҳақда жон куйдирмаса ҳам бўлади, чемпионлар чемпиони бошқа мамлакатларда ўз хизматлари эвазинга оладиганини большевиклар ҳеч қачон беролмайди, дерди улар.

Америкада ҳам, Европада ҳам унга бошқа машҳур руслар билан учрашишга тўғри келар, бу кишилар ҳам, худди Артём спингари, хавф-хатарли кунларда Ватанларини ташлаб кетган эдилар: улар ҳам Ватанини соғинар, лекин ҳар хил мулоҳазаларга кўра ўз юртларига қайтмасдилар. Париж бульварларидағи кафеларда Артём ёзувчи Куприн билан бир неча марта учрашиб, у билан сухбатлашган эди; Куприн курашчи Артёмининг руҳий ҳолатини ва Россияяда юз бераётган аҳволни жуда тўғри тушунарди; у Россиядаги воқеаларга жуда қизиқар, лекин у вақтда ҳали адсоват билан қаарди.

Кунларнинг бирида Нью-Йоркдаги циркнинг саҳна орқасига — Артём ҳузурига Фёдор Иванович Шаляпин кириб келди. Бошда у Артёмининг мускуллари катталигига ва бақувватлигига, худди болалардек завқланиб, ҳайрон бўлиб тикилди, қўли билан силаб-сийпаб кўрди, жуда қойил бўлиб, манглайида бир тутам оқара бошлиган сочи кўзга ташланиб турадиган чиройли бошини завқ-шавқ билан чайқаб-чайқаб қўйди, ўзи ҳам паҳлавонлардай бўйдор бўлишига қарамай, Артёмининг дароз жуссасига пастдан юқорига қараб завқланди... Ҳаттоки Артёмининг гавдасини гипсдан ясашга ҳам сўз берди — Фёдор Иванович эрмак учун аҳён-аҳёнда ҳайкалтарошлик билан ҳам шуғулланарди. Сўнгра Фёдор Иванович тўсатдан Артёмини қучоқлаб олди ва иккаласи Волгани, чўлларни, жонажон ўлкаларини, юртларига олиб борадиган ва гўё йўқолиб кетгандай туюлаётган йўлларни соғиниб, эслашиб, йиғлаб юборишларига сал қолди.

Шаляпин ўша вақтда Калифорнияда курашаётган Артёмни бир куни Чарли Чаплин ҳузурига — дачага так-

лиф қилди, ўша куни дачага «икки Сергей», яъни бирбиридан жуда фарқ қиласидиган, аммо музика соҳасида ака-ука бўлган, Сергей Рахманинов ва Сергей Прокофьев ҳам меҳмон бўлиб келишган эди. Шу куни Голливуддаги дачага меҳмон бўлиб келишган машҳур кишилар, шуннингдек дачанинг эгаси ҳам ўз сахий талантлари билан меҳмонларни иложи борича хурсанд этишга ҳаракат қилишарди. Масҳарабоз юзидағи ўйчан, ранжигансимон кўзлари чақнаб турган паканагина мезбон шўх бир киши эди; у ўзининг саҳнадаги ҳар хил қилиқлари билан бутун дунёда томошибинларни хахолаб, қотиб кулишга мажбур қиласиди. У меҳмонларга турли кулгили томошибалар кўрсатди. У машҳур ботинкаларга қадалган вилкалар рақсини кўрсатди. Незабудний буни илгари машҳур «Олтин талвасаси» фильмида кўрган эди. Жиддий қиёфали, афти қадим замонлардаги одамлар қиёфасини эслатувчи, улкан қомати билан Артёмни ҳайратда қолдирган Рахманинов ёқимтой Прокофьев билан рояль ёнига ёнма-ён ўтириб; Прокофьевнинг узун бармоқлари рояль клавишлари устида чаққон ҳаракат қиласаркан, худди авраётгандай кўринарди. Ўшанда иккала машҳур композитор ёнма-ён ўтириб, тўрт қўл билан мактабда чалинадиган жуда кулгили пъесани чалиб беришди... Сўнгра Шаляпин москвалик маст савдогарни шундай қилиб кўрсатиб бердики, ҳаммани ўзига мафтун қилиб қўйди. Унинг йўғон овози ҳамма ёқни титратар ва бирданнiga ўчиб, эшитилмайдиган дараҷада секинлашиб, айни замонда жозибали, аниқ янграр эди. Артём Чаплиннинг улуғ рус ашулачисига ошиқ бўлгандай тикилиб турганини кўрди.

Ана шунда Артём Незабудний ҳам меҳмон қилган бу ажойиб кишиларнинг кўнгилларини очмоқчи, миннатдорчилигини шу орқали изҳор қилмоқчи бўлди. У ҳаммани рояль устига чиқиб ўтиришини илтимос қилди, ўзи эса рояль тагига кириб олди-да, салгина зўр бериб, роялини ҳам, унинг устидагиларни ҳам кўтариб, меҳмонхона бўйлаб юрди... Ҳамма завқланди, айниқса бунга мезбои қойил қолди. «Мацист—пигмей»<sup>1</sup>, деди у писанд қилмай қўл силтаб, қоп-қора, шўх кўзларини чақнатиб ва Мацистнинг бўйи Незабуднийнинг елкасига ҳам етмаслигиги кўрсатди.

<sup>1</sup> Пигмей — митти дегани.

Артём ўша вақтларда жуда кўп кинофильмларининг қаҳрамони бўлган овсар баҳодир Масистин бир неча бор киноларда томоша қилган эди, шу сабабли мезбонининг бу фикридан қувонди. Америкалик улур артистининг рус меҳмонлари ўз ватандошларининг баҳодирона куч-қувватидан фахрланганликларини яшиrolмай кулимсираб қўйнишди, унга қойил қолган эдилар. Ушанда, кечак охирда ўз эл-юрти яна Незабуднийнинг фикрини чулради.

Кейинчалик Артём ўша меҳмонлардан бири — Про-кофьев ўз Ватанига қайтиб борганини, унинг музикаси жонажон юртида янги куч ва шараф билан янграётганини эшилди.

Артём Незабудний бир маҳал Мехикода бўйи баланд, кенг яғринли, кўзлари бургутникидай чақнаб турадиган бир кишига дуч келди; уни ниҳоят дараҷада шод-хурсандликларидан қўлларини шақиллатиб, оғизларини чапиллатиб шовқин қилаётган мексикаликлар ўраб олган эди. Бу киши Незабуднийга катта, бирмунча хафасимон кўзлари билан бир қараб қўйди-да, бундай қараганда каттадек кўринган оғзини сал очиб, оҳангдор, паст овоз билан ҳамроҳларидан: «Бу осмоннинг устунини бу ерга Манхеттендан<sup>1</sup> келтиришганми?»— деб сўради. Незабуднийнинг номини эшилгандан кейин унга елкаси оша маъқул кўрмагандай бир кўз ташлади, Незабуднийга шундай туюлди. Кейинчалик Незабудний бу киши Маяковский эканини билди. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, мабодо Незабудний ўшанда, ўз олдидаги ватандоши бўлган машҳур шоир турганини билганида ҳам унинг ҳузурига яқин келишга журъят этолмаган бўларди.

Яна бир куни шундай воқеа рўй берди: америкаликлар Чкаловни хушчақчақлик билан табриклардитар. Қизиққан, завқланган оломон қуршаган машҳур учувчи Артёмнинг баҳайбат гавдасини пайқаган бўлса керак, бу азиз одамга узоқдан туриб, хушчақчақлик билан кенг яғринини олдинга суриб, бош иргади. Артём эса шляпасини қўлига олиб, бошини эгиг қўйди, холос. Биринчи бўлиб қутб орқали Европадан Америкага парвоз қилган улуғ учувчига нима ҳам дея оларди. Унга, Артём Незабуднийга эса, ўз юртигача бўлган масофани босиб ўтиши мумкин эмасдек кўринарди.

<sup>1</sup> Нью-Йоркдаги кўп қаватли жуда баланд иморатлар қурилган кўча.

Артём Поль Робсоннинг ашуулаларини ҳам әшиитди. Робсонни у овози учунгина эмас, балки қора баҳмалдан ясалгандай баҳодирона қад-қомати учун ҳам жон-дилидан севиб қолди. Робсон рус паҳлавонига кўп нарсаларни гапириб берди. Поль Робсон россиялик тоғдай азамат одам билан учрашганига қадар Алабама штатидаги Незабуднийнинг ўз ҳаётини хавф-хатар остига қўйиб, бир батрак негрни муқаррар қатл этилишдан сақлаб қолганини, теварагида гулхан ёнаётган устунга боғлаб қўйилган шўрлик негрнинг занжирини Незабудний ўз қўли билан узганини эшигтан эди.

Бу воқеанинг тафсилоти шундай бўлган эди: қизиб кетган занжир негрнинг қон оқиб турган қора танасига ботган, унинг бутун аъзойи бадани оғриқ ва даҳшатдан қалтириарди! У оёқларини у ёқ-бу ёғига тацлар, газолин сепилган тараашалар алангаланиб ёнарди. Бошидан-тово-нигача оқ ғилоф кийган, бошига ҳам юзи кўринмайдиган, енг ўрнига икки тешик қолдирилган ниқоб кийган бир одам милтиқдан ўқ узишга тайёрланган эди, худди шу пайт Незабудний ўзининг кенг кўкси билан чала-жон негрни тўсиб олди. Паҳлавоннинг эгнидаги дағал жундан тўқилган пиджаги куя бошлаган эди, у алангаланиб ёнаётган гулхандан — олов, тутун ичидан, қутурган, дарғазаб оломон ҳайқириғи остида негрни кўтарганича аста чиқиб келди. Ўқ узишга журъат қилишолмади. Паҳ-лавонни таниб қолишиди. Бу паҳлавон куни кечагина ма-ҳаллий циркда бразилиялик қорни катта, лунжи осиқ, шилқим Хуан Баррейрасни курашда енгган эди. Ўшандаги шаҳар кўчаларида музика садолари остида қўл-ларида кўтариб юришган эди. Ҳозир эса оломоннинг ға-заби довюорак паҳлавоннинг куч-қудрати олдида беихти-ёр бўшашибди. «Бугунча қора турхнинг омади келиб қолди-я. Ҳа, майли, яна қўлга тушиб қолади...» дейишарди ирқчилар.

Машҳур негр ашулачиси Поль Робсон Артёмининг бу олижаноб ишини эслаб, Американинг жанубидаги негрлар ҳаётидан яна бир талай даҳшатли воқеаларни унга гапириб берди. Лекин, ҳар ҳолда, бу киши ўз мамлакатини севар, унинг билан фахрланар, ўзи билан яшаётган ҳалқа ишонарди. Аммо руснинг, Артём Незабуднийнинг эса на ватани, на бошпанаси бор...

Сўнгра Чикагода ҳамманинг эсида қоладиган машҳур жанжал юз берди. Курашнинг энг охирги тўқиашуви

пайтида, навбатдаги жаҳон чемпиони унвонини ким олиши масаласи ҳал этилмоқда эди. Артём Незабудний Шимолий ва Жанубий Америка чемпиони Роб Келли билан курашаётган эди. Бироқ Келли шунда атайин найранг ишлатишга киришди. Незабудний кураш бошланишига-ча Келлининг жюри ва арбитр билан олдиндан тил биринкириб қўйишидан гумонсираган эди. Артёмни мусобақа бошланишидан ачча илгари пора бериб, ён беришга унатишга уринишди. Унга ёлғондакам мағлубияти учун кўп пул таклиф қилишди. «Якка ўзингиз шунчалик ҳукм сурганингиз бўлар энди. Ор-номус ҳам керакда. Ахир сиз яхши ўртоқ бўлсангиз, бошқалар тўғрисида бош қотиришга ҳам вақт етди,— деб ўгит-насиҳат қилишди Артёмга.— Сизга ҳавои тоҷ ўрнига нақд тилла таклиф этишяпти. Келли иккала Американинг ҳам санами. Биз сизни огоҳлантиряпмиз. Бари бир, сиз уни эплай олмайсиз. Олдиндан келишиб олган маъқул эмасми? Ўзингизга яхши!»

Йўқ, Незабудний бу гал ҳам муросага юрмади. Аммо унинг рақиби Келли кураш майдонига баданига аллақандай мой суркаб чиқди. Унинг бадани ялтираб турар, рақибнинг қучоқлаб олишига имкон бермас, сирғаниб кетарди. Незабуднийнинг темирдек қаттиқ бармоқлари Келлининг танасига ботса ҳам, шу ондаёқ тийғаниб кетарди. У худди балиқдай Незабуднийнинг сиқифидан чиқиб кетарди. Незабудний норозилик билдириди. Арбитр Келлини «баданингни артиб ол» деб кураш майдонидан чиқарар, Келли эса кулимсираб, баданини сочиқ билан енгил-елпи артиб оларди, холос. Бироқ танага сингиган мой, кураш бошланиши биланоқ, тер аралаш яна чиқаверди. Ана шунда Незабудний бу рақиб билан олишувдан воз кечди. У жюрига ва томошабинларга мурожаат қилиб кўрди, лекин беҳуда кетди. Курашни давом этдиришдан бош тортгани учун уни мағлубиятга учради, деб ҳисоблашди. У расмий жаҳон чемпиони унвонидан маҳрум қилинди.

Халқаро спорт матбуотида бу жанжал атрофида кўтарилган шов-шув анчагача давом қилди. Бу адолатсизликдан қаттиқ ранжиган Незабудний, энди курашни ташлайман деб эълон қилди. Аслида эса у, қандай қилиб бўлса ҳам ўз Ватанига қайтиб боришга узил-кесил қарор қилган эди. У Америкадан Европага келди. У энди жонажон ўлкага қайтиш тўғрисида зарур тадбирларни

кўриш учун Совет ҳукуматининг чет эллардаги вакиллари билан музокаралар бошлаган эди.

Бироқ бу орада фашистлар билан уруш бошланиб қолди. Незабудний ҳам Францияда қолди, сўнгра, гитлерчилар Францияни босиб олганидан кейин, Италияга кўчди. Шу ерда унга, Европада ишлар жойига тушгунча, эл юртига қайтиб бориш учун яна бир уриниб кўриш пайти келгунча кутиб туришга тўғри келди.

Незабудний, Рахманинов уруш бошланган биринчи кундаёқ совет ваколатхонасига келиб, адолатли бу курашда рус ватанпарвари сифатида халқимга нима билан ёрдам кўрсатсамикин, деб сўраган эмиш, деган гапни эшилди. Овозаларга қараганда, донгдор композитор концертлар уюстириб, маблағларини Совет Армияси эҳтиёжларига бераётган эмиш.

Шу пайтга келиб, Артёмнинг куч-қуввати камайган, юраги ҳам заифлашиб қолган эди. Манежда энди кўнгилсиз воқеаларга ҳам дуч келиб қолиши мумкин эди, ҳолбуки у кураш майдонига ёйиб қўйилган гиламдан кураги ерга тегмай чиқишини истарди... Ана шунда Артём ёшлиқ даврида, Россиянинг жанубий шаҳарларида, Волгагда ва Сибирда томошабинларнинг асабларига қаттиқ таъсир қилган ва бир замонлар шуҳрат келтирган томошаларини кўрсата бошлади. У яна афишаларда «тирик кўприкни», яъни ўз устига тахта супа қўйиб, бу супадан автомобиллар ўтишини кўрсатажагини эълон қилди. У машҳур «Гладиатор қабри»ни кўрсатишга киришди. Бу томошада икки метр чуқурликда ўра қазиб, брезент ёпилган ўша ўрага туширадилар уни, устидан тупроқ билан кўмид қўядилар, шу ҳолатда ўн минутча ўтгандан кейин, залдаги томошабинлар «бас, бўлди» деб шовқин кола бошлашлари биланоқ, бети ердек қорайган, терлаган Незабудний эсон-омон тупроқ остидан чиқарди. Бунда Артёмга мислсиз кучдан ва ўпкасининг ғоят даражада кенглигидан ташқари, шахтёрлик маҳорати ҳам ёрдам қиласарди. У ёшлигида икки марта шахтада руда остида қолиб, кон муҳофазачилари етиб келгунча нафас олмай турган эди.

Артём Незабудний ер юзининг турли шаҳарларида оддий одамнинг қўлидан келмайдиган бу даҳшатли но мерни — «Гладиатор қабрини» кўрсатишда катта муваффақият қозонди. Америкада Артём Незабуднийнинг эллик йиллик юбилеи ўтказилган йилиёқ, унинг бой

мухлислари пул тўлашиб, унга совға қилиб, махсус тайёрланган бир жуфтг кубок-ваза тақдим қилишган эди; бундай кубок-вазаларни қадимда камин устига қўйишарди. Кумушдан қилинган паҳлавон кучи борича мускулларини таранг қилиб, бир тиззаси билан ерга таянганича, иккинчи оёғи билан тош қабр ичидагуриб оливин<sup>1</sup> тошларга таянган. Тошга қалқон бириктирилган. Иккинчи қўли билан у худди шундай оливиндан қилинган катта қадаҳни ва ердан юксалган устунни тепасида қўтариб турипти. Артём ўзининг спортчилик соҳасида олган сўнгги бу фахрли совғасини — қўш совринни жуда қадрлар эди.

Лекин бир воқеа рўй бериб, у бу қўш вазалардан бирдан ажралди. Артём Незабудний буни эслашни ҳам хоҳламасди. Ҳамма гувоҳлар бунниснод келтирадиган иш деб ҳисоблардилар. Ўшанда шу иккинчи ваза билан бирга унинг шон-шуҳратининг гўё ярми йўқолгандай, қолган иккинчи ярми ҳам шубҳа остида қолгандай қўринган эди... Бу ҳодиса Незабуднийнинг обрўсига доғ келтирган ва унинг бусиз ҳам чнгал таржимаи ҳолига яна бир тугунча боғлаган эди. Хайриятки, ўша даврда профессионал курашчиларнинг шон-шуҳрати текшириладиган «Гамбург ҳисоби» билан овора бўлишга одамларнинг фурсати бўлмай, уруш ғулғуласи остида, Европада камдан-кам одамлар бу кўнгилсиз воқеадан хабардор эди. Аммо Артём бу воқеа учун ўзини кечира олмас эди. Бу шармандали сир Артёмга ҳамма жойга ҳам унинг кетидан судралиб юргандай туюларди. Орадан бир неча йил ўтгандан кейин Артём бу воқеани тунда эсига туширишганида сиқилди, азобланди, шиддат билан бошқа ёғига айланиб, ўтиб кетган шармандали ҳодиса яна бошига тушаётгандай чўчиди. У ўзини эзаётган бу воқеа исканжасидан қандай қутулишини билмасди. Бу ҳақда ўйлай бошлиши биланоқ, қандай қутулиши йўлинни топдим деган заҳоти, кўз ўнгига калаванинг уни ғойиб бўларди... Кураш майдонида ҳам Артём кураги гиламга тегай деб қолгандаги билан бир амаллаб қутулган рақибларни кўрган эди.

Бу воқеа узоқ йиллар давомида Артёмнинг юртига қайтиб боришига халақит берди, ҳолбуки энди юртига бемалол қайтиш пайти келган эди. Ростини айтганда,

<sup>1</sup> Магний ва темирнинг кремнезём билан бирикмаси.

ҳозир ҳам, у мабодо уйнинг бориб қолсам, ватандошларим бу воқеанинг эшишиб қолишар, деб жуда ҳайиқар эди, аммо у ана шу воқеадан кейин саҳнага ҳеч қайтмади.

### III БОБ

## БОГРИТУЛИ БИЛАН ИККИ УЧРАШУВ

Лекин, шундай бўлса ҳам Артём Незабудний Ватаннига қайтиш тўғрисида пишиб етилган фикрини унутилас мас бошқа бир воқеадан кейин узил-кесил амалга оширишга қарор қилди.

Европада уруш давом этарди. Гитлерчилар армияси, газеталарнинг хабар беришига кўра, Артём яшаган жонажон жойларни аллақачонлар босиб олиб, Волгага қараб силжимоқда эди... Артём ўша маҳалда Италияда эди. У фақир ҳаёт кечирав, Болонья яқинидаги Альфонсинэ деган шаҳарчада боғдорлар ва газ заводлари ишчилари орасида истиқомат қиласди. Тирикчилик манбаи йўқ эди. Хусусий одамлар маблағи ҳисобига Артём томонидан ташкил этилган гимнастика-атлетлар мактабининг ўқувчилари тарқалиб кетди. Фашислар Италияси ўша вақтларда энди урушда батамом ютқазганини тушуниб қолган, шу сабабли у тўқнашувдан чиқиб олишга, машъум гиламдан сирғалиб чиқиб, чеккада итоаткорона қараб туришга ва шу билан батамом мағлуб бўлиш даҳшатидан қутулиб қолишга ҳаракат қилмоқда эди. Гитлер Италияни оккупация қилди. Ана ўшанда Апеннин ярим оролининг бутун шимолида ҳалқ уруши бошланниб кетди. Артём итальян партизанларининг фидокорона ҳаракатлари, уларнинг қаторларида итальянлар билан бирга ўлим лагерларидан қочган рус, француз, югослав ва чехлар ҳам жанг қилаётганини эшишган эди.

Унутилас, туманли, ёмғирли кечаларнинг биринча оккупантлар ҳамон ишғол қилиб турган шаҳарда, ўлимга маҳкум маҳбусларнинг лагердан яна қочганликлари маълум бўлиб қолди. Артём шу кечаси уйга қайтаётган эди. У зим-энё тунда тўсатдан бирорнинг: «Синьор!.. Месье!.. Друже!.. Қамрад!.. Үртоқ!..» деганини эшилди. У нақ оёғи остида ётган бир кишини кўриб, қоқиниб кетаёзди. Бу киши жуда озиб кетган, безгак тутгандай титрар, тротуарининг бир чеккасига таянмоқчи бўлар, йўлдаги тошлар

орасига кириб кетмоқчидай, қоронгилик билан қўшил-моқчидай туюларди. Ётган бу киши дарҳақиқат: «Ўртоқ» деб пичирладими ёки Артёмга шундай туюлдими?.. Бу сўз бир замонлар шахтада ишлаган пайтларида, Артёмнинг ҳаётида жуда муҳим сўз ҳисобланарди.

Муюлишдан иккى марта ўқ узилди. Оғир этик кийган аллакимларнинг оёқ товуши эшишилди. Ўйлаб туриш фурсати эмас эди. Артём бу одамни кўтариб олди-да, ёнидаги тор кўчага ташланди. Лекин район қуршаб олинган эди. Артём ярадорни орқалаб олди, ярадорнинг гавдаси ниҳоят даражада енгил, деярли вазнсиз ва факат суяқдай туюлди. Артём бошқа бир гор кўчага кирган эди, қоронгида уни гитлерчи соқчилар ўраб олишди. Мислсиз куч билан уч метрлик баландликдаги девордан иргитилган фашистлардан бири елкаси синиб, бир неча дақиқадан кейин ўзига келди. Унинг автомати синиб, металл қисмларидан биттаси ёндош уйнинг эшигига қадалди. Тор кўчадаги уйлар ёнида соқчи фашистлардан бири қаршилик кўрсатаётганида, тротуардан суриб юборилган лимонад будкаси билан девор орасида қисилиб қолди: шовқин-суронга етиб келган гитлерчилар янгишиб, унга ўқ уздилар.

Эртасига газеталарда, соқчиларга бандитлар шайкаси ҳужум қилди, тиш-тирноғигача қуролланган шайка баҳашибат бўйдор кишилардан иборат эди, деб ёзиб чиқаришди. Лимонад будкаси билан девор орқасида қисилиб қолган гитлерчи: девор меніга томон силжиди, шу маҳал назаримда бу жойда ё портлаш рўй берди, ё ер қимирлади, деди...

Артём ўзи топиб олган ярадорни бешинчи қаватдаги хонасига олиб келиб, яраларини боғлади, бадандаги лат еган жойларни оддийгина даволаш усулларини у яхши биларди, спорт уни бунга ўргатган эди.

Омон қолган ярадор бир кечаю бир кундуз ўзига келломай ётди. Артём Незабудний унинг ёнидан кетмай, соатлар давомида ўтириб, кран сувида латта ивтиби ярадорнинг кенг манглайнга босар, ўзгартиб турар, унинг ниҳоятда озгин, қорайиб кетган, қирилган, моматалоқ бўлиб қетган юзига тикилиб ўтиради. Унинг афти, салгина филайроқ кўзлари нимаси биландир юракни орзиқтирадиган даражада танишдек кўринар, лекин Артём бу одамни ҳеч қачон кўрмаганлигини аниқ биларди. Ярадор иссифи жуда ошиб кетганидан аъзойи бадани ёнар,

талвасалана, инграрди. Артём таваккалига бир иш қилмоқчи бўлди.

Эртасига у ўзининг врач ошнасиникига — ўта ватанпарвар бир кишининг олдига жўнади. Бу врач қошлигайни маҳалда Артёмнинг бешинчи қаватдаги кулбасига чиқиб, ярадорга укол қилди, унинг бинтларини ўзгартиб боғлаб қўйди ва бу ҳақда ҳеч кимга гапирмасликка онт ичди. У ишончли киши эди, бўйдоқ кишиларга аралашмай, ёлғиз яшарди. Унга ионса бўларди.

Аммо Артём докторни кузатиб, кулбасига қайтганда кўрдикни, қорачадан келган ярадор каравотда катта кўзларини алланимага тикиб ўтирибди. Артём, унинг нигоҳи қай томонга йўналганига назар ташлаб турди: ярадор стол устидаги «Гладиатор қабри» кубок-вазага кўз тикиб туар эди. Сўнгра мадори кетиб, ёстиққа ёнбошлади-да, русчалаб:

— Менга қаранг, ота... Сиз кимсиз... Кечирасиз, сиз синъор Незабудний эмасмисиз? — деб сўради.

Ўшанда Артём эшикни яхшилаб ёпиб:

— Ёт, ётавер,— деб пичирлади.— Мен синъор ҳам бўлганман, мистер ҳам бўлганман, месе ҳам бўлганман, сен учун Артём Иванович бўла қолай. Ётавер. Сен ўзинг-чи, ўзинг кимсан? Сен қўрқма, тўғрисини гапиравер...

— Ватандошингизман, — деди ярадор оҳистагина, чалқанчасига ётиб олиб. Сўнгра сал ўзига келгач бошини кўтариб, жаҳл билан кубокка кўз ташлади:— Худди шунақасини мен... бир гестапочининг столи устида кўрганиман. Қаердан олганикин? — деб сўради у.

Об-бо, қурғур-эй! Артёмнинг бу қочоққа иккинчи кубок тўғрисидаги воқеани гапириб бергиси келмасди. Аммо гапиришга мажбур. Ярадор озғин оёқларини каравотдан пастга тушириб ундан талаб қилаётган эди. Хуллас, Артём ўз сирини очишга мажбур бўлди. Ярадор ҳам ишонгандай бўлди.

У чақнаб турган кўзларини Артёмдан узмай, ўзини таппа ёстиққа ташлади. Заррача қувликни билмайдиган, киртайган, булоқдек тиниқ бу кўзларнинг нигоҳи Незабуднийнинг эсида бир умр қолди.

Бироқ, орадан тўрт кун ўтгач, Артём хонасига қайтиб келганида, ярадорни ётоғида кўрмади. Стол устида «Гладиатор қабри» кубоги остида қолдирилган хат турарди. Бу хатда шу сўзлар ёзилган эди:

«Раҳмат сизга, бутун дунёга машҳур ватандошим Артём Иванович! Ўз юртимда эканимдаёқ сизнинг тӯғрингизда кўп эшитган эдим. Бу ерда қололмайман. Сиз гапириб берганларга ишонаман. Лекин ўзингни бирорга ишониб топшириш бошқа, аммо ўртоқларни ва умумий ишни топширолмайман. Уларни хавф остига қўйишга ҳаққим йўқ. Сизни қийин аҳволда қолдиришга ҳам ҳаққим йўқ. Назаримда сиз ҳамманинг эътиборидасиз. Менга қилган ҳамма яхшиликларингиз учун сизга раҳмат. Бунақа яхшиликлар унчилмайди. Балки, эсон-омон бўлсак, ўз юртимизда кўришармиз. Ўша ёқса сизга оқ йўлтилаиман. Ватандошингиз...»

Артём имзони зўрга ўқиди. «Богритули»— деб ёзилган эди хат охирида.

«Ишонмапти, ишонмапти-да,— деди хафа бўлиб Артём.— Анави қурғурдан хабардор бўла туриб, қандай қилиб ҳам ишонсин...»

Улар бошқа учрашмади. Лекин Артём партизанлар бошлиғи бўлган довюрак Богритули тўғрисида бир неча марта эшитди. У киши рус эмиш, деган гапни эшитган Незабудний бу овозалар ростлигини яхши билар эди. Ярадор бўлган бу кишининг фоят енгил гавдасини ўз қўлида қандай кўтарганини эсларди. Лекин у қутқазиб қолган ярадор ўша партизанлар бошлиғимикин ёки у ёзиб қолдирган хатида ўзини шундай атаганимкин? Артём буни аниқ билолмади. У немис қўмондонлиги кўчаларга ёпишириб қўйган эълонларни қовоғини солиб, истеҳзо билан ўқиди. Бу эълонларда ваҳимали Богритулини ушлашга ёрдам берган, уни тирик ёки ўлик ҳолда немис маъмуриятларига топширганларга юз минг лира пул ваъда қилинган эди. Ўша кундан кейин Саббатини — қочоқнинг ярасини боғлагани келган доктор ҳам кўринмай қолди. Артём Иванович доктор ишлаётган касалхонага борди, лекин у ердагилар ҳам ҳеч нима билмас, чол гитлерчилар қўлига тушиб қолган бўлса керак, деб фарз қилишарди.

Уруш тугагандан кейин Незабудний Генуяга борди, у ердан кемада Ниццага ўтмоқчи эди, Париждаги қадимги ошналари — курашчилар билан хат ёзишган ва улар Незабуднийга хусусий атлетлар мактабида ишлаб туришни таклиф қилган эдилар.

Кеманинг портдан жўнаб кетишига яна бир неча соат қолган эди. Незабудний бундан фойдаланиб, Генуя-

даги машҳур Стальено қабристонига боришга қарор қилиди. Генуяга келган ҳар бир киши бу қабристонни албатта бориб кўради. Артём фашистлардан ўзи қутқазган ва ўзини Богригули деб атаган кишини тириклар орасида тополмагач, балки ўликлар орасидан топарман, деб ўйлаган эди. Шу сабабли у энди абадий сукунат ҳукм сурәтган ғам-ғусса маконларига тез-тез қатнайдиган бўлиб қолган эди.

Қабристон атрофи кўм-кўк тепаликлар билан ўралган кенг пастқам жойда эди. Фоят баланд зинапоя шу тепаликлардан бирининг чўққисига олиб чиқарди. Худди шу жойда ибодатхона юксалган эди. Ибодатхонанинг тагига жуда улкан устунларнинг туб қисмлари худди тўғри бурчакли тутқичдек қўшилиб, уч томондан қабристон майдонини ўраб олган эди. Майдон ичкарисида оқ мармардан қилинган қабр усти ёдгорликлари зич жойлашган; бу пастак ёдгорликлар устига қўйилган гулдонларда оқ ва сариқ гуллар ўсиб ётарди. Оқ ва сариқ гуллар мавжи жилваланар эди... Аммо бу ерга оддий одамлар кўмилган. Бой ва атоқлироқ одамлар эса улкан устунлар соясида ўзларига абадий паноҳ топганлар. Устунлар оралиғида, сафаналарда ва ҳайкаллар тагида зодағонлар, шаҳарнинг катта бойлари абадий бошпана топган; улар ўзларига атаб, оддий кишиларнинг қурби етмайдиган бу кўркам ва абадий ёдгорликлар учун кўп пул тўлаганлар.

Артём Иванович генуялик бир кампирнинг ҳайкалига ҳайрат ичра жилмайганча анча вақт қараб қолди, тириклигида тешиккулча сотувчи бўлган семиз бу аёл, қўлида бир боғлам мармар тешиккулча тутган ҳолда, атоқли кишиларнинг қабрлари орасида йўғон оёқларини кериб, кеккайиб турарди. У бир замонлар Генуя портидаги деңгизчиларга тешиккулча тақдим қилганида ҳам худди шу қиёфада турган бўлса керак. Артём Незабудний бу ерга зиёрат қилгани келган бир кишидан, бу қандай аёл эди, деб сўраганида, у қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди: тешиккулчачи, умр бўйи маблағ жамғариб ўзидан абадий ёдгорлик қолдирмоқ ниятида бу дунёning ҳаловатидан воз кечган аёл экан; у тириклигинда Стальено қабристонидан ўзинга жой сотиб олиб, энг яхши ҳайкалтарошлардан бирига ҳайкалини ишлатибди. Шундай қилиб, у ўзининг хусусий пули билан Генуянинг марҳум энг атоқли кишилари орасидан жой олган экан.

Артём Незабудний шу оламда шуҳратининг беҳудалиги тӯғрисида ўйлаб яна бир марта ҳайрон бўлди; у ҳам умрининг энг яхши йилларини шуҳрат ва пул қидириб беҳуда ўтказган эди.

Сўнгра серҳашам бронза, гранит ва мармар қабрлар орасида бепарво кезди. Фақат бир қабр устидаги ёдгорлик ёнида ўйланниб тўхтаб қолди. Бу бир олимга қўйилган ҳайкал эди. Афтидан, ўша олим бутун ҳаётини илм-фанга бағишлаб, турмушдан ҳам, ўлимдан ҳам ўзини ўша илм-фан билан иҳота қилиб олмоқчи бўлгани кўзга ташланиб туради. Ҳайкалтарош уни жуда қариб, мадори кетган, ҳолдан тоийиб ерда ўтирган қиёфада тасвир этган эди. Унинг ёнида чизмалари кўриниб турган очиқ китоб ва кексайиб мадордан қолган қўлларидан тушиб кетган асбоблар сочилиб ётарди. Бутун умри давомида у барпо қилган девор эса қуриб битказилмаган ҳолда, орқасида кўриниб туради. Девор энди қулай бошлаб, икки-уч ғиши ҳам ерга тушган. Юқорида, деворининг ёрилган жойидан ажалнинг қоқ суюк қўли чолни гири-бонидан олмоқидай, унга томон чўзилган.

Артём бу ҳайкал ёнида узоқ турди. Ўз ҳаётининг шунчалик маънисиз ўтиб кетгани, борган сари оғир ҳис қилаётган ёлғизлиги, Ватанидан ўзини ўзи ажратиб қўйган ўтиб бўлмас девор тӯғрисидаги кўнгилсиз ўйлар уни чулғаб олган эди.

Ниҳоят, у сал нари юрди. Ана шунда Стальенодаги қабрлар орасида иҳота қилиб олинган бир бурчакка кўзи тушди. Бу ерда солдатларнинг мозорига ўхшаган қабр тошлари тизилган эди. Ўтаверишга михлаб қўйилган мармар лавҳага ўйиб ёзилган шу сўзлар қорайиб кўринарди: «Йўловчи, бир зум тўхтаб бошингни ҳам қил. Бу ерда сенинг ер юзида озод-эркин юра олмоғинг учун ўзларини фидо қилган одамлар ётипти».

Артём пушти ранг қум сепилган торгина хиёбон бўйлаб, оддийгина қабрлар орасидаги йўлак бўйлаб юрди. Бораётганида у кичик тош лавҳаларга ёзилган итальян, француз, поляк номларини ўқирди. Шунда у тўсатдан нишаб ётқизилган тоштахта ёнида тўхтаб, тошдай қотиб қолди, тоштахтага ойнаванд медальон ва фотосурат биркитилган эди. Артёмнинг назарида йўлакда қум билан ўйнаётган шамол ҳам қотиб қолгандай туюлди. Дараҳтларнинг шохлари ҳам қимиrlамай қолди. Қабр тош-

ларидағы гулдонларда ўсаётган гулларнинг барглари ҳам жим қолгандай туюларди.

Артёмга тоштахтага ўйиб ишланган медальондан ташниш, салғылайроқ катта қора күзлар тикилиб турарди. Артём ҳам бу нигоҳдан ҳеч қандай қувликни билмайдиган қиёфани таниди. Бурнини ҳам, лабларини ҳам, манглайдаги чуқур ажинни ҳам таниди: ўша!

«Партизанлар группасининг номаълум рус командири,— ўқиди Незабудний.— Альфонсинэ районида 1944 йилнинг 28 октябрида қаҳрамонларча ҳалок бўлди».

Бу ёзув остига қўйидаги мисралар ёзилган эди:

Ухла, рус дўст! Сенинг номсиз шуҳратинг-шонинг  
Она еринг шуҳратига қўшилиб кетди.  
Итальянлар тупроғини сугорди қонинг,  
Шу тупроқни пар ёстиқдай туйиб ёт энди.

Шак-шубҳа қолмади. Бу Артём Незабудний гитлерчилардан қутқазиб қолган ва ярадор ҳолда ўз кулбасига олиб борган кишининг худди ўзи эди. Фотосуратдаги бу кишининг юзи жуда таниш. Қачондир бир вақтлар эшитилган қўшиқ оҳанги эсга тушгандай бўлади-ю, аммо айтаман деганингиз ҳамон яна ёддан кўтарилади, худди шунақа... Артём тик турганича, мармар тошга ўйиб ёзилган сатрларни охиригача қайта-қайта ўқиб чиқди. «Мана у номаълум ҳолда ҳалок бўлибди,— деб ўйларди Артём,— аммо у ҳатто ўлимни билан ҳам ўз жонажон юртига шон-шуҳрат баҳш этибди. Мен эса тирикман, таниқлиман, лекин беватан тирикман...».

Незабудний тиз чўқди-да, эҳтиётлик билан бир ҳовуҷ тупроқни майса устига ёйилган рўмолчасига солиб, тумордек қилиб тугиб қўйди.

Артём жойидан тургач, бошдан-оёқ қора кийинган бир қарияни кўрди.

— Синъор ботир Богритулини шахсан танирмидилар? — деб сўради чол.

Бу чол — қабристон хизматкори эди. Незабудний унга мармар тош тагида ётган бу киши билан учрашганини, аммо бу кишининг қаерлик экани унга номаълумлигини қисқача гапириб берди. Артём ботир Богритулининг қандай ҳалок бўлганини бутун тафсилоти билан билиб олишни истар эди. У ажойиб бир ҳолатда ва озгина муддат Богритули билан ҳамдам бўлган эди! Аммо

қабристон хизматкори Богритули ҳақида ҳеч ким мұфассалроқ бирор тафсилотни билмаганини айтди. Фақат шу нарса маълумки,— деди у,— Богритули оғир ярадор бўлиб асир олинган ва ўлимга маҳкум этилганилар лагерига тушган собиқ командирлардан экан. Лагерда қўзғолон кўтариپти ва маҳбусларнинг қочишини уюштирипти. Сўнгра уни яна қўлга тушириптилар, яна лагердан қочиб, партизанлардан каттагина бир группа уюштириб, бутун Тосканада ва Эмилияда босқинчиларга даҳшат солибди. Гитлерчилар қишлоқлардан бирини аҳолиси партизанларга ёрдам қилгани учун ёндириб, ҳаммани ўлим таҳликасида қолдирганларида; Богритули ўз ўртоқлари билан ёрдамга етиб келиб, энг сўнгги аёл ўз боласи билан қишлоқдан чиқиб кетгунича бу қишлоқни гитлерчилардан мудофаа қилибди. У қишлоқнинг бутун аҳолисига — қарияларга ҳам, болаларга ҳам жон сақлаб қолиш учун имкон берибди, аёллар ва болаларнинг чекинишларини таъминлагандан кейингина пулемёт ишлатишни бас қилибди. Ана шу пайтда унга гитлерчиларнинг ўқи тегибди.

Генуя қабристонининг хизматкори итальян қишлоқларининг аҳолиси Богритулининг жасадини неча юз километрлаб кўтариб, худди эстафетадек бир қишлоқдан нариги қишлоққа топширганларини гапирди. «Ана шундай қилиб,— деди чол,— Богритули номи билан яшириниб юрган номаълум рус ботири — партизан Генуянинг қадимги Стельено қабристонидаги энг фахрли жойга дағн қилинди».

— Мольто корадже! (Жуда шижаатли!) — деб қайта-қайта такрорларди хизматкор.— Мольто корадже!..

Артём билетини портда қайтариб берди ва бир неча кунга Генуяда қолди. У Италия партизанлари миллий ассоциацияси «АНПИ»нинг собиқ партизанларини қидириб топиб, улардан сирли Богритули тўғрисида билганиларини сўраб, билиб олмоқчи бўлди. Уларнинг барси рус партизаннинг қаҳрамонлиги тўғрисида гапирса ҳам, аммо ҳеч ким унинг қаерлик эканини айтиб беролмади, унинг ҳақиқий отини ҳам ҳеч ким билмасди. Ким билади, балки у грузинdir, асл фамилияси ҳам Богритулидир? Артём бир маҳаллар шунаقا бир фамилияни эшитган эди.

У ҳар куни Стельеноға келадиган бўлиб қолди. Ва ҳар сафар у Богритулининг мармар қабр тоши ёнида

ҳам туғилган жойларини кўришни, жонажон юрт тупроғида мангу уйқуга кетишни истарди, бу ерда унинг кекса онаси ҳам аллақачонлар мангу уйқуга бош қўйгандир. Онаси билан у 1918 йилда хайрлашган эди.

Бироқ уни Ватанига осонлик билан қайтаришмади. Незабудний болани ўзига алдаш йўли билан жалб қилиб, уни «эркинлик» оламидан ўғирлаб, зўравонлик қилиб большевиклар мамлакатига судраб кетаётир, деган шов-шув кўтарилиди. Баъзи ўнг газеталар Незабуднийга қарши чиқдилар. У дўқ қилиб ёзилган, имзосиз хатлар олди, бу автори номаълум хатлар унга уччалик таъсир қилмасди, чунки бундан кўп йиллар бурун полвонлик донги энг авжига чиққан пайтларда ҳам бундай дўқ қилиб ёзилган имзосиз хатларга ўрганиб қолган эди.

Совет элчихонаси Незабуднийнинг илтимосини қўллаб-қувватлашига қарамай, маҳаллий ҳукумат доиралири ҳар қандай ҳийла-найранглар йўли билан Незабуднийнинг ўз юртига жўнашига тўсқинлик қилишга уриндилар. Амалдорлар ҳужжатларнинг ҳар бир ҳарфигача текшириб, нуқсон излар, ишни судраш учун ҳар хил баҳоналар топишарди.

Спорт мактаби шартномани бажармади деган баҳона билан, Незабуднийдан катта пул тўлашни даъво қилди. Қарзни қоплаш учун, ҳамма нарсани сотишга тўғри келди. Артём ўзининг барча чемпионлик медалларидан ва кубокларидан ажралди, фақат биттагина кубокни — «Гладиатор қабри»ни қолдирди. Гарчи бу кубок ўтмишда жаҳон чемпиони бўлмиш Незабуднийнинг бағрини тилка-пора қиласиган бир сирни унинг эсига тушириб турса ҳам бу кубодан ажралолмади у. Очигини айтганда, бу кубокда ўша сирли воқеани одамларнинг ёдларига тушириш хавфи ҳам бор эди, эҳтимол, бу воқеани кўп одамлар билмас ёки ёдларидан кўтарилигандир, деган фикрда эди Артём Незабудний.

Незабуднийнинг Совет Иттилоғига қайтиб бориш ниyatини эшишиб, унинг олдига жуда кўп киши келди.

Уларнинг кўпчилиги ҳар қанақа кўнгилсиз гапларни гапириб Артём Ивановични ва унинг асрори ўғлини қўрқитишига, уларни йўлдан оздиришига уринишиди. Пьернинг олдига монахларни ҳам, репортёrlарни ҳам юбориб кўришди. Боланинг атрофида аллақандай шубҳали кишилар парвона бўла бошлади. Ўшалардан бири Артём жўнаш арафасида, унинг столи устида ўраб, йўлга тайёрлаб

қўйилган «Гладиатор қабри» кубогига ишора қилиб, бу вазанинг иккинчиси нима бўлганини биламиз, ҳам деб қўйди... Агар Москвада ана шу ҳақда гапиргудек бўлса... Шунда Артём Иванович уни зинапоядан ирғитиб юбормоқчи бўлганди, хайриятки, баҳтига, Пьер йўл қўймади, бўлмаса бўйни синган бўларди...

Дағдаға, дўқ-пўписалар ҳам, ваҳимали шаъмалар ҳам иш бермади.

Хуллас, Артём Иванович асраб олган ўғли Пьер билан (Пьер эса уни бобо дерди) қадрдон юртига қайтди.

#### IV БОБ

### ВАТАНДОШЛАРИМ, МЕНИНГ ВАТАНДОШЛАРИМ

Сухояркага баҳайбат одам шу тарзда келиб қолган эди; бугун эрталаб Сеня Грачик ва унинг жонажон дўсти Сурен Арзумян шошилиб мактабга кетаётганларида унга дуч келиб қолишиди.

Озғин Сеня Грачик кун анча совуқ бўлишига қарамай пальтосиз, гимнастёркада кўчага чиқкан эди. Гимнастёркасининг ёқасидан бўртиқ ўмров суюги кўриниб турар, елкалари ҳам туртиб чиқкан эди.

Озғинлигидан қовурғалари саналиб турар, нозик, чаққон, ҳовлиқиб дикир-дикир қадам ташлар, пардек енгиллигидан парвоз қиласай деб турган варракка ўхшарди...

Ўртоғи Сурен ундан салгина новчароқ бўлиб, Сеняга қараганда бесўнақайроқ кўринарди. У жиддий қиёфада, ҳурпайиб, шошилмасдан қадам ташларди. Унинн боши думалоқ, сочи анчадан буён олдирилмаган эди. Сочлари йўғон бўйнидан нозик елкасига тушган, бошини қимирлатганида пальто ёқасига тегиб силкинарди.

Очиғини айтганда, кўзлари катта, қошлиари қаншарида бир-бирга қўшилган, кичкина қирғий бурунли бўлиб, қулоқлари диккайнб турар, бойқуш боласига жуда ўхшар эди.

Албатта, иккаласи ҳам олдиларидан чиқкан баҳайбат одамга диққат қилишиди. Болалар уни анча узоқдан пайқаган эдилар, ҳозир рўпарадан келиб, уни яна ва яна кўриш учун бутун бир квартал орқага ютюришди.

— Қойилман! Мана бу одамни Стёпа амаки деса бўлади! — деб пичирлади Сеня Грачик.

— Юз кубиклик одимловчи экскаваторга ўхшайди-я,— таъкидлади Сурен.

— Амаки, ҳо амаки, менга чумчук ушлаб беринг,— қиқиллаб қулди Сеня.

Афтидан, баҳайбат одам уларга парво қилмади, тагчарми каучук ботинка кийган йўғон оёқлари билан катта-катта қадам ташлаб кетаверди. Қўлидаги чўқмори кўтарилиб, дўқиллар ва зах ерда чуқур из қолдиради.

— Куинбус Флестриннинг<sup>1</sup> худди ўзи-я,— дошишмандларга хос қиёфада деди Сурен.

— Рост, Куиннинг худди ўзгинаси...

Паҳлавон қўққисдан тўхтади. Сеня сакраб орқага қочмоқчи эди, бирдан аллақандай бир куч уни юқорига кўтарди, Сеня ўзини осмони фалакка чиққандай ҳис этди: ғоят катта қўл уни секингина осмонга кўтарган эди, натижада Сеня болохонанинг балконига етиб, панжарадан ушлади. Паҳлавон эса йўғон овозда балкон тагида турган Сурендан:

— Қалай, йигитча? Шу чумчуқни ушлаб берайми? Ёки, ўша ерда тураверсинми? — деб сўради. Унинг овозидан теварак-атроф гулдурагандай бўлди.

Бу кутилмаган воқеадан хижолат бўлган Сеня ҳўнграб йиғлашини ҳам ёки жим туришини ҳам билмай, панжарага осилиб туриб:

— Амаки, мени бу ердан тезроқ туширинг, жон амаки! Мен сизга ҳеч ёмонлик қилмадим-ку. Бўлмаса ҳозир мени сўкишади. Бир аёл турибди. У мени ўзи тирмасиб чиққан деб ўйлайди,— деб пичирлади.

Ростдан ҳам балкон эшигининг ойнасидан бурнига модадан қолган пенсне таққан, сочини болишга ўхшатиб ўраган озғин бир аёл кўринди. У Сеняга икки қўлини осмонга чўзиб пўписа қилди. Хоним овоз чиқармай, ча-пак чалди — Сеня унинг кўз олдида, номаълум куч томонидан юлиб олингандай, ғойиб бўлган эди.

— Чумчуқларга яқинроқ туришинг учун анави ўт ўчириш минорасига ирғитайми ё,— сўради нотаниш киши, Сеняни ерга қўйиб.

— Керакмас, амаки! — шошилиб илтимос қилди Се-

<sup>1</sup> Куинбус Флестрин — баҳайбат киши. Машҳур ёзувчи Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари» деган асарида лилипутлар чет элдан келган паҳлавонни шундай деб атаганлар.

ня, ў паҳлавоннинг шундай қила олиши мумкинлигига ҳам ишонган эди.

— Бўпти,— деди Незабудний,— қани, бўлмаса айтинглар-чи мактабларингиз қаерда?

— Юринг, амаки биз сизни обориб қўямиз. Узимиз ҳам ўша ёқقا боряпмиз. Бугун каникул тугади. Ўқиш бошланади. Сизга мактаб нега зарур бўлиб қолди?

— Бир болани мактабга жойлаштироқчиман.

— Нечинчи синфга? — иккала бола ҳам сабрсизлик билан суриштириб қолди.

— Ўзларинг нечанчи синфда ўқийсизлар?

— Олтинчидаги ўқиймиз.

— Ҳа, бўпти, у ҳам сизлар ўқиган синфда ўқир экан. У бир синф юқорироқ бўлиши керак эди-ю, лекин тил масаласида қийналиб қолади, дейман-да. Майли, бир йил кейинроқ бўлса-бўлар.

— Нима, рус эмасми у?

— Йўғ-э, рус...

— Қимингиз бўлади, ўғлингизми?

— Неварамдай.

Ҳеч нарса тушуммаган болалар нотаниш паҳлавонни ўз мактабларига бошлаб кетишли.

Сеня паҳлавонга унинг йўғон ҳассасини олиб бермоқчи бўлди, бу сариқ ҳасса лок билан бўялганди, тарамтарам чизиқларидан ҳассасининг қимматбаҳо ёғочдан ишланганлиги кўриниб туради. Незабудний Сеняни балкондан тушираётганида ҳассасини деворга тираб қўйган эди. Сеня қўлини чўзиб ҳассани олмоқчи бўлди, лекин чўчиб қўлини тортди, ҳасса гўё деворга ёпишиб қолгандай эди. У яна зўр бериб ҳассани тортди. Ҳасса салгина қимирлади, холос.

Артём бақирди:

— Тегма! Уддалай олмайсан, зўр келиб, қорнингни шикастлаб қўйиншиг ҳам мумкин. Сендақалар кўтарадиган нарса эмас бу! Фақат менга ярашади у. Мен бу ҳасса билан бутун ер юзини айланиб чиқсанман. Ҳа...

Незабудний камида йигирма кило келадиган ҳассасини қўлига бемалол олиб, болалар билан йўлга тушди.

Болалар нотаниш одамни кузатиб боришли, улар бирга қадам ташлашга ҳаракат қиласар, сакраб-сакраб қадам ташлар, кўчадан ўтаётгандарга мағруронга боқар, ўткинчилар эса паҳлавонга қараб ҳайрон бўлишарди. Сеня билан Сурен йўлдан кетаётган бир кампирнинг ёнидан

ўтиб кетаётгандарида ўзларидаги йўқ хурсанд бўлиб кулишди; кампир ғужанак бўлиб, бошини елкасига қисди, бир чеккага тисарилиб, аланглаб, шошилиб чўқинди ва:

— Вой ўлмасам!.. Мен бирор отлиқ бостириб келяпти дебман...— деди.

Улар майдондаги кексайган иккита дараҳт ёнидан ўтиб кетаётгандарида, Артём Иванович тўхтаб:

— Раинками? — деб сўради.

Артём Иванович бу дараҳтларнинг маҳаллий номини билганидан болалар хурсанд бўлишди. Бу дараҳтларни шўрпешана Раја деган қизнинг хотирасига ҳалқ шундай деб атаган эди. Бир маҳаллар шахта эгаси қизнинг номусига тегиб, унинг ўз-ўзини ўлдиришига сабабчи бўлган эди. Уни мозор ихотасидан нарироқ жойга, чўлга кўмган эдилар. Мозорда қайнинг ўхшаган, лекин ундан хушқадроқ қўш дараҳт ўсади. Бунга ҳамма таажжубларди. Ана шундан буён бу дараҳтларни Сухояркада Раинка деб атайдиган бўлишди.

Лекин Артём Иванович ўзи туғилиб-ўсан бу жойларни сира танимай борарди. У Сухояркага аввал келган чоғларида иморатлар, кўчалар, уйлар ерга чўкиб қолгандай, пафайиб, кулги қистатадиган дараҷада кичкина бўлиб кўринган эди. Энди эса, бунинг аксича, бу ерда ҳамма нарса юксалган, одатдан ташқари катта эди. Ҳамма нарса ўсибди, ҳамма нарса. Ўт ўчириш минораси бир маҳаллар Сухояркада энг баҳайбат иншоот саналарди. Бу минора энди пасайиб, янги, тўрт-беш қаватли иморатлар орасида тиз чўкканга ўхшарди.

Сўнгра у тўхталиб, қадимги Сухояркада ғалати туюлган бир овозга қулоқ солди. Бу рояль овози эди. Рояль овози янги иморатнинг очиқ дарчасидан янграётган эди. Артём Иванович бошда буни радио деб ўйлади. Бироқ ҳар хил ойналардан ҳар хил овоз: дам ҳайқириброқ, ўзилиб-узилиб чиққан овозлар, дам худди бир оҳангда такрорланадиган жўшқин овоз эшитиларди. Незабудний Сухояркада болалар музика ўрганаётганини англади. Мўъжиза эмасми бу!

Теварак-атроф кенгайибди, баъзи жойлар юқори кўтарилибди, қаёққадир баландроққа кўчибди! Хуллас, Артём эски кўчаларни танимай қолди!

— Сабачеевка кўчаси қани? — сўради у.

— Аллақачонлар уни йўқ қилишган,— шошилиб жа-

воб қайтарди Сеня.— У кўчада турганларни анов томонга, юқорига, Шахтёрлар саройи томонга кўчиришган.

Сеня билан Сурен бир-бирларига кўз қисишиб, шивир-шивир гаплашиб борардилар. Артём эса уларга ба-ланндан қулоқ солиб борарди. У болаларнинг:

— Светофор ёнидан ўтамизми. А?

— Албатта,— деганини эшилди.

Болалар олдинга югуриб, муюлишдан чап томонга бурилишди. Незабудний ҳам уларга итоаткорона эргашиб юраверди. Сўнгра болалар бўш ётган бир ердан ўтиб, катта кўчага чиқишиди. Незабудний муюлишда «Биринчи Май кўчаси» деб ёзилган лавҳани ўқиди. Худди шу жойда иккала бола ҳам тўхтади-да салгина тисарилиб, бошларини орқага қайриб, паҳлавон йўлдошларига диққат билан қарай бошлади: улар бундан атиги уч ҳафтагина муқаддам Биринчи Май кўчасидаги чорраҳага осиб қўйилган светофор — Сухояркадаги биринчи светофор унда қандай таассурот қолдирганини билишмоқчи эди. Афсуски, светофорда фақат яшил ранг кўриниш, Биринчи Май кўчасидан оғир самосваллар колоннаси кетаётган эди. Бундан ташқари ён томондаги тор кўчаларда машина кўринмаганидан, муюлишдаги ойнаванд будкада ўтирган, кўча ҳаракатини тартибга солувчи милиционерга светофордаги яшил рангни қизил рангга кўчиришнинг ҳожати йўқ эди. Мана, ниҳоят, хайриятки чап томонда бир велосипедчи пайдо бўлди. Велосипедда келаётган кекса почтальон Гаврилюқ эди, уни Сухояркада ҳамма яхши танирди. Кўча ҳаракатини тартибга солувчи милиционер дарров дастакка ёпишди. Чорраҳада яшил ранг ўчиб, қизил ранг пайдо бўлди, Гаврилюқ ҳам Биринчи май кўчасига чиқди.

— Сашко! Омонмисан!

Елкасига каттакон сумка осган кекса велосипедчи велосипеддан ерга йиқилиб тушишига сал қолди. У ерга тушиб, бир қўли билан велосипедини етаклаганча иккинчи қўлини олисданоқ Артёмга чўзганча келарди.

— Вой, тавба!.. Қаранг! Бу ёққа бир назар солинглар-а! Ким бу ўзи, янгишмасам, Артём эмасми?

Қучоқлашиб кўришдилар. Кекса почтальон оёқ учига босиб қанча тиришмасин, Артёмнинг бўйнига етолмади.

— Ҳўш, қадамингга ҳасанот! Ҳа, номаълум тарафларда кўп қолиб кетдинг. Энди турадиган жойининг доимо шу ер бўладими ё вақтинчами?

— Ўйлайманки, доимо шу ер бўлса керак,— бўғиқ овоз билан жавоб қилди Артём Иванович.

— Э, мўйловинг оқариб қолибди-ку,— пўнғиллади Гаврилюк, велосипеди билан Артёмнинг атрофида айланаб, унга разм солиб.— Ҳечқиси йўқ... Не-не вақтлар ўтиб кетди ахир. Биргина менинг қўлимдан қанчадан-қанча қора хат ўтди. Ҳар қанақаси бўлди. Фақат сендан ҳеч дарак бўлмади. У бечора мендан: «Ҳеч дарак йўқми?»— деб сўрар, мен ҳам: «Ҳозирча йўқ, ёзаётган бўлса керак»,— дердим. Мана энди, ўзинг ҳам келиб қолдинг. Хўш, энди бундан буён кўришиб турсак керак дейман. Шахтёрлар саройига, эсингдами, илгари Подкуевка ўша жойда эди, қарияларимизни ҳурмат қилиб бор, хўпми? Мен хат-патларни топширай эгаларига. Хайр.

Болалар янги танишнинг негадир хафароқ бўлиб қолганини пайқадилар. Артём Иванович теварак-атрофга алангламасдан, бошини ҳам қилиб, оппоқ мўйловини қимтиганича одим ташларди.

Шу йўсинда улар жарликка чиқиб қолишли. Бу жарликнинг деярли тикка бир чеккаси чўл томондаги паст-қам жойдан кичикроқ бир тепаликни кесиб қўйгандай кўриниар, тепалик четида каттакон оқ иморат қад кўтарган эди. Иморатдаги лавҳага: «Совет Иттифоқи Қаҳрамони Григорий Тулубей номидаги етти йиллик мактаб» деб ёзилган эди. Худди шу жойдаги супача деворига зарҳал билан: «Совет Иттифоқи Қаҳрамони Григорий Богданович Тулубей» деб ёзилган лавҳа қоқилган эди.

Незабудний икки қадам ташлаб супага етиб олди. У бюстнинг олдида турар, унинг боши Қаҳрамоннинг бронзадан ишланган боши билан деярли баравар эди. У бир қўли билан пальтосининг ёқасини нари суриб, иккинчи қўли билан қўлтиғидан ниманидир ҳовлиқиб қидира бошлади, у ҳамёнини чиқарди, бармоқлари билан кнопкани босиб ҳамённи очди-да, бир фотосуратни олиб, кўзига яқин келтирди, сўнгра суратни Қаҳрамоннинг бюсти томонга чўзиб, унга тикилди, бошини сал орқага ташлаб, яна бир марта солиштириб кўрди, бошидан шляпасини оҳистагина олди. У ўз шляпаси билан қалбини пана қилгандай, кенг кўксининг чап томонига шляпасини босди. Баҳайбат бу одам шу йўсинда Қаҳрамоннинг бронза юзидан кўз узмай, қимирламай бир дақиқа жим турди.

Болалар секингина унинг ёнига келиб, фотосуратни

кўрмоқчи бўлдилар. Незабудний суратни энди пастга туширган чап қўлида ушлаб турарди. Болалар Незабуднийнинг юзидағи чуқур ажинлардан томчи-томчи кўз ёши оқаётганини кўрдилар.

— Амаки, танирмидингиз? — деб ниҳоят сўрашга журъята қилди Сеня.

Незабудний индамай, оғир-оғир нафас оларди.

— Бу бизнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамонимиз, — деди шошилиб Сурен. — У киши дом-дараксиз ҳалок бўлған. Ҳалок бўлганига қадар Қаҳрамон бўлган. Ҳозир мактабимиз унинг номи билан аталади. У раиснинг ўғли... Учувчи.

— Богритули... — секингина деди Артём.

— Йўғ-э, амаки! Бу — Тулубей. Григорий Богданович Тулубей.

— Ҳа, кўряпман, ростдан ҳам Григорий Богданович экан...

Нишаброқ жойлашган бу катта кўзлари таниш бўлиб қолган ўша юз, Незабуднийнинг хотирасида умрбод сақланиб қолган бу қиёфа ҳозир сал юқоридан тикилиб тургандай эди. Яна бронза қиёфада қандайдир таниш аломатлар, «Григорий Богданович Тулубей» деб ёзилган сўзлар Незабуднийнинг хотирасида аллақандай ҳислар уйғотди. Демак, Генуядаги қадимги қабристонда дағн этилган бу кишининг сирли номи шундай таркиб топган экан-да, яъни отасининг номини, ўз номи ва фамилиясининг дастлабки ҳарфларидан Богритули деган сирли номни яратган экан-да. Артём бюст олдида тураркан, эслади: бир маҳаллар, эллик йиллар бундан муқаддам, у билан бирга шахтада серғайрат, чаққон Богдан Анисимович Тулубей ишларди. Артём у билан иноқ эди. Нашотки, итальян шаҳрида Артём гитлерчилар чангалидан халос қилган ўша киши Богдан Тулубейнинг ўғли бўлса?

Незабудний Григорий Тулубейнинг ҳайкали олдида, шляпасини кўксига босган ҳолда, индамай узоқ туриб қолди. Үндан сал нарироқда, Незабуднийнинг ёнида журъята этолмай, икки ўртоқ — Сеня Грачик билан Сурен Арзумян ҳам жимгина турардилар. Улар ҳали нима воқеа содир бўлганини тушунмасалар ҳам, аммо ўзларин яқиндагина танишган бу баҳайбат одам, ажойиб баҳодир, ҳозир шу топда ўзи учун жуда муҳим ва қадрли бўлган бир нарсани топганини фаҳмлаган эдилар.

— Раҳмат сизларга, йигитлар!— деди Артём бошини қимирлатиб ва шляпасини бостириб кийиб.— Бошлаб келганларинг учун раҳмат. Билмайсизларми, директорларнингиз уйидамикин?

— Кабинетларида... Бугун каникулдан кейинги биринчи кун-ку. Шу ерда бўлсалар керак. Бизлар сизни олиб борамиз.

Болалар Незабуднийга эшикни очиб, унинг орқасидан мактабга кирмоқчи бўлган эдилар, лекин сержаҳл тарбиячи Феня уларни кўчага ҳайдади.

— Сенлар қаёқقا?!—деб бақириб берди у.—Тонг отар-отмасдан келибсанлар-да! Дарсларинг иккинчи сменада-ку, сенларга нима бор ҳозир. Сиз, гражданин, ўтаверинг. Ана, чапдаги учинчи эшик.

Тулубеъ номидаги мактабнинг директори Глеб Силич Курзюмов деган киши эди. Мактаб болалари уни ҳазилкаш Суренга эргашиб: «Майизлик нордон нон»<sup>1</sup> деб аташарди. Дириектор кириб келган кишининг қаддиқоматига ҳам, унинг Париждан келганига ҳам ҳайрон бўлмади, Глеб Силични ҳеч нима ажаблантирмасди. Глеб Силич умуман ҳеч қачон ҳеч нимага ҳайрон бўлмас ёки ҳайрон бўлганини сездирмасди. У ҳамма нарсага шундай бўлиши керак, бу оддий нарса, деб қаарарди. Унинг педагогик системаси шунга асосланган эди. «Кам билган киши ҳайрон қолиши мумкин» деб тушунтиради у. Башарти янги бир боланинг отаси тўсатдан унинг олдига келиб: «Биласизми, мен эндигина Марсдан келдим ва сиздан марслик боламни мактабга қабул этишингизни илтимос қиласман» деса, ўшанда ҳам Глеб Силич сира ҳайрон бўлмас, ўшанда ҳам марслик одамдан: «Хўш, у ерда, Марсда болангиз қандай ўқирди? Болангизнинг чечакка қарши эмлангани тўғрисида справка борми?»— деб сўраган бўларди.

Ҳозир ҳам Глеб Силич ҳеч нимага ажабланмай, фагат:

— Ўтирангиз бўларди,— деди. У яна ўтиришга таклиф қилди, чунки Незабуднийнинг анчадан бўён унинг олдидаги стулда ўтирганини пайқамаган, у директорга ўтирган ҳолда тик тургандай кўринган эди.

Артём Иванович Пьер тўғрисида бир оз гапириб бер-

<sup>1</sup> Сўз ўйини: Силич Курзюмов — хлеб кислый с изюмом.

моқчи бўлган эди, аммо Глеб Силич кечирим сўради, бу-  
гун вақти жуда зиқ эканини айтиб, янаги сафар ёки бир  
тўғри келганда воқеанинг бутун тафсилотлари билан ях-  
ши танишиб чиқаман, аммо ҳозирча, агар ёнингизда бўл-  
са, боланинг ҳужжатларини кўрмоқчиман, деди. Артём-  
да баъзи бир ҳужжатлар бор эди. У Москвадалигида за-  
рур ҳужжатлар тараддудини кўриб, тайёрлаб қўйган  
эди. Шундай қилиб, Пьер Кондратов Сухояркадаги Гри-  
горий Тулубей номли мактабнинг олтинчи синфига қабул  
қилиди.

Болалар Незабуднийнинг чиқишини мактаб эшнги  
олдида сабр билан пойлаб туришарди.

— Қабул қилишдими? — деб сўради Сеня.

— Ҳа, қабул қилинди,— деди Незабудний.— Йигит-  
лар, менга қаранг, директорларингиз анча жиддий кў-  
ринади-а?

— Хлеб кислый с изю...— деб оғиз жуфтлаган эди  
Сеня, ўртоғи Сурен орқасига сездирмай бир туртди,  
кейин жим қолди у.

— Хўш, йигитлар, энди мени ижрокомга олиб боринг-  
лар,— деб илтимос қилди Артём.— Ижрокомларинг қа-  
ерда ўзи?.. Ҳали айтганингиздек, раиснинг фамилияси —  
Тулубейми?

## ▼ БОБ

### СОВФА РАД ҚИЛИНДИ

Болалар йўлда бораётib батамом қизиқиб қолишли.  
Улар нотаниш паҳлавоннинг икки ёнида боришар, ор-  
қасидан бир-бирига қараб қўйишар, ерга урилганда  
гурс-гурс овоз чиқараётган ҳассаси билан бир меъёрда ҳа-  
ракатланаётган тирсаги билан бўйлари тенг ҳолда кети-  
шаркан, ўзаро пицирлашишарди.

Ниҳоят Сеня чидамасдан:

— Амаки, сиз ўзингиз кимсиз? — деб сўради.

— Незабуднийман. Эшитганмисан шунақсанги одам-  
ни?

— Бўлмасам-чи! — ҳовлиқиб деди Сурен.— Шундай  
бир курашчи бўлган.

Сеня ҳам бўш келмади:

— Мен уйимизнинг эгаси бўлган аёлникида эски «Ни-  
ва» журналида бир сурат кўргандим, чемпионлар чем-

пиони деб ўқиган эдим. Уша киши бундан кўп замонлар илгари ўлган экан. Уша Незабудний кимингиз бўлади? Қариндошингизми? Ёки бобонгизми?

— Ҳеч ким ўзинга-ўзи бобо бўлмайди,— деди Артём Иванович мулойимгина ва мўйловини сийпалаб қўйди.— Ҳозирча шукур, тирикман, болалар. Эҳтимол, шундай дейишга ҳақлидирсизлар ҳам. Ҳа, мен ўша Незабуднийнинг оқпадари бўламан. Незабудний — оқпадар худди. Равонми?

— Қофиядош гапирдингиз,— қойил бўлди Сурен.

— Худди шундай, қофиядош. Мен, болалар, ўша Незабуднийнинг ўзгинасиман.

Болалар ҳалиям тўла ишонмай, оғизларини очиб қолишиди.

Улар Незабудний ижроком эшигига кўздан ғойиб бўлганида бир-бирига кўмаклашиб, деворнинг тепасига чиқиб олишиди. Улар катталар бу машҳур кишини қандай кутиб олишларини кўришга қизиқардилар.

— Қара-я, у сени лип этиб ушлаб бир зумда балконга чиқариб қўйди-я,— ҳиқиллаб куларди Сурен.— Қсанка кўрганида жуда соз бўларди-да!

— Мен ўзим ҳам бир сакраб, панжарани ушлаб олдим.

— Ҳа, ушлаб бўпсан, ҳўнграб йиғлаёздинг-ку.

— Ким, менми? Лақиллама! Сен менга шуни айт-чи, нега ҳайкал олдида турганда унинг кайфи бузилди, а? Сал бўлмаса йиғлаб юборай деди. Кўрдингми?

— Буни-ўзим ҳам пайқаган эдим.

— Сенингча қалай, у худди ўша Незабуднийнинг ўзимикин? Қандай деб ўйлайсан?

Шу орада Артём йўлакка кириб: «Ижроком раиси ўртоқ Г. П. Тулубей» деб ёзилган лавҳа олдида тўхтади.

Артём ёшлигида шахтада ишлаган чоғларида, худди шундай кенг яғринли, бўйдор, қадди-қомати келишган Богдан Анисимович Тулубей деган бир ўртоғи — кон техникини яна эслади. Ҳўш, бу ижроком раиси Г. П. Тулубей ким бўлди? Мен билган Тулубейнинг фамилия дошимикин? — деб ўйлади Артём.

У эшникни тақиллатиб ичкарига кирди.

Бадбурушгина, ўзини жуда важоҳатли тутишга уринган секретаръ иорози бўлган йўсинда кўзойнаги устидан Артёмга назар солди.

— Раиснинг олдига келиб эдим... Раис бормилар? — сўради Артём.

— Ўртоқ Тулубей бугун келмаса керак,— деди секретарь.— Раис қурилишда. Ўртоқ, бугун умуман қабул куни эмас. Ҳеч қабул қилинмайди.

У стол узра энгашиб Незабуднийнинг оёғига назар ташлади, афтидан, бирор нарсанинг устига чиқдими бу, деган фикрда эди у.

— Кечирасиз, нима масала билан келиб эдингиз?

Артём нима иш билан келганини айтди. Белгиланган муддатидан бир ҳафта олдин келганини тушунтирди. Ўзининг туғилиб-ўсан жойларини тезроқ кўришга шошилганини, бундан ташқари, асранди ўғлига ҳам азбаройи каникулдан кейин дастлабки кунларданоқ, бошқа болалар билан биргаликда, улардан қолишмай ўқни бошлиши учун мактабга киритиши кераклигини, ўғли билан ҳозирча, мусофиirlар учун очилган ётоқхонада жойлашганини, бағажлари ҳозирча вокзалдалигини, фақат бир нарса солинган чамадончасинигина олиб келганини гапиди.

— Тушундим,— деди қаноат ҳосил қилгандай секретарь.— Қайтиб келганлардан экансиз-да. Соддароқ қилиб айтганда қайтган экансиз. Сизнинг тўғрингизда марказдан раис номига кўрсатма келган эди. Мен орқали ўтган. Аммо биз олдин келасиз деб кутмаган эдик, кечирасиз.

— Менинг кичкина уйим бор эди. Террикон орқасида эди. Ойим ўшаш уйда турарди. Менга айтишдики, ойим уруш арафасида қазо қилган экан. Ойимнинг қабрини топишим керак. Очифини айтганда, вақти-соати етгач ўзимга ҳам ўша жойга боришга тўғри келар...

— Қабр тўғрисида ҳам аниқ бир нарса айттолмайман. Қабристонни бошқа жойга кўчириш тўғрисида масала кўрилган эди. Сизнинг собиқ уйингиз ҳам... — у «собиқ» сўзини бўрттириб айтди,— бузилади деб кўрсатилган эди шекилли. Рўйхатдан кўраман. Баъзи хона-донларни эиди ўз жойларидан кўчиряпмиз.

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўради Артём.

Секретарь бир кўз қирини ташлаб, ўзининг бурни учига маънодор тикилиб:

— Бунинг важлари бор. Кечирасиз, гражданин, масала батамом аниқланмагунича буни сизга айттолмайман,— деди.

— Демак, шунақа экан-да... на турадиган, на ўладиган жойинг бор, шундайми?

Секретарь хафа бўлди ва ҳаттоки стулга бемало ўтириб олган Артём билан деярли бир даражада турмоқ учун ўрнидан ҳам турди.

— Сиз эскичасига фикр юргизиб, ғалати мулоҳаза қиласиз, гражданин. Бу нима деганингиз: «На турадиган, на ўладиган жойинг бор» дейсиз? Бу қанақа кесатиқ? Бизда дафн қилишлар жуда яхши йўлга қўйилган. Районда гулчамбар буюртамиз, машинани шундай безатамизки, катафалкадан қолишмайди. Мато етарли даражада берилади.

— Очигини айтганда, мен ҳозирча бу тўғрида ғам чекаётганим йўқ.

— Мен ҳам гапингизга жавобан шундай дедим. Яшайверинг, марҳамат.-Демак, сабиқ оқлардан экансиз-да?

— Гапингизга тушунмадим.

— Оқ муҳожирлардан экансиз-да, дейман?

— Мен қанақа оқлардан бўлар эканман? Шу ерлик шахтёрман. Шу ерлик, туб шахтёрларданман. Менинг қўлларим оқ эмас. Қоп-қора кўмир қазиганман!

— Йўғ-э, мен классификация учун шунақа деяман,— бесаранжом бўлиб қолди секретарь.— Мен яна сизга қайтариб тушунтиряпман: бемалол яшайверинг. Хўш, шаҳар қайта планлаштирилгандан кейин, сиз учун майдон масаласига келсан...

— Майдон деганингиз нима? — тушуммай сўради Артём.

— Сиз менга яна тушунмаяпсиз. Мен бунда турар жой майдонини кўзда тутяпман. Яшайдиган жойни. Лекин бу борада ҳам сизнинг тўғрингизда кўрсатма бор. Раиснинг қўлида, гали келиб қолар. Берамиз.

Мана шунда Артём салгина гангид қолди. У шу маҳалгача стули тагида турган чамадончасини очди.

— Айтинг-чи,— деди у ёқ-бу ёғига ўнғайсиз аланглаб, сўнгра ўзининг баҳайбат гавдасини секретарнинг столига энгаштириб. Оғир гавда таъсирида стол қирсиллади.— Айтинг-чи, сизларда ҳозир қанақа, бир одам мабодо ўз хоҳиши билан, айтайлик, ҳадя тақдим қилса... бунга қандай қаралади?

— Тушуммадим...

— Мен сизга ҳозир тушунтираман.— Артём хижолат бўлгандай чамадонини очди-да, унинг ичидан бир нарса

чиқарыб, эҳтиётлик билан шиниң матони ечди на секретарнинг олдига — столга ўзи учун азиз бўлган, кумуш билан оливиндан ишланган «Гладиатор қабри» кубогини қўйди.— Мана, рухсат этниг!.. Туғилган, жонажон шаҳримга совға қилмоқчи эдим. Бу ерда одамлар сув таниқслигидан жуда қийналаётганларини биламан. Ёшлигимда ўзим ҳам бу қийничиликни бошдан кечирганиман. Ўқиганман, Айвазовский деган рассом бўлган...

— Денгизда довул, тўққизинчи пўртана,— деди секретарь,— машҳур рассом бўлган.

— Ҳа. Ўша рассом жамғарган маблағларига ўзининг туғилган шаҳрида водопровод қурдирмоқчи бўлибди, шунга кўп ҳаракат қилибди. Мен бўлсам, бир маҳаллар аҳмоқлик қилиб, ҳаммага ўз ёнимдан ароқ ичирганиман. Шўх эдим-да, бундан ташқари, пулни қийналмай кўп топардим. Хўш, ҳозир-чи, ҳозир ҳам истагим бор-у, аммо энди ҳозир бошқача... Менинг шундай бир орзуумидим бор. Ҳуллас, шаҳарнинг ташналигини қондиришда кўмаклашмоқ ниятим бор. Аёллар ҳалиям қудуқлар олдида пақирлари билан навбат кутиб туришар экан. Мен кекса бир мешкобни ҳам кўрдим. Бочкасини цистернага алмаштирибди, холос. Аслини суриштирганда ўша-ӯша, бурунгича қолаверибди. Фақир яшарканлизлар.

Секретарь сесканиб ўрнидан турди. У хафа бўлган эди:

— Илтимос қиласман!.. Илтимос қиласман, қўйингиз бу нарсангизни,— деди у.— Хусусий тартибда ҳадя қабул қиласмишиз. Айниқса, шахсан мен. Сув масаласига келганда, бу борада, маълумотингиз учун айтиб қўяйки, сиздан бўлак ғамхўрлик қилаётганлар ҳам бор.

— Мен буни чин кўнгилдан қиласман-ку, тушунинг ахир!

Секретарь мушти билан столни тақиллатди.

— Олинг бу нарсангизни, йўқотинг кўзимдан, илтимос. Тушунарлимис? Сиз раҳбарларимиз билан келишиб олмоғингиз керак. Энди йиғиштиринг... Азбаройи бирор ошиқча гап бўлмаслиги учун йиғиштиринг. Ҳар дақиқада одамлар кириб турибди, гумонсираб қолишлари мумкин. Ўнғайсиз ҳолат содир бўлмасин. Сиз, гражданин, менга тушунмайдиган кўринасиз.

Деворга чиқиб олган болалар ҳам азбаройи йиқилиб тушмаслик учун дарахтни ушлаб, бу манзарани дераза-

дан томоша қилиб туришарди, улар дарча орқали сал эшитилаётган сўзларга қулоқ солиб, нима гаплигини тушуниб олмоқчи эдилар; болалар Артём Ивановичнинг хижолат бўлиб, бўшашиб кетган қўллари билан ажойиб гўзал вазани матога қайта ўраб, ноқулай вазиятда чамадонига солаётганини ва эшикка қараб юрганини кўрдилар. Болаларнинг ҳатто юраклари зирқиради, янги танишлари, уларга ранжиган, хафа бўлгандаи кўринди... Незабудний ранжиганидан стол ёнида ҳассасини ҳам унугиб қолдирган эди. Секретарь Незабуднийни қувиб етиб чўқморини ўзига берай деб ўрнидан ирғиб турди. Болалар, бир бало бўлишини сезиб, дераза орқасида жим қотиб қолдилар... Дарҳақиқат, шу ондаёқ дарча орқали, дарахтга ўхшатиб бўялган чўян чўқморнинг полга тушганда чиққан товуши, секретарнинг жон аччиғида додлагани эшитилди; шўрлик секретарь икки қўли билан бир оёғини ушлаганича, иккинчи оёғи билан сакраб-сакраб кабинетида юрар эди.

#### VI БОБ

### ПАРИЖЛИК ПЬЕР КОНДРАТОВ

Ксанка бу болага дастлаб кўз ташлаши биланоқ чинакам яхши кўриб қолди, шундай яхши кўриб қолдикки, ҳеч кимни ҳеч қачон бундай яхши кўрмаган эди. Ўтган чоракда бунақа эмасди. Ҳа, ўшандা ҳеч ҳам бунақа эмасди... Бувиси районга олиб борган эди. Районда улар Киевдан келган Ёш томошабинлар театрининг спектаклини томоша қилгани бордилар. «Тимур ва унинг командаси» қўйилган эди. Тимур шундай гўзал эдики, Ксанканинг қалбини батамом мафтун қилиб қўиди. Ксанка унга хат ёзишга ҳам жазм қилди. Шахтёрларнинг машҳур бригадири қизи, мактабда у билан бир партада ўтирадиган энг яхши дугонаси Мила Колоброва Ксанканинг ҳамма ўй-фикрларидан хабардор эди. Хатни биргалашиб ёзишди, хатни юборай деб туришгандага тасодифан бир журналда фотосурат кўриб қолишди, маълум бўлдикки, Ёш томошабинлар театрида Темур ролини ўйнаган артист катта ёшдаги киши экан. Шундан кейин муҳаббат ҳам барбод бўлди. Ҳа, бу воқеа бугунгидан бошқачароқ эди.

Ярим йил илгари бўлган воқеа ҳам тамомила бош-

қача эди. Ушанда улар — Ксанка билан Милка қўриқ ердаги тракторчи Есиповинг расмийи «Оғонёк»ди кўриб унга хуштор бўлиб қолиниган эди. Улар Есиповни яхт ёзишди, бунинг учун улар ижрокомдаги таниши манистканинг олдига бориб, ундан «деворий газета» учун бир нарса босиб олишга» рухсат олиниди, бунинг сабаби — иккала қизининг ҳам хати чиройли эмасди. Тракторчи Есипов эса, қасддан қилгандай, ўна маҳалда шахтёрларга меҳмон бўлиб келиб, Сухояркада тўпна-тўри Милкаларникига тушди. Ҳаммалари хижолатда бўлиб, айниқса машҳур тракторчининг ўзи — «иккита каш-катта, маълумотли қиз менга хат ёзган» деб ўйлаганиди у — ҳаммадан хижолатда қолган эди. «Об-бо, қандай саводҳонлар-а», деди у. Аммо Биринчи Май кўчасига ва «Прогресс» кинотеатрига томошага у Милка билан ҳам, Ксанка билан ҳам эмас, бултур ёзда Сухояркага меҳмон бўлиб келган Милканинг холаваччаси Валерия билан борди. Ҳа, гарчи Валерия Есиповга хат ёзмаган бўлса ҳам тракторчи Валерия билан кинога борган эди...

Сеня Грачик билан ҳам қишики каникулда иккаласи мактабдаги арча байрамидан қайтаётганларида бир-бинрига ҳамиша ака-сингил бўлиш тўғрисида ваъдалашган эдилар. Лекин бу ҳам бошқача эди.

Ҳа, буларнинг бари бошқача эди. Аммо Ксанка эндингисининг узоқ давом этажагини сезарди. Балки умрбод давом этар. Ҳар ҳолда, кейинги чоракнинг охиригача, то ёзги каникулгача давом этса керак.

Янги келган бола синфдаги барча қизларга бирданнiga ёқиб қолди, ўғил болаларда қизиқиш ва ҳушёр бўлиш туйғуларини уйғотди.

— Мана, болалар,— деди Глеб Силич, Пьерни синфа олиб кириб,— янги келган бу бола билан танишиб қўйинглар, мактабимизга қабул қилинди. У чет элдан келган... — болаларнинг кўзларида синчковлик чақини чақнаганини пайқаб, шошилинч қўшиб қўйди: — Париждан келибди. Совет Иттифоқида доимо туриш учун бизга келибди. Сизлар билан бирга ўқииди... Арзумян, типиричилаб пичирлашгандан кўра туриб, харитадан Париж қаердалигини кўрсатганинг, шу билан аллақачонлар ўтилган бўлса ҳам Париж қаердалигини яхши билмайдиганларнинг эсларига соганинг афзалроқ бўлур эди дейман.

Синфдаги энг яхши ўқувчи Сурен Арзумян (синфда

ҳамма болалар уни Сурик деб аташарди) харита ёнига келди-да, «ёзувсиз» харитада — Францияни ва ундаги катта нуқтани бармоғи билан кўрсатди.

— Тўғри,— деди Глеб Силич,— шу ерда. Грачик, сен нега қўллингни кўтардинг, нима демоқчисан?

— Мумкинми? Айтаман,— деди Сеня.

— Нимани айтасан? Парижнинг қаердалигиними?

— Йўқ. Унинг бобоси кимлигини,— деди Сеня, ўрнидан иргиб туриб.— Биз Сурик Арзумян иккимиз у билан танишганмиз. У машҳур курашчи, жаҳон чемпионларининг чемпиони... У...

— Эҳтимол, эҳтимол,— деб Глеб Силич унинг сўзини бўлди.— Бу эҳтимолдан узоқ эмас, бироқ типирчилаб, ҳовлиқмасанг ҳам бўларкан.

Шундан кейин Глеб Силич, янги келган бола билан танишинглар, лекин дарсларнинг нормал давом этишига халақит берманглар, деб синфдан чиқиб кетди.

Пъернинг атрофини ўраб олишди. У оёқларини кериб бошини ҳам қилиб турарди. Қўлларининг бош бармоқлари тор шимининг камариға суқилган, қолган бармоқлари билан эса камари устида ўйнарди. Йигитча кўришидан, «қилиқлари»дан, болаларнинг фикрича, кишининг жигига тегадигандай бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, кўпни кўрган, пишиқ бола кўринарди. Унинг бўш келмаслиги сезилиб турар эди. Аммо, қуриб кетсин, шимининг почаси бунча тор! Тирсаги эскириб, тешилай деб қолган бўлса ҳам шимига тиқиб қўйилган вельвет курткаси қанақа-я! Манглайи устида ҳурпайиб турган сочини айтмайсизми... Шунаقا ҳам кийинишарканми!

Қизлар Пъерга тикилиб қарап, айни замонда гўё парво қилмагандек дарров кўзларини олиб қочарди. Үғил болалар бўлса, Пъернинг модага мувофиқ тикилган, аммо киявериб қорайиб қолган ботинкаларига ва шимининг, гарчи яхши дазмолланган бўлса ҳам, ғижимланган жойларига қарашарди.

— Фамилиянг нима?— деб сўради Мила Колоброда.

— Пожалюйста? — деб сўради Пъер ҳам.

— Фамилиянг нима?

— Пъер Кондратов,— жавоб қайтарди у. қизариб.

У нечукдир ғалати чучук тил билан талаффуз этарди; у «р» ҳарфини чучук талаффуз этибгина қолмай балки «Пъер Кондратов» деб «р» га қандайдир бошқа

бир овоз ҳам қўшиб қўярди. Бу ҳам болаларга ёқиб тушди. Оддий бир номдай эмас, жуда ажнабийчасига эшитиларди. Гўё узоқ мамлакатлардан эсаётган шамол Сухо-ярка мактабининг олтинчи синфи устидан ўтиб кетгандай бўлди. Болалар ўзларини бирмунча таъсирангган ҳис қилишди. Пъернинг кўзлари ҳам чиройли эди. Фақат у ҳеч кимга тикилиб қарамас, узун киприкларини ерга қадаб турарди.

— Пъер Кондратов — пи эр квадратов... — деди сирли йўсинда Сурен Арзумян. Унинг олтинчи синфда энг маълумотли бола ҳисобланиши ва юқори синфлардаги болаларнинг дарсликларига ҳамиша назар солиб юриши бејиз эмасди.— Пи эр квадрат — доира юзаси дегани...

— Жим турсанг-чи,— деди унга Сеня, — ўзинг доира-нинг юзасисан! — У жўрасининг семиз башарасини бармоғи билан чизиб чиққандай бўлди.

Ҳаммалари кулиб юборишли.

Шу маҳалда кифти ва тирсаклари билан болаларни туртиб-туртиб Пъернинг ёнига Еремей Шибенцов келиб қолди, «Рёмка Штиб» лақабли бу бола мактабда энг олифта, ҳаммадан бақувват, синфда эса энг кейинги ўқувчи саналарди. Уни кўчада — кинотеатр олдидага қилган қилиғи учун каникулдан кейинги биринчи ўқиш кунидаёқ ўқитувчилар кабинетига олиб боришган эди. Энди эса у фурсатни бой бермаслик учун синфга киришга шошилди, чунки чет эллар ҳаётини биламан деб мақтанишни яхши кўради.

— Аллё, аллё Бонжур-абажур! — деб саломлашди у Пъер билан.— Паризян из обезьян? Гран мерси, не форси!

Шу билан Штибнинг французча билиши адo бўлди ва кейин ўз она тилига ўтишни афзал кўрди.

— Ёнимга ўтир,— таклиф қилди-Пъерга.— Менинг ёнимда ўзингни эркин тутасан. Ҳамма мендан ўзини четга тортади. Ўтир, агар қўрқмассанг,— деб парижликнинг юзига бўзрайиб бир қаради.

— Мен... қўрқоқ эмас,— деди Пъер ва ҳовлиқмасдан Штибга эргашиб, унинг партаси томон юрди; Қсанан билан Мила уларга қараб бошларини чайқадилар ва Пъерга бу иши яхши эмаслигини кўрсатиш учун кўзларини катта-катта қилиб очдилар.

— Бу даҳшат-ку,— деди Қсанан дугрнасига.— Рёмка уни таъсирига олиб, бузиб қўяди.

— Ҳали ким кимни таъсирига олиши номаълум,— деб қўйди Мила.

Дарҳақиқат, ҳаммалари ўзларига Пьернинг таъсири бўлаётганини сезиб қойил бўлдилар. Орадан бир минутча вақт ўтиши биланоқ бутун синфдаги болалар, оғайниларча ўзаро тақсимланган, ялпиз ҳиди келиб турадиган хушбўй «чунингам» резинкасини чайнай бошлашди.

Кекса адабиёт ўқитувчиси Елизавета Порфириевна уруш вақтида авиабомба парчаси тегиб шикастланган бир оёғи сал оқсан синфга кириб келиб учли резина ҳасасини деворга суяб қўйганида, бутун синф чап-чап чайнаб ўтирганини кўриб ҳайрон бўлди.

Ана шунда болалар бир-бирига гал бермай, синифда янги бола борлигини, янги бола бўлганда ҳам Париждан келганлигини чуғурлашиб гапира кетишди. Пьер эса жойидан туриб, назокат билан ўқитувчига ҳам чайнайдиган резинка инъом қилди.

Елизавета Порфириевна Глеб Силичдан шу билан фарқ қиласдики, ажабланганини (агар ажабланадиган нарса бўлса) ҳеч қачон яшириб турмасди. У дунёда киши ҳайрон бўладиган нарсалар мавжудлигига хурсанд бўларди. У ҳозир ҳам жуда қизиқсиниб қолди ва ташаккур билдириб, парижлик боланинг тортиғини эҳтиётлаб, ўзининг таъмини кўражагини айтди. Сўнгра Пьер ўтирган партага ёнига келиб, қизиқсанлигини яширмасдан, ундан Франция ҳақида, Париж ҳақида сўради. Елизавета Порфириевна бир маҳаллар, ёшлигида, ўқитувчилар билан биргаликда Парижга экспурсияга борган, бунинг учун ўн йил давомида оз-оздан пул жамғарган эди.

Елизавета Порфириевна Глинская (унинг синфида бир маҳаллар Григорий Тулубей ҳам ўқиган эди) шундай аёллардан эдики, бундай аёлларсиз олам пўпанак босиб, мөғорлаб кетган бўлур эди. У ёшлик йилларида ўзини қизиқтирган нарсаларга қариган чоғларида ҳам қизиқишини қўймаган эди; ёшлик пайтларида у арzon овқатлар тайёрланадиган студентлар ошхонасида шилдираган шўрва ичиб кун ўтказар, лекцияларни ҳеч қолдирмай эшитар, бадиий театрга ёки Шаляпин ва Собинов концертларига билет олиш учун тунлар бўйи навбатда турар, хотира дафтарчасини олиб, музейларни томоша қилгани борар, тунлар мижжа қоқмай, Софья Ковалевская ҳақида ёзилган китобларни ўқир, Ясная

Полянадан Лев Толстой келармиш, деган гапни эшитиши биланоқ Москвадаги Курск вокзалига югуради. Унга ўхшаган кишиларда асрнинг навқиронлиги сақланади ва бундайлар қаришса-да, қариллик ҳам ожизлик қиласди.

Елизавета Порфириевна оқсоқланиб юарди. У бир пайтлар областдан Сухояркага қайтаётганида оёғидан ажралиб қолаёзган эди; ўша кунларда гитлерчилар Сухояркани аёвсиз бомбардимон қилмоқда эдилар; Елизавета Порфириевна мактабдаги ўз шогирдларини эвакуация қилишга ёрдамлашиши учун Сухояркага келган эди: болалар ўшандаги оналари билан бирга шарқий районларга жўнатилди.

Ҳозир ҳам Елизавета Порфириевна аввалдагидек серҳаракат, тек турмас, диққат қилишга арзийдиган ҳамма нарсаларга қизиқувчи эди. У мароқли экскурсиялар уюштирас, бадиий ҳаваскорлар концертларини ташкил этар, сухояркалик шахтёрлик учун ёзувлар ва рассомлар ҳақида лекциялар ўқирди. Унинг қай маҳалда дам олишини ҳеч ким билмасди, чунки тонг отар-отмасданоқ уни ўқитувчилар кабинетида кўришар, тунларда эса унинг деразасидан стол устида ҳамиша чироқ порлаб тургани, ўқувчиларнинг иншо дафтарларини текшириб ўтиргани кўринарди. «Нахимов кемасиз туролмагани каби, мен ҳам мактабсиз яшай олмайман», — деб ҳазил қиласди у.

Ҳозир эса у Пьер тик турган партага ёнига келди-да, партага қўли билан суюниб, янги келган бу болага диққат билан тикилиб қолди.

— Жуда соз, — деди у сўнгра. — Демак, бизнинг синфда Петя-Пьер, пти Пьер, кичкинтой Пьер бўлади. Ростини айтганда, унчалик кичкина эмас-у... Хўш, қалай, азизим, у ерда, Сена қирғоқларида, ҳалиям букинистлар қадимги китоблар билан савдо қилишяптими? У ерда, болалар, ажойиб букинистлар бор-да! Не-не китоблар уларда йўқ дейсиз! Мен у ерда соатлар давомида китоб бозорида изғиб юардим...

Аммо Пьер у ерда изғимаган экан. У букинистларнинг ёнига бормаган экан. Бунинг эвазига, Елизавета Порфириевна, синфдаги болаларнинг кайфиятини наазарга олиб, Пьердан Париж ҳақида бирор қизиқ нарса гапириб беришини сўраган эди. Пьер жон деб, Париж велодромидаги етти кунлик пойга тўғрисида, Европадаги энг биринчи дилбар саналган — кино артистка Софи Ло-

ренни қандай кутиб олишларини гапириб кетди. Лекин унинг бу гаплари Елизавета Порфириевнани қизиқтирилмасди, шунинг учун ҳам Елизавета Порфириевна дарсни бошлиш учун Пьерни гапдан тұхтатишга шошилди.

Танаффус пайтида эса болалар Пьерни ўраб олиб, ҳовлиққанларича турли-туман нарсалар түғрисида ундан суруштирадиган бўлиб қолишиди. Аммо ўзининг янги қўшниси ўрнига Рёмка Штиб болаларнинг ҳамма саволларига жавоб қайтарар, у ўзини билармон ва Пьернинг ҳомийси қилиб кўрсатарди. Дарс вақтида у янги қўшнисидан ҳамма ғапни сўраб билиб олган, ҳозир ундан қўшимча равишда олган резинкани кавшаганича, Пьернинг ўрнига барала жавоб қайтарарди; у Пьернинг бобоси машҳур курашчи, чемпионлар чемпиони Артём Незабудний дунёда энг бақувват одам экани, Пьер уни, яъни Рёмкани паҳлавон бобоси билан таништиришга ваъда қилгани, ана ўшанда Еремей Шибенцовнинг жигига тегадиганларнинг ҳолига маймун йиғлаши, буни ҳамма яқин орада кўриши түғрисида гапиради...

— Қани, жўнанг бу ердан,— дерди Рёмка, партасига яқин келган синфдошларнин тирсаги билан итариб.— Қани, бас-да, одамга хираки қилаверманлар. Мен ҳам масини тушунтирдим-ку, бўлди-да.

Сеня Грачикни ҳаммадан кўпроқ Қсанканинг, уятчан, нозиккина Қсанканинг янги келган болага жуда қизиқсиниб қараётгани ҳайратда қолдириди. Сеня ҳаттоки Қсанканинг дугонаси Мила Колобродаға туғилган куни муносабати билан бугун парижлик болалини мәҳмон қилиб чақирганини шивирлаб айтганини ҳам эшилди.

Бўйдор, лўппи юзли, одатда ўзини мағрур тутадиган Мила эса Пьер ўтирадиган партага яқин жойда тургани ҳолда, бирданига баланд овоз билан бутун синфга маълум бўлган кулгили бир воқеани гапира бошлади: бу воқеа шу ҳақда эдики, бир маҳал болалар болгариялик мактаб болалари билан хат ёзишган экан, ўшанда пловдивлик бир бола Милани ўғил бола деб ўйлаган экан, чунки Мила ўз хатига «Салом — Людмила Колоброда» деб имзо қўйган экан. Ана шундан кейин Болгариядан: «Людмил Колобродга. Салом, қадрли Людмил» деган хатлар кела бошлаган, чунки Болгарияда Людмил эрекклар оти. Аммо, масалан, Вания деб, аксинча қизларни атарканлар...

— Хўш, бу Грғигорий Тулубей дегани ким? — бирданига сўраб қолди Йъер.— Қасрға борғсам, ҳамма жойда — Тулубей, Тулубей...

Ўшанда Сеня унинг енгидан тортиб, секингина:

— Секинроқ гапир. У Қсанканинг дадаси. Унинг фамилияси ҳам Тулубей,— деди.

Гарчи Мила Колоброданинг туғилган кунига кёча Сеня Грачик билан Сурен Арзумян таклиф қилинган бўлса ҳам, икки дугонани — Қсанка билан Милайн мактабдан Рёмка Штиб билан Йъер Кондратов кузатиб боришиди.

## VII БОБ

### ҚҮНГИЛСИЗ ВОҚЕАЛАР

Ҳар хил иримларга ишонадиганлар агар эрталаб икки марта қўнгилсиз воқеа бўлса, учинчи қўнгилсиз воқеа ҳам содир бўлади, дейдилар.

Сеня учун шу куннинг биринчи қўнгилсиз воқеаси унинг эрталаб беихтиёр балконга чиқиши бўлди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, бу воқеа Тулубейлар турадиган уйнинг балконида содир бўлди! Албатта, Сеняни таниган ва, худо билсин, унинг тўғрисида алланималарни ўйлаган бўлсалар керак.

Сеня отаси билан яшаётган уйнинг эгаси, вайсақи, беҳад танноз Милица Геннадиевна дераза ёнидан ўтиб кетаётган Қсанани пайқаб қолиши биланоқ: «Бу ёққа кел, Сенечка, кела қол! Ана, дилбаринг кетяпти», — деб кесатиб қўйишни яхши кўради. Дилбар эмиш! Қатталар бундан умуман нимани тушунишлари мумкин?

Сеня Грачик кўп вақтлардан буён ва тез-тез Қсанана ҳақида ўйлашини ҳеч қачон ва ҳаттоқи ўз-ўзига ҳам айтмаган, «шунчаки у билан яхши ўртоқмиз, холос, бутун гап шу!» деб қасам ичиши мумкин.

Аммо бугун эрталаб мактабга бориш учун кўчага чиққанида у Қсанана тўғрисида ўйлади ва тезда кўришишини эслаб, бундан вақти чоғ бўлиб кетди. Шу сабабли Сенянинг баланд овоз билан: «Салом, мусаффо тонг! Салом, дараҳт бошидаги зағчал! Террикон устида сузаётган булут, сенга ҳам салом! Сайра, гудок чал, юқ машина сигнал бер, сайра! Пишқир, мотор, йўғон ғилдиракларингни юмалат! Салом сизларга! Совет тепасидаги

байроқ, ҳилпира! Салют сенга! Шамол, йўлларни чангит, қудуқдаги пақир, гулдура!» деб қичқиргиси келарди.

Сеня шунда ўзини кап-катта одам бўлиб қолгандек ҳис этди. Унинг вужудида ҳамма нарсага жой топиларди: шамолда дам очилиб, дам ёпилаётган дарчадан деворга тушган камалаксимон шуълага ҳам, кўчадаги асфальтни ақл бовар қилмайдиган куч билан тешиб чиқаётган кўм-кўк гиёҳга ҳам, радиода эшииттирилаётган «Варяг» қўшиғига ҳам, рӯпарадан юк тортиб, мағрурона қиёфа-да, косадек келадиган туёқли паҳмоқ оёқлари билан салмоқланиб қадам ташлаб, оппоқ ёлини силкитиб ке-лаётган отга ҳам жой топиларди.

Борингки, ҳамма нарсага жой бор эди. Қувончидан юраги кўксига сифмасди.

Қсанана синфга кириб келганда эса Сеняниг юраги ўйнаб кетар, жуда ғалати аҳволда қоларди. Ўзини қа-еёққа қўйишини билмасди. Қаёққа қарамасин, кўзлари Қсанана билан тўқнашарди. Ва ҳаттоқи хаёлни бир жойга қўйиб, тушуниб олиш анча қийин бўлган немис грамма-тикаси қондалари ҳам бирдан маънодор ва муҳимдек кўриниб қоларди.

Сеня Қсанана билан мактабдан чиқиб пивохона ёнидан ўтиб кетаётганда — афсуски, пивохона муюлишдан узоқ эмасди — мастрлар итариб-туртишиб, қўпол сўзлашиб, бутун дунёни, оламда мавжуд жамики нарсаларни, уял-май-нетмай сўкиб шарманда қилаётгандилар. Сеня ҳали ҳам турмушда учрайдиган бу бемазагарчиликлар учун ўзини ҳам айбордердек тутиб, Қсанана эшилса қаттиқ хафа бўлади, деб қўрққанидан юраги сиқилар, жунжикарди.

Демак, шундай қилиб, биринчи кўнгилсиз воқеа — Сеняниг бугун балконга чиқиши бўлди. Иккинчи алам қилган нарса — Қсананинг парижлик болага ортиқ да-ражада эътибор билан қараши бўлди. Сеня илфор пио-нер бўлганидан, у албатта, янги келган болага, айниқса у бола етим бўлса ва сал-пал чет эллик ҳам бўлса, Се-ня унга айниқса мурувватли бўлиши керак эди. Бироқ Сеня ўзидағи туйғуни енголмади, биринчи кўришданоқ Пьер Сеняга ёқмади.

Шу куни Артём Незабуднийнинг ҳам кайфияти унча-лик яхши эмасди. Ижроком секретари унинг кайфияти-ни бузди, ранжитди. Квартира масаласи ҳам ҳал этил-маганга ўхшайди. Бундан ташқари, у ижроком йўлакла-рида нари-бери юраркан, Сухояркада тураржой масала-

си қалти́сроқ эканини эшитиб қолди. Яқин орадаги қандайдир қурилишга турли жойлардан кўп киши келиб, одамлар тиқилинч яшарканлар. Очигини айтганда, Артём Иванович кўча-кўйларда пайқаган кўпгина нарсалар ҳам уни хафа қилган эди. У бундан яхшироқ бўлишини кутган эди. У Совет Иттифоқи ҳақида ёлғон-яшиқ гапларни вайсашга тайёр турган чет эл газеталарига кўпдан буён ишонмай қўйган эди. Аммо ҳозир у атрофга, толган қалбида вужудга келган қандайдир ишонмовчилик билан назар соларди. Одамлар яхши кийинмагандек кўринди. Кейинги вақтларда Незабудний яхши овқатланмасалар ҳам, ҳамиша тоза бўлмаса-да, янги мадда фасонроқ кийинадиган кишилар орасида яшади.

Сўнгра у нонвойхона олдида нонга навбатда турганларни кўрди, қизиқсиниб, эҳтиёт билан сўраб билдики, қурилишга кўп киши келгани сабабли харидорлар нон билан кўнгилдагидек таъминланмаётган экан, вақтида нонни етказиб бериш оғирлашган экан.

Юрак оғриғи бугун негадир тинмади: кўкраги оғриб, дам чап кифти, дам бармоқ учлари жимирилашиб турди.

Черков бир меъёрда маъюсона оҳангда жом чаларди. Бирорни сўнгги сафарга кузатишарди. Бирор тарки дунё қилган. Артём Иванович эскириб қолган черковга кирди. Черковда халқ кам, ҳаммаси кексайган кишилар эди. Незабудний беихтиёр чўқинди. Сўнгра бир кампирдан ким дафн қилинаётганини секингина сўради. Кампир Незабуднийга нотаниш бир фамилияни айтди, пастдан юқорига, Артём Ивановичга сал хўмрайиб қараб қўйди.

Черков олдиндаги тиланчиларни кўриб Артём Иванович ҳайрон бўлди. Улар атиги уч киши эди, бироқ улар тахминан бундан қирқ йил бурун қаерда турган бўлслар, ҳозир ҳам худди шу жойда туриб, илгаригидек минғиллар, фақат энди, Незабуднийга шундай туюлдинки, сал секинроқ минғиллардилар. Гадойлардаи биттаси Незабуднийни таниди, унинг ёнига келди-да, чўқиниб, йифи-сифи қила бошлади. Незабудний ҳам уни эслади. Фамилиясини ҳам хотирлади: Забуга эди. У қадимги вақтларда ҳам худо ҳақига садақа сўраб юрган пияннеста, одамларни нуқул ҳақорат қилувчи, майиб, ўғри, ташибал бир одам эди.

— Бай-бай-бай, бунча келишган, хушбичимсан!—  
хушомадгўйчилик қилиб ғўлдиради гадой.— Ё раббим,

ё Биби Марьям! Яна бир марта кўришга насиб этгани экан-а! Мен гуноҳкор бандага атаганинг бордир. Сенга-ку, гуноҳларинг учун худо берадиганини берибди, аммо мен, кўриб турибсан, қандай оч-яланғоч бўлган бўлсам, шундайлигимча қолавердим. Худонинг ғазабини қўзғатиб, нолимайман. Аммо сен қилган гуноҳларинг учун менга ўн сўлкавой берсанг бўларди. Сенинг ҳақинингга дуо қилардим.

У Артёмнинг кўксига бош уриб, қўлинин ўпмоқчи бўлди. Ундан ароқ ҳиди анқирди. Ҳар қандай телбаликни, ўз таъбири билан айтганда, фортелизмни ёмон кўрадиган, покиза қалбли Незабудний ғазабланди.

— Нимага менга бақрайиб турибсан, эй пандивоқи?..— У секин гапирди-ю, аммо теварак-атроф беҳад кенг кўкракдан чиққан бу овоздан момақалдироқ гулдурагандай бўлди.— Мен қочиб юрган маҳалларда сен оғайниларинг орасида тентирабсан, бундан нима фойда чиқди? Нима манфаат топдинг? Сен ўз тўрвангнинг тагида ҳақдан ҳам, ноҳақдан ҳам бекиниб ётдинг, халтанг ичида разил жонингни сақладинг. Уч пулга арзимайдиган жонингни! Ниманг билан гердаясан? Ҳеч ниманг билан! Тинч қўй, эшитдингми? Худонинг жаннатига жўнайвер!..

Артём Ивановичнинг яна бир кекса таниши учраб қолди. Қачондир бир маҳаллар у оз-моз баққоллик қилилар, эндиликда эса тўғри келган нарсани олиб-сотиб юриши кўриниб турарди. У машҳур ҳамқишлоғининг қайтиб келганини қаердандир эшитган эди. У Артёмни таниб, ёнига келди-да, у билан ўпишмоқчи бўлган эди, бўйи етмай, қўлинин силкаб қўя қолди, сўнгра Артёмнинг қўлидан ушлаб, чет эл молларидан олиб келмадингми, айниқса хонимлар учун, чунончи нейлон пайпоқ, балки газмол келтиргандирсан?— деб сўради ва шу ондаёқ ҳар хил сиқиқлардан ҳамда ташаббусга йўл қўймасликларидаи нолиб кетди: шунчалик эпчиллиги билан у аллақачон бойиб кетган бўлар экан, лекин ҳеч йўл беришмасмиш. Унинг гапига қараганда, ҳамма иш расво эмиш, бари бир ҳеч нарса чиқмас эмиш. У пичирлар, лабларини ялаб-ялаб хўрсинар, тўнғиллар, теварак-атрофидаги ҳамма нарсани сўкарди:

— Сал бўлмаса, черковни ёпиб қўйишшаёзди. Ибодат қиладиган жой қолмади. Сен қалай, черковга қатнасанг керак, а?.. Бормай қўйдингми? Бекор қилибсан, Артём,,,

Одамларга сен барн бир керак эмассан. Лоақал ўз жонинг тўғрисида ғам ейининг керак.

Бугун ўзини сал яхши ҳис қилаётган Артём Иванович бу чолнинг гапларига қулоқ солиб туришни истамади. У чолдан узоқлашмоқчи бўлган эди, бироқ чол бир нима эсига тушгандаи, унга етиб олди-да: «Артём Иванович, сен нариги ёқларда узоқ яшадинг, бу одамлар сени кечиришмайди», деб гапира бошлади.

Артём хўмрайиб қулоқ солиб турди-да, сўнгра бирданига қўполлик билан унинг гапини бўлиб:

— Хўш, сен нималар деб бижилляпсан ўзи? — деди. — Ҳа, сен?! Ўзинг оз-моз пул жамғардим дейсан. Умрингда қилган ишинг — пул жамғарибсан-да. Шу тобда ҳам фикри-хаёлинг пулда. Сенинг ҳам, оғайни, менинг олдимда фахрланадиган жойинг йўқ. Битта аглаҳ қирқ йил умримни ўғирлаган. Сен нега ҳаммани ёмонляяпсан? Бу дунёда кўзи кўр, қулоғи карлар кўп сенга ўхшаган. Сендақаларни кўп кўрдим. Яхиси йўқол кўзимдан!.

Артём Иванович энди жўнай ҳам деб туриб эдики, таъзиядан эндигина бўшаб қайтаяётган кекса поп Кирилл Благовидов унинг ёнига келиб қолди. Бу поп бир маҳаллар Артём билан Галяга никоҳ ўқиган эди.

У мулоийимгина гап бошлади:

— Ҳа, дайди, қайтдингми? Адо бўлдими саёҳатинг? Хуш келибсан, хуш келибсан. Гуноҳларингни ювгани, тавба қилгани кел. Худо олдидаги, ватан олдидаги гуноҳларингни кечиришни биргалашиб сўраб, ибодат қиласиз.

Артём попга яқинлашди-ю, лекин унинг таъналарига ғазаби қўзғаб, сал дағал жавоб қайтарди:

— Сизнинг олдингизда тавба қилиб нима қиласман? Ҳа, бундан нима чиқди? Тўғри, қирқ йил давомида мен турли-туман даргоҳларда дайдиб юрдим, ростдан ҳам эл-юртимдан ажralиб юрдим. Аммо сиз-чи, сиз эл-юрtingизда турсангиз ҳам, халқ билан бирга эмас, балки унга қўшилмай юрдингиз. Шунаقا бўлганми?

— Йўқ, Артём, янглишяпсан. Мен халқ билан бирга бўлганман,— деб эътиroz билдириди Кирилл ота.— Мен икулфат, ғам-ғусса чеккан пайтларда ҳам, азоб-уқубат жўрган пайтларида ҳам халқ билан бирга бўлдим.

— Бундай қараганда, одамлар билан бирга бўлган-дек кўринасиз-у,— деди Артём фикрини бир жойга тўплаб, борган сари унинг юраги зирқираётган эди,— аммо

ўша одамларни ҳаётга, ишга эмас, худонинг хузурига чорладингиз-ку: Мен гарчи кетган бўлсам ҳам, ҳар қалай одамларнинг олдига кетдим. Яхшими ёки ёмонми, ҳар ҳолда одамлар-да, ахир. Яшаяптилар. Ер юзида яшаяптилар. Мен ўшалар орасида яшадим, ҳасрат-на-домат чекдим. Албатта, дайдиб, сарсон-саргардон кездим. Бу тўғри. Аммо мен кўрган разилликлар беҳад бўлса-да, одамларга бўлган ишончимни йўқотганим йўқ. Шундай қилиб, ота, энди сиз мендан хафа бўлманг, лекин сизнинг олдингизда тавба қиласидиган гуноҳим йўқ.

— Менинг олдимда эмас... Ақлга сифмайдиган сўзларни гапиряпсан, Артём... Менинг олдимда эмас, худо олдида деяпман мен сенга. Нима сен ундан ҳам юз ўгиридингми?

— Мен ундан юз ўгириганим йўқ, ота. Лекин унинг ўзи менга унчалик қарамай қўйди. Мана шунга йўл қўйди, ўзимни танҳо қолдирди...

Гарчи сал букчайганроқ бўлса ҳам ҳаддан зиёд бўйдор Артём Иванович қўлини силкаб қўйди-ю, нари жўнаб кетаверди. Поп Кирилл эса бошини чайқаганича, унинг орқасидан қараб қолди.

Незабуднийнинг мазаси йўқ эди. Кўчиш пайтида узоқ йўл машаққатлари ҳам, ўйлаб қўйилган ва қилина бошлигаган тараддуллар ҳам, чарчашлар ҳам, яна вужудга келган ва чидаб бўлмайдиган аччиқ шак-шубҳалар ҳам, ижроком кабинетидаги чекилган алам, аҳмоқона таъналар ҳам — буларнинг бари унинг юрагига ўз таъсирини кўрсатган эди. Артём Иванович Пьер билан вақтинча тушган мусофиirlар ётоқхонасига борадиган йўлда, бозор яқинидаги автобус бекатидаги скамейкага ўтириб, сал дам олмоқчи бўлди.

Бу ерда ҳам бесўнақай шилқим бир йигит унинг ёнига келиб ўтирди. У кўча-кўйларда бекорчи юрадиган йигитларнинг жўрабошиси эди. Вячеслав Махонин деган бу йигитнинг лақаби «Махан» бўлиб, шахта қошидаги мактабдан яқинда ҳайдалган, ҳозирги касби эса ё бозорда, ё Биринчи Май кўчасидаги «Прогресс» киноси олдида, ё бўлмаса майхона ёнида тентираб юришдан иборат эди. Махан дарров илғаб оладиган кўзи билан сал ориқлаган Незабуднийнинг эгнидаги сарғиш пальто чет элники эканини пайқаб олди.

— Монидан борми? — деб шивирлади у, Артём Ивановичнинг ёнига ўтирап экан.

— Нима? Нима деяпсан ўзи? — тушумади Незабудний.

— Мони деяпман, монидан борми? — деб такрорлади Махан ва икки бармоини папирос тутгандай қилиб, лабига ишқаб сўради: — Смок-чи, сигарет?

— Мен сен ярамасни шунақа смок қилайки, шунақа «мони» қилайки, чет элники тугул ўзимиизда ишланадигим эсингга олмайдиган бўласан, — деб (ний).

стида ер гир-гир айланадиганда кўнович ўрнидан турмоқчи бўлган эди, бўлиб қолди. У фақат кифти билан чи салгина итариб қўйди. Аммо шунинг ўзиңг тротуар четига — икки метр нарига бориб тула кифоя қилди.

### VIII БОБ

## КЕКСА ВА ЁШ

Шу орада Сеня Грачик, ўзи учун шунчалик шак-шубҳалар билан бошланган бугунги кунни салгина бўлса ҳам кўнгиллироқ ўtkазиш ташвишида чўнтагини ахтариб, майда пул топди-да, охириги марта отўйинга тушмоқчи бўлди; отўйин куни кеча тугаган каникулдан кейин, бугун ҳам бозор майдонида ишлаётган эди. Отўйиндек нарсада ўзини қандай тутганига қараб ҳам Сеня Грачикнинг қанақа одамлигини пайқаса бўларди... Ҳамма бола болалардек ўтиришган эди. Баъзи болаларни ота-оналари миндириб қўйди, баъзилари ўзлари «от»га миниб олди, баъзи болалар «самолёт» ёки «автомобил»га бир амаллаб чиқиб олди, аммо уларнинг бари ҳам қўллари билан эгар ва ўриндиқларга ёпишиб, кенг-кагта қилиб очилган кўзларида сал қўрқаётганларини бекитиб ва бу техника муъжизасидан қойилликларини ифодалаб айланардилар. Болалар айланадиганларида қимирламасликка зўр бериб ҳаракат қилар, фақат ерда турган оталари ёки оналари қошидан ўтаётганларида уларнинг рағбатлантирувчи қиёфаларига қарадилар.

Бунақа айланиш Сеняга кифоя қилмасди. У бир марта бошқа болаларга ўхшаб «қайиқча»да айланди. Сўнгра қайиқчада кўндалангига ётиб айланди. Кейин «қайиқча»га тескари ўтириб олди. Кейин у бир кўзини

юмиб айланди, кейин иккала қўзини ҳам юмди, қулоқларини ҳам бекитди. У яқингина жойда ўтирган Артём Иванович олдидан «қайиқча»сида эмаклаб ўтаётганида оёқлари орасидан орқа томонга қараб борарди. У тадқиқотчи, тажриба ўтказувчига ўхшаб кўринарди. У ҳамма нарсани текшириб, синааб кўришга уринарди. У ҳамма нарсанинг маъною сабабини қидирарди.

Сеня яна бирор усулда айланган бўлар эди. Шу пайт отўйинни томоша қилиб ўтирган Артём Ивановичнинг тўсатдан боши айланниб қолди, у оқариб-бўзариб қўқисдан скамейканинг орқасига суюниб, кафти билан кўзларини бекитди.

Сеня буни кўриб қолди, бугун эрталаб қандай машҳур одам билан танишганини билганидан, айланадётгани отўйиндан иргиб тушди-да, чолнинг олдига югуриб келди.

— Юрагингиз безовта қиляптими?

Незабудний бош иргади.

— Ёмон уряптими?

Артём Иванович фақат қошларини қоқиб қўйди. Бош иргашга ҳам дармони йўқлиги кўриниб турарди. Сеня:

— Сиқиляптими?— деб сўради-да, кўздан ғойиб бўлди.

Артём Иванович кўзларини очди, лекин бола йўқ эди. «Қочиб кетибди, чўчибди-да...»— деб ўйлади у, ачиниб.

Бироқ, орадан уч минутча вақт ўтар-ўтмас, Сеня яна Артём Иванович ёнида пайдо бўлди, у валидол солингган кичкина шишанинг тиқинини тишлиари билан суғуриб олди.

— Босилмадими?— деб сўради Сеня.

Артём Иванович бош чайқади.

— Мана, амаки шу тиқинни салгина сўринг-чи.

— Назаримда, сен бу нарсани ўқиб олган кўринасан-а,— деди Артём Иванович, валидолнинг оғизни совутувчи таъмини татиб ва енгил тортиб.— Сенга бу илмни ким ўргатди?

— Дадам.

— Нима, даданг докторми?

— Йўқ, доктор эмас,— секингина жавоб қайтарди Сеня.— Шофер бўлиб ишлайдилар.

— У кишини ҳам бу дард қийнаяптими?

— Баъзан шунаقا бўладилар.— Истар-истамас жавоб килди Сеня. Унинг бу гапни давом қилдирмоқчи

эмаслиги афтидан кўриниб турарди. Жим қолиб, Артём Ивановичга тикилиб турди-да, чолнинг сал енгил тортганини пайқагач, бирданига:

— Амаки, айтмоқчи, сизда етмиш икки тийин пул топилмайдими? — деб сўраб қолди.

— Нега пул керак бўлиб қолди?

— Отўйиндан саксон тийин пулим қолиб эди, аптеқада эса дори бир сўм эллик икки тийин тураркан. Сиз безовта бўлманг, менга насияга ҳам беришарди. Қўлингга пул тушганда қолганини келтирасан, дейишди. Бу ахволни билганларида-ку, текинга ҳам беришарди.

Артём Иванович чўнтагидан ахтариб бир сўм пул топди ва Сеняга:

— Бор, ўғлим. Қарзингга тўла. Ишонганлари учун раҳмат айт, — деди.

— Хўп, кейинроқ олиб бориб бераман. Сиз билан озгина ўтирай. Мумкинми?

— Майли, ўтирақол, ўғлим!

Сеня дунёда тенги бўлмаган паҳлавон билан ёнмаён ўтириди, ўтирганда ҳам жуда қойил бўлиб, азим суҳбатдошидан кўзини узмай ўтириди. Юқори синфларда ўқувчи болалар мактабдан қайта туриб ёнларидан ўтар, улар Сеня Грачик қанақа одам билан ёнма-ён ўтирганини кўришарди. Юқори синф болалари янги келган одам олдида чиройлироқ кўриниш учун оталари, көн ишчилари сингари толиққан йўсинда қадам ташлаб боришарди. Қўпларида мактаб фурожкаларининг тена томони шахтёр каскаларидек сирланиб букилган эди. Баъзиларининг сумкаси ҳам шахтёрларнинг лампочкасига ўхшатиб маҳсус илгак билан камарларига осилган эди.

Улар Сеняни кўришлари билан, гарчи шу куни мактабда саломлашган бўлсалар ҳам яна бир марта саломлашиб:

— Салом, Грачик! Тугатдингми? — сўрашарди.

Сеня ҳам шахтёрласига:

— Бўлди! — деб жавоб қайтарарди.

Сўнгра шахтада гудок чалинди. Тез орада сменани тугатган шахтёрлар ҳам уйларига жўнай бошлидилар. Хотинлари уларни кутиб олишарди.

Незабудний буларга назар ташлаб, бир маҳал ўзи ҳам бир мунча вақт туриб қолишга тўғри келган Ўретандаги балиқчилар қишлоғини эслади. «Одамзод ҳамма

жойда ҳам бўш келмайди, одам деган шунаقا,— деб ўйларди Незабудний.— Одам сув тагиданми ёки ер тагиданми, ўз ризқини топади. Ҳа,— деб ўйларди у,— балиқ чилар билан кон ишчилари ўртасида бир-бирларига монанд хусусиятлар бор: буни ўз бошидан ғам-ғусса кечирганлар, денгизда балиқ овлаш ёки ер тагида кўмир қазиш билан шуғулланганлар яхши·билишади. Денгиз эндигина балиқ овлашга киришган кишини белоёнлиги билан қўрқитади, ер таги эса кўниуммаган кишини сукунати ва торлиги билан эзиб ташлади. Бундай қараганда, бир-бирларига ўхшашлик йўқдай кўринарди... Ҳолбуки, балиқчиларнинг хотинлари денгиздан қайтган эрларини қандай кутиб олишса, кончиларнинг хотинлари ҳам ер тагидан чиқсан ўз бокувчиларини худди шундай кутиб олишади. Одам деган истаганини ҳамма жойда топади, унинг меҳнати оғир, бироқ ана шу меҳнатсиз яшай олмайди у. Фақат бутун умрини ҳеч қачон денгизга овга чиқмай қирғоқда енгил-елпи ўтказган, ер устида сайр қилиб ҳаёт кечирган, ризқ топиш учун ер остига тушмаган одамгина бунга тушунмайди. Мана, бу ерда одамлар мағрур. Ўзларига ризқ топадилар, ўзлари га ўзлари хўжайин ҳам.

Ҳаёт бу ерда бутунлай янгича изга тушиб оқар, Артём ҳам сабрсизлик билан шу ҳаёт оқимида оқишинистарди. Унинг ҳам бўм-бўш қирғоқда якка ўзи қолгиси келмасди. У ҳамма билан бирга шу оқимда оқишини хоҳларди. Юраги сал тинчигандай бўлди. У ўтириб қулоқ солар, атрофга кўз ташлар, дам болалик йиллариданоқ таниш бўлган нарсаларни, кўзларига ёш олиб танир, дам бу жойларда ўзи учун янги бўлган ҳаёт аломатларига қараб, ишонгиси келмай ҳайрон бўларди.

Бир инвалид чиройли бир аёл билан (хотини бўлса керак) кетиб борарди. Инвалидинг сархил ботинка-даги протези сал фирчилларди. Гарчи у бироз оқсоқланса ҳам салмоқ билан юриб борарди. Унинг эгнида яхши тикилган бобрик пальто, бир қўли билан ҳассага суюнган, бошқа қўли билан эса хотинининг қўлинини ушлаган. Уларнинг олдида янги чиройли матросча кўйлак кийган қизча борарди. Бу оиласининг иноқ ва тўқ яшаётгани кўзга ташланиб турарди.

Икки аёл бурчакда магазиндан сотиб олган молларини бир-бирларига кўрсатишар, бармоқлари билан ўровини очиб, пайпастлаб кўришарди. Иккаласи ҳам мамнун.

Автобус остановкасида одам кўпайиб қолган—одамлар навбатда туришар эди. Кўпчилиги ёшлар. Кўплари бошларига фуражка кийган, қўлларида — китоб. Автобус келди. Навбатда турганларнинг ҳаммаси автобусга чиқди. Фақат бир йигитча сиғмай, зинапояда бир боғлам китобини силкиганича жўнаб қолди. Юқорида кимдир уни, ҳар эҳтимолга қарши, қўлтиғидан маҳкам ушлаб олди.

Кўчада дам у ерда, дам бу ерда тўхтаб, калта пахталик устидан клсёнка плаш кийган ёш бир аёл юради. Катта қоғоз ўрами ва пақир кўтарган бу аёл афиша ёпиштиради.

Афишалар ҳар хил: «Жасур кишилар», «Ёш гвардия» кинофильмлари, область театрининг «Сўна» спектакли, «Районимизнинг келажаги» ҳақида лекция ва «Электрсваркачи аёл ишчи шошилинч зарур», «Чизмакашлар керак», «Тажрибали энагалар керак» каби эълонлар ҳам бор. Умуман, бу ерда кўп киши ишга таклиф қилинаётгани кўриниб туради.

Чорраҳадан ҳамиша бир томонга, юк машиналари, самосваллар, ғишт, ёғоч-тахта, металл конструкциялар ортилган прицеп уланган оғир юк машиналар бирин-кетин ўтиб турар эди. Қаердадир яқин атрофда катта қурилиш борлиги кўриниб турибди. Одамлар ўтирган бир неча машина ўтди. Улар гижимланган брезент курткалар кийиб олишган эди. Ҳаммаси ашула айтишиб ўтишди. Кўшиқ машинадан машинага ўтар, худди тўлқинлар орасидаги қайиқ сингари, дам эшитилмай қолар, дам бошқа машинадагилар жўр бўлишса, яна янграб эшитиларди. Нариги кўчага чиқиб олган машинадан айтилган ашула анча вақтгача эшитилиб турди. Автоколонналар рўпарасидан эса бутун бир уйни кўчириб келишарди. Пастак платформани деразаю томи билан судраб кўчириб келишарди. Уй мўрисидан тутун ҳам чиқадигандек кўринарди.

Сўнгра ҳамма машиналар қўйқисдан тўхтаб қолиши: серташвиш ёш бир қиз кичкинтойларни кўчадан ўтказаётганди. Болалар каминда қирқтacha бор эди. Улар қўлма-қўл ушлашиб, жуфт-жуфт бўлиб боришар, ҳалиги қиз эса ёнидан ўтказа туриб, санагандек уларниң елкаларига қўлинни тегизиб қўярди. Кичкинтойлар ҳовлиқмасдан, кўчанинг иккинчи томонига ўтиб олишди. Улардан ҳар бирининг қўлида қоғоздан қилинган пар-

рак бор эди. Чап томонда ҳам, ўнг томонда ҳам машиналар сабр билан кутиб турардилар.

Фақат самосваллардан бирининг кабинасидан бир шофёр бошини чиқариб, қувноқ қичқирди:

— Ҳе, юлдузга учувчилар! Тезроқ! Қани, чаққонроқ! Тап-туп!

Артём Ивановичнинг юрак ўйноғи ўтиб кетганини кўрган Сеня, энди бугун ўзимни эрталабдан қизиқтирган масала ҳақида эҳтиётлик билан гап бошласам бўлар, деб ўлади.

— Амаки,— деб гап бошлади у,— сиз ростдан ҳам дунёда энг зўр одаммисиз?

— Йўғ-э, бугун энг кучсиз кишиман.— Незабудний катта бошини чайқади.

— Бугун-ку шундай бўлиб қолдингиз... Эртага-чи, бетоблигингиз ўтиб кетгач, яна зўр одам бўлиб қолмайсизми?

— Йўқ энди, бу ўтиб кетмайди. Бир маҳаллар ҳаммадан зўрсан дейишарди.

— Ҳозир, шу топда наҳотки сиз энг зўр одам бўлмасангиз?— умид аралаш ачингансимон сўроқ қилди Сеня.

— Ҳа, эҳтимол бирор жойда мендан зўрроқ ҳам одам топилар. Менинг энди, оғайни, кучим кетиб боряпти.

— Илгариларда-чи, сизни ҳеч ким йиқитолмаганми?

— Йиқитолмаганди шекилли.

— Бутун ер юзида ҳеч ким-ҳеч ким-а?

— Айтдим-у, ҳеч ким деб.

— Умрингизда ҳеч қачон-а?

Незабудний гумонсираб қаради:

— Сенга бирор менинг тўғримда гапирдими? Аҳмоқона гаплар! Ишонма. Мен ҳеч қачон йиқилган эмасман. Халқаро кураш майдонларида ҳеч қачон менинг курагим ерга теккан эмас.

— Демак, ҳаммасини йиқитгансиз?

— Ҳаммасини.

— Борди-ю бештаси бирданига ташланиб қолишиса-чи?

— Удалаган бўлардим.

— Үнтасини-чи?

— Жуда жаҳлим чиқиб қолгудай бўлса, ўнтасини ҳам боплаган бўлардим.

— Борди-ю, йигирматасини-чи?

Йигирматасига, энди эҳтимол қурбим етмаган бўларди. Қўпчилик қилиб қолган бўлур эди. Ўнтасини бир пргитиб ташлаган бўлардим, қолганлари бирданига устимга ташланиб, йиқитишган бўларди. Қаёқда дейсан! Лоақал ўн бешта бўлганида, гўрга эди, йигирмата дейсан-а! Ҳаддан ошириб юбординг!

Жим қолиши. Сеня танишига тикилиб қолди.

— Амаки, сиз Америкада ҳам бўлганмисиз?

— Бўлганман.

— У ерда бизнинг тарафдорларимиз кўпми?

— Истаганингча топилади. Одамлар ўша ҳақиқат деган нарса бу ерда эканини биладилар. Ана шунинг учун хайриҳоҳлар-да.

— Сиз, амаки, энди узил-кесил бизнинг томонимиз-да бўласизми?

— Очигини айтсам, мен ҳеч қачон қарши бўлган эмасман. Бу шундай бўлган... Тентаклидан, мени алдаб қўйиши. Натижада шундай бўлиб чиқдики, меч гўё тайёрга айёр бўлиб келгандай бўлиб қолдим. Халқ бу ерда шундай ишлар қилибдики, мен ҳеч нимага қатнашмай қолибман.

— Мен ҳам ҳеч нимага қатнашган эмасман!— хўрсинди Сеня.— На гражданлар урушида, на Улуғ Ватан урушида. Фақат шахталарда пионерлар билан темир-терсак йиғишда қатнашдим, холос.

— Сен-ку, ҳали кўп нарсада иштирок қиласан. Мен бўлсам энди...

Сеня шошилиб тасалли берди:

— Бизда, пенсияга чиққанлар ҳам бари бир иштирок қилишялти. Бирор ишни текширишялти... Ёки шахтёрлар саройида навбатчилик қилишялти...

— Бас, шундай экан, сен энди мени ҳам эсингдан чиқариб қўйма.— Незабудний мўйловини кулгили тарзда қўмирлатиб қўйди.— Фақат мен энди билмай қолдим, қанақа бўларкинман: актив бўларканманми ёки пассивми?

— Энг зўри бўласиз-да,— чаққон жавоб қилди Сеня.

Унинг ҳали қечиктириб бўлмайдиган жуда кўп саволлари бор эди. Ҳадеб савол ёғдириди:

— Амаки, сиз Америкада тирик ваҳший ҳиндуларни кўрганмисиз?

— Кўрганман... Аммо ростини айтганда, қандай де-

сам экан сенга. Чала тирикларини кўрганман-да. Бироқ улар ҳеч ҳам ваҳшиймаслар. Уларга уерда, оғайни, кун йўқ. Улар ваҳшийликдан эмас, балки очарчиликдан қип-ялангоч, яланг оёқ бўлиб қолибдилар. Уларнинг бирон жойга бориш-келишларига йўл қўйишмайди. Ана шунақа рангдор бўёқларга бўялган патларини тақиб ўтирганлари-ўтирган, томошабинларга томоша қилиш қизинқ. Ана шундай яшашиятни.

— Бу ҳақда мен ўқинганман. Сурен деган ўртоғим бор, ўша менга бир китоб берниб эди,— деди Сеня.— Негрлар ҳақида ҳам... Амаки, Америкада ҳозир неча қаватли уйлар бор?

— Санаган эмасман. Юздан ортиқ қаватли уйлар ҳам бор дейишади. Нью-Йоркда.

— Сиз энг тепасига юриб чиққанмисиз?

— Нега юриб чиқар эканман? Бунинг учун элевейтер бор, лифт. Кўтарадиган машина.

— Биламан. У бизларнинг шахтамиздагига ўхшар экан-да.

— Тўғри айтасан. Ишлаш усули ҳам худди шундай. Сеня суҳбатдошига биқинидан бир назар солди-да:

— Қалай оғриғингиз ўтиб кетдими?— деб сўради.

— Шунақага ўхшайди. Раҳмат сенга, айни вақтида ёрдам кўрсатдинг.

— Эҳ, зўр бўлиш яхши бўлса керак дейман-а!—орзу қилгансимон деди Сеня.— Қизиқ бўлса керак, а?

— Битта кучнинг ўзигина кифоя эмас. Тайёргарлик кўриш керак. Ҳар томонлама ривожланиш керак...

— Тушунарли. Машқ қилмасдан бўлмайди. Амаки, борди-ю мен машқ қилаверсам, зўр бўла оламаними? Сизчалик эмас-у, ҳар ҳолда-да?..

— Нега бўлмас экансан?

— Мени физкультурачимиз командага қабул қилмади. Гавданг заиф деяпти.

Незабудний Сеняни елкасидан жимжилоги билан тутиб ўзинга орқаси билан айлантириб қўйди. Иккинчи қўлини боланинг курак суюклари орасига қўйиб, унинг тирсакларини бир-бирига тегизиб, Сеняни кафти билан авайлаб олдинга эгди, боланинг сочи қирқилган бўйниндаги ҳалқоб жой теп-текис бўлиб кетди. Тирсаклари орқага қайриб қўйилган Сеня қўлга тушган чигиртката ўхшарди. Артём Иванович боланинг нимжон, ориқ ёканини пайпаслаб кўрди. У кенг кафти билан авайлаб-

гина Сеняниг елкасини силаб, мато тагидаги ҳар бир суяги чиқиб турганини сезди.

— Ҳечқиси йўқ, анча бақувватсан-ку,—деди Незабудний.—Фақат жуда ориқ экансан-да. Бақувватроқ бўлиб ўсиш керак. Сен бекор буқчайиб юрасан, ўзинингни тўғри тутиб юр. Мана бундай; елканги букма... Ани шундай...

— Мен ҳар куни шугулланиб, баъзи нарсаларни ўргандим,—деди Сеня камтарилик билан.—Мана, масалан, кульбит қилишга ўргандим. Ҳар куни сузишни ўрганияпман,—секингни қўшиб қўйди Сеня.

— Сувда сузиш яхши иш,—маъқуллади Артём Иванович.

— А-ля брасни биламан, крољ усулида сузишини ҳам.

— Баттерфляйни ҳам биласанми?

— Баттерфляйни ҳам биламан. Аммо ҳозир сал ўзгартириб, Австралиядагидек янги усул қўлланишапти. «Дельфин» деб аташади.

— Тўғри,—деди Артём Иванович.—Хўш, қалай, суза оляпсами?

— Лекин буни ҳали сувда синаб кўрганим йўқ. Мен ҳозирча уйда, полда қиляпман. Адёлни полга ёйиб, машқ қиляпман. Сувда сузиш ҳақидаги дарсликни ўқиб чиқдим. Яқинда ўзимизда сув сероб бўлади-ку.

Шунинг учун мен тайёргарлик кўриб қўймоқчиман...

— Шошма, шошма!..—деб унинг сўзини бўлди Незабудний ва бутун баҳайбат гавдаси билан болага ўгирлиб қаради.—Сув дейсанми, сув қаердан келаркан бу ерга? Қаердан топдинг бу гапни? Бу жойларни Сухоярка деб атаганлари бежиқ эмас. Бутун атроф чўлку, ахир?

— Гидрострой-чи? Яқинда бизга сув беришади. Нажотки билмасангиз? Мана, террикон тепасига чиқиб қарасангиз... Хоҳлайсизми, мен сизни олиб борай. У ерда, тепадан қурилиш кўриниб турибди. Канал олисда, лекин сув омбори бўлади бу ер... Шундай қилиб, сув келгунча мен ҳам сузишга тайёр бўлиб тураман...

Сеня орзиқиб кутилган сувни ютгандай, ютиниб олиб, посёлкадагилар сувни қандай интизор бўлиб ку-таётганларини, уйларда ҳозирданоқ сувга қувурлар, кўчаларда эса колонкалар тайёрлаётганларини гапира скетди. Сеняниг фикрича, канал трассасининг олисдан

ўтаётганининг ҳечқиси йўқ эмиш. Майли, Сухоярка магистралнинг ёнгинасида бўлмаса бўлмас. Аммо сув, катта сув, боболаримиз давридан буён орзу-хаёл қилинган сув бу ерга келади,— деди.

Незабудний унинг гапларини тинглаб, хурсанд бўлди, у Сенядан шундай бир гапни билиб олдики, бу ҳақда хаёл қилишга журъат ҳам этолмаган бўлур эди. Қабристонни шуннинг учун бошқа жойга кўчирнишар экан-да. Ойисининг эски кулбаси ўз жойини ана шуннинг учун бўшатиб берар экан-да, ҳозир кулбани бузишгандир ҳам. «Мен, қари тентакни қара-ю!.. Бу ерда фаровонлик косасини аллақачон тайёрлаб қўйишибди-ю, мен бўлсан ўзимнинг арзимас бир вазамни олиб келибман!»— деган фикр келди унинг миясига.

Артём Иванович хурсанд бўлди, бу қурғаб қолган ўлкада неча-неча ўн йиллар давомида одамлар зоринтизор бўлиб кутган сув гўё унинг юрагини ҳам ювиб, покиза қилгандай бўлди.

#### IX БОБ

### БИР ҚИСИМ ТУПРОҚ

Бирданига Артём Иванович ўзини тетик ҳис қилди, ижроком раиси билан учрашиб, гаплашиши кераклиги эсига тушди. Бироқ, у Сеня билан ижрокомга кириб, раисни кўролмади. Раис ижрокомда йўқ эди. Сеня разиснинг тураржойини билганидан, тўппа-тўғри Тулубейларнинг уйига боришини таклиф қилди.

Йўлда кетаётиб Артём Иванович Сенядан:

— Раисларингиз жиддий одамми?— деб сўради.

— Яхши аёл дейишади.

— Аёл кишилиги хунук экан,— хўрсишиб қўйди Артём Иванович.— Мен, օғайнин, аёл бошлиқлардан қўрқаман.

— У жуда ҳам яхши одам. Невараси бизнинг синфимиизда ўқийди. Фамилияси Тулубей. Мен сизга гапирдим-ку: ўша Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган киши раис опамизнинг ўғли бўлади.

Йўлдан бораётиб Артём Иванович, Сенядан яна шуни ҳам билиб олдики, Тулубейларнинг уйида бутун ишни, Сенянинг айтишича, «оталиқдаги бойвучча» идора қиласар экан, собиқ кон бошқарувчиси Грюоппонинг бе-

ва хотинини Сухояркада шунақа деб аташар экан. Незабудний Грюппонни яхши эсларди: у атлет ва гимнаст эди, спорт соҳасида катта ҳимоячи саналарди, ўзи ҳам кураш майдонида кучини синаб кўрган эди. Грюппон бир маҳаллар Артёмнинг биринчи марта манежга чиқишига ёрдам қилган, ёш шахтёр полвон Артёмнинг фоятда бақувватлигини ва кўп нарсадан далолат берувчи имкониятларини пайқаган эди.

Артём Иванович билан Сеня иккаласи Тулубейлар эшиги олдинга етиб келган ва Сеня эшикни тақиллатай деб турганида, Артём Иванович бирданига хижолат бўлиб, Сеняниг елкасидан ушлаб тўхтатди:

— Тура-тур, тақиллатма!— деди у,— бекани «оталиқдаги бойвучча» дединми ҳали? У Наталья Жозефовна бўлмасин тағин?

— Ҳа, Наталья Иосифовна.

— Тўхта... у ҳалиги...

Аммо шу он эшик очилиб, «оталиқдаги бойвучча» пайдо бўлди. Албатта бу Наталья Жозефовна Грюппон эди. Артём Иванович дарҳол уни таниди. Унинг гардишсиз кўзойнаги ҳам гўё ўша, бундан қирқ йил илгари Артём кўрган эски фасондаги «велосипед»га ўхшаб бурунга қадалган кўзойнакнинг ўзгинаси эди.

Ҳа, бу унинг Галясининг собиқ бекаси Наталья Жозефовна эди. Бир маҳаллар Галя шу Грюппонларникида оқсоч бўлиб ишларди, у шахтада касал бўлиб, плицатилик қиломай қўйгач, Грюппонларникига ишлагани келган эди. Незабудний ўзининг никоҳ тўйида Грюппон хоним билан мазуркага тушганини эслади. У яна бир вақтлар, биринчи марта Париждан Сухояркага қайтиб келганида Грюппон хонимнинг уни французчани бузиб гапиргани учун қандай уришиб бергани ёдига тушди. Бироқ Артём Иванович Наталья Жозефовнанинг шу ўтган йиллар ичида ўзининг собиқ оқсоцидан ажралмаганини билмасди. Улар эвауакацияга ҳам бирга жўнага эдилар. Григорий Тулубей ҳалок бўлиб, унинг хотини ўлгандан кейин эса собиқ бека кичкина Ксанани тарбиялашга ҳам ёрдам қилди. У энди кўпдан буён Тулубейлар оиласи билан бир жон-бир тан бўлиб, оиласада ўз кишилари, экономика ва уйни бошқарувчи бир кишидек бўлиб қолган эди. Уйдагилар Наталья Жозефовна ни самимий ҳурмат қилишар, лекин ўзи йўқ чоғида уни ҳалиям «оталиқдаги бойвучча» деб аташарди. Унинг бу

«лақаби» революциянинг дастлабки йиллариданоқ со-  
биқ шахта бошқарувчиси Грюппонинг уйига мажбурий  
тартибда бошқа одамларни жойлашириш чоғидан қо-  
либ кетган эди. Уша маҳалда Галина хоналарни тақ-  
сим қилиш пайтида, Наталья Жозефовна эндиликда  
менинг «оталиғимдаги бойвучча», унга сиёсий тарбия  
бериш иши билан бундан кейин ўзим шуғулланаман,  
деган эди.

— Е раббим! Артём эмасми бу! — деди Наталья Жо-  
зефовна, бошини уриб олмаслик учун ҳам бўлиб кириб  
келган полвонни кўргач.— Ростдан ҳам тоғ билан тоғ  
учрашмайди, холос, деб тўғри айтишар экан...

— Аммо тоғдай одам ўз оға-инилари билан учрашар  
екан,— деди Незабудний паст овоз билан унинг сўзи-  
ни бўлиб. Сўнгра у эгилиб «оталиқдаги бойвучча»нинг  
қўлини ўпди. Наталья Жозефовна эса чаккасини Неза-  
буднийнинг тирсагига қўйди, чунки юқорироққа бўйи  
етмади.

Сеня Артём Ивановичнинг бу қилигини кўриб жуда  
жайрон бўлди. Шундай катта ва машҳур киши, бақув-  
ват одам ва бутун жаҳон чемпиони бўлса-ю, бирданига  
қадимги ҳаётни тасвирловчи кинодаги подшо саройи-  
нинг амалдори сингари бир аёлнинг қўлини ўпса-я! Шар-  
мандагарчилик-ку бу! Сеня ўзининг янги танишидан ҳар  
ҳолда буни кутмаган эди. Капитализм шароити одамни  
пасткашлиkkача олиб борар экан-да! «Оталиқдаги бой-  
вучча» эса Артём Ивановичнинг орқасида турган Сеняга  
кўзи тушиши биланоқ:

— Жуда соз бўлибди-да! Эрталаб балкондан кир-  
моқчи бўлувдинг, энди эшикдан кира қолибсан-да,—  
деди.— Лекин барвақт келибсан, азизим, Ксана ҳали  
келгани йўқ.

Наталья Жозефовна Артём Ивановичга тез-тез бир  
нимани французчалаб гапириб қолди. Артём Иванович  
ҳам унга мулоимлик билан французчалаб, Сеняни  
кўрсатиб жавоб қайтарди.

— Йўқ! — деди Наталья Жозефовна.— Бир қулоқ  
солинг-чи, қандай талаффуз-а! Қандай ажойиб иш бу!  
Париж, чинакам парижча диалект-ку бу. Айтмоқчи, қа-  
ни, ўтирангиз-чи, сиз шундай бўйдорсизки, ёруғликни  
тўсиб қўйяпсиз, хонамиз қоронги бўлиб кетди. Ўтиринг,  
азизим. Йўқ, жаноблар, яна бир қулоқ солинг-а, қандай  
соғ гапиряпти-я!

Наталья Жозефовна жуда ҳаяжонланган маҳалларда нохосдан «жаноблар» деб қўярди.

— Менга қаранг, Жазонир хусусида у ёқда нима гаплар бор? Француз ҳукумати бу тўғрида қандай фикрда? Бу қабиҳ, жирканч зўравонликка хотима берилармикн? Жамоатчиликнинг фикри қандай? Нима бу, ростдан ҳам у ёқларда ҳамма жойда Америка базаларни борми? Биласизми, мен яқинда доклад эшитгани бордим. Халқаро масалалар бўйича лектор келган эди,— нима дейишга сўз ҳам тополмайсан кишин! Анави НАТО ва СЕАТО деганилари нимаси-я...

Незабудний ҳайратда қолди, у халқаро масалаларда кампирнинг бунчалик билимдонлигини сира кутмаган эди. Сеня қулоқ солиб ўтирас, ҳайрён бўларди. «Оталиқдаги бойвучча»нинг французча гапириши табиий, янгилик эмасди, аммо мўйловдор полвон амакининг французча гапириши Сеня учун жуда ғалати туюлди. НАТО ва СЕАТОлар тўғрисида Сеня ҳам унчалиқ кўп нарса билмас, аммо Артём Ивановичнинг қўлларини ёйиб, ноилож:

— Нима ҳам дердик, Наталья Жозефовна, начора, сиёсат-да!..—деганини эшитган Сеня, унинг фикрига қўшилган бўлди.

Артём Иванович тиззалари орасида шляпасини қўли билан эзиб ўтирас экан, орқасида турган Сеняга ўғирилиб кўз қирини ташлади-да, бирдан овози бўғилиб:

— Хўш, Галия-чи... Галина қалай?.. Туэукми?— деб сўради.

— О, Галина Петровна! Биласизми, уни бу ерда нима деб аташади? Ойимбека деб. Эшитгандирисиз?.. У ижроком раиси бўлиб ишлайпти. Сизга шуни ҳам айтишим керакки, у жуда обрўли бўлиб кетган. Эҳ, Артём, Артём, ўтган воқеаларни эсга олишнинг нима кераги бор... Сизни айбламоқчи эмасман, мен сизни қоралай бўлмайман ҳам, аммо ўтганни қайтариб бўлмайди. Лекин,— Наталья Жозефовна Незабуднийга французчалаб нимадир деди. Незабудний ҳам хўрсиниб, рози бўлгансимон бошини ҳам қилди.— У бечоранинг жуда яшлари кўп-да! Кун демай, тун демай ишлагани-ишлаган. Рости, ўзимиз ҳам уни камдан-кам кўрамиз... Вой, кепирасиз, ўзи ҳам келиб қолди шекилли.

Кўчада гувиллаган овоз эшилди, машина эшигигинг тақиллагани қулоққа чалинди. Артём деразага ҳа-

раб, пастда, эшик олдида турган баланд ғилдиракли, «козлик» деб аталадиган кўй «Победа»ни кўрди. Машина билан балкон тағидаги эшик ўртасидан бир кини лип этиб ўтди. Эшик олдида бирорнинг буйруқ бергансимон ёқимтой овози эшитилди, бу овозни Незабудний бундан қирқ беш йил илгари кон ҳовлисида—ер остида биринчи марта эшитган ва уни бир умрга эслаб қолганди.

Незабудний ҳадиксираб, Галя билан қандай учрашишини кутарди. Зинадан унинг овозини эшитган эди. Ҳа, бу Галя, Галина Петровна эди. Энди у, афтидан, Незабудная эмас, Хмелько ҳам эмас, балки Сухоярка меҳнаткашлар Совети ижрокомининг раиси, Қаҳрамоннинг онаси, олис Генуяда қабрига миннатдор оналар гул келтириб қўяётган Қаҳрамоннинг онаси, фамилияси Тулубей эди.

«... Ё раббим!..— деб ўлади Незабудний.— Демак ўшаңда гитлерчилар қўлидан қутқазиб олган, қонга белангтан ҳолида уйига олиб келган йигит Галянинг ўғли экан-да! Ахир, унга катта ишонч билан қараган Галяни ташлаб қочиб кетмаганида ўша йигит унинг ҳам ўғли бўлиши мумкин эди-да. Онасини хор қилиб ташлаб кетгани учун ўғил қандай қилиб Незабуднийга ишонмоғи мумкин эди!.. Тўғри, тоғ билан тоғ учрашмас экан-у, аммо одамлар бориб-бориб бир-бировларига дуч келаркан-да. Ҳаёт бепоён-у, аммо олам тор бўлиб, одамларнинг йўллари бир-бирлари билан учрашиб қолар экан. Қонунми бу ёки тасодифми, лекин шундай бўладики, бу ерда бировлар ҳой-ҳойлашса, ер юзининг аллақайси томонидан шу садога жавоб эшитилади». 1944 йилда Италияда унутилмас даҳшатли кечада қорачадан келган, ўлардай ҳолдан тойган, худди Галинаникайдай қўзлари сал қинғирроқ жойлашган ўша йигит Незабуднийга қандайдир таниш туолгани бежиз эмасди.

Мана, Галина Незабуднийнинг олдида турибди. Жажжигина соchlари бутунлай оқарган, таниб бўлмайдиган даражада ўзгарган, лекин негадир ёш қиёфадаги Галина бошини сал орқага иргитиб, катта қўзларини очиб, таассуфлангансимон тарзда Незабуднийга тикилиб турарди.

— Салом, Артём, хуш келибсан!

Унинг овози худди аввалгидек, ўшандай паст, хўшоҳанг эшитиларди.

Артём иргиб стулдан турли. Сеня ҳозир у ижроком раисининг қўлинни ўпади шекилли деб чўчири. Аммо Незабудний сочи калта қилиб олдирилган бошини эгиб, катта бағбақасини полвончасига кўксига тираб турарди. Улар шу ҳолатда қарама-қарши туришди. Ораларида ярим метрдан камроқ жой қолган эди. Аммо йиллар ва мингларча километрлар, кўз илғамас узоқ ва бениҳоя масофалар бир-бирларига шунчалик яқин бўлган бу икки кишини бир-биридан ажратиб турарди. Иккаласи ҳам жим эди.

Сўнгра Незабудний қалтираётган қўли билан пиджагининг ички чўнтағидан оппоқ, тоза, тугунча қилиб бойланган рўмолчасини олди-да, тугунчани ечиб, ундан тамаки халтасига ўхшаган юмшоқ чарм халтачани чиқариб, ипини тортди ва рўмолчага бир ҳовуч тупроқни тўқди.

— Мана, Гая... Олиб келдим. Италия тупроғи. Генуядан. Бу тупроқни Григорийнинг қабридан келтирдим,— деди Артём.

Галина ҳам ҳеч нимага тушунмай, хўмрайиб қараб турарди. Артём ҳамёнини ахтариб, қалтираётган бармоқлари билан авайлаб ғижимланиб кетган хат ва дафтарча чиқарди.

— Мен уни, Гая, қирқ тўртинчи йилда... Фашист патрулидан қутқазиб олдим. Ўшанда унинг ким эканлигини билмасдим, албатта. Ҳа, билмасдим. Ростини айтганда, хаёлимга ҳам келган эмас. У бўлса менга ишонмади. Кетиб қолди. Мен, Гая, уни тузатиб, сэгайтириб олишни жуда-жуда истардимки... Менга ўзини танитмади. Мағрур эди-да...

У шошиб-пишиб, пала-партиш қилиб, бутун воқеани гапириб берди. Богритулининг қаҳрамонлигини бутун Италия билишини, фашистларнинг унинг боши учун кўп пул ваъда қилганларини, Генуяда Богритулининг қабрини қандай топганлигини гапирди.

— Фахрлансанг бўлади, Гая, у шунаقا қаҳрамон эди!.. Мана у ётган жой. Мен Генуяда фотографга ўша жойнинг суратини олдириган эдим.

Гая қўлини чўзмади. У қўрқиб кетгандай кўринди. Сўнгра бирданига зарда билан, қатъий қилиб, Артёмнинг қўлидан расмни юлиб олгандай бўлди. Кейин Незабудний унга узатган хатни кўзларига яқин келтириб ўқий бошлади.

— М-м... — Артёмга у секин инграгандай эшитилди. — М-м... — Галина Петровнанинг бўздек оқариб кетган лабларидан яна бир бор инграган овоз эшитилди. Сўнгра у қисган лабларини бўшатди. — Унинг, Гринянинг қўли, билан ёзилган,— деди у. — У ҳамиша «М» ҳарфини шунаقا ҳалқача қилиб ёзарди... Менга ёзган хатларида ҳам шунаقا ҳалқачалар қўярди: маза.

У нафас олиб, беҳад ҳаяжонланганидан ва бўшашиб кетганидан, шу ерадагиларга ноилож кўз ташлади. У гўё мадад сўрагандай, шу ерда ўтирганлардан бу даҳшатли хабарни рад қилишларини кутгандай кўринарди. Тўсатдан ҳўнграб йиглаб юборди. Наталья Жозефовна Галляга ташланган эди, лекин Галя уни итариб юборди. Жажжигина Галя қаддини ростлаб, бошини орқага ирғитиб баҳайбат Артём олдида турганича, кўп йиллар давомида тўпланиб келган, аммо ҳозир эса тўлиб-тошиб кетган оналик қайфу-ҳасратини бутун оламга ошкор этишга тайёрдай ҳўнграб йигларди.

Сўнгра у ўгирилди-да, эгилиб Артёмга қўлини узатди, унинг кичкинагина қўли Незабуднийнинг каттакон кафти орасида гойиб бўлди.

— Раҳмат, Артём,— деди у,— ҳар ҳолда билиб олдим. Ҳеч хабарим йўқ эди, сен хабар келтирдинг. Нима ҳам қилардим, эртами, кечми, барин бир билишим, керак эди, ахир. Қани, ўтириб, бир гаплашиб олайлик...

Наталья Жозефовна секингина нағриги хонага чиқиб кетди. Сеняни ҳам қўлидан ушлаб олиб чиқди, эшикни ёниб қўйди.

Галина Петровна диваннинг бурчагига ўтирди-да, комоддан рўмолча олиб, кўзларини артди. Сўнгра Артёмга қўли билан ёнидан жой кўрсатди. Артём Иванович, эса ҳануз уига тикилиб турар ва ўз кўзлариги ишонмасди. Наҳотки бу унинг Галляси, индамас, уятчан, меҳрибон қиз, ўша Галя бўлса? Унинг бу талабчан жиддийлиги қаердан вужудга келган? Бутунлай кексайиб қолган-у, ҳар бир ҳаракатида, жажжи бошини буришларида ҳам қошлиарининг жиддий ҳаракатида ҳам салмоқдорлик бор. Ҳаттоки у келтирган шум хабар, ҳақиқатнинг бутун даҳшати бағрини чил-чил парчалаган шу пайтда ҳам Галия Петровна аянчли кўринмасди. Унинг оналиқ мусибатида, бениҳоя оғир ҳасрат-надоматида, Незабуднийга тикилган кўз қарашларида қандайдир улуғворлик сезилиб турарди.

Артём Иванович унинг ёнига ўтируди-да, бутун таф-силотлари билан воқеани, Григорий Тулубей—Богритули ҳақида нимани билса ҳаммасини ҳикоя қилиб берди. Галина Петровна тинглаб ўтирас экан, фақат аҳён-аҳёnda бошини буриб, юзидан оқаётган кўз ёшларини кафтининг орқаси билан артиб қўярди.

Артём Иванович гапини тугатиб, жимиб қолди.

Энди гап навбати Галина Петровнага келганди.

— Настя ойи... Настасья Захаровна... Уруш олдидан вафот этди. Ўшанда мен бошқа бир жойга кетиб қолган эдим. Кейинчалик менга одамлар гапириб берниши. Ўша маҳалда кунлар жазирама иссиқ бўлиб, унга ичгани сув келтириб бергани ҳам одам топилмабди. Бизларнинг бу ерларда сув қаҳат, одамлар азобда эди-ку. Ҳозир, шу топда ҳам осон эмас. Эсингдами, одамлар кўз ёшларингни тилинг билан яласанг, чанқовинг босилади, дейишарди. Ҳолбуки, шундай йиллар ҳам бўлдики, Артём, ҳаттоқи кўз ёшлари ҳам қуриб қолди. Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ. Энди ҳаммасига барҳам берила-ди. Сув келади.

— Мен туфайли ҳам, Галина анчагина кўз ёши тўк-кан бўлсанг кераг-а?—деб сўради Артём.

— Ҳа, кўз ёшларимни ичимга ютган пайтларим бўлди, раҳмат сенга...

— Таъна қилишдими?

— Йўқ, бизда ташлаб кетилганларни эмас, ташлаб кетганларни кўпроқ ёмон кўришади. Бизда бу қонун тусига кирди. Лекин анкета тўлатаётганда хуноб бўлган пайтларим бўлди.— У жилмайиб, бош чайқаб, бошидаги тароғини тўгрилаб қўйди.— Анча вақтгача «Чет элда қариндошларингиз борми?» деган саволга «Эрим бор. Собиқ эрим», деб ёзишга тўғри келди.

— Мен, Галя, анкета ёзаётгандагина эмас, бир умрга сени хуноб қилдим шекилли.

— Йўқ, Артём, сен ўз зиммангга кўп нарса оляпсан. Ҳаётимни мен, рост, сенсиз ҳам изга солиб юбордим. Қадимда, илгариги вақтларда биз хотин-халажларнинг ёшлик давримиз чўлдаги баҳор сингари калта бўларди. Ҳаш-паш дегунчә очилиб, сўлиб ҳам қоларди. Аммо ҳозир чўл анча вақт кўкариб, гуллари очилиб турди. Демак, сен ошиқча нарсаларни ўз зиммангга олмай қўяқол. Сен Богдан Тулубейни эслайсанми? Менинг Богдан Анисимовичим кўп йиллардан буён инженер бў-

либ ишлайпти. Гидротехника соҳасида мутахассис. Ҳозир гидростройда ишлайпти. Бу ерларга сув келтирил япти.

— Галя, агар қўлингдан келса, мени кечир. Ҳануз мендан хафамисан? Бу, албатта, шунаقا, бир умрлик дод, ўзим ҳам тушунаман буни.

— Қўйсанг-чи, Артём, бу гапларингни! Менда сенга нисбатан ҳеч нарса қолмаган: на зардаю на муҳаббат! Сен мен учун кўпдан бери йўқсан. Гўё сен мен учун сира-сира бўлмагандайсан...

Зинада кимнингдир шахдам қадам ташлаб келаётгани эшитилди, эшик оч илди-ю, қурилишдан қайтган Богдан Анисимович Тулубей кириб келди. Баланд бўйли, кенг яғринли, Артёмчалик бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда унга яқин бўлган Богдан Анисимович, уй эгасига хос ҳаракат билан кепкасини илгакка илди-да, диққат билан меҳмонга назар солди.

— Янглишмасам, Артём эмасми бу?— деди у.

— Худди ўзи.

— Ҳа, танимай бўладими. Унга тенг бирорни кўрган эмасман.

Незабудний оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига ташлаб, хижолат бўлиб паст овоз билан:

— От айланиб қозигини топади, дегандай, мана яна сизларнинг орангизга қайтдим,— деди.

— Хуш келибсан, Артём.

— Эсон-омонмисан, Богдан. Мана...

Иккаласи бирданига бир-бирига яқин келиб, бурунгидай қулоқлашмоқчи бўлган эди, бироқ ҳалиям жойида қўзғолмай ўтирган Галина Петровнага беихтиёр кўзлари тушиб, тўхтаб қолдилар. Бир минутча жим туришди. Незабудний қон югуриб қип-қизариб кетган юзида бутунлай оппоқ бўлиб кўринадиган мўйловларини тишлиб қўярди. Богдан Анисимович тамаки қутиласини олди-да, уни очолмай қийналди.

— Богдан...— Галина Петровна жойидан туриб, унинг ёнига келди.— Богдан, у Гришанинг қабрини тошибди... У Гришани тирик вақтида кўрган экан. Газандалар қўлидан қутқазиб, ўз уйига олиб келган, лекин ҳатто унинг ким эканлигини ҳам билолмаган экан... Мана, ўқиб кўр.

Богдан Анисимович унинг қўлидан Григорий Тулубейнинг хатини олди, сўнгра ўзига узатилган фотосу-

ратни олди-да, дам хатга, дам суратга қарай бошлади. У кўзойнагини кўзидан олиб, бошинни ҳам қилди ва ўғирмилмоқчи бўлган эди, лекин улгурмади. Отанинг оғир кўз ёши ғижимланган вараққа тушгани эшитилди. Богдан Анисимович қўйни билан кўз ёшини қоғоздан артди, Галина Петровна эса чаккасини унинг елкасига қўйиб турди. Богдан Анисимович уни авайлаб елкасидан ушлаб, диванга ўтқизди. Сўнгра у хонанинг қоқ ўртасида типпа-тиқ турган Артём ёнига келиб, тирсаги устидан қаттиқ сиқиб қучоқлади, кўзларини юмиб, бош чайқаб, ҳаяжонини босишга уринди.

— Шунаقا де, Артём... Гришани кўрибсан-да. Тирик эмаслиги-ку, албатта, анчадан буён аниқ эди. Ақл-идрокинг шундай дейди-ю, аммо қалб деганинг: «Борди-ю, тирик бўлса-чи?» деяётгандай туюлади. Сен қора хат келтиргандай бўлдинг.

— Мен-ку, Богдан, ўшанда уни сенинг ўғлинг деб хаёлимга ҳам келтирган эмасман. Фақат бир нарсани, яъни ўша йигит ватандошим эканини билганиман, холос. Излаб-излаб, ниҳоят топдим. Мана, бугун мактабга қараб келаётганимда ҳайкалга кўзим тушди, яшин ургандай бўлди, кўрсам: ўша. Уни Италиядা Богритули дейишарди. Исми, отасининг исми билан.

— Богритули дейсанми?— Богдан Анисимович бир нимага қулоқ солаётгандай деди.— Бўлти, бўлмаса, бир бошдан гапириб берасан...— У ўзига келиб қолган эди.— Қани, энди бирпас ўтири,—деди.—Мана, ўраб бир чекиб ол.— У Артёмга тамаки қутичаси ва қофоз узатди. (Артём чекмайман дегандек бош чайқади).—Балки бизларнинг тамакини ташлаб, чет эл сигаретларига ўрганиб қолгандирсан?

— Йўқ, ҳеч қанақасини ҳам чекмайман. Ҳеч қизиқмадим...—деди Артём.—Режимга риоя қилдим-да.

— Шундай қилиб, одатланмадим, дегин? Зўрсан-да! Бўлмаса, мен бир тутатиб олай, агар қарши бўлмасанг.

— Майли, тутатавер, кайфинг очилсин,—деди Артём Иванович.

Богдан Анисимович тўкиб-сошиб, анча вақт тамаки ўради. Ниҳоят, ўраб бўлгач, тамакининг учидан тишлаб олди. Артём Иванович унинг ялтираб турган металл тишларини кўрди.

— Қалай, бод-касалингдан қутулдингми?— деб сўради Незабудний.

— Оғримай қўйган эди-ю, яна захда, совуқ тегиб тутиб қолди. Хўш, ўзинг-чи, шаккок, ҳалнам сакраб чоп-қиллаб юрибсанми?

— Ҳозирча, юрибман.

— Юравер, кўп ерларга боргандирсан дейман?

— Бутун оламни айланиб чиқдим десам ҳам бўлади.

— Хўш, у ёқларда турмуш қалай экан?

— Ҳар хил: баъзи жойларда ёмон, баъзи жойларда эса, агар бутун ҳалқни олсам, ундан ҳам ёмон. Умуман олганда, одамлар ҳамма жойда ҳам ўша одамлар-да. Турмуш ҳар хил. Бироннинг ишдан боши чиқмайди, баъзилар ишсиликтан қийналмоқда. Бирнав қилиб тирик-чиликларини ўтказишяпти. Ҳамма вақт шунаقا. Аммо ҳамма, бизнинг ҳам пешанамиизда ёруғ кун бордир, деб умид қиляпти. Лекин ҳамма урушдан қўрқади.

— Демак, дайдиб юриб ҳаммасини кўриб, пировардида қайтиб келибсан-да, шундайми? Эҳ, дайди, дайди, сен кекса дарбадарсан!

Наталья Жозефовна дастурхон тараддудини кўра бошлади.

Богдан Незабуднийга секингина деди:

— Бу ерда бугун ишимиз юришмайдиган кўринади. Галина Петровнанинг вақти йўқ. Менга қара, қариялар олдинга, собиқ Подкукуевкага бориб келмаймизми. Эсингдами бу жой? Илгарилари сен билан у ерга борардик... Ҳозир у ерда шахтёрлар клуби қад кўтарган. Бу фетга кириб чиқамиз! Тўғри, сен энди оқидан ичмайдиган бўлиб қолган бўлсанг керак?

— Илгари оғзимга ҳам олмасдим. Аммо ҳозир зарари йўқ. Энди нимасига риоя қиласар эканман!. Режимга эътибор бермай қўйдим.. Қиттак-қиттак ичиб тураман.

— Бўпти бўлмаса, қиттак-қиттак отайлик. Сен жойлашинб олдингми? Қаерда турибсан?

Незабудний ҳозирча мусофиirlар ётоқхонасидалигини, у ерда ҳурмат қилиб, хона беришганини айтди. Ижроқомда бўлганини, лекин у ерда тузуккина бир иш чиқмаганини ҳам гапириб берди.

— Кези келгандага шуни ҳам айтайки,— деди Богдан Анисимович хотинига,— ишхонангда ғалати типлар ўтиришипти. Мен анчадан бўён кирмаяпман: Қачон уларни даф қиласаркинсан... Сизлар, аймоқчи, эски иморатларни у ердан кўчириш, янги мактаб қуриш масаласини тезлatingлар, бўлмаса, мана кўрасан—сув остида қолдириб

юборамиз. Сув тошқини зўр бўлади. Бу йил баҳор барвақт келади. Сув омборини тайинланган жойгача ҳашпаш дегунча тўлатамиз. Сув сизларга қараб кутиб турмайди.

Зиннадаи тарақа-туруқ қадам товушлари эшитилди. Хонага уст-бошини алмаштиргани Ксанан югуриб кириб келди. Унинг кетидан эса Пьер ҳам кирди. Уларнинг овозини эшитиб Наталья Жозефовна киритиб қўйган хонадан Сеня чиқди.

Галина Петровна неварасининг суюқдор елкасидан ушлаб, уни шум хабардан муҳофаза қилмоқчи бўлгагдай, қафтлари билан қучиб олди. У Ксанани Незабудний ёнига олиб келди-да:

— Мана, Ксаночка, таниш,— деди.— Бу киши олис мамлакатлардан қайтиб келган... Эҳ, Ксанан! Бу киши уруш даврида дадангни кўрган. Қутқазмоқчи бўлган...

Қизчанинг салгина қинғирроқ жойлашган шаҳло кўзлари хавотирланиб умид билан чақнади. Кўп вақтлардан бери ўчган умид тўсатдан бир зум яна порлади. Лекин бувиси гапида давом этиб:

— Даданг ҳалок бўлибди... Қаҳрамон бўлибди! Бутун Италияда унинг шон-шуҳрати тарқалибди...— деди.

Бу гаплардан кейин қизча қаттиқ шамол ўчириб қўйган шамдай бирданига сўлиб қолди. У кўзларини бувисининг йиглаб хун бўлган юзидан олиб, юқоридан ўзига назар ташлаб турган, мислсиз бўйдор кишига қаради. Ксанан ҳали ҳеч гапга тушунмас, ишонмасди...

— Бор... бор, оппоғим,— деди Галина Петровна.— Бугун Милаларникига боришлиаринг керак-ку. Отлан, қизим.

Ксанан ҳалиям тик туради.

— Бор, борақол, Ксанан!— жиддийроқ қилиб гапини қайтарди Галина Петровна. Бироқ тўсатдан тирсагидан ушлаб неварасини ўзига тортди, унинг юзига тикилди-да, лаблари билан қизчанинг пешанасидан тез-тез ўпди. Сўнгра ўзи бир чеккага юрди: — Бор. Бу ерда туриб ни-ма қиласан... Сен билан, болагинам, ғам-ғуссани алла-қачонлар татиб тутгатганимиз. Бугун бир шундай бўлди-да... Сен билан иккаламизнинг қайғу-ҳасратимизга муҳр босилди. Бор, жон болам! Бор, боравер, кичкинтойим!

Незабудний Галина Петровнани ўзининг асранди ўғли билан таништириди. Пьер югуриб келиб Галина Петровнанинг қўлини ўпди:

Бироқ Галина Петровна қўлини тортиб олди, хижолат бўлиб, зарда билан деди:

— Қўй, қўй, бунинг кераги йўқ. Бизда бу ярашмайди... Ҳа, сизлар танишиб олганга ўхшайсизлар?— у кўзи билан Қсанани имлаб кўрсатди, Қсана ҳам эшикдан қараб, танишганмиз, дегандай бош иргаб, қизариб кетди.

Қсана нариги хонага чиқиб кетгандан кейин, Галина Петровна Незабуднийга деди:

— Нима бу, ўғилчанг модага жуда берилган кўринади. Қўлимни ҳам ялаб қўйди-ку. Майли, пионерларимиз уни аста-секин тарбиялашади. Бундай қараганда, ёқимтойгина, қўл-бетлари топ-тоза. Синфда қизчаларнинг кўзларига иссиқ кўринган бўлса керак-да... Қсананинг ҳам... Эҳ, шўрликкинам... Юраги така-пука бўлиб кетганга ўхшайди. Дадасини кўрмаган бўлса ҳам унинг тўғрисида ўйларди. Дадаси билан фахрланади... Шўрлик қиз дадасидан оз бўлса ҳамки умид қиласади.

Артём билан Богдан иккаласи кукуевкачилар олдига жўнадилар. Қсана нариги хонада кийинарди. Сеня ва Пьер эса тиззалири билан диванга чиқиб олиб деворга осиглиқ оиласавӣ фотосуратларни томоша қилиш билан овора эдилар. Бу суратлар Тулубейлар оиласининг шоншуҳратини бир хотира сифатида сақларди. Бу суратлар орасида гражданлар уруши давридан қолган, эскириб кетган суратлар ҳам бор эди. Суратларнинг биридаги бошига қизил юлдузли будённийча шлём, эгнига отлиқлар шинели кийган, камарига казак қиличи осган қоп-қора мўйловли, бароқ қош Богдан Анисимович эди. Ёшгина Галина Петровна бронепоезд олдида, поезднинг айланадиган минорасидан тўп оғзи кўриниб турарди. Кўп йиллар кейин олдирилган расмда Галина Петровна шу ҳозирги қиёфасига ўхшайди. Бу суратни у партия съездиде делегатлари билан биргаликда Москвада, Қизил Майдонда, Спасская минораси ёнида олдирган эди.

Кўпгина суратлар қовжираб, хираланган, улар булутли кунда олдирилганга ўхшарди. Аммо одамларнинг юзлари очиқ, кўзлари ёшларга хос мағруона чакнаб турарди.

Расмлар ёнида ёрлиқлар ҳам осиглиқ. Ёрлиқлар кўп, Уларнинг чеккасида кўримсиз суратлар жойлаштирилган бўлиб, улар хира бўлсалар-да, яқинда олинганлиги, кўриниб турарди. Бў суратлар Уралга эвакуация қилинган даврдаги оғир, жонга теккан, ярим оч ҳолда ўтказилган

купларни эслатарди. Ўша ерда, совуқ цехда, жанубдан олиб келинган ускуналарни монтаж қила туриб Қсананинг ойиси Марина Андреевна шамоллаб, төз орада вагфот этди, кичкинагина қиз бувисининг қўлида қолди. Қсанана ойисини эслолмасди, албатта. Аммо чиройли, хушчақчақ, ясанган Марина Андреевна девордан дадил тикилиб турарди.

Сеня билан Пьер бирданига орқаларига ўгирилиб қардилар. Уларнинг орқасида индамай, ойисининг суратига Қсанана ҳам қараб турарди. Ясанган, янги кўйлагида янада очилиб кетган Қсанана шу пайтда девордаги суратда тасвирланган ойисига жуда-жуда ўхшарди. Фақат Қсананинг бўйни кенг ёқасидан ингичка, нимжон бўлиб кўриниб турар, буни кўрган Сенянинг юраги зирқираб кетди.

## Х БОБ

### ҲАМ У, ҲАМ БУ ТОМОНДАН

Улар шаҳар бўйлаб бормоқда—Артём Незабудний ва Богдан Тулубей. Кексайган, бошларидан кўп савдоларни кечириб, бир-бирлари билан кўп замонлардан буён кўришмаган бу икки йўлдош шошмай юриб боришмоқда; Артём Иванович онда-сонда у-бу нарсани суриштириб қоларди. Бу жойларда унга ҳамма нарса ўзгариб кетган, ҳамма нарса янги кўринарди-да.

Шарманкачилар кўринмайди. Энди юришмайдими? Эсингдами, «Маруся заҳар ичиб қўйибди» деган ашулани, «Мен қуруқ пўстлоқ бўлса ҳам ердим»ни кўп айтишарди.

Ол-а, эсингга туширганингни қара-ю. Бизнинг бу ерда ҳамма жойда радио. Болалар учун музика мактаби ҳам очилган, сен бўлсанг, эски шарманканни эслаб қолдинг-а...

Богдан, хитойлар ҳар хил молларни кўтариб сотиб юришар, улар темир газ билан ўлчаб сотишарди. Улар ҳам ғойиб бўлишибди...

Хитой янги турмуш қуряпти, ҳозирги хитойлар ҳам у хитойларга ўхшамайди.

Артём Иванович бошқа нарсалар билан ҳам қизиқиб қолди.

Мен бу ерда шахтёрлар саройи қурилди, деб эшитган эдим. Шахта бошқармаси турган жой эмасми бу ер?

— Очигини айтсам, ўзим ҳам унча яхши билмайман. Мен ўзим ҳам оғайни, бу ерда кўпдан буён бўлган эмасман. Ҳозир қурилишда вақтим ўтятти.

— Хўш, сен қаерларда бўлдинг?

— Мен, оғайни, бошқа томондан қайтиб келдим. Сен гарбдан, мен бўлсан шарқдан... Тўгрироғи, энг чекка шимоли-шарқдан.

— Нега сен у ерга бориб қолдинг?

— Уз ихтиёrim билан эмас.

— Нима иш қилдинг?

— Нима қилдинг дейсанми? Ер қазидим, ёғоч кесдим, кейин эса ўз ихтисосим бўйича ишлашга ижозат қилишди. Тўғон қурдим, сув келтирдим.

Артём аввал тушунмай турди.

— Менга қара,— тушунтира бошлади Богдан,— биз иккевимиз ҳам Галина Петровнанинг анкетасини бузиб қўйдик: аввал сен, кейинчалик эса, бошқа графада мен. Аммо буни эсга туширгинг ҳам келмайди, кам-кўстлар, хатолар озмунча бўлган эмас-да... Кейинчалик текшириб, тушуниб олишди.

— Сен нима хато қилдинг, Богдан?

— Мен хато қилган эмасман, улар менинг тўғримда хато қилишди. Улар менинг тўғримда янгишишди, Артём. Аблаҳларнинг иғволарига ишонишди. Мен бу ерда, оккупация даврида фашист полициячиларини роса боллаган эдим. Ушалардан омон қолганлари менга тұхмат қилишди, иш чигаллашиб кетди. Урушдан кейинги даврда ишлар, ўзинг биласан, чигал эди, тез текшириб аниқлашнинг иложи бўлмади...

У қўл силкиб тескари қаради.

— Менга қара, Богдан,— эҳтиёт билан яна суриштира бошлади Артём,— сен кейин ҳаммасини кечирдингми?

— Ким масалани бунаقا қўяди ахир? Кимни кечирар эканман?

— Мен шундай фикр юритяпман, Богдан. Мисол учун мени олайлик: мен ҳалқ олдида айборман, аммо мен, ҳар ҳолда, пировардида мени кечиришади, деб ўмид қиласман. Энди сенга келсак, модомики беҳудага жазолланган экансан, демак, сенинг олдингда ҳаммалари айборлар-ку. Хўш, бу ҳақда ким ҳукм чиқаради энди?

— Нотўғри фикр юритяпсан!— зарда билан гапини бўлди Богдан.— Бемаза гапларни гапирияпсан, оғайни!

Кизиқ фикр юргизяпсан. Очигини айтсам, сенинг бу фик-

ринг тубдан нотўғри. Бў қанақа гап ахир? Шунақа ҳам фикр қилиш мумкинми ахир? Азбаройи шифо, менгэ айт-чи... Менинг олдимда бутун халқ айбдор, дейсан-а! Хўш, мен ўзим-чи, мен ўзим кимман? Мен халқ эмасман-ми? Хўш, мен кимман? Худога шукур, ўн саккизинчи йилдан бери партиядаман. Эсингда турсин, шуни ҳам айтиб қўяйки, бутунлай тикландим, бутун стажимни ҳисобга олишди. Мен сенга шуни айтайки... Йўқ, шошмай тур, кейинчалик бутун гапни тубидан тузатиб овора бўлмаслик учун, мен энди сенга ҳаммасини айтиб берай. Сен мана мендан: кечирдингми, деб сўрайсан-а? Ахир мен гуноҳларни кечирадиган поп эмасман-ку...

— Қалтисроқ гапириб қўйган бўлсам, кечирасан..,— деди Артём.

— Қўйсанг-чи бу гапларингни,—ғаши келиб, яна унинг гапини бўлиб қўйди Богдан,—сен шундай дедингми.., демак, нотўғри ўйлабсан-да. Мен ўн олишини юрагига тугадиган одамлардан эмасман. Хафагарчилик бундай одамларнинг руҳидаги бутун ширани қуритиб юборади. Мен бўлсам бошқача мулоҳаза қиласман. Мисол учун олганимизда, мен Галина учун дом-дараксиз йўқолиб кетиб эдим., шундайлар қаторида ҳисобланардим. Аммо ўзим бўлсам, шахсан ўз тўғримда бошқача фикрда эдим. Ўзим учун қаерда эканлигимни ва ким эканимни тушунардим ахир. Эсингда бўлса керак, илгари ҳам мен бир марта ер тагида қолиб кетган эдим. Ҳандан мен Шубин чўлнинг<sup>1</sup> ўзи билан юзма-юз учрашиб, тўрт кечаю кундуз қолиб кетганмиз, бироқ одамлар кавлаб мени қутқазишларига ишонардим. Уларнинг овозини эшитмасдим-у, аммо топиб олишларига ишонардим. Халққа пшончимни бир дақиқа ҳам йўқотган эмасман.

— Ҳайрон қоласан киши!— деди завқланиб Незабудний.— Қанақа зуваладан ишлангансизлар?

— Зуваламиз бир хил, фақат биз яхшироқ пишитилганмиз.

— Хўш. Қалай энди, ҳозир ҳамма нарса кўнгилдаги-дек яхшими?

— Йўқ, борди-ю, биронтаси сенга шунақа деб вақилласа, ишона. Ҳаётни биз инсончасига йўлга соляпмиз.

Шунақа. Кўп нарсаларга биз аста-секин эришдик, би-

<sup>1</sup> Шубин чўл— ер ости хукмдори, шахтёрлар ривоятига кўра, хунук, даҳшатли сиймо бўлиб, у шахтада пайдо бўлганида ер тагида фалокат юз берармиш.

роқ албатта, ҳали биз эришадиган нарсалар шунчалик кўпки, асти қўявер! Ўз кўзинг билан кўриб, бунга ўзинг ҳам ишонасан. Ахир, ҳамма нарсани жаңг билан олишга тўғри келди-да. Кейин эса Гитлер хонавайрон қилди. Би-роқ биз унинг ўзини даф қилдик. Шуниси ачинарлики, кўп яхши одамлар ҳалок бўлиб кетди. Менинг ўғлим ҳам. Артём, ҳақиқий инсон эди. Ҳозир ўзининг номи қўйилган мактабда ўқиган. Кейин шахтада участка бошлиғи бўлиб ишлади. Айни пайтда район аэроклубида 'учиш малакасини эгаллади. Дастребки кунларданоқ дарҳол ҳавога парвоз қилиб, жангга кириб кетди. Самолётида ўн учта юлдузи бор эди. Қаҳрамон унвонини беришди. Кейин уни душман уриб туширди. Ярадор бўлганидан кейин, тузалиш учун Уралга хотини олдига, Марина ёнига қайтиб келди. Марина ҳам яхши аёл эди. Вафодор ўртоқ ва ажойиб дилкаш аёл эди. Улар бир-бирларини севишарди. Уларга қараб хурсанд бўлардинг киши. Шундай бўлишига қарамай, чидаб туролмай, ўғлим партизанларга бориб қўшилди. Соғлиғи жойида эмаслигини назарга олиб, уни армияга қабул қилишмади, ана шунда у партизанларга ўтиб олди. Кейин нималар бўлганини энди мендан кўра ўзинг яхши биласан. Охирги марта уни мен эмас, сен кўргансан. Унинг Маринаси эса эвакуацияда Гая билан бирга яшади. Шароит оғир, цехлар совуқ, қаҳратон совуқ эди... Ана шундай қилиб, Ксанा бизнинг қўлнимизда қолди. Мен ўзим ўшанда бу ўлкаларда подпольеда яшириниб юрардим. Галинамиз шу маҳалларда кўп, жуда кўп кулфатларни бошидан кечирди. Ҳам ишлар, ҳам кичкина неварасини боқарди. Ксанা ўша маҳалда жуда кичкина эди-да. Аммо Галина ҳар ҳолда уни сақлаб қололди. Усиз, Ксанасиз эса уйимиз бутуилай ҳувиллаб қолган бўлур эди. Кўрдингми, қизи тушмагур, қаддини ростлаб келяпти, ақл-идроқи ҳам чакки эмас. Григорийнинг худди ўзгинаси. Баъзан Маринага ҳам ўхшаб кетади.

Улар анчагача жим боришди.

«Ксанка, Ксанка,— деб ўйлади Богдан ичида.— Уни бир маҳаллар болалар қилтириқ Ксанка, деб ғашига тегишарди. Қизчанинг мияси ўй-хаёл билан тўлиб-тошиб ётибди, қалбida нималар борлигини тушуниб ҳам ололмайсан киши. Қандай лов этиб кетди-ю, яна ўзини босиб олди-я! У ўз отасини. ҳеч қачон кўрган эмас, аммо бутун фикри-зикри отасининг шон-шуҳрати билан, унинг хоти-

раси билан банд. Чаққон, тетик қизча! Бундай қарагапда, у ювош-мўмин қизчадек кўринади, ҳолбуки у қўрқиши, ҳайнқиши нима эканини сира билмайди. Галина унинг тўгрисида: «Бизнинг Ксанка худди шамдек ёнади, ёруғлик беради, бир меъёрда иситади-ю, бирданига пирпирраб, қарсилаб, гўё учқундай чақнаб кетади», деб тўгри гапиради...».

Бўғдан уятчан, ювош Ксанканинг баъзан қатъий ё бўлмаса ғалати ишлар қилишга ҳам журъат этганини эслади... «Йўқ, бу унинг қайсарлиги эмас,— деб ўйлади у,— бу қатъийлик, жўшқинлик. Кучук бола Гаврик воқеаси ҳам шуни кўрсатган эди».

Наталья Жозефовна кучук болани гижжа юқиб қолиши мумкин, деб Ксанка ухлайдиган хонага киритмаган, Гаврикни саройга қулфлаб қўйишган эди.

Уша кечаси момақалдироқ бўлиб, Гаврик қаттиқ увлаб қолдики, момақалдироқ чоғида ҳам унинг увиллаган овози эшитилиб турган эди. Худди ўшандада Ксанка (у шу маҳалда эндигина етти ёшда эди) секингнина деразадан ташқари чиқиб, сел ёғаётган пайтда саройга борган, кучук болани хонасига олиб кирган эди. Эрталаб катталар иккаласини битта кўрпада ухлаб ётганини кўриб қолгандилар. Ёстиқлари ифлос бўлиб кетган эди.

Бошқа бир гал Ксанка доктордан, бувисига чекиши тақиқ этилганини эшифтагач (Галина Петровна ўша маҳалларда кўп чекарди), ҳамма папиросларини бувисидан яшириб печкага ташлаган эди. Бувиси эса гарчи хафа бўлиб, сал ғиринг-пиринг қилиб юрса ҳам чекмай қўйган эди.

Яна бир гал шундай воқеа юз берди. Сухоярка ижрокомининг раиси тураржой хўжалиги соҳасида бир масалага эътибор бериб қарамаган, деб Галина Петровнани район газетасида салгина танқид қилишган эди... Нима бўлибди денг! Ксанка шу куниёқ қош қорайиши билан Наталья Жозефонадан қайчи олибди-да, Биринчи Май кўчасидаги витриналарга ёпиштириб қўйилган газеталарнинг худди шу жойини қирқиб олибди. Тулубей Фамилиясининг газетада ёмонланишига Ксанка чидаб туролмабди. Бувиси ўшандада Ксанканинг бу қилиғига жаҳли чиқиб, ўзи киоскага борибди-да, газетанинг ўша сонидан ўнлаб нусхасини олибди ва неварасига, яна бориб худди шу қирқилган жойларга янги нусхаларни ёпиштириб қўйишни буорибди.

«Йўқ, ҳар ҳолда, яхши қиз,— ич-ичидан таクロрларди Богдан,— ҳали кичкина, аммо жуда оқкўнгил қиз!»

— Тўғрисини айтганда, эрталабдан таъбим хира бўлди.— Унинг фикрини бўлди Незабудний.— Бутун ҳалқ менга эскичасига яшаётгандек кўринди. Кейинчалик ижроқомда бўлиб ўтган гап ҳам...

— Менга қара, Артём!— Богдан ҳатто юришдан тўхтаб, Артёмнинг баланд елкасига қўлни қўйди.—Мен сенга олдинданоқ шуни айтиб қўяй — қулоқ сол. Сени бу ерга ҳеч ким чақирган эмас—ўзинг келиб қолдинг, тўғри иш қилдинг. Сен ўзимизнинг қон-қариндошимизсан. Чет элларда дайдиганинг етар. Бироқ сен агар ҳадеб нари-бери, у ёқдан-бу ёққа кезиб ҳамма нарсадан завқланиш учунгина қайтиб келган бўлсанг, яхшиси, оғайни, келган изингга кетавер яна. Сен мени кечир-у, аммо мен дангал айтавераман. Мен сени огоҳлантириб қўйган эдим. Бизда ҳали ҳамма нарса фақат қарсак чалиш ва эртадан кечгача ура деб қичқирадиган даражага келган эмас. Бизнинг ишимизга ишониш керак, ўшанда ҳақиқатни пайқаб оласан. Ошиқча гапнинг нима кераги бор, биз улуғ муваффақиятларга эришдик, бундай муваффақиятлар ҳали дунёда сира бўлган эмас! Биз бутун оламга бир кишининг тер тўқиб меҳнат қилиб топган нарсасини иккинчи бирорвнинг ундан тортиб олиши каби ҳолларга барҳам берамиз деган эдик ҳамда нодонликни, жаҳолатни тугатамиз, биз қолоқликдан чиқиб; энг илғорлар қаторига ўтиб оламиз деган эдик, буларнинг барини айтганимиздек бажардик. Аммо энди ўзимиздаги ҳамма тентакларни бирданига тугатамиз ва ҳар қандай разил, ифлосларни битта қўймай тез адо қиламиз, деб биз ҳеч кимга ваъда қилган эмасмиз. Гарчи маданият соҳасида биз икки юз йил илгарилаб кетган бўлсак ҳам, сенга очигини айтай, тентаклик ва ҳар қандай разиллик бизда ҳали баъзи жойларда онда-сонда учраб қолади. Бу ҳали сен билан мен ҳаёт эканимида тугамайди.

Богдан кулимсиради-да, ҳазиллашиб елкаси билан Артёмни туртиб қўйди:

— Кўрдингми?— деди Богдан.— Мен сенга йўл-йўлакий сиёсий доклад ўқидим.. Армиядалигимда мени биринчи сиёсий докладчи ҳисоблашлари бежиз эмасди-да. Хуллас, чол, сен энди мени қизартирма. Мафкура жиҳатидан ўзингни маҳкамлаб ол, хўпми?

У баланд овоз билан шундай ҳаҳолаб кулиб юборди-

кн, унинг кулган товуши бутун кўчада янгради: улар катта, чиройли, дангиллама бир иморат олдида тўхтапди.

Бу иморат бошқа паст уй ва магазинлар орасида куттимаган таассурот қолдирарди. Сутдек опноқ электр фонарлар колонналар ўртасида ойдек порлаб турардилар. Қалин ойнаванд эшиклар шақиллаб очилиб-спилиб турар, халқ бу уйга узлуксиз кириб турарди.

— Артём, эсингдами,— деди Богдан,— бу ерда бир маҳаллар Подкукуевка бор эди, соддароқ қилиб Кукуй деб атардик. Энди эса бу ерда шахтёrlар саройи қад кўтариб турибди. Кирамизми?

Худди шу пайт, Ксана билан Сеня парижлик янги меҳмон бола Пьерни Мила Колобродаларникига кечага олиб бораётган эдилар. Тўғриси Пьерни Ксана олиб боряпти. Ксана, ҳеч кимга ўхшамайдиган бу болага Сухоярканинг ёқишини жон-дили билан хоҳларди, нега десангиз, бу боланинг буваси Ксананинг отасини ўлимдан қутқазиб қолишга ҳаракат қилган-да, ахир...

Сеня бўлса негадир ҳамиша орқада боряпти. У Ксана билан Пьернинг орқасидан борар, ўзининг шўрпешаналигини сездирмасликка ҳаракат қиласарди.

Айтмоқчи, Сеня уларнинг орқасидан келаётib аҳён-аҳёнда баъзи изоҳлар берарди. Сеня шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан қайсилирини Пьерга кўрсатиш кераклигини Ксанадан кўра яхшироқ биларди-да.

— Мана киномиз шу ерда,— деди Ксана.— Ана у ерда — парк, ёзлик театр ҳам ўша ерда. У ерда ёз пайтларида музика чалиб туришади. Райондан артистлар келиб саҳнада ўйнайдилар.

— Мана бу ерда эса яқинда дарё пристани бўлади. Пассажир пороходлари қатнайди.— Сеня Ксананинг гапига қўшимча қилди.

— Дарёда сайр қилиш учун қайиқлар ҳам бўлади.

— Сайр қилиш учунгина эмас, балки жадал сузишини ўрганиш учун ҳам,— деб қўшиб қўяди Сеня.

— Сизга... яъни сенга кўникмаганингдан ҳамма нарса ғалати кўринса керак дейман-а?— гапида давом этди Ксана.

— Нима?— деб сўради Пьер.

— Мен, кўникмаганингдан, сенга кўп нарса ғалати туюлаётган бўлса керак, деяпман.

— Йўқ. Жуда соз... Менга ёқяпти. Жимжитлик.

— Ҳозирча шунаقا, мана-яқинда сайил бошланади,— изоҳ берди Қсанан.— Анави шахтёрлар саройи. У ерда танца бўлиб туради.

— Илмий лекциялар ҳам бўлиб туради,— деб қўшимча қилди Сеня, у янги келган меҳмон сухояркаликлар кинога боришу ва танца қилишдан бошқа нарсани билмас эканлар-да, деб ўйламасин тағин, деб шошилди.

— Ҳув анави бутлик бино нима — черковми?— деб қизиқсиниб қолди Пьер.

— Ҳа, у ерда ҳали қадимги черков турибди. Троицкий черкови деб аталади,— деди Қсанан.

— Сени бувинг у ергга юборғиб турғадими?— сўраб қолди Пьер.

— Қаерга?— тушунолмади Қсанан.

— Қаерғга бўларғди, черковга-да. Бизларғни етимхонада ҳамиша у ергга олиб борғишарғди.

— Менинг бувим черковга ҳеч қачон бормайди!— қизариб, зарда билан жавоб қилди Қсанан.

Сеня Пьерга тушунтиromoқчи бўлиб уринди:

— Биласанми, унинг бувиси ким? Ижроком раиси. Ҳамманинг каттакони. Сен бўлсанг, черковга юборадими, деяпсан-а! Черковда нима бор!

— Бувинг бойми?— сўради Пьер Қсанадан.

— Бойми деганинг нимаси? Капиталистми демоқчимисан? У иш ҳақи олади, Богдан бобом ҳам ишлайди. Топганлари етиб туради.

— Масалан, автоларфингиз борғми?

— Машиналарингиз борми демоқчисан-да?— Сеня гапга аралашди.— Албатта, бор! Иш вақтида фойдаланиш учун! У киши ижроком раиси-ку, машинасиз бўладими! У кишининг «Победа» машинаси бор. Ҳали кўп юргани йўқ. Кўп дегандা ўн икки минг километрча йўл босган. Яхши юради!

Пьер Қсанага ҳурмат билан қарай бошлади.

Қсанан эса гапни бошқа ёққа буришга уриниб:

— Ҳув анави жойда музика мактабимиз бор. Биз Милка билан икки йилдан бўён ўша мактабга қатнаймиз,— деди.

Сеня:

— Анави жойда, Красношахтёрская кўчасида милиция идораси жойлашган, ҳув соқчи турибди... Тушундингми?— деб илова қилди.

Узоқда, томлар тепасида, илк баҳор оқшомида тез тушаётган қоронғиликда катта қизил юлдуз чарақлай бошлади.

— Анави чирғойлик ёргуғ нарғса нима, у ҳам киноми?— қизиқиб сўради Пьер.

— Конда қанақа кино бўлади!— Сеня Ксананинг орқасидан унга таажжубланиб қаради.— Нима, сен бизда ҳамма жойда фақат кино экан, деб ўйлайсанми?.. У энг яхши шахтамиз. «Безводная Новая» деб аталади. Никифор Колоброданинг шахтаси.

— Колоброданинг?.. У киши хўжайин-директоргми?

— Директор эмас... Хўжайин ҳам эмас! Албатта у энг донгдор одам. Уни Москвада ҳам ҳамма билади. Бир маҳал «Оғонёк» журналида унинг сурати ҳам чиқсан. Фотосурати ранг-баранг қилиб чиқарилган эди. Муқованинг биринчи бетида! Газеталарда ҳам тез-тез чиқиб туради.

— О, катта капиталист экан-да!

— Қанақа капиталист?— Энди Сеня тушунолмай хубоб бўла бошлади.

— Бу нима деганинг ахире... русчага тушунмайсанми?— Ҳайрон бўлиб қолди Пьер.— Мен тушунмасам-ку, майли-я, сени кечирғиб бўлмайди.

— Мен сенинг бунақа рус тилингга тушунолмадим.

— Мен сендан аниқ-равшан сўрғаяпман шекилли: у киши ким бўлади ўзи, йирғик саноатчими?

— Албатта йирик: унинг бригадаси биринчи ўринда. Саноатчи ҳам тўғри. У биласанми, қанақа ишлайпти? Нормасини бир юз етмиш беш процент қилиб, ҳаммани орқада қолдирди.

— Бошқа рақабиларгиними, корғона эгаларгиними?— Пьер яна тушунолмай, савол берди.

— Қсана,— ўтиниб сўради Сеня,— тушунтиранг-чи бунга! Мен унинг гапига ҳеч тушунолмаяпман...

— Тўғри, Пьер, сен тушунтириб гапир,— деди Қсана. Сеня яна Ксананинг орқасига ўтди.

— Мен айтмоқчиманки, у киши жуда бой бўлса керғак! Энг бадавлат одам бўлса керғак.

— Нима бу сен, ҳадеб бой, бой дейсан!— Сенянинг жаҳли чиқа ёзди.— Нима, биз унинг омонат дафтарчасиңи, кўрганмиэм!.. Турган гап, даромади кўп. Мукофот ҳам олиб туради. Уларнинг бутун бригадаси шунақа, кўп

пул топади. Маданий яшашади. Яңги уйда. Поллари паркетдан, ошхоналари эса худди шашка тахтасидек, плиткалардан. Яқинда водопровод ўтказишади. Уларнинг күчасига биринчи галда водопровод ўтказилади.

— Сен Колоброда, дедингми? Аnavи қиз-чи, оти ниша эди унинг... Миля, бизлар меҳмон бўлиб борғадиган жойимиз, у қиз ҳам Колобродами?.. Ўша қиз кими бўлади?

— Мила унинг қизи,

— Вой!— Пъер ҳаттоки бораётган жойида тўхталиб, андиша билан уст-бошини сийпаб кўрди.— Бунақа қилиши яхши эмас. Мен билмабман. Мен ясанмаганман... Тузукроқ кийиниб олиш керфак эди. Яхши эмас.

— Кўйсанг-чи бунақа гапларингни, яхши эмасмиш-а!— тинчтиб қўйди уни Сеня.— У киши Никифор Васильевич, биласанми қанақа одам! У ўз кишимиз. Боргач, ҳали ўзинг кўрасан. Хоҳласанг анави муюлишга борайлик, у ерда. Биринчи Май кўчасидаги ҳурмат тахтасида Никифор Васильевичнинг расми бор.

Бироқ Пъер фақат «Ҳурмат» сўзининг маъносига тушиуни, холос.

— О-ҳо,— деб чўзиб қўйди у ҳурмат билан,— Фахрэли... донгдорғ... У киши фахрғли кавалерғимиларғ?

— Кўриб турибман, ўзинг кавалер экансан!— атайин баланд овоз чиқариб, хахолаб кулди Сеня ва салгина оддинроқ ўтиб, Ксанага масхараомуз қараб қўйди.— Бизда бу сўзни гаплашганда камдан-кам ишлатадилар. Танцага тушганни кавалер дейишади. Никифор Васильевич бўлса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Олтин юлдузи бор. Ордени ҳам тўртта. Медаллари қанчадан-қанча.

— Генералми?

— Бу нима деганинг? Тушунмаяпсанми, энг донгдор шахтёр дедим-ку.

— Шунчаки шахтёрғ холосми?

— Сизларнинг у ёқда, чегаранинг нариги ёғида, чег элларда ҳамма тентакми дейман?..— Қсана таъна билан Сеняга тикилиб қўйди.— Бўлмаса нега у: «шунчаки» дейди? Конга тушиб бир тошкўмир қазиб кўрсин-чи. Ушанда у «шунчаки» деган бўлармиди. Тушунсанг-чи: у киши донгдор бригадир ахир...

— Ҳа-а,— тинчигандай рози бўлди Пъер.— Бригадирғ эканларғда!.. Бу ҳам мансаб-да... катта унвонли офицер-ку.

Сеня қўлинни силкиб қўя қолди. «Бу ҳеч балога тушунмайдн шекилли...» — деб ўйлади у.

— Мана, келиб ҳам қолдик,— деди Қсанан.— Ҳув, апави янги уйда Мила туради. Улар яқинда кўчиб келишган.

Уларни Сурик Арзумян кутиб турарди. Катта ёруғ уйининг топ-тоза подъездиде, маҳкам, янги пружиналик эшик уч марта ланг очилиб-ёпилганида чиққаи овоз бутун подъездда худди салют берилгандай янгради.

## ХІ БОБ

### УЧИНЧИ ДИЛСИЕҲЛИК

Мила Колоброданинг туғилган кунига атаб отаси билан онаси унга қўл соати совға қилишди. Бу Миланинг ҳаётидаги ўзининг шахсий биринчи соати эди. Вақтнинг қандай ўтишини илгари Мила сезмасди, энди эса биладиган бўлиб қолди. Энди Мила вақтга хўжайнлик қиласдиган бўлди, у истаганида вақт ўтишини пайқаб туриш имкониятига эга энди. Ўзингнинг ана шу умумий ҳаракатга қўшилганингни сезиш ва қўлингдаги кичкинагина механизмнинг юриб туришини — тик-тик қилишини, соатнинг тор циферблатидаги стрелкалар вақтни, яъни радиода ётиладиган, шахтада гудок билан хабар қилнадиган, Биринчи Май кўчасининг муюлишидаги соат ҳам кўрсатиб турадиган вақтни билиб туриш маза-да!

Мила анча вақт ойна олдида қўлига соат тақиб, соат тақилган чап қўлинни дам кўтариб кўзига яқинлаштириб, дам соатга олисроқдан қараб, соат нечалигини кўришни роса машқ қилди.

Унинг соатга тез-тез қараб тургиси, вақт ўтишини кузатиб боргиси, бошқа соатлар билан таққослаб тургиси келаверди. Ҳадеб ойисидан:

— Ойи, қаранг, ошхонадаги соат қанча бўлибди? — деб сўрарди.

— Олтидан ошган,— дерди онаси ошхонадан туриб.

— Аниқроқ айтсангиз-чи.

— Олтидан чорак ўтибди.

— Қаранг! Дадамнинг будильнигига олтидан ўн иккни минут ўтибди, менинг соатимда эса ўн етти минут ўтиди. Ҳозир тўғрилаб қўяман. Радиони кутаман-да, шунга қараб тўғрилайман.

Мила бугун мактабдаёқ Қсананинг жонига теккаи эди. Дарсда у қўнгироқ чалинишига қанча қолганини ҳар дақиқа айтиб турар, стрелкаларни орқага ва олдинга қандай қилиб сурини кўрсатарди. Уйга қайтиб келгач, у байрам дастурхонига тараддуд кўраётган ойисининг олдига келиб ҳадеб унга халақит берарди.

— Ойи, вақт қанча бўлганини нега мендан сўрамайиз? Қаранг, яқинда келиб қолишса керак...—дерди.

У соат стрелкаларини ҳадеб бурайвериб нотўғри қилиб қўйди. Соати бир соат орқада қолганини пайқамай ҳам қолди. Натижада Мила янги кўйлагини эндиғина кийганда, эшикни тақиллатиб қолишиди.

— Вой, келиб қолишди-ку!—деб Мила дадасининг будильнингига кўз ташлади, сўнг ошхонадаги осма соатга ҳам қараб, соатининг стрелкалағини олдинга суроқ қўйди.

Меҳмонлар кела бошладилар.

Ойиси байрамга атаб пиширган усти апельсин билан безатилган пирогни дастурхонга келтириб қўйди. Пирог ўн бешга бўлиб кесилган — Мила Колоброданинг туғилган кунини нишонламоқ учун шунча меҳмон чақирилган эди. Албатта, Сеня Грачик билан Сурен Арзумян ҳам меҳмон бўлиб келишиди. Худди шу ерда, Миланинг туғилган куни байрамида бугун ҳаддан узоқ чўзилган ва bemaza ўтган кунда Сеняни учинчи дилсиёҳлик кутмоқда эди.

Пирог ўн бешга бўлинган — аммо шу бўлаклардан биттаси бошқалардан кўра каттароқ, устига қуюқ олча шираси суртилган, катта конфет қўйилган эди. Турган гапки, бу бўлак чет элдан келган меҳмонга аталган эди.

Умуман, Пьер бугун ҳамманинг диққат марказида эди. У Милага Париждан олиб келган арзимаган эслаликни, яъни Эйфель минорасига ўхшатиб ишланган, занжирли, кичкинагина атири шиша совға қилди. Пьер буни «Портбоне» деб атади. Йўлда Пьер бобоси Незабудний билан иккаласи ётиб турган ётоқхонага кириб, уни олган эди. Пьер Қсананинг ҳасади келмасин учун Москвадан келаётган юклари бу ерга етиб келиши биланоқ унга ҳам бирор чиройли нарсани ҳадя қилишга ваъда берди.

— Ҳозир Парижда соат неча экан-а?— таннозларга хос оҳангда сўради Мила.

Пьернинг вақт минтақасидан унчалик хабари йўқ эди,

шунинг учун сал саросимага тушди. Сурик унга ёрдам бериш тариқасида:

— Уерда вақт биздагига қараганда уч соат орқада,— деди.

— Сендан сўраганлари йўқ,— деб пишиллади Рёмка ва мушти билан Сурикнинг биқинига туртиб қўйди.

Сурик эса уни елкаси билан итарди.

Рёмканинг ён бергиси келмади ва у ҳам Сурикнинг биқинига боллаб бир туширмоқчи бўлди.

Шу йўсинда улар қип-қизарид, бошқаларга сездирмай, секингина пишиллаб, деворга суюниб, лекин тартиб одобни бузмасликка уриниб, бир-бирларини туртиклиб турдилар.

— Сиз соатингизни бизларнинг вақтга тўғриладингиэмиси?— деб сўради Мила Пьердан.

— Йўқ, менинг соатим йўқ,— деди Пьер.

Ҳаммалари ҳайрон бўлишди. «Париждан келган бўлса-ю, соати бўлмаса! Ғалати-ку бу!»— деб ўйлашди улар.

Рёмка Штибнинг чўнтағидан Пьердан тиланиб олган чет эл қаламининг учи кўриниб турарди: Рёмка парижлик меҳмоннинг диққатини ўзига жалб қилган кўринарди. Улар иккаласи бир-бирлари билан ҳамиша кўз қисишиб қўйишар, қандайдир, ғалати имо-ишора билан гаплашарди. Пьер бошда бироз тортиниб турди, кейин ўзининг бўйи новчароқ ҳомийси таъсирида ўзини эркин тута бошлади. Рёмка унга синфда ўзининг биринчи половон эканини ва агар Пьер билан ҳалол дўст тутинса, ҳеч ким унга, яъни Пьерга қўл тегизишга журъат қилолмаслигини айтган эди.

Мила соатига қараб:

— Вой, олтидан тўққиз минут ўтиб қолибди-ку! Қани, ўтирайлик,— деди.

Ҳаммалари ўтиришиди. Пьернинг тақсимчасига таомнинг энг катта қисми солинди.

Миланинг бўйдор, уятчанроқ ойиси:

— Албатта, Парижда бунақа овқатларни емагандирисиз. Лекин айбга буюрмайсиз, қўлимиздан келгунча тайёрладик,— деди.

Албатта, Пьер етимхоналарда ва кейинчалик Артёмнинг болохонасида бунақа овқат емаган эди... У кейинги йилларда бундай лаззатли овқат ҳақида фақат хаёл суриши мумкин эди. Пьер тақсимчада иштаҳани келтириб

турган таомга тикилиб қолмасликка ҳаракат қилиб, мез-  
бонинг гапларига жавоб қайтармай, жим тураверди.

Чинакам вино шишаларидан қадаҳларга кагор ара-  
лаштирилган шарбат қўйинши. Шунда Рёмка Штиб ўз  
қадаҳини қўлига олиб, тирсаги билан Пъерни туртиб  
қўйди ва ўзининг бутун қиёфаси билан бошқа хил ичим-  
ликларга ҳам ўрганиб қолганини, бироқ бу ерда модо-  
мики, шундай жўжалардан иборат жамоат тўпланганини  
назарга олиб, бу ширин сувни ҳам ичаверишини бил-  
дирди...

Кейин мактаб ҳақида, машғулотлар ҳақида, гапла-  
шишди. Ҳаммалари Пъерга бирор кулгили воқеани гапни-  
риб беришга ҳаракат қиласарди.

Шу билан бирга, гап нима тўғрисида бормасин, Рём-  
ка ҳар сафар шундай гапиради:

— Тура туринг, шошманглар, ҳозир мен гапирай! Эс-  
ларингдами, бу воқеа мен Коська Халиевга бир шапа-  
лоқ туширган куни рўй берди. Ўшанда Коська менга  
ёпишди, мен уни боплаб бир туширдим...

Сўнгра у фанга нисбатан ўз қарашларини баён  
қилди.

— Б-бе, аълочи бўлиб жинни бўбманми! — деб бақи-  
ради Рёмка, ўзининг бу гапи билан қизларнинг ғашини  
келтирас, нафратини қўзғатарди.— Аълочи бўламан деб  
пешана тери тўкишим керакми, бошимга ураманми! Мен  
академик бўлмоқчи эмасман. Славка Махани кўринг-  
лар, мотоцикли бор, аккордеонлик ҳам бўлиб қолди.  
Лекин чалишни ҳеч эплолмаяпти. Едаки чалиш қобилия-  
ти йўқ. Уни кон мактабидан ҳайдашди. Славка бўлса  
станцияда ишлайпти. Юк ташийди, юк бўшатади, хул-  
лас, нима тўғри келса, ўшани бажаради. Ойига етти юз-  
дан ошиқ туширяпти. Мен аълочи бўламан деб бош қо-  
тирмай қўйдим.

— Учига чиққан ярамас экансан, — деди Сеня. —  
Борди-ю ҳамма шунаقا қиласиган бўлса, унда тараққи-  
ёт учун ким хизмат қиласди?

— Бунаقا гаплар сенга шон-шуҳрат баҳш этмайди, — деб қўйди китоблардагидек гапиришни яхши қў-  
радиган Сурен.

— Вой-бў! — деб бақириб юборди Рёмка. — Ватан-  
парвар-эй, — у бу сўзни урғу бериб айтди. — Гулдурос  
олқишлиар, ҳамма жойидан турди.

— Сен менинг сабр косам тўлиб-тошишини кутмоқ

чимисан, — совуққоплик билан жавоб қайтарди Сурик, пафрати беҳадлигини ифодалаб, елкасиини қисиб қўйди.

Бироқ Рёмка Пьерга ўзининг сўзга усталигини ва ҳеч кимдан қўрқмаслигини кўрсатиш мақсадида маҳмадоналигини қилаславерди.

Патефон қўйиб танца қилишди. Пьер мактабда жуда яхши пластинкаларим бор, деб мақтапган эди. Ағуски, бу пластинкалар Москва орқали секин келаётган поездда ҳали етиб келмаганидан Милада бор пластинкаларни қўйиб танца қилишди. Сеня, Сурен ва бошқа болалар деворга суюниб, масхараомуз кулимсираб, танца қилаётганларга назар солиб туришди. Ўзларнга юқори баҳо бериб юрадиган ўғил болалар танца кечаларида одатда шунаقا кузатиб туришади.

Аммо Пьер бўш келмади, галма-гал ҳамма билан танцага тушиб, қойил қилди.

Аҳён-аҳёнда Мила танца давом этаетганда баланд овоз билан:

— Биласизларми ҳозир неча? — деб сўраб қўярди.

— Неча деганинг нима ўзи?

— Вақт қанча бўпти деяпман. Беш минути кам саккиз бўпти!

— Соат ўн тўққизу эллик беш минут, — деб таъкидлади Сурик. Танца орасидаги танаффус пайтларида Сурик Арзумян Пьердан:— Раймонда Дъенни кўрдингми?. Ани Мартени-чи?— деб сўрарди.

Францууз халқининг бу қаҳрамонларини Пьер кўрмаган экан. Шундай қилиб, Сеня бир нарсага хурсанд бўлдики, садоқатли Сурен ўзини билими-маълумоти билан кечадаги жўраларнинг парижлик меҳмонга ошиқча бино қўйишлари сал пасайишига сабабчи бўлди. Сўнгра Сеня ўзи шарада<sup>1</sup> ўйнашни таклиф қилиб қолди. У маҳсус шу кеча учун жуда мос келадиган сўзлар тайёрлаб қўйган эди. Ўйин, масалан, «Пари-ж» сўзидан бошланди.

Қизиқиб ўйнашди. Шарада ҳам зериктириб қўйгандан кейин «Третьяков галереяси» альбомини томоша қилишди. Бу альбомни Миланинг отаси Никифор Колоброда кончилар конференциясига борганида яқинда Москвадан олиб келган эди.

<sup>1</sup> Шарада — топишмоқнинг бир тури; бунда бир сўзни бир неча бўлакка ажратганда ҳар бир бўлак ўзича алоҳида маъно билдиради.

Шу орада меҳмонларни яна дастурхонга таклиф қишишди. Стол атрофида яна ҳаммалари галма-гал ҳар хил кулгили воқеалардан, латифалардан айтишди. Одатда қизиқчиликлар: «Қулоқ солинглар, бир киши уйига қайтиб кўрса, кучугининг думида...» тарзида бошлигарди.

Рёмка ҳеч кимга гап бермасликка уринарди — у энди ҳамманинг жонинг теккан эди. У гапирмоқчи бўлганда, ҳаммалари бақириб юборишди:

— Биламиз, эшитганмиз буни! Юз марта эшитганмиз! Бу ҳалиги пиёниста ҳақида-да. Эшитганмиз! Бир маст киши хотинига: вақтида қайтдим, соат ўн бўлди, деган. Худди шу пайтда минора соати тунги бирга занг урган. У эса: «Соат нолга занг уролмайди-да» деган. Ушами?

Рёмкага шуниси алам қилдики, у худди шу тўғрида гапирмоқчи эди.

Аммо Пьернинг қўли баланд чиқиб қолди. У ҳали шу дамгача зиёфатдагилардан ҳеч ким эшитмаган латифаларни кетма-кет гапириб берди.

— Бирғ бой месье... жаноб,— деб бошлиди у, тортинмасдан, «р» товушини «рғ» тарзида талаффуз этиб,— ўзининг уч қизини эрғга берғибди, биттасини дворғянга, биттасини савдогарғга, яна биттасини эса банкирға. Бой ҳарғ бирғ қизига беш юз минг франкдан сеп тайинлабди. Йўқ... яхвиси, франк эмас, беш юз минг сўмдан тайинлабди. Күёвларнинг ҳарғ бирғига, мен ўлганимдан кейин, тобутимга минг сўмдан пул соласизларғ, деб онт ичирғибди. Шундай қилиб, бой кунларнинг бирғида ўлибди. Күёвларғи қайнатани дағн қилгани келишибди. Дворғян: «Олижаноб қишиларғ ҳарғ вақт ўз сўзларгининг устидан чиқишлиарғи керғак» деб, минг сўмни тобутга солибди. Савдогарғ тобут ёнига келиб: «Раҳматлик қайнатам яхши одам эди, мен ваъдамни бажарғаман», дебди ва тобутга бирғ минг сўмлик қофоз пул қўйибди. Энг охирғида банкирғ тобут олдига келибди.

Шу пайтда Пьер йигилганларга тикилди, гарчи улар савдогарнинг тобутга қанақа қофоз қўйганига яхши тушуниб етмаган бўлсалар ҳам ҳаммалари . . . ур бўлганида хахолаб юборишга тайёр турардилар. Қизлар ошиқча лиқиллаб кулиб юбормаслик учун қўллари билан

оғизларини ёпиб, ўғил болалар эса ҳатто нафас олмай ўтиришарди.

— Шундай қилиб, банкирғ ҳам тобут ёнига келиб: «Банкирғеларғ ҳамиша вижданли бўлмоқларғи керғак, мен ҳам берғган ваъдамнинг устидан чиқмоғим лозим дебди-да, тобутга уч минг сўмлик чек ташлабди-да, тобутдан икки минг сўм пулни қайтарғиб олибди. Банкирғининг айёрғлигини кўргинглар!

Ҳаммалари кулишди. Фақат бу гал Мила ва унинг дугонасидан узоқقا, бурчакка ўтқазиб қўйилган Сеня Пьер эпчилик билан гапираётган бу воқеани мен қаерда ва қачон эшитганинман, деб ўйлаб, бош қотираётган эди.

Пьер ёдлаб олгандек уddабуронлик билан яна гапириб кетди:

— Уй ходимаси бўлиб ишга кирғмоқчи бўлган бирғ қиздан: «Хизматга кирдингизми?» — деб сўраганларида: «Йўқ, улар жуда камбағал одамлар экан» дебди. — «Сизга ким шунаقا, деди ахир» дейишса, — «Бўлмасачи, — дебди ҳалиги уй ходимаси бўламан деб юрган қиз, — у ерда икки қиз...».

— Биламан! — қўйқисдан бақириб юборди Сеня. — «Икки қиз биргалашиб битта пианино чалаётган эканлар».

— Билдим, биларғ экансан... — зарда билан деди Пьер. — Бунақанг қилишинг яхши эмас-да. Кимда-ким буни олдиндан билган бўлса, буни дарҳол айтиб қўя қолиш керак.

— Битта у билади, бошқаларгэ ҳалақит беряпти. Ҳамиша шунаقا. Сурик билан иккалангнинг одатинг шунаقا, — деди Мила. — Қани, Пьер яна бирор нарса гапир!

— Пьер, тутуннинг ҳиди қандайлиги тўғрисидаги латифангни бир гапириб бер, — деди Сеня.

Пьер бу ерда ҳаммани оғзига қаратиб турган латифаларни бир замонлар Сеня қаерда ўқиганини энди эслади. У отаси билан бирга турадиган квартиранинг эгаси Милица Геннадиевнанинг комодида ўтган йили эски бир китоб топиб олган эди. Жигар ранг муқовали бу китобининг бурчаклари кемирилгандай тўзиб қолган, «шахсий турмушда ва ижтимоий ҳаётда керак бўладиган табрикнома, тасаллинома, тавсиянома, таклифнома, ташаккурнома ва ҳоказоларнинг ҳар хил намуна-

ларини тузиш учун қўлланма бўлиб хизмат қиласиган, шуннингдек, турмушда керак бўладигаи доно маслаҳатлар, одоб-тарбия қоидалари ва умуман хуш муомалага ўргатадиган кўнгина латифа, ҳазил-мутойиба, жумбоқ, топишмоқлардан иборат тажрибали уй котиби — маслаҳатгўйни...». Сеня бу асарни варақлаб чиққанида, фугбол ҳақида ёзилган қўйндаги сўзларни ўқиб, ғаши келган эди: «Футбол — унча қизиқ бўлмаган ва узоқ давом этадиган ўйин. Астойдил кураш давом этадиган бу ўйини, пировардига, ўйинга қатнашувчиларни жуда ҳолдан толдирниб қўяди, ўйинниг иккинчи ярми ҳақида ҳатто ўйлагинг ҳам келмай қолади...»

Шундан кейин Сеня «Тажрибали уй котиби-маслаҳатгўйи» китобига батамом ишонмай қўйган эди. Бироқ, китобининг охирида у шундай бир бўлимни топдикни, бу бўлим дарҳол унинг диққатини ўзига тортди. Бу бўлим «Оқсуяклар жамоати учун фокус ва латифалар» деб аталарди. Китобда ёзилганидек, Сеня ҳам ҳар қандай жамоатнинг севимли кишиси, ақл-идрокли ва қалбларнинг фотиҳи бўлмоғи учун шу фокусларни ўрганиши, латифаларни ёдлаши мумкин эди. Шунда ҳам Сенянинг ҳафсаласи пир бўлди. Муқаммалроқ ва диққат билан танишиб чиқиши натижасида маълум бўлди, фокусларни ижро этиш ё мумкин эмас, ёки Сеня Грачик қатнашиб юрадиган доираларда намойиш қилмоқ учун улар мос келмас экан. Ростда, ўзингиз бир ўйлаб кўринг!

Мана, китобда тавсия қилинган фокуслардан бири:

«Қандай қилиб учиб ўтаётган қалдирғочни отиш ва ўша қалдирғочни яна тирилтириш мумкин? — Китобда тушунтирилышнича, милитиқни оддий пороҳ билан ўқлаш зарур эмиш. Питра ўрнига, симоб ишлатилиши керак эмиш... (Даврага милитиқ олиб келиш, бунинг устига, уни симоб билан ўқлаш осон ишми, ахир!) Отаётган маҳалда, қалдирғочни тӯғри нишонга олиб ўтиришининг ҳожати йўқ эмиш, чунки қолдирғочнинг ерга йиқилиб тушиши учун унинг қўрқиши кифоя эмиш. Лекин, бари бир қалдирғочни отиш пайтида унинг яқиндан ўтиши зарур эмиш. (Ахир, ўша қалдирғочнинг яқиндан учиб ўтиши учун нима ҳам қила оласан киши! Борди-ю қалдирғоч умуман яқинроққа учиб келмаса-чи?) Сўнгра, қалдирғоч йиқилиб тушганида, уни дарров ердан кўтариб олиш, бир неча минут у ўзига келгунча қўлда ушлаб туриш, ана шундан кейингина томоша-

бинларга тирик ва шикаст емаган қалдирғочни кўрса-тиш керак» эмиш.

Борди-ю қалдирғоч ерга тушиб, мажоги чиқса-чи? Унда нима бўлади?. Иўқ, бу фокуслар Сеня Грачикка ярамайди. Аммо латифалар, гарчи бу латифаларда қандайдир Н. Н. жаноблари тўғрисида гап боргани, улардан, худи китобнинг ўзиdek, эски сандик, сичқон ва нафталин ҳиди анқиб тўрса ҳам бу латифалар Сеняниг ёдида қолди. Мана ҳозир Пьер худди шу латифалардан гапираётган эди, афтидан Пьернинг ҳам қачондир бир маҳал кўхна «Тажрибали уй котиби — маслаҳатгўйи» китоби қўлига тушган бўлса керак.

Сеняниг қалтис муомаласи парижлиқ меҳмоннинг кайфини бузиб қўйганидан кейин бир мунча вақт сукут давом этди.

— Қани, бўлмаса бирор қўшиқ айтайлик! — деб бирор таклиф қилиб қолди.

— Пьер, сен Қармандола<sup>1</sup>ни биласанми? — деб сўради Сурен Пьердан. — «Қани, бир Қарманьолага танца қилайлик-чи, зафар овозлари янграсин!..»

Аммо Пьер Қарманьоланинг сўзларини билмас экан.

Бироқ у Монтанинг радиодан кўп эшиттирилган «Катта бульварлар» деган қўшиғини биларди. Мила дарҳол пианино олдига ўтириб олди-да, ҳаммага таниш бўлган куйни қаттиқ-қаттиқ чала кетди. Сеня сездирмай Ксанага кўз қирини ташлади ва ич-ичидан унга алам қилди: Ксана ҳам музикага ўрганган, аммо ҳеч қачон, негадир бунчалик қаттиқ овоз чиқариб чалгани йўқ эди. Шу пайт ҳаммалари қўшиқ айтишди: «Нақадар гўзалдир оқшом пайтида, катта бульварлар ҳалқасида ҳеч бўлмаганда бир марта кезмоқ». Қўшиқни ҳаммалари русча, Пьер эса чинакам француз тилида айтиди. Мана бу жуда соз бўлди!

— Сиз Чарли Чаплинни ҳеч кўрганмисиз? — деб сўради нозиккина овоз билан ўқувчи қизлардан бири. У бутун кеча давомида ҳеч овоз чиқармай, худди уй қуёнидек ҳуркиб, жимгина шу саволини ичида сақлаб ўтирган эди.

<sup>1</sup> Француз ҳалқ инқилобий қўшиғи. Танцага тушганда айтилади — ред.

— Бўлганмисан?.. — деб савол бера бошлаган эди Сурен ҳам.

Бироқ Рёмка Штиб унинг сўзини бўлиб:

— Овозингни ўчир. «Бўлганмисан?.. Кўрганмисан?.. Уқиганмисан?» деган саволларинг билан одаминг бозини қотириб қўйдинг-ку. Нега сен унга хирадлик қил-япсан?.. Пьер, яхшиси, бирор кулгилироқ нарсани гапириб бер.

— Хўп,—деди Пьер.—Жуда яхши. Тре бъен<sup>1</sup>. Ёш бир харидорғ аёл магазинга кирғипти-да, мана бу духобанинг гази неча пул? — деб сўрғабди. Сотувчи аргмани экан...

Сеня, қип-қизариб кетиб, Сурикка қарамасликка ҳаракат қилди-да, секингни Пьерга:

— Бу ҳақда керакмас, — деди.

— Нега энди керак эмас экан?

— Мен эшигнанман бу латифани, кулгили эмас, ҳеч ҳам кулгили эмас! — деб ўз гапида тўриб олди Сеня.

— Сенга кулгили бўлмаса, бошқаларга қизиқ! — деб бақирди Рёмка.

— Битта бўса оламан, жонон, — давом этди Пьер ўз фикрича сўзларни арманча нотўғри талафуз қилиб.

Сурик оқариб-бўзариб кетди. Сеня сапчиб туриб, Пьернинг ёнгинасига келди.

— Мен сенга айтдим-ку, керакмас деб... — Шундай деди-ю, Сеня ўз орқасида, оқариб-бўзариб турган Сурикни имо қилиб кўрсатди.

— Ол-а, буйруқ ҳам беряптилар-ку! — деди Рёмка.

— Бу сенга, сенинг Карапет Курацаповичингга керак эмас, аммо бизга керак!

Хона жимжит бўлиб қолди, лекин шу пайт Пьер хаҳолаб кулиб юборди.

— Қанақа, қанақа? Карғапет Курғацапович дедингми! Қизиқ экан-ку. Мен ҳам бунақа гапира оламан.

Ксана ичидан куйиниб, дам Пьерга, дам Сурикка қарап, Рёмка эса хаҳолаб кулгани-кулган эди.

Сеня Пьернинг ёнига келди, бироқ қайрилиб, тиржайиб турган Рёмкага назар солди-да, узоқдан туриб, баланд овоз билан:

— Орамизда иккинчи кун бўлиши-да, шунга раҳмат

<sup>1</sup> Тре бъен (французча) — жуда соз дегани.

айтсин. Уч кунгача меҳмон саналади. Буни унга тушунириб қўй. Индинга эса мен бунаقا гаплари учун боллаб адабини беришим мумкин... — деди.

— Қизиқ, нима қиласардинг! — гердайиб сўради Рёмка қаддини ростлаб, қўлларини биқинларига тираб.

— Викиданс.

— Нима, нима дединг? — деб сўради Рёмка елкаси билан Сеняга ҳамла қилмоқчи бўлиб.

— Бу французча, бўйнига бир тушириш дегани, — деди Сеня. — У буни билиши керак. Ўзидан бир сўрачи!

— Эҳтиёт бўл, ҳаммадан олдин ўзинг билиб қолмагин тагин! — пўписа қилди Рёмка.

Сеня унга ўқрайиб бир қаради-да:

— Ох, салбий шахсан-да, Рёмка! — деб қўйди Сурик. — Мен сенга айтсан, учига чиққан типсан!

— Ўтакетган тентак! — деди Сеня. — Сурик, юр кетдик.

— Вой, қаёққа? — шовқин солишиди ҳаммалари, Сеняни ва унинг орқасидан кетишга ҳозирланган Суренни тўхтатишга уриниб.

— Нега шошиляпсанлар, ҳали эрта-ку? — деди Мила, тасмачали соат таққан қўлини чўзиб.

— Бико! — деди жирканиб Пьер ва боши билан Сурен томонга имо қилиб кўрсатди.

— Бико деганинг нима? — қизиқсиниб қолди Рёмка.

— Бизда она сути оғзидан кетмаган африкаликларни, жазоирликларни шунаقا аташади... Бико!

Сеня тўхтаб, қайрилди-да, қўлларини мушт қилиб тугди. Бироқ уни Сурик судраб олиб чиқди.

— Сеня, ахир у ҳали қайта тарбияланмаган-ку, тушунишинг керак,— деб бидирлади Ксана.

Аммо иккала дўст ҳам индамай хонадан чиқишиди. Эшик шарақлаб ёпилди. Ҳамма жим қолди. Хона бирданига кўримсиз бўлиб қолгандай туюлди. Даастурхонда икки тақсимчада ейилмаган пирог бўлаклари ётарди. Апельсин пўчоқлари улардан олинган эди.

Рёмка кўз қирини ташлаб:

— Эсизгина, тишлаб қўйишибди холос, энди увол бўлди деявер, — деди.

— Вақт ҳам атиги йигирма бир минут кам ўн бўлибди, — деди Мила, янги соатига қараб.

## XII БОБ

### ОМАДЛИ ОТАЛАР КЛУБИ

Районнинг келажаги ҳақида лекцияни ҳали ёшгина, жуда озғин, торгина елкали, ўтқир кўэли бир йигит ўқиди. Унинг ҳамма нарсаси — залнинг анави бурчагида бирданига эшитилиб қолган шов-шувга дарҳол тикилиб қараган шаҳло кўзлари ҳам, ҳамма қаторларда барада эшитилган равон товуши ҳам, найзасимон кўрсатгичи ҳам, хуллас ҳамма нарсаси тикандга ўхшаб санчиладигандай кўринарди. У ўша кўрсатгич билан дам деворда осиғлик харитани кўрсатар, дам гапираётгандан ўз сўзига қувват бергандай, ҳавога санчиб қўярди.

Бошда Артём Иванович, ёш йигит ҳалқ олдида шундай равон, шундай дадил гапиришга қандай қилиб ўрганди экан, деб ҳайрон бўлди. Зал лиқ тўла эди. Залда нуқул ёшлар ўтирибди деб бўлмасди. Минбарга яқин биринчи қаторларда соchlарига оқ тушган, тикка, мовий ранг ёқали мундирлар кийган кексалар ҳам ўтиришар; буларни Богдан Сухоярканинг кекса гвардиячилари — фахрий шахтёрлар деб таништирди.

Еш лекторни бу ердагилар яхши таниганликлари кўриниб турарди. Незабудний билан Богдан Анисимович залга кираётгандариди, лектор эндигина саҳнада пайдо бўлган эди. Залдагиларнинг ҳаммаси — ёшлар ҳам қариялар ҳам уни жуда хушчақчақ кутиб олишди. Лектор эса озғин иягини силкитиб таъзим қиласар, дам чап томонга, дам ўнг томонга қараб, залдагилар билан худи ўз одамларидек, жилмайиб саломлашарди.

Унинг лекциясини ҳамма зўр эътибор билан тинглади. Аммо лекторнинг гаплари Артём Ивановични бутунлай ҳайрон қилди. У, янгиш эшитиб қолмадиммикин, деб ёнида ўтирганларга сезидирмайгина қараб қўярди. У докладчининг гапларига ҳамма жиддий қараштаганини, докладчи ҳазил қилмаётганини одамларда қолдираётган таассуротига қараб билмоқчи бўлди. Незабудний назаридаги юзага чиқиши мумкин бўлмаган нарсаларга ҳам, яқин йиллар ичida Сухоярканинг қандай район бўлиши ҳақидаги гапларга ҳам залдагиларнинг ҳаммаси маълум ва табиий бир нарсадек қаарарди. Мана шунинг ўзи ажойиб бир ҳол эди. Незабуднийнинг ёнида ўтирганлар лекторнинг жуда яқин фурсат ичидаги

Сухоярканинг қандай бўлажаги ҳақида батафсили гапириб берган сўзларига ишнинг кўзини биладиган одамлардек жиддий қулоқ солиб ўтирас ва рози бўлган одамлардек бош иргаб, хотира дафтарчаларига нималарнидир ёзиб қўярдилар. Мана, Незабуднийга худди бир эртакдек бўлиб туолган нарсалар залдагилар учун юзага чиқиши табиий ва зарур иш эди.

Лекция тугаганидан кейин залдан саволлар ёғилиб қолди. Одамларининг берган бу саволларнида ҳам хотиржамлик ва хўжайинларча талабчанлик бўртиб турарди. Қандайдир жуда зарур, улкан нарсалар ҳақида саволлар беришга уларнинг ҳақлари борлиги сезиларди.

— Аэродромга борадиган янги йўлни қуриш планда кўрсатилганми? Грейдер<sup>1</sup> юролмайдиган бўлиб қолди. Бир соат самолётда учиб, уч соатда уйга машинада зўрга етиб келасан киши...

— Сув омборида балиқ хўжалиги масаласи қандай бўлади? — бу саволни фахрий шахтёр мундири кийган қарнилардан бири берди.

— Сухояркадаги корхоналар, хуллас, бутун хўжалик умумий энергия тармоғига қўшилади, деб ишонса бўладими? — Бу саволни узун сочини чилвир қилиб ўриб қўйган, тўладан келган бақувватгина бир қиз берди.

— Сухояркада ўз театримиз бўладими? Бўлганда ҳам қанақаси? Музикали-комедия театри бўлса яхши бўларди-да! — Куртка кийган бир йигит сўраб қолди.

Шу пайт ҳаммалари шовқин солиб қолишди:

— Драма театри сенга камлик қиляптими?

— Музикаси бўлмаса, театрга бормас эканми?

— Кези келганда сўрайлик, — деб сўради қалин шишлини кўзойнек таққан, сочига оқ тушган бир аёл, — музика мактаби учун янги бино қурилармикин? Ҳозирги биноси торлик қилиб қолди.

— Музхона қурилиши-чи? Негадир чўзилиб кетди, — деган савол эшитилди залдан. — Тузланган гўшт томодан ўтмайдиган бўлиб қолди! — Савол берган киши халқумини қўйи билан кўрсатди.

— Шахтада профилактика ишлари тармоғини кенгайтириш планга киритилганми? — деган савол залнинг бошқа бир бурчагидан эшитилди.

<sup>1</sup> Йўлни сув турмайдиган қилиб текислайдиган машина.

Галереяда ўтирган жойидан форма кийган бир йигитча турди («Кончилар мактабидан» деб тушунтирди Богдан). У савол бермоқчи бўлиб шундай қизариб кетдики, у билан бир қаторда ўтирган қизлар, бир-бирларининг елкаларига суюнганинг қандайдир ғалати товуши бор эди. У дам паст овоз чиқариб, дам чинқириб гапиради.

— Айтиб беришингизни илтимос қиласман, — деб гап бошлиди йигитча йўғон овоз билан, сўнгра бирданнига ингичка овоз чиқариб: — Маҳаллий шароитда, кўмир қазиш соҳасида атом кучидан фойдаланиладими? Ҳамда ер остида кўмирдан газ ҳосил қилиш масаласи қандай ҳолда? Ҳамда, — у яна овозини пасайтирди, — кўмир қазишида сув кучидан фойдаланиладими?

— Эшитдингми? — Богдан қойил бўлиб, Незабуднийнинг биқинига бир туртиб қўйди. — Қўрдингми, мулоҳазасини қара! Мен уни таниб қўймогим керак. Қара, худди сурнайдек чийиллайди, лекин калласи яхши ишларкан.

Барча саволларга жавоблар берилгандан кейин, қариялар Незабуднийни қуршаб олдилар. Дарров уни таниган баъзи кишилар Незабуднийнинг ёнига ўтиб олишди, баъзилари эса аввал тўхтаб, қараб туришди, сўнгра, олдиларида ким турганини фаҳмлаб, улар ҳам унинг ёнига келишди.

— Артём?! Бормисан, оғайни! Вой Артём-эй!..

— Омонмисан, Незабудний! Фамилиянг шунаقا бўлгани бежиз эмас экан-да. Унутмабсан-да, чол. Қайтиб келибсан-да!

Чоллар Артём ёнига келар экан, узоқданоқ у билан саломлашардилар:

— Ҳа-а-а боёқиши! Бизлар сени, Артём, бутунлай кетиб қолдинг деб ўйлаган эдик!

— Омонмисан, кекса шайтон!

Чоллар Незабудний теварагида тўпланишиб, қаттиқ томоқ қиришар, мўйловларини артиб, Артём Иванович билан ўпишиб кўришар, муштлари билан чемпионнинг елкасига ва кўкрагига шундай қаттиқ уришардики, бошқа ҳар қандай киши бу зарблардан йиқилиб қолган бўларди.

Незабудний бу одамларининг кўпчилигини ҳозир эслаб, таниди. Мана, бақувват Павло Лиходий, бутун

донгдор кончилар авлодининг бошлиғи. Мана буниси—хушчақчақ, чақон Микола Семибратний. Чол ҳалиям тетик, бўш келмайдиган кўринади. Незабуднийнинг ёнига Макар Зелепуха, у билан бирга — Максим Халиев ва Никита Перегуд ҳам келишди. Уларнинг ҳаммаси ҳам бақувват чоллар эдилар. Уларнинг мовий ранг тик ёқали мундирларини, яъни фахрий шахтёрлик мундирларини партизанлик ва меҳнат медаллари безатиб туради. Улар ана шунаقا чоллар эдилар. Ростини айтганда, улар омадли оталар ҳам эдилар. Улар Незабудний билан эсон-омонмисан, яхши юриб келдингми, деб сўрашганларидан кейин, ўз болаларининг ютуқлари билан мақтаниб қолишди. Шунча йиллар давомида йўл босиб, четдан қайтиб келган одам олдида дарҳақиқат уларнинг мақтанса арзигулик гаплари бор эди. Бирининг ўғли энди қандайдир бир заводда директор, яна бир ўғли катта шахтада инженерлик қилар экан. Бирининг қизи машҳур балерина бўлиб етишибди, ҳозир Ленинграддаги Академик театрда ўз маҳоратини кўрсатар экан. Мана, ўша дилбарнинг фотосуратига бир қараб қўйинг! Тўғри, юбкаси анча калта, аммо, ҳечқиси йўқ, уларнинг фасони шунақа-да. Чоллардан яна бири чўнтағидан ўғлининг хатини чиқарди. Унинг ўғли Москвада министрнинг кўмир соҳасида ўрииbosари бўлиб ишлар экан.

Бир умр фарзанд кўрмаган, яқиндагина ҳам уйжойсиз, фурбатда яшаган Артём фарзандсевар, омадли бу отахонларнинг гапларига ҳавас билан қулоқ солиб туради. Ҳавас қилмасинми, Пъери ҳам ўйлаганинек қиломаяпти. Пъердан Петъка чиқмаяпти. Йигитча жуда ҳам французлашган кўринарди.

— Бекорга тикка туришдан нима фойда! — деди Лиходий.— Оғайнилар, буфетга юринглар.

Артём Незабуднийни шинамгина залга олиб кириши: бу ерда ресторонларга хос традицион жиҳозлар билан безатилган жоїда одамлар тўпланишган эди. Буфетнинг тепасида Незабудний қадимги каккули соатни кўрди. Ҳа, бу бир замонлар «Подкукуевка» ёки «Қукуй» деб аталган майхона деворида осиғлиқ турадиган ўша соат эди. Какку кўп вақтлардан бери соатни аниқлай олмайдиган бўлиб қолгани кўриниб туради. Бу какку янги вақтни қувиб ета оларниди дейсиз! У кўзларини чақчайтирганича, овоз чиқармай тумшу-

ғини очганича катагининг дарчаси олдида ўтириб қолаверибди. Афтидан, ўз сибизғасини чалиб бўлиб, энди ўз дарчасида индамай-нетмай, янги даврнинг томошабини бўлиб турган кўришарди.

Аммо бу ерда, шахтёрлар саройида, пенсияга чиққан бўлишларига қарамай, ҳали ҳам серзавқ бўлган кекса шахтёрлар кечалари қадимгидек бир-бирлари билан учрашиб туришарди.

Улар столчаларни бир-бирига жипслаб қўйиб, Артём Ивановични тўрга, фахрий жойга ўтқизиб қўйишиди. Ана шундан кейин, ўрталарида қизғин, жонли сухбат бошланиб кетди.

— Шунаقا, — дейишди чоллар ва ҳаммалари бирга ичишди.— Демак, вотъ сянте, де! Ҳа майли, сянте бўлса, сянте бўлаверсин. Соғ бўлайлик!

Яхши. Французчасига ичишди: «Вотр санте. Сизнинг соғлиғингиз учун!» «Прозит!» деб немисчасига ҳам ичишди.

Ҳаммалари яна кружкаларини тўлатишиди.

— Хўш, Италияда ҳам бўлгандирсан дейман-а? — деб сўради Зелепуха чол. — Қани бўлмаса, итальянчасига ҳам биттадан ичайлик. Улар нима деб ичишади?

— Уларда, итальянларда, шунаقا, — деб тушунтириди Артём, — аввало идишга қўйишади-да, сўнгра: «Салюте!» деб жойларидан туриб, бир-бирларини нарироқдан туриб: «Чин-чин» деб табрик қилишади; бизда рюмкаларни уриштиргандай.

— Жуда соз экан-да, бўлмаса чин-чин қилиб шимирайлик, — деди Зелепуха.

Бутун иш кўнгилдагидек борар, чоллар хушчақчақ эдилар.

— Маданийгина ўтирибмиз-а, — деб қўярди аҳён аҳёнда чоллардан бирортаси.

Чоллар бу кечада, албатта, бир бор эмас, балки неча-неча марта хўрсишиб қўйдилар. Подкукуевкага қатнаб турувчилар қаторидан аллақачонлар кетган ё гўрда ётган, ёки қаердадир биродарлар мозорида мангу ухлаётган, ёхуд уруш йилларида дом-дараксиз йўқолганларни эслаб ўтиридилар. Чоллар оппоқ бошларини ҳам қилиб кўпгина йигитларни-уйларига қайтиб келмаган ўғилларини ва бошқаларнинг ўғилларини

эсладилар — уруш кўпларни ота-оналаридан, қавм-қариндошларидан, хотин, бола-чақаларидан жудо этган эди...

Ҳаммалари жим қолиши. Бирори ажининг оқиб тушибган кўз ёшини астагина артиб олди, яна бирори қаттиқ сиқишдан оқариб кетган оғир муштини секингина стол устига кўйди.

Незабудний кончилардан кўпининг фахрий мундирларини меҳнат соҳасида олган медаль ва орденлари билан бир қаторда, жанговар шуҳратлари учун олган орденлари, партизанлик медаллари ҳам безатиб турғанини кўрди. Незабудний Переғуднинг кўксидаги медаллардан бирини бармоғи билан кўтариб кўрди. Ана шунда чоллар унга не-не ишлар ҳақида; кўз кўрмаган, қулоқ эшиитмаган жасурликларидан далолат берувчи ҳарбий юришлар, босқинчиларни ҳанг-манг қилиб кўйган жасурона рейдлар, қуршовда қолиб кетган маҳалларда бошдан кечирилган азоб-уқубатлар, фронтга ёрдам учун ихтиёрий ровишда қилинган фидоий меҳнат ва бошқалар ҳақида кўп замонлардан буён энди сайрамай кўйган ёғоч какку тагида ўтириб, гапириб бердилар. Улар бир-бирларини ҳикояни яна давом эттиришга ундар, ўзлари эса гапни қизитиш учун кези келганда яна гап қистириб қўйишарди. Гапиришга чорловчи шундай сўзлар эшитиларди:

— Сен-чи, Павло, унга йигитларимиз уларнинг генерал ва адъютантлари билан бутун штабини қандай тугатганини гапириб бер. Нега бошингни чайқаяпсан? Ахир, сен, кекса шайтон, ўзинг ўшандада ёндирувчи шиша билан уларнинг штабини ёндириб юбординг-ку. Ҳаммаси ёниб, кўкка совурилувди...

— Бу ҳам гап бўлдими!.. Яхшиси ўзинг гапириб бер. Эсингдами, биз сен билан пиёда фронт орқали минг километр, балки ундан ҳам ошиқроқ йўл босганимиз. Бутун йўлни кечалари ўтганмиз. Кундузлари бирор жойда яшириниб ётиб, қоронги тушиши биланоқ йўлга тушиларди! Биз билан бирга яна олти киши бор, эди. Бир амаллаб, ҳаммамиз ўтиб олдик. Қорнимиз шундай оч эдики, ўзимиз ҳам қуруқ суяқ бўлиб қолган эдик, асти қўяверинг. Ҳуллас, даҳшат эди-да! Деярли қип-яланғоч қолган эдик. Бироримиз яланғоч, бошқа бироримиз бир оёғига бир нима кийиб олган-у иккинчи пойини ўртоғига берган. У ҳам бир оёғида

бўлса ҳамки, пойафзали бўлсин деган-да. Бирнав қилиб ўзимизни килар ёнига судралиб етиб олдик.

— Биронтанг хотинларимиз тўғрисида гапиринглар. Улар ёш болалари билан эвакуацияда қанақа азобуқубат кўрганларини айтинглар. Уралда қўлларини соvuқ ургани, зах цехларда танкларни қайдай йигиштирганларини гапириб беринглар. Совуқ шундай қаттиқ эдики, Сибирнинг шамоли шундай аччиқки, ишонасанми, Артём, қўлинг бирор темирга тегиб қолса борми, бармоқларингнинг териси шилиниб темирда қолди, деявер... Қўлқоп танқис эди, яра бўлиб кётган қўллар билан темирни ноилож ушлардик-да...

— Сен Микола Семибратьнийдан сўра, у кийим-кечак шкафида, соддароқ қилиб айтганда, гардеробда қенданай қилиб уч ой яшаганини, куядек нафталин ҳидидан ўлаёзганини гапириб берсин... У разведкага борганида бир уйга кириб, яширинибди. Ўша уйга немис полковнигини жойлаштиришибди. Шундай қилиб, бизнинг Микола Васильевичимиз тузоққа тушиб қолибди. Ҳовлида кечаю кундуз соқчи турар экан. Уйдан бир ёққа чиқишга илож йўқ. Уй, хайрият, катта — уч хоналик экан, ана шундай қилиб, деворнинг бир томонида полковник, иккинчи томонида эса Микола туриб қолибди. Уй эгаси ўз одамимиз экан. У киши шкафни кўнгилдагидек қилиб ускуналабди. Қопқоғи билан битта пақир ҳам қўйибди. Қўлидан келганча боқиб ҳам турибди. Кундуз кунлари Микола шкафдан чиқиб, шкафнинг ҳавосини ўзгартирас, ўзи ҳам эркинроқ нафас олар экан, у-бу ишни қилас экан... Кейинроқ, албатта, улар ўша полковникни адо қилиб, Микола ётган шкафга тиқиб қўйишибди.

— Шахтамизни қандай тиклаганимизни ҳам билиб қўйсин! Вентиляторни немислар портлатган эди. Ана шунда, ишонасанми, газга қарши ниқоблар кийиб ишлаганимиз. Ўн соатдан зиёдроқ ташқарига чиқмай, шахтада ишлардик.

— Ҳа, дўстим, бу ерда кўп кўргиликларни кўрдик... Шип-шийдам жойда янгидан ҳаёт қуришга, турмушни йўлга солиб юборишга тўғри келди. Аммо илдизимизни ҳеч ким юлиб ололмайди. Йўқ, у жуда теран. Мана, яна униб, яна ўсиш йўлига кирди. Ўзинг кўриб турибсан...

— Ҳа, Артём, бу гаплар ҳали ҳолва. Ишонасанми,

икки юз эллик граммдан нон олдик... Нон деганда ҳам қандай нон дегин, маккажүхори билан кепакдан. Ана шунда, ишонасалими, ўн иккى соатлаб ташқарига чиқмай, кўмир қазиб чиқаардик. Ўша маҳалда Лениннинг олдидан комиссар келган эди.

— Ҳой, сен нима бу, жинни бўлиб қолдингми! Бу воқеа йигирманчи йилда, оқлар келган маҳалда бўлган эди-ку.

— Ҳа-я, рост, сал янглишиб қолибман...

Сўнгра комплекс бригаданинг бошлиғи, донглор шахтёр, Олий Совет депутати Никифор Колоброва келиб қолди. У билан бирга Колоброва бригадасининг бутун округда икки йилдан буён байроқни ўз қўлларида сақлаб келаётган аъзолари ҳам келишди. Бу бригада ажойиб ҳамкорлик тимсоли бўлиб, бригада аъзолари ўзларини колектив тажрибакорлар деб аташарди. Улар: ҳар кимдан энг яхши нарса — коллективга, колективдан энг яхши нарса — ҳар кимга, деган қоидага мувофиқ иш қиласдилар. Уларнинг шиори шунақа эди. Улар бирор ишнинг сирини, меҳнат соҳасидаги айёрикни бошқалардан яшириш каби эскилил сарқитларига бутунлай барҳам берган эдилар. Уларнинг топгани умум манфаатига хизмат қиласди. Биронтаси бўшроқ келса, ўша киши бригададаги зўрроқ ва тажрибалироқ кишидан ўрганарди. Зўрроқ бўлгани эса ўзида етишмайдиган бирор сифатни ҳеч тортинмай шогиридан ҳам ўрганаверарди. Бригада аъзолари бир-бирлашиб кўмаклашиб, топга ҳар бир бисотини, ҳар бир янги мулоҳазасини ўртоқлашиб иш олиб борадилар. Колобраданинг комплекс бригадаси йиллик топширикларни бир неча йилга ошиғи билан бажарив, ҳозир олтмишинчи йил ҳисобига ишламоқда эди. Чоллар Незабуднийга шу ҳақда гапириб беришди.

— Танишиб қўй, Артём... Депутатимиз. Ўзимиз сайлаганмиз. Ҳукумат аъзоси десак ҳам бўлади...

Незабудний ўрта бўй ва ягрини уччалик кенг бўлмаган, гарчи бақувват бўлса ҳамки, сал букчайган қиёфали, қизил эмаль байроқча таққан кишига тикилиб турар ва ич-ичидан: «Мана энди бу киши олтмишинчи йил ҳисобига маҳсулот берялти, мен бўлсан, ўн саккизинчи йилги қарзимни узган эмасман, бир умр узолмайман ҳам...» деб хаёлидан ўтказарди.

Столларни яна зичроқ жипслаштириб, кружжалар-

га яна пиво қўйилди. Колоброда янги меҳмонни ҳурмат билан қутлаб, сафардан эсон-омон қайтиб келиши билан табриклади, лекин эндиғина қўйилган кружкадан уялиб-уялиб воз кечди. У бунга важ қилиб, уйда бугун оиласвий зиёфатимиз бор, агар уйга барвақт етиб бормасам, қизим хафа бўлади, деб изоҳ берди...

Колоброда ичишдан хижолат билан бош тортиб:

— Отахонлар, ортиқча ичадиган одатим йўқ, била-сизлар-ку, — деди.

— Сен акаси, ортиқча ичма, керагини ич, — деб туритиб олишди чоллар.

— Отахонлар, мен бугун сал ишлашим қерак. Бир чизмам бор. Бу ерда нормадан сал ошириб юборсам, ланж бўламан, дейман-да. Мендан хафа бўлманглар...

— Бу киши инженер бўламан деб уриняпти-да! — деб тушунтириди чоллар Артёмга. — Сиртдан ўқияпти! Сталинога бориб, имтиҳон топширади...

Колоброда тирноқлари тагига кўмири чангни кириб қолган қўлини кўкрагига қўйиб, чолларга таъзим қилди-да, йигитлари билан бирга жўнаб қолди.

— Артём, у гердайганидан шунаقا қилди, деб ўйлама, у қатъийлигидан шунаقا қилди. У бир мақсадни ўз олдига қўйдими — бас, қилмай қўймайди. Унинг ҳаёти бошқача, оғайнимизнинг ҳаётидек эмас-да. Унинг ҳаёти равшан. Унга бекорга ичишининг нима кераги бор. Тўғрими гапим, қариялар?

— Тўғри, — деб тасдиқлашди ҳаммалари.

Столга яшил тасмали партизанлик медали таққан кўр аккордеончи келиб ўтириди. Артёмнинг вақтини чор этиш ҳамда айни замонда учрашувни кўнгилли қилиш учун, аккордеончи: «Бутун коинотни кезиб чиқдим мен» куйини чалиб юборди. Шунда нариги стол ёнида ўтирган ва сал лўлига ўхшайдиган чиройли бир киши (унинг чаккаларида қуюқ сочига бир оз оқ туша бошлаган эди) тиниқ овоз билан ашула бошлади, унинг товушини эшитишлари билан ҳаммалари бир лаҳзада жим қолишди:

Жаҳон бўйлаб кездим-у ғоят  
Севгилимни топмадим мудом.  
Россияга қайтдим, ниҳоят,  
Эшитмоқда юрагим салом.

Незабудний ҳам атрофидаги кишиларнинг назокатига қойил қолди ва уларнинг ўртоқча имоларига ту-

шуниб, кекса ёр-дўстлари билан биргаликда яна бир кружка пиво иди. Бояги жингалак сочли киши эса ҳамон ашула айтар, унинг ўйчан кўзлари шу ерда ўтирганларнинг тепасига тикилган, гарчи ашулани авжга чиқаргандা оқ туша бошлаган қора соч ҳалқаларини шўх силкитиб-силкитиб қўйса-да, ғамгин эди.

Богданнинг Незабуднийга секин тушунтиришига қарандада, бу жингалак сочли киши Сухояркадаги марказий автобаза гаражининг сабиқ мудири Тарас Андреевич Грачик экан. Бундан кўп йиллар илгари унинг хотини, Москвага кўчирилган бир ходим билан кетиб қолган ва кичкина ўғлини Тарас Андреевичга ташлаб кетган экан. Ана шундан кейин Тарас Грачик ичадиган бўлибди. Бир маҳал у анча пулни талон-торож қилиб қўйибди. Уни судга беришибди. Бироқ фронт орқасида ва фронтда кўрсатган эски хизматларини назарга олибдилар-у, аммо лавозимидан олиб ташлабдилар. Эндиликда Тарас Грачик қурилишга қарашли самосвал шофёри бўлиб ишлар экан.

Барча миллатлар шарафига ичишди. Маза қилиб ичишди! Ҳамма тенг ҳуқуқли бўлавёрсин, бизнинг нимаиз кетади, дейишди чоллар.

Кайфи оша бошлаган чоллар: «Жуда маданий ўтирибмиз-а, яхши улфатчилик қиляпмиз!» — дейишар, Незабудний билан ҳамон кружкаларни уриштиришар, унга яна қуийб беришар, энди ҳаёт қанақа эканлигидан гапиришарди. Бирори мотоцикли билан мақтанса, бошқа бирори пианино олгани, невараачаси чалишга ўрганаётгани, яна бирори пул жамғарив, ҳалитдан телевизор олиб қўйгани, бир-икки йилдан кейин областда телевизион марказ очишга ваъда қилганлари, ўшанда телевизор олиш қийин бўлиши ҳақида гапира кетди. Кекса шахтёрлар Артёмга янги кон комбайнлари, кўмир ковловчи машиналар, ер тагида ишлаш учун ижод қилинган янги ажойибот-таройиботлар тўғрисида бир-бирига гал бермай гапира кетишли.

— Сен РУВ деган нарсани эшигтанмисан? — деб сўраб қолди Перегуд чол.

— Йўқ.. Нима дегани у?

— Ҳа-а, шунақа дегин! Чет элларингда техника, ғайини, бизнинг янги техникага нисбатан заиф эканда! Бизда айтиш мумкинки, ўша РУВ деярли ҳамма конларда бор, ўша бўлмаса, техника хавфсизлиги ко-

миссияси шахтани қабул қилмайди. Богдан, ўша РУВ нималигини бунга бир тушунтириб бер!

Артёмга РУВ деган ажойиб аппарат түғрисида гапириб беришди; бу аппарат бирор өхтиётсизлик қилиб юқори қувватли симга тегиб кетиши билан оқ ер тагидаги элекстр тармоғидан токни ўз-ўзидан узиб қўяр экан. Бу ақпаратни ўринатганларидан кейин шахталарда тез-тез рўй бериб турадиган тасодифий ўлимларга барҳам берилибди. Ҳали яқиндагина қанчадан-қанча ёш ишчилар тажрибасизлиги ёки өхтиётсизлиги туфайли юқори вольтли ток уришидан ўлиб кетарди.

— Нима ҳам дердик, оғайнилар,— деди Артём Незабудний, буни ва кўлгина бошқа гапларни эшигтгач,— нима ҳам дердик, чоллар, баҳтиёр яшаётган экансизлар. Ҳа... Ҳавасим келяпти сизларга!

Аммо шу маҳал қариялар, гарчи ўзлари инг яхши туришларидан ва бола-чақаларининг ҳам, худога шукур, яхши турмуш кўраётганликларидан мамнун эканликларини билдирысалар ҳам, бирданига баъзи бошлиқларнинг бюрократлиги, назар-писанд қилмай, сансалорлик қилганиларни учун танқид қилиб кетдилар. Артём стол теварагида ўтирганлардан бири қандайдир бошлиқларни ҳаддан ошиб сўкаётган ошнасининг биқинига сездирмайгина туртиб, кўзлари билан Артёмга имо-ишора қилаётганлигини пайқади. Артём буларни ҳам ҳузур қилиб кузатарди.

У чолларни юпатди:

— Оғайнилар, бошлиқларинги энди сўкар экансизлар, бунинг ҳечқиси йўқ. Бунақа қилишларинг ҳаттони яхши ҳам. Бўлмаса мен: булар қанақа одамларки, ҳамма нарсадан мамнун, бошлиқларини ҳаддидан ошириб ҳурмат қилишар экан, деб ўйладим.

— Улар бошлиқ эмас. Бизда уларни раҳбар деб аташади,— дейишиди Артёмга.— Тушунсанг-чи, бoshing яхши ишлайди-ку. Улар ўз одамларимиз, ахир. Бинобарин, биз уларни ўргатаётимиз. Биласанми, бизда буни нима дейди — ўз-ўзини танқид, дейди. Қадим замонларда сен фақат танқидни билгандирсан дейман-а, бизда эса ўз-ўзини танқид ҳам авж олиб кетди. Ўз-ўзини... Тушундингми?

Шу маҳал ижроком раиси Галина Петровнани эсга олиб қўйишиди.

— Ху-у-у, бирор камчилигингни сезса борми, созлаб

қашиб қўяди-да!— дей Лиходий чол.— Ҳайронман сенга, Богдан Анисимович, сен қандай қилиб эрлик қиласкинсан? Хотининг жуда қаттиққўл-да. У сенга ҳамма нарса тўғрисида қарор чиқариб қўйса керак... Лекин, ростини айтиш керак, бошиям ишлайди-да!

Ҳаммалари унинг гапига қўшилишди:

— Тўғрисини айтиш керак. Раҳбар ҳаммамизниг онахонимиз-да!

— Зелепуха! Макар, сен бу кишига айтиб бер-чи, у билан ёқалашмоқчи бўлганингда, у сени қанақа қилиб шапатилади, эсингдами, товуқхонани нотўғри жойга қурмоқчи бўлганингда, бирпасда қанақа қилиб тоvuқхонангни бузиб ташлашди!.. Ўшанда Макар кўзларини ўқрайтириб Галина Петровнага бақира бошлаган эди. Галина Петровна эса унга: «Ҳой, чол, намунча кўзингни ола-кула қиласан? Учқун сочаман деб ўйлайсанми? Ёндиrolмайсан. Бу сочаётганинг учқун эмас, қум» деса борми! Худо ҳақи, рост, шунақа деди-я, яна бунга: «Шовқин солма, чол, томоғингга зўр берма, худо сақласин-у, яна анави ёққа жўнаб қолмагин...» деб қўшиб қўйди. Макар ўшанда деворга суюниб қолди: «Бундай дейишга қандай журъат этяпсан, виждонсиз аёл! — деди. Галина Петровна эса унга: «Мен нима ҳақида ўйлаганингни билмайман. Мен сенинг оғриётгап юрагингни кўзда тутган эдим. Аммо энди қай жойинг учун кўпроқ ғам еганингни пайқамай қолибман, бунинг учун мен жавобгар эмасман» деди.

— Кўйсаларинг-чи! — Зелепуха қарияларга қўл силкиди. — Эски саройимни, ҳар ҳолда, у бошқа жойга кўчиришга кўрсатма берди. Майли, шундай бўлаверсин.

Ҳаммалари қулиб юборишди, шундан кейин эса Макар Зелепуха сал қайғургансимон деди:

— Шундай қилиб, ана энди сен ҳам Артём, таптайёр бўлиб қолибсан. Пенсия оласан. Сенга, албатта, шахсий пенсия тайин қилишади.

— Албатта! — деб чугуллашди чоллар. — Айтишга осон, Незабудний-а! Жаҳонда не-не полвонларни йикитган, ахир!

— Фақат сен энди, Артём, ўзингга бирор машғулот топиб ол, — деди Зелепуха. — Изла, танлаб ол. Бўлмаса зерикиб қоласан. Шундай зерикиб қоласанки, дунёда тургинг келмай қолади — алвидо дейишга маж-

бур бўласан, Демак, оғайни биз қарияларнинг ҳам ўз графигимиз бўлмоғи керак.

— Сен билан бўйзинг графигимиз бажарилган! — деб қўйди Лиходий чол.

— Бемаъни гап, Павло Акимич, юз процент bem'aъni — эътироz билдиrди Зелепуха. — Турмуш оқимига қараб иш қилиш керак. Ўз ўрнингни топишинг керак. Мен ўзимга шундай тартиб-қонда ўрнатганман. Мана, айтайлик, халқаро масалалар юзасидан ассамблэя чақиришмоқчи. Мен ҳар куни газета ўқиб бораман. Эрталаб тураман-у, дарҳол радио эшитаман. Қани, уларнинг сайлови тайинланган эди, нима бўлди экан, дейман. Шундай қилиб, эрталабданоқ менда ташвиш пайдо бўлади. Ёки бирор жойда шахмат турнири ўтказилади дейлик. Мен дарров жадвал тузиб оламан. Катакларимда ҳаммаси кўрсатилган бўлади. Қим дуранг қилди-ю, ким шоҳ деди, ким мот қилиб қўйди. Энди ўзимизга яқинроқ масалани, чунончи кўмир қазиш масаласини олиб кўрайлик. Маълумотларни кузатиб бораман. Демак, шундай қилиб, турмуш оқимидан орқада қолмайман. Ёзда уйимнинг орқасига хмель экаман. Бу жонивор шундай қутуриб ўсадики, асти қўявверасан. Ишонасанми, эрталабдан қоронги тушгунча қанча ўсгани сезилиб туради. Мана шунча, бир кечаю кундузда тўрт сантиметр, баъзан эса беш сантиметрча чўзилиб қолади, ўсгандаги ҳам қандай ўсади денг, бурама-бурама бўлиб, нақш солгандай ўсади. Демак, менинг ўтказган бир куним бошқа кунга ўхшамайди, ҳамиша бир-биридан ажралиб туради... Артём, сен ҳам шундай қил.

Шу орада кайфи бир оз ошган кекса пенсионерлар ўтмишда меҳнат соҳасида қозонган ғалабалари билан мақтаниб кетишиди, ўз қўлларининг қанчалик бақувват эканлигини кўрсатиб қолишиди. Мақтанчоқлик шу дарражага етдики, бу Артёмнинг ҳам шаънига тегиб кетгандай бўлди. Артём ўзи ҳамиша бутун умр бўйи жуда қаттиқ режимга риоя қилиб келганига ва ичкилик ичмаганига қарамай, бугун бу ерда ароқни пиво билан аралаштириб ичган ва шу сабабли салгина кайфи бор эди. Мақтанчоқларга ўзининг бутун дунёга машҳур қувватини кўрсатиш учун у ўрнидан туриб, печка ёнига келди-да, шу ерда осиғлиқ йўғон косовни олиб, ошиқча кучанмасдан уни букди ва сўнгра тугун қилиб ўраб қўйди.

— Қани, биродарларим, кексалар,— деди у,— юринг-лар-чи, ташқарнда мен сизларга бир нарса кўрсатай!

Ҳаммалари Артёмга эргашиб кўчага чиқишиди. У ерда йўғонлиги деярли телеграф устунига баравар кела-диган бир гўла ётарди. Артём бу гўлани елкасига қўй-ди-да, гўланинг икки бошидан истаганларинг осилинг-лар, деб, уларни отўйинда айлантиргандек айлантириди. Бу номерни Артём циркларда илгари томошабинларга кўп кўрсатган эди. Гўланинг ҳар учига учтадан-тўрт-тадан киши осилиб олди, Незабудний аввало ўз елкаси-да гўланинг мувозанатини сақлади, сўнgra унн шундай жадал айлантира бошладики, осилганларнинг оёқлари марказдан қочирма куч билан ташқарига итарилиб, ҳа-вода аранг кўриниб қоларди. Кимнингдир оёғидаги қа-лоши учиб кетди, биттаси гўладан йиқилиб кетди, хай-риятки, уни ерга тушаётганда томошабинлар ушлаб қо-лишиди. Қариялар бунақангি ишга чорланганларига ўзлари ҳам пушаймон едилар. Қизишиб кетган полвон-ни зўрга тўхтатишиди.

Шовқин-суронни эшишиб, бу ерга келиб қолган ми-лиционер, нари-бери чопқиллаб юрар, одамлардан тў-полон қилмасликларини илтимос қиласарди:

— Гражданлар, отахонлар! Мұҳтарам оғайнилар! Үртоқ пенсионерлар! Менга қаранглар, қадрдон бобо-лар! Сизлар — ҳурмагли одамларимизсиз ахир. Худо ҳақи, бу ишларинг сал ярашмайди. Бу тартибсизлик ахир, рост айтаман сизларга, тартибни бузиш-ку бу!

Незабудний ниҳоят ерга қўндириган чоллар эса бош-лари айланиб, гандираклаб, ажаб-ҳайрон бўлиб қолиши-ди. Пировардида, яна буфетга кириб, кружкаларда қолган пивони, энди ўзимизчасига: «Қани, эсон-омон бўлайлик!» деб ичамиз, дейишиди.

Богдан уйга қайтишни қатъий талаб қиласарди. Улар Артём билан кўчага чиқдилар.

### XIII БОБ

## ТУРЛИ-ТУМАН НУҚТАИ НАЗАРЛАР ТЎҒРИСИДА МУАММО ГАПЛАР

Биринчӣ Май кўчасидан гармон овозлари, қизлар-нинг шўх қувноқ айтган қўшиқ, лапарлари эшитилиб турарди. Бу ерда қадимдан ҳар куни кечалари бўлади-ган сайил-томушалар ҳали тугамаган эди.

Олис-олисларда шахталар тепасида юлдузлар ча-рақларди. Одамлар ўз планларини бажарган. Уларнинг шахтёрлик шон-шуҳратлари посёлка томларида қип-қизил оловдек порларди.

Ҳаммалари турсиллатиб юриб ерни ларзага келти-рар, машина чироқлари қоронфиликни қувлар, ҳаммала-ри чўл шабадаси автомашиналар, юк машиналари, са-мосваллар товушини олиб келаётган томонга қараб бормоқда эдилар.

— Ҳайронман, бу қанақа халқ! — деб ўз-ўзига минғилларди, кўрган-эшитган нарсалари таъсиридан Незабудний. — Бу қандай халқ-а!.. Ё раббим, булар қандай кишилар ахир, улар ҳамма жафоларга бардош берган, тагин шунақа ишларни қилган бўлсалар-а! Борди-ю, бошқа бирор миллат буни ўз бошидан кечир-ган бўлса, аллақачон адо бўлиб кетган бўларди. Бу тапимга ишонсанг бўлади! Ҳар ҳолда кўп нарсаларни кўрганиман-да. Ё бўлмаса, ўйлаган орзу-ниятларидан қайтган бўларди, қандай қилиб бўлса ҳам бир амал-лаб ўз умрини ўтказишга ҳаракат қилган бўларди... Булар-чи, бизнинг одамлар-чи, ўз ниятларидан кечмаб-дилар, улар ўз гапларнда қаттиқ турибдилар. Улар орқага аланглаб қарамай, балки ўз мурод-мақсадларни эришай деб, олдинга қараб интилиб яшамоқдалар. Энг асосий иш ана шу. Ажаб-ҳайрон бўламан, қанақа одамлар булар?..

Кеча тинч эди. Бир меъёрда эсаётган шабада билан таниш чўл ҳиди келиб турар, ҳозир чўл ҳидига бензин тутуни аралашиб кетган эди. Теварак-атрофда ҳамма нарса янги ва айни замонда ҳамма нарса ғоят таниш эди. Артём димогига урилаётган, болалик чоғидан таниш ва бу жойлар учун бутунлай янгилик бўлган ҳид-ларни ҳидлаб бораради.

— Қандай кишилар-а! Ё раббим... — дея овоз чиқа-риб ўйларди Артём. — Мен дунёда кўп нарсани кўрдим деб ўйлардим-а! Энди эса кўряпманки, кўпроқ нарсани кўрмаган эканман. Кенг дунёда оёқни сиқадиган тэр пойафзал кийиб юрган эканман-да... Қандай одамлар булар! Тўғриси, мен ҳам булар билан тенг бўлмоғим мумкин эди ахир, аммо мен ўз қисматимдан воз кеч-ганман, содлароқ қилиб айтганда, ўз қисматимдан қочганман. Жуда зўр кучим бор деб гердайганман. Аммо таққослаб кўрганимиэла шу нарса аён бўлдикки,

мен зўр эмас, балки нимжон эканман. Лекин, сен менга, азбаройи шифо, шуни айтиб бер: ҳамма нарсага бардош берадиган, букилмаган бу енгилмас куч-қудрат қаерда яшириниб ётганди?.. Афтидан, ҳақиқатда бўлса керак бу куч. Халқ ҳақиқатини уқиб, сезиб олибди. Халқ худодан кўра ўз ҳақиқатига кўпроқ ишониди. Ариқни бир умр ҳали ўз кўзи билан кўрмаган, аммо сузишга ўрганиб олган бояги боладек-да. Чунки ўша бола сувнинг бу ерга етиб келишига ишонади, билади. Сув келмай қолиши мумкин, деган фикр унинг хаёлига ҳам келмайди.

— Назаримда, сен баъзи нарсаларга ишонган кўринасан, — деб қўйди Богдан. — Агар сен ўзинг бирор нарсага тушунмаётган бўлсанг, кел, мен сенга қисқагина қилиб тасвирлаб берай, башарти буларнинг бари сени қизиқтираётган бўлса, албатта.

— Шундай қилсанг жон дердим-а.

— Бу ерга келаётганимизда, мен сенга асосий гапни айтиб бердим. Асосий гап шуки, одамларимиз ўзлари ўзларига хўжайин бўлиб қолишиди.

— Ҳа, бу ҳазилакам гап эмас!

— Шошмай тур, сен чидам билан гапнинг охиригача қулоқ солиб тур, — Богдан Анисимович овозини баланд қилмай, секингина, ҳар сўзини жиддий ва салмоқлаб гапирди. — Бизда одамларга жабр-жафо қиласидиган хўжайнилар йўқ. Бизда, Артём, оталарнинг ўз қизларини зўравонлик қилиб разиллик йўлига боришлирига мажбур қиласидиган ҳаёт энди йўқ. Олтин ҳукмрон эмас энди. Борди-ю, кимда-ким олтин билан ҳукмроилик қиласман деб уриниб кўрса, бунга қарши қонун бор. Ёруғлик ҳокимияти бизда жаҳолат ҳокимииятига барҳам берди. Сен мана шу асосий гапга тушуниб эл.

— Азим, улуғ иш, — деб қўйди Незабудний.

— Бизда, — гапида давом қилди Богдан, — бизнинг умумий, халқ ҳокимииятимизда, одамларни на қонига, на туғилишига қараб ажратиш деган нарса бор. Тушунасаним бунга, одамларни чўқинган ёки чўқинмаганига қараб ажратиш деган нарса йўқ, бизда—бегона деган сўз ҳам эсдан чиқсан. Агар сенинг эсингда бўлса, буни эсингдан чиқар. Хизматкор аёлларнинг ҳукуқеиз болалари тўғрисида ҳам ҳозир ҳеч гап эшийтмайсан. Биз, оғайни, буларнинг барига барҳам берганмиз. Эрсиз оналар бошига кулфат тушиши, шармандаи-шар-

мисор бўлиши каби ҳоллар ҳам йўқ. Отасизлик деган шарманда гарчилик энди йўқ, етим-есирларнинг оғир қисмати ҳам йўқ. Қишлоқларда ёш болаларнинг ошқозон касаллигидан, томоқ оғриғидан, очарчиликдан кўкариб кетиб, ўлиб қолишлариdek воқеалар ҳам йўқ...

— Менга қара, Богдан, — унинг гапини бўлиб, тўхтатди Незабудний, ўзи ҳам тўхтади. — Бу гапириб берганларинг мен учун таажжублантирадиган нарсалар ахир. Худди шунинг учун ҳам одамлар бунаقا синовларга рози бўлиб, буларнинг барига чидаш берганлар, орқага тисарилишига ҳеч рози бўлмаганлар-да. Мен шундай мулоҳаза қиляпман!

— Кўриб турибманки, сен баъзи нарсаларни ўқиб-фаҳмлаб олибсан, — дея қулимсиради Богдан. — Хўш, энди сен менга айт: гарчи оз-моз бўлса ҳам пул жамғардингми? Балки капиталист бўлиб қолгандирсан ёки ҳамма топганинг кўкка совурилиб кетдими? Овозаларга қараганда, сен курак билан кураса бўладиган беҳисоб пул топгансан. Сенинг тўгрингда бутун дунёда дув-дув гап бор-ку.

— Нима десам экан сенга, Богдан? Гапимга ишонмайсан-да. Ёлғон гапирмоқчи эмасман. Бадавлат ҳам эдим, шон-шуҳратим ўзимга етарли эди. Жуда бой эдим деб айтолмайман-у, лекин кам-кўстим йўқ, ҳаммаси ўзимга етиб тураради. Аммо бахтим йўқ эди... Бир кун бахт кўрмадим. Ҳаммаси йўққа чиқиб кетди. Сўнгра эса бутунлай чатоқ аҳволга тушиб қолдим. Пулларим ҳам нес-нобуд бўлиб кетди. Учрашиб қолган ўртоқларимни ҳам йўқотиб қўйдим, менинг шон-шуҳратимдан энди на ўзимга, на бошқаларга қувонч қолди. Васият ёзиб қолдирадиган ҳеч кимим ҳам йўқ... Бир маҳал мен битта китоб ўқиганман, инглиз ёзувчисининг асари эди шекилли, эҳтимол, америка ёзувчиникидир... Бир кекса балиқчи тўғрисида. У бақувват чол бўлган экан. Бутун дунёда унингдек иши юришган, ундан омадлироқ балиқчи бўлмаган экан. Ўша чол кунларнинг бирида бир балиқ тутибди, балиқ деганда ҳам, нима десам экан, катта бойликни қўлга туширибди. Ўша балиқ билан бутун умрига етарли маблағ ишлаб топиш мумкин экан. Чолнинг эса бисотида бор нарсаси — шу балиқни акулалар еб қўйишибди. Хуллас, бутунлай еб қўйишибида-да. Суяқ-қилтаноқларигина қолибдӣ, холос.

Худди шунингдек, мени ҳам акулалар боллаб еб қўйишди. Акулалар учун ишлаганман-да!

— Жаҳон империализмининг акулаларига! — кулиб юборди Богдан. — Шунақами?

— Ростини айтсам, қанақаликларини билмайман.. Аммо акулалар эканлиги — аниқ! Ҳамда шу нарсага тушунмайманки, менинг куч-қувватим бошқаларга ҳам шон-шуҳрат, менга ҳам қувонч қолдирмади!

— Тўғри йўлинг бўлши керак, оғайни, — ўйлаб жавоб қайтарди Богдан. — Турмуш оқимини билиб олмоғинг керак. Жон Артём Иванович, азизим, бекордан-бекорга тўкиб-сочмаслик керак, одам деганинни билиш керак. Бориб бирданига бутун Днепрнинг сувини бирор даштга, айтайлик, Саҳроий кабир чўлига қўйиб қўй-чи, нима бўлади? — Пишиллайди-ю, қумга чўкиб кетаверади. Аммо энди канал қазишса, кўнгилдагидек нишаблик қилиб ковлашса, сув қумга чўкиб кетмай, текис оқади, теварак-атрофни суғоради.

Артём бирданига ачиниб, бугун эрталаб ўзи билан учрашган кишилардан нолиди. Үнга шу нарса алам қиласдики, тиланчи ҳам, поп ҳам, ўтмишда баққол бўлиб, бугун эса олиб-сотувчи бўлган бир шахс ҳам уни— Незабуднийни худди ўзлари билан нима биландир боғланган, ўзларининг қандайдир қавм-қариндоши дебгини ҳисоблаб қолмай, балки унга таъна қилишар, ўргатмоқчи бўлишарди...

— Парвойингга келтирма уларни, — маслаҳат берди Богдан. — Зап одамларга дуч келибсан-а! Гарчи улар бизларнинг ёнгинамиизда туришса ҳам, аммо бизнинг умумий ишимиздан узоқда улар. Мен сенга айтсам, улар ўтроқ муҳожирлар-да! Мен ана шундай деб ҳисоблайман. Ростини айтганда, улар сендан афзал эмаслар, эҳтимол ёмонроқ чиқарлар. Гарчи сен тақдиринг, ўзингнинг тентаклигинг соясида, ўнгга-чапга чайқалган бўлсанг ҳам, аммо сен бу ерлардан минг чақиримлар нарида бўлганинг ҳолда бутун тану жонинг билан ўзингни бу ерда сезган кўринасан. Ҳолбуки, бизда ҳали шундайлар ҳам бор, улар шу ерда жойлашиб олгандай кўринадилар-у, эртасига эса уларни анави томон, чет элликлар қизиқтириб қолади. Бирори худонинг даргоҳига — жаннатга қочиб, худонинг соқоли тагида беркиниб қолишга уринса, бирори эски қўланса гўнгда кечаги кунни излаб овора бўлади, яна бирори, сен тўғри

айтганингдек, тиланчилик халтасининг тагидан гимирилаб, ниманидир ахтаради. Яна бошқа бирови боши билан кўзачанинг ичига кириб олиб, ниманидир жамгаради. Яна шунақалари ҳам борки, улар «юзта-юзта»дан тасалли топмоқчилар. Мен айтмоқчиманки, чет элларда одамнинг онги ўз-ўзидан яширинмоқда. Ҳаётдан қочишига уринишларини ҳам худди шундай деб айтиш мумкин.

— Сен, Богдан, тўғри гапиряпсан, — деди Артём енгил тортиб, мен фақат шу нарсага ҳайронманки, наҳотки улар шу ерда яшаб туриб, ўз ёnlаридаги ҳақиқатни кўрмасалар? Асл гап нимадалигини пайқамасалар-а!

— Бу эса кимнинг қайси нуқтаи назардан қарашинга боғлиқ, — тушунтириди Богдан. — Тура тур, мен та-маки ўраб олай, кейин сенга битта эртак айтиб бераман, бу эртакни қаерда ўқиганим ёдимда қолмабди-ю, аммо эртакнинг ўзи эсимда. Гарчи болалар учун тўқилган эртак бўлса-да, бугун у биз чолларга ҳам мос келади. Мана, қулоқ сол.

### Уч нуқта ҳақида эртак

Бор экан, йўқ экан, бир кампир билан ота-ўғил бор экан. Улар битта хонада туришар, бу хонанинг бирдан бир кичкинагина дарчаси бор экан. Дарча шундай баландда эканки, ундан қарашга ҳам боланинг бўйи етмас экан. Бола бошини кўтариб қарап экан-ку, фақат осмоннингина кўрар экан.

Кампир бўлса, дарчадан ҳам баландликдаги печка устида ётиб, нуқул ерни кўрар экан.

Ота ишга чиқиб кетгандан кейин кампир билан бола баҳслашибилар. Баҳс дарчадан ким нимани кўрганлиги устида борибди. Кампир ҳовлига оқшомда тушадиган қоронғиликни кўрар, болэ эса, биринчи бўлиб офтобни кўрар экан. Шундай қилнб, улар баҳслашаверибилилар.

— Вой, бугун кўча жуда лой-а! — дер экан кампир— об-ҳаво ёмон-да!

«Йўқ, бўгун офтоб ярқираб турибди! Осмон ҳам кўм-кўк кўриняпти. Лой кечаги ёмғирдан қолгандирда», — деб эътироуз қиласар экан бола.

У дарчадан осмонга қараб, бугун офтоб порлаб

турганини, кечадан қолган булутлар сузуб кетаётганини, ёғоч тўсин ва кранларни, қўшни ҳовлида янги иморат қурилаётганини кўрар экан. Ҳамда осмонда самолёт гувиллаётган экан.

«Буви, эшитаяпсизми, самолёт учяпти?» — деб сўрабди бола.

Кампир эса унга жавобан:

Қўй бўлмаган гапни, кўчадан от-аравалар ўтятти, ана, арава ҳовлига кирди. Менга печка устидан ҳаммаси кўриниб турибди-ку, — дебди.

Ахир, печкадан фақат эски саройни, чўп-хас тўлибтошиб ётган ҳовлини, эски деворларни, кеча ёқсан ёмғирдан йигилган кўлмакни ҳамда бултурдан қолган ва бурчак-бурчакларда сояда эrimай қолган қорни кўриш мумкин экан. Кампир бошқа яна нимани ҳам кўра оларди. Ўзи кўрмаган, ҳовлини офтоб ёритаётганига об-ҳаво яхшилигига, эски девор орқасида янги иморат қурилаётганига ишонгиси ҳам келмаган.

Ана шу маҳалда чол келиб қолибди. Унинг бўйи шунақа эканки, дарчадан юқори ҳам, паст ҳам, чап ҳам, ўнг томон ҳам, яқин жой ҳам, олис-олис жойлар ҳам унга бемалол кўринар экан. У ҳаммасини — кечаги ёғингарчиликдан қолган лойни, мусаффо осмонда порлаб турган қуёшни ҳам, ҳовлидаги от-аравани ҳам кўрибди, самолётга қараб завқланибди, ҳовлидаги хаспасни ҳам, ўнинчи қават иморатдаги мармарни ҳам кўрибди. Хуллас, у ҳамма нарсани кўрибди-да, пировардида кампир билан болани яраштироқчи бўлибди.

«Шошмай туринглар,— дебди у,— мана, яқинда катта ойналик янги уйга кўчамиз, ўшандা сизларга баҳслашиш учун асос қолмайди».

Орадан кўп ҳам ўтмай, улар дарҳақиқат катта ойнали уйга кўчиб чиқишибди. Кампир ростдан ҳам ўшанда невараси кўрган ҳамма нарсани кўрадиган бўлиб қолибди.

Аммо сен, эҳтимол, энди улар баҳслашмай қўйган-дир, деб ўйларсан? Йўқ! Бари бир улар шу дамгача баҳслашяптилар. Улар энди уйнинг зинапояси тўғрисида баҳслашармиш. Бола кампирга:

«Зинапоямизда олтмишта поя бор. Мен санадим»,— дер экан.

Аммо биласанми, у қандай санабди! У ўша маҳал-

да эмаклаб юргану ҳар бир пояга аввал оёги билан, кейин қўллари билан таяниб чиққан-да...

Бувиси бўлса, зинапояда тўқсонта поя бор, деб туриб олар экан. Нега десанг, кампир зинапоядан чиқаётганида аввал пояга бир оёғини қўяр, сўнгра иккинчи оёғини қўяр, кейин ҳассасига таяниб:

«Уч карра лаънат бу пояларга...» — деб минифиллар экан.

Ота бўлса:

— «Зинамизда ўн бешта поя бор», — деб буларни ишонтиromoқчи бўлар экан.

Чунки у ишга ҳавас қўйган, киши бўлиб, ҳамиша ҳовлиқиб бирданига икки поядан ошиб, сакраб-сакраб юрар экан.

— Кўрдингми, ишлар қандайлигини, — қўққисдан эртакни тугатди Богдан. — Қанча поя борлигини бир санаб кўр-чи!

Артём кулиб юборди:

— Ростдан ҳам, қандай санайсан?

— Санаб нима қиласан! — деди Богдан. — Лифт даркор, ана шунда санашнинг ҳам ҳожати йўқ. Бизнинг ҳозирги шароитда техника турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қиласди. Баҳслашишларга, тортишувларга ҳам барҳам берилади. Ана уйимга етиб келдим. Йўлни ўзинг тополасанми?.. Яхши бор!

— Яхши қол, — деди Артём ва шошмасдан оқшом пайтидаги мусаффо ҳавода нафас олиб, Пьер билан иккаласи вақтинча яшаётган ётоқхонага қараб юрди. Мујолишда у қандайдир икки ғалати кишига дуч келди. Озгин, чаққон ва дароз йигит жуда маст бўлиб қолган бир одамни елкасига кўтариб олиб, уни судраб борар ва уни нимагадир кўндиromoқчи бўларди. Маст эса фаяқат қўлинни силкиб қўяр, ниманидир бидирлаб галирар, қўлинни бўшатиб олишга уринарди. Артём тўқмоққа ўхшаган кучли электр фонари билан ёритди уларни ва дарҳол Тарас Андреевич Грачикни таниб қолди. Унинг ёнида кундузи бозор ёнида «мони» ва сигаретлар ҳақида Артёмга хираки қилган йигит тирди-капалак бўлиб турарди.

— Тўхта, акаси. Уни қаёққа судраяпсан? — деб сўради Артём улардан фонарь билан ёритиб туриб.

Махан ёруғлика кўзларини қисиб, муғомбирлик қилишга тушди: ҳушидан кетиб қолган кишини ташлаб кетолмасмиш. Гапидан шу нарса аён бўлдикки, Махан бу шофёрни бирон қоронғи кўчага олиб кириб, олган иш ҳақини шилиб олмоқчи. Маст шофёр шунча пул олганман деб Подкукуевкада бугун мақтандан эди. У ҳали ҳам чарм курткасининг ён чўнтағидан бир даста пулни олиб, бошқа чўнтағига солишга уринарди. Гаппимадалигига тушуниш қийин эмасди. Артём оғирлиги бир пуд қеладиган муштини қисди ва азбаройи ишонтириш учун фонари билан уни ёритди-да, Маханнинг башараси олдида муштини айлантирди. Махан кафти билан Артёмнинг муштидан ўзини мудофаа қилишга уриниб, йўлдошини қўйиб юборди ва мингиллади:

— Ҳой, сен жуда ошириб юборма... интурист! Тумшукқа туширмоқчисан-а. Сендан новчароқларини ҳам кўриб, калтароқ қилиб қўйганимиз. Нимайди, нима қилмоқчисан?.. У менинг пулимни ичиб кайф қилган. Мен унга бир литрни ичирганман. Ўз пулимни қайтариб олишга ҳақим йўқ эканми? Жўна, туёғингни шиқиллат...

Махан ғулдираганича ўзини қоронғига уриб, кўздан ўйқолди. Худди шу пайтда муюлишда қоронгида кўзга чалинар-чалинмас, кичкинагина бировнинг қораси пайдо бўлди. Артём фонарини ёритган эди — Сеня экан.

— Мазангиз қочиб қолдими, дада?.. Аҳволингиз чатоқми? — деди Сеня, эпчиллик ва афтидан одатланиб қолган ҳаракат билан елкасини отасининг қўлтиғи тагига, унинг қўлини эса ўз бўйнига қўйиб олиб.— Оқибат шунақа бўлади,— ўзини гўё айбдордек тутиб, секингина Артёмга пичирлаб қўйди у.

Унга отасининг чет эллардан келган машҳур одам олдида шунчалик аянч ҳолда қолгани жуда алам қилди. Маст бўлиб қолган отасини эпчиллик билан етаклаб кетишидан, бола отасини илгарилари ҳам шу ҳолда уйга олиб қайтгани сезилиб турарди.

— Қани менга бер-чи, сенга кўмаклашай, — деди Артём.

— Керакмас, амаки, мен ўзим...

— Мен ўзим эмиш-а! Оғирлик қиялти-ку. Менга бер-чи, мен уни мана бу биқинидан ушлаб олай...

Улар Грачиклар туралиган уйга етиб олганларидан кейин, Артём:

— Дадангни ётқизиб бўлгач, агар уйқинг келавермаса, қайтиб бу ёққа чиқ. Сени кутиб тураман, — деди.

У дарвоза ёнида ўтирас эди. Узоқ кутиб турмади. Сеня бирпаста эшикни секингина ёпиб қайтиб келди.

— Қалай, тинчиб қолдими? — сўради Артём.

— Ухлаяпти. У тез ухлаб қолади.

— Ичиши яхши эмас-да, — деб ачиниб қўйди Артём.

— Дадам яхши эдилар, — деди Сеня, — фақат ўшандага ойим воқеасидан кейин шундай бўлиб қолдилар.

Иккаласи жим қолди.

Сўнгра Артём қўққисдан Сеняга энгашиб деди:

— Менга қара, йигитча... Мен сендан шуни илтимос қилмоқчи эдим. Мени ҳозир терриконга<sup>1</sup> олиб борсанг-чи. Боя ўша жойдан кўришиб туради деган эдинг... Жуда кўргим келяпти. У ерга борадиган йўлни билсанг керак дейман?

Шундай қилиб, улар қадимги терриконнинг чўққисига чиқмоқда. Қадам босган сари уларни тун ўзининг қоронғиликдан иборат кўрпасига ўраб-чирмаб олмоқда. Теварак-атрофдаги ҳамма нарса, пастга тушиб кетиб, кенгайиб, гўё туннинг қора кўрпасига қўшилаётгандай туолади. Олис-олисдаги уфқ қаддини ростлаётгандай, атроф бутун кўкрагини тўлатиб мусаффо оқшом ҳавосини шимираётгандай эди.

Тепага чиқкан билан осмондаги юлдузлар яқинлашмайди, балки улар яна зўрроқ куч билан етишиб бўлмайдиган олисларга имлаб, яна покизароқ, яна ёруғроқ порлайдилар. Шахталардаги оловдек катта юлдузлар эса энди оёқ тагидаги салқин қоронғилик қаърида чарақлардилар. Дам у ерда, дам бу ерда — пастда зич жойлашган уйлардаги ойналарнинг ёруғ квадратлари кўриниб туради. Ухлашга аҳд қилгаплар чироқларини ўчирмоқда.

Аммо тунги чўлнинг узоқ-узоқларга ёйилиб кетган уфқида беором чироқлар беҳисоб. Бу чироқларнинг баъзилари уфқнинг ғира-шира кўринган бир четидан пайдо бўлиб, бир лаҳза шуъладек нурини кучайтириб,

<sup>1</sup> Ишлатилмай қўйилган қазилмалар уюми.

шу он яна ўчиб қоладилар. Бошқалари худди печкада-  
ги чўғдек милтиллаб, жимилиллаб, гўё шамол ҳилпира-  
таётгандек кучаяди. Сира тинмай, доимо гувиллаб  
эшитилаётган овозлар чўлнинг салқин соф ҳавоси би-  
лан ўша томондан келмоқда. У ёқда иш қизғин давом  
этяпти. Вакти-соати етгач, у ёқдан сув келади.

#### XIV БОБ

### ЗЎРЛАРНИНГ ОЖИЗЛИГИ

Пьер Мила Колоброданинг зиёфат кечасидан қай-  
тиб келгач, Артём Ивановични жуда оғир аҳволда  
кўрди. Артём Иванович меҳмонхона тўшагига кўнда-  
лангига ётиб олган, тўшакка сифмай, стулни нари су-  
риб, бир оёғини стулга қўйган, иккинчи оёғи ўнғай-  
сиз ҳолда полга осилиб тушган эди. У оғир нафас  
олар ва бўшашиб кетаётган бармоқлари билан галсту-  
гини ечишга уринарди. Жуда кўп таассуротлар, янги-  
ликлар, алам ва овунчоқлар билан ўтган кун таъсири  
эди бу, албатта. Юракнинг уриши бир меъёрда эмас,  
дам бутунлай тўхтаб қолгандай, дам яна жадал ура-  
бошлар ва ҳар зарб натижасида унинг чап чаккаси  
қаттиқ оғрир, бармоқлари эса бўшашиб, негадир кўн-  
гилни айнатарди.

— Мазам қочди, — деди зўрға Артём, Пьерни кўр-  
гач. — Балки... докторни чақиравсан?

Умумий ётоқхонада навбатчилик қиласидан киши,  
агар зарур бўлса «тез ёрдам»ни чақириб ёки рўпарада  
турадиган врачга югуриб бориб айт, деб таклиф қилди.

Пьер кўча орқали югуриб бориб, тозагина зинапоя  
олдида тўхтади. Эшиқда: «Доктор Левон Ованесович  
Арзумян» деб ёзилган лавҳача осиғлиқ эди. Аммо  
Пьер бу ёзувни ўқиб-нетиб турмай, қадим замон усу-  
лида ишланган ва велосипед насосига ўхшаган звонок  
дастагини кўриб, дастакни икки марта тортди. Уйда-  
гилар ухлагани ётган бўлсалар керак, ҳеч ким овоз  
бермади. Пьер тўрттинчи марта дастакни тортгандан  
кейингина, эшик орқасидан:

— Ким? — деган овоз эшитилди.

— Кечирғасиз... Менга докторғ керғак эди... Жуда  
шошилинч... Илтимос қиласман!..

Эшик орқасидан гапириётган кишининг товуши

Пъерга кимнидир жуда эслатарди. Эшик орқасидаги ҳам Пъернинг сўзларини эшитгач, эҳтиёт бўлиб қолди шекилли.

— Гапираётган ким? — хавотирланиб сўрашди эшик орқасидан.

Пъер жавоб қайтаришга улгурмаган эдик, эшик қня очилиб занжир устида Суреннинг таниш башараси пайдо бўлди. Бирпас улар жим туришди, нима қилишни билмай, бир-бирига тикилиб қолишди. Сўнгра эшик дарҳол ёпилди. Пъер энди яна бир звонок қилмоқчи бўлган эди, унинг бошқа иложи қолмаган, ўзини камситиши ва илтимос қилиши керак эди... Бироқ шу маҳал эшик бирданига очилди.

— Ҳозир, — деди Сурен Пъерга қараб. — Қира қол. Дадамни уйғатай. У навбатчилик қилган эди. Чарчаб келиб, энди ётган эди.

— Артём бобонинг аҳволи ёмон бўлиб қолди, — айбордормон деди Пъер.

— Бўлмаса, шу ерда кутиб тур.

Пъер якка ўзи қолди. Ўй жимжит. Ҳали ўрганилмаган бу жойнинг ёт ва гўё ҳамма нарсага бефарқ қарайдиган қоронги туни ойнадан кўриниб турарди. Бироқ орадан бир дақиқа ҳам ўтар-ўтмас Пъер кутиб турган хонага, бурни катта, ўзи паканагина, шишаси қалин кўзойнак таққан, паҳмоқ сочли, эски модага яраша соқолини учли олдирган бир киши кириб келди. Унинг эгнида пиджаги бор эди. У юриб келатуриб, галстугини боғлади.

— Нима гап ўзи? — деб сўради у, Пъернинг ёнига келар экан. — Ким юборди? Артём Иванович Незабуднийми? Менга, у келган деб айтишиб эди. Сен кими бўласан? Неварасими? Хўш, нима гап? Хўш, бобонгга нима бўлди? Фақат тезроқ гапир. Қисқа қил. Тез. Хўш?

Пъер ҳам «р» товушини одатдагидан кўпроқ бузиб, пойма-пой гапириб, русчага французча сўзларни аралаштириб, тушунтиришга ҳаракат қилди, доктор Левон Ованесович эса (уни Сухоярқадаги катта-кичик ҳамма Левонтий Афанасьевич деб аташарди) бош иргаб, толгандан қизарив кетган кўзлари билан кўзойнаги орқали тикилганча, диққат билан Пъернинг гапларини тинглади-да, асбоб-ускуналарини йиғиштириб, шкафчадан ҳам бир нима олди. Пъер гапини тутгатиб бўлмаган эди, доктор унга:

— Хўш, гапириб бўлдингми? Турадиган жойларинг узоқдами?.. Ҳа, шу ерда, умумий ётоқхонада, дегин. Равшан. Юр, кетдик, — деди.

Шу топда Артёмга ўзининг улкан бадани қандай нимжон, кераксиз ва оғир юқдек бўлиб кўринарди. Қаҷондир бир маҳаллар бутун дунёдаги цирк саҳналарида унинг аъзойи-бадани билан завқланардилар. У деярли ҳар бир чемпионатда қадди-қоматининг гўзаллиги учун алоҳида мукофот оларди. Ҳайкалтарошлар унинг гавдасига қараб ҳайкал ишлардилар. Мана у, сўлини, ўз даврини ўтказиб бўлган бадан. Илгариги йилларда Артём ўзини авайлаб парвариш қиласарди. Ўзини боқиб-тарбиялаб, машқ қилиб бориши керак эди. Ҳар бир мускул даромад ва шон-шуҳрат келтиради. Ҳозир эса оғирлик қиляпти, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ташвиш...

Сиҳат-саломат кишилар — баҳтиёр одамларди! Биз, тоби қочиб, нимжон бўлиб қолган одамлар тўғри-мизда сизлар нима биласизлар? Наҳотки сизларга, ўз билагингизни ушлаб кўриб томир уришингизнинг дам тез-тез, дам жуда аста-секин так-так этиб уришини, bemorning ҳаёти учун томчима-томчи жони қолганини тинглашга, санашга тўғри келган бўлса... Сизлар уйқусиз ўтказилган тунлар ҳақида нимани биласизлар? Шундай тунларки, бундай пайтларда азобланиб уйқунгиз келади... Юрак шу пайтдан фойдаланиб, бутунлайига тўхтаб қолса-я, деган ваҳима ичида қоласиз...

Пьер билан доктор келганларида Артём Иванович-нинг аҳволи жуда ёмонлашиб қолган эди. Лекин Левон Ованесович кириб келиши биланоқ укол қилди, бу уколдан bemor дарҳол енгил тортиди.

— Мана, Леонтий Афанасьевич, — бўғиқ овоз билан деди Незабудний ёшлигидаюқ ўзи таниган докторга ташаккур билан кўз ташлаб, — ажалим олдидан яна сизга йўлиқиши насиб бўлган экан.

— Қўйсангиз-чи бу гапларингизни! Нега энди ажалингиз олдидан? Мен руҳоний эмасманки, ажал олдидан келадиган бўлсам. Ажал олдидан дегани нима ўзи?.. Гапнингизни қаранг-у! Менинг вазифам, попларга ўҳшаб жўнатиш эмас, балки яна ҳаётга судраб чиқинш. Хўш, энди аҳмоқона гапларни бас қилайлик. Ётишга тўғри келади. Умуман, ҳечқиси йўқ. Спазм. Аблатта, сал эҳтиёт бўлиш зарар қилмайди. Хўш, буниси ни-

ма?— деб сўради у докторларга хос оддий тақаллуф: сизлик билан, курашчининг глобусга ўхшаган елкаси га бармоғи билан туртиб.

— Ҳа, буни Бен Дриго қопиб олган эди, — шунчаки тушунтириб қўйдй Артём.

— Қанақа йиртқич ҳайвон экан, ўша Бен Дриго?

— Ростдан ҳам йиртқич ҳайвон. Буфалода курашган эдик. Мен уни тур де тетда<sup>1</sup> улоқтириб ташладим, у бўлса мени елкамдан қопиб олса бўладими!. Буни эса миршаб қамчи билан боплади, шундай бопладики, терим торс ёрилиб кетди... Бу аллақачонлар бўлган ишлар. Эсингида бўлса керак, доктор, бизнинг шахтада ўша маҳалда бир можаро бўлган, шахтани мустаҳкамлайдиган иншоотлар чириб кетганидан одамлар ер тагида қолган эди...

— Шунақа. Буниси-чи, буниси кимнинг дастхати?

Незабудний қўкраги тагидаги чуқур яра изига кўз қирини ташлади, хижолат тортиб, томоқ қириб қўйди.

— Бу, мени тугатиб қўйиш учун яширин равища менга юборилган бироннинг... дастхати, мен уни Сиднейда нариги дунёга жўнатиб эдим. У эса, ҳар ҳолда, шу хатни ёзишга улгурган эди.

— Ҳа, қизиқ солнома! — ҳазил қилди доктор Арзумян.— Ҳўп бўлмаса, бир кун кечқурун кириб, ўқиб чиқарман.

— Доктор... Леонтий Афанасьевич, менга Москва-дан почта билан пул юборишлари керак... Сиз кечиринг мени. Кечириңг. Сиздан қанча қарздор бўлдим?

— Сиз мендан — ётишга қарздорсиз. Тушунарлимис? Мендан ҳеч қарздор эмассиз. Агар сиз бир кунча ётиб дам олсангиз, ўшанда мен сизга яхши қайфият — ҳолат қайтариб беришга ваъда қиласман...— Сўнгра доктор Пьерга кўз ташлаб: — Бу ким? Неварангиз бўладими? — деб сўради.

— Асранди ўғлим, — секингина пичирлаб қўйди Артём.

— Жуда соз, бунақа болани асрашга олса арзийди. Бола, отинг нима?.. Пьер? Бўлмаса, бундай қиласан, Пьер. Эртага эрталаб дориҳонага борасан, ҳўпми, ма на бу рецептни оласан.— Сўнгра у тезгина рецептни

<sup>1</sup> Тур де тет — Французча курашнинг олишув усулларидан бири.

ёзиб, тегишли йўл-йўриқлар бериб, эртасига кечқуруп хабар олгани бир ров кириб ўтишга ваъда қилиб жўнаб Қолди.

Лекин уйда ухлагани ётиш яна насиб бўлмади. Уйга қайтиб келганда ўғли Сурен унинг хонасида ўтирас эди. Сурен нимагадир ҳаяжонланган, хонада нари-бери юрмоқда эди.

— Хўш, нега ухламаяпсан? — сўради доктор.

— Дада,— деди ниҳоят Сурик,— сиз шу нарсани назарга олингки, бояги сизни деб келган бола — ирқчи.

Доктор беморлардан одатда: «оғзингизни кенг очиб «а» денг?..»— деб талаб қиласарди. Бу сафар унинг ўзи «а» деди. Сўнгра Левон Ованесович оғзини дарҳол ёпди-да, диққат билан ўғлига тикилди.

— Ҳа,— деб гапида давом қилди Сурик,— ўша бола ҳар қандай латифалар гапирганда талаффузини бузиб қизиқчиллик қиласиди ва Милка Колобродаларникини даги зиёфат кечасида менга бир ёмон сўз айтди... «Бико» деб айтди шекилли. Улар жазоирликларни шуна-қа деб ҳақорат қилишар экан.

— Улар деганинг кимлар экан?— қизиқсиниб қолди доктор.

— У ердагилар, французлар-да, империалистлар, фашистлар.

— Шунақами,— деди доктор.— Демак, у империалист экан-да, шундайми? Кўпдан буён бунақаларни кўрган эмасман. Хўш, энди нима бўлади? Бундан нима хулоса чиқариш керак?

— Шундай хулосаки, агар мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, уларнига бошқа бормасдим.

— Ҳо? Бормасмидинг?— доктор ўрнидан туриб, ўғлиниң ёнига келди-да, унинг бағбақасидан маҳкам ушлади.— Йўқ, азизим, агар сенга қачон бўлса ҳам менинг ўрнимда бўлишга тўғри келиб қолса... агар сенга бу ўринни ишониб топширадиган бўлишса, ўшанда борасан. Жуда тентаксан-да сен. Йўқ, сен буқа эмассан, буқачасан, ҳа, ҳа! Тентак буқачасан. Мен ярадор немиснинг ярасини боғлаганман. Ўшанда биз уни қўлга туширган эдик. Ярадор киши бемор одам-у, умуман душман эмас. У пациент<sup>1</sup>. Қани, бориб ухла. Эрталаб, менинг айтганларимни бир ўйлаб кўр. Миянг софлигида

<sup>1</sup> Докторга келиб даволанувчи касал.

## СИР ВА КИНОЯЛАР

Кундузи Грачиклар туралиган уй ёнида бирданига тормоз ғийқиллади. Мотор бир пишқириб, жимиб қолди. Қабина эшиги шақиллаб қаттиқ ёпилди. Бу — овкат қылгани келган Тарас Андреевич эди.

У одатда күпроқ ичиб қўйганидан кейин ўғли олдида ўзини айбордерек тутарди. У кечаги айбини тезроқ ювиб, ўзини оқламоқчи бўлди.

Сеня отасини жуда севарди. У отаси билан фахрлана, баъзан эса бу фахрланиш ҳисси ўрнини юракни зирқиратадиган ачиниш әгаллар, бу уни чўчитиб қўяр, фарзандлик ғурури эса аҳён-аҳёнда отаси учун изтироб чекиши билан алмашнарди. Сеня онасини эсламасликка ҳаракат қиласиди; у аллақаҷонлар, онам ёмон, деган қатъий фикрга келган эди. У жуда ёшлигидәёқ отаси урушдан бир ярим йилча кейин оккупациячи қўшинлар сафида қолиб кетиб, ниҳоят ўз уйига қайтганида ойиси унча хурсанд бўлмаганини кўриб, хафа бўлган эди. Сеня ўшанда отасининг гимнастёркасидаги орден ва медалларни қайта-қайта санаб чиқсан, онаси эса эрининг мукофотларига парво қилмай, ҳадеб унинг чамадонини ахтарган, эри чет эл молларидан нималарни унга совға қилиб олиб келганини ҳисоблаб хомчўт қилиб, писанд қилмай, пешанасини тириштирган эди. Сўнгра, орадан икки йил ўтгач, онаси сочи қириб олдирилган бир киши билан кетиб қолди, бу киши уруш йилларида тез-тез Сеняларнига келиб турар, Сеняning онасида дам кўйлаклик материал, дам оқ бўлкалар, дам унинг ўз сўзига қараганда, қандайдир аччиқ дори олиб келарди. Сеняning онаси бу дорини графиндаги сув билан аралаштириб иchar, ичаётганида нуқул юзини буриштиради. Уша киши Сеняга ёмон дори ҳиди келадиган конфетлар совға қиласиди. Сочини қириб олдирган бу киши госпиталда ишлар, кичкина Сеня уни «хўжалик қисмида ишлайдиган амаки» деб ҳаммани кулдиради. Ҳа, онаси сочини қириб олдирган ўша «хўжалик қисмида ишловчи киши» билан бутунлай кетиб қолди. Сеня отаси билан иккаласи қолди. Улар Сеняning онаси ҳақида ҳеч гапирмасдилар.

Шу топда Сеня билардики, отаси оқариб-бўзарган, кўзлари сал шишинқираган бўлса ҳам бари бир чирой-

ли, у ошхонага юваниш учун кириб, эгнидан гимнастёркасини ечади, сал оқ туша бошлаган, қора жингалак соchlарини силкитади. Сеня унинг олдида сочиқ тутиб, отасининг енгил, офтобда қорайған сермускул баданига тикилади. Кейин овқатни еб бўлгач, иккаласи ҳовлига чиқишиди. Тарас Андреевич овқат маҳалида самосвалини ҳовлида қолдиради. Ана шунда отаси билан бирга қудуқ олдида машинани ювиш Сеня учун мазза! У оёқ учиди турниб бутун гавдаси билан қудуқнинг дастагига осилиб, уни айлантириб, қудуқдан сув тўла пақири чиқариб, ўша пақир билан самосвалнинг мой, бензин ва резина ҳиди келиб турадиган тагига — соя жойга кириб олади. Машинани ювиш, тозалаш, металл қисмларини ялтирагунча ишқаш, бошини илиқ бензин ҳиди анқиб турган моторнинг ёпқичига суқиб туриш, отасининг: «Бир учини менга узат-чи! Шу еридан ушлаб тур. Энди-чи, анави гайкани бура... Яна.. Бўлти!..» каби фармойишларини бажариш, кўз-қошларигача мойга бўялиб оғир калитни тутиб туриш Сеняни завқлантиради. Ахир, бу чинакам ҳаёт-да!..

Бу гал ҳам худди шундай бўлди. У отаси билан биргаликда ҳалол ишлади, гарчи улар турадиган квартиранинг эгаси Милица Геннадиевна бир неча бор зина-пояга чиқиб, уларни:

— Тарас Андреевич, болани нега овора қиласиз! Ифлос бўлиб кетипти-ку! Сеняга бир қаранг, кимга ўхшайди ҳозир?.. Роза исқирип бўлти!.. — деб уялтириб қўйишга уриниб кўрса ҳам улар парво қилмай, астойдил ишлайверишиди.

Тарас Андреевич эса сал айбордor кўринган кўзларини қуюқ киприклари остига бекитмоқчи бўлгандаи, кулимсираб қўярди. Сеня ҳозир ўзининг кимга ўхшашини, яъни чинакам ишли, жиддий иш билан банд кишига ўхшашини яхши биларди. Хўш, бу тентак аёлнинг ўзичи, унинг ўзи кимга ўхшайди? Сенянинг отаси овқатланиш учун келиши биланоқ беҳад узун халатини кийиб, кўкрагини очиб олади, муюлишдаги узун ахлатдонга ўхшайди...

Сеня унга қарамай, машина ёнида ўз ишини давом этдирар, аҳён-аҳёнда отасига ўз ихтисосига тааллуқли саволлар бериб қўярди:

— Қалай, дада, бобина яхши ишлайптими?

— Ҳа. Тузук.

— Дада, «кадиллак» яхши машиналардан саналадими?

— Ҳа, ажойиб енгил машина.

— Дунёда энг яхши машина қайси? Инглизларниң «Роїлл-роїс»ими?

— Биз, шофёрлар учун машинаниң ҳаммаси ҳам бир — оти ҳам машина, зоти ҳам машина, — деб ҳазиллашди отаси.

Сеня, гарчи шофёрларниң бунақа ҳазилини отасидан неча марта эшигтан бўлса-да, унинг бу жавобидан мамнун бўлди. Эҳ, қўйиб берсалар, машина бир жойда турса ҳамки, кабинасида ўтириб олса, баранкани ушласа, авайлаб оёқларини педалга тегизса, деразасини ёғингарчиллик пайтларида артиб турадиган механизмини ҳаракатлантириб, дераза орқали атрофга қараса, ўриндиққа қопланган чарм, мой, бензин ҳиддини ҳидлаб ўтирса, бундан ортиқроқ ҳузур борми!

Сўнгра ота-ўғил қудук ёнида ювиниб, қўлларидағи сувни силкиб ташлашди. Сеня отасига тақлид қиласиди: билагини букиб, калта қилиб олдирган сочини отаси пешанасидаги жингалак сочини орқага силаб қўйгандай тўгрилаган бўлар, худди дадасидек, ювинган сувни пишқириб, томоқ қириб туфларди. Ҳуллас, куни кеча ўйлаб қўйилган гапни бошлаш учун айни қулай пайт етиб келган эди. Балки бошласа бўлар?

— Дада, менга қаранг, дада-а?

Тарас Андреевич самосвални охирги марта кўздан кечириб чиқиб, энди кабинага чиқай деб, оёғини босқичга қўйган эди, ўғлига бир кўз ташлаб:

— Хўш, нима демоқчисан? — деб сўради.

— Дада, менга етти сўм эллик тийин беринг, — деб қолди Сеня.

— Нимага?

— Керак-да, дадажон, жуда ҳам керак.

— Нима олмоқчисан ахир? — деб сўради отаси, чўн тагини пайпаслаб кўриб.

— Галстук олмоқчи эдим.

— Менинг галстугимни ола қол.

— Сизнинг галстугингиз қия йўл-йўл гуллик, ҳозир майда нуқта гуллик ёки кўндалангига йўл-йўл гуллик галстук тақишади.

— Бунақаси кимга керак экан?

— Ҳаммага.

— Тушунмадим, бу шунаقا форма эканми?  
— Форма эмас-у, мода шунаقا.

— Мен сенга модани кўрсатиб қўяман! — Тарас Андреевич ҳазиллашгандай, жингалак сочли бошини силкитиб, пўписа қилиб қўйди. — Эшилдингми, Арсений?

— Шимимни ҳам торайтириб тикиш керак. Ҳилвираб юради. Энди почаси кенг шим модадан чиқиб қолди.

Тарас Андреевич ҳайрон бўлиб ўғлига назар солди ва ҳатто самосвал босқичига қўйган оёгини ҳам олиб, ерга қўйди.

— Қачондан буён модага берилиб қолдинг? Эс-ҳүшингни йиғиб ол, Арсений! Шиминг модага мос тикилганми, йўқми, бу билан ишим йўқ, борини кияверасан!.. Қаердан эшилдинг мода деган гапни ўзи?

— Ҳамма жойда энди шунаقا кийинишади,— бўш келмай ўз гапида турди Сеня. — Москвада ҳам, Парижда ҳам.

— Арсений, мен сенга яна бир марта айтаман! Париж бу ердан олис, кўринмайдиям. Лекин камар билан дўппосланадиган жойингга қўлимни чўзсан етади,— Тарас Андреевич Сеняни ушлаб олмоқчилик қўлини чўзди.

Сеня орқага тисарилди. У буларнинг бари расмият учунгина қилинаётганини яхши биларди. Отаси уни ҳеч қачон урган эмас. Тўғри, бир маҳаллар, бундан бир неча йил илгари, Сеня гугурт ўйнаб, уй эгасининг дастурхонини куйдириб қўйган, чиройли қора дастурхонда бирданига катта тешик пайдо бўлган эди... Ана шунда Тарас Андреевич ўз қўлини тиззалари орасига сиқиб ўтирганини сира эсидан чиқаролмасди, ўшанда, аччиғи устида ўғлини урган қўли чидаб бўлмайдиган даражада зирқираган эди. Ўшанда Тарас Андреевич кечаси уйга қайтганида ундан бир хил ҳид анқиб турар, Сеняга қўлинни узатиб: «Ма, туфур бу қўлга, ўтинаман, туфур бу қўлга...» деганда, Сеня орқага тисарилган, отасининг узатилган қўлига туфуришни ҳам, уни сиқиб қўйиши ҳам хоҳламаган эди. Аммо бу бошқа такрорланмади.

— Ҳа, майли,— деди Тарас Андреевич, ниҳоят Сеняни қўлга тушириб, судраб келтириб, ҳазиллашиб ўғлининг бошини кафтига қўйиб ўзига қаратаркан.— Майли, бориб столдан қанча пул зарур бўлса, олақол, аммо қиммат турадиганидан олма, бари бир мода деганинг

тез модадан чиқиб, галстуғинг ҳам бир пулга арзимай қолади. Сен, сатанг гапимга қулоқ сол, хўпми...

— Дадажон, мен сатанг эмасман.

— Бўлмаса кимсан? Сатанглик эмасми бу! Жоржиксан, билдингми! Шимимни тор қилиб бер, холдор талстук топиб бер! Шу ҳам гап бўпти-ю. Бўпти, кел, ярашиб қўя қолайлик. Қарам қесамизми!

Улар ҳамма вақт шу тарзда ярашиб кетар эдилар. Қарама-қарши туриб қўл беришар, кейин «қарам қесардилар»— ўйнашардилар. Сеня отасига бас келолмасди— у жуда чаққон эди, чап берарди, Сеня қанчалик эпчил ҳаракат қилмасин, мушти нуқул отасининг қаттиқ кафтига дуч келар, Тарас Андреевич эса гоҳ у, гоҳ бу қўли билан, гоҳ иккала қўли билан Сенянинг кўкраги, елкаси ва биқинларини туртқиларди. Хуллас, Сеня ҳамма вақт ютқазарди. Таслим бўлиб, отасининг қўлига осиларди. Ҳозир ҳам отасининг қўлига арғимчоқ учайдандек осилиб турар экан, унинг юзига пастан тикилиб, тўсатдан:

— Дада... Нега бунча кўп ичасиз-а?— деб сўраб қолди.

— Қанча ичишим керак экан?— дея сўради отаси, бирдан жиддий қиёфага кириб, Сеняни ерга қўяркан.— Нима, менга норма белгилаб қўймоқчимисан? Ё бирор кўрсатма борми қанча ичиш ҳақида?

У бир зум ўғлига тикилиб турди, яна нимадир демокчи бўлди-ю, лекин ҳеч нарса демай, оғир хўрсинди. Кейин бир сакраб кабинага чиқди, Сеняга тумтайиб нигоҳ ташлаб, машинага газ берди... Улкан самосвал шакир-шуқур қилиб ҳовлидан кўча томон учди.

Сеня бўлажак кўнгилсиз учрашув тўғрисида ўйланча мактабга борарди. Пъер билан қандай муомала қилсайкин? Балки, кеча қизишиб чакки қилгандир? Қсанча ҳақидир: чет элдан янгигина келган бу бола ҳали қайта тарбияланмаган-да. Лекин кеча у Сурикни жудаям ёмон сўкди. Жазоирликларни ҳам ёмонлади. Газеталарда ёзганларидек, чет элларда шунаقا экан-да ўзи. Эҳ, кеча бошқача гапириши керак эди. Унинг олдига бориб: «Сурик сенга нисбатан минг ҳисса афзалроқ рус, умуман, ўзимизнинг кишимиз. Унинг отаси бу ерда умр бўйи одамларни даволаб келяпти, партизанлар орасида ҳам бўлган, сенинг бобонг-чи!! дейиши керак эди. Сеня

шундай деб ўйлади-ю, лекин хижолат тортди. Пъернинг машҳур бобосини камситиб бирор нарса дегиси келмасди.

Лекин Пъер дарсга келмади. Эшик ҳар очилганда Ксаны Пъер келди, деб ҳар сафар беҳуда қаради. Йўқ, у келмади.

— Кечаким иш қилиб қўйғанларингни билдингларми энди? — деди Ксаны хафа бўлиб.

— Всё билимдонлар-эй! Туғилган кунимни расво қилишди-я, — деди Мила. — Билганимда ҳеч чақирмасдим.

— Кейинги гал чақирмай қўя қол, жуда кўзимиз учуб тургани ҳам йўқ! — деди унга Сеня.

— Сен, Сеня, тушунгни. Унутмаслигимиз лозим. У кўп қийинчиликларни кўрган. Албатта, у ҳали унчалик онгли эмас. Биз уни қайта тарбиялашимиз керак-ку.

— Ҳе-ҳе! Жудаям кераксизлар-да унга, — қиқирлади Рёмка. — У сизларни ҳали роса лақиллатади. Тағин уни қайта тарбиялармишизлар! Вой ақли расо, онгли одамлар-эй. Башараларингга туфурмоқчиди у. Баланддан туриб... э, оти нима эди, ҳалиги... Ҳа, Эльфель минорасидан туриб.

— Мен ҳисоблайманки, — деди Ксаны, — мен ҳисоблайманки, у келган заҳотиёқ...

— «Мен ҳисоблайманки!..» Мингача ҳисоблайвермайсанми, бундан нима фойда!

— Бугун келмайди у, — деди шу вақтгача партасида китобдан бош кўтармай гапга аралашмай ўтирган Сурен. — Келмайди. Бобосининг тоби йўқ. Юрак томирлари тортишадиган бўлиб қолганмиш.

Синфдагиларнинг ҳаммаси жимиб қолди.

Бошда дори таъсир қилди. Артём Иванович тинчиб ухлаб қолди, лекин эрталабга яқин кўкраги зирқираб оғриб ўрнидан турди, азоб торта бошлади.

«Борди-ю ўлиб қолсам-а? — деган гап ўтди хаёлидан. — Ҳеч кимга ҳеч нима демай ўлиб кетсам. Кубок билан боғлиқ гаплар ҳам юзага чиқиб қолади... ҳеч ким тўғрисини билмайди, ҳақиқатда нима бўлгани қоронгиллигича қолиб кетади».

У ёстиқقا таяниб туриб, стол устига қаради, стол устида чамадондан олиб қўйилган «Гладиаторнинг қабри» кубоги тонг ёғдусида кўзга ташланиб турарди. Бу

кубок унга ғуссали бир сирни эслатар, бу сир унинг юрагини құртдек кемирар, азоб берарди.

Кундузи унинг олдига Сеня Грачик келиб, олтинчи синф номидан салом айтди унга, бутун синф номидан саломатлик тилади, бирор хизматингиз бўлса айтинг, темурчилар сифатида бажону дил хизматингизга тайёрмиз, деди.

— Шошма!— деди Артём, нимадир эсига тушиб.— Биз кўчада учрашганимизда сенинг бир ўртоғинг мени нима деб атаганди? Квинбус деганмиди?

Сеня хижолат тортди:

— Күнбус Флестрин, деганди.

— Қанақа тилда бу? Мен инглизчани яхши биламан. Француз тилида ҳам туппа-тузук гаплаша оламан. Немисчани ҳам сал-пал биламан. Итальянчага ҳам тушуман. Лекин бунақа гапни эшитмаганман. Нима, лотинчами ё?

— Йўқ,— деди уялинқираб Сеня,— лилипутча.

— Нима? Мен циркда лилипутларни кўп кўрганман. Улар ҳар хил томошалар тайёлашган, лекин бунақа тил борлигини, лилипутларнинг ўз тиллари борлигини эшитмаганман.

— Лилипутларнинг ўз тиллари йўғ-у, шунақа бир китоб бор,— деб тушунтира бошлади Сеня.— «Гулливернинг саёҳатлари» деган китоб. Сурикда бор. Бир одам миттилар мамлакатига бориб қолган, улар шу одамни Күнбус Флестрин деб атаганлар. Бу — баҳайбат паҳлавон деганлари.

— Э, баҳайбат паҳлавон де! Шунақа гап бор. Афишаларда менинг тўғримда ҳам шунақа деб ёзишарди. Уша Квинбус тўғрисидаги китобни менга олиб келиб бер, бир ўқий. Ўртоғингдан сўра. Қизиққа ўхшайди...

У аста-секин тузала бошлади. Ётоқхонадан, ижро-комнинг кўрсатмасига мувофиқ Пьер билан унга катта, кенг ва ёруғ бир хона ажратиб беришди, улар тепаликда қурилаётган янги кварталдан квартира олгунларича шу ерда вақтинча туришлари керак эди.

Незабудний, энди анча тузалиб қолдим, ёнимда ҳеч ким турмаса ҳам бўлади деб, Пьерни мактабга юбора бошлади. Яқиндагина оналаридан яшириб шимларининг почасини кенг қилиб тикдириб юрган болалар бобосининг касаллиги туфайли Пьер мактабга қатнамай қўйган кунлари почаларини тор қилиб олган эдилар. Пьер

мактабга содатда ҳамма болалар киядиган кийимда келганида эса улар ҳайрон қолишиди. Бу Елизавета Порфириевнанинг ғамхўрлиги натижаси эди, ўзининг тили<sup>1</sup> билан айтганда, боланинг тезроқ «ассимиляцияланиши» ни истарди у. Қанақа қилиб ассимиляция бўлишини. Пьер унча тушунмасди, лекин ўқитувчи сотиб олишни таклиф қилган кийимни бажону дил олиб кийди. Бегона болаларнинг кўча-кўйда уни кўриб: «Эй, жентельмен! Стиляга!..» деб бақиришлари Пьернинг жонига текканди.

Янги келган боланинг бошқалар сингари кийингани бошда Қсанани афсуслантирди. Аммо Милка билан биргаликда иккаласи Пьерни қайта тарбиялашга киришаркан, унинг бундай кийингани ишни сал енгиллаштиргандек бўлди. Ростдан ҳам Пьер энди синфдаги бошқа болалардан кам фарқ қиласи, у билан гаплашиш ҳам осон эди. Қсана Пьерга алоҳида ғамхўрлик қилаётганини кўрсатгиси келарди. Лекин бунга қулай фурсати бўлавермади: бобоси беморлиги туфайли Пьер дарс тугаши билан уйига — ётоқхонага жўнаб қоларди. Шундан кейин Қсана менга ҳам пионер топшириги беринглар — Артём Иванович Незабуднийнинг олдига бориб тураман, деб илтимос қилди. Темурчасига ғамхўрлик кўрсатиш топширилди — протоколга ҳам шундай деб ёзилди.

Қсана, Сеня ва Пьер учаласи мактабдан қайта туриб, йўл-йўлакай Артём бобога ана шу темурча ғамхўрликни қандай қилиб яхшироқ уюштириш тўғрисида маслаҳатлашиб келаётгандаридан Грачникларнинг квартира эгаси Милица Геннадиевна чиқиб қолди. Бу аёл, албатта, барча янгиликлардан хабардор эди, чемпион ва унинг асрори невараси келганини, ҳатто Колобродаларникида зиёфатда бўлган воқеани ҳам аллақачон эшитган эди. У магазиндан сумкасини тўлатиб қайтар, сумкадан тузланган балиқларнинг думлари ва қийшайган оғизлари чиқиб туарди.

Милица болаларга олисдан кўзи тушиши билан:

— Эҳ, худойим-эй! Бу келин-куёв ким бўлди? — деб бидиллади.

Болалар уч киши бўлиб, Сеня ярим қадам орқароқда бораарди, Милицанинг гапи эса Пьер билан Қсанага даҳлдор эди, албатта.

<sup>1</sup> Тезроқ сингишиб, ўзлашиб кетиш маъносида.

— Ҳо, бу келин-куёв ким бўлди! — деб хитоб қилди Милица бошини гоҳ чапга, гоҳ ўнгга буриб, келгинди болани ҳар томондан кўздан кечириб. — Қсаночка, бу йигитчани менга таништирсанг-чи. Жуда соз, мен Милица Геннадиевна Кутиркинаман. Бизга меҳмон бўлинглар. Ҳайрон қолдирадиган жойимиз йўқ, оддийгина ҳаёт кечирамиз, меҳмон бўлсанглар хурсанд бўламиз. Сеня, нега жим турибсан? Йигитчани таклиф қил. Кимлар билан юрганингни худо билсин, лекин яхшилар билан таништириб ҳам қўймайсан.

— Қир, рост,— деди Сеня Пъерга дудмал қилиб ва секингнина юриб Қсананинг ёнига ўтиб олди.

Пъер ийманибгина бош иргаб қўйди.

— Марҳамат. Кутамиз. Сен, Қсаночка, яхши билсан-ку, унинг бобоси бувингни ташлаб кетган. Ёшлигида ташлаб кетган-да. Сизлар учун ҳам қариндош ҳисоби... Сен эса, Сеня, овқатга кечикмай бор, даданг айтиб юборди, вақтида...

Қсана Милицанинг нимага шама қилиб гапираётганини аниқ билмаса ҳамки, ишқилиб ёмон ниятда гапираётганини фаҳмлади.

Сеня бўлса:

— Эҳ, ғийбатчи!.. У жудаям ёмон хотин, сен унинг гапига қулоқ солиб ўтирма! — деб пичирлади.

Сеня овқатга вақтида етиб келди, лекин нима қилиб бўлса ҳамки, Милицанинг жигига тегиб аламини олмоқчи бўлди. У отасининг овқатланганни уйга келадиган вақти яқинлашгандা беканинг ўзига оро беришини, ойна олдида ивиrsиб, учи чўччайган хунук узун бурнига упа суртаётганини кўп кўрарди. Бугун Милицанинг ошхонада ивиrsиб турганидан фойдаланиб, Сеня унинг хонасига кирди-да, қизғиш-жигар ранг упасига какаога қўшиб банкага солиб қўйилган шакардан сепиб қоришириб қўйди.

Отаси келиб, ҳаммалари овқатланишга ўтирганларида, пашшалар нуқул Милицага ёпиша бошлади. Пашшалар нега бугун бунчалик хира бўлиб қолганига у сира тушунолмасди.

— Бу йил пашшалар (тап!) жуда эрта пайдо бўлди-я! — дерди у ҳайрон бўлиб, пашшаларни қўли билан ҳайдаб, бўйнига шап этиб уриб,— ёз иссиқ (тап!) бўладиганга ўхшайди... Ф-фу!.. Нақ оғзимга кириб кетяпти-я. Бугун мухомор қўйман... Ф-фу! (тап!)

— Нега нуқул сизга ёпишяпти? — деди Тарас Андreeвич.

— Ширинлигимни билишгандир-да, — деди Милица ишва билан бу гал ҳақиқатан рост гапни айтаётганини хаёлига ҳам келтирмай.

Сеня эса пешанаси, юзи, бўйнига ёпишган пашшаларни қўли билан шапиллатиб ураётган Милица Гениадиевнанинг ҳаракатларидан роҳатланиб, бошини тақсимчадан кўтартмай, мазза қилиб овқатланарди.

...Пъер билан бирга кетаётганини кўриб Милица қилган шамадан кейин Ксана Артём Ивановичнинг олдига негадир тезроқ боришга оёғи тортмади. Уялганидан эмас, қандайдир эҳтиёткорлик Пъер билан бирга унинг бобоси олдига кириб боришига йўл қўймасди. Пъерсиз, ёлғиз ўзи бориб, отаси тўғрисида Артём бободан сўрагиси келарди. Қиз отасини яхши билмас эди, у Ксана чақалоқлигигидаёқ урушга кетганди.

Рёмка Штиб Пъерга кўчада болаларнинг эътиборли жўрабошиси Славка Маханнинг у билан танишмоқчи эканини айтди. Махан уларни сув тошйши арафасида уйлар бузиб олиб кетилган жойда кутаётган эди.

У «Прогресс» кинотеатрининг орқасида у ёқдан-бу ёққа юриб туради. Атрофга аланглаб, диққат бўлиб у ёқдан-бу ёққа юради. Папиросни у фалати қилиб чекар: икки бармоғининг учи билан тутиб, ҳуштак чалган ҳолда ҳавога ҳалқа-ҳалқа тутун пуркарди.

— А-а, — деди у бўғиқ ингичка овозда, Штиб билап келаётган Пъерга кўзи тушиб. — Эши тувидик! Сиз олий ҳозир итларига минг бора таъзим, саломлар бўлсин сизга, капитализм қурбони! — У Пъерга олифталик билан қўл узатди. — Одамларга ўхшаб кийиниб ҳам олибдилар-ку. Салом, салом, европалик биродар.

— Узинг қаерлик биродарсан? Африкаликоми? — деди Пъер, бирдан жаҳли чиқиб.

— Тўхта, гап бор! -- Махан қўлини чўнтағига тиқиб туфурди. — Биринчидан, биродар эмас, гражданин. Қулогингга илиб олдингми? Иккинчидан, Штиб, сен бу биродарга яхшилаб тушунтириб қўйки, мен билан ади-бади айтишмасин. Албатта, қурбон бўлишни хоҳламаса, биродар бўлишни истаса. Олифталарнинг ҳоли нима кечишини ҳам бир тушунтириб қўй.

— Нима? — деб сўради Пъер, унинг ғапига аниқ тушунмаётган бўлса ҳамки, ҳар ҳолда таҳдид қилаётгани-

ни фаҳмлаб.— Биласанми, агар бобомга айтесам, сени бир қўли билан ҳув авави тоққа улоктириб юборади.

— Биринчидан, у тор эмас, тепалик; Европадан келганлар билинб қўйса, зиён қилмайди. Бу бир. Иккинчидан, мен сенинг бобонгга ўша тепаликдан туриб туфурман. Билдингми? Штиб, кимлигимни унга тушунтириб қўймаганмидинг?

— Тушунтиргандим, ўзи баланд келяпти,— Штиб Пъерга кўз қирини ташлади.

— Майли, унақа бўлса, бу иш билан ўзим шуғулланаман,— деди Махан.— Сен-чи.. Бемаънилигингни ташла, бола. Биз бу ерда ҳаммамиз бир одам. Агар бобонг чет элдан келтирган бирор нарсасини пулламоқчи бўлса, бизлар бехабар қосмайлик. Мендан бемалол фойдаланса бўлади. Бу ишда сену мен, иккаламиз. Бегонанинг ҳожати йўқ. Учинчи киши ортиқча. Шартлашиб ҳам қўяйлик. Ортиқча гап-сўз бўлмасин. Келишдикми? Қўлни бер. Мен билан ошна бўлсанг ютқизмайсан. Ўз кишимиз бўлиб қоласан. Балиқнинг тириклиги сув билан, одамнинг тириклиги одам билан, деган гапни эшитгандирсан. Лекин бобонгнинг гапига жудаям қулоқ солаверма. Бобо бўлиб, у сенга бобо ҳам эмас-ку. Бобо эмас, офтобда қатиқ ичишган...

Бу орада Ксана Незабуднийнинг хонасини тартибга келтирди. Супурди, қофоз салфеткалар солиб қўйди. Кубокдаги гладиаторнинг кумуш гавдасини ялтирагунча латта билан артди. Кетмоқчи бўлганида Артём Иванович яна озгина ўтиришини илтимос қилди. Ксана стул олиб, Артём Иванович ётган каравот яқинига ўтирди.

— Менинг парижлик болам қалай? Тузукми, олдинга силжияптими ишқилиб?

— Математикадан жудаям яхши бўлиб қолди!— деди Ксана ҳозиржавоблик билан тез-тез гапириб.— Факат рус тилидан сал қийналяпти. Келишик қўшимчалирида янглашади. Лекин тезда ўрганиб кетади. Елизавета Порфириевна уни қобилиятли бола деяпти.

— Ўнга эҳтиёт бўлинглар. Эркароқ. Тартибга ўрганмаган.

— Биз ҳаммамиз уни биргаликда қайта тарбиялашга қарор қилганимиз,— деди Ксана.

— Ҳаммаларингиз биргаликда киришсангизлар эп-

лайсизлар, менинг бир ўзим эплай олмайман,— деди Незабудний жилмайиб, кейин хўрсиниб қўйди.— Унинг олдида менинг эътиборим йўқроқ. Афтидан, мени ҳам тўла тарбия кўрмаган деб ҳисобласа керак.

Незабудний бароқ қошини чимириб Ксанага қаради.

— Артём Иванович!— дея хитоб қилди Ксанана, афтидан жиддийроқ бир гап бошламоқчи бўлиб.

— Артём амаки деявер.

— Артём амаки... Менинг отам қанақа кишийди? Бувим гапирди, сиз уни бир марта ўлимдан сақлаб қолган экансиз. Чиройли кишимиди у?

Незабудний жароҳатланган, қонталашган озғин юзни, ичга ботиқ кўзлар, кўкарған лаблар, синдирилган тишларни кўз олдига келтирди — у бу қиёфани асло унутолмасди.

— О-о! Отанг, Ксанана, жудаям чиройли эди!— деди Незабудний тез гапириб ва ўзини ёстиққа ташлади.— Рухсори яхшийди. Бургут эди у! Мактаб олдида турибди-ку, худди шунақа эди...

— У ҳам кучлимиди?

Артём қушдек енгил, қоқсуяк, териси ошлангандек оқарган, чалажон гавдани эслади, уни ўз қўлида кўтарганди ўшанда.

— Шундай кучли эдикк, ишонгинг келмайди!— деди у.

— Бўйи новчамиди?

— Бўйи мендан сал пастроқ эди, албатта. Лекин жудаям хушбичим, жудаям келишган эди.

— Бувим бўлса, бўйи новча эмасди, дейди.

— Ҳамма она ҳам ўз фарзандини, ҳатто қариганди ҳам ёш бола деб ҳис қиласди, азалдан шунақа.

— Жудаям довюрак кишимиди?

— Ундан довюрак одам бўлмагандир, деб ўйлайман.

Артём ёстиққа таяниб қоматини сал ростлади. Энди ўзини енгилроқ ҳис этарди. Чунки ростиға кўчганди-да гап. У чиндан ҳам худди шунақа одам бўлганди. Артём Иванович Ксанага унинг отаси бутун Италияга Богритули номи билан машҳур бўлганини, партизанлик қилиб фашистлар қамал қилган қишлоқдан қариялар, аёллар, болаларнинг омон-эсон чиқиб кетишини таъминлаганини, тириклигида ундан фашистларнинг жудаям қўрққанини, ўлганида эса ундан миннатдор бўлган итальянлар унинг жасадини қўлма-қўл қилиб, юз километрлаб ма-

софадан қишлоқма-қишлоқ олиб ўтганларини, унинг жасади фахрий эстафетага айланганини гапириб берди. Артём Иванович Незабудний қадрдан дўстларининг афсонавий фарзанди бўлган жасур Богритули тўғрисида Италияда нималар эшигтан, нималарни билиб олган бўлса, Ксанага ҳаммасини гапириб берди. Ксанана гоҳ оқариб, гоҳ қизариб тинглади.

Шу орада Пьер келиб қолди. Уй ичи таниб бўлмайдиган даражада ўзгарган, ҳамма ёқ топ-тоза. Меҳмоннинг эпчил қўллари ҳамма нарсага теккан, ҳамма нарсанни ярқиратган. Бир текисда қирқиңгандан гулдор қофоз дастурхончалар устида турган пиёлалар орасидаги кумушдан ясалган, тош қабр устида бир тиззасини ерга қўйиб, иккинчи оёғи билан таяннб, забардаст қўли билан олимин<sup>1</sup> вазани кўтариб турган полвон акс эттирилган кубок ҳам яп-янгидек ярқираб турибди.

— Биз билан ўтириб чой ич энди, қизим,— деб таклиф қилди Артём Иванович.

Лекин Ксанана бош чайқади, Пьерга карамасликка ҳаракат қилиб, шошилиб турганини айтди ва шоша-лиша хайрлашиб, хонадан пилдираб чиқиб кетди.

Шу куни Наталя Жозефовна карталарини «Наполеоннинг инжиқлиги» тартибида териб турган пайтда Ксанана секингина келиб:

— Ната буви, карта билан фол оча оласизми?— деб пичирлаб сўраганида таажжубланди.

Наталя Жозефовна унга кўзойнак устидан жиддий тикиларкан, лабларини қимтиб қўйди-да, подшо замонида ҳам бунақа зарарли иримлар таъсирига берилмаганини, илгор ота-она фарзанди ва пионер бўлган Ксанага эса, айниқса шу замонда, бугун радиодан эшиганидек, Фарбий Германия яна қуролланаётган, бутун инсониятга таҳдид қилаётган, ҳар бир кишидан юксак онглилик талаб этилаётган шундай масъулиятли тарихий кунларда фолга ишониш бутунлай номуносиб иш эканлигини астасекин тушунтирди. Одатдагича НАТОни фош этиб, СЕАТОни ҳам лаънатлашни унутмай, халқаро аҳвол тўғрисидаги ўз қараашларини баён қилди.

— Карталарингизни ёиб фол очиб ўтирибсиз-ку,— деди кампирнинг НАТО ва СЕАТО тўғрисидаги гапларига қулоқ солмай Ксанана.

<sup>1</sup> Оливин — магний ва темирнинг кремнезём билан бирикмаси — (тарж.).

— Эскилик сарқити! — деб хўрсиниб қўйди Наталья Жозефовна.— Эскилик сарқитлари ҳали ҳам бор. Кейин, бу фол билан эскича фол кўришнинг фарқи бор!— Кампир хижолат тортди.— Мен ҳозир фақат ҳалқаро аҳвол тўғрисида фол очиб тўрибман. Қизиқасан киши. Аденауэр вермахт учун ядро қуроли ола билармикин ёки унинг мана бу,— кампир еллигичга ўхшатиб терилган чилликларни кўрсатди,— бу сирли қарталари ҳам қўлдан кетармикин? Бугун учинчи марта фолим тўғри келмаяпти. Биз, белгияликлар, бу тевтонлардан<sup>1</sup> кўп жафо тортганимиз. Европа нима қиласкин — билмайман. Лекин сиз, сиз ёшлар, бунаقا иримларга ишонмасликларингиз керак. Мен қарталарни кўзда тутиб гапиряпман. Уят, Ксанада!

Шўрлик Ксанада хўрсиниб, бармоқлари билан стол клеёнкасини қитирлатиб Наталья Жозефовнанинг ғашини келтирди, у бу ишни жаҳл аралаш қилган бўлса ҳам, Ната бувининг ҳақлигини биларди.

Сеня Биринчи Май кўчасида сайр қилиб юаркан, «Прогресс» кинотеатрида кейинги ҳафтада қанақа картина кўрсатилишини билмоқчи бўлди. Унинг олисдан Суренга кўзи тушди.

— Иҳо-о-ҳо! — деб қичқирди Сеня унга кўзи тушган заҳотиёқ.

Яқиндагина «Прогресс»да «Жасур кишилар» фильмни кўрсатилган эди. Шундан кейин болалар фильм қаҳрамони Буян деган вафодор отини чақирганига тақлид қилиб, «иҳо-о-ҳо» деб қичқиришни машқ қилавериб отоналарининг роса жонларига теккан эдилар. Бу товуш эшакнинг ҳанграганига ўхшаб кетар эди. Картинада артист Гурзо тоғ ён бағрида туриб, «иҳо-о-ҳо» деб чақириши билан томоша залининг олдинги қаторларини тўлатиб ўтирган болаларнинг завқини келтириб, от дупури янграр, у ўзининг довюрак эгаси томон кишинаб елдек учар эди.

— Иҳо-о-ҳо!

Сурик ҳеч нарса демай, тўхтади. Бир пайтлар у Тарзанинг қичқиришини ўрганиб олган, маймунчасига

<sup>1</sup> Тевтонлар — қадимги герман қабилаларидан бири. Умуман немисларни шу ном билан атайдилар (*таржимон*).

қичқириб жавоб қайтариши мумкин эди. Лекин отнинг кишинашига ҳам, эшакнинг ҳанграшига ҳам ўхшайдиган «иҳо-о-ҳо»ни ҳали ўрганиб улгурмаган эди. Шунинг учун ҳам у ўртоғини жимгина кутиб турди.

— Эшитдингми? — сўради унинг олдига югуриб борган Сеня.— «Прогресс»да янги картина — «Садоқатли дўстлар»ни кўрсатишармиш. Жуда қизиқмиш, Штиб айтди. У кўрибди. Қизиқ ишлар бўлармиш... Солда уч одам сузинб келаётганда биттасининг шиппаги сувга тушиб кетармиш. Кейин улар ҳеч нарсасиз қолишармиш, паспортлари ҳам йўқолармиш. Биттасини милицияяга олиб боришармиш. Қизиқ кино экан!

Сеня қандай фильмни кўришмасин, бироннинг сувга ииқилиб кетишини ёки ҳеч бўлмаса қаҳрамонларнинг муштлашишини пойлаб турадиган кино ишқибозларидаң эди. Ҳар ҳолда кинода бирор қизиқ иш бўлса, ҳар қалай узундан-узоқ гаплар ва муҳаббат изҳор этиб ўтиришлар камроқ бўлса бас.

Сурик гапга бепарвогина қулоқ солиб турди.

— Қизиқ кино деяпсанми? — сўради ў.— «Ёш гвардия»нинг иккинчи серияси қанақа кинолигини биласанми?

— Ҳе! Беш марта кўрдим.

— Олтинчали марта кўрмайсанми? — маънодор қилиб сўради Сурик.— Билиб қўй — Ксанка анави нусха билан шу кинога кирмоқчи эмиш.

— Нима, илгари кўрмаган эканми? — таажжубланди Сеня.

— Анави учун-да. Тушунмаяпсанми? Қайтадан тарбияламоқчи. У ҳали биринчи сериясини кўрмаган бўлса ҳам эҳтимол.

— Буни қаёқдан билдинг?

— Кўрдим, билет олишди.

— Нечта? Иккитами?

— Йўқ. Утча.

— Учинчиси Милкагами? Уям борарканми?

— Сеня, сен фақат калтакесакнинггина думи салга узилишини билсанг керак,— деди Сурик виқор билан. (Ҳамма нарсани бу бола қаёқдан бунчалик яхши биларкин-а?)

— Калтакесакнинг нима даҳли бор? — ҳайрон бўлиб сўради Сеня.

— Э, худо-е! — деб Сурик қўл кўтарди.— Тушунма-

дингми? Мен Милкани айтаяпман. Думга ўхшаб ҳеч ажралмайди-ку у.

— Кўйсанг-чи,— дея Сеня ўйчан бош чайқади.— Менимча, аксинча, у Милкани кўпроқ ҳурмат қилса керак. Тўғрими?

Сурик елкасини қисди:

— Шунақага ўхшайди.

— У ҳеч нарсанинг фарқига етмайдиганга ўхшайди.

— Ниманинг ҳам фарқига етарди!

Улар индамай юра бошладилар.

Худди шу пайт Мила билан уй вазифасини бирга бажарган Қсанга уйига кетиш учун ҳозирланиб китобларини йиғди, остона олдида бир зум тўхталди-да, сирли оҳангда гап бошлади:

— Биласанми, Милка, кеча ашула дарсидан у билан бирга қайтаётганимизда... бирдан: «Дугонангиз неча ёшда?» деб сўраб қолди. Мен: «Иккаламиз тенгқурмиз», дедим. У бўлса тушунмай: «Нега?»— деб сўради. Мен унга тушунтирдим, туғилган йилимизни айтдим. У ҳисоблай бошлади, кейин эса ҳайрон бўлиб: «Кўринишидац эса хонимга ўхшайди, ажойиб»— деди.

— Алдаётгандирсан, Қсанка, ростдан ҳам хоним дедими? Ажойиб ҳам дедими?

— Унақа алдайдиган одатим йўқ.

Мила дугонасига синовчан нигоҳ ташлади, сўнг ойна олдига бориб, соchlарини тузатди, ойнадан Қсанага тикилди.

Сўнг бурилмай туриб деди:

— У мендан сенинг тўғрингда ҳам сўради.

— Нима деб сўради?— Қсанга ойнага ишонмай, дугонасининг юзига тикилди.

— Танаффус пайтида олдимга келди-да, «Дугонангиз нега ҳамма вақт хомуш юради?»— деди.

— Сен нима дединг?

— Мен: «У кўпинча шунақа хомуш юради, чунки кўп кулфат тортган», дедим.

— У нима деди?

— У: «Бу сезилиб турибди, деди.— Мен ҳам унга ўхшаб, деди, кўп кулфат тортганман»,— деди.

— «Мен ҳам унга ўхшаб», дедими? Эҳ, Милка!

Иккаласи ҳам бир-бирининг елкасидан ушлаб, бир жойда айланishiб, сакрашиши.

Шу куни кечқурун Галина Петровна Шахтёрлар са-

ройида катта доклад қилиши керак эди. Сўзга чиқишдан олдин у бирор соат ётиб дам олмоқчи бўлди. Қсанада диванда мизғиб ётган бувиси ёнига оҳистагина жойлашди-да, кифтини сийпаб, пешанаси билан бувисининг гарданига секин-секин турта бошлади.

Бувиси уйғониб кетди:

— Нима қиляпсан ўгри мушукка ўхшаб?

— Ухланг, ухлайверинг. Мен сизга халақит бермайман. Мушук бўлсан, сичқон овлаб юргандирман-да.

— Пишт, нари тур!

— Мен секингина...

Орадан бир неча минут ўтди.

Кампир бир текис нафас оларди. Фақат қовоқларигина сал-пал қимиirlарди.

— Буви, ухляяпсизми?— пицирлади Қсанади.

— М-м?— деди кампир, лабларни сал қимиirlатиб, кўзларини очмасдан.

— Ухлайверинг. Мен сиздан фақат бир нарсани сўрамоқчиман, буви, юриб-юриб... бирдан битта одам ҳаммадан ҳам яқин бўлиб қолиши мумкинми?

— Бирданига бунақа бўлмайди,— деди кампир мудраб.— Бунинг учун кўнгилга ёқиши керак, ҳаммадан яхшироқ кўрининши керак.

— Қизиқ-да!— Қсанада жунжикиб, бувисининг бош томонида қулайроқ ўтириб олиб, яна пицирлаб гап бошлади:— Агар ҳатто илгари ҳам бирга ўқимаган бўлслар-чи?

— Ким тўғрисида гапиряпсан ўзи?— Кампир бир кўзини очиб, Қсанага диққат билан тикилди.

— Шундай ўзим... Ким бўлса ҳам-да. Масалан, бирор бошқа бир киши билан.

— Нима, уларнинг оти йўқми, бирор бошқа киши деб чақиришадими?

— Ғалатисиз-да, буви!.. Ўзим шундай қизиқсиниб сўраяпман-да. Иккаласи қариндош ҳам бўлмаса, дўст ҳам бўлмаса-да, бирдан ўша яқин одами бўлиб қолиши мумкинми?

Кампир хўрсиниб, жилмайди.

— Шунақа ҳам бўлиши мумкин: қариндошинг эмас-у, қариндошдан азизроқ бўлиб қолиши мумкин.

— Мен билан ҳам шунақа бўлиши мумкинми?

— Нега мумкин эмас экан? Бошқалардан қаеринг кам?

— Иўқ, буви,— деди Ксана хаёл суреб,— ҳар ҳолда бунақа бўлмаса керак.

— Қанақа бўлишини кўрарсан, ҳозир бу тўғрида ўйлайдиган пайтинг эмас. Нега керак бўлиб қолди бу нарса сенга, гапир қани?

— Кўйсангиз-чи, буви!— Ксана орқага сурилиб, иягии ёстиққа тиради.— Дарров алланималарни ўйлайсиз!

— Бунча ҳурпаймасанг! Салга ҳурпая қоласан-а! Ет, ё ҳайдаб юборайми?

Уч минутча жим ётишиди.

Кейин Ксана бувисининг қулогига шивирлади:

— Буви, бари бир мен сизни ҳаммадан ҳам яхши кўраман.

— Сўйкаланавермасанг-чи, тентак қиз.

Ксана яна нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин журъат этмади. Ёстиққа қулайроқ жойлашиб олиш учун у ёқ-бу ёққа афдарилиди. Кейин тўсатдан бундай деди:

— Парижда, шаҳарнинг қоқ ўртасида бир майдон боракан. Уни Елисей майдони деб аташаркан. Шунақа деб аташаркан-у, ўзи майдон эмас, бир кўча экан. Бизнинг Биринчи Май кўчамиздан беш марта кенгайроқ экан.

— «Кенгайроқ» деганинг нимаси? Мактабда ўргатишяптими бунақа гапиришни?

— Ҳа, кенгроқ.

— Ксанка, доклад қиласидиган одамни сал ухлатасанми, йўқми?

— Ухланг, ухлайверинг. Шанғиллаётганим йўқ-ку. Секингина гапиряпман.— Зўрға эшитиладиган қилиб пицирлашга кўчди у:— Буви ҳали айтганингиздек, сизга ҳам бегона бирор қадрдан бўлиб қолганмиди?

— Э, худо, бу қандай бало! Эзмалик ҳам шунчалик бўладими? Бунча ёпишиб қолдинг менга? Ҳа, шунақа бўлган эди.

— Богдан бобо ҳам илгари қариндошмасмиди?

— Фалатисан-а! Ҳали гапирдим-ку.

— Қизиғ-а, нега шундоқ бўларкин?

— Ер юзида одамлар қай замонлардан берн яшайдилар-у, қандай куч уларни бир-бирига яқинлаштиришига ҳайронлар.

— Нима, кучми бу?

— Ҳа, куч!— деди кампир бир оз ўйлаб, лекин қатъ-

ий қилиб, кейин кўзларини очиб, Ксанага ўғирилди. Бирдан кўзлари равшанлашди, Ксананинг боши оша аллақаёқларга, олисларга тикилди.— Куч!— дея ишонч билан такорлади у яна.— Агар одамларнинг ҳамма иши яхши бўлса, куч. Агар ёмон бўлса, нимадир тўғри келмаган бўлса, оғир дарддан ҳам, ҳар қанақа ожизликдан ҳам баттарроқ. Ҳа, Ксана, бу шунақа кучки, киши ҳеч нарса қилолмай қолади.

— Артём бобо-чи?

— Қачондан бери у сенга «бобо» бўлиб қолди?.. Артём Ивановичми? Унинг нима даҳли бор?

— Йўқ, мен айтаяманки: Артём Иванович энг кучли киши, у ҳам ҳеч нарса қилолмайдими?

Галина Петровна узоқ жимиб қолди. Ксана уни ухлаб қолди деб ўйлади.

Лекин кампир кўзини очмай туриб тўсатдан, мижжаларини ҳам қимирлатмасдан, деди:

— Лекин у, ким билсин... У-ку, уддалай оларди-я. Лекин унга илашган бу куч зўр эмас экан-да.

Кампир яна анчагача қимирламасдан ётди.

Кейин бирдан кўзларини очди. Энди бу кўзлардан уйқу қочган эди.

— Ҳали нодонсан, Ксанка... Бу осон эмас. Бутун қалбини беради киши. Бутун умрини бағишлайди. Акс ҳолда одам ўғридай бўлиб қолади, қариндоши ҳам, дўсти ҳам, муҳаббати ҳам бўлмайди.

Кампир деворга ўғирилди, Ксанка унга энди савол бериш ортиқалигини фаҳмлади.

Фақат:

— Катька Ступина билан Женька Харченко бугун мактабга соchlарини Париж модасида безаб келишиди. Кулгили. Сочлари баайни ўргатилган отларнинг думига ўшайди, худди супургидег-а. Районга борганимизда ўшанақа отларни циркда кўргандик-ку, эсингиздами? Мени олиб боргандингиз...— деди.

Кампир жавоб қилмади.

— Парижда Сена деган дарё бор экан,— деди яна Ксана пичирлаб.— Кулгили ном-а? Сена, похол...— У жимиб қояди, бир оздан кейин секингни, худди ўзига ўзи гапираётгандек деди:— Шу дарёнинг кўпригидан баҳтсиз қизлар ўзларини сувга ташларкан...— Ксана оғир хўрсинди.

Кампир унинг бундай оғир хўрсингаини эшитсайди!  
Сена дарёсининг эмас, океан гирдоби ваҳимаси бор эди  
бу хўрсиниша!

## XVI БОБ

### ТАШВИШ

Артём Ивановичнинг дарди аригач, доктор Левон Ованесович, ўз таъбири билан айтганда, Незабуднийга «эрк бериш» учун уникига охирги марта келганда яна Пьер тўғрисида гап бошланди. Доктор Артёмга кечада нима гаплар бўлганини, Пьер Суренни бекорга ранжитганини эҳтиётлик билан гапириб берди. Доктор бу гапнинг чемпионга қаттиқ таъсири қилишини билмаган эди. У қизариб кетиб, тоғдек қоматини ростлаб, столга бир мушт урган эди, столнинг тахтаси учиб бориб деворга урилди.

— Мен у жин ургурни!.. Бунинг учун.. Бу итваччанинг кимни ранжитганини қара-я!..

— Ўзингни бос, Артём Иванович, ўзингни бос,— деб уни тинчлантиришга уринди врач,— мен хафа бўлганимдан эмас, болага бир оз ёрдам бериш керак, деган ниятда сенга айтгандим бу гапни. Нима гап ўзи? Ҳаммаси тушинарли. Ахир у шунаقا муҳитда тарбияланган-да. «Қўчирма бўлганлар» учун ажратилган жойларда уларни нималарга ўргатганларини тасаввур этиш қийин эмас. Ҳали ҳам шунчалик камтарлигидан хурсанд бўлавер. Лекин иродаси бўшга ўхшайди, бирорнинг таъсирига тез берилади. Лекин, Артём Иванович, кел, бир сидқидилдан гаплашиб олайлик. Мен бу гапни сенга дўстлигимиз туфайли гапирган эдим, сен мени болалар олдида ноқулай аҳволда қолдирма.

Незабудний Пьер билан самимий гаплашишга, уни қаттиқ хафа қилмасликка сўз берди. Лекин Артём Иванович бу ваъдасидá турмади.

— Нима гап ўзи?— дея у Пьерга ҳужум қилди, кечада бўлган воқеа тўғрисида гап очилиши билан.— Ақл деган нарса борми сенда ўзи ё ҳали кўзи очилмаган итваччани ювинидихонадан топиб олгандек, сени ҳам у ердан қутқарганимда, ақлинг ўша ерда қолганми?.. Биласанми, кимни хафа қилганингни? Сен уни ҳақоратладим деб ўйлайсанми? Уни эмас, мени, Артём Незабуднийни

ҳақоратладинг, аҳмоқ. Бу қари чол дунёниг ҳамма жойини кўрган бўлса ҳам ақл топмаган экан, дейишади энди. Бир болани тарбиялай олмабди, дейишади. Мени уятга қолдирдинг!

Пъернинг жаҳли чиқиб кетди.

— Қичқирманг менга,— деди у секингина, тез-тез нафас олиб.— Нега бунча бақириб қолдингиз? Нима сизнинг ўзингиз қанақалигинизни билмайманими?..

— Нима, нима?— Незабудний Пъерга ҳайрон бўлган-дек тикилди.

— Ҳа-ҳа! Муғамбирлик қилманг.— Негадир Пъер французча гапирди, эшикка қараб, бобосига яқин келиб, секин гап бошлэди.— Нимани яшириб юрганингизни билмайди деб юрибсизми? Сиз жўрттага ҳеч кимга гапирмайсиз. Париждан кетишга тайёрланаётган пайтларимизда менинг олдимга иккита жаноб келган эди... Агар сиз уларга қарши гапирадиган бўлсангиз, унинг қаердагини менга айтмоқчи бўлдилар. Нимани мендан яшириб юрганингизни биламан! Қўмиб қўйилган, кубокнинг иккинчиси кўмиб қўйилган... Уни... фашистларга совға қилганакансиз.

— Нималар деб валдираяпсан? Ким совға қилган? Нима тўғрисида гапирайпсан ўзи? Ҳаёлингга қаёқдан келди бу гап? Нима жин уриб менга французчалаб қолдинг? Нима, она тилингни унутиб қўйдингми? Мен сенга...

У қути ўчиб, изтироб чекиб ўзини стулнинг суюнчиғига ташлади, асранди неварасиға қаҳр билан тикилди. У ҳам ортиқча гапириб қўйганини сезди шекилли, ўгирилиб, деворга қараб турди.

Бу воқеа Незабудний Ватанига жўнаб кетиш тараддутида юрган кунларда содир бўлган эди. Незабудний билан Пъер турадиган болохонага Незабудний йўқ пайтни пойлаб икки киши кириб келди. Пъер улардан бирини таниди — у Незабудний ишлаган цирк хўжайнини эди. Шеригини эса танимади. Улар даставвал Пъерни гапга солиб кўришди: Незабудний балки уни мажбуран олиб кетаётгандир? Пъер балки Францияда қолишини истар? Кейин эса Пъерни катта бир сирдан хабардор қилган бўлдилар — тутинган бобоси олиб борадиган Сухояркада уларни қизиқ бир иш кутаётганмиш.

Қўмондонликинг буйругига қўра, гитлерчилар Сухояркани ташлаб чиқаётганларида, Совет Армияси бу районга тўсатдан бостириб киргани туфайли, Германияга жўнатиш учун тайёрланған қимматбаҳо нарсалар тўла бир неча яшикни зўрга кўмиб улгурган эмишлар. Зубяго ва ишончли одамлардан бўлган унинг шеригига ўз уйларига жўнаб кетадиган муҳожирларга шу нарсани маълум қилиш топширилган эмиш. Лекин Артём Незабуднийнинг характеристини улар яхши билармиш—қайсар, ҳеч нарса билан ҳисоблашиб ўтирумайдиган бу чолга ишониб бўлмасмиш. Эҳтимол Пьер ёрдам берар. У ақлли бола, ҳаётда кўл нарсани кўрган, тилини ҳам тия билади, Шунақа эмасми? Кўмиб қўйилган қимматбаҳо нарсалар фақат бир ташкилотгагина маълум экан, бу ташкилот ўша бойликларнинг ярмини тегишли одамга бериш шарти билан уни топишга доир маълумотларни, кўмилган жойнинг аниқ харитасини ҳам берармиш. Бу ишларнинг қандай амалга оширилиши устида Пьер ҳозирча бош қотирмаса ҳам бўлармиш. Бойликнинг ярми тегиши лозим бўлган, Сухояркада қолган одамнинг ўзи Пьерни топармиш.

Лекин ҳамма нарса сир тутилиши керак эмиш. Қелган икки киши яна шуни маълум қилишдики, иккаласи ҳам бир хил кубокнинг биридан чемпионнинг маҳрум бўлиб қолишига сабаб бўлган бир воқеа ҳам бор эмишки, бу воқеани сухояркаликлар билиб қолсалар, чемпион учун ёмон бўлар эмиш. Ана шу кубокнинг бири ўша ерда, Сухояркада, қиммагбаҳо нарсалар орасида эмиш. Незабуднийга таниш бир расмий киши уни ўша ёққа олиб кетганмиш, у киши гитлерчилар армиясининг махсус қисмларида хизмат қилган экан, керак бўлиб қолса уни чемпионнинг ўжар ҳамشاҳарларига кўрсатиб, муддаосига етишни ният қилган экан...

Улар шундай деб Пьерга бир фотосуратни кўрсатишибди. Бу гитлерчиларнинг «СС» дивизияси формасини кийган япалоқ юзли, афтидан, юқори мартабали бир офицернинг сурати эди. У Незабуднийнинг кубогига ўхшаш бир кубокни қўлида ушлаб турад эди. Эсэсчилар мундирини кийган бошқа офицерлар қоринларини дўппайтиришиб, унинг атрофини ўраб олишган. Буни бошқаларга билдирамагани маъқул эмиш. Агар Пьер гапга кириб, уларнинг айтганларини қилса, чолнинг ҳам кек-

салиги таъминланган бўларниш, Пьер ҳам катта бойликка эга бўлиб қоларниш.

— Кулоқ сол.. Сендан илтимос қиласман,— деди ниҳоят Артём, Пьер буларнинг ҳаммасини гапириб бергач.— Буларни эсингдан чиқариб юбор, сени лақиллатишибди... Муттаҳамлар, абллаҳлар улар. Улар сен билан мени бу соғдил одамлар олдида шарманда қилмоқчи бўлганлар. Улар нималарнидир менга ҳам бир шама қилган эдилар, мен уларнинг гапига парво қилмаган эдим. Ёшлигиндан фойдаланиб, сени ҳам ишга солмоқчи бўлганлар. Ишонма, азизим. Ёлғон. Гапимга қулоқ сол. Худога шукурки, мен у фирибгарларни яхши биламан. Улар менинг мана бу еримга миниб олишганди,— Незабудний бўйнига шапиллатиб урди.— Кел, келишиб олайлик, бу тўғрида бундан бўён на менга, на бошқа бирон кимсага оғиз оча кўрма.

Пьер тузуккина, лекин иродаси бўшроқ бола эди. Узоқ ўйлаб ўтиришни ёқтирмас эди. Бирор қарорга келиш учун бош қотиришдан кўра бировнинг фикрига қўшила қоларди. Унинг бировнинг ногорасига ўйнаши мумкинлигини доктор Арзумян тўғри фаҳмлаган эди.

Мана энди у, чакки қилдим, Парижда ўша икки кишидан эшитганларимни айтиб, бекор қилдим, деб пушаймон еяпти..

Ўшанда улар Пьерни зинапоя остида кутган эдилар. Артём Иванович ўша кунларда бировнинг тузоғига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлиш кераклигини айтиб, огоҳлантириб қўйган бўлса ҳам, қўшни газакхонага боришга осонгина қўна қолганди. У ерда Пьерни ширин ичимлик ва олма торти билан меҳмон қилишди, кейин Сухояркага боргач, уларнинг маслаҳатига кўра иш тутишни маслаҳат беришди. Иккаласи ҳам Пьер билан ҳазиллашишди, елкасига қоқишишди, аския қилишди. Ўзаро кўз уриштиришди, агар улар таклиф қилаётганларни Пьер бажармаса, яхши иш бўлмаслигини, ҳатто бобосини ҳам уятга қўйишини шама қилишди. Кейин яна Пьерга беҳисоб бойликлар, дунёнинг истаган бурчагида яшаса бўладиган фаровон ҳаёт ваъда қилдилар. Балки Тантига бориб яшашни истар? О, у ер жуда ҳам ғалати! Қизлари ҳам ажойиб. Сал катта бўлса у буни тушунади. Мами ёмон жойми? Ёки, айтайлик, Вальпараисо-чи? Ҳамма гап пулда! Яхши одамларнинг гапига кириб иш тутса, Пьерда пул мўл бўлади. Пьер, ўйлаб кўрайин,

деди. Шунда улар ҳар эҳтимолга қарши ўз адреслари-ни болага ёдлаттирилар (ёзиб олмасликни маслаҳат бердилар): «Париж, Капуцинлар хиёбони, 16, тураржой 132, месье Томбо».<sup>1</sup> Бунақа фамилиядан Пьер чўчимасин. Бу бир шартли белги, сир ҳудди қабрда сақлангандек сақланишига ишора бу, деб кулишди улар. Кейин эса Пьер шу адресга Сухояркадан ўз розилигини ёзса, зарур бўлган ҳамма маълумотларни ёзиб юборажакларини жиддий тушунтиришди. Лекин, сен хафа бўлма, ўша хатинг бизларга кафолат ўрнига ўтади, мабодо ваъда бериб, сўнг шу ваъдани бажармасанг, бу хатни СССРда тегишли жойга кўрсатишса оқибати нима бўлишини тушунарсан, дейишиди унга... Ва шунга ўхшашлар...

Бироқ бир жойдан иккинчисига кўчиб, дайдиб юрадиган бегона ва нимаси биландир душман кўринган бу одамлар нафрат уйғотар эди. Улар билан бўлган сұхбат Пьернинг оғир, шармандали ва саёқ, умуман болалигичи эслатди. Йўқ, керакмас!. У икки етимхонадан қочган эди. Иккинчи етимхонадан қочганидан кейин уч ҳафта трамвай депосида тунади, у ерга ўзи ўйлаб топган усул билан киради. Охирги трамвайлар секин юриб ёки тўхталиб-тўхталиб кўприкдан ўтаётганда у қулай пайтни пойлаб, кўприкнинг аркidan трамвайнинг томига тушар, вагоннинг томидаги лавҳа тахталар орасида ётиб олиб, депога киради. Депода тунаса бўлар эди. Ҳар қалай, бошпанада. Кўчага қараганда иссиқроқ. Тунни шу ерда ўтказиб, трамвай томи орқали яна кўприкнинг аркига чиқиб олар, унинг тақдирига мутлақо бефарқ қарайдиган улкан шаҳарда яна изғир, ҳар куни ўзини ана шу шаҳарда ҳеч кимга кераксиз, ҳаммага бегона ҳис этар, бирорнинг майда-чуйда хизматини қилиб, арzon кофе билан бир бурда нон топар эди.

«Фантомас, туннинг даҳшати», «Оқар сувлар қиролличаси», «Қиморхона тонгиги» сингари олди-қочди арzon китобларни ўқиивериб ҳаёли чалкашган бу бола янги ҳаёт қўйнида ҳали кўп нарсанинг моҳиятига тушунмасди. Лекин янги муҳит уни ўз меҳрибон қучоғига олган, уни янги изга солган эди. Бобоси билан ҳамма нарса тўғрисида гаплашиб бўлмас, унинг ўзи ҳам ҳали баъзи

<sup>1</sup> Томбо (французча) — қабр.

нарсаларни тушунмас, ўтмишдаги баъзи воқеаларни эса эслагуси ҳам келмас эди.

Пьер ортиқча саволлар бериб Артём Ивановичнинг бошини қотиришни ўзига эп билмади, Париждаги анави икки киши билан бўлган сұхбатни эшишиб чол хуноб бўлди, безовталанди... Пьер хонадан секингина чиқди. Унинг бирорга юрагини ёргуси келарди шу топда. Сұхбатлашганда ҳам ҳозир бобоси билан орасида бўлиб ўтган гаплардан эмас, иложи бўлса уларни хаёлидан бутунлай чиқариб юборишга тайёр эди. Янги дўстлар билан гаплашадиган бошқа масалалар бор эди. Кейинги ҳафталарда Пьер Кондратов кўп қизиқ нарсаларни, янгиликларни билиб олди. Кўп нарсаларни тушуна олмаган, лекин билгиси келар эди. Қсанা билан гаплашсамикин? У ҳамма нарсани биладиганга ўхшайди. У оғзидан гулламайди. Бунақалардан эмас у!..

У Тулубейларникига келса, Қсанा уйда йўқ экан. Ҳозиргина ишдан қайтган Галина Петровна кутиб олди уни. Галина Петровна эгнига капот<sup>1</sup> кийган, оёғида юмшоқ кавуш, дастлабки кунларда Пьерга туюлганидек сипо эмас, юмшоқ аёл кўринди.

— Қсанा уйда йўқ,— деди унга Галина Петровна.— Мен билан бирпас ўтирумайсанми? Кир. Мен сени тузукроқ кўролганим ҳам йўқ. Мана энди афт-ангординг бошқача бўлиб қолибди, энди ярашади. Фалати кийиниб юрувдинг, бизларнинг одамларга ҳам, анавиларга ҳам ўхшамас эдинг, тушуниб бўлмасди. Хўш, Артём бобо қалай, тузаляптими? Ҳурмат қил уни. Ўтири. Чет элларда нималар қилганингни гапириб бер. Роса машаққат гортган бўлсанг кераг-а? Қандай қилиб чет элга бориб қолдинг ўзи?

Пьер жим турарди.

— Эслагинг ҳам келмаяптими? Қўй, майли, гапирмай қўя қол, эски дардингни янгиламоқчи эмасдим. Ўтган ишга салавот. Бизнинг болалар сени хафа қилишмаяптими?

— Йўқ,— деди Пьер,— агарғ истасангиз гапирғаман... Гапирғишим мумкин. Ҳеч кимга гапирғемайман. Эслагим келмайди. Ёмон. Жудаям ёмон эди. Жудаям...

Ана шу жуссаси кичик, жиддий, диққат билан тики-

<sup>1</sup> Капот — аёлларнинг уй ичидаги кийиладиган яктакбичим кўйлаги (*таржимон*).

либ турган шу аёлга биринчи марта ўз ҳаёти тўғрисида гапиргиси келди, мураккаб турмуши, машақатли ҳаётини, ҳалига қадар ўзи ҳам тушуна олмайдиган воқеаларни гапириб бергиси келди. Галина Петровна осойиштагина, синчилаб эмас, шунчаки тикилиб турар эди унга. Бу боқишиларда бошқа одамларнинг тикилишидаги қизиқсини, Пъернинг жонига тега бошлаган синчковлик йўқ эди. Даастлабки кунларда ҳар қадамдаги бу кучли қизиқиши Пъерни юпатар эди, энди эса бунчалик кучли эътибор унинг кўзига хираликка ўхшаб кўрина бошлади. Галина Петровнанинг синчковлик билан эмас, эътибор билан қараб тургани унинг кўнглини хотиржам қилди. Энг муҳими, унинг кўзларида ҳамма вақт Пъернинг ғашига тегадиган ачиниш сезилмас эди.

Шунинг учун ҳам Пъер бор гапни муфассал сўзлаб берди. Онасини касалхонага олиб кетганларини, шундан кейин онасини ҳеч қачон кўролмаганини, кейин Пъерни етимхонага жўнатганларини, биринчи марта қандай қилиб етимхонадан қочганини, яна топиб келишганини, ёши анчаларга бориб қолган, жудаям меҳрибон, ёлғиз бир аёл — дўрдоқ лаблари устида мурти бор бир муҳожир аёлнинг унга раҳми келганини гапирди. Пъер бу аёлни эсласа кўнгли айнир эди. Шундан кейин яна қочганини, кўприкдан трамвайнинг томига чиқиб, бошпана топиб юрганини, кейин яна тутиб олиб етимхонага олиб борганларини, Америкага жўнатиб юбормоқчи бўлганларини, Артём Иванович уни қандай қилиб топганини — хуллас ҳаммасини бирма-бир гапириб берди.

Галина Петровна унинг гапини ҳеч бўлмай тинглади. Фақат тушуниб бўлмайдиган сўзларни аҳён-аҳёнда сўраб қўярди.

— Ажан деганинг бизнингча нима?.. Ҳа, полициячи. Тушундим. Мансарда нимайкин? Ҳа, тушунарли. Пастак болохона экан-да. Хўш, гапингни давом эттир.

Пъер ҳикоясини тутатгач, Галина Петровна ундан:

— Ким бўлмоқчисан, мактабни битирганингдан кейин қаерда ишламоқчисан? Ё ўқимоқчимисан? — деб сўради.

— О-о! — Пъер руҳланди. — Бирғ катта орғузум борғ. Кўпдан берғи ўйлаб юрғибман. Ўзимнинг кафем бўлади.

— Музика, гарғонлар кўп бўлади. Гарғон — хизматкорға дегани. Ҳамманн меҳмон қилиб юргаман. Кейин ўзим-

нинг кемам ҳам бўлади. Йўловчиларғ оламан. Сайёҳатга чиқамиз.

— Бу иш, албатта, яхши, меҳмон қилиш, саёҳатга чиқиш,— деди Галина Петровна.— Лекин бунақада топганингни едириб-ичириб, йўлга сарфлаб тез тугатиб қўясан. Ёки одамлар ҳисобига яашага тўғри келади. Мақсадингга яхши тушунолмадим: савдогар бўлмоқчимисан ёки Нарпитга кетмоқчимисан, пароходда буфетчи бўлмоқчимисан?

— Йўқ, ўзимнинг, ўзимнинг шахсий мулким бўлади. Ўзимнинг ишим бўлади.

— Ҳа. Ўз ишим. Бирор касб эгаллаш ниятинг борми ўзи? Нимага қизиқасан? Ҳаётда нима иш қилмоқчисан? Бир умр одамларни зиёфат қилиб, ўртоқлар билан музика садолари остида пароходда сайд этиб юролмайсан-ку, ахир?

— Қанақа мақсад?— деб сўради Пьер, бир нима тиқилгандек томоқ қоқди ва бўғиқ товушда деди:— Аёлларғининг мақсади — солдатларғ тарғиялашдан иборғат, эркакларғининг мақсади эса жанг қилиб, уларғни ўлдирғишдан иборғат бўлади-да.

Шунда Галина Петровна ўрнидан сакраб туриб, кичик, лекин кучли қўли билан Пьернинг қулоғидан тутиб, уни у ёқдан-бу ёққа судрай бошлади.

— Сен, сен бу бемаъниликни қаердан ўргандинг, а?!

— Лессе муа!.. Қўйворғинг!.. Оғрияпти ахирғ! Кўйиб юборғинг!— Пьер икки қўли билан Галина Петровнанинг қўлига ёпишди, лекин у қўйиб юформади.

— Оғрияптими?— деди Галина Петровна, унинг бoshини силкитиб.— Мен ҳам оғрисин деяпман. Эсингда турсин. Бу бемаъниликни бирор ердан ўргандингми ё ўзинг ўйлаб чиқардингми, ана шу гап эсингга тушганда қулоғинг ҳам ёдингга тушсин деяпман.— Кейин Пьернинг қулоғини қўйиб юбориб, нари итарди.

Пьер қизариб-бўзариб, нима қилишини билмай турарди: қочсамикин ё қолиб, бу кичкина, қари, баджаҳл хотинга бирор нарса десамикин?

— Бор, аҳмоқона гапинг учун қулоғингни узиб олганимни бобонгга бориб айт.

Лекин Пьер кетмади. У жойидан қимиrlамай, лабини тишлаб турар эди. Тобора ранги қизариб-бўзариб борарди.

— Тағин, бизда жисмоний жазо йўқ, деб ёзганла-

ринг-ёзган...— дея тўнғиллади Пьер.— Бекорғ гап эканда. Пропаганда экан-да?..

У шолғомдек қизариб кетди. Бутун қони юзига тепиб, ҳозир сачраб чиқадиганга ўхшарди. Лекин қон эмас, кўзларидан ёш отилиб чиқди.

— Йиғлајпсанми?—безовта бўлди Галина Петровна.— Қулоғингни жудаям оғритдимми? (Пьер бошини силкитди). Ҳафа бўлдингми?.. Кечир мени. Мен сен билан зиллашмоқчи эмасдим, ҳазиллашмоқчийдим. Сен нодон боланинг бошингни бемаъни нарсалар билан тўлатишибди. Ҳали ёшгина, ёқимтойгина боласан. Лекин гапларинг мени хуноб қилди. Фашист эмассан-ку, ахир? Гапир-чи ё фашистмисан? Йўқ! Узимизникисан, руссанку. Энди ўзимизнинг совет кишиисан. Нега бемаъни гапларни гапирияпсан? Ҷон одамлардан ўрганибсан. Улар тамом бўлган одамлар. Эртагами, индингами лаҳадга киради улар. Ўша одамлар ўлдиришни ўзларига мақсад қилиб қўйғанларидан мана сенинг онангни, отангни ўлдиришган, менинг ҳам ўғлимни ўшалар ўлдиришди!.. Эҳ, Пьерушка... Кел, мен сени Петька деб атай қолай. Эҳ Петька, Петька! Миянгни заҳарлашган. Аҳмоқ қилишган сени. Сен у абллаҳларнинг гапларини унут. Ҳали ақлинг киради!— У Пьерни бирдан бағрига босди.— Тугманг нега осилиб ётибди? Туппа-тузук йигит бўлсанг-у, тугманг осилиб ётса! Кел, бирпасда чатиб бераман.— Галина Петровна девордаги баҳмал туфли шаклидан ип билан игна олди.— Эгилмай, тўғри тур, игна кириб кетмасин.

Бир зумда тугма чатилди, тиши билан ипни узди:

— Мана, энди жойида,— дея Галина Петровна қўлинни орқасига яширди.— Йўқ, қўлимни ялама, бизларда бунақа одат йўқ. Бу ёққа кел яхшиси.— Пьернинг икки чаккасидан ушлаб, пешанасидан ўпди.— Бобонгга салом айт. Бобонг ҳам оламни кезиб, кўп бемаъниликлар қилди. Қариган чоғида ақли кирди шекилли. Лекин бу ерда биз уни эътиборсиз қолдирмаймиз. Тез орада яхши квартира берамиз, ҳозир Биринчи Май кўчасида қурилаётган уйдан.

Кечқурун, Богдан қурилишдан қайтгач, Наталья Жозефовна тайёрлаган кечки овқатга кампир ҳам ўтира туриб, эрига гап бошлади:

— Ксанкамизни кўряпсанми?.. Париждан анави Пётя келганидан бери бошқача бўлиб қолди. Петька бугун

келувди. Бошини заҳарлаганлар унинг. Қулоғини яхши-  
лаб чўзиб қўйдим.

— Эсинг жойидами?

— Менинг-ку эсим жойида, бундан кейин унинг ҳам  
эси жойида бўлсин, дедим-да. Лекин, Қсанка-чи, Қсанка?

Богдан чойни ичиб, стаканни нари суреб қўяркан,  
хотинига самимийлик билан айёrona тикилди:

— Ҳа, кампир, ростини айтавер... Чемпионларнинг  
чемпиони келиши билан сенинг ҳам ақлу ҳушинг бо-  
шингдан уча бошлади.

— Нима жин урди сени, Богдан! — Галина Петровна  
хафа бўлди.— Қўй бу ҳазиллингни, мен сенга жиддий  
гапирияман.

— Нима, мен ҳазиллашяпманми? Қўриб турибман,  
асранди невара билан келгинди бобо Қсанка билан  
сизларга тинчлик бермаяпти.

— Вой қари тентаг-эй,вой жинниво-е! Тентакнинг  
ўзгинасисан-а! Кўряпсизларми уни, биродарлар? Ҳаё-  
лингга нима балолар келди? Ёшлигиндагидан ҳам  
баттарсан-а, жин ургур!

Галина Петровна кафтини унинг пешанасига қўйиб,  
қаттиқ итарди. Лекин Богдан унинг қўлни икки қўл-  
лаб ушлаб олиб, пешанасига қаттиқроқ босди, аста-се-  
кин пастроққа тушира бошлади, кейин кўзларини юмиб,  
кафтни лабларига босди.

— Озмунча йил ўтиб кетдими, сен бўлсанг ҳамон  
ўша-ўшасан. Эҳ, Богдан, сени ҳеч ўзгартириб бўлмади!..

## XVII БОЕ

### НОМУС ВА ШУХРАТ

Незабудний Левон Ованесовичнинг маслаҳатига  
амал қилиб баъзан ётса ҳам ҳар ҳолда тузала бошлади.  
Пъернинг гаплари уни жуда ҳам безовта қилганди. Бола  
гапирганларни ортиқ сир тутиб бўлмасди. Бир  
фінкрга келиш керак. Галина Петровна билан маслаҳат-  
лашсамикин? Ҳар ҳолда раҳбар...

Ўйлаб-ўйлаб бир фінкрга келди.

Қизғиши йўл-йўл тўқ кўк рангли энг яхши костюмини  
кийди, соқолини олди, деярли бутун ер шарини бирга-  
ликда айланаб чиқсан машҳур йигирма килограммлик  
ҳассасини тутиб, ижрокомга жўнади.

— Ёзилдингизми? — сўради секретарь, ўзига таниш бўлган серҳашам таёқقا хўмрайиб қараб қўяркан.

— Нимага ёзилишим керак? — ҳайрон бўлиб сўради Артём Иванович.

— Чет элларда сизларнинг тартибларингиз қанақалигини билмайман-у, бизларнинг тартибимиз шунаقا,— деди секретарь.— Раҳбарнинг ҳузурига кирмоқчи бўлган киши қабулга ёзилиши керак.

— Тартиб шунаقا бўлса, ёзиб қўй,— деди самимийлик билан Незабудний.

— Бугунга, кечирасиз, қабул йўқ. Рухсат этсангиз, мен сизни келгуси ҳафтага ёзиб қўяман.

— Ундан ҳам нарироқча ёзиб қўйиш қўлингдан келади, кўриб турибман....

— Яхши биларкансиз.

— Ҳў, мана қара!..— қабулхонада Артём Ивановичнинг овози янгради.

Шу пайт ижроком раиси кабинетининг эшиги очилди. Брезент портфелининг қулфи очиқ семиз бирор ичкаридан чиқди. Йўл-йўлакай норози тўнғиллаб портфелга папкани тиқа бошлади. Папканинг или боғланмаган. Семиз кишининг галстуги қийшайган. Ҳатто ботинкасининг или ҳам ечилиб кетибди. Афтидан, таъзирини еб чиқаётганга ўхшар эди.

Кабинетдан чиқсан кишининг ортидан Галина Петровнанинг паст, лекин кескин овози эшитилди. Семиз киши галстугини тўғрилади, папканинг ипини боғлади. Кейин секретарнинг столидаги телефон олдига югурди, бир номерни айтди, аппарат устига эгилиб, трубкани кафти билан тўсган ҳолда буғиқ овозда гап бошлади:

— Свишченковмисан?.. Бу мен... Крутенюк... Озиқовқат магазинини кўчириш тўғрисида қилган қароримиз бекор қилинди. Тез тўхтат. Хизматчи аёл ҳам керакмас. Ўзинг қиласвер... Шахсан мен ўзим... Раҳмат сенга! Э, худойингни қўйиб тур. Аҳолидан шикоят тушган экан. Тўхтат деяпман!

Кабинетнинг эшиги очилди.

— Артём сенмисан? Менда ишинг бормиди?

Кўк шевиот костюм Галина Петровнанинг қоматига ёпишиб турарди. Оппоқ блузкасининг ёқаси костюми ёқаси устидан чиқарилган, кўкрагида икки қатор орден тасмаси кўзга ташланарди. Артём Ивановичга уйдагига қараганда жиддириоқ ва новчароқ кўринди у. Аллақа-

чон модадан қолган бу костюм балки уни савлатдор кўрсатгандир.

— Мен фақат бир нарсани сўрагани келган эдим,— деда гап бошлади Незабудний.

— Бугунги қабулга ёзилмаган, айтиб қўяй,— гапга аралашди секретарь.

Галина Петровна қабулхонадаги соатга қаради.

— Қабул бошлангунича, ҳар ҳолда, яна икки минутча бор, Илья Гурьевич,— муросага келтироқчи бўлди Галина Петровна.— Ҳурмат қилиш ҳам керак, чет элдан келган киши.

— Кетмасин эди. Мана ҳозир келгинди бўлиб ўтирасди. Қирқ йил шошилмабди-ю, энди шошиляпти, навбат кутгиси келмаяпти.

— Мен сенга айтсам, Илья Гурьевич, ўзингни анча катта оладиган бўлиб қолибсан,— леди ранс.— Мен сенинг насиҳатингиз ҳам қабул қилолсам керак...

— Галина Петровна... Ўртоқ раис!— Секретарнинг жаҳли чиқиб кетди; қўлидаги қаламни тарақлатиб столга ташлади.— Илтимос қиласман, бегоналар олдида...

— Нимани илтимос қилишингни билмайман-у, лекин сен шуни билиб қўйки, ўртоқ Лобейко, мен сендан талаб қиласман... Тушундингми? Одамлар билан хушмуомалада бўл. Сен бир ўзинг совет ҳокимияти эмассан, тушуниб қўй буни. Совет ҳокимияти бирорни қабул қилибди-ю, сен уни койияпсан. Қаламни столга тарақлатиб ташлашнинг ҳам ҳожати йўқ. Дафдаға камроқ бўлсин... Кир, Артём, анави ерга ўтири. Вақтни бекорга ўтказдик. Қабул вақти бўлиб қолди. Артём, мени кечир, шунга, тартибга одатланганман. Одамлар бир минут ҳам бекорга кутиб қолишларини истамайман.— У яна девордаги соатга қаради.— Бир оз ўтириб тур, Артём. Ишларимизни томоша қил. Ишимизда қизиқарли жиҳати балки камдир, лекин ҳеч қанақа яширадиган сир йўқ бу ерда...

Артём Иванович бурчакдаги диванга ўтирди, оғирлигидан диван ботиб кетди.

— Мен, Галя, маслаҳатга келган эдим... Бир зумгагина.

— Бир зумгагина бўлса ҳамки вақт ўлчоғлик-да. Салгина ўтириб тур. Менинг ҳали...— Галина Петровна столда турган аллақандай бир хатга қаради, секретар-

ни чақирди.— Гурнч, менга Горторгни чақириб бер.— Галина Петровнанинг креслоси ёнидаги столчада турган телефон жиринглади. Галина Петровна трубкани олди.— Стаковми?.. Ўртоқ Стаков, кўчма магазинларни нима қиляпсизлар? Хаёлингизга ҳам келтира кўрманг буни. Одамлар уч километрга қатнаснми? Одамлар тўғрисида ўйлаш керак. Зарари йўқ. Ташиб турасизлар. Шу мақсадда сизларга транспорт берганмиз...— У трубкани қўйди ва яна секретарни чақирди.— Гурич, барака топкур, мени электростанция билан боғла. Айтгандек, улар телефон қилишмадими?.. Йўқ дейсанми? Менинг ўзим бир телефон қилиб қўяй... Ким бу?.. Архипчукмисан? Нега қўнгироқ қилмаялсан? Қоронгида тополмайди мени деб ўйлаганмидинг? Ҳамма ёқни зими斯顿 қилиб юбординг-ку!.. Нега қоронги дейсанми? Кун бўйи токнинг мазаси бўлмади, радио зўрға гапиряпти, кино ҳам хира... Вақтида ремонт қилиш керак эдида... Ёлғон гапирялсан. Сен бизнинг уйимизни биринчи линияга улаб қўйгансан. Иккинчи линияга уланган дорихонага кирдим... Алдама. Кеча Богдандан вольтметр олиб шахсан ўзим ўлчаб кўрдим. Бир юз тўқсонга зўрға етди. Вольти кам... Эсингда бўлсин...— У телефон ричагига кафтини босиб, яна кўтарди.— Қизгина, мени бешинчи қурилиш участкаси билан боғла... Ишлар қалай, бошлиқлар? Уйларда қачон ваннада чўмиладиган бўламиз? Ташвишланманг дейсанми? Ташвишланяпманда, бу яқин орада битадиганга ўхшамайди-ку... Нима қилиб қўл қовуштириб ўтирибсизлар? Сизларга ўхшаганларга ишонсак, бу яқин орада сув бетини кўрмайдиганга ўхшаймиз. Гидростройдан телефон қилишиди. Бугун туш пайтида беришларингиз керак бўлган йигирма машина қани?.. Резина йўқ? Ишни ўзларинг резина қилиб чўзяпсанлар. Эсларингдан чиқмасин... Чакиририб, роса терлаттираман бу ерда. Давлат иши бу. Тушуниш керак-да... Гапни калтароқ қил! Қабулимда одамлар турибди. Бир соатдан кейин агар машиналар жой-жойида бўлмаса,райкомга айтаман. Билиб қўй! Айтгандек, мактабни нима қилдинглар? Учинчи қаватда тўхтаб, қотиб қолдинглар-ку... Бунча худо-худо деб қолдинг? Мен ўн саккизинчи йилдан бери худога ишонмайман. Бугун-эрта сув келиб қолади — болалар қаерда ўқийди унда? Гидрострой эски бинони тезроқ бузишни талаб қиляпти...

Незабудний диванда ўтирган ерида, диққат билан тикиларди унга. Вой Галя-ей, шахтачи-ей! Ҳамманинг таъзирини беряпти-ку! Унинг айтгани-айтган, дегани-деган. Сир-асрорларини бу ерга бекор олиб келибди. Эшитгиси ҳам келмас бунақа гапларни. Иши бошидан ошиб ётган одамнинг вақтини олиш ҳам яхши эмас. Лекин, шундай бўлса ҳам ўтиргиси, гапларни тинглагиси келди.

— Қани, Гурич, чақира қол энди,— секретарга буюрди Галина Петровна

Қабул бошланди. Бирин-кетин кирган одамлар раиснинг катта столи олдидаги стулларга ўтириб, ўз эҳтиёжлари тўғрисида гапирав, илтимосларини, ташвишларини айттар эдилар. Одам кўп эди. Незабудний ишим ўнгидан келмади, раиснинг оғир кунига тўғри келдим, деб ташвишлана бошлади. Лекин бу кун ҳам одатдаги кунлардан бўлиб, ўтган ёки бундан кейинги қабул кунларидан ҳеч фарқ қилмас эди.

Даставвал болалар яслисининг озғингина мудираси кириб, яслининг деразалари қараган боғчада яқинда қурувчиликлар клуби очилгани, клубнинг ҳам деразалари шу томонга қараганини, ҳаво исиб кетган шу кунларда деразаларнинг таккинасида қурувчиларнинг ҳаваскорлардан иборат хор тўгараги кечқурунлари ишлаб, болаларнинг ухлашига халақит берадиганини айтиб шикоят қилди. Болалар ухлаёлмай, чўчиб тушишаётган эмиш. Йўргак ҳам етишмай қолибди. Шу хорни бирор бошқа жойга кўчиришнинг иложи йўқмикин?

Галина Петровна қурувчиликлар клубига телефон қилди:

— Гап йўргакда эмас, болаларни ўйлаш керак. У ашулачиларингизга нуқул алла айтишни топширолмайсиз-ку, ахир. Иккита йўғон овозли ғишт терувчи ашулачинглар бор, бир ашула бошласа бу ердан, Совет кўчасидан ҳам эшитилади. Умуман, репетицияни бошқа жойга кўчиринглар, болаларни чўчитманглар. Билиб қўйинглар, шахсан ўзим текшириб қўраман.

Кейин Макар Зелепуха кирди. У Незабуднийни бу ерда учратишни хаёлига ҳам келтирмаган эди, кўриб жуда уялди. Раиснинг столи ёнида ўтираркан, ҳадеб Артём Ивановичга тикиларди. Ҳатто кўзини ҳам қисиб қўйди, Артём Иванович эса унга жавобан жилмайди.

— Галина Петровна, жаҳлинг чиқмасин. Бир гап-

лашган эдик... Чоллар ҳали-ҳали мени калака қилиша-ди. Үсал қилганинг ҳамманинг эсида. Лекин ҳозир бу масалада келмаганман. Сенинг кўрсатманга биноан товуқхонамни бузган эдим. Сен менга тахта ваъда қилган эдинг. Янгисини қуриш керак. Товуқларим жойсиз қолди...

Ёғоч складига йўлланма олиб, у ўрнидан турди, кабинетдан чиқа туриб, кулгиси қистаб турган Незабуднийга қараб қуюқ қошлири билан бир имо қилиб қўйди.

Аллақайси қурилиш участкасидан раисга телефони қилишди, хабар раисни қувонтирди шекилли, бирдан хурсанд бўлиб кетиб, деди:

— Мана бу бошқа гап! Бу гап қулоққа майин күйдек ёқади. Раҳмат, ўртоқ Андрюшин, ҳаммаси учун раҳмат! Яхши. Қабул қилиш учун эртагаёқ комиссия белгилаймиз. Кўп одам хурсанд бўлади. Қабул қилиб олинса, дарров кўчиб келишга рухсат этамиз.

Галина Петровна трубкани қўйиб улгурмаёқ афтидан бошқа бирор уланиб гап бошлади шекилли, Галина Петровна шангиллай кетди:

— Нима, нима? Радиодан... Мен сизларга текстими юборган эдим-ку. Йўқ, янги шаҳар боғи тўғрисида ганиришга вақт эрта ҳали. Керакмас. Подадан олдин чанг кўтаришни ёмон кўраман. Майли, билганларингни қиласверинглар.

Кейин қувноқ кичкинагина бир кампир кирди, у Галина Петровнанинг квартира олиб берганини, янги жойда яхши яшаётганини, у ердаги қўшнилари яхши одамлар эканини, уларнинг Поселковая кўчасидагида-қа ярамас одамлар эмаслигини бир бошдан гапира кетди.

— Бўлмаса яна нима керак сизга, буви?

— Сенга ташаккур айтишим керак. Бошқа гапим йўқ. Вақтимни ўғирлайти бу кампир деб ўйлама. Мен ўтган ҳафта навбатга ёзилган эдим. Сенга раҳмат айтгани келдим. Сайларда сенга овоз бериб янгилишмаган эканман. Ҳа, янгилишмаган эканман, Галина Петровна. Бошқа гапим йўқ.

Кампирдан кейин юzlари қизил, мошкичири чўйқин соқолли, дўппи кийган, ёши анчаларга бориб қолган қотма бир одам кириб келди. Қўлтиғида ғўладек қилиб ўралган қоғозлар. Ў қоғозларни очиб, гоҳ раисга яқинлашар, гоҳ ўзини сал орқага олиб қоғозларда чизилган

нарса нималигини тушунтиарди. Галина Петровна ўриндан туриб, баъзан унинг қўлидан қофозни олар, у билан бирга қоғоздагини яхшироқ кўриш учун ёруқقا—дераза ёнига борарди.

— Раҳмат сизга, Илларион Петрович,— деди Галина Петровна.— Чоршанба куни президиумга қўямиз. Ҳаммага ёқса керак деб ўйлайман. Худо ҳақи, ишонгим келмайди. Наҳотки, Сухояркамиз шунаقا чиройли бўлиб кетса-я?.. Артём, бу ёқقا кел, бир қара. Бир-икки йилдан кейин Сухояркамиз қанақа бўлишини бир кўриб қўй. Манави лойиҳани кўряпсанми? Айтгандек, танишинглар. Бу киши бизнинг ҳайкалтарошимиз. Илларион Петрович Скородумцев. Григорийнинг мактаб олдидаги турган ҳайкалини шу киши ишлаган.

— Янглишмасам, ўртоқ Незабуднийсиз-а?— руҳланниб деди ҳайкалтарош.— Жуда соз. Сиз, эшитишмача, олис ўлкаларда Григорий Богдановичли кўрган экансииз-а?

— Шунаقا.

— Хўши, сиз нима дейсиз? Ухшата олибманми? Энг муҳими, қўлимидан келганмикин? Ажойиб характерини кўрсатишни ўзимга мақсад қилиб олгандим.

— Жуда ҳам ўхшайди,— деди Незабудний секингина.— Худди тирикдек. Кўзим тушиб, бир зум қараб қотиб қолдим, баданим жимирилаб кетди. Тирикдек-а, худди ўзи!

Ҳайкалтарош паҳлавоннинг атрофида бир зум парвона бўлиб, ниҳоят, ўзини тутолмай деди:

— Эҳ, ўртоқ Незабудний... Артём Иванович, янглишмадимми, шундайми? Агар розилик берсангиз... Қурилаётган сув омборининг қирғогида катта бир фигура ўрнатилади, буни менга буюришган. Мана бу ерда ўрнатилиши керак!..— У қофозлардан бирини очиб, баромоги билан кўрсатди.— Эҳ, агар рози бўлсангиз, сизнинг ҳайкалингизни ишлардим. Сизнинг гавдангиздан яхшироқ гавда топилмас. Бронзадан қуярдим. Мангуколади, мангуба.

— Керакмас,— Незабудний бош чайқади.— Эътиборингиз учун ташаккур. Ўз гавдам турганда, қўшимча бронза гавданнинг нима кераги бор? Ўлганимдан кейин майли, агар арзисам, гавдамини бронзадан қиливеринг.

Раиснинг қабули узоқ давом этди. Роса икки соатга

чўзилди. Ҳаммадан кейин бир пайтлар жуда ҳам чиройли бўлган, ҳозир эса ранги ўчиб, сўлиган, эски модали шляпа кийган бир аёл кирди. Унинг шляпасидаги гул ҳам сўлигандек кўринарди. У қабристоннинг бир қисмини кўчираётганларига кескин норозилик билдириди. Эри — бир умр Сухояркада, шахтада инженер бўлиб ишлаган эри ўша ерга дафн этилган экан. Аёл рўмолини чаккасига босиб, секин, лекин ранжиган товушда гапиравар, қабрларни ҳурмат қилиш кераклигини уқтиради... Яқин кишиларининг туйғуларини ҳурмат қилиш керак, дерди.

— Мен туйғуларини ҳурмат қиласман, гражданка,— деди секингина Галина Петровна,— одамларни ҳурмат қилишга ўрганиб қолганман, марҳумларни тириклигига даёқ ҳурмат қилишга ўрганганман. Тушуняпсизми? Эрингиз Евгений Дементьевични билардим... Жуда ҳам яхши инженер эди. Биз, шахтачилар уни ҳамма вақт ҳурмат қилардик, қадрлардик. Унинг ҳокига тегмоқчи эмасдик. Лекин, ахир, қаерда ётиш унга ҳозир бари бир эмасми? Биз тирикларни жойлаштиришимиз, янги тураржой қуришимиз керак. Ҳа, ҳа, тураржой керак. Тушуняпсизи буни? Одамларга яшайдиган жой керак! Ахир, сув келяпти. Қанчадан-қанча кварталларни бузишга тўғри келяпти... Биз Евгений Дементьевичнинг қабрини бошқа қабристонга кўчирсак ҳеч нарса бўлмайди-ку?

— Сиз буни тушунолмайсиз,— деди аёл.— Сизга бу тушунча ёт. Нима қилсамикин!. Яқинроқ бўлиш учун мен квартирамни алмаштирган эдим... Сиз буни тушуна олармидингиз!

Галина Петровна ўрнидан турди, стол узра сал энкаийиб, аёлнинг юзига тикилди.

— Кимга гапиряпсиз бу гапни?— деди у деярли пичирлаб.— Янги жойга сиз автобусда ўн минутда етиб боришингиз мумкин. Пиёда борганингизда ҳам ярим соатлик йўл. Менинг ўғлим ётган... Менга беҳад қадрдан бўлган қабристон эса... мингларча километр нарида. Бу қабр қаердалигини билгунимча ўн йил ўтиб кетди. Раҳматки, бир одам топиб берди... Лекин унинг қабри дунёнинг нариги чеккасида экан. Сиз бўлсангиз менга бундай тутуриқсиз гапларни гапириб ўтирибсиз. Мен эмас, сиз тушунмайдиганга ўхшайсиз!

Аёл ҳам ўрнидан турди.

Бир-бирига бегона ва асло ўхшамайдиган икки аёл ўзаро тикилиб қолди.

— Кечиринг,— деди аёл.

— Ҳечқиси йўқ...— деди Галина Петровна ва ўрнига ҳорғин ўтирди.

Бу гаплардан кейин аллақандай шубҳали сирлар ва яширилган хазина тўғрисида гапириб бўлармиди? Лекин Галина Петровна қабулидаги сўнгги киши билан хайрлашгач, икки кишига чой келтиришни секретаридан илтимос қилди-да, Артём энди қўзғалай деб турганда унинг ёнига, диванга бориб ўтирди. Галина Петровна кичик, аммо бақувват қўли билан унинг елкасидан босиб ўтиргизди, худди ўргимчак инни сидиргандек, қўли билан юзини ишқаб, ҳорғинлигини сал ёзган бўлди.

— Артём, анча кутдириб қўйдим, кечирарсан...

— Сулаймон пайғамбардексан-а...— деди Артём ўгирилиб.— Худди Сулаймон пайғамбар. Сенинг бунақа бўлиб кетишинг етти ухлаб тушимга кирмаган эди, Галя... Қара-я!

— Қўйсанг-чи бу гапларни, Артём... Қани, гапир-чи, нима ишинг бор эди.

— Яхшиси, бошқа бирор вақт...

— Билганингни қил. Лекин, нимагадир ийманяпсан, бирор сиринг борга ўхшайди.

— Галя,— Артём Иванович гапиришга аҳд қилди,— лекин мен сенга тўғрисини, ҳаммасини гапириб қўя қоламан.

Йўқ, ҳаммасини гапирмади у. Юрагини тошдек эзиб турган энг муҳим дардини гапирди-ю, бошқаларини гапириб ўтирмади. Пъердан эшитганларини айтди, холос.

Галина Петровна унинг гапини тинглаб, ўйланиб қолди.

— Биласанми,— деди кейин у қатъий қилиб,— мен сенга яхши маслаҳат беролмайдиганга ўхшайман. Бу сенинг шахсий виждоний ишинг. Лекин сезиб турибманки, мендан алланимани яширяпсан.

— Яшираётганим йўқ, Галя..

— Қўй, гапирма. Билганингни қил. Мен сени мажбур қилмайман. Лекин мен сенинг ўрнингда бўлганимда керакли жойга маълум қилиб қўйган бўлардим. Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Фашистларнинг яқин-атрофда, қаергадир бир жойга қимматбаҳо нарсаларни

кўмганликлари тўғрисида миш-мишлар бор эди. Бир вақтлар анча қидириб ҳам кўрганмиз. Лекин ҳеч нарса тополмадик. Бироқ, гидростройда, Степной поселкасини бузишганда экскаватор ерга кўмилган консерв банкасини ковлаб чиқарган, ундан узук, маржонга ўшаган қимматбаҳо буюмлар топилган эди. Давлатга топширишган эди. Айтишларича, анча-мунча тураркан. Фашистлар кўмиб қўйишган-у, олиб кетишга улгура олишмаган. Бошқа ҳеч гап йўқ. Лекин, ҳар қалай тегишли жойга хабар қилсанг зарар қиласди. Яқинда районнинг ярмиси сув остида қолади. Қимматбаҳо нарсаларнинг ер остида қолиб кетгани яхшими? Хўжаликни ривожлантиришда асқотарди. Харажатларимиз жуда ҳам кўп. Мен, Артём, бу суҳбатимиз тўғрисида маълумот берсам бўлади-ю, лекин, ҳар ҳолда, шахсан ўзинг бориб гапириб берганинг маъқул. Бир гап борга ўхшайди. Тўғрими? Сен ўзинг бор, мен телефон қиласман, тезроқ қабул қилишади.

Артём Красношахтерская кўчасидаги эшиги олдида соқчи турган 8-уйга жўнади.

Артём Ивановични кичик, озода бир хонада қабул қилишди.

Деразанинг пастга тушиб турган юпқа пардасидан ҳозиргина ювилгандек топ-тоза полга нур тушиб турарди. Озғин, ланж ва ҳатто уйқу босганга ўшаган, гражданча кийимдаги бир одам бирдан кўзини жавдидатиб Артём Ивановичга пешвоз чиқди. Ўтиришга таклиф этди. Ўзи ҳам ўтирди. Диққат билан, лекин ўзини унча эътибор бермаётганга солиб тинглади. Ташаккур билдириди.

Кейин Незабуднийни олдингисидан сал каттароқ, тоза ва бирмунча ҳувиллаганроқ кабинетга олиб боришиди.

Ялтироқ паркетга тўшалган гилам-поёндоз устида ҳеч қанақа қофоз кўринмайдиган катта стол ёнига олиб борарди. Бояги граждан кийимидаги киши Артём Ивановични ёши анчаларга бориб қолган, новча, ҳарбий киши билан танишириди. Бу ерда ҳам Артём Иванович берган маълумотини яна такрорлади. Унга яна ташаккур билдиришди. Тўғри иш қилганинни айтишди. Қаттиқ сир сақлаб, ҳеч нарса тўғрисида гапирмасликни ундан илтимос қилдилар, стол тортмасидан бир варақ қофоз олиб, Парижда чақирилмаган меҳмоилар Пьерга маъ-

лум қилган адресни ёзиб олишди. Қоғозни яна тортмага солиб қўйишди. Иш халқаро миқёсда бўлганлиги кутилмаган бирор гап чиқиб қолиши мумкинлиги учун марказга, Москвага хат ёзишга ваъда беришди. Хотиржам бўлишни айтиб, чорасини кўражакларини айтишди. Красношахтерская кўчасидаги бу уйга келганингизни ҳозирча Пьерга айтмай туриング, деб тайинлашди.

Мана, энди Незабудний ўзини тақдир ҳукмига топширди, энди шармандали ва бемаъни воқеа очиладиган бўлди, Незабудний бу воқеа фош этилгудек бўлса, уни инкор этолмайди. Бу воқеа билан алоқадор ҳақиқат ҳам аён бўлиши керак. Артём Ивановичнинг кўнгли хотиржам эди. Ҳар ҳолда у тўғри иш қилди-ку. Шундай қилиши керак ҳам эди. Энди у вақти-соати етгунича одамларнинг кўзига тик қарай олади. Кейин эса бўлганича бўлаверади. Парижда анави икки киши агар Пьерни алдамаган бўлса, яширилган хазина билан бирга ҳақиқат ҳам юзага чиқса, гарчи гуноҳсиз бўлса ҳамки, бу ишда айбор бўлиб қолганини айтиб, ўзини балки оқлай олар, оқлай олмаганда ҳам майли, ўтмишдаги хатолари учун бир жазо бу...

У уйга қайта туриб кекса бир дараҳт остидаги скамейкада дам олди. Почтага кириб, «Ватанимиз спортини ривожлантиришдаги катта хизматлари» эвазига Москва қатъий ва сахийлик билан белгилаган пенсияни олиши керак эди. Бутунлай нотаниш ёш бир қизча яқинлашиб келаверди. Артёмнинг кўзига жуда ҳам ёш кўринган экан, яқинлашганда қараса, уччалик ёш эмас, гавдаси ўқувчи қизларникидай нозик, боши ҳам кичкина, сочи иккита қилиб ўрилган, ўзини эркин тутадиган бир қиз экан.

— Кечирасиз, шу ерликмисиз? — деб мурожаат қилди у Артём Ивановичга, унинг олис ўлқадан келганини билдириб турадиган кийимларига тикилиб.

— Шу ерликман,— деди Артём Иванович фахрлангансимон. У ниҳоят ўзини «шу ерликман» деб танитиш имкониятига эга эди. Кўп йиллар давомида у ҳеч қарда «ерлик киши» бўлолмаган эди.

— Тулубей номидаги мактаб қаердалигини айтиб беролмайсизми? — сўради қиз.

Незабудний шляпасини қўлига олиб, секингина ўринидан турди. У қаддини ростлагандага нотаниш қиз сал орқага тисарилиб, оғзи очилганча ағрайиб қолди.

— Вой, қаранг-а! — деб юборди қиз паҳлавоннинг қоматига қараб.

— Марҳамат, хоним... — деди дўриллаб Незабудний. — Мен сизни бошлаб бораман. Ўша ёқса кетяпман.

«Хоним» сўзини эшигтан қиз ҳайрон бўлиб, унинг кўзига тикилди.

Мактабга бора туриб улар гаплашдилар, танишдилар.

Ўз йўлдошининг бўй-бастига ҳам, фамилиясига ҳам ҳайрон бўлган қиз, унга аллақандай ишонч билан қараб, ўзининг Тулубей номидаги мактабга бош пионервожатий қилиб тайинланганини, исми Ирина Николаевна, фамилияси Стрекотова эканини айтди.

— Мана, болалар, танишинглар ва ҳурмат қилинглар,— деди Ирина Николаевнани эртасига синфга бошлаб кирган Елизавета Порфириевна.— Бу киши янги ўқитувчи. Бошлангич синфларда дарс берадилар, шу билан бир вақтда бош пионервожатийлик ҳам қиладилар. Шу вақтга қадар бош пионервожатийимиз йўқ эди. Сизлар бу кишига пионер ва мактаб ишлари билан тезроқ танишишда кўмаклашинглар.

Охирги парталарда ўтирган болалар ўринларидан туриб, янги ўқитувчини, ўз пионервожатийларини яхшилаб кўриб олдилар.

— Ёшгинайкан-а! — деб шивирлашишди қизлар.— Яхшигинайкаила!

— Ҳали ёшгина қиз болайкан-ку! — деб пичирлашишди ўғил болалар, пионервожатий ёқинқирамай.

Ирина Николаевна пионерлар билан танишди, болаларни бирма-бир турғизиб, бутун синф билан ҳам танишиб олди. Ҳар бир бола фамилияси чақирилгач, «мен» ёки «шу ерла» деб ўриндан турарди. Ҳар бир ўқувчига Ирина Николаевна қувноқ нигоҳ тацларкан, самимий, бироқ талабчаш боқар: «Қани, Сурен Арзумян ким? Танишайлик-чи» ёки «Арсений Грачик қанақа бола экан, қани турсин-чи», деб қўярди.

Мила Колобродага навбат келганда у кўзини журналдан узиб сўради:

— Конда рекорд қўйгани Колоброданинг қизи эмас-мисан?

• Милка қизариб кетиб:

— Ўша кишининг қизиман! — деб жавоб қайтарди.

— Қизиқ! — деди Ирина Николаевна, афтидан янги пионервожатийга ростдан ҳам қизиққа ўхшаб кўринган эди. Машҳур отаси тўғрисида қизидан сўраб-сурширишдан ўзини аранг тийиб турарди у. Кейин у алфавит бўйича яна бир неча болани чақирди. Тўсатдан бир зум журналга тикилиб қолди-да, журналга ғилиб секингина ўқиди:

— Тулубей? Қсения Тулубей...

Қсана ўрнидан турди:

— Мен.

Ирина Николаевна ниманидир ўйлаб Қсанага узоқ тикилиб турди, қизарди.

— Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тулубей сенинг...

— ...отаси, отаси! — дейишиди болалар парталаридан қўзғалишиб.

— Отам! — деди Қсана жарангдор овоз билан ва ерга қаради.

Янги пионервожатий ўрнидан туриб, Қсананинг партаси олдига борди.

— Ҳа, ўхшаркансан, ўтири, — деди Ирина Николаевна.

У янә столи ёнига келди, бутун синфга бир нигоҳ ташлади, шунда унинг қиёфаси жиддийлашгандай кўринди.

— Қаранг-а, — деди Ирина Николаевна, — ажойиб кишининг номига қўйилган мактабда пионерларнинг вожатийси бўлиш шарафига муюссар бўлдим... Ажойиб довюорак киши бўлган у. У жасуруна ҳимоя қилган бизнинг юртимиздагина эмас, балки олислардаги Италиянинг зангори осмони остида ҳам уни мадҳ этиб қўшиқтар куйламоқдалар, уни шарафламоқдалар... Ўша кишининг қизи сизлар билан бирга ўқиркан.

Синфдаги болаларнинг ҳаммаси Қсанага ўгирилиб, гўё уни биринчи марта кўраётгандек тикилишиб.

— Анави ерда, дераза ортида унинг ҳайкали турибди. (Ҳамма дераза томонга ўгирилди). Мен, болалар, ҳайкални кўрдим, унча-мунча мактаб ишлари билан ташидим, лекин менга... Балки, болалар, мен янгилаштгандирман. Менга шундай туюлдики, қаҳрамоннинг номи бошқача-ю, мактабингиздаги ишлар бошқачадай туюлди. Йўлакдаги портрет, шундай қаҳрамоннинг юртрети ойнаванд қилинмаган. Рамкаларини чанг бос-

ган. Мактабнинг эшиги олдидағи бюстнинг ҳам бўёғи айнай бошлаган, тагсупасининг бурчаклари бузилган. Эштишимча, олдин болгар болалари билан, кейин генуялик итальян болалар билан хат ёзишибсизлар. Кейин бу ишни ҳам унутиб қўйибсизлар. Ўзлаштириш ҳам унчалик эмас экан... Менимча, Григорий Тулубей номидаги мактаб... шундай мактаб ўзлаштириш бўйича намунали бўлиши керак. Хўш, сизлар нима дейсизлар?

Синф гапнинг нимага бориб тақалишини билмай, жим туради. Ҳамма янги вожатийга тикиларди.

— Юз йиллаб кутилган сувни олиб келадиган канал қурилишига ҳам бирор марта бормабсизлар.

Кимdir шунда қўлини кўтариб:

— Боргандик,— деди.

— Қани, боргандар қўлларини кўтарсин-чи. Кимлар борган?— синфда икки-уч бола қўл кўтарди.— Жудаям оз. Тасодифан боргансизлар.— Ирина Николаевна синфни кўздан кечириб чиқди.— Генуяда Қаҳрамонимизнинг қабрини обод қилган партизанларнинг хатига ҳалигача жавоб ҳам қайтармабсизлар. Яхшими шу, болалар. Хўш, шундай шарафга муяссар бўла туриб қилган ишларингизни кўринг. Шундай қаҳрамон етишган мактабда ўқиш катта шараф, ахир. Григорий Богданович ўз жонини қурбон қилиб ҳимоя қилган итальян болалари, кўпгина бошқа шаҳарларнинг болалари сизга ҳавас билан қарайди. Улар машҳур Богритули, Григорий Тулубей тарбияланган мактаб жуда ҳам ажойиб бўлса керак деб ўйлашар. Вижданан айтганда, қани, мактабингиз намуналими? Қани, гапирингларчи?— Ирина Николаевна худди жавоб кутгандек бир зум жим қолди.— Болалар, бир яхши девиз бор. Мен Ленинградда уни тасодифан кавлаб топдим. Ҳа-ҳа, кавлаб топдим! Каникулда Ленинградга борган эдим. Қиши пайти эди. Эски Александр Невский қабристонинга бордим... У ерга Суворов кўмилган. Композиторлардан Чайковский, Римский-Корсаковлар дафн этилган.... Петр замонасидан қолган бир қабрдаги чўян гербда «Шонбозлик эмас, жонбозлик кўрсат», деган ёзувни кўриб қолдим. Кейин, яқиндагина газетадан ўқиб билсан Григорий Тулубейнинг ён дафтирида ҳам худди шу ёзув бор экан. Қанчалик тўғри, ажойиб ва жиддий айтилган. Бунинг маъноси: қуруқ шуҳратнинг кераги йўқ, саноқ-

да эмас, сонда бўлиш керак, деганидир. Уз шуҳратингга мос бўлишинг керак. Яхши гап-а, болалар?

У Қсанा Тулубейнинг олдин қизариб, сўнг ранги ўчганини сезмади. Синфда, олдинги партадагилардан охиридагиларгача, ҳамма «Шонбозлик эмас, жонбозлик кўрсат», деб тақрорларди. Биролар пицирлаб, бошқалар баланд товуш билан.

— Тулубейчилар деган юксак номга муносиб бўлмасак, уят. Сизлар, ахир, тулубейчиларсиз-ку. Унуманглар буни. Фақат номигатина эмас, амалда ҳам тулубейчи бўлиш керак. Мана, сизларнинг дугонангиз Қсения Тулубей бу фамилия уни нималарга ундаётганини тушунмаётгандир. Мактабингиз шу ном билан аталаракан, бу ном ҳаммаларингизни ҳам намунали бўлишга унрайди. Олдиндан шуни айтиб қўйай: агар аҳволни ўзгартиромасак, мен бу номни бошқа, муносиброқ бир мактабга олиб бериш масаласини қўяман.

Қсананинг қути ўчган, юзи оппоқ, мармар рангига кирган эди.

Мила дугонасининг аҳволига тушундида, унга кўз қирини ташлаб, бирдан:

— Яхиси, керакмас! — деди.

— Ҳа, керакмас,— деб рози бўлди янги вожатий. У Қсананинг паришон нигоҳини кўриб, бутун синф норози шивирлаганини эштиб, тақрорлади:— Яхиси, керак эмас. Ишонаманки, бу номни биз ҳеч кимга бермаймиз. Тўғрими?

Директор Глеб Силич янги вожатийдан сўради:

— Қалай, уддалаяпсизми? Сиз анави Кондратовни кўздан қочирманг. Бошқалардан ажралиб турмасин. Бирор ёмон таъсир кўрсатиб ўтирасин. Ҳар ҳолда у боланинг биографияси нобопроқ. Ҳар қалай синфда тартиб яхши бўлсин. Тушуняпсизми? Умуман, синф жудаям иттифоқ, бир хилда яхши болалар. Ўйлайманки, синфни әплай оласиз.

Директор балки ёш ўқитувчини руҳлантиromoқчи бўлгандир, лекин ўқитувчи бу гапдан анча хафа бўлиб юрди.

— Нега хафасиз?— Елизавета Порфириевна уни тинчлантириди.— Ёмон одам эмас директоримиз — яхши раҳбар.

— Эҳ тангрим! — деди ваҳми келиб Ирина Николаевна. — Яхши одам-ку, топ-тоза, лекин жуда совуқ одам. Бунақаларни кўрганда жунжикиб кетади одам...

— Жудаям бунчалик эмас, азизим. У рақамларга жуда ҳам ишонади. Баъзан рақамга қараб сифатни кўрмайди. Ҳамма бола бир хил эмас. Ўқувчиларимни беш қўлдай биламан, дейдиган педагогларнинг гапига ишонманг сира! Ҳолбуки беш қўл баравар эмас. Бош бармоқ жимжилоқ билан бараварми?

Ирина Николаевна болаларникига ўхшаш дўмбоқ-қина қўлига тикилди, бошини хурсанд силкиди.

— Яхши пианиночининг бармоқлари бир текисда ишлайди, — дея гапини давом эттирди кекса ўқитувчи. — Бармоқларининг ҳаммаси ҳамжиҳатликда оҳанг яратади. Болалар ҳам шунаقا. Лекин ҳаммаси ҳар хил. Бир текисда эмас, уларни ўтинга ўхшатиб тахлаб, саржинлаёлмайсиз. Синфингизда қирқ бола борми? Унуманг: қирқ хил характер. Ҳеч қачон бир хил бўйолмайди улар! Метр билан литр, олма билан коптоқ, уй билан кема бир эмас. Лекин ҳар кимда ҳам бўладиган яхши жиҳатларни умумий бир мақсадга бўйсундириш керак. Шахсий характерни бузмайдиган, шахсиятни бойитадиган ана шундай яхши жиҳатлар асосида юксак, олижаноб жамоа юзага келиши керак, сиз билан бизнинг вазифамиз ҳам шу жамоани юзага келтиришдан иборат... Бунда яхшилар қаторида саналмай, чинакам яхши бўлиш керак. Ҳа, мақсадга эришиш керак. Айтганингиздек, «Шонбозлиқ эмас, жонбозлиқ кўрсат»-моқ керак. Уларга бу гапни яхши айтибсиз.

Ирина Николаевна дарс тугаши билан ижрокомга жўнади, раис билан гаплашмоқчи бўлди. Секретарь — Незабудний келган биринчи куни унинг ҳассаси билан оёғини эзиб олган киши — ҳозиргина раис қурилишга кетди, район маориф бўлими мудирийининг олдига борақолинг, деди. Ирина Николаевна эшикни тиқиллатиб, чоғроқ бир кабинетга кирди. Кабинетда кўзойнакли, чанғичилар курткасини кийган бир йигитдан ташқари кекса, жуссаси кичик бир аёл ҳам бор эди. Аёл брезент плаш, этик кийган, этиги лой. Қўлида ҳарбийлар сумкаси, афтидан, бу сумка портфель вазифасини ўтарди.

— Бу қанақа гап! — дея гап бошлади Ирина Нико-

лаевна келган куни танишган йигитга мурожаат қилиб.— Кеча, бугун мактабда бўлдим. Мактаб шундай қаҳрамонни тарбиялаб етиширибди, унинг номи билан аталибди-ю, ўз традицияларини унтиб қўйибди! Бутун халққа машҳур бўлган бир кишининг номи билан аталса-ю, шу номга муносиб бўлмаса!

— Тўхтанг, сал тўхтаб туринг, ўртоқ Стрекотова,— уни тўхтатди йигит.— Менга кейин гапириб берарсиз. Бажонидил эшитаман. Ҳозир бошқа муҳим бир ишимиз бор... Танишинг. Бу киши районимиз ижрокомининг раиси бўладилар...

— Жуда соз, раис бўлсалар!— унинг гапини бўлди Ирина Николаевна.— Худди шу темада мен сиз билан гаплашмоқчи эдим. Мен бугун директоримиз билан, яна бошқа кишилар билан ҳам гаплашдим. Яқин кунларда янги бинога кўчишимиз керак, бари бир бу бино сув остида қолади, деб ўзларини оқлашади. Бу ишни бирор кунга кечиктириб бўларканми. Биламан, биламан!— Раиснинг нимадир демоқчи бўлаётганини кўриб бидирлай кетди.— Биламан! Бунақа арбобларни кўп кўрганман. Иложини топсалар, ҳамма ишни эртага қолдиришади, бугунги ишни кўргилари келмайди. Келажакка шошиладилар. Қийинчиликларни айланиб ўтиб, оппасонгина келажакка ўтиб олмоқчи бўладилар. Ахир келажак ўз-ўзидан келиб қолмайди-ку, Маяковский ҳам худди шундай деган. Нима десанглар денг-у, мен сизни ҳам, ўртоқ раис, сизни ҳам огоҳлантириб қўймоқчиман. Мени шу ерга пионер ишларини бошқариш учун юбордиларми, мен бу ишни орқага сургани қўймайман. Орқага сурадиган бўлсалар, мактабнинг номини ҳам ўзгарта қолсинлар...

Ирина Николаевна бу гапларни ҳовлиқиб, шошапиша гапирди, охиригача эшитиб ўтиришмайди, гапими бўлишади, деб ўйлаган эди. Аммо, соchlари оқарган раис янги ўқитувчи-вожатийнинг гапини ғалати ҳолатда тикилиб тинглаб тураркан, бирдан креслодан туриб, уни бағрига босди, ўпди, кўзларидан оққан ёш ўз юзини ҳам, ўқитувчининг юзини ҳам нам қилди, кафтининг орқаси билан ёшини артди.

— Раҳмат сизга, қадрдоним... Раҳмат сизга, ўртоқ. Азиэм! Бирор шу тўғрида ғамхўрлик қиласар, деб умид қилаётган эдим.

— Нега сиз ғамхўрлик қилмайсиз?..

— Азизим! Менга ноқулай-да... Григорий Тулубейни фақат мактабгина тарбияламаган... Менинг ҳам ҳиссам бор.

— Шунинг учун ҳам сиз ғамхўрлик қилишингиз керак эди. Бурчингиз эди!— Ирина Николаевна бўш келмади. Йигит қилаётган имо-ишорани у кўрмас, ким билан гаплашаётганини ҳали фаҳмламаган эди.

— Мен-ку бурчимни бажардим, уни мен Ватанга бердим,— деди Галина Петровна қизишиб.— Мени ке-чирасиз-у, энди унинг шон-шуҳратини бошқалар сақласин, бу ҳақда огоҳлантириб юриш она учун ноқулай...

Шундагина Ирина Николаевна ким билан гаплашаётганини фаҳмлаб қолди, ўзини креслога ташлаган жуссаси кичик, оппоқ сочли аёл қаршисида бирдан қизариб кетиб, ўрнидан турди.

Янги пионервожатийнинграйижрокомга борганини эшигтан Ксанада бувисиданрайижрокомда ниматўғрисида гаплашилганини секингина сўради.

— Отангни унутмаслик тўғрисида гаплашдик! Мактабингиздаги ишлар унинг номига муносиб бўлиши кераклиги тўғрисида гапирдик. Номигагина эмас, чинакамига тулубейчи бўлишларингиз кераклиги ҳақида гапирдик. Даставваи сендан талаб қилишади. Сен унинг қизисан! Тулубей фамилиясининг табедда ҳам, синфда ҳам қандай янграши, мактаб эшиги олдида мамнун қараб туриши сенга ҳам боғлиқ.

Бир кундан кейин мактабда пионерлар сбори бўлди, бу сбор мактабнинг ҳамиша Тулубей номига муносиб бўлиши учун курашга бағишлиланган эди.

Сеня бу сборга кёлмади. Пионерларнинг ҳаммаси келди. Ҳали пионерликка қабул қилинмаган бўлса ҳамки, Пьернинг ҳам қатнашувига рухсат этдилар. Сбор очиқ ўтказилди. Ҳамма бор эди-ю, фақат Сеня Грачик йўқ эди. Ксанада унинг бу ишини мен ҳеч қачон кечирмайман, деб кўнглига тугиб қўйди.

## КУБОҚ ИШ БЕРДИ

Сеня, албатта, бирор нарса билан Қсананинг таъбии хира қилмоқчи бўлгани ёки унинг отасини, мактабнинг шарафини ҳурмат қилмаслигини кўрсатмоқчи бўлгани учун эмас, балки кўнгилсиз бир иш туфайли сборга келолмаган эди. Сборга боришдан олдин у уйга кирди ва Милица Геннадиевнаи тажанг ҳолда кўрди. Милица Геннадиевна тақсимчаларни жаҳл билан артиб, тарақлатиб столга тахларкан, қия очиқ эшикдан Грачикларнинг хонасига қараб-қараб қўярди. У ерда, сандиқ олдида Тарас Андреевич турарди. Тарас Андреевич сандиққа эгилиб, ичини кавлар, нарсаларни титкиларди. Уғлининг оёқ товушкини эштиб қаддими ростлаб, унга қаради.

— Фалокат! — деди Тарас Андреевич алам билан.— Иш чатоқ, Сеня! — сандиқни тақиллатиб ёпди.— Бригадамда беш минг сўм етишмаяпти. Қандай қилиб бундай бўлганини тушунолмаялман. Яхши оғайниларнинг касофати бу. Биргаликда ичдиг-у, энди ёлғиз ўзим жавоб беришим керак. Ё тезроқ тўлаш керак, ё судга беришади. Энди бу гал раҳм қилишмайди.

Сеня ҳеч нарса демади, қути-уй шаклидаги копилкаси олдига югорди. Бир велосипедга етадиган пул йиққан эди, бу тўғрида ўртоқларига гапириб юрарди. Бу пулни жуда кўп вақтлардан бери йиғар эди, энди эса ўйлаб ўтирумади. Копилкани столининг бурчагига уриб, тагини синдириди-да, пулинни отасининг олдига тўклиди.

Бу пул, албатта, жуда ҳам камлик қилар эди.

Милица Геннадиевна агар жудаем керак бўлса, шахсий жамғармамдан ёрдам бериб тураман, деб Тарас Андреевичга ҳамма нарсага тайёрдек ғалати қаради. Бу қараш Сеняга ёқмади, ғашни келди. Милицанинг отасига кўрсатаётган ортиқча ғамхўрликларига Сеня шубҳа билар қарар, ёқтирумас эди. Гўё Тарас Андреевичнинг маслаҳати билан қилаётгандек Сеняни ҳаддан зиёд терглашин боланинг иззат-нафсига тега бошлаган эди. Буни ота ҳам фаҳмлаган эди.

— Раҳмат сизга, Милица Геннадиевна,— деди у,— ҳожати ўйқ, ўзим бир иложини қиларман. Фақат, ке-

чирасиз, ижара ҳақини бу тал берадмайман, бир оғизни кейин, албатта бераман.

— Нималар деянесиз, шу ҳам гаймаш деди Милини қўл силкиб, билагузуктарни шакирлатиб. — Кўниий қўшнимиз-а!

— Ҳар қалай сал сабр қилиб турадең, деди Ти-рас Андреевич.— Маошимдан бир оз бор эди, оғизни-ларим ҳам бир оз пул топиб беринди, шундай бўлса ҳам, уч минг сўмча етмай турибди.

Сеня оғир изтироб билан кўчага чиқди. Ким билля маслаҳатлашсайкин, қаерга борсайкин, отасига қандай ёрдам берсайкин? Уни уятдан ва суд жавобгарлигида қутқазиш учун нима қилсайкин? Артём бобо бирор ёрдам бермасмикин? Ҳа, дунёда энг зўр одам бўлгани бу киши ёрдам бериши мумкин. У Незабудинининг ҳузурига югурди.

Сеня Артём Ивановичнинг шахсан бирор парса билан ёрдам бериши тўғрисида умид қилмас эди. Кўни кўрган, бақувват, жафоларни очиқ юз билан кўтишига одатланиб қолган бир кишининг маслаҳатига муҳтож эди у.

Артём Иванович Сенянинг гапини тинглаб, жуда хафа бўлиб кетди. «Эҳ,—деб ўйлади у,—агар рост бўлса, ўшани кавлаб топганда яхши бўларди-да. Бир кимсанинг мушкулини осон қилган бўлардим. Бирор нобуд бўлади. Болага ҳам қийин.» Чол билан бола рўпарама-рўпара жимгина ўтиришарди. Иккалasi ҳам иложисизлик юки остида қолганди.

«Борди-ю,— ўйларди кекса паҳлавон, кўчаларга афиша ёпиштириб, билет сотиб майдонга одам тўпласак. Мен, қариб қолган бўлсам ҳам «Гладиаторнинг қабри»ни бир ижро этиб берардим. Брезент кўнгилда гидек тортилса, ҳавони киригиб турса, ҳозир ҳам эп-лай олардим. Илгари пайтларда бу менга ҳеч гап эмас эди. Ҳозир бунга рухсат ҳам беришмас. Ҳа, бемаъни номер экан, хавфли бу, деб рухсат беришмайди».

Нима қилиш керак?

Бирдан столга кўзи тушиб, Артём тиззасига бир мушт туширди.

— Шошма! Ҳафа бўлма, Сеня! Пул топамиз. Отангга қанча муҳлат беришган? Бирор ҳафта вақт беришганмикин? Сўра-чи, отангга қачон керак экан.

— Беш кунча вақт бор, деган эди.

— Бўпти. Бор. Отангга бориб айт, Артём Иванович ёрдам бераман, деди де. Хафа бўлма. Ҳеч гапмас! Қани, қўлингни бер-чи,— у Сеняга ўзининг улкан, худди товоқдек келадиган қўлини тутди.— Қаттиқроқ қис... Мана шундай!

Незабуднийнинг улкан кафти аяб қисаркан, Сеня улкан кафт орасида кўринмай қолган бармоқлари билан кучи борича қисди.

Эртасига эрталаб Артём Иванович Пъернинг ўз синфдошлари билан қурилиш районига экскурсияга жўнаганидан фойдаланиб, қўшниларига район марказига бир бориб келаман, ишим бор, деди. Қўлига ҳасаси ва одатда бозорга ҳам, идораларга ҳам бирга олиб юрадиган чамадончасини олиб, автобус станциясига йўл олди.

Район марказига келгач, комиссион магазинни қидирди. Магазин рафларида пачоқ самоварлар ярқирав, тепага иш кийимлари, пахталиклар, ўзбек чопонлари осиб қўйилган. Пештахтада бойқушнинг тулупи, гипсдан ишланган ва қора тушь билан бўялган Наполеоннинг ҳайкалчаси турар эди. Вешалкада тўлки мўйна ёқа, попишак учун бўш қафас.

Магазин тор. Артём Иванович устига клёёнка қопланган, ҳаво ранг попуклар билан безатилган болалар аравачаларига тегиб кетмаслик, магазиннинг ўртасида тумба устида турган хитой вазасини туртиб юбормаслик учун оҳистагина ёнламасига ўтиб: «Комиссияга буюмлар қабул қилинади», деган лавҳали баланд иш столи томон юрди. У чамадончасини очди ичидан мато филошли бир нарсани олиб столга қўйди. Кейин эҳтиёткорлик билан филофили очди. Ваза кўтариб турган паҳлавоннинг кумуш мускуллари ярқиради. Ҳавога яшил нур тараляётгандек бўлди.

Кекса баҳоловчи.— буюннинг қадрига етадиган кишилиги кўриниб турарди — оғзи очилиб, бурнидаги кўзойнаги тушиб кетишига сал қолди, шунчалик гўзал нарсани кўриб ҳанг манг бўлиб қолганди у.

— Буни мен қаердадир кўргандекман? Қаерда кўрган эканман-а?— деб сўради у, вазани ҳар томонидан қараб, остига тикилиб, тош ва металлни авайлаб силяркан.

Артёмнинг оёқлари бирдан музлаб қолгандек бўлди.

— Ҳа, қаердадир кўргаиман. Журналда кўргани бўлсанам керак. Кечирасиз, буни сиз қаёқдан олдингиз?

Артём ўзини танитди.

— Ўйловдим-а, афтингиз машҳур одамга ўхшиаб турувди,— кекса баҳоловчи Артёмга таъзим қилди.— Шахсан ўзингизни кўриб турганимдан хурсандман. Қаранг-а, қаранг-а! Незабудний! Бундайлар кўи эмас, Шемякин-у Поддубний... Шундай гўзал нарсани пега сотмоқчисиз?

— Керак,— қисқагина жавоб қайтарди Артём.

— Сизда бу гарнитур эди шекилли? Бу жуфт бўлиши керак. Жуфтини келтирмадингизми? Афсус, иккига ажралибди-да. Иккаласи бўлганда сиз учун яхши бўларди, кўпроқقا пуллаш мумкин эди. Жуфт бўлганда Шахтёрлар саройига олишарди-да. Спорт залини жиҳозлаётган эдилар.

Артём жим тураверди.

— Ўзим ҳам шубҳаланяпман. Бунчалик қимматбаҳо нарсани қабул қилишга ҳақим бормикин? Сиз, майли, қолдириб кетинг. Ҳозир квитанция ёзиб бераман. Область харид пунктига мурожаат қилиб кўрарман. Ажойиб нарса! Ниҳоятда гўзал! Лекин икки ярим минг сўмдан ортиқقا олиб қололмайман. Тез сотилишига ҳам кўзим етмайди. Қиммат нарса, ишқибозигина олади буни. Ўзингиздан қоладиган гап йўқ.

Янги пионервожатий канал қурилишига ўқувчиларни экспурсияга олиб боришга рухсат беришларига муваффақ бўлди. Ирина Николаевна роса ғайрат қилиб, ҳамма раҳбарларнинг эшигини қоқди, телефон қилди, ишқилиб, улар ҳар қанча банд бўлмасинлар ёрдамлашишга кўндилар. Ўқувчиларга қизғин иш кетаётган бир пайтда қурилишни кўрсатишга ваъда бердилар.

Район ижроня комитети ажратган икки автобусда болалар қурилишга жўнади.

Шу вақтга қадар болалар олисдан, баъзан тепаликдан қараб кўрганларини энди яқиндан томоша қила бошлидилар. Кўз илғаган ерга қадар иш қайнайти. Яқиндан томоша қилаётганлари учун болаларга қудратли кучлар воситасида амалга ошираётган бу ўйниб, кавлаб ағдар-тўнтар қилиб ташланган майдоннинг чеки-чегараси йўқдай, гўё у бир минтақа каби бутун ер

шарини айланиб чиқадигандай бўлиб туюларди. Худди ернинг усти ўзидан-ўзи ёрилиб, катта дарё ҳосил бўлаётгандек...

Тик канал трассаси ернинг нариги чеккасига борадигандек, котлованларнинг қияликлари; шлюзларнинг деярли тайёр бўлиб қолган камералари; куни кеча ирмоққа ўхшаган, бугун эса кўл қиёфасига кирган сувни тўсиб турган тўғонлар худди осмонга тўғриланган телескопга ўхшаб кўк сари юксалган кранлар; кўз илғамайдиган кенг майдонда ишлаётган минглаб кишиларнинг шовқини — буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни мафтун этган, ҳангуд манг қилиб қўйган эди. Бутун атроф ҳаракатда. Бу ерда нимадир юксаляпти, нарёғда эса нуратиляпти... Қазилган тупроқ, бензин, аллақанаقا кислота, тутун, ацетилен, қарағай ва тамаки ҳиди анқир эди. Электропайвандлардан учқунлар сачраётган жойларда эриётган қор ҳиди — баҳор ҳиди келарди. Билимдон Сурен: «Озон!»— деб тушунтириди. Одамлар қилаётган ишнинг чексизлиги ҳатто уни ҳам, китоблардан ҳамма нарсани ўқиб билиб олган болани ҳам ҳайрон қолдирган эди.

Аллақаердан электр арранинг ғариллаши эшитиларди. Қозиқ қоқадиган тўқмоқли машиналар ерни ларзага келтирав, кичик-кичик паровозлар бири олиб, бири қўйиб чинқиришар, лойга ботиб кучанаётган самосваллар ва темир ванналарда шағал майдалаётган машиналарнинг товуши қулоқни қоматга келтиради. Ҳамма ёқда сим, шланг. Ҳамма ёқни турли-туман ғўлалар, темир-терсаклар, хивичлар қоплаган, шовқин-сурон орасидан одамларнинг овози ҳам қулоққа чалиниб турган, биринчи қарашда тартибсизликдан иборат бўлган бу муҳитда ҳар ким ўз ишини билиб қилаётгани, ҳамманинг қаерга боришини, нима қилиши кераклигини билиши болаларни ҳайрон қолдирди. Аста-секин шу нарса аён бўлдики, бу ерда ҳамма нарса маълум бир тартибга бўйсундирилган экан.

Машина ёғлайдиган бўйни ингичка ёғдоннинг миллион марта катталаштирилганига, қадам ташлаши эса баҳайбат ғозга ўхшайдиган одимловчи экскаватор болаларнинг диққатини жалб қилди. Осмони фалакка бўй чузган, тумшуғидан улкан беланчакка ўхшаган кавш осилган, кавш баҳайбат панжалари билан тупроқ, ша-

ғал, тош ҳовучлаб олиб, олие-олиселарга элтиб ташлар эди.

Үғил болалар ўзларини машиналар билимдени қирилб кўрсатиб, ўзаро мақтанишар экан, экекаваторининг қувватини аниқлашарди. Сеня билан Сурен ҳам билимдонликда бошқалардан қолишимаслик учун юк маниннларининг маркасини аниқлаб туришарди: ЗИС-150, Минскда ишлаб чиқарилган МАЗ, Ярославлда ишлаб чиқарилган ЯГ.

Бир-бирини шошилтираётгандек, чор атрофдан са-мосваллар қатнаб турибди. Улар тогдай! Тогдай уюб тупроқ ортиб керак жойга йўрғалар, маизилига стган Темир ванна-кузовлари кўтарилиб, тоналаб туироқ тў-кар эди.

Бульдозерлар жаҳли чиққан каркидоиларга ўхшаб пишқириб, ер суришмоқда.

Қурилиш участкаларидан бирцида болаларга инженер бўлажак шлюз ўрнини кўрсатди, кейин шлюз камесраси қуриладиган жойда Тулубей номидаги мактаб ўқувчиларининг қурувчилар олдида чиқишлари уюштирилди.

Қурувчилар бетон қуйниш учун ясалган қолиплар устида, арматураларни ушлаб тикилишиб туришарди. Пастда, улкан театр залининг партерига ўхшаган майдонда болалар бирин-кетин чиқиб, томоша кўрсатиши. Дастлаб юқори синф болаларидан бири шўх рақсга тушди. Болалар хор бўлишиб «Қани, тўхтатма» қўшиғини айтиши. Кейин Ксанана Светловнинг шеърини ифодали ўқиди. У шеърни жуда ҳаяжонланиб ўқиди, чунки шеърда айтилган нарсаларни ўз қўллари билан қураётган кишилар тинглаб турган эдилар. Ксананинг по-зик, жарангдор, тиниқ овози гавжум, бироқ жимжит шлюз қутиси узра янгради.

Шеърда рус суви мадҳланар эди. Москва атрофида-ги жилғалардан тортиб Петринг кемасини чайқатган қадимий сувларгача, Ушаков кемалари сузганда ҳосил бўлган тўлқинлардан тортиб совет флотининг қудратиши намойиш этган, қақшатғич жәнглар олиб борилгани денизларгача, Волга-Дон оқимларидан тортиб Сухояркагача келаётган сув куйланган эди.

Таржимаи холинг, зилол сув,  
-Кундан-кунга бойиб бормоқда.

Экскаватор — кучли, меҳрибон,  
Сен учун ер кўксин ёрмоқда.

Ўқитувчи синфда яқин атрофдаги ёки таниш бирор нарса тўғрисида гапирганида, ҳамма жойидан туриб ўша нарсага қарагандек, болалар экскаваторга қардилар. Ҳаммалари баравар қараганидан хижолат тортгандек экскаватор қавши жағини очди.

Қсанा бу ерда ҳам нималар бўлишини ифодалаган мисраларни ўқиди:

Кислород, водород дўстлиги каби  
Одатий ва оддий эмас унчалик,  
Харакат ва орзу бирлиги каби  
Халқлар кўз ўнгига турасан тетик.

Болаларга бу сўзлар унчалик тушунарли эмасди, чунки улар олтинчи синфда ҳали химияни ўтмаган эдилар. Қурувчиларнинг ҳам кўпчилиги формулаларни билмас, лекин ҳамма бир нарсани: шу ерда очилаётган йўлдан яқин орада бу ерларга сув келиши тўғрисида гап бораётганини тушунаётган эди.

Қсанা: «Тасодифан келган бир келгинди ҳам»,— дея туриб, Пьерга маънодор қилиб қараб қўйди.

На бир тасодифан келган меҳмону  
На бирор мамлакат — бутун ер юзи,  
Шундай шаффофоники қиласди-да орзу,  
Чайқар рус сўяига кўлин ва юзин.

Қсанা шеърни ўқиб тугатганда ҳамма уни олишибади. Ҳатто энг баландликда, кўклам осмони фонида турганлар ҳам қарсак чалишди, кимдир: «Бис!.. Бис!»— деб бақирди.

— Боплади-я!.. Чин юракдан ўқиди-я!— деди Елизавета Порфириевна завқланиб.

— Текстни яхши ёдлаган экан, бирор сўзни ҳам тушириб қолдирмади!— деди ҳаяжонланган Глеб Силич.

Шундан кейин, Ирина Николаевнанинг олдиндан ўйлаб қўйганига кўра, Пьер Беранженинг шеърини ўқиди.

— Пьер Кондратов революцион француз шеърларидан ўқиёда. Автор Пьер-Жан Беранже,— деб эълон қилди программани олиб бораётган новча йигит ташвишли қиёфада. Пьер каттакон резина этиги билан су-

лага чиқди ва баланд, гүё бирондан вақтича Қарға олгандек йўғон овозда шеър ўқий бошлади.

Пьер бобосининг севимли шеърини ёддан айтадиган эди:

Ватанга қайтиш  
Орзу қалиб серкүёш юртни,  
Орзу қилиб океан ортини  
Вафосизлик етаклаб кетди.  
Бегам ўсмир чоғимда мени.  
Менинг жонажон ўлкам,  
Жонимсан десам, бу — кам.  
У зларда мусоғир эдим.  
Софингандим она еримни.  
Йўқотгандим уйқуларимни...  
Салом энди, меҳрибон элим!

Қурувчилар Пьерни ҳам қаттиқ олқишилдилар. Нега бунчалик олқишилаганларини фақат Елизавета Порфириевна тушуниб турган эди. Уқувчиларга кўрсатган томошалари учун ташаккур айтишга сўз олган бир комсомол йигит, ёш қурувчилар бригадаси номидан гапиранкан, бундай деди:

— Париж пролетариатининг ёш вакили бу ерда революцион шеър ўқиб берди, биз бу ердаги барча қурувчиларнинг қизғин саломини Париж пролетариатига топширишни ундан илтимос қиласмиш.

Пьер Париж пролетариатининг вакили бўлганидан мамнун эди. Лекин бу тўғрида тушунтириб ўтиришнинг мавриди эмасди. Қурувчиларнинг танаффуси туғаган эди, моторлар гуриллади, самосваллар силкинишиб, баландликка кўтарилишда вагиллаб, ишга тушиб кетдилар. Одамлар қўлларига белкуракларини олдилар, замбилғалтакларнинг дасталарини, механизмларнинг ричагларини тутдилар.

Болалар қайтишда район маркази орқали ўтишлари керак эди. Уқувчилар жойлашган автобуслар район марказидаги бир майдонда, бензин колонкаси олдида тўхтади. Болалар бир оз чигилларини ёзиш учун автобуслардан чиқдилар. Ксана шу ерда қолиши керак эди, бувиси билан шу ерда учрашишга аҳд қилган эди. Ранс иш билан район марказига ўз «победа»сида келмоқчи эди.

Ремка Штиб, Пьер ва Сеня бекорчиликдан магазинларнинг витриналарига тикилишар, тротуарда кезишар эди. Бирдан учаласи ҳам ҳанг манг бўлиб қос

лишди, комиссион магазининг витринасида, панжара орқасида уларнинг учаласи ҳам Артём бобонинг столида кўп марта кўрган, таниш кумуш ваза кўтариб турган полвон ҳайкалчасини кўриб қолдилар.

Пъер эса эҳтиёткорликни унутниб, бутунлай ҳайрон бўлиб, деди:

— Регарде! Анавини қара! Иккинчи ваза. Кавлаб топишибди-да?..

— Нима? Нимани кавлаб топишибди?— Рёмка қизиқиб қолди.

Пъер қути ўчинб, витринанинг панжарасига ёпишиб, қўлларини дурбин қилиб, вазага тикила бошлади...

Худди ўзи. Бобосининг столида турадиган «Гладиаторнинг қабри» ҳайкалчасининг худди ўзгинаси.

— Нима дединг? Кавлаб топишибди дедингми?— Рёмка қизиқсиниб қолди.

— Ҳеч нарғса демадим! Йўқол! Ҳеч нарғса гапирғамадим-ку!

— Ёлғон! Пъер, эсингдан чиқарма! Биз ўртоқ бўлишга, ҳеч нарсани сир тутмасликка ваъда бергандикку! Бари бир билиб оламан, кейин ўзингга ёмон бўлади.

Шу пайтда колонка олдидағи автобус гудок бериб, болаларни чақира бошлади. Пъер ҳам машиналар олдига югурди. Рёмка бир зум жим қолди, панжара ва дераза орқали тикилиб, витриядаги кубокка яна бир қаради-да, Пъерпинг орқасидан чопди.

## XIX БОБ

### УШАМИ ЁКИ БОШҚАМИҚИН?

Кечқурун Незабудний Сухояркадан магазинга телефон қилди. Кубокнинг сотилганига кўзи етмаса ҳамки, бир телефон қилгиси келди. Лекин унга кубок сотилганини маълум қилдилар. Собиқ жаҳон чемпионига ҳурмат юзасидан пулини шу бугуноқ бермоқчи бўлдилар. Артём Иванович автобусга шошилди.

Район марказидан у жуда кеч қайтди, Грачикларнинг уйига бориб, Тарас Андреевичга пулни берди. Сенянинг «бир велосипедга етадиган» пули, эски шахтёр дўстларидан тўплланган маблаг ва Незабудний берган пул билан Тарас Андреевич етишмай турган

пулни қоплай олар эди. Тарас Андреевич индамади. Шу кунлар ичида у анча кексайиб қолган, соч-соқоли ўснб кетган эди. Ў чемпионлар чемпионининг забардаст қўлларини тутиб, кучи борича қаттиқ қисди, бoshини силкитди. Бунаقا пайтларда кучли эркаклар гапиришни ёқтирумай, ўйлаганлариши сўзсиз ифода қиладилар. Бир-бирларини сўзсиз тушунадилар.

— Соқолингизни олсангиз бўларкан,— Артёмнинг бирдан-бир гапи шу бўлди.

— Энди олсам бўлади.— Тарас Андреевич чакаларини силаб қўйди.

Уларни кузатиб турган Сеня ҳам шу топда ҳар қандай гап ортиқалигини тушуниб турарди.

Артём Иванович ҳорғин, лекин ишидан мамнун ҳолда уйга қайтарди. Машҳур совриндан ажралиб қолганига жони ачишса ҳам ишидан мамнун эди. Ҳар ҳолда яхши бўлди. Яхшиликка яради. Суд жавобгарлигидан ва шармандаликтан бирорни қутқазиб қолди. Ўғлининг кичик жонини ҳам уятдан қутқазди. Йўқ, «Гладиатор қабри» беҳуда кетмади, эсга тушганда кишини хуноб қиласиган иккинчисига ўхшаб беҳуда кетмади... Ўзининг севимли қўшиғини хиргойи қилиб у хонасига кириб борди. Ниҳоятда хурсанд пайтларда у ана шу севимли қўшиғини хиргойи қилас эди.

Столида яхшилаб ўраб, пухта қилиб боғланган алланима кўзинга чалинди. Ушлаб қаради — қаттиқ бир нарса. Ип остига: «Артём Иванович Незабуднийга», деб ёзилган конверт қистириб қўйилган эди. Сира кутилмаган бир иш содир бўлганини фаҳмлаган Артём қофозни шартта очиб қараганди, ваза кўтариб турган гладиаторнинг мускуллари ярқираб кўрниди. Конвертни очиб, ўқиди: «Шунаقا ҳам бўладими, Артём. Муҳтоҷ бўлиб қолган бўлсанг, айтсанг бўларди. Бўрилар орасида яшаб ўрганиб қолган экансан, ҳозир атрофинигдагилар одамлар эканини унугта. Бой бўлганингда берарсан. Йўқса — розиман. Г. Т.»

Ҳеч нарсани тушуна олмай, ўзини стулга ташлади, кубокка тикилганча узоқ ўтирди, томоғига нимадир тиқилгандек бўлди.

Кундузи бўлган воқеадан унинг хабари йўқ эди.

Бир кун илгари Галина Петровнага район марказига борган бир таниши телефон қилиб, Ксанага тўғри келадиган пўстинни магазинда кўрганини айтди. Гали-

на Петровна неварасига кўпдан бери пўстин қидириб юрар эди. Ксана бултурдан бери «Милканикига ўхшаган пўстинни» орзу қилиб юрарди. Унинг отаси Олий Советнинг сессиясига борганида Москвадан олиб келган эди. Галина Петровнага таниши худди шундай пўстин комиссион магазинда борлигини айтган эди. Нархи ҳам қиммат эмас экан. Галина Петровна анчадан бери пўстин учун пул йиғиб юрар эди.

Ҳаммаси ўнгидан келди. Галина Петровнанинг район марказида иши ҳам бор эди. Гидрострой экспурсиясидан қайтишда Ксана ҳам район марказида қолиб, бувисини бирпас кутиб туриши мумкин эди. Шундай қилиб, пўстинни кийиб кўрса ҳам бўлади.

Эҳ, менинг қадрдон қизларим! Ўғил болалар буни билишмайди! Пўстин бўлганда ҳам ажойиб пўстин-да, ўзиям! Худди қоқи ўтнинг момифидек, силкитсанг, учиб кетадигандек енгил... Жуни қалин, ипакдек маин, қорамтири жигар ранг, сарғиш йўл-йўл чизиқли бу ажойиб пўстин худди асаларининг терисидан қилингандек чиройли эди.

Ксана магазиннинг ойнаси олдида айланар, пўстиннинг юмшоқ ёқасига ияғми қўяр, ёқасини кўтарар, пўстиннинг момиқ елкаларига юзини ишқарди.

— Мунча буралавермасанг!— деди мулойимлик билан бувиси.— Питирлама. Тўхтаб тур-чи. Бу ери йиртилмаганми?..— ташвишланиб сўради у сотувчидан.

— Йўғ-э, буви! Яп-янги-қу!— унинг гапини бўлди Ксана.

— Сенга кенг эмасми?

— Ҳали ёзда мен анча ўсаман.

Хушбичим сотувчи ҳам гапга аралашди:

— Яхши нарса. Бебаҳо нарса. Қизингиз ҳали ўсади. Ўзиям худди қўйиб қўйгандек экан. Иккиланмасаигиз ҳам бўлади.

Ксана олдин бир биқинини, кейин иккинчи биқинини ойнага тутиб қаради... Негадир бирдан ойнага тикилиб қолди. Ойнага яқин бориб, яна жиддий қарай бошлади, ойнага бошини уриб олишига сал қолди. Англаб, кескин орқага бурилди.

Орқада, пештахтада кумуш гладиатор яшил нур таратаётган қадаҳни кўтариб туради.

Кубокни Галина Петровна ҳам кўрди. Кўрди-ю,

таниди. Артём келган биринчи куни бу қимматбаҳо нарсани унга кўрсатган, ижроия комитетида уни совуқ кутиб олганларини гапирган эди. Шуни әслаб, Артём билан у кўп марта кулишган эди. Ҳа, шубҳа йўқ. Ўша вазачинг ўзи. Оливин қалқон, шамшир, оливиндан текис қилиб, нафис ишланган яssi қадаҳ.

Шундай бўлса ҳам Галина Петровна аниқ билмоқчи бўлди. Балки бошқадир? «Бу кубокни ким келтириб топширди?— деб сўради у.— Баланд бўйли, чет элдан келган кишими?» Сотувчи, ҳа ўша, деди.

Ксанана эса, бувисини бир четга тортиб.. қулоғига нималарнидир шивирлашга тушди. Галина Петровна дастлаб гапига тушунмади, кейин фаҳмлади.

— Қизиқсан-а? Эсинг жойидами? Бунча пулни мен қаердан оламан?

Ксанана баттарроқ қизишиб, гап уқтира бошлади. Икки қўли билан Галина Петровнанинг тирсагидан тутиб олди.

— Буви, сиз гапга тушунинг!.. Бу унинг энг азиз нарсаси... Энг сўнгиси-я. Бошқа ҳеч нарсаси қолмаган. Олган совринларининг ҳаммасини чет элда сотиб тирикчиликка сарфлаган. Ҳаммасини сотган экан, Пьер менга гапириб берган эди...

Галина Петровна ичиди ўзини койиди: у одам бир маҳаллар қанчалик ранжитган бўлмасин, ҳозир бошига оғир кун тушган, кўриниб турибди. Қариган чоғида у ўз юртига қайтиб келди, унинг — Артёмининг аҳволи билан ҳалигача тузукроқ қизиқмади ҳам.

— Бу қанча баҳоланган сизларда?— деб сўради Галина Петровна сотувчидан.

— Биз икки ярим минг сўм баҳолаганмиз. Лекин ўзи жудаям подир нарса. Бу ўша, ҳали мен сизга айтганимдек, Незабуднийники. Артём Незабуднийники. Шахсан ўзига берилган бу сөврин.

— Эшитдингми қанча туришини?— сўради Галина Петровна Ксанадан.— Бунча пулни қаердан оламан?

— Буви, пулингиз бор-ку... Менга пўстинга олиб келгансизку.

— Пўстинга-да у. Ўтган йилги отпуска пулим бу. Қанчалигини эшитдингми? Бунча пулимиз йўқ.

— Бирордан озгина қарз олинг. Мен ҳам жамғариб қўйган пулими бераман. Сиз билан Москвага бораман деб йиғиб юрган эдим. Ўттиз икки сўмим

бор... Буви, илтимос, шуни сотиб олинг, сотиб ола қолинг. Ҳўп денг.

— Нималар деяпсан ўзи, тушуниб галирятсанми?..

Ксана ҳамон ойна олдида турар, пўстинни устидан ечмаган эди. Исиб кетганини эндиғина сезди. Қўли билан бўйнидаги терни артди. Ойнага яна бир тикилди, чап биқини билан, сўнг ўнг биқини билан ойнага қаради-да, бир оз хўрсиниб, кескин бир ҳаракат билан пўстинни ечди, мўйналик сиртини ичига қайриб, сенингина пештахтага қўйди.

— Билганингизни қилинг, буви!— деди у кескин.— Билганингизни қилинг. Лекин мен бу пўстинни ҳеч ҳам киймайман. Билиб қўйинг. Ҳеч ҳам киймайман!

— Бу қанақа бемаъни гап!

— Биламан,— Ксананинг томоғига шимадир тиқилгандек бўлди.— Биламан... Сиз унга қаршисиз. Ҳаммасини биламан...

— Нима жин урди сени? Қаердалигинги унутма!

— Биламан, буви. Ҳа!.. Лекин у отамни қутқазганику. Бизларга яхшилик қилған-ку...

— Бу сен аралашадиган иш эмас!— Галина Петровнанинг жаҳли чиқди. Ксананинг қўлидан ушлаб магазин эшиги томон юрди.

— Аралашмасам аралашмасман, лекин юрагим сезиб юриди, ёмон кўрасиз уни.

«Ҳа, бекор гапирдим,— ўйлади Галина Петровна.— Уялтириди мени бу қиз, бу иш ақл иши эмас, юракнинг иши. Рост гап. Григорийнинг қизи-её! Қўнгироқчадек шиқиллайверади, ҳар нарсага аралашаверади!»

— Кишда нима қиласан? Яна пўстинсиз қоласан-ку.

— Ҳеч гапмас. Пальтом бу йил ҳам бўлади. Бўйим ҳам ўсмаяти-ку.

— Бобонг билан маслаҳатлашсак бўларди,— деди Галина Петровна.— Қўп пуллик нарса бу, бирордан қарз олишга тўғри келади.

Галина Петровна невараисига тик қарамай, унинг ойнадаги аксига қаради. Ксананинг эгнида эскириб қолган драп пальто бор эди. Кўкраги тор, енглари ҳам калта бўлиб қолган. Лекин Ксана бувисига ҳеч қачон бунақа чиройли кўринмаган, оппоққина, нозик бу қиз бутун қиёфаси билан гавдаланмаган, ҳеч қачон бунчалик отасига ўхшаб кўринмаган эди.

«Чиройли қиз бўлади, жуда ҳам куйди-пишди қиз бўлади бу,— деб ўйлади кампир.— Айтган жойидан кесадиган бўлади бу ҳам!»

— Чекини ёзиб беринг,— деди у сотувчига.

— Пўстингами?

— Йўқ, ана у вазага,— деди кампир.

— Жуда ҳам чиройли нарса-да,— деди сотувчи.—

Пўстинни яшириб қўяйми?

Кампир ёзилган чекни олди:

— Пулинин ярим соатдан кейин тўлайман. Уйга телефон қиласай. Пулинин олиб келиб, кейин олиб кетаман.

— Пўстинни ҳам олиб қўяйми? Яшириб қўя қолай?

— Йўқ. Уни сотовер,— деди Галина Петровна.

Галина Петровна қурилишга, Богданга телефон қилди, тушунтириди. Ундан, майли, яхши иш қилган бўласан, Галя, деган жавоб олди.

Галина Петровна ўзининг эски шахтёр танишларидан бириникига бориб (уларнинг пули борлигини яхши билар эди), бир оз қарз олиб, қўлидаги пулига қўшида-да, сўнг яна магазинга келди.

— Бувижон!.. Биласизми, мен сизни жудаям яхши кўраман, жуда ҳам ҳурмат қиласман,— деди Ксанा, бувисини қучоқлаб.

— Яхши. Ҳурматингни пўстин ўрнида киявер энди, эҳтимол иситар,— деди кампир.

— Жуда ҳам иситади. Жуда ҳам! Ҳалитдан қизиб кетяпман...

Артём Иванович хаёлга берилиб ўтиаркан, Пьер-нинг экскурсиядан қайтиб келганини ҳам пайқамай қолди. Пьер бирорни бармоғи билан имо қилиб чақирди. Эшикда Рёмка Штиб кўринди. Иккаласи ҳам ҳангуга манг бўлиб столда турган кубокка тикилиб қолишди, кубок ўралган қофозлар олиб қўйилган эди.

Пьер кубокдан кўзини узмас эди. Рёмка ўртоғининг елкасини қоқиб, имо қилиб қўйди. У йўлда ҳам Пьерни ўз ҳолига қўймаган, яшириб қўйилган хазина тўғрисида сўрайвериб, Пьернинг жонига теккан, Пьер баъзи нарсаларни унга гапиришга мажбур бўлган эди. Лекин ҳозир Пьер Рёмкага ҳеч парво қилмай, нуқул кубокка қараётган эди. Энди унда шубҳа қолмади:

кимдир кўмиб қўйилган хазинани топган, иккинчи кубокни олган, Парижда унга гапирган одамлар алдамаган эканлар-да.

Рёмка уни секингина тортиб, ётоқхонанинг йўлагига олиб чиқди.

— Менга қара,— деди Рёмка, улар йўлакка чиқканларида.— Сен ундан бир сўра. Буни ким топдийкин? Балки ўзи топгандир. Автобусда ҳайдовчидан эшитдим, уни район марказида кўрган экан. Росаям гавдаси бор-да, ўзим кўрдим, деди. Балки у ерда яна бирор нарса қолгандир? Ҳаммасини олиб келолмагандир. Билсангчи!

— Йўқолсанг-чи!— деди Пьер бирдан.— Мен бу ишга аргалашмайман!

— Бу нима деганинг?— деди Рёмка ғазабланиб.— Махани эсдан чиқардингми? У билан иноқ бўлишга ваъда берганингни созлаб бир эслатиб қўяди. Билиб қўй! Бориб бир оғиз гапирсам, адабингни бериб қўяди...

— Ҳеч нарса деганим йўқ сенга. Ҳеч нарса.

— Ҳеч нарса? Автобусда гапирганларинг-чи? Ёлғонми? «Топибдилар-да», деб магазинда айтганингни Сенъка ҳам эшитувди. Мана, Сеня ҳам келиб қолди. Сеня, бу ёққа кел...

Рёмка бирдан жимиб қолди, чунки Сеня ёлғиз эмас эди. Ёнида отаси ҳам бор эди.

— Бобонг уйдами?— деб сўради Тарас Андреевич.

Тарас Андреевич болаларга қарамай, ўзи эшикни тиқиллата бошлиди. Незабуднийнинг баланд овози эшитилди. Сеня отаси билан хонага кирди. Пьер ҳам уларнинг орқасидан кираётганда унга Рёмка шиншиди:

— Қўриб-билиб қўй. Эсингдан чиқариб ўтирма. Тушундингми?

Артём меҳмонларга пешвоз чиқди. Унинг улкан гавдаси кубок турган столни пана қилди.

— Артём Иванович,— деди ҳаяжонланиб Тарас Андреевич.— Пулингизни олинг, илтимос. Бу пулни қандай топганингизни ўшанда фаҳмламаган эдим... Мана бу,— у Сеняни кўрсатди,— сиз уйдан чиқиб кетганингиздан кейин гапириб берди. Мен бу пулни ололмайман... Ўзингиз учун беҳад қимматли бўлган бир нарсани, мен деб баҳридан ўтибсиз. Яхши эмас! Эрта-

га магазинга бирга борамиз. Ўзим олиб бораман, кабинамда олиб бораман. Илтимос қиласман. Кимга сотганинни билиб оламиз. Пулинни қайтариб берамиз. Бу, ахир, Артем Иванович тарихий бир нарса-ку... Ундан сизни маҳрум қилишга менинг ҳақим йўқ.

Незабудний ҳеч нарсани тушунолмай турганини ифодалаб елкасини қисди. Самимилик билан, салайёrona тарзда отага, сўнг эса паришон ўғилга қарди.

— Нима тўғрисида гапиряпсиз ўзи?— деди у дўриллаб.— Мана бу тўғрисида гапиряпсизми, Тарас Андреевич?— у стол устида турган нарсани — қадаҳкўтариб турган кумуш гладиаторни ҳайрон бўлиб қолган Сеняга ва унинг отасига кўрсатди.— Шу ҳақда гапиряпсизми? Жойида турибди-ку.

— Наҳотки?!— деб юборди Тарас Андреевич.

— Жойида турибди,— Незабудний мамнун эди. Кўпдан бери кайфияти бунаقا яхши бўлмаган эди.

— Униси-чи?— деди Сеня, столга яқинлашишдан қўрққандек, отасининг елкаси орқали кубокка қараб.

— Яна қанақаси бор эди?

— Район марказидан ўтганимизда бизлар магазинда кўрдик-ку. Ў, бўлмаса, бошқа экан-да. У сизники эмас экан-да...

— Нималар деб валдираяпсан ўзи? У эмас эканда. Бу эмас экан-да.— Незабудний қаҳ-қаҳ уриб кулиди.— Мана турибди-ку, гап тамом. Соғ бўлсак билиб оламиз. Нимага бунча тикиласан?

Незабудний ҳазиллашиб улкан қўлини боланинг бошига қўйди, эркалатиб силкитди.

Сеня паҳлавоннинг панжалари орасидан бошини зўрга чиқарди.

— А-ҳа! Эпчил бола экан!— деди Незабудний.— Балли! Мен сенга ҳеч ким билмайдиган усувларни ўргатаман. Икки ҳаракат билан ҳар қандай кишини ийқитадиган бўласан.

— Ростдан ҳам ўргатасизми, Артём бобо?

— Мен алдармидим сени?

Хонага Пьер билан Рёмка ҳам келишди.

Артём Иванович қалин қошларини чимириб, мўйловини буаркан:

— Сизлар, йигитлар, бирпас ташқарида ўйнаб тур-

саларинг бўларди. Бизниг муҳимроқ гапимиз бор...—  
деди. Ўйга юриб, елкаларига пальтоларини

Болалар зүрға юриб, елкаларига пальтоларини ташлаган ҳолда орқаларига қараб-қараб, оғриниб-оғриниб хонадан ташқарига чиқдилар.

— Тарас Андреевич,— деди Незабудний хонада иккаласи қолгач,— қирқ йил оламни кезиб, күпни күрган, ёши күнга бориб қолган бир чолнинг гапига қулоқ солинг, бир нарсани илтимос қиласман. Фақат хафа бўлманиг. Шу воқеа бўлибдими, энди менга сўз берсангиз, шунча ичибсиз, энди оғзингизга олмасликка сўз беринг. Етар энди.

— Гапнингиз түгри. Етар энди.— Тарас Андреевич  
йүтталди, овози бүгилди.

— Бу қанақа гап, Тарас Ганинг,— деди Незабудний ўзинг муҳожирлик қилсанг? Андреевич, бу нима қилюни сенсијаб.— Ўзингга

— Түшүнмаяпман.

— Түшүнмаяйман.  
— Үзингдан ўзинг четга чиқяпсан. Ақлли одамлар-  
нинг гапи бу. Ҳаётдан четга чиқяпсан. Оқилюна иш-  
лардан қочяпсан.

— Рұссадан қочиш учун ичгандым. Ишдан қочғаңым йәк. Сиз, Артём Иванович, яхши түшүнмабсиз...

— Тушуниб турибман, ука, тушуниб турибман. Ишдан ҳам қочяпсан, яхшироқ ишлашынг мумкин эди. Үзгенти ҳам унудибсан. Үғлингга қара. Тилла бола өзин. Үнга тик қарай олмайсан. Үчинг сенга қарашини қара! Үндан күзингни олиб қочяпсан. Виждонинг ол-дег ҳам шундай тутяпсан ўзингни.

— Бас, Артём Иванович! — у Незабуднийга тик  
бүгді. — Етар энди, бас қилинг. Сұз бердимми — бун-  
дан кейин ичмайман.

— Билиб қўй, Тарас Андреевич. Яна давом эттиришган, бўғаман. Мана шундай,— у Грачикнинг ёқасидан билиб ушлаб кўтарди.— Бўғиб ўлдираман-қўяман.

— Мен ёш бола эмасман-ку.— Тарас Андреевич Гришикираб жилмайды ва үзини Незабудний-нине күлидан қутқазди.

— Кеңірасан, ҳазиллашыпман.

— Некий мен, Артём Иванович, ҳазиллашаётганим  
айк. Ганимий ишонинг. Сўзимнинг устидан чиқаман!

## ХХ БОБ

### ЯҚҚАМА-ЯҚКА

Сени қаттиқ мункиб кетди, ўзини йиқилишдан зўрға тутиб қолди, Махан зарб билан туртган елкасини ушлади.

— Нима, яна битта керакми? Мувозанат учун у елкангга ҳам бир мушт керакдир. Мана!

Сеня чапга силкинди, яна ўзини зўрға тутиб қолди.

— Тумшуғингга ҳам керакдир? Мана!

Сеня жойидан жилмасликка ҳаракат қилди, тез шишгай лабини ялади.

— Бу нима?— деб сўради Сеня тишларини қисиб.— Зўравонлигинигни кўрсатяпсанми?

— Мен сенга одамларни ҳурмат қилишни ўргатмоқчиман!— дўқ қилди Махан.— Олдингда эътиборли одам турганда ҳурматини қил-да, болакай.

— Сен ҳали эътиборли одамисан?— Сеня Маханга қаради.— Эътиборли одам эмиш. Бетайн одамсан...

— Хўп, буни ҳам ёзиб қўямиз,— деди Махан.

Сеняниг отаси билан Артёмникига келганини кўрган Рёмка булар тил бириктириб, бир иш қилмоқчи деган фикрга келган, аллақандай хазина тўғрисида Маханга гапирган эди. Махан Сеняни тергов қилишга пайт пойлаб юрар эди. Пъердан сўраб билишга унинг юраги бетламаган эди. Махан Пъер тўғрисида ўйлаганда кўз олдига беихтиёр Незабуднийнинг улкан гавдаси келар, ваҳима босар эди. Доим бозор ва Биринчи май кинотеатри олдида сангуб юрадиган бир бола ва Рёмка билан у шу ерда, сув келиши туфайли бузилган уйлар ўрнида Сеняни пойлади.

Махан бир четда туриб, олдин гапга аралашмади.

Дастлаб Рёмка Сеняни гапга солди:

— Салом, актив бола!

— Салом, пассив бола!— деди Сеня, бу гапни бир вақтлар у Сурикдан эшитган эди.

— Хо, анча-мунча саводлари чиқиб қолибди шекилли. Илғор болаларга салом!

— Йўлингдан қолма, қолоқ!

— Ҳу сени...

Бугунги можаро шундан бошлианди. Сеня Артём Ивановичдан ўрганган японча ҳимоя усулидан фойдаланмоқчи бўлди. Рақибнинг ўнг қўлини тўсатдан маҳ-

кам ушлаб олиб, кафтини юқорига қилиб қайтириб, уни иккинчи қўли билан букиб, эзғилади. Рақиб нонлож қолади. Артём Иванович бу усулни қўлланаётганда қўлни жуда ҳам қаттиқ қайирмаслик керак, акс ҳолла қўл чиқиши мумкин, деган эди. Ростдан ҳам яхши усул экан, рақиб қимирлай олмай қолар экан. Лекин бу усулни Сеня Незабуднийга қарши қўлланганда иши ўнгидан келмае, рақиби беҳад бақувватлиги туфайли, кор қилмас эди. Бир гал у Сенянинг оёғини осмонга қилиб даст кўтарди. Сеня ҳар гал Артём Иванович билан учрашганда саломдан кейин, қўл бериб кўришиш ўрнинг шу усулни синааб кўрар эди. Хуллас, Сеня мураккаб бу усулни пухта ўрганиб олган эди.

Лекин бугун бу усулни қўлланишда бирор хатога йўл қўйди шекилли, Рёмка қўлини тортиб олиб, Сеняни оёғидан чалиб юборди-да, йиқитиб ерга босди. Шунда Махан пайдо бўлди. У Сеняни қўлидан кўтариб турғазди, масхараомуз унинг гимнастёркасидан чангни қоқкан бўлди, гапга солди.

— Аҳволим шу де,— деди Махан Сеняни масхаралаб.— Отанг, анати чемпион — ҳаммаларинг хазина бекитиб қўйиб, тақсимлаб олмоқчимисизлар? Қизиқ! Нима, Рёмка билан мени қуруқ қолдирмоқчимисизлар? Тағин ўзимизнинг одамлар эмиш...

— Мен ҳеч қачон сенинг одаминг бўлмаганман,— унинг гапини бўлди Сеня.

— Аҳмоқлик қиляпсан, бола!— қичқирди Махан.— Красношахтерскаяга олиб борайми ё? Гаплашиб қўядиган одамлар топилади.

— Нималар деб валдираяпсан ўзи?

— Буни қаранг-al Тушунмаётган эмиш. Эсидан чиқибдиймиш.

— Рёмка, нима дединг?— деди у ўқрайиб қараб турган Штибга тикилиб.— Уялмайсанми? Бир вақтлар пионер эдинг-а?

— Сен гапни бошқа ёққа бурма. У билан нима ишинг бор?— деди Махан.— Сен, бола, бор гапни айтасанми, йўқми?

— Бошни қотирмасанг-чи!— дея Сеня тескари қаради.

— Шурунг-пурунг, даранг-дурунг. Мушукни сичқон алдамоқчи бўлганмиш.

— Хўш, нима бўпти?

— Кўрсатиб қўяман сенга нима бўптини! «Нима бўптишиш-а!»

— Нима деб бўлмаган гапларни валдираяпсан?

— Менинг валдираганим, сенинг галдираганинг. Билиб қўй.

— Нимани билиб қўйай. Нима тўғрисида гапираётганингга тушунмаялман. Нега менга ёпишиб қолдинг?

Махан гоҳ унга, гоҳ Рёмка Штибга тикиларди. Рёмка чалкаштирганга ўхшайди, деб шубҳалана бошлаган эди у. Бу пионер бола гапга кирадиганга ўхшамайди. Лекин уни қўйиб юборгиси ҳам келмас эди. Болани яна бир оз эрмак қилмоқчи бўлди.

— Майли,— деди у.— Кўриб турибман, зўр болага ўхшайсан. Пионер — ҳаммага намуна бўлавер. Қани бир яхшилаб сўк-чи. Сўксанг — қўйиб юбораман. Акс ҳолда, ишинг чатоқ бўлади.

— Тентаксан!— деди Сеня, жаҳли чиқиб. Мушт зарбидан ўзини четга олди.— Урсанг нима бўпти? Яна бир карра тентаксан. Яна бир карра!.. Уч карра тентаксан!

— Сен, бола, менга кўп ҳураверма! Мени бир сўк деяпман сенга! Сўкмайсанми? Сўкишдан оп қиласанми?

— Мен сўкмайман.

— Сўкмасмишлар, ифлос сўз билан оғзини ҳаром қилгилари келмаяпти, тушуняпсанми, буни Штиб?

— Кўриб турибман. Рост, Сенъка, сўкавер, қўрқма,— деди Рёмка.

— Қўрқаётганим йўқ, лекин хоҳламайман!

— Бунга қара: ундоқ қилмайман, бундоқ қилмайман. Бу қанақа гап. Бирор сендан сўкишни илтимос қилгандан кейин сўкавермайсанми, ё қийинми бу? Нима, сўкишни ҳам билмайсанми? Ургатиб қўйай бўлмаса!

— Сендан қолишмайман. Лекин сўкмайман...

— Йўқ, сўкасан!

— Айтдимми, тамом-вассалом. Ўлгунча урсанг ур, бари бир сенинг хоҳишингга қараб сўкмайман. Қўйиб юбор, Махан!

— Мен сенга ўхшаган ландавурга ҳали Махан бўлганимча йўқ.

— Қўйиб юбор деяпман, Славка!— Сеня гимнастёр-  
касининг ёқасини тутиб турган қўллардан қутулишга  
уринади.

— Мана сенга Славка учун!

— Қўйиб юбор...

Махан болохонадор қилиб сўқди.

— Бир яхшилаб сўксанг, қўйиб юбораман.

— Кераги йўқ. Мен сенларнинг компанияларингга  
қўшилганим йўқ, сизларга ўхшаб сўкмайман ҳам. Бил-  
дингми! Ўлсанг ҳам сўкмайман.

— Мен эмас, ҳозир сен ўласан, чўчқа канади!

Махан Рёмкани хурсанд қилиб, бечора Сеняни ан-  
ча-мунча қийнаши мумкин эди, лекин Сенянинг баҳ-  
тига, кимнингдир баҳайбат сояси ҳаммаларини қопла-  
ди. Штибининг: «Славка!»— деб хавотирланиб қичқири-  
гани эшитилди. Махан ўша ёққа бир қаради-ю, дарров  
Сеняни қўйиб юборди. Махан қимирлай олмай қолди.—  
Незабуднийнинг улкан қад-қомати букилди, Артём  
кўрсатгич ва ўрта бармоқлари билан Маханнинг бур-  
нини қаттиқ қисди. Махан қанчалик қутулишга уринса,  
кучли бармоқлар шунчалик қаттиқ қиса бошлади, ни-  
ҳоят уни чўккалатиб ўтқазди.

— Билдик, зўр экансиз, кучингизни кўрсатяпсиз.  
Жуда тенгингизни топдингиз-да,— Махан тиз чўккани-  
ча тўнгиллади.

— Сен, нима, тенгинг билан ҳазиллашаётганмидинг?  
Кучингни кўрсатаётганмидинг?— дўқ қилиб сўради  
Артём.— Қани!— янада дағдағалироқ пўписа қилди у  
қовоғини уюб.— Қани, текинхўр аблар «Мен чўчқадан  
баттарман!» дегин-чи! Айт деяпман сенга...

Махан секин чўнтагини ковлади, қўлида пичноқ ял-  
тиради. Артём масхараомуз жилмайиб, бўш қўли би-  
лан унинг қўлига бир урган эди, пичноқ ҳаммаларининг  
боши узра учиб бориб, шиддат билан телефон симёго-  
чига санчилди.

— Уйнашинг келяптими?— Артёмнинг баланд ово-  
зи янгради.— Қимга пичноқ урмоқчи эдинг? Гапир, абл-  
лаҳ, чалпак қилиб қўяман. Эшитяпсанми, кунжара  
қилиб қўяман бирпасда.

— Қўйворинг... Нимага қийнайсиз!— манқаланди  
Махан бурнини қаттиқ қисиб олганларидан, тиззала-  
ганча жилпангларкан.

— Ортимдан такрорла, қани бўл!.. Бўлмаса бур-

иннгии томир-помири билан суғуриб оламан. «Чўчқадан баттарман...» де.

— Мен яхши гапиёлмайман. Үзингиз сиқиб туриб-сиз-ку бурнимни...

— Галира оласан. Қўрқмай қўяқол. Биз ёрдамлашворамиз. Тушунмасак, яна қайтарасан.

— Мен чўшқадан ботир.

— Чўшқа эмас, чўчқа де, абраҳ, ботир эмас, баттарман де!

— Ман чўчқадан баттарман.

— Худонинг хатоси, одамларнинг эътиборсизлиги билан шунаقا бўлиб қолганман... де!

— ...Шунаقا бўлиб қолганман,— ноилож тақрорлади Махан.

— Бундан кейин яхши болаларга яқин йўламайман, уларга озор бермайман.

— ...Уларна озор бермайман.

— Қани, туёғингни шиқиллатиб қол-чи,— деди Артём Маханнинг бурнини қўйиб юбориб, рўмолчаси билан қўлинни арта туриб.— Тезроқ даф бўл, ярамас! Тумшуғингни соғ қолдирганимга шукур қил, тумшуғингни кераксиз жойларга ҳам тиқаверма. Билдингми? Бунаقا номаъқулчиликни тақрорлай кўрма, акс ҳолда бир парча чалпак қилиб қўяман, жасадингни эмас, чалпакни кўмишади унда. Йўқол!

Махан қизариб кетган бурнини ушлаганича бинолар ортига ўтиб ғойиб бўлди.

Шу тарзда у таъзирини еди.

Артём Иванович аста-секин нари кетди. Ундан сал орқада чаққон-чаққон юриб, унга етишга ҳаракат қилиб, Сеня келарди. Улардан орқада Рёмка билан бирга яна бир бола — боя Махан билан бирга келган бола қайтаётган эди. У чемпионнинг кенг елкасига ҳурмат билан қараб-қараб қўяр эди.

— Нега у сенга тиғвалиб қолди?— сўради Незабудний орқасига қарамасдан.

— Ким билсин! Ҳамма нарсага аралашаверади. Абраҳ бола у. Аллақандай хазинани суриштириди.

— Қанақа хазина?— Незабудний тўхтаб, елкаси оша Сеняга қаради.— Бу қанақа гап?

— Үзим ҳам билмайман,— деди Сеня. Кейин гуноҳкорларча хомушлик билан деди:— Артём бобо, мен Рёмка билан курашаётган эдим.

— Енгдингми?  
— Енгилдим.

— Аnavи мен ўргатган усулни қўлламадингми?  
Сеня бош чайқади.

— Нимага?

— Бўш келмади. У зўр-да, ахир.

— Яхши ўргатмаган эканман-да. Майли, ҳечқиси йўқ, ҳали яна шуғулланамиз.

Қоронғи тушиб қолганди. Шахталарнинг симёғочларида чироқлар ёнди. Шахталарнинг устларидағи қизил юлдузлар борган сари ёруғлаша борди. Рёмка билан шериги аста-секин орқада қолдилар, Сеня Незабуднийга эргашиб, унинг улкан қадамига қадамини генглаштириш учун сакрай-сакрай борарди.

Кўклам шаббодаси атрофдаги чўлдан нам ер билан майсалар ҳидини олиб келарди.

Тўсатдан олдинда ўрмалаётган алланималарнинг қораси кўрйнди. Улар иссиқ кунда ерга сув сепилгандан томчилар тупроқда ҳар томонга юмалаб кетгандек, чор атрофга таралдилар.

— Қара!— деди Рёмка Штибининг ёнида келаётган бола.— Юмронқозиқ. Бу ерларда юмронқозиқ бўлмасди-ку сира!

— Мен кеча ҳам кўргандим. Чўлдан келаётган бўлсалар керак. Сувнинг ҳидини олишгандир-да,— деди унга Рёмка.




**ІІ ҚИСМ**

---

# **ТИРИК ВА ЎЛИК СУВ**

---





## I БОБ

### СУВНИ ҚУТЛАБ

— Гапингизга тушунолмаяпман,— деди Незабудний Ирина Николаевнага томон энгашиб, солинчори осилган супрадек қулоғини унга тутиб.

— Бугун-эрта сув ҳам келиб қолади,— деди Ирина Николаевна секингина.— Сув келади, лекин мактабимиз бу воқеага...

— Нима, сув келишини сир тутишайптими?— деб сўради Незабудний.

— Нега сир тутишаркан?— ҳайрон бўлди Ирина Николаевна.

— Нега бўлмаса бунча секин гапиряпсиз?

— Наҳотки?— Ирина Николаевна кафтлари билан қизарган юзларини ушлади.— Нима бўлди менга! Нега бунақалигини биласизми?.. Қачон сиз билан сўзлашсам кучим борича бақириб гапиргим келади. Сизни тоғ тепасида тургандек, ўзимни эса бир қумурсқадек жуда ҳам ожиз ҳис этаман, қаттиқ гапиргим келади. Лекин ўзимни тутишга ҳаракат қиласман, бошқаларга эса бу ғалати туюлади, шундайми?

— Йўғ-э, унчалик эмас,— деди Артём Иванович.— Сиз чиройлигина ойимқизсиз, яъни, кечирасиз, кўрим-

лигина қизласиз. Фақат ҳали жуда ёшсиз. Бундай қараганда ҳаддан ташқари ёш кўринасиз.

Вожатий Сенядан Артём Ивановичнинг уйига кузатиб қўйинши илтимос қилганда, у хижолат бўлганди. Сеня вожатийни биринчи навбатда ўқитувчи, кўп нарсадан хабардор, билимдон, кўпни кўрган бир одам деб биларди. Сенянинг ўзи ҳам агар бирор унга ўз ёшидан камроқ ёш берса ўлгудек жаҳли чиқар эди. Незабуднийнинг бу гапидан ўқитувчи хафа бўлмадими; кан, деб чўчиб турди у.

— Нега ёш қиз бўларканлар?.. Институтни битиргандарига бир ярим йил бўлган-ку! Ёшгина қиз эмиш! Ҳеч ҳам ёш қизга ўхшамайдилар!..

Лекин Ирина Николаевна Незабуднийга қойил бўлиб, худди болалардек соддалик билан унга тикилиб турарди.

— Йўқ, ростдан ҳам жуда йириксиз!

— Куинбус Флестрин,— деб қўйди Сеня.

Артём Иванович рад этгандек қўлини силтади.

— Э-э, мен қанақа Куинбусман?— у стол олдига бориб, унинг устида турган китобни олди, бу китобни бетоб ётганида Сеня келтириб берган эди.— Ма, китобингни олиб қўй. Нега давоми борлигини менга айтмадинг, Гулливернинг баҳайбат одамлар орасига бориб қолгани ҳам бор экан. Мен, биродар, Куинбус эмасман, Грильдригман. У лилипутлар ҳузурида бўлганидан кейин баҳайбат одамлар орасига ҳам бориб қолади. Шунда у ўзининг баҳайбат эмас, пашшадек кичик одамлигини фаҳмлайди. Мен ҳам ўшанга ўхшайман. Лилипутлар орасида юрган эканман, энди паҳлавонлар орасига келиб қолдим...— У хижолатомуз қаҳқаҳа урди, унинг нафасидан дераза пардаси гирдобдек буралиб-буралиб кетди. Пардани қўли билан тўғрилай туриб, ўқитувчига кўз қирини ташлаб қўйди.

— Шундай, Артём Иванович,— деди ўқитувчи,— Гидрострой билан гаплашиб қўйдим. Шахтёрлар ҳам ёрдам беришмоқчи. Колоброданинг ўзи ҳам келишга вაъда берди. Аммо сиз ҳам ёрдам беришингиж керак. Сеня сизнинг тўғрингизда бизга кўп гапирганди, агар сиз у айтганчалик бўлсангиз, бизга катта ёрдам беришингиж мумкин. Болаларда мактаб учун масъулият ҳиссини ошириш керак. Улар ўз мактаблари билан фахрланишлари, унинг шуҳратига шуҳрат қўшиш иш-

тиёқида яшайдиган бўлишлари, мактабларини севишлари лозим. Сиздан илтимос... Райондаги мактаблардан бирини мусобақага чақириш ниятидамиз. Ишни спортдан бошламоқчимиз.

Артём хурсанд бўлди. Ёш, серғайрат, уятчан ўқитувчи-вожатий унга маъқул тушди. Синчалакдек бўлса ҳам чакки эмас бу қиз! Вожатийдан спорт сўзиши эшитганида Артёмнинг ҳурпайган қошлиари, хўмрайган кўзлари хурсанд чақнади, мўйловининг учлари юқори кўтарилди.

— Болаларни ўзингиз йўлга солсангиз яхши бўларди,— деди ўқитувчи гапини давом этдириб.— Ҳазил гап эмас ахир, чемпионлар чемпиони бўлган Незабуднийнинг ўзи бошчилик қиляпти, деб болаларнинг боши осмонга етади-я!..

— Сув эса, болалар, келяпти,— деди Богдан Анисимович ўқувчиларга, Артём билан бўлган суҳбатдан икки кун кейин, мактабда ўтказилган йифилиша.

— Ҳа, сув келяпти,— деб таъкидлари Никифор Колброва.

У президиумда бошқа машҳур меҳмои ва ота-оналар орасида ўтирас эди. Унинг кенг пиджаги кўкрагида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олтин юлдузи ярқираб туради. У Богдан Анисимович Тулубейнинг қурилишнинг бориши ва сувнинг Сухояркага яқинлашиб келаётгани тўғрисида болаларга қилаётган ҳикоясини тинглаб ўтирас эди.

— Ҳа, тез орада анави ерлар сув билан қопланади,— деди Богдан Анисимович болаларга синф деразалари томонни кўрсатиб.

Ҳамма бенхиёр дераза томонга, кейин эса яна доскага тикилди, Богдан Анисимович бўр билан доскага қурилиш схемаси ва канал трассасини чизган, сув босадиган жойларни ҳам чизиб кўрсатаётган эди... Ҳа, деразадан кўриниб турган ана у ерлар яқин орада сув остида қолади, чўл ўрнида денгиз пайдо бўлади. Сув ҳали кўринмас, лекин мактабнинг деразаси орқали у томонга қараганлар чўлни сув билан қопланган ҳолда тасаввур этаётган эдилар.

...Гумбур!. Гумбур!. Олисдан янграган бу садо бўм-бўш чўл узра, яқиндагина бузилган уйларнинг харобалари узра тараалди. Деразалар сал зирқираб кетди.

— Портлатиб, йўл очишяпти,— деб изоҳ берди Богдан Анисимович, жойига ўтира туриб, дераза томонга нигоҳ ташлаб қўяркан.— Сувга йўл очяпмиз.

— Келинглар, болалар, ана шу сув йўлини яхшироқ очиш учун сиз билан биз ҳам кўмаклашайлик,— деб гап бошлади Богдан Анисимовичдан кейин минбарга чиққан Никифор Колоброва.

— Бажарамиз!— деб қичқирди жойидан Рёмка.

Ҳамма Рёмкага нохуш қаради. Унинг ахлоқи ҳеч кимга ёқмас эди. Минбарда турган одам Милканинг отасигина эмас, ахир. Ҳатто Милканинг ўз отаси— шундай машҳур одам билан эркин, бемалол гаплашаштганини кўриб Сеня қўп ҳайрон бўлган. Минбарга чиққанида у Милка Колоброданинг машҳур отаси, ҳаммага таниқли кишигина бўлиб қолмай, ажаб бир мўъжизакорга, фахрий меҳмонга, ўзининг маҳсус бурчини бажараётган нотиққа айланганди. Минбарда турган киши ҳар қанча ҳурматга арзигулик киши эди. У гапира бошлади. Лекин ўзини ўнғайсиз ҳис этиб гапирди. Йўталди, томоғини қирди, тер босган бўйини рўмолчаси билан артди. Қийналиб гапираётгани сезилиб турар эди. Бари бир, Биринчи Май кўчасидаги Ҳурмат тахтасида катта портрети турган машҳур киши гапираётган эди. Шунинг учун ҳам Рёмканинг эрмак қилиб гапиргани ҳеч кимни кулдирмади. Ҳамма унга нафратланиб қаради, яқинроқда ўтирган болалар эса парта остидан муштларини кўрсатиб қўйиншди. Колоброда унга қайрилиб қарамади ҳам. Бу аҳмоқона ҳазилни эшитмаганга солди у ўзини.

Колоброда гапини давом эттирди:

— Ўқувчи ўртоқлар! Рухсат этинглар! Шахтёрлар номидан, уларнинг топширувига биноан, сизларни табриклишга ижозат беринглар. Тезда сув ҳам келиб қолади. Биласизларми, кимнинг ғамхўрлиги бу? Бу...— У бир зум тўхтади, қошларини чимириди. Афтидан ҳар бир йиғилишда такрорланавериб сийқаси чиққан сўзларни яна такрорлагуси келмади. Бирдан бошқа товушда, Сеня, Пьер, Ксана ва Рёмка Штиблар боргларида уйда ўтириб бемалол гапирадиган товушида гапини давом эттирди:— Сув-ку келяпти, лекин сизлар, мактабларингиз, ана шу муҳим воқеа муносабати билан шунга атаб бирор диққатга сазовор иш қилганинглар йўқ. Энди Сухоярка посёлка эмас, биласизларми,

нима бўлади? Шаҳар бўлади. Район аҳамиятига эга шаҳар бўлади. Яқинимизда пристань бўлади. Кўмири осма йўл орқали ташиймиз. У ерда кемаларга ортилади... Шундайми, Богдан Анисимович?— у бош силкиб маъқуллаб қўйди.—Хўш, нима демоқчиман? Демоқчиманки, болаларимиздан, мактабимиздан талаб бошқача бўлади энди. Сизлар, ахир, тулубейчиларсиз-ку. Бу ном ҳозир бутун мамлакатга машҳур. Шу номга муносаб бўлиш керак. Сизлар эса.. Сизларда эса ҳали тушумайдиган болалар бор. Мана, Шибенцовнинг интизомини олиб қарайлик. Бир нарсага ҳайронман: отаси яхши шахтёр, ўғли эса пионерлар сафидан чиқарилипти, синфда энг қолоқ ўқувчи эмиш. Шу ҳам тулубейчи бўлдими? Номига холос. У бу номга иснод ҳам келтиради.

Ҳеч ким Рёмкага қарамади. Ҳеч кимпинг қарагиси келмади. Бу тўғрида синфда илгари ҳам кўп гап бўлган эди. Илгарилари бу бир одатдаги, оддий воқеа бўлиб туоларди. Ўқитувчи болаларнинг ёмон баҳоси, хулқи тўғрисида кўп гапиравди. Энди эса бу ҳақда машҳур киши гапиряпти. Минбардан туриб гапиряпти. Рёмка уятдан шолғомдек қизариб ўтирас, ўзини тинч, бепарво қилиб кўрсатишга уринса ҳам парта ғижирлаб, унинг беоромлигини сездираётган эди.

— Мен нима маслаҳат бермоқчиман?— гапини давом эттирди Колоброва.— Олға интилиш керак. Катта сув кўзгудек бўлсин, унда ҳамма ишларимиз акс этсин. Мана, бизнинг шахтамиизда ҳамма вақт юлдуз порлаб ёниб туради. Кўп йиллардан бери ўчганий йўқ. Бу нима деганим? Буни ҳаммаларингиз тушунасизлар. Шундай бўлса ҳам, яна бир эслатиб қўйай. План жойида. Ҳамма вақт бажариб турибмиз, ҳатто ошириб бажаряпмиз. Икки йилдан бери трестнинг кўчма қизил байроғини қўлда тутиб турибмиз. Лекин мактабларингиз, айниқса сизларнинг синфларингиз, хафа бўлманглар-у, яхши эмас. Болалар, бунақада касрингиз бизларга уради. Юлдузимизни ўчирманглар, болалар. Уни биз ёқдик, сизлар эса уни янада баландроқ кўтаринглар, бутун Сухоярка устида порлаб турсин.

Сурен Арзумян қўлинин кўтарди:

— Савол берсан бўладими?

— Нега бўлмасакан? Марҳамат!

Сурен ўрнидан турди:

— Сиз ҳамма нарса катта сувимизда акс этади, дедингиз, безорилик қилганлар ҳам акс этадими?

Николай Васильевич Колоброва Богдан Тулубейга кўз қирини ташлаб, йўталиб олди.

— Ана шу тўғрисида гапиряпмиз-да,— деди у,— шу ҳақда гапиряпмиз, сувни лойқа қиласиганларнинг ҳаммасини тартибга чақириш керак. Сувни лойқалашибга ҳеч кимга йўл қўймаслигимиз керак. Дарёлар денгизга қўйилади...— дей гапини давом эттирди у, овозидаги ҳалиги хириллаш энди тамомила йўқолди.— Ҳа, дарёлар денгизга қўйилади, бизларнинг бутун ҳаётимиз келажакка томон оқянти. Ҳеч қачон бундай бўлмаган. Коммунизм сари боряпмиз. Келажагимиз нималигини тушуняпсизларми, болалар? Ҳаётимиз сувдан ҳам тозароқ бўлиши керак. Биллурдек бўлиши керак. Келажакка чанг-губорсиз боришимиз керак.

— Гапга тушунмайдиган болалар ҳам бўладими коммунизмда?— деб сўради орқадаги партада ўтирганлардан бири.

— Шахсан мен у пайтда сен айтган болалар бўлмайди, деб ўйлайман. Лекин, битта-яримта топилиб қолганда ҳам тушунтириб қўйишади.

Рёмка Штиб қўлини кўтарди.

— Менда ҳам бир савол бор.

— Гапир.

— Айтишларича,— деди Рёмка намунали ўқувчилардек дона-дона қилиб, майин овозда,— коммунизмда ҳар ким истаганича керакли нарсасини олиб, хоҳлаганича ишлармиш. Мактабда ҳам истаганча ўқишадими? Беш баҳони ҳам истаганча олаверса бўладими?..

Ҳамма кўлди.

— Келажакда фақат жинниларгина шундай фикрда бўлишлари мумкин. Мен ўйлайманки, келажакда бундай жиннилар бўлмайди. Ўзинг ҳеч балони билмасанг, беш баҳо олишдан нима фойда? Кимга керак бу? Лекин ҳамма яхши ўқийди, ҳозиргидан ҳам кўпроқ ўқишга тўғри келади. Чунки, техника ўсади-да. Мен сизларга у пайтда ҳаммага осон бўлади, демоқчи эмасман. Яхши турмуш кечиришади, лекин осон яшашни кутманг... Хўш, яна савол борми?— деб у синфга тикилди.

Бошқа ҳеч ким савол бермади, болаларнинг гулдурос қарсаклари остида у жойига бориб ўтирди.

Шундан кейин болалар гапирдилар. Ирина Николаевна биринчи кун мактабга келганида, «номигагина эмас, чинакамига яшаш керак», деганида ҳаммага қаттиқ теккан эди. Энди эса ҳамма номигагина тулубейчи бўлмай, чинакамига шу номга муносиб бўлишга аҳд қилган эди.

Шунда тўсатдан ҳамма эшикка тикилди. Ҳамма болалар гуриллатиб, аллақандай завқ билан қарсак чалишди. Незабудний кириб келди, шовқин-суронга қарамай, унинг оёғи остида пол фирчиллагани эши-тилди, у оҳиста одимлаб президиумга чиқиб ўтирди. У ўзининг оламни кўрган машҳур ҳассасига таяниб ўтирас, иккинчи қўлида чамадончаси, кенг соябонли шляпасини эса стол устига қўйган. Болалар сал тинчи-гандаридан кейин Артём Иванович болаларга, Богдан Анисимовичга, Колобродага қаради, сал йўталиб, мўйловини рўмолчаси билан артди. Катта катак рўмолчасини тахлаб, шиммининг чўнтағига солиб қўйди.

— Кечикдим, кечирависизлар,— дея гап бошлади у.— Ижрокомга, физкультура бўлимига борган эдим. Келишдик, Ирина Николаевна,— у вожатийга ўгирилди.— Сиз билан планлаштирганимиздек бўладиган бўлди. Сув келгандан кейин, Сув байрамида район мактаби билан шу ерда,— Артём Иванович ияги билан ишора қилиб дераза томонни кўрсатди,— мусобақа уюштирамиз. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Григорий Тулубей номидаги мукофот учун эстафета ўтказамиз. Район марказига ҳозир телефон қилдим. У ердагилар рози бўлишди. Соврин мана бу бўлади.— Незабудний залга қаради.— Болалар...— деди у томоғини қирниб.— Болалар! У чамадончасини очди. Чамадонидан ярқираб, ёғду сочиб турган «Гладиаторнинг қабри» деган машҳур кубокни олди.

Болалар ўринларидан туриб, ажойиб-таройиб ва беҳад чиройли бу вазани яхшилаб кўришга интилишди. Жуда ҳам чиройли эди бу кубок! Унинг қадаҳи аллақандай нур билан тўлатилганга ўхшарди. Қабр зулмати ичра бу нур паҳлавоннинг серпай гавдасини ёритиб тургандай, паҳлавон эса ана шу нур сари интилиб, жасорат кўрсатишга даъват этажандек туюлар эди.

Сеня ҳаммага ғолибона нигоҳ ташлади. Қсанा Пъерга кўз қири билан қараб қўйди. Милка мафтун

бўлиб қотиб қолган эди. Ҳатто ҳамма вақт ўзини бе-парво қилиб кўрсатадиган Рёмка Шибенцов кўзини кубокдан узолмай қолди.

— Тўхтанг, тўхтанг,— деди Ирина Николаевна,— менимча, бу совринни сизнинг номинигиз билан аташ керак: Незабудний мукофоти деб атаган яхшироқ.

— Йўқ, ҳурматли Ирина Николаевна,— деди овонини дўриллатиб Незабудний,— баҳслашиб ўтирамайлик. Бу, болалар... Бу бутун умримда мен олишга муяссар бўлган совринлар ичидаги энг қимматлиси... Совринлар ва турли медаллардан бир яром мингтасини олгандирман. Лекин буниси энг қадрлиси. Григорий Тулубей хотирасига бўлсин. Қаҳрамонларнинг қаҳрамони ул Шундай бўлсин. Сизлар буни ҳеч кимга бермасликка ҳаракат қилинглар.

— Олдин уни олиш керак. Ҳозир бу кубок ҳеч кимниги эмас,— деди Ирина Николаевна.— Район марказидаги мактабининг ўқувчилари ҳам бундай чиройли кубокка эга бўлгилари келади. Номига келганда... Номи шундай бўла қолсин: чемпионлар чемпиони Артём Незабудний томонидан таъсис этилган, Григорий Тулубей хотирасига бағишлиланган соврин. Менимча, шундай деб атасак яхши бўлар. Сизлар нима дейсиз, болалар?

Болалар қарсак чалишиб, столда турган ҳашамдор, жозибадор кубокдан кўзларини узмасди. Отасининг хотирасига ўйналадиган бу совриндан Қсана ҳам кўз узолмасди. Ҳеч ким бу мукофотни Сухояркадан бошқа жойдаги мактабга бериб юборгиси келмас эди. Асло қўлдан чиқармаслик керак, деган ўйда эди ҳамма.

Деразадан шамол киради. Шамол яқин орада сув тубида қолиб кетадиган чўл бўйлаб югурад, олислардан қисқа-қисқа момақалдироқ товушига ўхшаган, гумбурлаган овозларни олиб келарди. Сув йўлидаги сўнгги тўсиқлар текисланаётган эди.

— Худо ҳақи, халқ олдида бир нутқ сўзлашдан кўра, нормани беш ҳисса ошириб бажариш осонроқ,— деди Никифор Колоброда, Богдан Анисимович билан мактабдан қайта туриб, терлаган бўйини рўмолча билан артиб.— Уртоқ Тулубей, эшитяпсанми? Йигилишларда, ҳар қанақа конференцияларда нутқ сўзлайве-

риб ўрганиб кетганман. Кремлда минбарга чиққанман. Ҳеч қачон бу жўжакхўролар олдида терга ботганим-дек терламага эдим. Масхарабозлар-эй, жин ургурлар, бало-я, булар!

— Мен ҳам роса терга ботдим, иситмам чиқиб кетди гапираётганимда.

— Нега шундай бўларкин?

— Улар бизнинг виждонимиз, бизнинг масъулияти-миз, мен шундай деб ўйлайман. Ишларимизнинг давомчиси улар. Шундай экан, терлайсан-да.

— Рост. У, бир қарич келадиган бола, сенга бир қарайди-да, саволга тутади, етти ухлаб тушингга кирмаган саволларни эшитасан ундан. Ҳар қанча жавоб берсанг ҳам, бир жойидан тутади.

— Уларга гапни тошиб гапира бишлиш керак: етти ўйлаб бир гапиришга тўғри келади,— деб унинг гапни маъқуллари Богдан Анисимович.

Шундан кейин бунақа ишларга ишқибоз бўлган ўғил болаларнинг оғзидан «тўғон», «оқова», «водобой», «арматура», «рисберма» сингари техника сўзлари тушмайдиган; керак жойда ҳам, ҳожати йўқ пайтларда ҳам бу сўзларни ишлатадиган бўлиб қолишиди...

— Сув келиб қолади... Сувни очиб юборсалар... Сув келганида... Сув келаётганиши... Сув келса... Сухоярканинг қаерига борманг ҳамманинг тилида бир сўз: «сув». Ҳаммада сув ташвиши...

Тулубей номидаги мактаб тепаликнинг энг чўққисида тураг, пастида сув омборининг туби бўладиган чўл ястаниб ётарди. Яқин кунларда уфқда сув кўриниши керак эди. Дарс пайтларида ҳам болалар аҳён-аҳёнда сипф деразасидан уфқга нигоҳ ташлаб қўярди. Эҳтимол, Христофор Колумбнинг кемасидаги денгизчиларидан ҳеч бири ерни бу болалар интизорлик билан сувни кутгандаричалик муштоқлик билан кутмандир.

Интизорлик билан кутилаётган сув билан бирга эстафета кунлари ҳам келиб қолди. Район марказидаги мактабдан энг яхши чопқир бола — пионер Алексей Загорний келди. Ёшига қараганда анча катта кўринадиган бу узун оёқ бола Тулубей номидаги мактабнинг энг чопқири ҳисобланган Витя Халилеев би-

лаң гаплашиди. Мусобақа шартларини келишиб олишиди. Командалар тузилди. Физкультура ўқитувчиси Дмитрий Антонович Гаенко мактабда эътиборли кишилардан бирни бўлиб қолди. Унинг олдига чопишар, маслаҳатлашишар, нималарни дир сўрашарди. У энди физкультура ўқитувчисигина эмас, тулубейчи пионерлардан ташкил топган команданинг тренери ҳам эди, бу команда бўлажак Сув байрами кунидаги мусобақада қатнашиши керак эди.

## II БОБ

### РОБИНЗОННИНГ ЕТТИ ЖУМАСИ

Лекин болалар анча вақтгача эстафета бўлишини ҳатто эсларидан ҳам чиқариб қўйишиди.

Бир куни, звонок чалинишига бир неча минут қолганда синфга Сеня Грачик ҳовлиқиб кириб келди. Ҳамма ўз партасида ўтиради. Сеня югуриб келиб ўқитувчининг столи ёнида турган стулга сакраб чиқди.

— Болалар, жим!— деб қичқирди у хуноб бўлиб, қўл силкиб.— Болалар, қулоқ солинглар, яқинда робинзонларга ўхшаб оролда яшаймиз.

— Топган гапини қаранг-у!— деди Рёмка Штиб.

Ҳатто Сурик ҳам ўз ўртоғига ҳайрон бўлиб қаради.

— Робинзоннинг биттагина Жумаси бўлган, сенини эса ҳафтада еттита,— деди у.— Ҳар куни бир янгилик топиб келасан.

Мила Колоброда партасидан туриб, Сенянинг ёнига келди, бўйини чўзиб, Сенянинг пешанасини ушлаб кўрди, гўё унинг ҳароратини кўрмоқчи бўлди. Сеня унинг қўйини итариб ташлади.

— Қаердан топдинг одам оёғи тегмаган оролни?— сўради Қсанा.

— Йўқ, унақа эмас, одам яшайдиган орол!— деди Сеня, стулда турган ерида депсиниб.— Ўша оролда ўзимиз яшаймиз.

— Ўзимиз деганинг кимлар?— сўрашди синфдагилар.

— Ҳаммамиз. Ҳозир мен сизларга шундай бир гапни айтаманки, ҳаммаларингиз ўйинга тушиб кетасизлар. Қани, олдиндан бир ўйнаб юборинглар-чи!..

— Ҳо!— қичқиришди болалар.— Яхшиси, стулда

туш! Нега бунча бижиллаб қолдинг? Болалар стулдан туширинглар уни?

Сеня стулнинг суюнчиғини ҳар эҳтимолга қарши маҳкам ушлаб олди, лекин стулдан тушмади.

Рёмка Штиб ўрнидан турди. Бошқа болалар ҳам Сеня томон юрдилар.

— Бирпас сабр қилинглар!— қичқирди у, яқинлашганларни тепиб.— Сурик айтяптики, Робинзоннинг фақат битта Жумаси бўлган, бизларнинг эса бир ҳафтамиз Жума бўлади, бунинг устига бир ҳафтагина эмас тағин.

— Аниқроқ гапирсанг-чи!

Семиз ва новча Мила Колоброда Сеняниг тепкисига чап бериб, икки қўллаб унинг белидан маҳкам ушлаб олди-да:

— Гапни чўзаверма! Гапирақол тезроқ!— деб уни силкита бошлади.

— Қўйвор, Милка! Бир усул қўлласам, абжалингни чиқараман. Болалар, эшитсанглар-чи!— тантанали эълон қилди Сеня (ўзининг ҳам сабри чидамай қолганди).— Биз, ахир, Биринчи Май кўчасидаги янги бинога кўчиб боришимиз керак эди-ку. Келгуси йилдан бошлаб мактабимиз ўн йиллик бўлиши керак эди, буни амалга ошириш учун эса ишчи кучи йўқ, яъни етишмаяпти. Ҳамма канал қурилишига сафарбар қилинган. (Сеняниг бу гапларни бирордан эшитгани сезилиб турарди. Сеня ростдан ҳам бу гапни ҳозиргина мактаб директори Глеб Силич билан гаплашаётган раис Галина Петровнанинг оғзидан эшитиб қолган эди.) Сув эса келяпти,— гапини давом эттирди Сеня.— Мактабимизни бузиш керак. Хўш, қаерда ўқиймиз энди?

— Ур-ра!— қичқирди Рёмка Штиб қувониб.— Дарс бўлмасақан-да. Ажаб бўпти, хўп бўпти. Мана энди бир ой олдин каникулга чиқаришади. Мазза!

У шундай деди-да, партага бошини қўйиб, оёқларини осмонга кўтарди.

— Тўғри тур!— ҳали ҳам стул устида турган Сеня маслаҳат берди унга.— Эрта қувоняпсан. Глеб Силичнинг рухсати билан Ирина Николаевна ижрокомда бу тўғрида гаплашибди. Кеча инженерлар кўргани келишди. Мактабимиз тепаликда-да! Бу ерга сув яқин орадж келмайди. Балки бу йил бутунлай келмас. Глеб

Силич ижрокомга бориб, Қсананинг бувиси билан, Галина Петровна билан гаплашиб, ҳал қилиб қўйибди.

— Нимани ҳал қилибди? Нима тўғрисида вайсан япсан ўзи? Тушунадиган қилиб гапирсанг-чи!— деб қичқиришди унга атрофдан.

— Тоқатимиз тоқ бўляпти,— деди одатдагидек Сурен.— Огоҳлантираман, сабрим тугаяпти.

— Қулоқ солинглар: бешинчи синф, яъни бизнинг синфимиз билан еттинчи синф шу ерда қоларкан. Шунга қарор қилишди. Яқинда бу ер орол бўлади. Атрофни сув қоплади, тушуняпсизларми? Биз шу ерда яшайверамиз. Чунки кичкиналарнинг синфлари бўшатилади-да, ахир уларнинг синфларини бизларга, ҳалиги, ётоқхона, нимайди, тротуарми, қилиб беришади... Елизавета Порфириевна шунақа деди...

— Дорғтуар<sup>1</sup>!— деб унинг сўзини тузатди Пьер.

— Ҳа! Ахир, ҳар куни ҳаммани қайикда олиб келиб, яна олиб бориб қўйиш қийин-да. Лекин қайикларни келтиришаётганмиш. Станцияга келтиришибди. Биз шу ерда, мактабда яшаймиз. Оролда яшагандек яшайверамиз. Мазза бўлади-а?

— Вуй, мазза-ку,— дейишди синфдаги болалар.

Қизлар паришон бўлиб, дераза томонга қарашди. Афтидан, улар атроф сув билан қопланса, бу ерда қандай яашларини тасаввур қилиб кўра бошлаган эдилар. Үғил болаларнинг кўзлари чақнади. Ҳаммалари чуғурлашиб тушунтиришга киришишди — мазза бўларкан-да, худди кемада тургандек бўламиш!

— Томга байроқ қадаб қўямиз,— деди Сеня хаёл сурнб.— Овқатимизни келтириб туришади, қизлар иситиб берадилар.

— Ҳо... қизлар иситиб берамиз деб туришибди-да, ўзиям. Нега энди қизлар иситиб бераркан, ўзларингчи?

— Ошпазлик қиласизлар-да, бу сизларнинг ишинги, биз бўлсак швабра билан пол ювамиз,— деб қизларни сал тинчиди Сеня.

— Полни артамиз,— унинг сўзига тузатиш киритди донишманд Сурен.

— Кеманинг палубасини арғтгандек арғтамиз,— деди Пьер.

<sup>1</sup> Дортуар — ёпиқ типда бўлган мактаблар ҳузуридаги ётоқхона — (таржимон).

Ирина Николаевна кириб келганини синфда ҳеч ким пайқамай қолди. Болаларнинг ҳамма нарсадан хабардор бўлганларини дарров фаҳмлаб олди у.

— Хўш, хурсандмисизлар? Ё кўрқяпсизларми? — деб сўради вожатий.

— Нимадан қўрқарканмиз? Ҳе! Қўрқармишмиз!.. Қўрқадиганлардан эмасмиз!

Болалар бир-бирларини туртишиб, иложи борича вожатийга яқинлашиб, ҳаммалари унинг атрофии ўраб олишди, унга савол ёғдира бошлишди:

— Ота-оналаримиз қўйишармикин?

— Ирина Николаевна, демак, кечалари ҳам шу ерда қоларканмиз-да? Шу ерда ётиб турарканмиз-да?

— Дам олиш кунлари қайиқда уйга бориб туралмизми?

— Кинога қандай борамиз? Олиб боришармикин?

Ирина Николаевна савол берилаётган гоҳ у, гоҳ бу томонга ўгирилиб, кинога олиб боришларини, якшанба кунлари уйга жавоб берилишини, Сув байрамида ҳам албатта қатнашишларини тушунтирди. Ётоқхона қилиб ускуналанадиган бошланғич синфларда ётишга тўғри келишини ҳам айтди. Ўқувчиларда намунали тартиб бўлишига Советда умид қилаётган эмишлар. Бу ишни улар Ирина Николаевнага ишониб топширибдилар. Фақат директор ва илмий бўлим мудири Елизавета Порфириевнагина эмас, ота-оналар олдида, шашар олдида болалар учун Ирина Николаевна ҳам жавоб берармиш. Вожатий пионерларнинг уни уялтирмасликларига ишончи комиллигини айтди.

— Албатта, қийин,— деди Ирина Николаевна.— Лекин бошқа илож йўқ. Шундай қилинмаса, бир ой дарс бўлмай қолади. Янги бино тайёр эмас. Дарсларнинг тугашига бир ой қолганда ташлаб кетавериш яхши эмас-да. Волга-донликларнинг тажрибасини қўлланишга тўғри келди. Қанал қурилаётганда улар шундай қилишган эди. У ерда ҳам бир станцияда мактаб қурилишини роса чўзганлар, болалар атрофларини сув қуршаб олган бўлса ҳам эски мактабларида ўқишини давом этдираверганлар. Ё орамизда қўрқадиганлар ҳам борми?

Албатта қўрқадиганлар топилмади. Сал-пал қўрқиб турганлар ҳам сездирмай тураверишди.

Лекин бу осонлик билан бўладиган иш эмас эди.

Қурилиш комиссияси мактаб биносини ва у турган тепаликни кўздан кечириб, мактаб атрофини ҳар эҳтимолга қарши, сув ўтказмайдиган қилиб дамбалаб қўйишга қарор қилди. Кучли баҳор ёмғирлари бошланди, тўпланган сув юқори кўтарилиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам сувни мактаб деворига яқинлатмаслик чорасини кўриш лозим эди.

Ана шу мақсадда эрталабки смена ҳар кўни дарсан кейин, тушдан сўнг ўқийдиганлар эса дарслари бошлангунча мактаб участкаси атрофида дамба қилиш учун икки соатдан ишларди. Мактаб биноси тик тепаликда эди. Бир замонлар бу бинода кон бошқармаси жойлашган. Бошқарувчи Альберт Оттович Грюппон бу тепаликни шунинг учун ҳам танлаган эдики, кабинетнинг деразасидан бутун районни аниқ кўриб турса бўларди. Ростдан ҳам ҳозир ўқитувчилар хонаси бўлган ўша кабинетдан бутун посёлка ва унинг фонида чўл манзараси намоён бўлиб турарди. Илгари эса бошқарувчининг кабинети дарласидан эски Сухоярка кафтдагидек яққол кўзга ташланиб турар, шахта ҳамда Собачеевканинг қашшоқ пала-партиш қурилган кулбалари ҳам кўринарди.

Аҳолиси аллақачонлар кўчирилган, ҳозир бўйм-бўш ташландиқ жойга айланган Собачеевканинг ўрни ва Сухоярканинг бир неча эски квартали мактаб жойлашган тепаликни ҳозир шаҳарча жойлашган иккинчи тоғондаги яssi тепаликдан ажратиб турар эди. Ана шу сси тепаликда янги кварталлар вужудга келган эди. Эски мактаб биноси турган тепаликка қадар чўзилган ластликнинг яқин кунлар ичida сув остида қолиши кутилар, шундай қилиб, мактаб шаҳарчадан ажралиб, орол бўлиб қоларди. Лекин қўрқинчли жойи йўқ. Бу тажрибадан ўтган-ку, юқорида айтганимиздек.

Нима, икки соат бетиним белкурак билан ер қазиш осон экан, деб ўйлаяпсизми? Ёки тепаликнинг тик ён бағрига тупроқ ташиб, дамбани шиббалаш осонми? Ёки замбилғалтакда шағал ташиш енгил ишми? Қумтош бўлакларини қўлда кўтариб ташиш, тахлаб қўйиш учун озмунча куч керакми? Ҳа, осон иш эмас бу!..

Лекин — жин урсин!— сувни жиловлашга киришган ва уни янги изга солишга бел боғлаганлардан бири бўлган Сурен Арзумян айтганидек, стихияни бўйсундиришга киришганлар қаторида меҳнат қилиш қанчалик

масса! Ишдан кейин бир-бирларига йиртилган епгларни кўрсатиш, самоварда совиб қолган сувдан кружкани тўлатиб-тўлатиб ичиш, оғиз чайқашдан болаларроҳатланар, бир-бирларига:

— Зарари йўқ. Ўзиям роса чарчадик-да,— деб қўйишарди.

Болаларнинг ҳаммаси ҳам ишларди. Ҳатто қурувчиликдан: «Келинглар, бир чекиб олайлик»ни ўрганиб олган Рёмка Штиб ҳам почасини ҳимариб олиб, белкурак билан ишлар, у аҳён-аҳёнда болаларга: «Келинглар, бир чекиб олайлик», деб бир оз дам олишга ундар, лекин Ирина Николаевнанинг кўзи олдида чекишига ҳеч ҳам журъат этмасди. Қурилиш томонидан биркитилган шофёр аёл — сергап, жағи тинмайдиган Тася самосвални тисараётганида болаларнинг ғашига тегадиган қилиб гапирав, шағал ташлай туриб, болаларга:

— Ҳе, зиёлилар! Қайтинглар орқаларингга! Парта-да ўтириб «а»ни «б»га қўшиб ечадиган масала эмас бу сенларга!— деб бақиради. Бу аёлнинг шаллақилигини Сеня илгаритдан биларди, у олдин Сенянинг отаси ишлаётган автоколоннада эди.

— Гап сотмай, жўнай қолинг!— дейишарди болалар унинг орқасидан.

Сув тез кўтарила бошлади. Фақат болаларнинг кучи билангина дамбани мустаҳкамлаб улгуриб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолди. Шунда шахсан Галина Петровнанинг ўзи пенсионерларга мурожаат қилиб, уларни ёрдамга чақирмоқчи бўлди. Қариялар Шахтёрлар саройида халқаро аҳвол тўғрисидаги навбатдаги лекциядан кейин буфетга бориб, жаҳонда тинчлик ва тинчлик учун курашчилар, тинчлик тарафдорлари соғлиғига қадаҳ кўтаришаётган пайтда раиса Галина Петровна уларнинг олдида пайдо бўлди.

— Салом, оталар, салом!— деди уларга раиса.

— Галина Петровнага саломлар бўлсин!— деб саломлашишди чоллар.

— Мен сизларга бир иш топиб келдим, ҳурматли оталар! Нуқул шовқинлашиб, ичиб юрганларингиз-юрган. Мен сизларнинг овозларингизни эмас, ишларингизни кўрмоқчиман. Бир хайрли иш қиласизлар, деган умидда келувдим. Хўш, нима дейсизлар?

— Тушунтира қол, Галина Петровна, нима ишинг бор эди?— деб сўради Лиходий ота.

— Белкуракни ишлата оласизларми? Замбилғалтакка ярайсизларми? Ё куч-қувватларинг бутунлай кетиб, суробларинг тўғри бўлиб қолганмикин?..

Чоллар раийжроком раисининг нимага шама қила-ётганини тушунолмай, анча ҳайрон бўлиб туришди. Раиса мактаб ўқувчилари шошилиб қолганларини, ултүролмаётганларини, сув борган сари юқорига тез кўтарилаётганини тушунтирди. Ёрдам бериш керак. Мактабда шанбалик уюштирилса яхши бўларди, деди у. Қариялар кичкиналарга ёрдамлашсалар, яхши иш бўлурди.

— Шанбалик ҳам уюштирамиз, якшанбалик ҳам,— дейишди чоллар якдиллик билан.— Қўлимиз соғ, оёғимиз соғ, кучимиз етганча ёрдам берсак нима қинти? Борамиз...

Эртасига ёқ мактабга боришли.

— Қани, баҳтиёр болалик йўл берсин-чи энди. Таъминланган кексалик келди. Қани, йўл берингларчи!..

— Чоллар отряди, саф-га!..

Қариялар белкуракларни, замбилғалтакларни ишга солдилар. Иш қизғин тус олди. Мехнатда суяклари қотган кишилар қарилекни ҳам унугиб юборишли.

Бир оздан кейин дамба ёнида Незабуднийнинг тогдек гавдаси пайдо бўлди.

— Чоллар, мени ҳам сафларингизга қабул қилинглар.

— Сенга буфетмиди бу ер, маҳсус бригада бу, ёши улуғлардан ташкил топган... Тушуняпсанми, ошна.

— Тушунармиди у, ҳеч қачон тушунмаган,— дея ҳазиллашди Зелепуха.

— Қўлингдан бирор иш келадими ўзи?— деди кулиб Перегуд, кўкраги билан белкуракнинг дастасига тиранниб.— Кучинг ҳамманинг оғзида эди, қани бир кўрайлик-чи, нимага яраркинсан?

— Ҳазил-мазахларингиз етарли, чоллар!— хафа бўлди Артём Иванович.— Озмунча кўмир қазиганманми? Ўзларингиз билан кондан кўмир ташиган ким эди? Қани, нарироқقا тур, менга замбилғалтакни бер. Тўлат.

Незабудний қариялар роса тўлатган замбилғалтакнинг дастасини енгил, худди мотоциклнинг рулини тутгандек ушлаб, тикка юқорига филдиратиб олиб чиқди, енгилгина ҳаракат билан уни ағдарди.

Чоллар унга қараб гарданларини қашиб қўйниши, фуражкаларини қошларининг устига тушнириши.

Шофёр Тася самосвалини ағдара туриб, энди болалар билан эмас, чоллар билан гижиллаша бошлади.

— Салом, отахонлар! Тушда юзга кириб, кечқурун нечага кирасизлар?

— Қачон қум келтирасан? — деб ундан сўраши.

— Сизларга ҳам қумми? — қичқиради у. — Ўзларинг қум бўлиб сочилай деб турибсизлар-у!

— Бунча қўпёл бу хотин?.. Даф бўл, шаллақи! Белкурак билан бошингга тушириб қолмай тағин! — чоллар ҳазил аралаш белкуракларни силкитиши.

Дамба тез қад кўтара бошлади. Сеня ҳам пешана-сидан кўзига оқаётган терини артиб, сал нафасини ростлаш учун қаддини ростлаб, атрофга қаради, беҳад қувониб кетди.

«Жудаям омадли эканман-да. Бахтимга, бирор чет мамлакатда эмас, шу ерда туғилдим, тағин ўз вақтида. Капитализм даврида туғилсан нима бўларди! Унда ҳам, рости, ёмон бўлмасди. Революцияда иштирок қиласган бўлардим. Балки Ворошилов ва Будённий билан биргаликда оқларни савалаган бўлардим. Яхши бўларди. Ўшанда, лекин, анави Ксанка бўлмасди-да...»

Ана шу Ксанана туфайли Сеняниг кўнгли хотиржам эмасди. У Ксанана ҳамма қатори ишлай олмайди, деб қўрқарди. Қиз унинг кўзига жуда ҳам нозик кўринар, ҳаётда учрайдиган ҳар қандай хатарларга бас келолмайдиганга ўхшарди, Сеняниг назарида Ксанана самосвал шағал ташлайдиган жойга яқин тургандек, замбилиғалтакка қумни ортиқча солиб кўтараётгандек, белкурак ҳам унга оғирлик қилаётгандек туюларди. Негадир Ксананинг ўзи эса бу нарсага эътибор ҳам бермасди. Сеня ниҳоятда хавотирланаётганини ҳар гал гапирганда Ксанана кулиб қўярди, холос.

— Кўйсанг-чи, Сеня! — деб жаҳли чиқарди унинг. — Бувимдан ҳам баттароқсан-а. Наталья Жозефонага ўхшайсан! Рост!

Шунда ҳаммалари: Ксанана ҳам, семиз Милка ҳам, Пьер ҳам унинг устидан кулишар, айниқса Пьернинг кулгани Сеняга жуда алам қиласр эди. Лекин бу парижлик бола сидқидилдан ишлаётган эди. Белкурак унинг қўлида эпчил қимиirlар, шўхчан ҳуштак чалиб,

тушуниб бўлмайдиган «Аллон, аллон!» сўзини тез-тез тақрорлаб замбилғалтакда тупроқ ташириди.

Сеня эса хуноб эди. Қсанага унга бутунлай эътибор қилмаётганга, унинг эътиборини парижлик шу олифта бола жалб қилганга ўхшарди, унга эътибор қилмай бўлармиди, ишга чўнтаклари оқ ип билан катта-катта қилиб тикилган брезент курткада келибди, ҳамманинг ҳам диққатини тортиб ишлайти.

Сеня Милицанинг жавонидан насиҳатлар китобини олиб, бир неча марта яширинча кўздан кечириб чиқди, Қсанага айтолмай юрган юрак дардини қандай қилиб ёзма баён этиш тўғрисида бош қотириб, ишқий хат намуналарини бирма-бир ўқиди. Лекин «Хотини ўлган киши марҳума хотинининг дугонасига унинг қўлини сўраб ёзадиган хат» тарзидаги мактубларнинг ҳеч бири Сеняга тўғри келмасди, у турли-туман муҳаббатномалар, эрининг ўз хотинига ёзадиган хатлари намуналари ичидан бирортасини ҳам танлай олмади. Лекин сал мос келадиган бир хат топиб, уни ҳатто ёд олди. Бу хат «Бевафо қизга таъна қилиб ёзиладиган хат» деб аталар, унинг айрим сўзлари Сенянинг ҳам кайфиятини бир оз ифодалар, бундан фойдаланса бўларди.

«Марҳаматли Н! («Н» ўрнига «К» қўйиш қийинмас) Алamu ташвишларимга хотима бериш умидида мен бугун қалтираб турган қўлимга қалам олдим, сен билан очиқдан-очиқ гаплашгим келди... Кўпдан бери менга нисбатан беларволигингни пайқаб юрибман, бир неча марта буни сездим, лекин, қўй, қийналган юрагимни ортиқ қийнама... Менинг сўзларимни тўғри тушун: ўзингга маълумки, мен юрагимда борини гапираман, бекордан-бекорга ранжитадиган одатим йўқ...»

Сеня ана шу сўзлардан фойдаланиб бир хат ёзмоқчи, уни Қсананинг партасига қўймоқчи бўлди, лекин ёзгиси келмади, китобдан Милицанинг ҳиди келаверди, унинг лаб бўёқлари, крем ва атир-упаларининг ҳиди Сенянинг кўнглини оздирди. Бирорлар тайёрлаб қўйган гапларни Қсанага ёзиб бермоқчи бўлганидан ўзи ҳам уялиб кетди. Яқиндагина Славка Махан айтасан, деб мажбур қилган ҳақоратли сўзларни тилга олгиси келмаганидек, бу ёзма сўзларни ҳам у кўчириб ёзгиси келмади...

Бу бемаъни ишдан — хат ёзишдан, ёзганда ҳам шпаргалкадан фойдаланишдан воз кечиб, яхши иш

қилган экан. Қунларнинг бирида охирги дарсда унга Қсананинг ўзи хат узатди. Бу хатда: «Сеня, мен сен билан гаплашмоқчиман. Жуда ҳам муҳим гап бор. Дарсдан кейин кутубхонада қол. Мен қайтиб келман», деб ёзилган эди.

### III БОБ

## У КЕЛДИ

Мана, ваъдасига биноан Қсана ҳам келди. Аллақачон ҳамма кетиб қолган. Мактаб бўймабўй. У ҳовлиқиб, қизариб иккинчи қаватга кўтарилади. Сеня уни кутубхонанинг даҳлизида кутиб турнибди. Қсана яқин кёлиб, ўрилган сочини секингина тузатиб, сўрайди:

— Намунча хафасан, Сеня? Ҳамма вақт кузатиб юрибман, нуқул хафа кўринасан?

— Йўғ-э,— дейди Сеня,— ҳозир унча хафа эмасман. Фақат салгина аламим бор.

— Йўқ, жуда ҳам хафасан. Кўриниб турибди-ку. Нега яширасан мендан. Сеня? Билиб турибман,— дейди Қсана.

— Сен мендан шуни сўрамоқчимидинг? Билгинг келаётган бўлса, билиб қўй. Жудаям хафа эмасман, салгина хафаман, холос, салгина. Алам қиляпти-да. Сизлар бари бир тушуммайсизлар. Сизлар тушунадиган халқ эмас.

— Нега тушунмас эканман? — таажжубланади Қсаня.— Наҳотки тушунмасам, наҳотки ақлим етмаса...

— Йўқ, ақлинг етади, фақат кўп нарсани пайқамай юрибсан-да...

Ҳа, энди юрагида борини рўй-рост айтади, ичига ютиб юрмайди. Кулса кулаверсин, бари бир унга энди.

Гапиради... Эшитяпсизларми, гапиради ҳаммасини! Дадил гапиради. Жин урсин, нега энди гапирмас экан! У бугун ўзини жуда ҳам сўзга чечан, тортинмайдиган, серфаҳм, ҳозиржавоб ҳис этаётган эди.

«Қсана, сен ишон менга! — дейди у. — Мен дўстингман, ахир. Бир умрлик, ҳаммадан ҳам азиҳ дўстингман. Ишонавер. Истасанг шарт қўй — бажараман. Биламан, ҳали ҳеч қанақа иш кўрсатган эмасман, лекин кўрасан. Шундай бир иш қиласки, ўзингнинг ҳам мен билан бир умр дўст бўлгинг келиб қолади ҳали. Била-

**ман:** сенинг отанг ҳам шунақа киши эди, чинакам қаҳрамон эди... Сен ҳам мени менчалик ҳурмат қилишини учун бирор арзийдиган иш қилишим керак. Биласаними, мен сени қандай ҳурмат қиламан?! Уз синглим бўлганингда ҳам бунчалик қадрламасдим. Сен мен учун ҳаммадан керакли, ҳаммадан яхшироқсан. Сурик ҳам яхши, лекин у менга фақат ўртоқ. Пионерлик йўли билан сен ҳам менга қадрдан ўртоқсан, лекин сен ўртоқдан ҳам ортиқроқсан. Ҳали онгли бўлмаса ҳамки, Пъер ҳам яхши бола. Кўчманчилиги учун у айбдор эмас. Лекин биламан, Қсана, у чиройли, мен у билан тенглаша олмайман-ку-я... У кинолардаги болаларга ўхшайди. Лекин Қсана, бошқалар ундан кам эмас, ҳозирча чиройли бўлишмаса бордир, бир куни чиройли бўлиб ҳам қолишар. Мускуллари ҳам ҳозирча ривожланмаган. Ҳамма ҳам Рёмкага ўхшаган зўр бўлавермайди, ахир. Майли, нима десанг, де! У зўрроқ. Гап бунда эмас. Лекин ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, агар истасанг, хоҳишингни дарров амалга оширадиганлар ҳам бор. Улар чиройли бўлмаса ҳам ҳар ишга қодирликларини кўрсатиб қўйишлари мумкин...»

Қсана эса унга кўзини қадаб тинглаб турибди. Шунақа ҳам тинглаяпти! Йўқ, ҳеч кулмаяпти. Кўзларини қаранг! Бу кўзлар ҳамма ёқни равшан қилиб туритти-я! Мана, у ҳозир яна бир тикилади, деворларда шуъласи акс этади ҳозир. Ҳа, энди ҳамма гапга тушунуб олди у. Сеня қанақалигини, у Қсанани қанчалик қадрлашини билиб қўйисин-да. Анави парижликка нисбатан хунукроқ бўлса ҳам ана шу қиёфа остида нималар борлигини, Сеня Грачикнинг қанақа одамлигини у билиб қўйисин.

Қсана жим. Унинг бу гапларини эшитиб, Қсана нималар дея олишини Сеня тасаввур қилолмасди. Майли, кутиб тураверади, қани, нима деркин...

— Кўп кутдингми?— деган товуш эшитилди пастдан, Қсана зинапоядан чиқаётган эди.— Сеня, юқоридамисан?

Тамом. Қсана юқорига кўтариляпти. Ҳозир чиқади. Сеня ҳозиргина Қсанага хаёлида айтган гаплар ўз оғзига яна қайтиб киргандек бўлди. Ҳатто бўзига тиқилиб қолгандек, йўталолмади ҳам. Мана, Қсана югуриб чиқиб келяпти, зинапоядан оёқ товуши эшитилляп-

ти. Сеня билиб турибди: Қсанага бир оғиз ҳам гапи-ролмайди. Лекин, ахир, ҳозиргина, Қсанани кўз олдида гавдалантириб турганида қандай дадил, сўзга ҳам чечан кўринганди ўзига-ўзи.

Қсана юқорига чиқиб нафасини ростлади.

— Вой, мени кечир, Сеня. Кечикиб қолдим. Биз деворий газетанинг сувга бағишиланган маҳсус сонини тайёрладик. Штибининг суратини чизамиз, у энтикиб пуфак чиқариб ўтирган бўлади, бошқа болаларни ба-ланд қирғоққа чиқиб олган қилиб чизамиз. Маъқулми?

— Нима, шунга чақирганимидинг? Яна пионер топшириғи бермоқчийкансан-да!— деди Сеня тўнғиллаб.

— Сеня...— Қсана ерга қаради.— Сеня... Бу бутун-лай бошқача, маҳсус топшириқ.

— Билардим!— деб тўнғиллади Сеня, кутубхона эшигига кнопкани билан қоқиб қўйилган китоб бериш жадвалига кўз қирини ташлаб.

— Сеня, сендан илтимос. Менгина эмас, ҳаммамиз ҳам сендан илтимос қиласмиз. Район марказидаги мактаб билан эстафета тўғрисида гаплашиб келишди бизникилар. Биласанми, шунаقا шарт қўйишибдики, фақат яхши ўқиётганлар қатнашармиш. Ўзлаштирмовчи-лар агар энг яхши чопқир, энг яхши физкультурачи бўлса ҳам командага қабул қилинмас экан. Дмитрий Антонович жуда ташвишланяпти. Ирина Николаевна ҳам. Сен нима дейсан?

— Мен нима дердим? Қатнашаман, менинг баҳо-ларим нуқул беш-ку!

— Баҳонг беш бўлган билан яхши югуrolмайсан.

— Ташаккур! Ҳар ҳолда сендан тезроқ югурга ола-ман.

— Сен мен билан мусобақалашмайсан-ку. Район марказидаги мактабда қанақа чопқир болалар борли-гини биласанми?

— Мен улардан ўтолмайдиган бўлсам, менинг ўзлаштирувчи ёки ўзлаштирмовчилигим нимага керак экан?

— Шунақами?— деди Қсана ва ҳайрон бўлиб Сеня-га қаради.— Ҳали шундай де!— Энди Қсана унга сал нафрат билан тикияди.— Фақат ўзини ўйлайдиган одамлар ҳали ҳам бор-а... Бошқалар билан ишлари йўқ. Бор-а шунақалар. Бошқалар учун муҳим бўлган масала уларни ҳеч ҳам қизиқтирумайди. Сен, демак,

мукофотни биз олишимизни истамас экансан-да. Улар олаверсинми? Майлими, а? Бари бирми сенга ҳали?..

Қсананинг овози бўғилгандек туюлди, Сенянинг ҳам томоғига алланима тиқилгандек бўлди.

— Қсана, тушунолмаяпман, мендан нима истайсан ўзи?

— Сен тўғрисини айт, менинг илтимосимни қиласанми, йўқми?

— Нима қиламан?

— Олдин айт, бажарасанми, йўқми?

— Бажарсам бажаарман. Нима қилишим керак?

— Ёрдам беришинг керак?

— Кимга?

— Ўзимизнинг болаларга. Рёмка Штибга. У мактабимизнинг энг яхши чопқири-ку... Кейин...— Қсана диққат билан деразадан қарай бошлади. Сеня ҳам ўша ёққа тикилди, лекин ҳеч нарса кўринмади.— Кондратов ҳам... Пьер ҳам яхши югуради,— деб қўйди Қсана.— Эсингдами, экскурсияга борганимизда югуришиб кўришганди, Пьер ҳаммадан тез чопган эди.

— Бечорани кеча контролъ ишда ҳамма орқада қолдириб кетди, роса ачингандирсан,— алам билан деди Сеня.

Ҳаммаси тушунарли. Тушунарли. Аълочи ва намунали пионер бўлгани учун у, Сеня, математикадан контролъ иш ва рус тилидан ўша абраҳ, ярамас бола Рёмка Штибни шатакка олиши керак эканда. Бу ҳам камлик қилгандек, Пьерни ҳам шатакка олиши лозим эмиш. Бўпти, лекин нима ўйлаб турган бўлса, ҳаммасини унга рўй-рост айтиши керак. Билиб қўйсин!

— Қсана,— деди у қатъий қилиб,— билиб қўй! Мен сенга дангал айтаман. Хафа бўлмасанг ҳам бўлади. Буни фақат сен учун қилишим мумкин.

Қсана кўзларини қисиб, бош чайқади:

— Йўқ, Сеня, керакмас. Мен буни истамайман. Буни ҳаммамиз учун, мактаб учун қилишинингни истардим.

— Бўпти, мактаб учун бўлса бўла қолсин,— деди Сеня маъюслик билан.

— Ахир мен учун эмас-ку! Тушунишинг керак-да!

— Ҳаммасини тушундим. Майли дедим-ку. Ҳамма учун бўла қолсин. Лекин бир нарсани билиб қўй, ҳамма учун бўлса ҳам мен сенинг Пъеринг учун қилмайман. Билиб қўй.

Кейинги куни район ижроня комитетида, халқ маорифи бўлимида район марказидаги мактаб вакилларни билан биргаликда катта сув келиши шарафига бағишиланадиган эстафетани ўтказишнинг қатъий тартиблари ишлаб чиқилди. Командаларга бирорта ҳам ўзлаштирмовчи бола киритилмаслиги кераклиги яна бир марта қайд этилди. Физкультура ўқитувчиси Дмитрий Антонович бу шартни четлаб ўтмоқчи бўлганди, ҳамма болалар яхши ўзлаштираётган район марказидаги мактаб вакиллари эътиroz билдиришди. Ёш физкультура ўқитувчининг турли имо-ишоралари бекор кетди, Ирина Николаевна район марказидаги мактаб вакилининг фикрини тўла маъқуллади. Дмитрий Антонович қўл силкиб қўйди — ўзларингдан кўринглар, демокчи бўлди шекилли.

Эстафета комбинацияли қилиб ўтказиладиган: югуриш ва велосипед спорти бўйича мусобақалашиладиган бўлди. Шартлар бу ернинг шароити учун янгилик эди: мусобақанинг бир этапида сувдан ҳам ўтишга тўғри келарди. Район марказига байдаркалар олиб келинган эди. Эстафета таёқчаси бир этапда сув орқали олиб ўтиларди.

Физкультура ўқитувчиси Дмитрий Антонович Артём Иванович билан кенгашдан қайта туриб хафаҳол гап бошлади:

— Мен сизга тушунолмаяпман, Ирина Николаевна, кечирасиз, ҳеч ҳам тушунолмаяпман! Мактабнинг шаъни учун жон куйдирасиз-у, уни ўзингиз зарба остида қолдиряпсиз. Бунча аълочини биз қаёқдан топамиз? Бизнинг мактабимизда аълочиларнинг, кечирасиз, ҳам маси лапашанг. Энг тажрибали ва машқда чиниқанлари эса иккиларини тузатганлари йўқ. Рости, сира тушунолмаяпман. Тағин, мен мактабнинг шаъни учун курашаман, дейсиз.

— Ҳа, «шаъни учун!» — дея унинг гапини бўлди Ирина Николаевна, ҳатто юришдан тўхтаб. — Сиз бу сўзга тушуняпсизми? Шаъни учун, қуруқ дабдаба учун эмас. Чинакам шараф учун, қуруқ ном учун эмас! Тушуняпсизми?

— Жуда яхши тушуняпман. Сиздан кам тушунаётганим йўқ. Лекин...

— Лекин... шон-шараф деган нарса сохта бўлмаслиги керак. Ёмонларни яхши қилиш лозим. Пионерлар

қолоқларни шатакка олишди. Сеня Грачик... Айтган-дек, командалар рўйхатида мен Грачикни ҳам, Арзумянни ҳам учратмадим.

— Арзумян яхши шахматчи, холос,— деди Дмитрий Антонович.— Сиз, нима, шахмат таҳтасида от билан юрнини ҳам эстафетага қўшмоқчимисиз? Лекин, майли, уни велосипедчилар командасига олсак бўлар. Лекин Сеня Грачик жуда ҳам лапашанг бола-да. Жуда-ям пачоқ бола.

— Кишининг ғашига тегадиган гапларни гапирависиз!— деди Ирина Николаевна қаттиқ ранжиб.— Грачик яхши бола, жуда ҳам қобилиятли, соғдил йигит. Сувни у ҳаммадан кўп кутяпти. У сувда сузишни ҳам назарий жиҳатдан ўрганиб чиқди. Балки қайиқ ҳайдашни ҳам назарий жиҳатдан ўрганиб олгандир. Район марказида ҳам унга тенг келадиган рақиб топилмас. Сув муҳим этап. Рамзий аҳамиятга эга. Район марказига ҳам сув энди келади-ку. Яхшиси, Сеня Грачикни байдаркага ўтқазамиз. Уни бирор ҳафта тренировка қилдирсан кифоя. Сурен велосипед мина қолсин.

— Гапга қаранг, роса комедия бўларкан да. Айнқлар велосипед минибди-ю, уларниг орқасидан мушук ҳам велосипедни тескари миниб эргашибди. Маймунлар ҳам мусобақалашишибди. Шунаقا бир масал ўқинганман. Нима дейсиз, Артём Иванович? Сиз гапиринг, сизнинг гапингиз эътиборлироқ.

— Менинг фикрим шундай,— деди Незабудний.— Менинг фикрим шундайки, у болани бу ишдан четда қолдирмаслик керак. Шусиз ҳам ҳозир унинг таъби хира. Кичкина бўлса ҳам пишиқ бола, сизларни уялтириб қўймас. Бекорга унга ишонмаяпсизлар. Кучли бола у. Яқинда менинг олдимга келиб: «Артём амаки, сиз, эҳтимол, мен кучсиз бўлганим учун мени бир чақага олмассиз...»— деб сўради.

— Билиб қўйинг, совринингиз, дод деб кетади,— деди бўш келмай Дмитрий Антонович.

— Нега дод деб кетаркан?— Ирина Николаевна физкультура ўқитувчисига ўқрайди.— Энг яхши команда олади. Лекин у болани мен сира хафа қилдириб қўймайман. Билиб қўйинглар.

Шу куни Сеня Қсана, Пьер, Сурик ва Мила билан биргаликда тепаликка чиқди, улар тепаликка ҳар куни боришарди. Лекин бугунги чиқишлари бекор кетма-

ди: уфқнинг олис-олисларида, чўл устида туманга ўхшаш кумуш ранг тасма кўзга ташланди. У гоҳ жимирлаб қолар, гоҳ кўздан ғойиб бўларди. Уша ёқдан аллақандай ёқнмли шабада димоққа урилди. Болалар бурун тешикларини катта очиб, руҳни енгил қилувчи ана шу шабададан нафас олдилар, илгарилари бунаقا шабада Сухояркада ҳеч қачон димоққа урнлмаган эди.

Эртасига кечқурун, дарслар тугаши билан болалар яна тепаликка югуришди, тепаликнинг чўққисига чиқиб олиб, кечаги ажойиб тасма ғойиб бўлмаганимикин, деб чўчинқираб ўша томонга тикилдинлар. Йўқ, йўқолмабди. Бугун сал кўпайибди ҳам. Қоронги тушганда қурилиш чироқлари икки ҳисса кўпайгандек бўлди. Ҳар бир чироқ энди сув сатҳида ҳам акс этаётган эди. Кумуш тасмани қоронғилик ютган, лекин чироқлар акси қоронғилик қаърида ярқираб кўринарди.

Шунда болаларнинг ўзаро муносабатлари яхшилангандай, гина-кудуратлар эсдан чиққандай бўлди. Болалар тепаликда сакрашиб:

— Сув келяпти! Сув келяпти! Сув! Сув! — деб қичқира бошладилар.

Пастликдаги қоровул қичқириб, уларни ҳайдагунча болалар хурсанд бўлишиб, роса сакрашиши.

Эртасига Елизавета Порфириевнанинг дарсида деразадан уфқда нимадир ярқираб кўриниб, жимирлади, ғойиб бўлди, яна кўринди. Навбатдаги контроль ишни ёзаётган болалар бошларини кўтариб, дераза томонга қарашди: ўша ёқда, дераза ортида қанот қоқиб бу ўлкада ҳеч қачон кўринмаган ғалати бир қуш учиб юрарди. Қуш саройнинг томига қўнди. Тумшуғи узун бу қуш томда ноўхшов юргурди, яна учди, ҳавода алланимага осилиб қолгандек бир зум бир жойда қанот қоқиб турди.

— Қадрдонларим... болалар! — деди Елизавета Порфириевна ва ўрнидан турди. Ҳайрон бўлиб деразага яқин борди.— Бу чайка-ку, чайка!

#### IV БОБ

### ОРОЛЛИКЛАР

Сув тобора яқинлашарди. Сухоярканинг ўзига ҳам етиб қолди. Посёлкада ҳамма уни кутиб олишга тайёрланарди. Келин кутгандек ҳар хонадонда уни орзин

қиб кутишарди. Уни кутиб ҳамма нарса яшнар, ҳамма қувонарди. Зелепуха ота жарлик ёнига бориб, сув келган жойга кўк йўл-йўл белги қилиб бир ёғоч суқиб қўйди. У ҳар куни эрталаб ва кечқурун келиб қарап, сувнинг қанча кўтарилганини кузатарди. Бузилган уйининг олдида, ҳозир эса сув остида қолиб кетган жойда бир пайтлар ўсиб турган дарахтни у аллақачон бошқа жойга ўтказган эди. Дараҳт тепаликда, янги уй олдида ўсади. Биринчи Май районида янги уйлар қад кўтарган, уларга ҳамма кўчиб кирган эди. Ҳали-ҳозирча сув етиб келмаган қуруқ ерда қайиқ станцияси қурилаётганди. Бу станция Сув байрами шарафига пионерлар эстафетаси тугайдиган жойда қурилмоқда.

Дастлаб сув уйларда, янги квартиralарда пайдо бўлди. Фильтрлайдиган станция ишлай бошлади. Водопровод кранлари ишга тушди. Қувурларда нимадир ғўлқиллар, сухояркалик болалар сабрлари чидамай унга қулоқ тутиб, қувур ичидан товуш эшитилиши билан ошхонага югурап, жўмракни бураб, унга тикилардилар. Мана, дастлаб бир-икки томчи сув томди, сўнг бирдан сув пуркалди, кейин биринчи синфлик қизчаларниң сочи ўрамига ўхшаб занг аралаш сув оқди, яна бир сув пуркалиб, кейин тиниқ сув кела бошлади. Водопровод! Водопровод! Янги уйларга кўчиб кирган кишиларниң водопроводи қандай ишлайдиганни кўриш учун уларникига меҳмонлар ҳам келаверди. Кранлардан муздек тиниқ сув оқар, қудуққа кўнишиб қолган кишиларни у хушнуд қиласди. Одамлар бир-бирларникига югуришар, телефон қилишарди:

— Сизларнида борми? Бизларда келмай қўйди. Бизларниң линиямида авария бўлганмиш. Вақтинча узуб қўйганишлар. Кечқурун беришга ваъда қилиш ялти.

Гап сув ҳақида кетаётганини ҳамма ҳам тушунарди:

Синчков болалар уйининг бурчагидаги хонага занжирли дастак тортилганда юқоридан сув шариллаб тушадиган жойга бориб, бу хонадан чиққуси келмай қолди, бундай шўх болаларниң оналари эса, шўрлик боламниң қорни оғриб қолди шекилли, деб роса ташвишланардилар!

Икки ҳафта бетиним ёққан ёмғир ҳам сувнинг келишини жадаллаштирди. Илгари белгилаб қўйилган графикдан олдинроқ келиб қолди сув. Сеня билан Су-

рен ҳам сув йўлига белги қўйишар, эрталаб келиб кеча қўйган белгилари сув тагида қолиб кетганини кўриб териларига сифмай қувонардилар.

Мактаб турган тепалик атрофига ётқизилган дамбага ҳам сув урилди. Сув кўпайган сари айрим отоналар кўпроқ ташвишлана бошладилар.

Тиниб-тинчимайдиган Ирина Николаевна болаларини оролда яшашга ишониб қўйган, лекин ҳозир ташвишланаётган ота-оналар олдига борар, уларни тинчлантиради:

— Ахир, лагерга ҳам тоборардингизлар-ку. Ҳар йили, ахир, улар лагерга бориб турарди-ку. Буни ҳам лагерь деб ҳисоблайверинглар, ўқиладиган лагерь. Лекин бу лагерь кўз олдиларингизда-ку.

— Лагерь дегани қуруқ жойда бўларди, бу, ахир, азизим, сувнинг ўртасида қолди-ку... Ваҳима босади-да одамни, ахир.

У ҳар қалай ҳамма ота-оналарни ҳам тинчлантира олди. Мактаб биносида ота-оналар йиғилиши ўтиказиди, ота ва оналар сал хотиржам бўлдилар. Ростдан ҳам болалар ўтган йилларда лагерларда яшагани сингари яшар, бу гал яқинда ва ота-оналарнинг кўзлари олдида эдилар. Кун сайин посёлкага яқинлаб, кўтарилиб келаётган сув одамларни қувонтирас, руҳларини енгиллатар, бу — уларнинг таъблари хира бўлишига йўл қўймасди.

Сув аста-секин кўтарила борди. Бу сув катта, ҳаммани тўйинтирадиган, чанқоғини босадиган, турган жойида тинч бўлса ҳамки беҳад қудратли сув эди. У ҳамма майда-чуйда ўйдим-чуқурларни, баланд-пастликларни текислаб келарди. Уфқа қадар ҳамма ёқ текис, ойнадек ярқиради. У йўли устида дуч келган ҳамма нарсани — ташландиқ нарсаларни, чанг-тўзонларни оқизиб, ҳаммасини ютиб, ўтмишдан қолган изларни йўқотиб келарди.

Атроф кишини ҳайрон қолдиарли даражада ўзгарди-қолди. Ҳатто кўкламги жануб қуёши ҳам бошқача-роқ нур сочар, бошқача кўринар, ҳаво ҳам мусаффо, қуёш ҳам ювениб баданидаги кирларидан халос бўлгандек кўринарди.

Сухоярка осмони ҳамма вақт ҳам бениҳоядай эди. Очиқ чўл осмони зангори гумбаздек кўринар, энди эса

илгариғидан икки ҳисса кенгайғандек әди. Сув омбори-  
нинг ранги ҳам осмон рангига кирган әди.

Артём Иванович оламда кўп сувларни кўрган. Кат-  
тасини ҳам, кичигини ҳам. Оқадиганларини ҳам, оқ-  
майдиганларини ҳам. Лекин уларнинг ҳеч қайсиси  
одамларга бу каби қувонч баҳш этмаган, ҳеч қайсиси-  
ни кишилар бунчалик катта умид билан кутмаган әди.  
Сувнинг келишини ҳаммадан ҳам ўт-ўланлар билан  
болалар кўпроқ кутишди. Ҳамма ёқда ўт ўсан, эрта-  
индин сув тагида қолиб кетишига ҳам парво қилмай  
хуррам кўринар, болалар эса қоғоздан кемачалар ясар,  
сув бетига ялпоқ тош отиб ўйнашар, иштонларини кў-  
тариб паст жойларда сувни шапиллатиб юришар, ден-  
гиз об-ҳавоси ва денгизчилар ҳаёти тўғрисида гап со-  
тишарди.

Болаларга эргашиб итлар ҳам келиб қолишди.  
Даставвал думларини қисиб, умрларида ҳеч қачон кў-  
риш насиб бўлмаган бу сувга яқин бориб сувни ҳидла-  
ётгандек кўринардилар. Улар сувга оёқларини боти-  
риб, сувдаги ўз аксларига таажжубланиб қарав, сув-  
ни ялар, ўз тилларининг аксидан ҳам таажжубланар,  
жазирама иссиқларда чанқаб, ҳаллослаб юрадиган бу  
итлар сувни очкўзлик билан ичарди.

Сигирлар ҳам келишди. Улар сувга кириб, илгари-  
лари ҳеч қаерда кўринмаган бу бепоён сувга тикилиб  
қолишли.

Үйларга водопровод қувурлари киритилмаган кў-  
чаларда ўрнатилган водопровод колонкалари олдида  
пақир кўтарган кишилар кўринарди.

Нуқул чанг-тўзон одамларнинг жонига теккан кў-  
чаларга ҳам сув сепилди. Хуллас, Сухоярка асрий чан-  
қоқлигини қондира бошлаган әди.

Фақат Милица Геннадиевнанинг кайфиятига таъсир  
қилолмаган әди бу сув.

— Бу сув менга бирор нарса берармиди? — деди у  
Сеняга.— Денгизчилигингдан фойда йўқ менга. Чой  
билан киримга сув ҳамма вақт ҳам топилади. Сув та-  
шувчи кишидан янгиликларни эшитиб турардим. Бу  
кранингда тил-зувон ҳам йўқ.

Сеня Милицанинг онгсизлиги тўғрисида гапиргани-  
да Незабудний унга насиҳат бериб, тинчлантириди:

— Сен нега унинг гапига қулоқ соласан? — деди  
Артём Иванович.— Мен сенга айтаяпман-ку, ҳамма

нарсага енгилтаклик билан қарайдиган аёл экан. Мен муҳожирликда яшаганимдан ҳам баттарроқ яшаркан. Бизлар-ку, кўзимиз оқизлигидан ва қўрқанимиздан, ҳақиқатни кўрмай, довдираганимиз. Бу хотин эса жавони билан парда орасида ўтириб олиб, қофоз гулга маҳлиё бўлиб турибди, атрофида одамлар қандай ажойиб гуллар ўстираётганидан хабари йўқ. Оламни сув босса ҳам тўпигига чиқмайдиганлардан экан...

Сув эса борган сари кўтарилар, у мактаб турган тепаликни аллақачон ярим оролга айлантирган эди. Болалар фахрланиб, ярим оролда ўқияпмиз, дейишарди. Ҳамма мактабнинг чор атрофини сув қуршаб оладиган, мактабни шаҳарчадан ажратиб қўядиган пайтни томоша қилгуси келар, шу фурсатни кутишарди.

Кўчиш тугалланди. Кичкиналарни «катта ер»га кўчиришди, улар кўчирилиши биланоқ Сеня билан Сурик район ижроня комитети атрофларини кўздан кечиришиди. Бўшаб қолган синфларнинг эшиклариға: «б-синф ўғил болалари ётоқхонаси», «б-синф қизлари ётоқхонаси», деб ёзиб қўйилди. Илгари синф бўлган бу хоналарда район ижроня комитетининг раиси Галина Петровна район марказидан топиб юбORTИРГАН топ-тоза каравотлар тартиб билан жойлаштирилган эди. Дастрраб районда бунча каравот топиб бўлмайди, олдин планлаштирилмаган эди, деб тихирлик ҳам қилинди, шунда ҳам Галина Петровна Тулубейнинг характеристи иш берди: у осойишталик билан болаларнинг кечаси ухлаши планлаштирилган, каравотни қаердан бўлса ҳам топинглар, деди. Хуллас, пландан ташқари каравот топилди.

Одатда, бир кеча ухласанг, ўша жойга кўникасан киши. Болалар ётиб қолаётган бу ер ҳали ҳам ярим орол эди, тепаликни торгина йўлак «катта ер» билан боғлаб турарди. География дарслигида айтилганидек, ҳамма томондан сув билан қамралган жойнигина орол дейилади...— Болалар ана шу тепаликнинг оролга айланишини сабрсизлик билан кутардилар.

Дастлабки пайларда ярим орол негадир Пъерга ёқмади. Балки синflар билан ёнма-ён турган ётоқхоналар унга етимхонани эслатгандир...

Бу ерга кўчиб келганларининг учинчи куни, ўқитувчилар тартиб сақлашга қанчалик уринишмасин, болаларнинг бирортаси ҳам партасида тинч тургиси кел-

масди. Йўлак кўринадиган синфларда эса болалар ўринларидан туриб, сув қаергача кўтарилиганини кўрмоқчи бўлишарди...

— Грачик! Хода ютдингми! Нима бор экан ўша ёқда?— деди олтинчи синфда дарс бераетган Глеб Силич таажжубланиб.— Нима, сувни кўрмаганимисизлар? Тинч ўтиинглар. Бугун нима бўлди ўзи сизларга? Кўчиб келдик, жойлашиб олдик, ҳамма ёқ сув, хўш, нима қизиги бор буни? Ўша йўлакнинг сув остида қолишини томоша қилиш шунча қизиқмикин, а? У ёққа ўтишни кечактақиқлаганман-ку.

Бугун ҳам ярим оролда яшашга тўғри келди. Сеня кечаси ҳам бир неча марта ўрнидан туриб, яшириқча деразадан қаради. Ҳали ҳам йўлак кўриниб турибди. Тонг отишига озгина қолганда Сеня яна деразадан қараса озгина, бир ярим метрча йўлак қолибди. Лекин навбатчи Витя Халилеев дарров бориб ёт, бошқаларнинг уйқусини бузма, деди. Эрталаб уйқуларидан туришса...

Орол! Чиқакам орол! Мактаб оролчада турарди. Йўлак бутунлай сув остида қолган. Чор атроф сув. Деразаларга сувнинг шуъласи тушиб турар, шабада сув бетида енгил тўлқин ҳосил қилар, деворларда ва синфларнинг шифтларида шуъла жилваланар эди.

Икки кундан кейин Рёмка Штиб биринчи балиқ тутди, Пашшани симдан ясалган қармоққа санчиб, бир балиқчани тутиб олди. Ҳамма олтинчи синфга ана шу балиқчани томоша қилгани келди. Рёмка Штиб ҳамманинг эътиборида эди.

Сеня кўчиб келишдан сал олдинроқ Рёмка ва Пьер билан гаплашган, ораларида қўйидагича гап бўлган эди:

— Болалар, сизларга балки айтгандирлар ҳам,— деб гап бошлади Сеня.— Мен сизларни шатакка оладиган бўлдим.

— Жуда кўзим учиб турувди-да ўзиям!— масхара қилди уни Рёмка.

— Рост. Бир ҳаракат қиласизлар энди. Мен сизларга ёрдам бераман.

— Ҳозироқ бошлаймиз-да!

— Истамасанглар, керакмас. Агар истамасанглар, сизларни командага киритишмайди.

— Тўхта! Нега киритишмас экан?

— Бўлмаса, ҳаракат қилинглар-да.  
— Хўш, Пъерка-чи!— Рёмка ҳамроҳига қаради.—  
Борамизми?  
— Қаёққа?— тушунолмади Пъер.  
— Ҳамма гап шундаки, ҳеч қаёққа бормайсан,—  
деди Рёмка, жаҳли чиқиб.— Дарслардан улгуришини  
талаб қилишяпти. Терларканимиз роса. Тушуидингми?  
Пъер бош иргаб кўйди. Пъер рус тилидан қандай  
ўқиётганидан қатъий назар, Рёмканинг чапанича «ше-  
ва»сини ўрганиб улгурган эди.  
— «Хап»,— деди Пъер, бу 'унинг — Рёмканинг ти-  
лида «хўп» дегани эди.  
— «Қайр»,— деди Рёмка, хайрлашиб.  
Аста-секин оролликларнинг иши йўлга қўйилди.  
Кирғоқдан уларга катта қайиқда кастрюль ва термос-  
ларда овқат келтиришар, навбатчи қизлар Ирина Ни-  
колаевна раҳбарлигига уларни ошхонада иситарди.  
Ўй вазифалари — энди уларни уй вазифаси деб ҳам  
бўлмас, мактаб вазифаси деса ҳам бўларди,— ҳамкор-  
ликда тайёрланарди. Болалар анча яхши ўқийдиган  
бўлиб қолишли. Фақат Рёмка Штиб ҳеч ўзгармади. У  
дарсларга келмай ҳам қоларди. Сув мактабнинг де-  
вори тагига яқинлаб қолган жойда оёғини сувга тиқиб,  
ўзи ясаган қармоқни сувга ташлаб қараб ўтиргани-  
ўтирган эди. Пъерни ҳам ўқимасликка ташвиқ қилас-  
ди. Ўқитувчилардан бири ҳазиллашиб «жамоатчи ре-  
петитор» деб атаган Сеня айтганидек, Пъернинг ҳам,  
Рёмканинг ҳам кундалигини математика ва рус тили-  
дан олинган «икки»лар безаб турарди. Сеня уларни  
йўлга сололмай хуноб эди.

— Мен сизларни илгари суролмасаканман!— деди ху-  
ноб бўлиб уларга Сеня.— Мен сизларни тортолмайман.  
Истамасанглар, кераги йўқ, менга нима.

— Сенга нима бўларди, Тўлубейнинг кубоги кета-  
ди, холос. Уни олишади-ю, саломат бўлинглар деб,  
жўнаб қолишади,— деб кулди Рёмка Штиб.

— Ҳа, бизларға оргқага торғтсак, кубокдан маҳрғум  
бўлдик, дейверфингларғ!— деди унинг жигига тегиб  
Пъер.

— Агар ўзингни бунаقا тарозуга солаверсанг, Кса-  
нага айтамиз, пионерлик топшириғини бажармаяпти,  
деймиз. Ҳе, Сенъка, сен ростдан ҳам бизлар билан  
вақтингни бекор ўтказяпсан-а? Сен, оғайни, яхшиси

арифметикадан контроль иш пайтларида бизларга ма-  
сала ечиб берә қол. Ишо ёзиб бер, ҳамма нарса  
ўзингга боғлиқ-да,— деди Рёмка ғашига тегиб.

Қсаны ростдан ҳам бир кун сўраб қолди:

— Хўш, улар илгарилаяптиларми?

— Нўхталаб тортармидим уларни! — деди истеҳзо  
билан Сеня.

— Унутма, Грачик, бизлар сендан умид қилямиз.  
Уларга ишониб бўлмайди, лекин ҳамма гап сенда. Би-  
либ қўй.

Бир неча кундан кейин эстафетада қатнашадиган  
болаларни қайиқда қирғоққа олиб бориб, ўша ерда тре-  
нировка қилдира бошладилар. Незабудний баъзан, ке-  
либ, болаларнинг қандай ҳозирлик кўраётганликларини  
кузатарди. Скамейкада қараб ўтирас, физкультура ўқи-  
тувчиси Дмитрий Антоновичнинг олдига бориб, тез-тез  
унга маслаҳат берарди. Чол бир жойда ўтирмас, жойи-  
дан туриб ниманидир кузатар, ўзидан-ўзи қўл силтар,  
яна ўтирас, бир минутдан кейин яна сакраб турарди.

— Кечирасизлар, у чаққонроқ сакрасин. Эпчил сак-  
рашни ўргансин!

Қайиқ станциясига енгилгина бир байдарка олиб  
келиши. Сеня Дмитрий Антонович раҳбарлигига ҳар  
куни шу ерда тренировка қила бошлади, бунинг учун  
унинг қирғоққа бориши шарт эмасди. Байдаркада ҳар  
куни мактаб атрофида сузишига рухсат бериши.

Яна Махан пайдо бўлиб қолди. Сеня ва Незабудний-  
га дуч келиб, шарманда бўлганидан кейин энди бирон  
ёққа бош олиб кетгандир, леб ўйлашарди. Пишқириб  
оққан сув ўз йўлида ҳар нарсани оқизиб келганидек сув  
омбори ҳам аллақаёқлардан уни бу ерга яна олиб кел-  
ди. Махан қуруқликда ўзига ўрин тополмабди шекилли,  
сув бўйида парвона бўлиб қолди.

Славка Махан бир вақтлар Николаев пристанида ик-  
ки ҳафта ишлаган, ўшандан бери йўл-йўл майка кийиб  
юрас, почаси кенг матросча шимини эгнидан ечмас, қў-  
лидаги тушъ билан чизилган лангар расмини кўз-кўз қи-  
либ юради. Сухояркада пристанъ билан қайиқларни  
бошқара оладиган одам деярли йўқ эди. Махани ишга  
олиши. У қайиқ пристанида ишлай бошлади. Артём  
Незабуднийнинг ўз кубогини пионерлар эстафетасига  
соврин қилиб берганини Махан ўзича тушунган эди.

— Пишиқ чол. Узиникини яшириб қўйиб, иккинчиси-

иши берган. Яна гап-сўз бўлиб юрмасин деб қилган иши бу. Айёр-э. Лекин мендан айёроқ эмасдир...

Пъер билан шу мавзуда гаплашишга уринди. Ганин узоқдан бошлади, эҳтиёткорлик билан гапирди: бобонг анча мол-мулк орттиргандир?. Шу тарзда гаплаши. Лекин Махани мактабга киритишмади, қирғоқда Пъер билан узоқ гаплашишнинг иложи бўлмади: болалар, биринчи навбатда Сеня келиб қолди. Гапни тўхтатишга тўғри келди. Махан негадир Сеняни жуда ҳам ёмон кўрарди. Сеня туфайли шарманда бўлгани, у ҳамма нарсага аралашавериб, Маханга кун бермагани учунми, ҳақиқат Рёмка билан Махан томонда бўлмай, кичкинагина Сеня томонда эканини Пъер тушуна бошлагани учунми, ишқилиб, Махан ўша пионерчани, ҳаммадан ёмон кўрар, кўргани кўзи йўқ эди.

Эстафета ўтказиладиган жойларда тренировка қилиш учун район марказидан ҳам болалар келишди. Улар қажиқ станциясига келиб тушишли. Улар бақувват, чиниқан болалар эди. Қизлар ҳам новча, чиниқан. Сеня уларни кўздан кечириб, мактабнинг энг яхши чопқирларидан бири сифатида кўзга кўринган Рёмка Штибисиз, тренировкаларда ўзини кўрсатган Пъерсиз муваффақият қозониш қийинлигини фаҳмлади.

Физкультура ўқитувчиси Дмитрий Антонович ҳам ташвишга тушиб қолди: Сеня яхши суза олармикин? Эстафетанинг байдарка билан ўтиладиган участкасида сузиш иш беради. Енгил қайиқ салга ағанаб кетиши мумкин. Лекин ҳали ҳам сув совуқ, чўмилишга рухсат этиб бўлмасди. Жануб қуёши сув спртини сал исита бошлади. Ўқитувчи энди ишга киришмоқчи бўлди. Сеня уни, мен сузиш усулларини аллақачон ўрганиб олганман, деб сал юпатди. «Назарий жиҳатдан», деб илова қилиб қўйди Сеня секингина.

— Назарий жиҳатдан? — деди хуноб бўлиб Дмитрий Антонович.

#### ▼ БОБ

### СУВДА ВА ҚУРУҚЛИКДА СИНОВ

Бўш синфлардан бирида Сеня сузиш тўғрисидаги қўлланмадан ўргангандарини полда ётиб машқ қила бошлади. Полда машқлар кўнгилдагидек яхши чиқарди. Мана, эртага ана шу машқларни сувда бажаради,

бемалол сузаб кетаверади. Лекин олдин ўзи сувда машқ қилиб кўриши керак. Иши ўнгидан келди. Шу куни кечқурун Сеня навбатчи эди.

Оролдаги интернатда ҳамма уйқуга кетганда у дамба ёнига жўнади. Сузиш дарслигидан ўрганганларини амалда бажариб кўрмоқчи бўлди. Лекин биринчи марта нима қилсайкин?

Сеня Милица Геннадиевнанинг китобидан сузишга доир бир амалий маслаҳатни ёдлаб олган эди: «Машҳур олим Франклини сузишни ўрганмоқчи бўлганларга қўйидагича маслаҳат беради,— деб ёзилганди китобда,— дарё ёки денгиз қирғоғидан саёз жой танлаш керак, ечиниб, қўлга битта тухум ушлаб қирғоқдан ичкарига кириш керак. Шундан кейин тухумни бир неча қадам нарига отиш керак. Тухум чўка бошлайди. Шундан кейин, тухумни отган киши гавдасини сувга ташлаб, тухумни ушлашга интилади. Гавданинг олдинги қисми билан сувга ботиш осон эмаслигини у фаҳмлаб қолади. Анча уриниш керак. Бу ҳолат унга агар қоринни сувга қўйиб, ҳаракат қилинса сув кишини кўтариб тура олишини кўрсатади. Сувнинг чуқур эмаслигини, истаган пайтда тикка туриш мумкинлигини билади, шу тарзда машқ қилавериш мумкин».

Сеня деярли ёдлаб олган сузиш бўйича қўлланмада эса бу ҳақда ёзилмаган эди. Унда сузишни инструктор ёки тажрибали сузувчи раҳбарлигига ўрганиш шартлиги уқтирилганди.

Инструктор топишдан кўра тухум топиш осон, бунинг устига, Сеня ўзининг сузишни билмаслигини ҳеч кимга кўрсатгиси келмасди. Ахир синфда ҳамма уни сузиш назариясини яхши биладиган киши деб тан оларди-да. Кеча нонуштага тухум беришган эди. Сеня уни яшириб қўйганди. У мактаб деразаси тагидаги дамбага кела туриб, тухумни ҳам олиб келганди. Ойдин кечада. Ой анчагина тўлишган, сув омбори устида сузарди. Унинг акси сув бетида кумуш ранг тасма ҳосил қилган.

Сеня ечинди, сувга кирди. Сув муздек туюлди. Иккilonandi. Эртага ё Дмитрий Антонович билан бирга келсамикин? Ахир, у ҳеч қачон сузаб кўрмаган; лекин биринчи тажрибасини ўқитувчи кўзи олдида қилса қандоқ бўларкин?

Сеня бу фикрдан воз кечди, аста-секин чуқурроққа бораверди, тишларини такиллатиб, қорнини сувга боти-

риб, илгари юраверди. Қўлида маҳкам ушлаб турган тухумини отиши керак эди. У олдинга эгилиб, тухумни сувга ташлади. Тухум палағдами ё Милица Геннадиевнанинг китоби алдадими, ишқилиб, сувга чўкмади. Лекин тухумга томон яна бир қадам босган Сеня бирдан чўкиб кетди. Чўкканда ҳам боши билан дарров чўка қолди, насиҳатномада кўрсатилгандай бўлмади — сув Сеня гавдасининг олдинги қисмини кўтартмади. Боланинг оёғи бирдан чуқур жойга тойиб кетди шекилли. Сеня типирчилади, талпинди, оғзига муздек, сал ачимсиқ сув кириб энтикиб қолди. Бир зум ўзини яна сув бетида кўрди. Оғзини катта очиб, нафас олди. Шунда тўсатдан тухум оғзига кирди. Сеня тухумпи оғзидан чиқариб ташлади, шу пайт оёғи ерга тегаётгандек туюлди. У оёқ учини ерга тираб зўрға турарди. Иягигача сув. Агар товонини ерга босса оғзи ҳам сувга ботарди. Сеня қўлларини типирчилатиб, бир тўлғонганди, қўли алланимага тегди. Бу — болалар бир вақтлар сувни ўлчаш учун ерга тиқиб қўйган ёғоч эди. У икки қўли билан шу ёғочга ёпишди, дамбага яқин боришга интилди. Яна оёғи осмонга кўтарилиб, боши билан сувга шўнғиди. Икки қўллаб яна ёғочга ёпишиб, дамба томон талпинди. Яна шўнғиди. Ёрдамга чақиришдан бошқа илож қолмаганди.

— Сурик! — деб бақирди Сеня, бошқаларни уйғотиб юборишдан чўчиб. Бошига мушкул иш тушгандада дўстим менинг овозимни уйқуда ётгандада ҳам эшигади, деган фикр ўтди унинг хаёлидан. Ҳеч ким жавоб бермади. Сенянинг аъзойи-бадани музлади.— Эй, Сурик! — деб бақирди у қаттиқроқ. Етоқхонанинг деразаси очилиб, бирорванинг сакрагани эшитилди.

— Ким у? Нима? Ҳе, ким? — деб қичқирди Пьер. Шу камлик қилиб турганди! — Нега у ёққа борғдан? — деб сўради Пьер.— Глеб Силич билса, ҳабабингни берғиб қўяди!.. Руҳксат берғмаганди-ку у!

— Мен... м-мен... ф-фақат... Чуқурлигини к-кўрмоқчи бўлувдим...— деди шўрлик Сеня тиши-тишига тегмай.

— Үзбошимчасан-да! — деди Пьер, қирғоққа ўтириб.— Сув совуқми?

— Ж-жу-даяммас...— деди Сеня титраб, қалтираб. Ёғоч букилди, оёқ учига туриш машақватли эди. Сеня сувдан чиқолмаслигини қандай қилиб ифодалай оларди?

Пъер эса ҳамон елкасини қашиб, жим турарди. Кейин мактабнинг деразасига қаради.

— Айёрғсан-al — деди у баланд руҳ билан.— Навбатчи бўлиб, чўмилмоқчийкансан-да! Бунақалигингни билмовдим. Мен ҳам чўмилсаммикин-а? Нега энди бизларғга рұхсат этишмайди? Сув анча илиқ бўлиб қолгандирғ? Илиқми?

— Ил-лиқ,— деди шўрлик Сеня, тўсатдан оёғи тошиб, яна сувга бота туриб.

— Ёнингда сузуб юрган нима?— деб сўради Пъер.

— Тух-хум...— деб жавоб қайтарди Сеня тишларини такиллатиб.

— Ўрғдакникига ўхшайди-ку,— деди Пъер, мулоҳаза юритиб.— Товуқники бунақа катта бўлмас. Менга ташла-чи, ниманинг тухумилигини ҳозир мен сенга айтиб берғаман-ўрғдакникимикин, товуқникими, ўрғдакники сал катта ҳам сал қаттиқ бўлади...

Пъер тухум тўғрисида фикр юритаркан, Сеня бир неча марта сувга шўнғиди, типирчилади, жон-жаҳди билан тўлғонди.

— Бошинг билан шўнғиши ўрғаняпсанми?— деб сўради Пъер.— Шўнғиганда қулоқ ва бурунни қўл билан бекитиб шўнғиш керфак.

— Пъер! — деб жон талвасасида қичқирди Сеня.— Мен чиқолмаяпман.— Қутқара олармикин, деб қўрқарди у.— Қара томирим тортятпи,— деди. У энг яхши сувчиларни ҳам баъзан томири тортиб, сузолмай қолиши мумкинлигини эшитган эди.

— Э-э, томирғим тортятпи, де! — деди Пъер.— Чалқанчасига ётиб ол, агар тўғнағичинг бўлса, сонингга санч.

— Тўғнағичим йўқ,— деди Сеня бўшашиб.

— Эсиз-a,— деди Пъер афсусланиб, кейин насиҳатга ўтди:— Совуқ сувда чўмилаётганда ҳамма вақт кишида тўғноғич бўлиши керфак. Ҳарғ эҳтимолга қарғши. Нима, оғирғлик қиларғими сенга у? Эҳтиёт бўл, агарғ томирғинг тортишаётган бўлса. Бу ерг чуқурғ, сувга чўкиб кетишинг мумкин.— Пъер сув қирғоғига борди.— Тийғанчиқ экан-да. Қўлингни чўз менга!

Сеня жон-жаҳди билан бир талпиниб, Пъернинг қўлидан ушлаб олди, уни ҳам сувга тортиб кетишига сал қолди. Сенянинг аҳволи оғирлигини шундагина Пъер тушунди.

— Қаттиқ ушла, Грғачик,— деди Пьер жиддийлашиб.— Маҳкам ушла.

У Сеняни қирғоққа чиқарди. Бутун кучи билан тортди, Сеня бўшашиб қолган эди. Сеня қалтираб, тиззасини қўлтиқлаб ўтиаркан, ундан илтимос қилди:

— Ҳеч кимга гапирма, хўпми?

— Кимга гапирғардим! — деди Пьер.

— Одам уялади-да.

— Албатта. Навбатчийдинг-да,— деди Пьер.

— Раҳмат, мен ўзим ҳеч ҳам чиқа олмасдим.

— Арғизмайди,— Пьер икки қўллаб Сенянинг елка-ларидан сувни сийира бошлади.— Контроль ишдан сен ҳам менга ёрдам берғасан.

Улар ҳамма аллақаҷон ухлаζ қолган мактабга томон йўл олдилар.

Шу воқеадан кейин Сеня контроль ишда масалани ечиб, Пьер билан Рёмка Штибга чўзмаслиги мумкинми? У бу ишнинг унча яхши эмаслигини тушунарди. Бу — пионер топшириғи эмас. Лекин эстафетада мукофотни қўлдан бермаслик керак. Сеня агар отасининг номидаги мукофот биринчи галдаётқ бошқа мактабга берилса Қсана қаттиқ, хафа бўлади, деб ўйларди. Пьерга ҳам ёрдам бермай бўладими, у партасидан Сеняга қарапкан, худди сувга чўқа туриб, ёрдам сўра-ётгандек туюлди. Ўша кечаси ўзининг афт-ангори қана-қалигини билмаса ҳамки, бундай ҳолатда кишининг афти қанақа бўлишини тасаввур эта оларди...

Пьер контроль ишдан «беш» олди. Рёмка эса тайёргина нарсани ҳам қойил қилиб кўчиролмай, уч олди, лекин командага киритиш учун уч ҳам кифоя қиласади. Иккала чопқирнинг адабнётдан баҳосини ҳам яхшилаш керак эди. Пьернинг ҳам, Рёмканинг ҳам тўрт баҳолари бир хилда, учлар қаторида иккилар ҳам қалашиб турарди. Бунақа баҳолар билан Пьерни ҳам, Рёмкани ҳам Ирина Николаевна мусобақага иштирок эттирмасди. Елизавета Порфириевна уйда ёзиб келиш учун бутун синфга топширган иншодан олинадиган баҳо бу масалани ҳал қиласади. Иншо темаси —«Менинг севимли китобим». Теманинг бундан баттари бўлмас. Севимли китоби Айтишга осон!.. Пьер Сухояркага келгунча асосан детектив романлар ўқиган. Унинг севимли китоблари

«Қонхўр фантомаснинг саргузаштлари», «Жаҳаннам ту-  
бидаги мұхаббат» ёки «Ярим кечасидаги қотиллик» эка-  
нини әътироф этиб, иншо ёзиб келсин-чи, Елизавета  
Порфириевна нима деркин? Рёмка Штибни бўлса тема-  
нинг ўзи хуноб қилаётганди. Энг севимли китоб эмиш!  
Китоб деган нарсага тоқати йўқ эди унинг. Мажбур бўл-  
ганидан баъзан китоб ўқиган, лекин ҳеч қачон китоб де-  
ган нарса севимли бўлмаган унинг учун. Китобхонлик  
ўғил боланинг иши эмас, деб ҳисоблар эди у. Кино тў-  
рисида сўрасалар гўрга эди.

— Ахир, «Ёш гвардия» китобининг киносини ҳам  
кўргансизлар-ку,— деди Сеня икки дўстга, иншони топ-  
шириш муддати яқин қолганди.— Кўргансизлар!

— Кўрган бўлсан кўргандирман,— деди Рёмка.—  
Любка лўли рақсини ижро этади... Аслида эса ўзи фа-  
шистларга қарши иш кўради. Ушами?

— Уша-да!

— Ёдимда, буни ёзса бўлади,— деди Рёмка.— Бўп-  
ти, шуни менинг севимли китобим қилиб ёза қол.

— Сен-чи?— деб сўради Сеня Пьердан.

— Жюль Верғни ёзса бўларғикин?— деб сўради  
Пьер.

— Бўлади, албатта.

— «Капитан Грантнинг болаларги» яхши,— деди  
Пьер.

— Тўхта, тўхта! Мен ҳам уни кинода кўрганман  
Шуни мен учун ёза қол,— деди Штиб.

— Бекор айтибсан,— деди Сеня.— Буни Пьер ёзса  
бўлади, у яқинда келган, ҳам француз.

— Буни Пьер эмас, ўзинг ёзиб берасан,— деб таъ-  
кидлади Рёмка.

— Мен сенга ёрдам бераман, лекин ёзишга қолган-  
да ўзинг ёзасан,— деди Сеня.— Мен ёзсан, билиниб қо-  
лади. Бирданига уч китоб тўғрисида ёза қол. Учаласи  
ҳам бир-бири билан боғлиқ: «Сув остида 80 минг чақи-  
рим», «Капитан Грантнинг болалари», «Сеҳрли орол».

— Мен «Сеҳрли орол»ни бирғ оз эсимдан. чиқар-  
ғанман,— деди Пьер.

— Мен эсингга тушираман. Эсингдами, улар орол-  
га бориб қолишади, уларга ҳамма вақт бир киши ёрдам  
бериб юради, уларни қутқазади, бу одам капитан Немо  
бўлади.

— Яхши, яхши, мен денгиз тўғрисида ёзилган ки-

тобларған яхши кўргаман,— деди Пьер хурсинил бўлиб.— Шуни ёза қол.

Сеня ўз васийлигидаги икки ўртогини ҳам уй вазифасини ўзлари бажаришлари учун ташвиқ қилин, ийни уринди, лекин бўлмади. Пьер ҳаракат қилин, лекин учала китобни бирлаштириб иншиё ёзишини тасаввур этиб масди. Рёмка Штибнинг мулоҳазаларни шунича ҳам бемаъни эдики, ўқиш у ёқда турсин, эшитгинг ҳам келмасди. Сеня вақтни беҳудага ўтказмаслик учун, агар соринни бошқа мактаб олгудек бўлса, Ксананинг афганори қанақа бўлишини тасаввур этиб кўрди. Руҳан қийналди... Тасаввур этиб кўрди-ю, қўл силтади. Сурикдан илтимос қиломасди. Бу ишга уни аралаштиргиси келмади. Бу ишнинг ўзи яхши эмас. Тишини-тишига қўйиб, уч кун дарсдан кейин бир неча соатдан синфда қолиб, иккаласи учун ҳам иншони Сенянинг ўзи ёзди. Якшанба куни шу иншоларни кўчириб келишни уларга топширди. Олтинчи синфга «катта ер»га бориб, шавбадан душанбагача ота-оналари ҳузурида бўлишга рухсат этилган, иншони ўйда кўчириш учун қулай пайт бор эди.

Сеня оталиқча олган бу икки лапашанг уни шунчалик хуноб қилдикни, ўз иншосини ҳам зўрға ёзиб улгурди. У «Сўна» тўғрисида ёзди. У «Сўна»ни кинода ҳам кўрган, китобни бир неча марта ўқиган эди. Сўна унинг севимли қаҳрамонларидан бири эди. Кишини ҳайрон қолдиради: чўлоч, кўримсиз, лекин олижаноб, довюрак, дадил одам!

Пьер иншоси учун «беш» олди. Елизавета Порфириевна унинг рус тилидан қийналиши табиийлигини ҳисобга олиб, Сеня тайёрлаган иншони кўчириш пайтида йўл қўйган хатоларини кечирди. Рёмка Штиб кўчириш пайтида учта қўпол хато қилган экан, зўрға «уч» олди. Ҳамма вақт иншони «беш»га ёзиб юрган Сенянинг ўзи эса, бу гал Елизавета Порфириевнани ҳайрон қолдириб «тўрт» олди.

— Шошилибсан, Грачик, жуда ҳам шошилибсан,— деди Сеняга Елизавета Порфириевна хафа бўлиб.— Ташки қиёфасига, жисмоний жиҳатларига кўп эътибор бериссан. Бу эса бир томони, холос. Сўна образи анча сусайибди. Асарни яна бир марта ўқиб чиқ.

— Уч марта ўқиганман,— деди Сеня.

— Тўртнинчи марта ҳам ўқишининг керак экан. Меникига кел, Сўна тўғрисида гаплашамиз. Унинг оқсоқла-

ниб юришининг аҳамияти йўқ...— У қизишиб гапира бошлаганди, бирдан қоқилди.

Сеня унинг қўлидан тушган ҳассасини ердан олиб берди.

Ксананинг «Чин инсон қиссаси»ни ўзининг энг севимли китоби сифатида тавсифлаган эди. Мила Колоброда Ильянанинг Гуля Королева тўғрисидаги «Тўртинчи тепалик» китобини танлаган эди. Ашаддий китоб ишқибози бўлган Сурен Арзумян бирданига уч китоб ҳақида ёзибди: «Тимур», «Том Сойер» тўғрисида ҳикоя қилиб, Катаевнинг «Оқариб кўринар ёлғиз бир елкан» асаридағи Гаврикни ҳам улар қаторига қўшибди. У, албатта, «беш» олди. Лекин Сеня ўзининг бу баҳосига парво ҳам қилмади. Уй топшириқларига баҳо қўйиб, тарқатилгандан кейин унинг ёнига Ксананинг келиб:

— Сен, Сеня, чинакам дўст экансан! Раҳмат. Сендан миннатдорман... Мен эмас, ҳаммамиз ҳам...— деганида у ўзини жуда ғалати ҳис этди.

Сеня Грачик ҳеч нарса демади. Фахрланиш туйғула-ри унинг қалбини алангалағтан, қулоқлари эса баттарроқ ловиллаётган эди. Ҳам хурсанд, ҳам вижданан қийналарди у. Нима қилсин, Ксананинг айтганини қилдида. Тўғри қилибми, нотўғри қилибми, ишқилиб, икки қулоқни «икки»дан қутқазди. Йккита энг зўр чопқирни командаага киритди. Бунга қандай қилиб эришилганини Ксананинг билсайди. Ҳа, нима бўпти? Мана, машҳур шахтёр Никифор Колоброда донг таратгандир, у ҳам қулоқларга ёрдам бериб туради, бутун бригада орқада қолмаслиги учун бошқаларга у ҳам ишлаб берса керак. Шуҳратни эса ҳаммаси ҳам баҳам кўради. Бундоғ ўйлаб қаралса, ҳечқиси йўқ!. Сеня шу ҳақда хаёл сурар, ўйларди.

## VI БОБ

### ИККИ ТАЁҚЧА

«Агар ўлсам, ҳаммага маълум қилиб қўяйки...».

Бу сўзлар бир неча кундан бери Пьернинг хаёлидан кетмасди. «Агар ўлсам...» Наҳотки Артём бобо умри туғаганини ҳис этаётган бўлса? Пьернинг кўзига у жуда ҳам бақувват кўриниб юрарди. Ҳар бир ҳаракатида: сайрга чиққанида оғир ҳассасини бемалол кўтариб-таш-

лаганида ҳам, эмандан ясалган шкафни бошқа жойга суриншга тўғри келганда бир елкаси билан бемалол сурганида ҳам унинг беҳад куч-қуввати сезилиб турарди. Лекин кейинги пайтларда бобоси анча бўшашиб қолган эди. Эрталаб одатдаги гимнастикага ҳам ҳафсала қилас, энди кучим йўқ, дерди. Юрагидан шикоят қилар, қандга валидол томизиб ичар, томир уришини кунига бир неча марта ушлаб кўрар, аллақандай ғуссали нигоҳ билан Пъерга боқар, хўрсиниб, бош чайқаб қўярди. Шуларга қарамай, чол ҳамон бақувват ва чироили кўринар, соябони сербар шляпасини кийиб, ярим пудлик ҳасасини дўқиллатиб кўчада бораркан, салом берганларга улуғвор бош чайқаб, аҳён-аҳёнда мўйловини бураб қўяр, бу ҳаракатлари унинг ўзига жуда ярашиб турарди...

Қаранг-а, ёлғиз қолган пайтларда у нима тўғрисида ўйларкан: «Агар ўлсам...».

Ўтган якшанба куни, бошқалар қатори «катта ер»га боришига рухсат этилган Пъер уйда Сеня ёзиб берган «Менинг севимли китобим» темасидаги иншони кўчириб ўтираскан, бу қофоз тўсатдан унинг қўлига тушиб қолди. Бобосининг ёзувини дарров таниди. Бу хат ҳам хомакиси бўлса керак, ўчирилган, чизиб ташланган сўзлар кўп эди. Гап тугамай, чала қолган. Артём бобо қайтадан ёзган бўлса керак, бошлаган хатини тугатмабди ҳам. Варақнинг юқорисига «Агар ўлсам...» деб ёзилган сўзлардан Пъернинг аъзойи-бадани музлаб кетди.

«Агар ўлсам, ҳаммага маълум қилиб қўяйки, айрим кишиларнинг маълум қилишига қараганда, фашистлар кўмиб қўйган турли қимматбаҳо нарсалар топилса, ўша кишилар айтганидек, шу қимматбаҳо нарсалар орасида биттаси менда турган «Гладиаторнинг қабри» кубогининг иккинчиси топилса, гарчи мен Ватаним ва одамлар олдида гуноҳкор бўлсан ҳамки, шуни айтай, менга, шонинглар, бу ерда мен бутунлай покман, Ватанимни сотганим йўқ, бу иш менинг ихтиёrimдан ташқари қилинган, шунинг учун, ил...».

Жумбоқли васият шу ерга келганда узилганди.

Пъер ҳанг-манг бўлиб қолди. Демак, ҳув ўша икки киши тўғри гапирган экан-да, бу тўғрида бобосининг эшитгиси ҳам келмаганди. Демак, аллақаерга қўмилган ҳазина билан яна нимадир кўмилганини бобоси биларкан, бобоси буни жуда ҳам сир тутиб юрган, агар у маъ-

лум бўлиб қолгудек бўлса, бобоси қаттиқ шарманда бўларкан-да... Ўша қофознинг бир четида яна алланима ёзилган эди. Шошилинч ёзилган, устма-уст тузатишлар ўқиши чигаллаштиради. Бобоси сайдан келиб қолди, Пьер қофознинг бурчида нима ёзилганини ўқиб улгуролмади. У стол ёнида Пьерни кўрди. Яхшиямки, бобосининг оёқ товушини эшитиб, хатнинг устига китоб бостириб қўйган экан. Артём Иванович столга хавотирланиб нигоҳ ташларкан, шошилиб, стол устини тартибга келтирмоқчи бўлгандек, китобни ҳам, ҳалиги қофозни ҳам олиб, тортмага солиб қўйди.

«Ўшалар менга айтган адресга хат ёсаммикин?»— деб ўйлади Пьер. Ёзса, баҳам кўришга тайёрлигини айтса... Йўқ, унга ҳеч нарса керак эмас, ҳаммасини ҳам беришга тайёр, фақат ўша иккинчи кубокни берсалар, бобосининг шаънига доғ тушмаса, у уятга қолмаса бас.

Хазинанинг ярмисини олса-ку, ёмон бўлмасди-я. Йўқ, ўзига эмас! Пьер энди ўзи тўғрисидагина эмас, бошқалар тўғрисида ҳам ўйлашга одатлана бошлаган эди. Мана, масалан, Григорий Тулубейга янги, чинакам, чиройли ҳайкал ўрнатилса яхши бўларди. Албатта, бу Ксанан учун эмас. Бу ҳақда гапириладиган бўлса унга Милка кўпроқ ёқади. У дилбар қиз. Ксанан эса сергап, бувисининг невараси-да... Агар ўша хазина топилса, «катта ер»га кўчишга, мактабда денгиз кабинети ҳам ташкил қилиш мумкин. Устахона ҳам очишарди, кемаларнинг чиройли моделларини ишлашарди. Бу ҳам чакки бўлмасди. Ҳеч бўлмаганда бутун синфни бир зиёфат қилиш — келинг, зиёфат бўлгандан кейин тузукроқ зиёфат бўлсин — мактаб бўйича ҳар кишини учтадан морожний билан меҳмон қилиш мумкин бўларди. Бу ҳам чакки эмас!..

Лекин бобоси хазина-пазиналар тўғрисида мутлақо ўйламасликни гапириб, бу фикрни хаёлингдан чиқариб ташла, деганди. Агар у яширинча излаб кўрса-чи?

Лекин ҳозирча мана шу нақди — бобосининг столи устида турган кубок Сухояркадан кетиб қолмасин. Бу кубокни — расмий тарзда Артём Незабудний томонидан таъсис этилган, Совет Иттилоғи Қаҳрамони Тулубей номидаги мукофот деб эълон қилишди. У қаҳрамоннинг номидаги мактабда қолиши керак. Пьер ўзи ҳам пайқамаган ҳолда янги ўртоқларига кўнникиб қолган, улар-

нинг ҳурматларини қадрлашга одатланган, шунинг учун ҳам болалар олдида ўзининг яхши томонларини намойиш қилгиси келарди.

Сув байрами якшанбага белгиланган эди. Ҳулди буютилгандек ажойиб кун бўлди. Ҳаво очиқ, кўкламчасига хушбўй, иссиқ ҳам эмас эди. Кун гўё Сухояркада кўзгу ҳосил қилган сувга қараб, ўзига оро бера бошлиганга ўҳшарди. Сўнгги булат пагалари уфқда гойиб бўлди, осмон мовий гумбаздек ярқираради. Сув омбори устидаги шабада кезар, сув қирғоқларидаги симёгочлар. нинг торини чертиб ёқимли куй ҳосил қилар, сигнал берриш учун қайиқ станциясига осиб қўйилган, денгиз ишларига яхши тушунадиган Пьернинг ибораси билан айтганда, ранг-баранг байроқларни ҳилпиратар, ҳамма ёқда илгарилари бу жойларда ҳеч қачон бўлмаган мусаффо ҳаводан, қуёшда исиган сув ҳавосидан яйраб нафас олишар эди. Сув омбори кўрфазининг ярим айланашаклидаги қирғоғида устунларга боғланган арқон билан томошибинлар учун ажратиб қўйилган жойда Сухоярка ва бошқа конларнинг шахтёрлари, район марказидан оиласлари билан келган меҳмонлар, қувноқ, ясанган, ҳаяжонли кишилар тўпланишди. Қирғоқ бўйида, энг ўртада таҳтадан минбар қурилган эди.

У ерда Сухоярка Совети ва партия комитетидан келгеннлар, район марказидан келган ҳурматли меҳмонлар ўтиришарди. Сеня минбардаги Галина Петровна Тулубейга, Богдан Анисимовичга, Никифор Колобродага ва посёлканинг бошқа машҳур кишиларига бирма-бир қараб чиқди.

У одамлар орасида отасининг чиройли бошини ҳам кўрди. Тарас Андреевич кулиб, негадир таъзим қилди, пастга кимгадир хурсанд қаради. Томошибинлар бир оз тинчигач, Сеня отасининг ёнида, тўсиққа таяниб Ирина Николаевна ҳам турганини кўрди. Негадир Сеня ҳам хурсанд бўлди.

Сеня «катта ер»да яшаётганида ҳам Ирина Николаевна Грачикларникуга тез-тез кириб туради. Милица Геннадиевна нуқул тўнғиллар, ошхонада товоқни товоқча ураг, бир гал ҳатто мураббо идишини синдириб ҳам қўйганди. Шунда у ошхонадан уйга кириладиган эшикка қараб, билимдон, ўзига бино қўйган, уялмайнетмай бировнинг уйига кирадиган баъзи бировларга қаратса роса тўнғиллаганди... Сеня кўпдан бери отаси-

нинг кўзларини қизарган, хира ҳолда кўрмас, бензин ҳидига, йўл ҳавосига энди отасидан ёқимсиз ҳид — ичиб келадиган пайтларида оғзидан анқийдиган бадбўй ҳид қўшилиб анқимас, Сеня ўзини хуноб қиладиган отасининг ўша тарздаги авзойини кўпдан бери кўрмасди.

Милица овқат маҳалида Тарас Андреевичнинг олдиға қадаҳга арақ қуиб қўйганда, отаси уни четга сурibi қўядиган бўлганди. «Ичмайман,— дерди у хижолат тортиб, лекин қатъий тарзда.— Кечирасиз. Сўз бердим»,— «Қизиқ, кимга сўз бергансиз?»—«Кимга сўз берган бўлсан ўшанинг ўзи билади. Мен буни унумтмайман, сўзимнинг устидан чиқаман».—«Вергул қўйишибди-да»,— деб ҳирингларди Милица Геннадиевна. «Вергул эмас, нуқта! — деди Тарас Андреевич.— Нуқтадан кейин гап бош ҳарф билан бошланади. Ҳаётимда, Милица Геннадиевна, энди янги мисра бошланди. Катта ҳарф билан. Сиз буни тушунолмайсиз». «Албатта-да, бизлар нимани тушунардик, институтни битирмаган бўлсак»,— дерди ҳафа бўлиб Милица.

Сенянинг этапи минбар олдидан, тўғрироғи унинг орқасидан ўтар, ҳозир Махан хўжайинлик қилаётган қайиқ станциясидан то ундан уч юз метрча нарига, кўрфазнинг қарши томондаги қирғоғи ёнида турган кичик солгача борарди.

Этапларнинг ҳаммаси ўнта эди. Биринчи этапда ўғил болалар югурап, кейин таёқчани қизларга беришлари, кейин яна ўғил болалар югуришлари лозим эди. Улардан таёқчани велосипедчилар олар, кейин яна қизлар, сўнг яна таёқча ўғил болалар қўлига ўтарди. Кейин эстафетани қизлар давом этдирад, ниҳоят таёқча сувдагилар қўлига ўтар, сувдан сўнг яна қизлар, якунловчи этапда яна ўғил болалар югуришлари керак эди.

Физкультура ўқитувчиси Дмитрий Антонович команда кучларини ўн этапга жуда усталик билан тақсимлади. Биринчи этапда Рёмка Шибенцов югуриши керак эди, у Тулубей номидаги мактабнинг энг яхши чопқирларидан бири сифатида аллақачонлар шуҳрат қозонганди. Бу этапда у рақибни орқада қолдиради, ундан таёқни олгач, бошқалар тезроқ югуриб, муваффақиятни таъминлашга уринадилар, деб мўлжалланганди. Сўнгги, якунловчи этапга Пьер Кондратов қўйилган эди. У тренировка пайтларида маррага етиб боришда ўта жонбозлик кўрсатиб, жон-жаҳди билан югура олишини на-

мойниш қилган эди. Лекин район марказидаги мактабнинг охиригина этапига ҳам кучли спортчи, ўқувчилари инг област мусобақаларида қатнашиб, иккичи ўринни олган Алексей Загорний қўйилган эди.

Этаплар юрак шаклида қилиб мўлжалланиган масофада эди. Минбар турган қирғоқдан старт берилини керак. Минбарнинг ўнг томони бўйлаб, соат мили юришига тескари тарзда ярим айланга бўйлаб чопишга тўрги келади. Эстафетани қўлдан қўлга тутқизиб, янги шашар боғининг хиёбонларини бўйлаб олиб ўтиш, кейин йиринчи Май кўчасида велосипедчиларга бериш, кейин яна айланниб, сув омбори томонга, энди минбарнинг чарапномонидан қайиқ станциясига, кўрфаз орқали байдаркаларда олиб ўтиб, яна қирғоқ бўйлаб орқага қайтиши, айланниб минбарнинг яна ўнг томонидан келиш лозим эди. Старт бериладиган жоїи марра ҳам эди.

Соат ўн биру қирқ беш минут. Қуёш тик тепада. Сув омбори кўзни қамаштиради, товланади. Томошабинлар ёзги кийимда — бу йил баҳор эрта келди. Турли-туман раңгда мавж ураётган томошабинлар оломони узра катак, ўйл-ўйл денгиз байроқлари шабадада ҳилпираб турибди. Шабада дарё ҳидини — бу ерлар учун бегона бўлган ҳидни анқитиб турибди. Кишини руҳлантирадиган ҳид!

Оркестр янгради. Музика асбобларида сув шуъласи мавжлана бошлади. Барабан мусобақа бошланишигача қолган минутларин санаётгандек гумбурларди.

Чорак соатдан кейин старт.

Иккала команда қатнашчилари ҳам — ҳаво ранг майкадаги тулубейчилар, қизил майкадаги район марказидаги мактаб спортчилари ҳурматли меҳмонлар турган минбар олдида саф тортдилар. У ерда — минбарда устига қизил мовут тўшалган столча устида чемпионлар чемпиони томонидан таъсис этилган — Совет Иттилоғи Қаҳрамони Тулубей номидаги мукофот турарди. Артём Иванович ўз гладиаторини ялтиратиб артганди. Кичкина кумуш паҳлавон кўтариб турган оливин қадаҳ ҳам қуёш нурида ялтирас, қабрда турган паҳлавоноп кўтариб турган бу қадаҳ қўзни қамаштиради.

Бу мукофот кимга насиб қиларкин?..

Галина Петровна минбардан туриб қисқача табрик нутқи сўзлади, муносиб командага муваффақият тилади — энг кучли команда голиб чиқаверсин!

Эстафета қатнашчилари ўз этаплари томон йўл олдилар. Ўз жойига кета туриб, Қсанा Сенянинг олдига келди.

— Сеня! — деди у, стол ўртасида ярқираб турган совринга имо қилиб.— Сеня, сендан ўтиниб сўрайман, илтимос! Бўш келма!

Сеня ҳеч нарса демади. У ҳаво ранг майкасининг кеча Қсанা дазмоллайтуриб қўйдирив қўйган жойини тирсаги билан бекитишга уринарди. Қсанা афтидан, хаёлга берилиб майкани қўйдирив қўйган эди чоғи. Қсанা кеча унинг тўғрисида, Сеня тўғрисида ўйламаган, у кечади.

— Ўзинг биласан-ку... Мен ҳамма вақт ҳам бўш келмасликка ҳаракат қиласман.— Бошқа ҳеч нарса демади.

Сигнал берилди. Стартга ўн минут қолди. Ҳамма ўз жойида! Дмитрий Антонович кажавали қизил мотоциклидаги болаларни ўз этапларига олиб бора туриб, уларга далда берарди:

— Болалар,— дерди у, болаларнинг елкаларига қоқиб,— болалар... Бўш келманглар. Ҳовлиқманглар. Чопиши техникасинни сизлар улардан кўра яхшироқ биласизлар. Сен, яхши йигит, таёқчани бераётгандаги шошилма. Тез тутқиз. Сеня, эсингда тут! Бир текисда эшкак эш. Ўзингни тўғри тут. Эсингдан чиқмайдими?

— Чиқмайди.

Кубокни таъсис этган кишининг ўзи ҳаммадан кўпроқ ҳаяжонланарди. У бош судья. У катак пайпоқ, спортчилар шими кийиб олганди. Шимининг ҳар почаси аэростатга ўхшарди. Спортчи фасонда тўқилган свитерининг ёқаси қизил ҳошияли. Бошида кишининг кулгинини қистатадиган ола-була картуз. Соатга қараб, секундомерни кузатди. Эстафета таёқчаларини кўздан кечирди, уларни биринчи бўлиб чопадиган икки рақибга — Рёмка Штиб билан район марказидаги мактаб спортчисига тутқизди.

Соат ўн икки. Ҳамма соатига қаради — судья секундомерига:

Стартчи катак байроғини, судья эса старт берадиган пистолетини кўтарди.

Ўқ узилди. Олға!..

Сеня ўз этапида Рёмканинг стартда сал тиз чўкиб турганини, югурга солиб, ўзининг бўйи паст, офтобда қорайган чайир рақибини бир оз олдинга ўтказганини, ке-

йин эса бир силканиб ундан ўтиб олганини кузатиб турди. Ҳе, Рёмкага тенглашиб бўпти! Сеня шу зумда ҳамма нарсани унутиб, бутун вужуди билан Рёмкани кузатарди. Шу дамда унинг нияти битта — Рёмка биринчи бўлиб етиб келса, биринчи бўлиб таёқчани тутқизса бае. Этапда сабрсизлик билан турган Катя Ступинага тутқизса бўлгани. Югур, Рёмка, югур! Офарин! Балли, Рёмка! Районликлар тенглашиб бўпти! Офарин, Рёмка, офарин, Штиб!.. Штибдан Сеня беҳад хурсанд, ундан миннатдор. Томошабинларнинг қиийқириқлари остида у ўз рақибини анча орқада қолдириб, эстафета таёқчасини югурга туриб, унга қўлини чўзган Катя Ступинага тутқизди. Ступина ҳам бўш келмаётганди. Албатта, у Рёмкага ўхшаб югуrolмасди, қизлар ўғил болаларга тенг келиб бўпти! Лекин ҳар ҳолда ёмон эмас. Таёқча учинчи этапда. Витя Халилеевнинг қўлида. Витя ҳам чакки эмас. Кўнгилдагидек. Сенга ҳам офарин, Витя!

Район мактабининг спортчиси бу этапда таёқчайи эндиғина қўлга олганда, Витя Халилеев эса топширай деб қолганди. Янги шаҳар боғидаги хиёбонга яқиндаги на ўтқазилган кўчатлар ҳали-ҳозирча барг ёзганларича йўқ эди. Шунинг учун ҳам томошабинлар сувга тескари ўгирилиб, болалар қандай югуриб боришаётганини бемалол томоша қилишарди.

Мана, таёқча Сурен Арзумяннинг қўлида. Қани, Сурик, сен ҳам бир кўрсат ўзингни! Агар отасининг қарзига тўламаганда, балки ҳозир Сеня ҳам ўз велосипедида пойга қилган бўларди. Майли, зарари йўқ, Сурик! Қатнашаверсин! Педални чаққонроқ айлантиравер, бўш келма! Район мактабидан келган бола ҳам, мана, велосипедга миниб олди...

Сурикни ҳеч ким қувиб етолмайди бари бир. Энг чопқир қиз, бешинчи синфдаги Мирра Хижина таёқчани олди. Сурен бу қизни эрмак қилиб: «Мир хижинам, война дворцам»<sup>1</sup>, деб юарди.

Балли, Мирка, чакана эмассан! Қаранг-а! Мана буни чопқир дейдилар! Район спорт саройи, овора бўпсан! Вой Хижина-ей! Таёқча Юра Брилевнинг қўлида. Қирғоққа буриладиган жой... Юрка, нега имиллаб қолдинг? Тезроқ!.. Бу бошқа гап. Мила кутиб турибди сени, қарасанг-чи. Яна бўшашдинг. Тезроқ! Район

<sup>1</sup> Кулбаларга осойишталик, қасрларга уруш, деган маънода.

мактабининг боласи жуда ҳам чаққон экан. Олтинчи этапдаги бу бола ҳали ўтиб кетмасайди. Югуршини қаранг-а. Орадаги масофани анча камайтириб берди.

Юра Брилев югурни бораётib, Миланинг дўмбоққина қўлига таёқчани туқтизди. Тезроқ югар, Мила, тезроқ! Мен бу ёқда кутиб турибман сени.

Сеня қайиқ пристанинг тахта тўшамасида типирчилашиб турарди. У ҳозир Милкадан таёқчани олади-да, ёнида турған байдаркага сакраб тушади, уни маҳсус тешикка тиқиб қўяди, чаққон-чаққон эшкак эшиб, байдаркани суриб кетади... Эҳ, Милка, жудаям лапашангсанда! Бақалоғ-эй, сал чаққонроқ югурсанг нима қиларкин? Эҳ, Мила, бунча имиллайсан!

Пристань ускуналарига мудирлик қилаётган Махан икки байдаркани қўйруғидан тутиб, тайёрлаб турарди: бирда қизил, иккинчисида ҳаво ранг байроқча, у югурниб келаётган қизлар томонга тикиларди.

Сеня эса сабри тугаб, қирғоқда типирчилар, байдаркага қараб-қараб қўяди. Бирор секундни ҳам зое кеткизмаслик учун ҳаммасини мўлжаллаб қўйиш керак. Бера қолсанг-чи!

Мана, қўлдан қўлга ўтиб, қўллардан теккан ҳер билан намланган, иссиққина таёқча унинг қўлига берилди. Сеня уни қаттиқроқ қисиб, байдаркага сакради, таёқчани белгиланган жойга суқди.

Махан қайиқни итара туриб, кулиб қичқирди:

— Олға! Имиллама, қимирла!

— Қара, жуда эпчил-ку! — деди Николай Колоброва ёнида турған Богдан Анисимовичга.

— Роса зўр беряпти,— деди у.

— Вой, Сеня Грачиғ-эй! — деди Галина Петровна мамнун бош чайқаб.— Бўш келма, Сеня!

— Отаси кўряптими?— сўради Николай Колоброва.

— Отаси ҳам шу ерда эди,— деб жавоб қайтарди Богдан Анисимович.

— Ҳозир у қалай?— қизиқиб сўради Колоброва.

— Ўзгариб кетган жуда, кўпдан бери бир грамм ҳам ичмаяпти. Артём Ивановичга ичмасликка сўз берган эмиш.

— Йўғ-э? Артём Ивановичгина сабабчи эмасдиро?

— Ким билсин...

Бу пайтда Сеня кўрфазда сузиб борар, орқасида эшкакнинг шапиллаган товушини борган сари яқиндан

эшита бошлаган эди. Бу унин рақиби, шу этапидан тоғосита рақиби, ҳа бай заркасаны бориши сары түспелди келаётган эди. Сеня уни ҳўйташ берни ганирди. Мис транировка пайтларида кўп кўрганди. Бир минут бундан муқаддам у ҳам Сеняга ўхшад, сабрепазлис билан таёқчани кутаётган, унга замдан тикиниб ҳараб қараб ёки ётган эди. У Сенядан аича новча, қўллари ҳам узун, бақувватроқ ҳам кўрингани эди. Ҳар энгак энганди қайиқ бир метр олдинга сурнадигандиро...

Сеня томошибинлар нималар деб бақиришиётганини эшилмас эди. Ҳа факат бир нарсани: шонинни керасилигини, у қирғоқда ўзини кутиб турган нозик гандага таёқчани тезроқ олиб бориб берни кераксангиши биларди. Ҳа, ўша ерда, тахта супачада уни Ксане кутарди. Роза типирчилаётгандир! Эҳ, уни ҳамма вақт ҳам шундай сабрсизлик билан кутесайди бу қиз! Эстафета таёқчани тезроқ олиб бориши лозим. У Ксанани уялтирмайди. Рақибининг ўзиб кетишига йўл қўймайди у.

Лекин бу нима, нега байдарка бунақа оғирлашити? Дастрлаб Сенянинг оёғига совуқ нарса тегди, мана эди, оёғига урилиб, шапиллай бошлади. Бу нимаси? Байдаркадан сув ўтаётган эди. Кеча кечқурун Дмитрий Антонович билан бирга текшириб кўришган, ҳамма ёги бутбутун эди-ку. Махан бирон нарса қилмадимикини?

Дмитрий Антонович нимадир деб қичқириб, қирғоқка томон югурди. Судъялардан бири уни огоҳлантириди: этап ўртасида тренернинг маслаҳат бернишга ҳақи йўқ. Қирғоқдагилар ҳам Сенянинг иши ишқаллигини фаҳмлаб қолишган эди. Қайиқ борган сари сувга ботиб борарди. Мана, палубасига ҳам сув чиқаёзди. Қирғоққа эса ўн метрча қолган. Новча, қўллари узун йигит эса қайиғини жадал ҳайдаб келарди.

Озгина қолди. Етти метр... беш... Қизил байроқча Сенянинг елкаси билан бараварлашди. Мана, уни кўриш учун энди бошини орқага бурмаса ҳам бўлади, бошқа конлардан келган болаларнинг завқ-шавқи, қийқириқлари остида у қайиғини Сенядан олдинга ўтказиб олди. Сенянинг қайифи эса сувга ботай деб қолганди. Шўрлик Ксане эса хуноб бўлиб, нозик қўлини супадаи пастга томон бетоқатлик билан чўзиб турибди. Мусобаба шартига кўра таёқчани ергами, сувгами тегизиш — ютқизиқ саналарди... Мана, юпқа, енгил палубада тўлқинлар пайдо бўлди, Сеня эса белигача сувга ботди.

Фақат ҳаво ранг байроқчагина сув устида ҳилпираб турарди. Қирғоқдан Сеняга томон моторли қайиқ кела бошлади.

Лекин Сеня:

— Керакмас, ўзим!.. Ўзим! — дерди.

Таёқчани байдаркага тиқиб қўйилган жойидан олиб, юқори кўтарди. Тахта супачага бир ярим метрча қолганди. Ахир у узоқ вақт сузиш назариясини бекорга ўрганганими, бир ҳафта Дмитрий Антонович раҳбарлигига сузиши машқ қилди, «уй насиҳатномаси» кўрсатганидек эмас, чинакамига машқ қилди. Сувга ботган байдарканинг люқидан сакраб чиқиб, бўш қўли билан тахта супадан тутиб, боши устида Ксананинг паришон ва миннатдорчилик ифодаланиб турган кўзига тикилганича унинг ингичка, нозик қўлига таёқчани берди.

Новча йигит эса бир минутча илгари ўз шеригига таёқчани тутқизганди. Сеня жон-жаҳди билан югуриб кетаётган ўша қизнинг қизил майкасини кўрди.

— Югур, Ксанана, тезроқ!

Ксанана рақибасига етиб олиш учун югура кетди. Унинг жон-жаҳди билан югураётгани олисдан ҳам сезилиб турар эди. Лекин қизил майка ҳамон олдинда, бир метр, яна бир метрдан кейин таёқча сўнгги этапга узатилди.

Сўнгги этап! Район мактабининг спортчиси таёқчани олиб, маррага томон, ғалабага, совринга томон югура кетди!

Мана, тулубейчиларнинг таёқчаси ҳам сўнгги этапга етиб келди. У Пъернинг қўлида, Пъер ўз рақибидан бир неча секунд кечикиб олди таёқчани. Ҳамма Пъерга умид билан тикилган эди.

— Югур, югур, Кондратов!..

— Пи-ер — квадрат! Пи-ер — квадрат! — дея унга дала беришарди болалар.

Тарас Андреевич тўсиқнинг ёғочига муштказ башлади, ёнида турган Ирина Николаевна сўккинига унинг қўлини тутиб, тўсиққа босиб турди. Буни шайқамагандек унинг қўли яна мушт бўлиб тутиларди. Артём Иванович Незабудний улкан қоматини тикилаёт жойидан туриб олди. Орқасида турганлар ҳам: «Гражданин, ўзнигизни сал четга олинг, кўринмаяйти», — демас, чунки, бундай пайтда, бари бир қулоққа гап кирмаеди. Незабуднийнинг орқасида одамлар йўлак ҳосил қилиб, четга чиқдилар. Тўмошабинлар унинг тирсак ва ёникси оша гоҳ чап-

га, гоҳ ўнгга қарашарди. Ҳа, ҳозир ҳамма туриб олган, ҳеч кимнинг ўтиргиси келмасди: Минбардаги ҳурматли меҳмонлар ҳам жойларидан турган эдилар.

Олға, олға! Пьер, азизим! Тезроқ!. Сеняниг бутун умиди ҳозир Пъерда. Сеняга бошқа ҳеч нарса керакмас, Пьер биринчи бўлиб маррага етиб борса бўлгани! Фақат шу! Етиб келсин, кубок мактабда қолса бўлгани. Ксана ҳам хурсанд бўлади. Лекин сўнгги этапда Загорний, Лёша Загорний чопиб келяпти, хавфли рақиб у. У сухояркаликларни район мусобақаларида ҳамма вақт ютган. Пьер ундан ўтолмас. Пьер қанчалик уринмасин, қанчалик куйиб-пишиб югурмасин, Лёша Загорний билан унинг орасидаги масофа ҳеч камаймаяпти. Бу лаънати масофанинг ранги ўзгарди, холос. Рақиблар шлак сепиўлган жойдан ўтаётганларида йўл кул ранг эди, майсазордан югурганларида яшил бўлганди, энди эса сариқ тусда — югурувчилар маррага олиб келадиган қумли йўлга, қирғоққа чиқиб олгандилар. Масофа ўзгармай қоляпти, ҳамон илгаригидай!

Нима гап? Қаранг! Ростданми?.. Олдинда кетаётган Загорний билан уни қувиб ўтишга уринаётган Пьер орасидаги масофа резинкадек тортила бошлади. Борган сари камаяверди. Мана, йўқолди. Пьер қизил майкали билан ёнма-ён. Ҳа, биродарлар, рост, рост! Ёнма-ён чопиб кетишияпти-ку. Загорний сакраб олдинга ўтишга уриняпти. Унга яқин югуратган Пьерни елкаси билан уриб орқада қолдиргиси келаётганга ҳам ўхшайди. Мана, тағин оралари очилди. Пьер кўзга кўринмас ипга яна ёпишгандек бўлди, ораларидаги масофа яна йўқолди. Загорний энди сакраб олдинга ўтолмайдиганга ўхшайди, лекин уриняпти. Йўлнинг ҳал қиласидиган жойи. Олдинда лента шамолда ҳилпираб турибди. Ана шу ҳал қилувчи секундда Пьер катта қадамини янада каттароқ қилди, унинг ҳаво ранг майкаси лентага бириичи бўлиб урилди, тулубейчиларнинг таёқчаси секунднинг бир қисемичалик фурсатда рақиб томон таёқчасипи бирор қадам орқада қолдирган эди.

Пьер ўзини тўхтатолмай, яна бир неча қадам югурди, болалар шозқин-сурон, завқ-шавқ билан уни ўргига олдилар. Қўкрагида ҳилпираб турган марзи лейтаси ерга тушди.

**VII БОБ**  
**ҲАММАСИ ЙЎҚҚА ЧИҚДИ**

Кубок ўшанда қирғоқда, эстафета тугагандан кейин ноқ топширилгап бўлса-да, тулубейчилар ўз ғалабалари ни тантанали тарзда нишонлашга қарор қилдилар. Илгарилари ҳам мактабда тантанали кечалар ўтказиладиган катта синфда маҳсус кеча ўюштиришди. Ҳозир бу синфни кемачиларга хос «салон» деб аташарди. Кечқурун, клетлар шахтёрларни кондан ташқарига олиб чиққан, иш куни тугаб, идораларда қофоз солингган шкаф ва район марказидан келган меҳмонларни қайиқлар мактаб жойлашган тепалик қирғоғига олиб ўтди. Район марказидан кўчма кино ҳам келди. «Трубачев отряди ҳаракатда» фильмини кўрсатишни ваъда қилдилар. «Салон»нинг пардаларини туширишди, механик объектив оғзидан юқорида қалин дискаси бор аппаратини тўғрилай бошлади.

Кечқурун соат саккиз бўлганда зал ўқувчилар ва меҳмонлар билан лиқ тўлди. Ҳамма Незабуднийни кутарди. У маҳаллий ва район физкультура бўлими вакиллари билан биргаликда кубокни мактабга тантанали тарзда олиб келиб топшириши керак эди. Негадир Артём Иванович келавермади.

Мактаб дарвозаси олдидағи дамбада бутун команда — ўн киши, кубокни қўлга киритган ўн ғолиб — Рёмка Штибдан Пъергача ҳамма саф тортиб туришарди. Болалар ўтган якшанба куни эстафетада қатнашган тартибда саф тортгандилар. Сеня Қсананинг ёнида турар, унинг оғзи қулоғига етганди. Ахир, ўз мактабининг шон-шуҳрати йўлида у озмунча куч сарфладими? Эстафетага қадар у уйга топширилган иншо тўғрисида ўйлаб, кўнгли хижил бўларди, ҳозир эса қилган ишлари мактаб шаънига яхши натижага берганини кўриб туриб, ўз ишидан мамнун эди. Лекин Артём Ивановичдан ҳамон дарак йўқ эди.

Унинг нега тутилиб қолганини сўзлайлик. Мактабга жўнаш олдида у соқолини олмоқчи бўлди. У соқолини устара билан оларди. Устарани баланд кўтарниб, соқолини қириб олар, совун кўпиги аралаш олинган соқолни қофозга артиб-артиб қўярди. Столнинг тортмасидан эски қофоз ола туриб, дафтарнинг икки варагига йирик сарлавҳа қўйиб: «Менинг севимли китобим» деб ёзил-

ган хатни кўриб қолди. Бу — Пъернинг ёзуви эмас эди. Иккала варақ ҳам бир тарзда майдада ҳарфлар билан ёзилган, лекин бегона одамнинг ёзуви эди у. Бу, албатта, яқинда уйга тоширилган иншо бўлиб, унинг Пъер ва Рёмка Штибга бошқа бирор ёзиб берганини Артём Иванович фаҳмлаб қолди. Кўриниб турибдики, синфи дошлардан аллаким уларга ёрдам берган, уларниг эстафетага қатнашишларини таъминлаш мақсадида бу иши қилган.

Артём Иванович бундан икки ҳафта муқаддам уйга келганиларида Пъер билан Рёмканинг пичирлашиб юрганларини, Сеня желганини, эшикни ичкаридан бекитиб олиб гаплашганларини хотирлади. Спортда поклик учун курашган, ҳар қандай қаллобликларга нафрат билан қараган Незабудний бу ишни эътиборсиз қолдиролмасди. Кейинги пайтларда у ҳамма ишнинг инсоғ ва вижидон билан бажарилишига жуда ҳам тарафдор бўлиб қолган эди. Умрининг охирда бўлса ҳамки, кўп саргузаштлардан кейин, у ҳаётнинг тўғри йўлига чиқиб олган эди. Бирор қаллобликка дуч келгудек бўлса, чидаб турла олмасди. Рёмка билан Пъернинг уй вазифаси шу шпаргалка асосида ёзилганмикин — текшириб кўриш керак эди. Чолнинг авзойи бузилди-қолди. Агар икки ўртоқ командаға кириш учун баҳони қаллоблик йўли билан олган бўлсалар, нима қилиш кераклигини у билмасди. Демак, кубокни кўзбўямачилик орқали олишибди-да. Лекин, у Галина Петровнани ҳам, Богдан Анисимовични ҳам, жуда хурсанд бўлган Ксанани ҳам хафа қилгиси келмасди...

Мактаб ёнидаги дамбада Артём Ивановични кутиб олган болалар унинг таъби хирагини кўрдилар. Незабудний эса юрагим иотинчроқ, деб баҳона қилди. Уни, мукофотни таъсис этган машҳур паҳлавонни сабрсизлик билан кутиб ўтирган кишилар олдига — залга олиб бормоқчи бўлишди, лекин у Сеня, Рёмка ва Пъерни қўшини хонага олиб кирди.

— Бу сенинг хатингми? — деб сўради у Сенядан ва ҳайрон бўлиб қолган Сеняни қайшишдан секин ушлади.

— Бу... бу... меники-ю...

— Тушунарли,— деди Артём Иванович.— Шунақа дengлар ҳали! Қани, Пъер, сен ҳам Рёмка, тумбочкалагерингиздан ёзган иншоларингизни олиб кўрсатинглар-чи

менга, итваччалар!.. Мен кимга гапиряпма? Балжы, сең, Сеня, ростини гапириб берарсан?

— Мен ўзим учун қилмагандым...— деди дудукланиб Сеня.

— Биламан, ўзинг учун эмас. Сен мана бу муттахамлар учун қилгансан... Уятсизлар!.. Икковларингни ҳам бир-бирларингга ургим келяпти!.. Нима қиласмиш энди?..— Артём Иванович улкан муштини тугиб ўз бошига тушириди.

— Мен ахмоқ кундалик билан табелга имзо ҳам қўйибман ишониб. Қариган чоримда «Ота-она имзоси» деган жойга хурсанд бўлиб имзо қўйибман-а. Ўз номим ёзилган бирорта афиша мени бунчалик хурсанд қилмаганди. А. Незабудний деб имзо қўйибман-а... Менинг пок номими булғамоқчи бўлдингми, а?

— Мен булар учун қилмагандим,— деди Сеня.— Чин сўзим! Ксана илтимос қилувди... Отаси хотирасига таъсис этилган мукофотининг мактабимизда қолишини истаганди у. Нима, ёрдам берсам, нима бўпти? Бир ярамас менинг байдаркамни тешиб қўйган бўлса ҳам бизлар бари бир ютиб чиқдик-ку! Нима бўпти?..

Незабудний байдарка воқеасини яхши билар эди. Эстафетадан кейин кўздан кечирган пайтда байдарканинг иккала борти ҳам сувга ботадиган чизиқлари салюқорироғидан иккитадан тешилгани, усталик билан нонтиқиб, усти бўяб қўшилгани маълум бўлган эди. Қайнұц бўш турганда тешиклар сувга тегмаган, Сеня югуриб сакраб уни ҳайдай бошлагач, нон сувда ивиб тушиб кетган, қайнұц сув жира бошлаган. Бу қадимдан маълум бўлган безорилик эди. Сухояркада сув илгари бўлмаганидан бунақа безориликни ҳеч ким эшиитмаган эди. Махан, мен қайнұкларга яқин борганим йўқ, уларни қўриқлаб юрдим, лекин кечаси аллаким қайнұкларнинг ёнида жўрингандек бўлувди, бориб қараб, ҳеч кимни тополмадим, деди. Ким билсин, балки рақиб командадан бирор қилгандир бу ишни.. Унинг гапига одамлар аллақачонлар ишонмайдиган бўлиб қолган эди, ҳеч ким унинг тушунтиришларига аҳамият ҳам бермади. Лекин уни ҳеч ким жиноят устида тутмаган эди-да. Уни вазифасидан пасайтиришди. У пристань хўжалик мудирининг ўрийбосари бўлиб қолди. Буни қилганди одам қўлга тушмаган бўлса ҳамки, кимдир ёмон ниятда қилганди бу ишни.

Лекин ҳозир нима қилини керак? Артём Иванович партага хомуш ўтирди, унинг бир қўли тиззисиди, иккинчиси эскича фасонда кирри усулиди олинизи сизни силади.

Болалар Ирина Николаевнани чиқириб көзимди.

— Қаранг, Ирина Николаевна, шунақа ганинга...

Незабудний уига бор ганини ганириб берни. Ирина Николаевна ҳам хафа бўлиб, партолардан Сиринга ўзириб қолди. У чурқ этмай турган болаларга бир бар угарди. У нимаси билан шир Ксанага ўхшиб кўрниди Сеняга. Шу пайтда Ксананинг авзойига эса Сеня ҳеч ҳам қарай олмасди.

Глеб Силич кирди. Унинг орқасидан Елизавета Польфириевна ҳам кирриб келди. Иккакаси ҳам бекозуда эди.

— Нима ган? Нега бу ерда турибенгизар?

Уларга ҳам айтишга тўғри келди.

— Бу қанақа ган бўлди энди!..— деди гап бошлади Глеб Силич. У сал таажжубланди, лекин ўзини оғир тұтди.— Менимча,— деб салобат билан ганини дакири үтдирди,— менимча, бу иш, умуман чакки бўлибди, тозигини хира қиладиган иш бўлибди, буни мактабда албетте мұхокама қиламиз, лекин бу гап ташқарига чиқысалини керак. Масала аллақачон ҳал қилинган, шунинг учун ҳам бошқаларнинг мұхокамасига қўйиб ўтиришининг жарати йўқ энди, мактабнинг шаънига яхши иш бўлигэдди. Мактабимиз номи билан аталаётган кишининг шашнига ҳам...

— Бу бўлмаган гап!..— деди ўзини тутиб туролмай Ирина Николаевна.

Бунга Глеб Силич таажжублангандек бўлди. Ёштена ўқитувчи-вожатийининг гапга кескин аралашғаннан унинг ғаши келган, буни яшира олмаганди.

— Лекин, илтимос,— деб у Ирина Николаевнанинг ганини бўлди, нима дейнишига ҳайрон бўлиб, болаларга нигоҳ ташлади.

— Нима бўпти,— деди Рёмка Штиб, директорнинг авзойига тушуниб,— оддий гап. Спортда шунақа мұғам-бирликлар қилинади. Футболда буни фильт дейнишади, алдаш, чалғитини. Футболни эшилтиришаётганда радиоди ҳам бу ҳақда гапиришади. Ёмои иш эмас бу.

— Рост! — деди сапчиб Сеня.— Ирина Николаевна, ҳеч гапмас-ку, нима қипти? Ёрдам беринин мендан илтимос қилишди. Хўп дедим, ўз ўртоқларим-ку, ёрдам

бердим. Ўзаро ёрдам-да. Бу ҳақда кўп гапиришади-ку... Бир киши ҳаммага, ҳамма бир кишига... Мана, сал ёрдам берсанг, шунча гап!..

Шу вақтгача гапга аралашмай турган кекса ўқитувчи Елизавета Порфириевна Сеняга ва бошқа иккι болага ачингандек қаради, афсуслангандай бўлди. Сенянинг гапи Незабуднийни сал ийитган эди. Тўгри-да. Шовқин кўтарадиган даражадаги иш эмас бу. Командасининг шуҳрати йўлида қилибди-да. Ишони бутунлай ёзиб бергани сал чағки бўлган. Меҳнат қилган, ҳар ҳолда ўғирлик эмас. Шунинг учун мусобақа якунларини бекор қилиш тўғри бўлмас.

— Менга қараглар! — деди шунда Елизавета Порфириевна, йўғон ҳассасига таяниб, оғриқ оёғини судраб олдинга ўтиб.— Менга қаранглар, биродарларим, мен сизларга бир мисол келтирай. Масалан, шахтани мисолга олайлик. Грачик коллективда ўзаро ёрдам тўғрисида гапириб қолди. Яхши... жуда ҳам соз!.. Олайлик, бир шахтёр нормасини бир юз йигирма процент қилиб бажаради, бошқалари ялқовроқ; нормасини саксон процент қиласди. Бўладими шунаقا?

— Бўлади,— дейишди болалар.

Артём Иванович ҳам бошини силкитди, ҳа, бунақа воқеа рўй бериши мумкин.

Елизавета Порфириевна гапини давом эттириди.

— Масалан, машҳур шахтёримиз Никифор Колобродани олайлик, у нормасини кўпинча ҳаммадан кўп бажаради, ўз участкаси, ўз бригадаси, Сеня айтгандек, ўз ўртоқларига ёрдам бермоқчи бўлиб, нормасини бажара олмаганлар учун ҳам йигирма процентдан ишлайди, дейлик. Бундоқ қараганда ҳеч гапмас. Машҳур шахтёр фақат кўпроқ чарчайди, холос. Ўз нормасини ошириб бажаради. Чарчагани эса унинг шахсий иши, олижаноблигидан, дўстона ёрдам берганидан ўз хоҳиши билан чарчаган-да.

— Тўғри! — деди Сеня хурсанд бўлиб, чехраси ёришиб.— Мен ҳам шунаقا фикрдаман-да,— деди Грачик.

— Нотўғри фикрдасан, Грачик,— деб унинг гапини бўлди ўқитувчи (Сенянинг ёришган юзи яна хомуш тортиди).— Сенингча, бу тўғри, инсофдан экан-да? Шундоқ деяпсанми? Анави иккι дангаса... (Пъер билан Рёмка қизаришиб, бошларини ҳам қилишди.) Мен ҳалиги, шахтадагиларни кўзда тутяпман, болалар, мен сизлар-

ни кўэда тутаётганим йўқ. Агар ҳалиги ялқовлариниг ўзи ҳам жон койитиб ишлаганинди уларнинг ўзлари ҳам юз процентдан бажарган, давлат уларнинг. ўзидан ҳам манфаатдор бўлган бўларди. Шундай эмасми? Колобро-да эса қўшимча маҳсулот берган бўларди. Оқибатда ни-ма бўлди? Унинг олижаноблигидан, марҳаматидан дав-лат қирқ процент зиён кўрди-ку. Қапақаснга ҳисоблаб қарасанг ҳам, ўша икки ялқов қирқ процент қарздор бўлиб чиқади... Мен, болалар, яхши шахтёр бошқа ёмон шахтёрларнинг айбини яширишга ҳаракат қилмаслиги тўғрисида ганириб ўтирмаіман. Биламан, Никифор Колоброва ҳеч қачон бундай ишин қилмайди. Бу мисолда уни тилга олганим ҳам яхши бўлмади. Бизнинг ўқувчи-ларимиз нима қилибдила денг? Вижданан иш қилиш, вазифани тўғри бажариш ўрнига, биламан, бу жуда қи-йин, икки ўртоқнинг чинакам билимга эга бўлишига ёр-дамлашиш ўрнига, Сеня улардаги ялқовлиқни, масъу-лиятсизликни яширган, уларнинг сохта баҳо олишлари-га ёрдамлашганди. Бу нима деган гап? Шунаقا ҳам бў-ладими, а?

Бунаقا бўлмаслигини ҳеч ким эътироф этгуси кел-мади. Хунук иш бўлганини ҳамма тушуниб, жим турарди. Ранжиган Глеб Силич ҳам ҳеч нарса демади. У ел-касини қисди, аралашмасликка ҳаракат қилиб, тескари ўгирилди. Шўрлик Ксананинг раиги бўзек оқарди, гоҳ Артём Ивановичга, гоҳ ўқитувчиларга, гоҳ болаларга тикиларди.

— Ҳар ҳолда яхши иш бўлмабди-да...— деб Неза-будний гап бошлади-ю, томоғини қириб, жим қолди.

Залдагилар ер тепинар, қарсак чалишар, тантананинг тезроқ очилишини талаб қилишарди.

— Нима қиласмиз энди?— Ксананинг ҳаяжонидан ин-гичкалашган овози янгради, салга йиғлаб юборадиган-дек кўринарди у.— Демак, сизлар ҳаммамизни алдамоқ-чи бўлибсизлар-да, а, Грачик? Мени ҳам?

— Қсанана, мен ахир...— гап бошлади Сеня.

Лекин Қсанана унинг гапини шартта бўлди:

— Гапирмай қўя қол. Нуқул виждан тўғрисида га-пирасан тағин. Уят эмасми, а? Тағин... тағин... Мен энди ҳеч қачон сен билан ўртоқ бўлмайман, ҳеч қачон! — кўз ёшини яшириш учун тескари қараб олди.

— Сен хафа бўлма, Қсанана, қўй,— деди Елизавета

Порфириевна. Нима қилиш кераклигини ҳозир бир ўйлаб кўрамиз.

— Нима қиламиз? — Сенянинг овози зўрга эшишилди. — Номига эмас, ҳақиқий шуҳрат эгаси бўлиш керак. Ирина Николаевна бизларни, пионерларни шунга ўргатяпти. Тўғрисини айтиш керак. Ҳаммага рўй-рост айтиш керак.

Ксана Ирина Николаевнанинг қўлидан ушлаб олди, бошини унинг елкасига қўйди, унинг кўзидан ёш дувдув оқа бошлаган эди.

— Йўқ... керакмас!.. Керакмас... кубокни бермайлик! Яхшиси, яна бир марта эстафета ўтказа қолайлик. Улар ҳам қаллоблик қилишди-ку. Грачикнинг чўкиб кетишига сал қолди-ку. Илтимос кубокни уларга бермайлик!

Сенянинг ҳам раҳми келиб, ҳам энди тузатиб бўлмайдиган хатосини чуқур ҳис этиб, юраги эзилиб кетди.

— Ундаи бўлса,— деди Ирина Николаевна,— ҳаммага айтиш керак. Болаларнинг ўзлари ҳал қиласин. Пионерлар виждонлари буюрганини қилишсин. Юринглар.

Елизавета Порфириевна розилик бериб, соchlари оппоқ бошини иргаб қўйди. Ҳамма эшик орқали эстрадага олиб чиқадиган зинапоя томон юрди. Артём Иванович ҳаммадан орқада вазмини қадам ташларди. Унинг қўлида болаларнинг фикри-ўйини банд қилган кубок бор эди.

Пьер Сеняни секин туртди:

— Гргачик, ўзим... ўзим гапиргиб берғсанм-чи, а?

— Мен сенинг ўрнингда бўлганимда, Кондратов, шундай қилардим.

— Қийин-да. Қандай қилиб... ҳамманинг кўзига қариман... Нима дейман...

— Кўзингни юмниб, гапира қол,— маслаҳат берди Сеня.

— Мен кўзимни юмганим билан, болалар кўзларгини юмишмайди-ку. Мен гапирғанимда ҳеч ким менинг кўргмасайди...

— Тўхта! Ҳеч ким сенга қарамаса, гапирамидинг?

— Пароль-доннер<sup>1</sup>... Чим сўзим, гапирадим.

— Бор бўлмаса, сўз ол. Мен жавоб бераман, ҳеч ким сенга қарамайди. Сен сўз олишинг билан, мен...

У Пьернинг қулоғига нимадир деб пичирлади.

Пьер эса қулоғини тутди-ю, қўрқандек:

<sup>1</sup> Пароль-доннер (французча) — чин сўз.

- Елғон гапирғаяпсан...— деди.
- Елғон гапирадиган одатим йўқ. Боравер.
- Сен-чи?
- Кўрасан. Нима, болаларниң кўзига қараш менга осон дейсанми?

Пъер залга охирида кирди, ҳеч кимга қарамай, президиумдан ўз ўрнини эгаллади.

Ҳамма уни эстафетани якуилаган қаҳрамони сифатида кутиб олди, Артём Иванович Незабудиний шарафига гулдураган қарсак овози тиншини билан президиумга Пъер кириб келганди, ҳамма яна қареакини қайтадан гулдуруата кетди...

Кубок саҳнанинг четида катта тумба устига қўйилган, чиройли қилиб саҳнанинг четига осилган парда тумбага тегиб туар, ҳаммаси залга тантанали тусे бериб туар эди.

— Пъер, гапира қол, кечикасан бўлмаса,— деб пи-чирлади Сеня парданинг орқасида туриб. У ғойиб бўлди, бир минутдан кейин яна пайдо бўлди, Пъерга пи-чирлади:— Нега қотиб турибсан, гапирсанг-чи!..

Пъер Сеняга қўрқинч аралаш қараб, бош чайқади.

Шу пайт район газетасининг фотомухбири залда, биринчи қаторда ўтирган болаларни зичроқ ўтириғизиб, стул устига чиқди ва фотоаппаратини кубокка тўғрилади. Үнга фахр билан ёрдамчилик қилаётган бир бола минг шамлик лампани штепселга тиққанди, чироқ ўчдиқолди! Зал зулмат ичида қолди. Эски пробка куйғган бўлса керак, деб ўйлади ҳамма.

Пъер ана шу фурсатдан фойдаланди:

— Болалар! — деди у.— Эшигинглар. Мен ҳаммасини гапирғиб берғаман. Бу мен— Кондратов. Рост, болалар, кубокни қайтарғиб берғишимиз керғак...

Залда шовқин-сурон бошланди, бирорванинг:

— Жим! — дегани эшитилди.

— Ҳа. Қайтариб берғишимиз керғак. Чунки, алдамчилик қилдик... Мен ва Рёма Шибенцов учун ишиоди Грэгчик ёзган ёди. Математика бўйича ҳам у...

Зал қоп-қоронғи, худди ҳамма чиқиб кетган, зал бекитиб қўйилганга ўхшарди. Ҳамма бирдан чинқира бошлилади:

- Қайтадан мусобақалашами!
- Кубокни бермаймиз, тўғри эмас!
- Нотўғри!

— Қайтадан!..

Залнинг у ер-бу ерида гугурт чақила бошлади. Бир неча жой ёриб, яна зал зулмат ичида қолди. Баъзи болаларда гугурт бор эди, лекин чекиб юраркан-да, деб ўйлашади, деб бетиним гугурт чаққани қўрқишаётган эди.

Оёқ товуши, эшикнинг ғижиллагани эшитилди, бирор қоронғи даҳлизга югуриб чиқди. Қаердадир стул тарақлаб йиқилди, даҳлиздан ташқарида ҳам оёқ товушлари эшитилди. Чўнтак фонарининг шуъласи кўринди, салдан кейин бирдан зал ярқ этиб ёришиб кетди. Пробкани тузишишган эди.

Лекин залда ҳамма гунг бўлиб қолгандек, жим турар эди. Кейин эса бирдан ғала-ғовур бошланди. Ҳамма залнинг чап томонига — кубок турган томонга кўз тиккан эди. Баъзилар кўзларини юмиб, яна қарашар, гўё ўз кўзларига ишонқирамаётганга ўхшар эди.

Ҳамма тумбага тикилар, ҳозиргина унинг устида турган кубокнинг йўқлигини кўриб, таажжублана бошланган эди.

### VIII БОБ

## ЭСКИ СИРНИНГ ЯНГИ ИЗИ

Кубок шу тарзда сирли ва изсиз гойиб бўлди... Ҳамма биноларни, чордоқларни титкилаб чиқишди, омборларни ҳам очиб қарашди, печкаларнинг ичи ҳам қолмади, натижка чиқмади: кубок ғойиб бўлган эди. Байрам бузилди, ҳамма хафа бўлди, ҳайрон қолди. Меҳмонлар ҳам ҳайрон, ўқитувчилар ҳам, болалар ҳам. Болалардан бири Ирина Николаевнага кубок турган бурчак томондаги синфнинг пардаси очилганини, аллақандай товуш эшитилганини айтди. Бошқалар дамба томонда қайнұқ эшкагининг шалпиллаганини эшитгандек бўлганини айтдилар. Бошқа бирорлар зал қоронғи бўлган пайтда ошхона томидаги чордоқ томондан оёқ товуши келганини, бирор нарвондан тушгандек бўлганини айтишди. Хуллас, бир-бирини инкор этадиган миш-мислар кўп эди, улар оғиздан-оғизга, синфдан-синфга кўчар, лекин кубокдан дарак йўқ эди. Шу кеча аллама-ҳалгача ҳеч ким ухлай олмади.

Ҳамма бир оз тинчиб, ўқитувчилар ҳонасида Ирина Николаевна энди ётай деб турганда унинг олдига еттин-

чи синиф ўқувчиси Ватга Надиеви киритганни Узбек табиинг энг яхши электротехники дистанциончи, шаржиганда у баринча бўлди професияни тушинига туттирилди.

— Ирина Николаевна, қизиқ, професия кубоини, индир уни бураб қўйган. Мен фонарим билан киритни да пайқагандим. Бирор атани қилинганда үшнини.

Ишлар янада чалкашиб кетди.

Кубок йўқолгандан кейин, қуни мактабини меҳмонлар қайиқларига ўтиришини қайтастиниди тузу бейчилар уларни замдан кузатниди, уларни қайниларида ҳам кубок кўринмади. Улар кубокни ўтирилди, бундан ташқари, кубокни уларга тошириши ҳам мумкин эди-ку. Кубокни Артём Ивановичини ўзи очиши ҳам мумкин эмас. Лекин кубокни келтиришни замонини очиб қарашга ҳеч ким журъат қилиломади-да. Президиумда у тумбадан анча узоқда ўтирган эди. Азар у... Йўғ-э, ўзи олиб келган кубокни ўзи ўтирилармади! Эртасига ҳам мактаб гала-ғовур бўлди. Синфларда, ётоқда ҳамманинг оғзида кубок. Ҳамма хафа, ҳамма хубоб эди. Қўплар бу ишни ўша абллаҳ Махан қилган. Сенянинг байдаркаси туфайли аламзада бўлган, секинтина сузиб келган, чироқ ўчган найтда деразадан секинтина тушиб, кубокни олиб кетган, дерди. Жиноий ишлар қидирув бўлимнига айтиб, исковуч ит ҳам олиб келмоқчи бўлишди. Лекин итнинг топиши ҳам ами маҳол эди: кубокни кўп киши ушлаган, тумбани ҳам, деразани ҳам кўп киши тутган, саҳнада ҳам ўнлаб оёқлар из қолдирган...

...Пьер тажанг. У ўзини қаерга қўйишни билмас эди. У бу ғавонинг бош сабабчиси деб ҳисобларди ўзини асосли равишда. У бобосининг хафалигини, кундан-кунга мазаси-кетиб бораётганини кўриб-билиб юрувди-ку, бунинг устига бутунлай тушуниб бўлмайдиган бир ҳолатда иккинчи кубогидан ҳам маҳрум бўлиб қолди... Пьер ўзига жуда ишониб, ундан мамиун бўлган Қсанани ва бошқа болаларни алдаганидан ниҳоятда хафа эди. У ўз ўртоқларининг ва бобосининг ишончига қайта сазовор бўлишни истарди, эҳтимол, бобоси ҳам шу найтда ундан қатниқ хафадир. Қатъий бир нарса қилини, кагра, ҳамма учун муҳим бир иш қилини керак эди. Шунда Пьер фашистлар кўмиб кетган хазина, бобосининг анишу хазина билан бирга кўмилгани сири тўгрисида тақ-

пор-такрор ўйлади, хазина қаергадир шу яқин атрофга кўмилган бўлиши керак. У Парижда ёдлатишган адресга хат ёзишга қарор қилди. Ёзади, унга ўша жойни маълум қилишсин. Йеър, албатта, бобосига ҳеч нарса демай, хазинани топади, у билан алоқадор бўлган бобосининг сири ҳам чолни энди бошқа қийнамайди. Керак бўлса, бу сирни йўқотади у. Майли, хазина турган жойни кўрсатган киши унинг ярмисини ҳам ола қолсин. Қолган ярмисини Пьер мактабга беради. Пьер шундай қарорга келди.

Кекса почтальон Александр Устинович Гаврилюк почтани энди қайнқда олиб келадиган бўлганди мактабга. Илгарилари у хат-хабарларни пиёда ташир эди. Қейинчалик уни велосипед билан мукофотлашди. Энди бўлса моторли қайнқ беришган эди. Унинг қайниги патиллаб мактаб деразаси остидан ўтиб кетди. Гаврилюк эса бир қўли билан мотор рули тутқичини ушлаганча, қичқирди: «Ҳей, оролликлар, почтани олинглар келиб. «Пионер» келди! «Пионерская правда»! Қичқинтойларга «Мурзилка» ҳам бор».

Сухояркада Гаврилюкни ким билмайди дейсиз! Қанчадан-қанча қора хат, қанчадан-қанча чақириқ қофози келтирган у! Бир пайтлар у келганда қанчадан-қанча кўз ёшлари тўкилар эди. Баъзан хуш-хабар келтирас, бундай пайтларда уни олиб қолиб, ичиришарди ҳам. Пьер хатни ундан бериб юборишга аҳд қилганди. Хатда тубандагилар ёзилган эди:

«Қадрдон месъе, касал бобом жуда ҳам азоб тортияпти. Мен унга қубогини топиб бермоқчи бўлдим. Қаердагигини менга ёзиб юборсангиз. Шартлашилганидек қиласман. Ёзган хатимда хатоси бўлса, кечирасанлизар. Мен ҳозир русча ўқияпман, шунинг учун ҳам француздада хато қилишим мумкин»... Бу хат французча ёзилган бўлиб, «Авиа» деб белги қўйилган конвертга солинган, конверт яхшилаб елимланганди.

Тулубей номидаги мактабга чет элдан кўп хат келарди. Незабудний жасур партизан Богритули сирларидан хабар топиб, генуяликлар Стальено қабристонига Григорий Богданович Тулубей дафи этилганини у орқали билиб қолганларидан кейин, Италиядан хатлар кела бошлади. Шу сабабли яқиндагина чет элдан келган Пьернинг Парижга бирорга хат ёзиши таажжублантиратли ҳол эмасди.

Лекин Гаврилюкининг қайлии мактаб дарризниң кечида дириллаб турганда Пьер түсгаплаш, ўшига бир оламда яшаётган ўша иккى кинниң хотириб, иш қилмаётганини мааниси, деб ўйланиб келди. Уни мактаб софа ва вақт оша бу ерга келганини ўшишарни булалай упугтиб юбормоқчи бўлган эди. Уши ирамаси, ҳисоб олам билан алоқа боғлаши тўғри бўлармакни, ишни олижаноб тартиблари бўлган, келажаги порфирини ишни риниб турган, ўзи яшаётган бу даргоҳда умрани ташаккал таҳликаси остида қолдириб, яхши иш қизармакни. Лекин, шу билан бир қаторда, Пьерининг иштияқи диган бир иш қилгиси келар эди. У характери бўш олла эди, бироқ жуда ҳам иззатталаб эди. Башланган кишилар шуҳрат орқасидан қувиб таваккалишга хатарлик ишлар қилиб қўядилар.

Пьер кинини почтальон Гаврилюкка тозамириди. Етоқда ёлғиз қолгач, йиртиб сувга улоқтириди, хот парчаларининг сув бетида аста-секин қирроқдан узсалашганини томоша қилиб турди.

Эски мактаб биносининг умри тугаб қолган эди. Бир неча кундан кейин бузилиши керак бўлган бинони ташлаб кетишга тўғри келди. Пьер учун бу бино янги, яънзадагина муяссар бўлган қароргоҳ эди. Бошқалар узув эса мактаб биноси ўз хонадонларининг бир қисми ва давомидек бўлиб қолган эди. Улар ота ва оналарига кўлидан ушлаб бу ерга келган дастлабки кунларни хотирлардилар. Уларнинг ёдида, у пайтларда Елизавета Порфириевна унча кексаймаган, ҳеч ҳам ҳозиргандек эмасди. Кўпдан буён ремонт қилинмаган синэфларда қанчадан-қанча баҳолар олмади улар! Бу ерларда сизмунча номлар ёзилганими, гарчи бу номлар уларни ёзганларга шуҳрат баҳш этмаса ҳамки, улар аза шусинфларга жуда кўникиб қолган эдилар... Сиёҳлар тўкилган, гилос данаклари ўқ қилиб отияган, ёзма ишлар пайтида улашилган шпаргалкалар... Қанчадан-қанча эсдаликлар бор бу ерда. «Тўхтаб тур, танағ фусса кўрсатиб қўяман сенга», «Оёғинигни тўғри бое, йиқалиб кетма тағин» қабилидаги душманлик ифодаларни...

Мактаб деворлари кўп сирларни сақларди. Бу деворлар кўп балоларни кўрган.

Уруш йилларида бу ер гиглерчилар шаби бўлган.

Баъзан бўёқ кўчгаんだ деворда аллақандай немисча ёзувлар кўриниб қолар, ўша заҳотиёқ болалар ғашлари келиб, қириб-қиртишлаб ташлашарди. Баъзан бўёқ тагидан гитлерчиларнинг жимжима тамғалари, тумшуғи, тирноқлари ўткир бургут кўзга ташланиб қоларди.

Гитлерчилар қувиб чиқарилгандаи кейин районни душмандан озод қилган бир дивизия штаби шу ерга жойлашган эди.

Шунчалик тарихга эга бўлган бу бино мана энди ё бузилади, ё сув тагида қолиб кетади. Сув тобора кўнашиб бормоқда эди. Лекин сув энди биринчи кунлардаги сингарни шиддат билан бўлмаса ҳамки, ҳарқалай, астасекин кўпайиб бормоқда эди. Бу сув ўлчагич ёғочлардан, мактаб олдидаги дамбанинг сувга ботиб бораётганидан кўриниб туради. Бузилган кварталларнинг вайроналари бирин-кетин сув остида қолмоқда эди. Бу ҳам Пьерни нотинчлантиради. Уша хазина Сухоярканинг сув остида қоладиган бирор жойида ётган бўлса-я! Ҳозир сув остида қолган Собачеевка районида эмас экан, бўлганида аллақачон топиларди. Уйларни бузишда, котлован қазишда юзага чиқарди. Лекин Пьер булар тўғрисида ўйламасликка ҳаракат қилди.

...Славка Махан ўзининг одатдаги қинғир ишларини бажаргани «Прогресс» кинотеатри олдинга боргандা, қурилишларда монтажчилар киядиган комбинезон кийган бир киши тўхтатди унни. Бу — ияти ёмон кишиларнинг учрашувини эслатарди. Махан унга ўқрайиб қаради. У одам эса Маханин секингина туртди, атрофга аланглаб, деди:

— Салом, Махан! Учрашмаганимизга ҳам анча ойил бўлиб қолгандир-а?

Махан индамай, эҳтиёткорлик билан унга тикилиб тураверди. У эса Маханга яқин келди-да, ёnlамасига туриб, қулоғини тутди унга, қулоғи у ёқдан-бу ёққа қимирлар, юқоридан пастга кўтарилади, титрарди.

— Шалпанг қулоқмисан? — деди Маханинг руҳи тушиб.

— Жим! Тилингни тий. Эсингда бўлса — унут. Тушунаётгандирсан.

— Муддатни ўтамадингми? — пи chir lab сўради Махан, уни яхши таниб. Махан у билан бирга қўлга тушиб, гумдон бўлиб кетишига сал қолган эди.— Қуён бўлдингми?

— Умумий афв,— деб секин жавоб қилди у, Маханин бир четга тортиб.— Ҳаммаси жойида, қўрқма. Умуман сен эски гапларни унут. Яиги гап бор.

— Бунақа гапларингни қўй энди,— деди Махан.

— Бу нима деганинг? Мен қўядиганилардан масман.

— Мен аллақачонлар қўйғанман,— деди Махан сохта товушда.

— Кимга гапирияпсан бунақа гапнингни?— деди ҳалиги киши Маханинг қулоғига.— Сени қаторга қўшган менман, сени сотмай қутқариб қолғанман, жавобинингни ҳам фақат ўзим бераман. Борди-ю, бирорга сотгудек бўлсанг, билиб қўй, қутулолмайсан, қарзинг катта. Ҳаммаси қўшилса гарданингга саккиз йил юкланди. Агар жонингдан умидинг бўлса бундай қила кўрма. Акс ҳолда, билиб қўй, масалангни мен эмас, суд ҳал қиласди.

Махан чурқ этмай туарди. Худди қочишга жой қидираётгандек, қўзи атрофга алангларди.

— Аланглама, қочолмайсан. Ўзингни қиз болага ўхшатма. Мен сенга иш таклиф қиляпман. Бир яхши иш бор. Жонинг сал койиса бас. Озгина. Тушунарлимни?

Улар четга чиқиб, сув омбори соҳилига яқингинада қўйилган скамейкалардан бирига ўтиришди. Комбинезон кийган киши Маханга бу ерлик лапашангларнинг бурни тагида қанчадан-қанча бойлик хор бўлиб ётган бўлса ҳам, ҳеч нарсани кўрмайтганларни тўғрисида гапира бошлади. У олис ёқлардан яқинда келибди, одамлар гўллнгидан фойдаланиб уни нобуд қилмоқчи бўлишибди. Ҳеч гуноҳи йўқ эмиш, бу Маханга ҳам маълум эмиш. Бирорларга хизмат қилиб балога қолғаниш. Шунда ҳам ўзи истамаган ҳолда хизмат қилишга мажбур бўлган экан. Бошқалар қутулиб кетибди-ю, у жавобгар бўлиб қолибди. Бечорани кўп қийнаганишлар. Худога шукурки, умумий афв бўлиб, уни озод қилишибди. Ўша ёқда бир сухояркалик одам ҳам бор экан. У немислар билан оғиз-бурун ўпишган полициячи экан. У ёруғ дунёни бу яқинларда кўролмасмиш. Ўша одам баракдошининг озодликка чиқишидан хабар топиб, бу ерда катта бир хазина ер остида қолиб кетаётганини айтибди. Ҳатто унга хазина қаердалигини кўрсатадиган планни ҳам чизиб берибди. Пўстлоқча чизилган бу план унинг ёнидаймиш. Хазинани топиш осон эмиш. У ертўладаймиш, қопқоғи ҳам бор эмиш. Усти жуда усталик

билан беркитилганмиш. Жуда осон иш эмиш. Лекин ўзи борса эски танишлари учраб қолиши мумкинимиш, шунинг учун Маханнинг ёрдами керак эмиш. У адресни айтди. «Илгари штаб бўлган жой», деди у Маханга, қўзларини қисиб қараб.

— Эҳ-ҳа! — деб қувонди Махан.— Демак, мактабнинг ертўласида ётган экан-да. Жудаям вақтида етиб келибсан-да, ошина. Бир ҳафтадан кейин бу жой сув остида қолиб кетади. Мактабни бузишга қарор қилишган.

— Мен ҳам шу ҳақда гапиряпман-да. Ортиқча гап ортиқча ҳозир. Тушунарлим?—

— Тушунарли.

— Сал-пал тушунаркансан, бу ҳам яхши, бутунлай тушунмайдиган бўлиб қолдингми деб чўчиётгандим.

Махан ўйланниб қолди. Нима қилиш керак? Мактабга уни ҳеч ҳам қўйиншмайди. Ҳатто яқин йўлатишмайди ҳам. Демак, яна бирорни ишга солиш керак.

— У ерда менинг икки ошнам бор. Улар бу ишдан хабардор,— деди Махан секингина.

— Қанақа одам улар ўзи?— хавотирланди бегона йигит.

— Чет элдан бирор келган, у бир болани олиб келган. Ўша болага чет элда бу ҳақда гапиршган экан.— Махан муфассалроқ гапиришни лозим топмади. Пьер тўғрисида, Рёмкадан эшитганларининг ҳаммасини гапириб ўтиради.

— Нима деб валдираяпсан?— шубҳаланди Шалпангқулоқ.

— Рост гапиряпман. Ўша болага Парижда шекилли, алланималар дейишган экан. У ўшалар билан алоқа боғлашга қўрқоқлик қиляпти-да. Лекин мен, қараб тур, қойил қиласман.

— Ўнинг бирорга оғзидан гуллаб қўймасмикин?

— Гулламайди. Қутини бера қол менга.

Нотаниш йигит қутисини бермади. У гоҳ қутисига, гоҳ Маханнинг ўйнаб турган қўзларига тикиларди.

— Йўқ,— деди у ниҳоят.— Ўзинг кўчириб ола қол. Қўлинг бор.

Махан планни папирос қутисига кўчириб олгунча Шалпангқулоқ унга қараб турди.

— Қулоқ сол, Махан,— деди у,— мен озодликка чиқканман-у, лекин ҳеч ким бу ерга нима мақсадда келга-

нимни билмаслиги керак. Мунутми. Тизинидан бирнеше гуллаб қўйма тагин. Тушундини ми?

— Тушунгандада қандоқ.— Махани чиркали.— Кимни қиламиш!

Яшириб қўйилган хазина тоинийнидай ишни курух учрашишларини келинини олишиб.

— Ишкан қилиб юрма тагин!— деб ишни курух Шалпангқулоқ Махани билан хайрланин турди.

Хайрлашишди.

Комбинезон кийган одам станини томонида курух Вокзал қўчасининг муюлинишга етганяи уни курух қириб қолди.

Қоронғи тушиб қолганда, Шалпаникүзот курух кишини дарров таниёлмади.

— Айбга буюрмайсиз, гражданин!— деди уни курух лашган киши.— Сизни қаердадир кўргандаймади— уни киши Богдан Анисимович Тулубей эди, ишдан уни курух таётганди.— Жуда ҳам таниш кўриняйсиз.

— Эҳтимол,— деди оғриниб ҳалиги одам.— Шуринчи си ҳам бўлади, ўртоқ бошлиқ. Одам одамга ўхшайди, кўз алдаб ҳам қўйиши мумкин.

— Тўхта, шошма! Шимолда биргаликда тўроғи гандик шекилли, а?

— Тўғри, ўртоқ бошлиқ.— Осонгина қутушиб кетишинг иложини тополмаган камбинезонли киши довонираб кўлларини ёзди.

— Мен сенга ўртоқ эмасдим шекилли,— деди Богдан Анисимович.

— Кечирсинлар, гражданин бошлиқ... Мазга энди кукаламиш ҳам бараварлашдик. Эшитишимча, ҳаларни силяниптилар шекилли? Ҳа, мен эса умумий афз тутбайни кутулдим. Хуллас, эркинлик, тенглик, қардошлиқ, қайсимиз айбордor эдиг-у, қайсимиз айбениз, мана энди баравармиз. Иккаламиш ҳам бир жуфт этикнинг иккни йойи. Лекин иккаламиш икки хил. Сиз олдинга ҳареъ юрийдиган, мен орқага. Лекин жуда ҳам олдинлаб хотибдилар-да. Шунаقا бўлибди. Майли. Шунинг учун ҳам мен бошка-ю, сиз бошка. Биз тенг эмас. Ҳайр бўлмасад

— Биз ҳеч қачон тенг бўлмаганмиз,— деди Богдан Анисимович.— Сен кўп шошилаверма. Гап бор.

— Шошиладиган жойим йўқ. Муддатим тутаган.

— Бу ерларга келиб қолибсан? Ишлаш умидига борми ё эски ташвиш билан юрибсанми?

— Эски ишлар энди эскирди гражданин бошлиқ, гапимга ишонаверсингилар.

— Шунақами,— деди Богдан Анисимович, комбинезон кийған одамга нафратомуз нигоҳ ташлаб.— Хүш, бу ерларда нима қилиб санғиб юрибсан бўлмаса? Санғиб юрибсанми ё қурилишда ишлайсанми?

— Шундог юрибман. Бир шахсий иш билан келувдим. Бутунлай шахсий иш, гражданин бошлиқ. Бир чектирмайсизми?.. Ташаккур.

Богдан Анисимович нималарнидир ўйлаб, папирос қутисини очиб, унга тутқизди. Шалпангқулоқ ундан икки дона папирос олди. Бирини оғзига тиқди, иккинчиини қулоғига қистирди.

Бир зум ўйланиб, қутидан тағин битта папирос олди, уни комбинезонининг кўкрагидаги чўнтағига солди.

Богдан Анисимович эса нималарнидир эслаетган эди. Тузукроқ эслаш учун бўлса керак, таклиф қилди:

— Кел, учрашишга учрашдик, бирор жойга бориб, бир кружкадан пиво ичмаймизми? Гаплашамиз. Балки, мен сенга муносиб бирор иш топиб берарман.

— Йўқ, вақт йўқ. Ймкон йўқроқ,— дея шубҳа туғдирадиган даражада тисарила бошлади у одам.— Тенг эмасмиз. Сиз партиявий одам. Мен «гуноҳкор бандаман. У ёққа бирга кирғандиг-у, чиққандан кейин йўлимиз бошқа-бошқа бўлиб кетди. Келинг, тия кўрдингми — йўқ қилиб қўя қолайлик: мен сизни кўрмадим, сиз мени кўрмадингиз. Шу тўғрироқ.

— Қирғоқда ким билан тургандинг?

— Бир бола...— кўриб, қувониб кетди. Шу, фамилиясини билмайман. Бир пайтлар учрашганмиз. Қаерда кўрганим ҳам эсимда йўқ. Дўстим эмас, танишим эди. У мишиқи билан дўстлашармидим мен... Хўп, мен кетдим, поезд кетиб қолади, кечикиб ўтирамай.

— Тўхта, қочма! — пицирлагандек деди Богдан Анисимович. Паст овозда буюрилган бўлса ҳамки, Шалпангқулоқни тўхташга мажбур этди бу овоз.— Тўхта, ит! Мен бу ерга оқланиб келгандан кейин кўп нарсаларни тушуниб олдим. Доғим ювилгандан кейин тушундим ҳамасини.

— Нималар тўғрисида гапиряпсиз ўзи, гражданин бошлиқ.

— Ҳозир тушунтириб қўяман. Скридло Василий деган полициячи ёдингдадир?

— Ўлганларни безовта қилишининг нима кераги бор?

— У-ку ўлган, сен аблаҳ тирик юрибсан-ку. Сен ўша билан ҳамкорликда мени чаққансаи. Партизанлик чоғларидаги ишларим ёқмаган сизларга, сизларга кун бермаганиман. Оккуниация пайтида.. У пайтларда билмагандим. Мана энди маълум бўлди.

— Шахсан мени, гражданин бошиниқ, жинойи ниш — хўжалик ишлари бўйича ётиб чиқдим. Бошқа нарсадан бехабарман. Бекорга мендан гумон қилянисиз.

— Бекорларни айтибсан, қутулиб бўйсан мендан! Энди бошқа модда билан ётишинг керак...

Кутимагандада қоронғиликка алланимада йилт этиб, шиддат билан Богдан Анисимовичининг қоқ пешанасига зарба тушди.

У юзи қонга беланиб йиқилди.

— Кастет билан зарба берилган афтидан! — деди доктор Арзумян, уни касалхонага шошилинича қақиришган, бу ерга ундан ўн минут кейин Богдан Анисимович Тулубейни олиб келишган эди.

## IX БОБ

### ЎША БУЛУТЛИ ТУНДА

Кейинги кун катта танаффус пайтида Пьер синфда турганида дамба яқинида Маханининг қайніда сузиб юрганини кўриб қолди. У орол атрофини бир неча марта айланиб чиқди, жуда эҳтиёткорлик билан эшкак эшар, овоз чиқармасликка ҳаракат қиласар эди. У Пьери кўриб қолиб, деразага яқин келди. Пьерга секин мурожаат қилди:

— Хе, оғайнини, ўртоғингни қақир... Ҳалиги, Штибни қақир деяпман. Иш бор.

Дамба олдида Штиб пайдо бўлди.

— Сизлар машақват чекиб юргайларингда мени ҳам лақиллаб юрганим йўқ.— деди Махан.— Яқинроққа келчи. Шарпа чиқара кўрма. Сўзсиз қўшиқ бор, музикаси менини, ижросиг сенини бўлади. Эшит...

Дарсдан кейин Рёмка Штиб билан Пьер кутубхона яқинида даҳлизда учрашишди.

— Алдамаётганмикин? — деб сўради Пьер.

— Нега алдайди, алдашдан нима фойда? — деди Штиб. — Кўрамиз-да. Ишқилиб, ишимиз ўнгидан келди.

— Яхшиси... — деди Пьер, дудуғланиб. — Яхшиси, бирғовга айтиш керғак. Кейин...

— Xel Биревга айтгандан кейин баҳам кўриш ҳам керак. Бор, истасанг, айтақол. Лекин иккаламиз ертўлаға тушамиз-да... Мана, бу ерда ҳаммаси чизиб кўрсатилган. Маханга ишончли бир киши айтибди. Тушуняпсанми! Олдин топайлик-чи, кейин керак бўлса бориб айтармиз. Э, аҳмоқ экансан-ку! Қора кунларга атаб, бир қисмини яшириб ҳам қўймиз. Кейин, олиб бориб берсак, газетада суратимизни ҳам босиб чиқаришади. Журналда Толик тўғрисида ёзишганди, эсингдами? Уша бола ҳам Одессада фашистлар яшириб қўйған бир хазинани топган эди. Ижрокомга олиб бориб берган. Ҳамма билди. Сен билан мени нуқул ёмонлашади. Бир мақташин ҳам-да. Билиб қўйишсин. Бугун ким навбатчи?

— Сеня Грачик.

— Шуниси бўлмабди-да... Лекин сен у билан ўртоқ бўлиб қолгансан-ку. Агар у эшишиб-сезиб қолса, сен олдига бориб гапга солиб турасан, шунда мен ишни қоиллатаман...

Кечга бориб, тўсатдан ҳаво совиди. Сув омбори олисга ҳайдаган чўл ўзини эслатиб қўйгиси келди шекилли. Қум аралаш довул сув устидан ошиб, Сухояркага интилди. Жазирама чўл ёзи палласидагидек тўзон кўтарилиб одамлар тишлари орасида қум ғижирларди. Деразаларга қум билан кўмир кукуни урилар, одамлар деразаларини бекитиб, пардаларини тушириб олган эдилар.

Оsmон бети қора парда тортганга ўхшарди. Зулмат қуюқлашди, кейин бирдан гумбурлаб, чақмоқ чақнади. Кўзни қамаштирадиган яшил чақиндан кейин осмонизамин гумбурлаб кетди. Биринчи ёз момақалдириғидан кейин шунаقا ҳам сел қўйдики, худди сув омборидаги сувни Сухоярка узра чеълаклаб қуяётгандек бўлди. Шу вақтгача осоишта бўлган сув омбори устида биринчи бўрон кучли тўлқинлар ҳосил қилди, тўлқинлар ҳатто мактаб дамбасидан ҳам ошиб ўта бошлади.

Шамол мактаб деразаларини титратар, тунука томни тақирлатар эди. Ҳамма ёқда тўс-тўполон, ҳамма ерда бўрон ҳукмронлик қиларди. Оролни ҳам у суриб ке-

тадигандек кўринарди. Деразага келиб урилар, тўзслинни чўл сатҳида гирвот қилиб айлантирас, ўзини ҳар ёққа уради. Гоҳ уфққа томон қочар, гоҳ яна югурибеллиб келиб, эшикларни, деразаларни силталарли.

Дамбадаги симёғочларнинг ҳам остини сув ювиб, шамолнинг зўридан қулаб тушди. Симлар узилди. Мактабда электр чироқлар ўчди. Телефон ҳам гунг бўлиб қолди. Сеня Грачик телефон қулогини бураб, «катта ер» билан гаплашиш ташвишида кўп овора бўлди. Болалар алламаҳалда ётган бўлишларига қарамай, ухлай олмасдилар. Оролдаги бу тун жуда ваҳимали бўлди. Ҳамма ёқ даҳшат қучогида эди. Мактаб атрофини қуршаб олган сувнинг бунчалик даҳшатли кучга айланшини илгари ҳеч ким тасаввур ҳам этмаганди.

Мактаб директори Глеб Силич районга, ўқитувчилар конференциясига кетган, ҳали қайтиб келганича йўқ эди. Елизавета Порфириевна қиртоқдалигида момақалдироқ бошланди. У иш билан район ижроня комитетига борган эди. Сухоярка кўчаларида ёмғир қуяётганига, сув омбори ортида уфқ ҳам гумбурлаётганига қарамай, ўқитувчи кекса қайиқчини топиб, оролга ўтказиб қўйишни ундан илтинос қилди. У бутунлай ивиб кетганди, ҳассасига таяниб, бесўнақай ортопедик ботинка кийган оёғи оқсанганча етиб борди манзилга. Кема учун энг ваҳимали фурсатларда капитан кема трапида пайдо бўлганидек, у ҳам мактаб зинапоясига қадам қўйган эди. Гарчи афт-ангори капитанларга ўхшамаса ҳамки, унга кўзлари тушиши билан болаларнинг ҳаммалари хурсанд бўлиб кегишиди.

Хўл бўлган оппоқ соchlари юзларига ёпишганди унинг. Жиққа ҳўл кўйлаги тиззаларига чиппа ёпишиб қолганди. Лекин соchlари орасидан ҳамон ёмғир шарилаб оқиб тушиб турган юзи қувноқ кўринар, кўпни кўрган кекса ўқитувчининг кўзлари бошқаларни ўз қувноқлиги билан руҳлантириб юборди.

У ортида ҳўл из қолдириб, ўқитувчилар хонасига кирди. Вожатий Ирина Николаевна қайноқ чой олиб, келди.

Ҳамма ётгандан кейин навбатчи Сеня Грачик ўғул болаларнинг ётоқларини кўздан кечириб чиқди. Ҳамма ухлаётганга ўхшади. У кирганида Пъер адёлга ўралиб олгандай, унинг ёнида ётган Рёмка Штиб эса деворга юзини ўғириб олгандек туюлди.

— Нимани пичирлашяпсизлар? — сўради Сеня секин-гина, уларнинг ёнига келиб. — Ухланглар. Алләқачон ухлаш керак эди. Эрталаб уйғотиб бўлмайди. сизларни. Бугун физзарядкага шундоғ ҳам чиқмадинглар.

Икки ўртоқнинг овози ҳам чиқмади.

Сеня секин қадам ташлаб йўлакларни қараб чиқди. Ёмғир деразаларни тиқиллатар, шамолнинг зўри билан тунука том тарақ-туруқ қилиб тураган эди. Момақалдироқ нарига ўтиб кетган, лекин яшин чақнаб тураган, олислардан момақалдироқнинг гумбури қулоққа чалинарди. Унинг овозига деразаларнинг ойналари титраб юборарди.

Бир пайт Сеняга эшик ёпилгандай бўлди. У зина-поядан пастга тушди, қўлида фонари бор эди. Олисларни эшитилаётган момақалдироқ гумбури, томнинг тақуртуқури, ёмғирнинг шариллаши унинг қадам товушини эшилтирмас эди. У бир зумда пастга тушди, кўчага қаради. Ҳеч ким кўринмади. Орқасига чаққон қайтиб, зинапоя тагида ётган эски газетани бошига тутиб, яна кўчага қаради. Ёмғир газетага бир текисда томчиларди, қўлидаги фонари олисларни турган бирорвонинг нозик гавдасини ёритди. У мактаб деразаларидан бири қараган дамба ёнига бориб, қўлини сувга тиқаётгандек кўринди. Сеня унга яқин борди, фонарнинг тугмасини босиб, нозик гавдага қаради. Плашининг капюшони юзини тўсиб турганидан, Сеня унинг кимлигини билолмади. Сеня оҳистагина овоз бериб, фонарь ёфдусини унинг юзига ўналтириди... Ӯша заҳотиёқ фонарни ўчирди, у ҳайрон қолган эди. Унинг қаршисида Ксанана тураган. Унинг қўлида қиши кунларида мактаб печкаларига кўумир соладиган оташкурак бор эди.

— Ксанана! Нима қилиб турибсан бу ерда?

Ксананинг қўлидан оташкурак тушиб кетди, у икки қўли билан кўзларини бекитди. Сеня унинг юзини яна бир ёритди, тушунолмади: унинг кўзларидан юзига оқ-қан ёмғирмиккин ё кўз ёшими?

— Фонарнингни ўчирсанг-чи! — деди Ксанана ўгирилиб. — Нега бунча ёритиб қолдинг. Мени ёлғиз қолдир...

Сеня итоаткорлик билан фонарини ўчирди. Иккаласи ҳам зимзиё қоронфилик қаърида тураган. Ёмғир шариллаб ёгарди. Тобора олислаб бораётган чақин аҳён-аҳёндагина капюшонли нозик гавдани ёритиб ўтарди. Сенянинг бошидаги газета жиққа ҳўл бўлди.

— Нима қилиб ўтирибсан? — деб сўради Сеня пи-  
чиirlаб.

— Мен қизлар ётогида навбатчиман.

— Нимани қидираётган эдинг?

— Сеня! — Қсанана иккала қўлини ҳам бағрига бос-  
ди. — Сўз бера оласаними?.. Энг чин, ленича, пионерлик  
сўзи бера оласаними?

— Чин сўзим, пионерлик сўзим,— деди итоаткорона,  
тез-тез гапириб Сеня.

— Сен фақат яхшилаб тушуниб ол, Сеня. Жаҳлинг  
чиқмасин. Биламан... бу яхши эмас.

— Нима тўғрисида гапирияпсан ўзи?

— Биламан... Жудаям даҳшат. Мен билмагандим-  
да... Мен фақат ҳозирча яшириб қўймоқчи бўлувдим.

Қсананинг нима тўғрисида гапираётганини Сеня ту-  
шуша олмади. Коронғилик Қсананинг имо-ишораларини  
янада сирлироқ қилаётган эди.

— Сен, Сеня, хафа бўлма... Мен... Адолатдан эмас  
эди-да. Ушанда гапимга кирмас эдингизлар... Мен Ар-  
тём Ивановичнинг ўзига қайтариб беришар, қайтадан  
мусобақа ўтказишар деб ўйлагандим. Коронғида, чироқ  
ёнгунча шошилдим... Шошилганимдан деразадан дамба-  
га тушириб юбордим. Чуқур эмас эди у ер. Ҳозир сув  
кўпайиб қолибди, ҳеч тополмаяпман. Сув борган сари  
кўпаяяпти. Нима қилишга ҳайронман. Кеча кечқу-  
рун роса уриндим, тополмадим... Жаҳлинг чиқяптими,  
Сеня? А?

Қсананинг йўқотилган кубок тўғрисида гапираётга-  
нини Сеня шундагина тушунди. Ҳайрон бўлиб бир неча  
марта такрор-такрор сўради:

— Наҳотки шундай қилган бўлсанг-а, Қсанан?.. Бу  
нима қилганинг? Сен ахир...

Қсанана сал бурилиб йиғлай бошлиди. Ёмғир капюшо-  
нига шитирлаб урилар, кўз ёшлари ёмғир билан ара-  
лашаётган эди. Титраб-титраб йиғларди у.

— Нима қилиб қўйганимни ўзим ҳам билмайман.  
Мен... мен отамга аталган кубокни уларга бергим кел-  
мади... Мени сенинг ўзинг алладинг-ку. Анави ярамас  
Пъерларинг ҳам мени аллади. Мен ундан нафратлана-  
диган бўлиб қолдим...

Бу сўзларни эшигтан Сеня ўзини ҳаммадан қучли,  
ҳаммадан катта, ҳар қандай жасоратга қодир ҳис этди.  
Жўрттага сал қўполлик билан деди:

— Бас қил йигингни! Яхшиси, ташлаган жойинги менга кўрсат. Шу ергами? Бу ер жудаям чуқур-ку.— Сеняниг ёдига тушди: худди шу ердан уни Пъер тортиб олиб чиқсан эди.— Бошимдан келади. Сен гимнастёркамдан ушлаб тур. Лекин яхшилаб ушлаб тур.

— Нима қиляпсан?!— Ксанা қўрқиб кетди.

— Ушлаб тур деяпман. Бирор илтимос қилса, ушлаб тура оласанми, йўқми? Ҳалиги оташкурагинг қани?

Сеня эгилиб, тошлар орасидан оташкуракни топди, эҳтиётлик билан сувга туша бошлади.

— Маҳкамроқ ушлаб тур. Ушлаб туроласанми?

— Ушлаб тураман, ушлаб тураман...— пиҷирлади Ксанা.

Сеня оташкурак билан сувнинг тагини тимирскилай бошлади. Дастьлаб ҳеч нарсага тегмади оташкурак. Лаҳзадаёқ муздек бўлиб қолди оташкурак. Бундан Сеняниг бутун аъзойи баданини титроқ босди. Салдан кейин оташкурак алланимага урилгандек бўлди. Сеня уни оташкурак билан тортди... Сув омбори устида чақнаган яшин ёғдусида сувдан чиқарилган қадаҳ, кўзга ташланди. Қадаҳ остида кумуш гладиаторнинг гавдаси ярқиради.

Бир неча минутдан кейин ана шу қимматбаҳо соврини ушлаб туаркан, Сеня унга маҳлиё бўлиб тикилар, қўллари билан ундағи лойқани авайлаб сидирарди.

— Ҳеч гапмас, Ксанана,— тинчлантиришга ҳаракат қилди у Ксанани.— Қум билан сув остидаги алланималар ёпишибди, тозаласа бўлади. Ҳеч нарса қилмайди. Зангламайдиган нарса бу.

— Ҳозироқ буни бошқа ёққа яшириб қўямиз,— деб шивирлади Ксанана, иккаласи ҳам ёмғирдан қочиб, мактабнинг дарвозаси олдига келганларида.

— Ксанана, энди яшириб ўтирмасак ҳам бўлар дейман?

Ксанана жавоб қайтармади.

— Ксанана,— деди Сеня,— қайтариб бериш керак. Хўп десанг: ҳозир ертўлага қўямиз, эрталаб мён уни навбатчи сифатида топган бўламан, буни сен яширганингни ҳеч кимга айтмайман. Нима дейсан-а?

— Сеня, яна алдар эканмиз-да... Бундай қилиш етар эйди! Тўсатдан бор гапни ҳам айттолмайман...

— Агар хоҳласанг...— деди бу ажойиб тундаги момақалдироқ, яшин, бўрон, селдан тўлқинланган, ку-

тилмаганда топилган бебаҳо топилдиқдан ва бир пайтлардаги сингари яна Қсанадан билан ёнма-ёни гаплашиб ўтирганидан мамнун бўлган Сеня.

Ёзма инининг сирги ошкор бўлиб қолгандан берин Қсанадан унга қайрилиб қарамай қўйған эди. Сеня қашчалик хуноб бўлмасини, биринчи бўлиб гап бошлишга журъат қиломас эди.

— Агар истасаиг буни мен қилдим, деб айтаман, майлими?..— деди Сеня.

— Керакмас, Сеня,— деди Қсанада.— Энди алдамаслик керак... Мен ўзим уни топиб, қайтариб бермоқчи эдим. Бу ерда охириги кунларимиз. Кейин ҳамма ёқи бузиншади. Артём Иванович келса, ўзига топширсам яхши бўларди... Сен, Сеня, менга яхши ёрдам бердинг, раҳмат сенга. Биламан, Сеня, сен ўша ишони ҳам мен учун қилгансан...

Сеня индамай турарди. Аллақандай ғалати, ҳеч қачон у кўрмаган ҳаяжон бутун аъзойи баданини қамраб олди, у сув ўтлари ёпишган, ҳўл кубокни бағрига босиб турар эди. Кубокдан сув томчилар эди. Сенядан ҳам сув бетиним томчиламоқда. У бошини ҳам қилиб, жим турар эди.

— Биламан, энди сен мени ёмон кўрасан,— деб пицирлади Қсанада.

Ҳали ўтиб кетган момақалдироқ ортидан ҳорғинлик билан қувгандек, яшин чақнади, осмон сал ёришди. Сеня ўзига Қсананинг кўзлари алам билан тикилиб турганини пайқади. Ҳозир, ҳамма ёқ қоп-қоронғи бўлган пайтда ҳам шу кўзлар унга тикилиб турганини Сеня билар эди. Бошқалар қувончини ҳам, аламини ҳам, қайғусини ҳам яширади. Қсанада эса ҳаммаси сиртида. Унинг бутун вужуди қайғу, қувонч, меҳр бўлиб кетар эди. Бу — ҳамма вақт Сеняни чўчитарди. Ҳар қандай майдачуйда хафагарчилклар ҳам Қсанани қаттиқ ранжитар, изтиробга соларди, буни Сеня билар эди.

— Нега бунақа деяисан,— деди Сеня секингина.— Биласанми, мен сени ҳамма вақт ҳам ҳурмат қиласман.

— Мен ҳам сени...

— Йўқ, илгаригидек эмас. Пъерни эса сен...

— Қўй ўшанингни, мен уни илгари ҳурмат қиласман эдим. Энди бошқачароқ.

— Энди мени қанақа ҳурмат қилмоқчисан?..

Сел қуйиб турган зулмат қўйнида мактаб зинапояси

Ёнида: «Сен мени...», «Мен сени...», «Мен уни» қабилида шивир-шивирлар узоқ маҳалгача эшитилиб турди. Худди бирор дарсда доска олдида феълий туслаётгаңга ўхшарди.

Ниҳоят иккаласи кубокни эрталабгача қаерга яшириб қўйиш тўғрисида бир фикрга келишди. Уни, ахир, зинапоя остида қолдириб бўлмасди да. Ётоқхонага ҳам олиб бориб бўлмас, ҳаммага гап-сўз бўлишарди. Кубокни эрталабгача ташландиқ ётган мактаб ертўласига яшириб қўйишга қарор қилишди. Тун қоронги, Сенянинг фонари ҳам нурсизланиб қолган эди. Сеня қоронгида бошини ғиштин ёндорга уриб олди. Ксананиш қўли ҳам алланимага тегиб қирилди. Ксанан парво қилмади, лекин Сеня пешанасидаги қонни қўли билан артиб, қонли қўлни ялаб қўйди.

Бош ғиштга тегиб қонаса, огрийди деб ким айтган? Коронгида қўрқинчли бўлади, деган ким ўзи. Кечаси албатта ухлаш керак деб ҳисоблаган кимкин-а? Бу нарсаларни ҳеч қачон бирордан: «Биз энди иккаламиз дўстлашайлик. Сен менинг энг азиз кишини бўласан. Биласанми, мен сени қанақа ҳурмат қиламан?»— деган гапларни эшитмаган кишилар ўйлаб топишган...

Улар кубокни ертўланниг энг четига олиб бориб, хира фонаръ ёғдусида бир ғишт токчага яшириб қўйдилар. Кейин Сеня Ксананиш қўлидан ушлаб, сирпанинг зинапоядан олиб чиқди, иккинчи қаватдаги қизлар ётоқхонасигача кузатиб қўйди. Эҳ, унинг кайфияти қанчалик яхшилигини бир билсангиз эди! Шундагина у бошқа кийим кийиши кераклигини эслади. Уст-боши бўтунлай шалаббо бўлган эди. Гимнастёркаси остидаги кўйлаги баданига ёпишган, бошидан юзига сув оқиб туради.

Сеня Ксанан билан хайрлашиб, пастга тушганида ётоқхонасининг эшиги секингина очилиб-ёпилганини пайқади.

Йўлакда пицирлашган товуш қулогига чалиди. Сеня фонарини ёқмоқчи ҳам бўлган эдик, эшитилаётган товуш уни тўхтатди:

— Белкурак олдингми?— деб сўради бирор шеригидан, қоронгиликда.— Гугуртни унумадингми ишқилиб?

Сеня бу товуш Рёмка Штибининг овози эканини билди.

— Рёмка, ҳозирғча тўхтатиб турғасакмикан, дейман-а?

— Тўхтатиши мен сенга кўрсатиб қўяман!

— Иргина Николаевнага айтсак яхши бўларгди да.

— Кўрқаётган бўлсанг, керагинг йўқ. Каравотиннга бориб ёта қол. Ажнабий тентак, бунча қўрқасан! Бунақа воқеа ҳамма вақт ҳам бўлавермайди. Газетада мақтишади-я сени, тентак, тушунсанг-чи. Гугуртшиг қани? Фонарингни менга бер. Кўрдингми, мени ҳамма керак нарсанни олганман.

Сеня диққат билан тинглаб турди. Лекин уларнинг нима тўғрисида гапиришаётганларини тасавиур қила олмасди. У Пьер билан Рёмкага эргашиб, сездиrmай уларнинг орқасидан юрди.

## Х БОБ КУБОКЛИ КИШИ

Бундан икки соат олдин Незабудний Богдан Анисимовичнинг олдига борган эди. У пешаңаси бинт билан боғланган ётарди. Яра хатарли бўлмаса ҳамки, қаттиқ зарба берилган эди. Незабуднийни, айниқса Галина Петровнанинг афт-ангори ҳайрон қолдириди. Галина Петровнанинг юзида ажинлар кўпайиб кетган, бирданига қаттиқ қариб қолгандек кўринди.

«Жуда яхши кўраркан-да», деб ўйлади Незабудний ҳасад билан. У Тулубейларнинг ўзлари билан ўзлари овора эканини фаҳмлаб, Богдан Анисимовичга тезроқ тузалишини тилади, районда уни урган кишининг изига тушганларини эшиганини айтди, Галина Петровна билан хайрлашиб, уйнга жўнади.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган, меҳмон кутиладиган пайт эмас эди. Шунинг учун ҳам ётоқхонанинг навбатчиси унга калитни бера туриб, бирор кутиб турганини айтганила Артём Иванович таажжубланди. Ростдан ҳам даҳлиизда фикус қўйилган стул ёнида қўлида чоғроқ чамадони бор, бошига шляпа кийган бирор Артём Ивановичга пешвоз чиқди.

— Уртоқ Незабудний сизми? — сўради ў, жавоб ҳам кутмай деди: — Паспорт кўриб ўтирмасдан ҳам ишонса бўлади. Салом. Рухсат этасизми? Мен ҳузурингизга келган эдим. Бемаҳал келганим учун кечирини... Ҳужжатими ни кўрмоқчи бўлсангиз, марҳамат. — У пиджагининг ички чўнтағига қўйл тиқиб, қизил дафтарча чиқарди. — Мен хавфсизлик органиданман.

У озғии, офтобда қорайған, соқоли яхшилаб қирди-

рилган, ёши анчаларга бориб қолган киши бўлиб, кўзла-  
ри гардиши кенг кўзойнакдан диққат билан тикилиб  
турарди.

Артём Иванович уни хонасига бошлаб кирди ва стол  
ёнидати креслога ўтиришин таклиф қилди. Юрагида ал-  
лақандай ваҳима туғилди.

— Артём Иванович, ишончингиз учун ташаккур ай-  
тишга ижозат этинг,— деди бегона киши.— Вақтида огоҳ-  
лантириб қўйганингиз учун раҳмат.

Незабудний ҳеч нарсани тушунолмай, уни ҳайрои  
бўлиб тикилди.

Ўшанди адресни бериб, яхши иш қилдингиз деяп-  
ман. Иш берди. Гап кўп.— Меҳмон кўзойнагини тузатиб,  
Артёмга кўзларини қадади.— Аниви жанобдан... хаҳ,  
нимайди-я, нима деб аташни ҳам билмайман. Панми,  
месъеми ёки геррми... Хуллас, сизга маълум бўлган ўша  
Зубяго-Зубецкийдан салом. Мана бу нарса танишdir  
сизга?— кулиб сўради у, чамадончасини эпчилик билан  
очиб, ичидан гладиатор билан оливин қадаҳ акс этти-  
рилган кубокни икки қўллаб олди, уни стол устига қўй-  
ди. Артём Иванович ҳанг манг бўлиб қолган эди.

— Топдингизми?— сўради у, мактабда йўқолган ку-  
бокни топишибди-да, деб ўйлаб.

Лекин қилич билан қалқон кубокнинг бошқа томони-  
далигини, қадаҳни кўтариб турган қўл ҳам бошқа ёққа  
қараганини пайқаб, бу кубок мактабда йўқотилган кубок  
эмаслигини билди. Билди-ю ичига ғулғула тушди: гарчи  
бенхтиёр равишда бўлса ҳамки, шармандали тарзда қў-  
лидан кетган кубок эди бу. У изтиробда қолди. Нафаси  
қисилди. Кўкрагининг чап томонида оғриқ пайдо бўлди,  
оғриқ қўлига ўтди. Қўли увишди, кейин зирқираб оғри-  
ди. У келган кишига қаради. Сал кам ўн икки йил му-  
қаддам унинг қўлидан кетган бу кубокни қандай топдий-  
кин бу одам? Шармандалик қадаҳи. Шарманда бўлар-  
кан-да яна.

— Жуфтини қабул қилиб олинг,— таклиф қилди  
меҳмон, олиб келган кубогини кўрсатиб.— Эшишишмча,  
унисини ҳам мактабда йўқотиб қўйибсиз. Топишади, хо-  
тиржам бўлинг. Болаларнинг иши бўлса керак. Топил-  
гунча бундан фойдалансангиз ҳам бўлар. Нима дейсиз?

Незабудний жим тураг, зўрга нафас олар, кўкраги-  
нииг чап томонини силарди.

— Сиз, Артём Иванович, бекорга хафа бўляпсиз.

Нега бунча хуноб бўласиз? Бекордан бекорга. Биз ҳеч қачон сиздан шубҳаланган эмасмиш. Ҳастингиз бизга ҳам маълум, ҳаммасидан хабаримиз бор. Машҳур киши-сиз, сизнинг тўғрингизда кўп нарсалар ёзишган.

— Кўп ёлғон гаплар ёзишган,— деди Незабудний.

— Ҳа, анча нарсани кўпайтириб ёзишган. Буларни ҳам биламиш. Мен ҳам сизнинг тарафдорингизман, курашга ишқибозман. Мен Поддубнийни ҳам кураш майдонида кўрганман, лекин жуда қариган пайти эди... Мен сизнинг усулингизни ўрганиб олган эдим. Незабудний усули деб аташарди... Лекин, ҳозир бу ҳақда гапирадиган пайт эмас. Бемаҳалда келиб, тинчингизни бузганим учун кечиринг, кечиктириб бўлмайдиган иш. Гапни бошқа ёққа буриб юбордик.

— Ўртоқ,— деди Артём Иванович бўғиқ овозда,— менга ишонинг, виждонимга ишонаверинг!.. Ўшандада шундай бўлиб қолди... бари бир ишонмайсиз, лекин бу тўғри гап.

— Артём Иванович, ҳаммаси маълум бизга дедимку. Ҳаммасини аллақачон аниқлаганимиз. Истасангиз, ўзим гапириб бераман. Лескин тезроқ гаплашиб олайлик, вақт ўтиб боряпти. Агар бирор нарсада янгишсам, тузатарсиз.

Меҳмон ҳикоясини бошлади, у баъзи-баъзида Артёмининг хафа қиёфасига айёrona жилмайиб, нигоҳ ташлаб қўярди. Хуллас, у ўн икки йил муқаддам «Гладиатор қабри» кубоги Артём Ивановичнинг қўлидан қай тарзда олинганини муфассал ҳикоя қилиб берди.

Уша кунларда Артём Иванович Незабудний Шимолий Италия районларидан бирида, Болоньядан бир неча ўн километр наридаги узумкорлар ва газ саноати ишчилари шаҳри бўлган Альфонсинэда эди. Гитлерчилар Италиян қаршилигининг энг оғир ўчоқларидан бўлган бу районни ишғол қилганидан кейин Болонья циркида француузча кураш бўйича чемпионат уюштирилар.

Цирк майдонида Германия курашчиларидан бири, Зеп Гегенхаммер шуҳрат қозонган эди. У шаҳардан шаҳарга ўтиб, рақибларини бирин-кетин йиқита борарди. Спортдан бошқа ишлар билан ҳам шуғуллашиши тўғрисида миш-мишлар бор эди. Унинг гестапо билан алоқаси борлиги, спортдан бўш пайтларида маҳбусларни сўроқ

қилиши, сўроқ маҳалларида кучини ишга солиши тўғрисида кўп гапирадилар.

Манежга чиқишидан олдин арбитр уни мақтар, ҳеч қачон кураги ерга тегмаганини, ҳамма полвонларни, шу жумладан рус полвони Артём Незабуднийни ҳам курашда бир силтаб йиқитгани тўғрисида гапириб, уни роса мақтар эди. Чемпионатнинг охириги кунларида мақтанчоқ фашист одамларга мурожаат қилиб, истаган одам курашга чиқсин, ғолибга катта пул мукофоти берилади, деб эълон қилиб қолди. Незабудний бу пайтларда кўпдан бери манеж билан иши бўлмай қўйган, Альфонсинэ чеккаларида гимнастика билан курашдан дарс берар, камтарона ҳаёт кечирав эди. Бу муттаҳам фашист чемпионнинг Артём Незабуднийни ҳам йиқитганиман, деб мақтаниб юрганини у эшитиб қолди. Жаҳли чиқди. Ўзи учун эмас, рус полвонларининг обрўсини тўкаётганидан жаҳли чиқди. У Болонъяга бориб, фашистнинг адабини бериб қўймоқчи бўлди.

— Бекор ўйлабсиз, синьор Незабудний,— деди унга ўшандада кекса массажчи Пепино Рутти.— Нима Болонъяни кўрмаганмисиз?

— Сендан сўрамаяпман.

— Йўқ, рости, бекор боряпсиз, мен сизга буни маслаҳат бермасдим.

— Маслаҳатинг учун пул тўламайдилар сенга. Ишингин қилсанг-чи.

— Мен ўз фикримни айтяпман, синьор Артём.

— Бунақа фикрингни онангга айт.

— Софдил кишининг фикри бу. Бекорга ачинчланяпсиз, синьор. Лекин, кечирасиз-у, мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда...

— Менинг ўрнимда бўлганингда, маслаҳати билан жонга тегаётган кишини олдингга солиб ҳайдаган бўлардинг.

— Мен сизни ушлаб олмасинлар деб қўрқяпмай.

— Мана буни ушлаб оладилар!— деди Незабудний бош бармоғини кўрсаткич ва ўрта бармоқлари орасидан чиқариб. Унинг бу мушти карнавал ниқобидек баҳайбат, катта эди.

Артём Ивановичнинг илгариги кучи қолмаган эди. албатта. Бу иш бир таваккалга ўхшарди. Юраги ҳам занифлашган, бардош беролмай қолиши мумкин эди. Полвоннинг эски мардлиги ва баъзан ўзи ҳам бас келол-

майдиган ғайрати қўзғади, уни жангга уидади. Яқинла-  
гина у Болонъяга бориб, немис полвонини кўрган, тажри-  
бали кўзи униг имкониятларини, кучини, занф томон-  
ларини илғаб олган эди.

Якшанба куни, Зеп Гегенхаммер «очиқ гилам» оқиши-  
ни эълон қилиб, истаган кишини курашишга таклиф  
қилганда тўсатдан ҳамманинг орқасида пальтосининг  
ёқасини кўтарганича, бир бурчакда ўтирган Незабудний  
ўрнидан турди, шунда гардани цирк гумбазига тегиб ту-  
ради. Бошидан шляпасини олди, шарғини очди, пальто-  
сининг ёқасини туширди. Ҳамма ўша ёққа қаради: у қора  
ниқоб кийиб олганди.

Циркни ғала-ғовур босди, ҳамма ўриндан туриб, юқо-  
рига қаради.

Лекин у амфигоатр бўйлаб ўтиб, манежга чиққанида  
томушабинлар бунақа чемпионатларда одат туснiga ки-  
риб қолган найранглардан бири деб ўйлашди. Турнир  
хўжайиниг томошани чўзиш учун ўйлаб топган буни де-  
йишиди.

Томоша бўлса, томоша-да!. Ҳамма мийигида кулиб  
қараб турди. Австриялик арбитр манежнинг ўртасига,  
Незабуднийнинг қаршисига борди, ўз номини айтишни,  
хеч бўлмагандан жюрига билдиришни талаб қилди.  
Жюри сир сақлайди, лекин Гегенхаммер бари бир унинг  
иккала курагини ҳам ерга ишқаганда, у албатта ниқоб-  
ни ҳам олади, шунда томошабинларга бари бир маълум  
қилишга тўғри келади, деди.

— Усталигини қаранг, алдаши қойил қилади бу-  
лар! — дейишарди томошабинлар.

— Кўрганмиз бунақаларни, иккаласи ҳам найранг-  
боэлардан, — дейишиди.

Незабудний жюри аъзоларига ва орбитрга ўз номини-  
ни айтишдан бош тортиди. Акс ҳолда, курашмайман, деди.  
Цирк томошабинларини яхши билган полвон кескин  
бурилиб, манеждан чиқиб кета бошлади.

Шунда томошабинлар бу ерда пайранг йўқлигини  
фаҳмлаб қичқиришиб, ер телинишиб, поматълум полвони-  
га юзидаги ниқоби билан кураш тушишга рухсат этили-  
шини талаб қила бошладилар.

Шу пайтгача манеж бўйлаб мускулларини ўйнатиб  
савлат тўкиб айланиб турган Гегенхаммер сирли рақиди-  
нинг баҳайбат гавдасига қараб, эти жимирилаб кетди.  
Лекин илож ўйқ эди: курашини корак.

Незабудний манежни отхонага олиб борадиган йўлакдан ажратиб турган парда орқасиға ўтиб, ечинди ва яша манежга чиқди. Бутун цирк — жюри столида ўтирганларгача ҳамма полвоннинг Геркулеснамо қад-қоматига қараб ҳангуманг бўлиб қолиши. Баҳайбат гавдадаги ҳар бир аъзо бир-бирига мутаносиб бўлиб, эр киши гўзаллигининг классик намунасини гавдалантириб турарди. Ҳаммаси бениҳоя кучдан далолат берар эди. Паҳлавоннинг кексайиб қолгани бир оз сўлий бошлаган гавдан кўринниб турар, лекин пайлар ҳали ҳам бақувват эди.

Незабудний кўкрагини секингнина керди, бармоқлариини қисирлатиб, баданини ҳаракатга келтирди, пайларни таранг тортилди. Беқиёс куч пайларда намоён бўлди.

Ўтган кунигина Артём Иванович Болонъяга бориб, цирк галереясидан ўзининг бўлажак рақибиға кўз қирини ташлаб кузатганида унинг айрим ожиз томонларини кўз остига олиб қўйган эди. Масалан, тик турган ҳолатида нуқсонлар бор эди, лекин Гегенхаммернинг боши билан қисқа бўйни бақувват эди. «Кўпприк» ҳолатида турганнида уни қимирлатиб бўлмайди. Яхшиси, у тик турганда ииқитиш керак. Полвон шуларни пухта ўйлаб қўйган эди.

Мана, у ўзининг машҳур усулини ишга солиб, курашининг ўн иккинчи минутида немис чемпионини гиламга йиқитди, иккала курагини ҳам ишқаб, бир минутча босиб турди, чунки арбитр атрофда парвона бўлиб, чўккалаб қараб, ёнбошлаб, ҳуштагини чалмаётган эди. Ниҳоят у ҳуштагини чалди. Томошабинлар мамнун эди, чемпионатни уюштирганлар қанчалик хафа бўлганини тасаввур этиш қийин эмас.

— Ҳа, бунга ишониш ҳам қийин,— деди бемаҳал келгани мемҳон.— Биламиз, арбитр номингизни айтишга мажбур этганида: «Ёз, анави бақалоқ ҳеч қачон йиқитолмаган Артём Незабуднийнинг амакисининг амакиси»,— дегансиз.

— Рост!

Ҳа, рост. Артём ўшандага совриндан воз кечиб, пулни жюрининг столига ташлаб, манеждан чиқиб кетган эди. Эшик олдида эсесчилар уни тутмоқчи бўлдилар. Лекин галереялардан югуриб чиқсан томошабинлар бунга имкон беришмади. Қора ниқобли полвонни ҳамма ўраб олди. Одамлар уни кўтариб, гитлерчиларни яқинлатмади-

лар, Артём қоронғиликда гойиб бўлди. Томошабинлар цирк олдида хурсанд бўлиб, узоқ гаплашиб қолишиди. Кураш ишқибозларидаи бири Незабуднийни ўз машинасида Альфонсинэга олиб бориб қўйди.

— Шунда сиз бир хатога йўл қўйгансиз,— деди меҳмон.— Шаҳардан тез кетиш керак эди. Сиз, билмайдилар, деб ўйлаб, юравергансиз.

— Э, ўшанда тобим қочиб қолди, жаҳл аралаш олишган эдим,— деди Артём.— Илгариги кучим қолмагани эди. Ахир, у мендан роса йигирма ёш ёшроқ эди-да.

Ҳа, Артём ўшанда бир хатога йўл қўйганди. Кейинги куни эрталаб Альфонсинэга болонъялик эсесчилардан бирори бадбашара бир менажёрини ўзи билан бирга олиб келди. У Артёмини бошқа полвоилар билан бирга Европа бўйлаб юрган, кеча томошабинлар орасида ўтириб қўллаган усулидан Незабуднийни таниб олган эди. У эсесчиларга Артёмини танитган эди. Кечаги шовқин-суронли мусобақа гитлерчиларнинг обрўсенин тўккан, шунинг учун ундан ўч олишга қарор қўлингган эди. Эсесчилар Незабуднийга ультиматум топширишди: ўз полвоилари билан яна курашишга, йигирма минутдан кейин йиқилишга тақлиф этниши. Очколар бўйича эмас, бутунлай йиқилиши керак. Иккала кураги ҳам ерга тегиши лозим. Агар шундай қилмаса Незабудний жаноблари ўлим лагерига юборилади. Курашининг йигирманчи минутида йиқилгандан кейин у ўринидан туриб, никобини очиши, номини томошабинларга айтиши керак. Қочиб қутулолмайди. У назорат остига олингган. Мабодо эртага собиқ рус чемпиони манежга бормаса, Сент-Арнаджелло лагерига жўнатилади... Бунинг нималигини Незабудний жаноблари яхши билади.

— Мана ўшанда,— деб ҳикоясини давом эттирди но-таиниш киши, оғир нафас олаётган Артём Ивановичга,— эсесчи столингиз устида турган машҳур «Гладиатор қабри» деб аталадиан мана шу совринингизни кўриб қолади. Уни эртанги мусобақа фолибига бериш учун олади. Кейин ҳар хил гап-сўз чиқмаслиги учун мағлубиятингиздан кейин кубокни Гегенхаммерга топширганингиз тўғрисидаги протоколга имзо чекасиз, дейди... Яна бир хатога йўл қўйгансиз! Ҳеч ҳам рози бўлмаслик керак эди. Улар касал ҳолингизда сизни манежга мажбур қилиб олиб боролмасди. Врач чақиртириш керак эди...

— Лекин, барни бир, мен уни ҳар қандай усул билан

ҳам йиқита олардим!— деди ҳаяжонланиб Артём,— нахотки ишонмасангиз?

— Ишонаман-у!— уни тинчлантирди меҳмон.—Ишонмасам, сиз билан гаплашиб ўтиргмаган бўлардим. Агар бирор нарсани бошқачароқ тушунган бўлсам, сиз менга тушутиринг, тартиб билан, ҳа, тартиб билан.

Тартиб билан... Тартиб билан дейиш осон! Ҳозир жуда ҳам қоронғи, қийнаб юрган сир тўғрисида ганиришга тўғри келганди.

— Ўшанда сиз унинг шартига рози бўлганмидингиз ахир?

— Нега рози бўларканман? Рози бўлармидим!— Артём Иванович стулга таяниб жойидан турмоқчи бўлди.

— Ўтиринг, ўтиринг, хуноб бўлманг, Артём Иванович. Бизга асосан ҳамма нарса маълум. Ўшанда сиз илгаритдан ёзилган справкага қўл қўйгансиз. «Шу нарсани тасдиқлайманки, иккинчи марта мен Гегенхаммер жаноблари билан фалон куни фалон жойда гилам устида учрашдим, шуни ҳам маълум қиласайки, бу учрашув ўз ташаббусим билан бўлди, цирк дирекцияси ва Германия қўмандонлиги вакиллари билан биргаликда шартлашилган эди бу, шу шартга кўра мен мусобақа ғолиби Гегенхаммер жанобларига бу хотира кубогини топширияпман, ҳалол курашда у ғолиб чиқди, шахсий кубогимни унга ўз мағлубиятимдан эсдалик сифатида бердим, «Гладиатор қабри» деб аталувчи бу кубок унга мендан хотира бўлсин, имзо чекдим», деб ёзилган эди, тўғрими?

— Тўғри!— деди пичирлаб Незабудний.

## XI БОБ

### ШОШИЛИНЧ ЧОРА

Ҳаммаси тўғри эди. Незабудний йигирманчи минутда йиқилишга сўз берди. Лекин йигирма биринчи минутда фашистни иккала курагини ҳам гиламга парчинлашни, унга бир алам қилдиришни дилига туғиб қўйди.

Кечаги курашдан кейин анча чарчаган, бир оз бетоброқ бўлса ҳам рақибининг кучини яхши билганидан ўз ғалағасига шубҳа қилмаган эди у.

Майли, шундан кейин жазолашса, жазолайверишсин. Томошабинлар олдида фашист абраҳни яна бир шарманда қилмоқчи бўлди. Ниқобини ҳам олади кейин.

Одамлар билиб қўйишишин, рус чемпиони, чемпионлар чемпиони, баҳайбат одам, Артём Незабудний ҳеч қачон сотилмайди, жонидан кечса кечар, лекин ҳар қандай шартномаларга кўнмайди. Яна бир марта голиб чиқса, ўз номини айтса, уни ушлаб ҳам кўрсинглар-чи. У томошабинларга мурожаат қилиб, ҳимояга олишларини иштимос қиласди.

Усти ёни машинада уни Альфонсиэдан Болонъяга олиб кетдилар.

Цирк томошабинлар билан лиқ тўлган эди. «Гладиатор қабри» кубогини уч рангли итальян байроғи ва нацистларнинг свастикали байроғи қўйилган жюри столига қўйдилар. Артём Иванович манежга чиқмай туриб, юраги ёмон ураётганини сезиб, кўнгли аллақандай бўлиб кетди. Юраги худди шишиб кетгандай, фақат кўкрагидагина эмас, бармоқларнинг учларида ҳам дукиллаб ураётганга ўхшарди. У манежга чиққанда пол ҳам юмшоқ, кийиздек туюлди. Полвон анча бўшашибган эди.

Курашни қисқа фурсатда тугаллаш керак эди. Незабудний узоқ олишшага мадори етмаслигини пайқади. Олдиндан ўйлаб қўйган режаси энди иш бермас эди. Фашистни шартта ушлаб, йиқитиши керак, у жиддий қаршилик кутмайди. Айтайлик, «чирпирак» усулини қўлланиб, Гегенхаммерни бошига кўтариб айлантириб, гиламга ағапатиши мумкин. Лекин, кўриниб турибдики, фашист ҳам анои эмас. Шартлашилган бўлса ҳам ким билан курашажагини у яхши билгани учун эҳтиёт чорасини кўриб турибди. Қора ниқобли бу полвонга бўш келмаслик учун эҳтиёт бўлиб турибди. У Незабудний ҳар қандай полвонларни кутилмаган усууллар билан йиқитганини эшитганга ўхшайди. Бу рус айнигининг хаёлида нималар борлигини ким билсин!

Полвонлар бир-бирларининг қўлидан тутиб, бўйинларини шапиллатиб кафт билан уриб, манежнинг ўртасидаги гиламда бир айландилар, орадан уч минутча вақт ўтгандан кейин Незабудний уни бир зарб билан йиқитишни мўлжаллади.

Лекин Гегенхаммер эпчиллик билан бутун кучини ишига солиб унинг қўлидан чиқиб кетди, баҳайбат тошибақага ўхшаб ўзини гиламга қорни билан таппа ташлади. Незабудний рақибинга чангак солиб, ағдармоқчи бўлди, лекин устма-уст иккинчи кеча олишаётгани учунни, кек-

салик ўзини кўрсата бошлагани учунми, буни энди эплай олмаслигини тушунди.

У Гегенхаммерга жойидан сакраб турниш имконини берди, бир муддат улар яна тик туриб олишишди. Незабудний рақибига яна ўз усулини ишлатмоқчи бўлди. Гегенхаммер рус полвони чинакамига курашаётганини фаҳмлади. Ёш, бақувват фашист ҳар гал Незабуднийнинг қўлидан чиқиб кетар, тутқич бермасди. Цирк гоҳ шовқин-сурон бўлиб кетар, гоҳ жимиб қоларди. Незабуднийнинг юраги гоҳ шидлат билан тепар, гоҳ жимиб қолгаидек туюлар эди. У тиззалари бўшашгандаи бўлиб, ўз оёғига ишонмай қўйди, икки марта партерга бориб, нафасини ростлади. Гегенхаммер эса Незабуднийни чалқанчасига йиқитиш учун энг оғир усууларини қўлланар, тирсакларини қора ниқоб пастидаги рақибининг бўйнига зарб билан урар, унинг бу усули пастдаги полвоннинг бўйнини босиб, биқинларидан чангол солиб йиқитиш имконини берарди. Гегенхаммер Незабуднийни қўлтиқлаб олди, икки қўлининг бармоқларини Незабуднийнинг елкаси устида чалкаштириб, қаттиқ қисди. Илгарилари Незабуднийнинг ўзи рақибига шундай қилишга имкон берарди, бу гал эса мускулдор бўйни ҳам, чакаклари ҳам оғриб кетди. Ҳаво борган сари қуюқлашиб кетаётгандек туюлди. Кўнгли озди. Боши ҳам худди пилладек юмшаганга ўхшади. Юраги борган сари бўшашиб борарди.

У фашистга беихтиёр қаршилик кўрсатаётган эди. Фашист уни истаган пайтида йиқитиши мумкин эди. Лекин фашист радио орқали гапириб ва кечқурунги газетага ёзиб, рақибини, бир минут олдин ҳам эмас, кейин ҳам эмас, курашнинг йигирманчи минутида йиқитажагини баён қилиб мақтанган эди. Мадорсизланган Незабудний билан курашини у жўрттага чўзаётган эди.

Незабуднийнинг кўз олди туманлашди.

Яrim минутдан кейин у ўзига келди, лекин куч-қуввати қайтиб ўзига келмаган эди.

Ҳеч қачон ерга тегмаган кураклари энди ер искашини ҳис этиб, у баттарроқ бўшашган, кўз олди қоронғи-лашган эди. Бир зумдан кейин яна ўзига келди. Лекин энди умрида ҳеч қачон ерга тегмаган кураклари гиламга текканини ҳис этди. У умрида биринчи марта мағлубиятга учраганини билди.

У қўл ва тиззалари билан таяниб ўрнидан турди. Уни

ҳиқиҷоқ тутди. Ғалати ҳиқиҷоқ. Унинг йиғлагиси келаётган эди. Яхшиямки, ниқобим бор, кўз ёшларимни яширятти, деган фикр келди хаёлига. У ниқобини бир силташ билан тортиб олди. Ҳамма ёқдан унга қиҷқира бошладилар, одамларниң шовқин-сурони аралаш австриялик арбитрининг эълонини эшитди:

— Қора ниқобли бу полвони сабиқ беш марта жаҳон чемпиони, чемпионларниң енгилмас чемпиони, машҳур рус полвони Артём Незабуднийдир. Бу — унинг умрида биринчи мағлубияти. Бугунги мусобақа шартига биноан у ўзининг эсталик севрини «Гладиатор қабри»ни Зеп Гегенхаммер жанобларига беради, бу ҳақда сизларниң кўз олдиларингизда тузиладиган актга шу тарихий фурсатда имзо чекади.

Цирк биносининг тенг ярмини банд қилиб турған эс-эсчилар қарсак чала кетдилар, улар алланималар деб бақиришар, хурсанд чинқиришарди. Лекин тепа қаторларда, амфитеатр йўлакларида турган бошқа томошабинлар жаҳл билан сўқинаётган эдилар.

— Ёлғон! Савдолашганлар! Пулга сотилибди! Отхонага ҳайдаш керак уни.

— Ҳа, пулга сотилган! Қанча бернишди?! Кимнинг тагига ётдинг?!

— Неча пулга сотилдинг? Нархинг шунаقا арzon-миди?

Полиция газабланган бу томошабинларни зўрға ҳайдади. Бу гал Незабуднийни цирк ходимлари кириб-чиқадиган эшикдан олиб кириб кетишли. Кечагина жонли девор ҳосил қилиб фашистлардан уни ҳимоя қилганлардан бугун асрараш керак эди. Бу томошабинлар рус полвонини фашистларга пулга сотилиб, фашист пољвонидан атайни ийқилди, деб ҳисоблаган эдилар. Шунинг учун ҳам Незабуднийга нафратлари ҳаддан зиёда эди.

— Жўрттага йиқилмагандирсиз-ахир? — сўради Незабуднийдан меҳмон.

— Ҳамма гап шундаки, мен сотилган эмасдим! — дечи Артём Иванович. — Буни сиз тушунишингиз керак.

— Тушунарли.

— Қандай қилиб циркдан чиққанимни билмайман. Эрталаб уйгонсам, касалхонада ётибман. Касалхонага қандай борганимни ҳам билмайман. Яхши одамларниң иши бу. Ҳамма мени пулга сотилиб, фашистдан жўрттага йиқилди, деб ўйлабди. Мен чиндан йиқилган эдим,

кучсизликдан йиқилган эдим. Юрагим фириб бергаи, мушкул аҳволга солиб қўйганди. Рақибим мендан йигирма ёш ёшроқ эди. Лекин бундан қўрқдимми? Ўз формамда бўлганимда мен уни бир силтаб улоқтирган бўлардим!

У яна безовталанди, турмоқчи бўлди-ю, жойидан туромай, яна ўтирди.

— Безовталанининг нима кераги бор ҳозир? — деб меҳмон уни юпатди. — Бу воқеадан ким хабардор дейсиз. Кейин, у пайтларда сиз, кечирасиз, манеждан аллақачонлар кетиб қолган эдингиз. Газеталарда, тўгри, айниқса гитлерчиларнинг газеталарида кўп вайсашди. Роса шовқин кўтаришди. Лекин одамларнинг эътибори цирк майдонида эмасди; кураш гилам устида эмас, бутун ер шарининг ярмисида давом этаётган эди. Қонли уруш бўлаётган эди. Собиқ жаҳон чемпионини кичик итальян шаҳарчасида йиқитишгани билан кимнинг иши бор эди, дейсиз. Газеталарда ўқиганлар ҳам йиқилган полвоннинг Незабуднийлигига ишонмаган. Сизнинг тўғрингизда озмунча миш-мишлар бормиди! Бир вақт қарасанг, сизни дафн этишган, яна тирилтиришган, яна дафн этишган. Баъзи бир полвонлар сизнинг номингиз билан кун кўриб юришарди. Тўғри гапирияпманми? Сиз эса ўзингизни катта гуноҳ тагига кўмиб юрибсиз, ҳа-ҳа, ўзингизни ўзингиз кўмиб юрибсиз. Бу, ҳар ҳолда, оқилона бўлмаса керак. Шунақа эмасми, Артём Иванович?

Меҳмон тўғри гапираётган эди. Худди шундай бўлган эди. Лекин ўша оғир, мусибатли йилларда ҳам соддадил, соғ виждонли, спортга нисбатан рицарлик муносабатида бўлган Артём бу воқеани даҳшатли, тузатиб бўлмайдиган, кексалигида иснодга қолдирган бир воқеа деб билди, қаттиқ куюнди. У ўзининг мемуарларида бу воқеани эслаб ўтирмади. Бу мемуарларни эпчил бир француз журналисти Незабуднийнинг номидан ёзган, шу пайтларда пулга жуда муҳтоҷ бўлган Незабуднийга арзимайдиган пул бериб, ўзи яхшигина бойиб олган, ҳатто бу мемуарларни қайта нашр қилиш ҳуқуқини ҳам сотиб олган эди. Болонъядаги ўша воқеани одамлар унугиб юборганларини Незабудний кўп марта ҳис этган эди. Кутимаганда меҳмон бўлиб келган бу киши ўша воқеани қаердан бунчалик муфассал билиб олдийкин?

Қаердан билиб олганийкини буларнинг барини? Ишонганимкини ҳаммасига?

— Азизим! Сиз қандай қилиб икир-чикирларигача билиб олдингиз буларни? — сўради Незабудний, ҳамсуҳбатидан хурсанд бўлиб, кўзларинишириратиб. У сұхбатдошининг кўзларига биринчи марта тик боқди. — Шу ҳақда гап кетди, мумкими мен сизга бир савол берсам?

— Ўнта бўлса ҳам бераверинг.

— Тўғрисини айтинг, азизим... Сиз ўшанда менинг шартлашиб, жўрттага йиқилмаганимни қандай билдигиз, бунга қандай ишондингиз?..

Меҳмон гуноҳкорона жилмайди, жимжилоги билан чаккасини қашиди, кўзойнагини тузатди, кейин кўзойнагининг дастасига тирноғи билан тиқиллатиб қўйди.

— Тўғрисини айтганида, бизнинг ишимиз шунақа, ишонишимиз керак, лекин текширишимиз ҳам лозим,— деди у, қўлларини ёзиб, қисиқ кўз билан Незабуднийга тикилиб.— Бизларга унча тушунарли бўлмаган эди бу иш. Лекин фашистлар билан сизнинг шартлашишингиз мумкинлигига ҳеч кимнинг ақли етмасди. Ҳали мен сизга айтганимдек, биз сизнинг биографиянгизни яхши ўрганганмиз. Мураккаб биография. Лекин биографиянгизда ифлос саҳифа йўқ. Бироқ мана шу Генгенхаммер билан бўлган ишда иоаникликлар бор эди. Ўзингиз билганингиздек, иттифоқчиларнинг газеталарида немиснинг галаба қозонганига ишониб бўлмайди, деган гаплар ҳам ёзилган эди. Рус баҳодирини ўлим жазоси билан қўрқитиб, атайнин йиқилишга мажбур қилганлар, Незабудний бу гал кўнган, деган гаплар бор эди.

— Ахир у чишакамига йиқитган эди-ку!

— Қаранг, ҳақиқий соф вижданли полвон ростдан ҳам мағлуб бўлганига одамларни ишонтириши керак экан-да.

— Ўзингиз қандай ишондингиз?

Меҳмон чамадончасидан бир боғлам қофоз чиқарди. Бир-бир қўздан кечириб, уларниг орасидан битта конвертни танлади, конвертдан бир варақ қофоз олди. Унинг қиёфаси жиддий эди. Унинг ўзи ҳам изтироб чекаётгани кўриниб туарар эди.

— Артём Иванович, сизга бир киши гувоҳлик берди,— деди меҳмон вазмин гап бошлаб.— Жуда обрўли гувоҳ. Шуидай киши гувоҳлик бердики, унга ишонмасликка ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

— Ким у?

— Григорий Богданович Тулубей, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. Билдингизми?

— Қандай қилиб?!.— Незабудний ҳайрон бўлди. Унинг овози бўғиқ эшистилди.

— Мана бундай қилиб... Сиз келиб, Григорий Тулубей тўғрисида қимматли маълумотлар берганингиз итальян газеталарида эълон қилинди. Уруш ветеранлари комитетидан ўртоқларимиз Италия партизанлари миллий ассоциациясидаги дўстларга хат ёзнигани. Сизнинг Богритулингиз, яъни Григорий Тулубей қандай мардликлар кўрсатгани тўғрисида кўпгина қизиқарли ва янги маълумотлар олинди. Ажойиб ишлар қилган у!.. Кейинги пайтларда маълум бўлдики, унинг отрядида бир итальян ватанпарвари — врач ҳам бўлган экан. Шу врачни сиз ярадор Тулубейнинг олдига олиб келиб, ярасини боғлатган экансиз... Тулубейни фашист патруллари ёнидан олиб ўтган экансиз.

— Э, Жузеппе Саббатини-ку!— қувониб кетди Артём Иванович.

— Ҳа.

— Эҳ, чол-э, ўша ёққа кетган экан-да... Тушунарли. Партизанларнинг ёнига кетган экан-да, а?

— Ҳа,— деди меҳмон.— Доктор Саббатини Богритулингиз отрядида хизмат қилган. У узоқни кўрадиган эҳтиёткор одам экан. Енгилганингиздан кейин ўзингизни қандай ҳис этишингизни у тушуниган... ҳалиги циркдаги воқеадан кейин-да. Бу воқеа сизнинг иомингизга доғ тушириши мумкинлигини фаҳмлагай. Бу ҳақда гап билан уқтириш қийин. Сизнинг бутуилай ҳалоллигингизни исботлаш керак бўлган. Ахир, сизнинг иомингиз жаҳон спорт тарихига кирадиган ном, нимасини айтасиз, Артём Иванович! Сиз Гегенхаммер билан иккинчи марта учрашганингиздан кейин, аҳволингиз ёмон бўлиб қолгач, ўша доктор сизга қараган, ўзининг касалхонасига олиб кетиб, рентгенга солиб съёмка қилдирган, электрокардиограммангизни олган. Ҳамма нарсадан ҳабардор одам экан. Рентгендан ҳам, кардиограммадан ҳам кўриниб турибдики, ўша кечаси сиз қимирламай ётишингиз керак экан. Шу ҳолатда курашиб бўлармиди! Ӯшанда манежда қандай қилиб яна жойингиздан турганингиз ҳайрон қиласи кишини... Иифаркт арафасида бўлгансиз, ахир.

Артём Иванович меҳмонга мамнун тикилар, узоқ

йиллар мобайнида багрини эзиб келаётган тош кўксидан олиб ташланётгандай ўзини енгил ҳис эта бошланган эди.

— Ҳаммаси маълум бўлибди-да. Буни қандай тошингизлар? — Артём Иванович кубокни кўрсатди.

— Бу Григорий Тулубейшиниг иши. Шавкатли Богритули топган. Ҳалиги сизнинг Зеп, фамилияси нима эди ҳали?.. Бир қулоч келадиган фамилия-да ўзиям. Зеп Гегенхаммернинг гестапо билан алоқаси бўлган. Жазо отряди билди. Бу кубокни ҳамма вақт ўзи билди бирга олиб юрган. Украина гелганида ҳам олиб келган. Бу билди обрў орттироқчи бўлган, ҳаммага кўз-кўз қилиб юрган. Тулубей яраланиб гитлерчилар қўлига тушиб қолганида буни кўриб қолган. Хозир маълум бўлишича, шундан кейин партизанлар Зепни қўлга тушириб, тинчтингизлар. Маълум бўлдики, Гегенхаммер қўмопдошлик қилган жазо отрядини ўша Тулубей отряди тор-мор келтирган. Шундай қилиб, кубок ҳам, ўша кечаси сизнинг аҳволингизни ифодалайдиган ҳужжатлар ҳам Богритулининг қўлига тушган. Соғлиғингизни кўрсатадиган ҳужжатларни доктор ўзи билди бирга олиб, партизанлар олдига кетган экан. Ақлини қаранг!

— Мен Саббатинини ҳалок бўлган деб эшигтан эдим-ку! — унинг гапини бўлди Незабудний.

— Ҳа, доктор Жузеппе Саббатини ҳалок бўлган. У партизанларнинг ярасини боғлаб юрганда фашистлар снайпери отган. Тулубей ундан олдинроқ ўлган экан. Қандай тарзда ўлгани сизга маълум. Бутун Италия билади. У жангга кета туриб, бу жангдан омон қайтишига кўзи етмаган экан, бу кубокни, Саббатини берган ҳужжатларни, мана бу хатни партизанлар турган қишлоқдаги бир деҳқонга топширган... Ўша деҳқон буларни асраб қўйган. Хат шама билди ёзишган. Воқеадан хабардор бўлмаган киши хатдан ҳеч парсанни тушунолмайди. Сиз Богритулининг кимлигини маълум қилганингиздан кейин деҳқон буларни Италия партизанлари миллий ассоциациясига топширган.

Улар буни бизнинг уруш ветеранлари комитетимизга маълум қилганлар. Мана, марҳумнинг васиятнини амалга ошириш менга насиб қилди. Марҳамат, қабул қилиб олинг.

Меҳмон Незабуднийга эзилган, бир учи йиритиқ варақни тутқизди. Артём Иванович хатни эҳтиёткорлик

билинг олди, унинг қўли қалтираётган эди. Бармоқлари музлагандек. Кўз қири тушиши билан ўзига таниш бу ёзуви, бир мартағина ўқиб таниш бўлиб қолган ҳарфларни таниди. У хатни ўқиди:

«Ватандошим, дўстим! Мени кечиринг. Ўшапда бошига иложим йўқ эди. Мана эиди ҳаммаси менга маълум. Мен сизга шундоқ ҳам ишонган эдим, лекин медицина янада кўпроқ ишонч ҳосил қилдирди, бу масалада нуқта қўйдирди.

Ҳаётимни сақлаб қолганингиз учун раҳмат сизга. Керак бўлса бу ҳаётимни ишимиз учун қурбон қиласман. Агар ғалабагача шу жонни сақлаб қолиш насиб қилса, умид қиласманки, учрашамиз, рус тупроғида ташаккуримни русча изҳор қиласман. Насиб қиласа, менинг тўғримда билғанларингизни онамга тез маълум қилинг. Шароит берган имкондан фойдаланиб тўғрисини айтай: мен сизнинг ҳамқишлоғингизгина эмас, сиз яхши билған кишининг ўғлимсан. Онам билан сизнинг тўғрингизда ҳеч қачон гаплашмагандик, лекин унинг аламу қайгулари эвазига сиз ҳам кўп қийналгансиз. Мен сизга таъна қилмоқчи эмасман.

«Гладиатор қабри» хусусида шуни маълум қиласманки, Г. жаноблари қилғилигига яраша жазосини топди, гладиатор қад кўтарган жойга равона бўлди. Бирорининг шуҳратини ҳеч ким ҳеч қачон ўзиники қилиб ололмайди. Уни ўзингиизга қайтаряпман.

Эмилия  
Богритули. 1944.»

Артём Иванович хат ушлаб турған қўлини четга олди, кўзидан бенхтиёр оқаётган ёш хатни ҳўл қилиши мумкин эди.

Бир вақтлар Незабудний ўз чордоғига олиб чиққан қонга бўялган, жулдур кийимли киши унинг бу яхшилигига шу тарзда яхшилик қайтарган эди. Жангдан омон қайтиш насиб қилмаган бу жасур, довюрак киши сўнгги жангга кета туриб нималар тўғрисида ўйлаган экан. У қабрда ётган ҳолда кекса чемпионнинг поклигидан гувоҳлик берадиган эди.

Иккаласи ҳам жим қолишиди, Артём Иванович ҳам, унинг меҳмони ҳам. Незабуднийнинг томоғи қақраб қолган, юраги ёнарди.

Ниҳоят Артём Иванович тилга кирди:

— Онасига кўрсатиш керак... Онасига. Галина Петровнага.

— Тезроқ,— деди меҳмон ҳам розилик билдириб.

Меҳмон безовталаниб, қўл соатига қаради. Незабудний ундан:

— Сиз, ўртоқ шу учун маҳсус келганимидингиз?— деб сўради.

— Ҳа, асосан шу учун,— деди меҳмон ва тоқатсизлик билан қошларини чимирди.— Рости, яна бир нохуш иш бор... Асранди набирангизга топшириқ бернишгани тўғрисида бизга маълум қилиб, адресларини айтганингиздан кейин биз иплардан бирини қўлга киритдик. Шу ип билан тугунгача бордик. Тугун ҳозир Парижда эмас... Тафсилотини тўла айтиб ўтирумайман. Улар Сухоярка билан қизиқишиб юрибди. Алоқа боғлаш ниятлари бор... Набирангиз сизга ҳеч нарса гапирмадими?

Артём Иванович бош чайқади, лекин безовталанди. Меҳмон уни тинчлантириди:

— Мен ҳам шундай деб ўйлагандим. Лекин унинг хабари бормиди ўзи?

— Ҳа, баъзи іапларни эшитганди,— деди Артём.— Уша икки киши мен Париждан кетаётганимда олдимга кирганди. Мен-ку, уларга дейдиганимни деганман, лекин қаердадир Пъерни кўриб, унинг бошини айлантирганга ўхшайдилар...

— Тушунарли,— деди меҳмон.— Мен ҳам шундай фикрда эдим. Эҳ, Артём Иванович, биз сизга аллақачонлар ишонадиган бўлганмиз, лекин сиз бизга ишонқирамаяпсиз. Бу ишни аллақачон бир ёқлик қилиш керак эди.

— Шунақаку-я,— деб шивирлади Артём,— лекин очиғи, шу хазина-пазина тўғрисида бош қотириб ўтирумасакми дейман? Нима ҳожати бор? Арзимайди ҳам.

Меҳмон Артёмга синчковлик билан тикилди. Кейин ўрнидан турди, хонани бир айланиб, яна жойига келиб ўтириди.

— Эҳ, Артём Иванович, Артём Иванович! Сизга, неварангизга айтилган ўша олтин-полтинлар қизиқтираяптими бизларни? Бу хазина ҳам ўз вақт-соатини кутиб турганини билсангиз эди...

Артём ҳеч иарсани англай олмай, унга қаради.

— Бу ҳақда сизга гапирмасам ҳам бўлардп...— Меҳмон кўзойнагининг дастасига чертди.— Биз бу ишни

гап-сўзсиз ҳал қилмоқчийдик. Лекин энди орқага суриб бўлмайди... У ерда портлайдиган катта миша ҳам кўмилган... Портлайдиган моддаси кўп. Тонналаб! Бу «хазина»га бирорнинг бармоги тегиб кетиши билан сизларнинг бутун Сухояркангиз жаҳаннамга жўнайди. Улар сизнииг сирларингииздан хабардор бўлган неварангизнииг ўша ерга бориб, ўз қўли билан иш кўришини истаганилар. Бу кубок тўғрисида болага ёлгон-яшиқ гапларни айтиб, уни алдаганилар. Аблаҳлар бу ишни «Гладиатор қабри» операцияси» деб атаганилар. Тушуняпсизми! Бунақа ишларни кўп кўриб юрибмиз. Заарсизлантиришга тўғри келади. Нима ҳам қилардик, Артём Иванович! Утмиш баъзан ер остида ҳам янгиликка таҳдид қиласди...

Меҳмон қадаҳ кўтариб турган гладиаторнинг гавдасини силади. Кумуш паҳлавоннииг елкасига секингнина қоқиб қўйди.

— Бу ҳам қабрдек бир гап, лекин гладиаторнинг қабридек эмас, ундан даҳшатлироқ... Фокус кўрсатишмоқчи. Қабрдаги даҳшатли кучни ишга солиб тирикларга зарба беришмоқчи: Сиз Европада кўп кезгансиз. Биламан, бизнииг кишиларимиз қабрларини кўргансиз. Излаб Тулубейни, қаҳрамонни топгашибмиз. Улар жой фидо қилдилар, лекин янги ҳаёт қуришга ёрдамлашдилар. Бу әблаҳлар эса ерга миналарни кўмиб, минглаб кишиларнинг ҳаётини таҳликада қолдирганилар. Ер тагида, оёғимиз остида кутиб ётибди ҳозирча ўша ажал уруғи. Лекин уни заарсизлантиришимиз лозим. Йўл қўймаймиз бунга!

Артём ҳангу манг бўлиб қолди.

Бу соҳта хазина остида шунчалар хатар яшириниб ётганини у хаёлига ҳам келтирмаган эди!.. У боладек ишонган эди. Ишониб, уни яна ўз оиласарига қабул қилган кишиларга улар катта хатар олдида турганини айтиш ўрнига, индамай юрган экан-да.

— Сиз, Артём Иванович,— унинг хаёлини бўлди меҳмон,— билмайсизми, қирғоқда неварангизнииг ошналаридан йўқми? Бизда бир шубҳа бор... Парижда унинг қулоғига ёлғон-яшиқ гапларни қуйган кишиларнинг ўзлари ёзмасалар керак. Улар из қолдирадиган, ўзларини ўзлари фош этадиганлардан эмас. Учинчи бирор орқали иш кўраётганга ўхшайдилар. Бирор орқали хазина кўмилган жойни маълум қилишган. Яқин-

да лагердан чиққан бир киши орқали алоқа ўрнатишга урингандари бизга маълум... Сиз нима дейсиз, шу маълумотни ким етказиши ёки қабул қилиб олиши мумкин? Кимни юборишганийкин? Тушуняпсизми? Ўртоқ Тулубейни урган киши... шубҳалига ўхшаяпти. Иложи борича тезроқ аниқлаш керак эди-да.

— Қирғоқда шубҳали бирор бор,—деди Артём.— Қайиқларга қарайдиган бола. Пьер ўша билан бир оз улфат бўлиб юрганди.

— Вячеслав Махонин эмасми?— шошилинч сўради меҳмон.

— Ўша.

— Тушунарли.— Меҳмон соатига қаради.— Сиз ҳозирча хавотирланманг, беҳудага уринманг. Одамларимиз бу атрофни ўрганиб юришибди. Махсус сапёrlар чақиртирганмиз. Ҳозир улар ишга киришганлар. Тошибади, хотиржам бўлинг. Балки, яна бошқа бирор тадбир амалга оширилар. Кечирасиз, мен энди кетишим керак...

Меҳмон шошилди, эртага эрталаб мактабга боришга шартлашиб, хайрлашди.

Елғиз қолган Артёмнинг кўнгли тинчийвермади. Аллақандай хаёллар уни безовта қиласди. Шу вақтга қадар юрагида бир тошдек ётган уят-андиша унчалик даҳшатли эмас экан. Васваса барҳам еди. Лекин хазина кутилмагандада даҳшатли бўлиб чиқди. Балки, Пьер бирор нарсани билиб олгандир? Ё анави абраҳ Маханин яширилган жойни бирордан билиб олиб, бориб ковламаётганмикин шу топда? Ҳар дақиқада портлаш рўй бериши мумкин...

Йўқ, ҳозироқ Пьернинг олдига бориш керак. Эрталабгача кутиб ўгириш яхши эмас.

Артём шляпасини, ёмғирпӯшини кийди, тугмаларини қадади, ҳассасини олиб, пастга, телефон турган жойга томон юрди. Бир неча марта станцияга телефон қилиб, мактаб билан боғлашни илтимос қилди. Телефон қилолмади. Кейин эса марказий станциядан мактаб билан алоқа узилганини айтишди.

Артём Иванович шошилди. Юрагида пайдо бўлган вәҳима уни шошилтиарди. Тротуардаги сувни сачратиб, катта-катта одимлаб борарди. Советская кўчасига чиққач, Красношахтерская кўчасига бурилди, лекин нима ҳам дейман, деди-да, хиёбонни кесиб ўтиб, Тулу-

бейлар уйи томон юрди. Бемаҳалда уларнинг оромини бузишнинг нима ҳожати бор, деган хаёл билан яна орқасига қайтди, сув омбори сари юрди. Пристайга бориладиган энг яқин йўлни излаб бир зум хиёбонда атрофга аланглади. Тинган ёмғир яна қуя бошлади. Осмонга қаради, ёмғир ҳам унга ўхшаб бекарор, булутлар гоҳ у, гоҳ бу томонга чопишарди. Артём Иванович тўхтади. Осмондаги булутлар ҳам тўхтагандек бўлди, Незабудний шуидагина пайқадики, булут ҳам, ёмғир ҳам довдираётгая экан, унинг ўзи довдираётган экан.

Олисда чақнаган яшин чолнинг атрофини ёритди. Унинг шундоқ олдигинасида бир металл қиёфа ёриши. Григорий Тулубей унга тикилиб турарди. Чөл бир зум ҳайрон бўлиб қолди. У мактаб дамбаси қурила бошлагандек ҳайкални бу ерга, қаҳрамонга қўйиладиган катта ҳайкал ўрнига кўчириб келтирганларини унутган эди.

Юзидан ёмғир томчилари бетиним оқиб турарди. Худди Альфонсинэда қаттиқ яраланганида тер оқаётгандек...

Яна яшин чақнаб оламни бир зум ёритди. Олисларда момақалдироқ ҳам гумбурлай кетди. Незабуднийнинг назарида бронза кўзлар ҳам чақнаб кетгандек бўлди.

Незабуднийнинг кўзи олдида бронза қиёфа бутун борлиги билан намоён бўлди. Бир пайтлар қаттиқ оғриқ азобида гезарған лаблар ҳозир хайрлаша туриб жилмаяётганга ўхшарди. Эҳтимол юз-кўзидан ёмғир томчилаётгани учун ҳам шундай туюлаётгандир...

Ёмғир тинадиганга ўхшамасди. Момақалдироқ ўтиб кетди, лекин кучли шамол сув омбори бетида бешикбешик тўлқинлар ҳосил қилаётган эди, Артём Иванович сув омбори қирғоғига чиққанди. Эрталабгача кутса бўларди, лекин Артём Ивановичнинг кўнглидаги фулғула унинг оромини йўқотган эди. У қайиқ станцияси томон юрди.

Қоровул бор экан.

— Махонин борми? — сўради Незабудний шамол шовқини аралаш.

Қоронғилик қўйнидан қоровул чиқиб Незабуднийнинг олдига келди. Олисда чақнаган яшин уни ёритди. Чолнинг кузидида уйқу сезилмасди.

— Сизмисиз, Артём Иванович? — деб сўради қоровул. — Вячеславни олиб кетишди. Ярим соатча бўлдит. Машинада келишди, гиппа бўгиб олиб кетишди. Сабаби — номаълум.

— Ота, менга битта қайиқ беринг!

— Нега? Нима қилмоқчисиз, Артём Иванович? Қаёққа бормоқчисиз?

— Кейинроқ батафсил гапириб бераман, ота. Мактабга боришим керак. Шошилинч. Телефон қилолма япман. Кутишга юрагим чидамаяпти.

— Сув нотинч-ку.

— Қўявер.

— Нега қўяверарканман? — хафа бўлди чол. — Мен нима қилиб турибман бу ерда? Бунақа гап кетмайди. Жуда ҳам зарур бўлса, Артём Иванович, ўзим обориб қўйяй. Ўтилинг қайніққа, кўнглим сал хотиржам бўлсин. Эшкак эша оласизми? Анави олдиндаги ўриндиққа ўтилинг.

Артём Иванович катта балиқчилар қайиғининг ўриндиғига ўтирди-да, гурзидек қўлига эшкакни олиб, қайніқни олға сура кетди. Иккала чол ҳам ўзларини сал орқага ташлашди. Қайніқ тўлқинларни кесиб суза бошлади.

Олдинда мактаб биноси зўрга кўзга ташланиб турарди. Бирорта ҳам деразада чироқ кўринмас эди.

## XII БОБ

### НОМАЪЛУМ ЖОЙДАГИ СУҲБАТ

— Хўш, шундоқ қилиб, хабарни кўп кутмасак кепрак. Тезда эшитармиз, дейман.

— Ишонасизми ўзи... ҳм-м... ишлармикиш?

— Информациями? Ишонаман.

— Йўқ, мен... «Гладиатор қабри» операцияси ни кўзда тутяпман.

— Шубҳаланмасангиз ҳам бўлади. Ишончли. Детонатор ёрдами билан яхшилабгина, заарасиз қилиб портлатилади. Кафолат бера оламан.

— Шунча вақтдан бери... ахир...

— Ҳа, сал кам ўн икки йилдан бери. Изоляция ҳозир ишончли. У, ахир, дамбада-ку.

- Ҳа, камдан-кам бўладиган бахтли ҳодиса бу ҳам... Яхши... Хуллас, кутарканмиз-да.  
 — Кўп кутилмайди, ишонаверинг.  
 — Ҳм...

### XIII БОБ

## КРАСНОШАХТЁРСКАЯ ҚҰЧАСИДАГИ ҮЙДА СУҲБАТ

- Нима, энди топишмачоқ ўйнаб ўтираверамизми? Е яхшиликча айтасанми?  
 Махан индамасди.  
 — Яхшиликчасига гапирмасакансан-да, а?  
 — Яхшиликчаси қанақа бўлади ўзи?— сўради Махан.  
 — Мен сени яхши биламан, бутун умринг ёмонлик билан ўтялти. Бир гал яхшиликчасига ҳам иш қилиб кўр-чи. Балки, кейин хурсанд бўларсан.  
 — Бир умр яхши бўлолмайди одам.  
 — Сен ярим умр яхши бўл бўлмаса.  
 — Нима қилай?  
 — Шалпангқулоқ нима деганини айтсанг, бас.  
 — Ҳеч нарса дегани йўқ. Мен Шалпангқулоқларингни кўрганим йўқ.  
 — Мана, яхши иш қилмаяпсан. Кеча у билан бирга юрганинг маълум бизга.  
 — Юрған бўлсам нима бўпти? Уни афв этишган. Нима, ҳақим йўқ эканми?  
 — Ҳақинг бор, гапга тушун. Олтин тўғрисида сенга у нималар дегани қизиқтирипти бизларни.  
 — Ҳеч нарса дегани йўқ.  
 — Қизиқ. Шалпангқулоқ ёлғон гапиаркан-да бўлмаса. У сен билан учрашганини, шартлашганларингизни айтди-ку. Кўряпсанми, у сал бўлса-да, ақли кириб қолди. Сен ўз билганингдан қолмаяпсан, ёмонлигинги ташлай олмаяпсан.  
 — Билмайман,— ўжарлик қиласди Махан.— Яхши, ақлли бўлса ўшанинг ўзидан сўрай қолинглар.  
 — Бизлар сени ҳам ақлли деб ўйлагандик, билсак, аҳмоқ экансан.  
 — Майли!— тўнғиллади Махан.  
 — Майлику-я. Дунёда тентаклар кам эмас. Биттаси камайса камаяр.

— Бу нима деганингиз? Биттаси камайса камайр? —  
ҳайрон бўлди Махан.

— Портлайдиган модда портлагудек бўлса соғ  
қолмайсан, соғ қолганингда ҳам биз сени соғ қолдир-  
маймиз, билиб туриб айтмаганингдаи кейин жазаиг  
шу бўлади-да.

— Қанақа портлайдиган модда? — Маханинг тер-  
лаб турган юзидан қоп қочди. — Ҳеч қанақа портлай-  
диган модда йўқ. Олтин, олтин буюмлар, холос.

— Мана, ҳар ҳолда биларкансан-ку. Ақлинг кира-  
ётгани кўриниб туриди. Лекин бари бир ҳали ҳам  
аҳмоқсан. Олтин эмиш. Мнна кўмилган ўша жойга.  
Билдингми? Фашистлар кета туриб мина, бомба, гра-  
наталарни кўмиб кетган..

Махан суҳбатдошига ваҳима билан тикилди.

— Тезроқ гапир. Вақт ғанимат. Бу ҳақда бошқа-  
лар ҳам биладими? Оккупация пайтида сен бола  
эдинг. Фашистларнинг мина кўмганини, мина кўмган  
одамларнинг эса ҳаммасини отиб ташлаганларини,  
бошқаларга айтишмасин деб шундай қилишганини ўз  
қулоғинг билан эшитгансан-ку... Шалпангқулоқ ўзи  
қочиб, бу ишни сенга буюрган. Лекин у ҳам қўлга  
тушди. Унга нима! У олисда. Сени ўлимга ташлаб  
кетган у. Сен билан биз жаҳаннамга учиб кетишимиз  
мумкин. Шаҳарнинг ярми ҳам қолмайди. Тентак, ақ-  
линг етятпими-йўқми ўзи?

Шунда Махан аёлларга ўхшаб йиғлай бошлади,  
эшикка югурди, бошини эшик ёндорига уриб олди.  
Ўзини пўлга ташлади.

— Вой, тезроқ, бошлиқ, тезроқ! Улар бугун... мак-  
табда!.. Мен уларга айтгандим. Улар мактабда... Вой,  
тезроқ!..

#### XIV БОБ

### ГЛАДИАТОР ҚАБРИ

Сеня Грачик бу галги навбатчилигига жуда безов-  
та бўлди.

Пъер билан Рёмканинг ертўлага тушаётганларини  
эшишиб, уларнинг изидан секин юрди. Бир неча марта  
уларни чақирмоқчи бўлди, лекин нимагадир иккилан-  
ди. Булар нима қилишаркин, деб уларнинг орқасидан

қолмади. Бемаҳалда, бунинг устига ҳаво бузук ана шундай пайтда бу икки ўртөқнинг нима қилиб юргани уни қизиқтиарди. Улардан ҳар нарсани кутса бўлади! Бўрон, томларни тарақлататеётган шамол шовқини унинг оёқ товушини эшиттирмасди.

«Қизиқ,— деб ўйлади Сеня,— наҳотки улар бизнинг гаримизни эшитган, кубокни қидираётган бўлсалар?»

Рёмка билан Пьер ертўлага туша бошладилар. Гургурт чақиши. Керосин фонарь ёқилди.

Сеняning қулоғига чалинди:

— Қани, чизмани бер-чи менга... Кўряпсанми? Бу ерда девор чаплаб қўйилган бўлиши керак. Мана бу ерда эса токча бор... Тўхта! Пьерка, қара, мана бу ерда Қизиқ!.. Ваза кўмилмаган-ку. Қизиқ, нега уни кўмишмаган эканлар-а?.. Бирор қазибдимикин?

Энди ортиқча кутишининг ҳожати йўқ эди.

Сеня ертўлага сакради.

— Болалар, бу ерда нима қилиб юрибсизлар?

— Нима ишинг бор?

Рёмка кумуш билан оливия ярқираб кўзга ташланётган токчани тўсди.

— Мен навбатчиман,— деди Сеня.— Қаёққа келаётганларингизни кўрдим. Нима гап ўзи?

— Сенинг ишинг бўлмасин.

— Нега ишим бўлмасакан, мен навбатчиман-ку.

Пьер Сеняning устига бостириб келган Рёмканинг ўйлини тўсиб, иккаласининг ўртасига кирди.

— Қўйсанг-чи, Рёма. Унга айтамиз. Билса нима қипти?..

— Нима қиптини кўрсатиб қўяман!— Рёмка унга дўқ қилди. Лекин ўша заҳотиёқ овозини пасайтириди:— Сен, Пьер ташқарига чиқиб, унга тушунтириб қўй. Кубокни қидириб юрганимизни айт. Тушунарлимис?— У фонарни кўтариб, Сенядан юзини тўсди-да, Пьерга имо қилди:— Мен эса бу ерда...

— Мен кетмайман. Нима қилмоқчисизлар?

— Қани, туёғингни тезроқ шиқиллат-чи!

— Кел, юқорига чиқа қолайлик... Сеня, мен сенга ҳаммасини айтаман.

Сеня эса имиллаб, атрофга аланларди. У ерда турган фонарнинг хира ёғдусида Рёмканинг деворни пайпаслаганини кўриб қолди. Рёмка деворни ўя бош-

лади. Сувоқ күчіб түшди, ғиштга ўрнатылған ҳолқа күрінди.

— Мен ҳозир... ҳозир... Сизлар бораверинглар. Ҳозир!— деб бидирларди Рёмка, өабрсизликдан терлааб.

Тирнөғі билан тирнаб ҳалқани олмоқчи ҳам бўлди. Лекин елкасини зарб билан деворга урди — деворни бузиш осонроқ деб ўйлаган эди. Ғишт ростдан ҳам кўчганди.

Оғир тушдаги сингари ғалати ҳодиса содир бўлди: деворнинг ўртаси очилди. Ғиштлар бир текиеда биринкетин ўпирилиб түшди. Ҳалқа ўрнатылған деворнинг тагида катта ўра очилди. Болаларнинг қоқ тепасида шифтнинг тўсинлари қарсиллаб жойидан чиқиб кетиб, осилиб қолди. Девор секин чўкиб дарз кетди. Фонарнинг хира ёғусида девор ковагида бир текисда тахлаб қўйилған ғалати нарсалар кўринди. Занг босган бўлса ҳам улар ярқираб кўзга ташланарди. Ҳайрон бўлиб қолган болаларнинг кўзига улар худди баҳайбат темир аждарлардек, уйқудан кўз очаётгандек, бир зумдан кейил ҳамла қиласидек кўриниб кетди.

Худди шу ваҳимали пайтда аллақандай куч учала болани ҳам бир силташ билан зинапояга улоқтириди. Девор коваги олдида бирёвнинг баҳайбат гавдаси пайдо бўлди. Сеня пастга ертўлага мўралади. Полда турган фонарнинг хира, өарфиш нурида у Незабуднийни таниди. У кеңг елкаси билан қулаб тушай деб турган деворни тутиб турарди. Деворда ҳосил бўлган ковакдан эса яшикларга териб қўйилған сигара шаклидаги нарсалар кўриниб турарди.

Пьер ҳам Сеняни нари суриб, зинапоя эшигидан пастга тикилди.

— Бобо...

— Пьер!— қичқирди Незабудний.— Қоч, ўлдираман! Кет деяпман сенга. Огоҳ бўл. Даҳшат!..— Елкасидан босаётган оғирлик зўрлик қилаётганди, у украинча, французча, русчани аралаш-қуралаш қилиб ўшқириди.— Тез кетинглар! Улдираман! Эшитяпсанми?.. Қораларингни ўчирларинг... Девордан қулаган бир ғиштни қўлига олиб, ўқталди.— Болалар, тез жўнанглар!.. Сеня, болаларни уйғот. Үқитувчиларга айт. Тезроқ қимирила... Пастда қайиқ бор. Қирғоқдан яна қайиқ келтириш керак. Чакқонроқ қимирилаш керак. Бу срда мина бор.

Пъер бобосининг характерини яхши билар, унинг ғишт ўқталгани бежиз эмаслигини тушунган, фалокатни фаҳмлаган эди. Биринчи қаватга олиб чиқадиган зинапоядан югурниб юқорига чиқиб кетди. Жойида турган Сеня эса:

— Артём бобо, сиз-чи...— деб гап бошлади.

Лекин Незабудний уни сўкиб, ўшқирди. Сеня зинапоя эшиги ёнидан тисарилди. Пъернинг қадам товуши эшитилиб турарди. Рёмка эса аллақачон ғойиб бўлганди.

Бир минутдан кейин мактабда ҳамма уйғонди. Ётоқхоналарда шовқин бошланди. Болалар ҳеч нарсанни тушунмаган бўлсалар ҳам кийиниб олган эдилар. Ҳаммасининг ҳам ранги оқарган. Болаларни ваҳима босган эди. Сеня билан Пъер эса оёқ учидагекин юришни талаб қилишарди.

Орадан бир минут, икки минут ўтди. Незабудний оёқларини кериб, букилиб турар, оёқлари ертўланинг юмшоқ, нам тупроғига ботган эди. Оғир юк елкасидан босаётганди.

Тепада болаларнинг секин, эҳтиёт билан ўтаётган одимларини эшитиб турарди. Рёмка эсдағ чиқариб қолдирган фонар ёғдусида вожатий Ирина Николаевнанинг юзи кўринди... У тунги халат кийган, кўкрагини икки қўллаб халатнинг ёқаси билан бекитиб турарди.

— Нима бўлди? Нима гап? Тушунтиринг.— У даставвал тиз чўкиб, кейин ётиб олиб, ертўла ичкарисига тикилди. Лекин ҳеч нарсани кўролмади.

Коронфилик қаъридан Незабуднийнинг овози эшитилди:

— Ирина Николаевна, худо ҳақи... Иҳ!.. Ҳаммани қайиққа чиқариш керак. Тезроқ. Пастда қайиқчи турибди... Болаларни олиб бориб, қирғоқдаги одамларни уйғотсин. Одамларга айтиш керак. Бу ерда... фашистлар мина қолдирган экан. Мен кўтариб турибман. Агар қулаб тушгудек бўлса, бутун Сухоярка портлаб кетади. Красношахтерскаяга телефон қилиш керак... Иҳ!.. Тезроқ, илтимос.

— Сиз-чи? Мумкин эмас бу!— эътиroz билдиридан вожатий.

Лекин Незабудний бақириб берди:

— Тезроқ борсангизчи!.. Гапни чўзманг. Кўтариб туриш осон деб ўйлайпсизми?.. Тезроқ жўнанг. Тезроқ

қирғоққа!.. Қайиқ олиниглар. Бир соатдан ортиқ күтариб туролмайман...

У ҳар бир сўзни зўрга гапиради.

Шошилинч кийинишган болаларни қайиққа туширишди. Незабудний келган катта қайиққа уларнинг ҳаммасини сиғдириб бўлмасди. Кекса қайиқчи воқеидан яхши хабардор бўлмагани бу болаларни қайиққа иложи борича кўпроқ олди. Елизавета Порфириевнанинг овози хотиржам, худди экскурсияга чиқаётгандага болаларни автобусга ўтқазаётгандек осойишта эшигинларди. Олисларда чақнаган яшин сув бетидаги тўлиқинларда акс этар, дамбанинг четидаги турган Елизавета Порфириевнанинг шамолда тўзғиб турган опроқ сочини ёритар, у болаларни тинчлантиради:

— Ҳовлиқманглар, болалар, шошилманглар. Ҳәм-маларингиз ҳам улгурасизлар. Мила Колоброда! Нима гап? Мана бу ёққа ўтира қол. Яна бир кишига жой бор. Қирғоққача икки қадам-ку. Ҳар эҳтимолга қарши кўчираяпмиз сизларни, қўрқманглар.

— Олдин қиз болалар ўтира қолсин!..— У Қсананинг қўлидан тутиб, қайиққа чиқарди. Қсана унга паришон, ваҳима билан тикилди.— Сен, ҳар эҳтимолга қарши, унга қараб тур... Агар... ёрдамлаш.— Сеня Суренга илтимос қилди.

— Сен-чи?

Иккинчи қайиққа ҳам тушолмаган Рёмка Қсананинари суриб, ўзи унинг ўрнига қайиққа тушмоқчи бўлганди, Сеня уни бир туртиб, ўтириғизиб қўйди — бунчалик кучни у қаёқдан олганига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Рёмка кишининг раҳмини келтирадиган қилиб, нолиш қилди.

Пьер уни ёқасидан кўтарди, тартибга чақирди.

Рёмка эса ялиниб-ёлворишини қўймасди.

— Мен ҳам кета қолай! Ойим касал. Асаби бузуқ. Психик касаллар ҳисобида туради. У хафа бўлса, соғлиғига зиён бўлади.

Сеня ҳамманинг олдида синфнинг энг зўравонини урганидан, Рёмканинг эса жавоб қайтармаганидан оғзи очилиб ҳайрон бўлиб турар, зирқираб оғриётган қўлини биқинига ишқарди. Йиғлоқи, қўрқоқ бўлиб чиққан Рёмка унинг кўзига жуда ҳам ёмон кўриниб кетди, курашнинг яширин бирор усулини қўлламасдан туриб ҳам адабини бериш мумкин эди шу топда.

Ирина Николаевна, Сурен, Юра Брилев, Витя Халиев, бир-бирларининг қўлларида тутган ҳолда қонгилликда болалар қайиққа кетмасинлар деб жонли диди туришарди.

Қирғоқ томондан мотси. Тонг фира-ширасини кесио лади. Қайнқлардаги эшкакчиларни турарди. Тўсатдан шахта берди. Қирғоқдаги уйларнинг омбори қирғогига келтирилган м.лари катерлар ва қайнқлар йўлини. Қадимий Сергиевский черковининг жараглади.

ярак-  
ни кў-  
гудок  
и. Сув  
чироқ-  
куриши.  
жаранглари ҳам

Нурай бошлаган девор борған сари Незабудийни кўпроқ куч билан босарди. Чол тиззаларига қўлини қўйиб, оғир, ваҳимали юкни зўрға кўтариб турарди. Ажал уругини сочадиган бу юк Незабуднийни зах ер сари тобора кўпроқ босарди.

Бир-биридан ажралаёзган ғиштларнинг сочилиб кетмай тургани бир мўъжизага ўхшарди. Снаряд ва миналар солинган яшиклар чирига, бирор ғишт сал тегиши билан портлаб кетиши муқаррар эди. Чорак соат илгари у бу ердан ғомон-эсон қочиб қутулиши мумкин эди. Ўшанда деворни кўтариб туришга кучи етадигандек кўришган эди. Ҳа, чорак соат илгари жонини сақлаб қолиши мумкин эди. Энди эса сув мактабнинг пойдеворини ювган, ертўлага сув сизиб кира бошлаган бўлиши керак. Қаердадир сувга емирилган тупроқ шалоплаб тушди. Нима қилиб бўлса ҳам қирғоқдан кишилар келгунча туриш керак.

Рёмка қолдирган фонарь ёниб тугаёзди. Шошилишиб қайиққа ўтираётган болаларнинг овози анча вақтгача эшитилиб турди. Нега улар бунча имиллашяпти! Ҷаққонроқ, ҳаракат қилишмайдими! Ҳали ҳам оролда болалар борлигидан хунобгарчилиги янада ошди. Тезроқ кетишсайди, узоқроққа кетишсайди! Қирғоққа хабар бориши билан уларни қирғоқдан олисроққа олиб кетишади. У баҳайбат гавдасидаги пайларни тараанг қилиб, сўнгги кучларини сарфляяпти. Бу куч қанчага-

ча етаркин? Бу кучнинг ниҳояси бор, ахир... Болалар қирғоққа чиқиб улгуршишмикин?

Бергўла девори нураб тушган жойда алланиманинг фўлқиллаганини эшилди. Пойдевор нураб тушмасин-да ишқилиб. Қаердандир кираётган ёув, афтидан, снарядлар кўмилган ерни юваётганга ўхшайди.

Нимадир унинг оёғи устига чиқди, сакраб пастга тушди, яна чиқиб, исқаб, қитифини келтира бошлади. Незабудний пастга кўз қирини ташлаб, унинг каттагина бир каламуш эканини кўрди. Каламуш оёғи устида типирчилаб турибди, ғашини келтиряпти, лекин оёқни қимирлатишнинг иложи йўқ.

Артём Иванович оёғида ғимирлаб турган ярамас маҳлуққа парво қилмасликка ҳаракат қилди. У эса оёғи остида типирчилар, тумшуғи билан туртар, иштөннинг ичига киришга уринар, оёқ пайларини қимирлатиши билан қочиб кетарди-да, яна тимискилаб келарди.

Умрининг сўнгги соатларида каламуш билан, шу ифлос каламуш билан ҳамроҳ бўлишга тўғри келди-я!

Юқори тинчиб қолди. Чуқур сукунат бошланди. У зея шу даҳшатли сукунат қаърида ипсиз боғлаинган. Ана шу оғир соатда ёлғизлик унга оёғи остидаги снарядлар даҳшатидан ҳам даҳшатлироқ туюлди. «Аблаҳлар, жаллодлар!— ўйлади у.— Кўмиб кетган нарсаларини қаранг!» Ўн-ўн икки йилдан бери кўмилиб ётган ўлим уруғи уни босиб туради. Сабр билан вақт-соатини кутиб ётга ўлим мана энди сал ҳаракат билан ҳамма ёқни ларзага солиб, вайрон қилиб ташлаши мумкин.

«Кўринмас бало оёқ остида!— ўйлади Артём.— Тамом. Кучим етмаяпти. Ун йил муқаддам бунақалар менга ҳеч гап эмасди. Адойи тамомман энди...»

Анави ерда, ҳали ғишталар яхши турган токчада фонарнинг ёғудусида ярқираб турган нарсага ҳали ҳам қарамоқчи бўлганди. Кўз қири алланиманинг ярақлаётганини кўрган, лекин унга қайрилиб қарамаган эди. Бўйнида, елкасида оғир юқ босиб туар, қайрилишга имкон бермасди. Шундай бўлса ҳам бир нав қилиб, кўз қирини ташлади: қараса, кубоги, мактабдаги кечада йўқотилган ўз кубоги токчада турибди. Кичкинагина кумуш паҳлавон бир оёғи қабрда, иккинчи оёғини қабрнинг четига тираган ҳолда, пайларини таранг қилиб, боши устида оғир юкни — идишни кўтариб ту-

рарди. Қубокниңг әгаси шу оғир фурсатда қандай вазифани бажараётган бўлса, унинг кичик кумуш паҳлавони ҳам шу ишни қилиб тургани Незабуднийга қизиқ туюлди. Иккала полвоннинг туриши ҳам бир хил эди.

Даҳшат. Юраги пастга тортиб кетди, бошга алла-қандай хаёллар келди... Яхиси, қазиб олишсин! Тезроқ! «Гладиатор қабри» томошасини энди кўрсата олмайман. Ҳаво тугаяпти. Ўпкада ҳам ҳаво қолмади. Нотўғри кўмишибди. Ҳамма вақтдагидек брезент остида салгина тешик қолдириш керак эди. Энди вақт ўтган. Тезроқ ковлаб олинглар! Тамом. Ҳаво ҳам, ҳам маси ҳам. Мана уни ковлаб олишади, одамлар ҳуштак чалишади, номерни эплай олмади-да, ҳамма ундан кулади...

Кейин эса устига Зеп Гегенхаммер ўзини ташлагандек кўринди. Мана, бўйини эзяпти. Йўқ, жаноб Зеп, йўқ, Гегенхаммер, бу гал номерингиз ўтмайди. Қисавер, босавер, лекин йиқитолмайсан. Бақалоқ бақа! Овора бўляпсан. Ҳа, билиб турибман. Бу — сенинг ишинг. Лекин муродинг ҳосил бўлмайди. Бекорга аҳмоқ бўляпсан! Мен туравераман. Ўшанда мен ёлғиз, бутунлай ёлғиз эдим. Ҳозир ҳам бир ўзимман, лекин ёлғиз эмасман. Мен ўшалар учун... Сеня, биродар, мен сен учун, ҳаммаларингиз учун! Тезроқ нарироққа кетинглар. Мен ҳозирча кўтариб тура оламан.

Фикрлари чалғиди, кўз олди туманлашди. Фонаръ ўчган, тутаётганди. Ундан чиқаётган тутун ертўлани баттарроқ қоронғилаштирди.

Тўсатдан Незабуднийнинг қулоғига чалинди:

— Артём бобо, ҳо Артём бобо!.. Тирикмисиз?— Сеня Грачикнинг овози эди бу. У тепада, туйнукдан бошини эгиб, пастга қаарарди. Негадир секин зўрга эшитиладиган қилиб гапираётганди.

— Нима қилиб юрибсан?.. Нега келдинг?— қаҳрланиб деди Незабудний.

— Артём бобо, яна озгина кўтариб туринг... Келишяпти — қирғоқдан сузид келишяпти. Мен қоронғида қайиқдан секингина чиқиб бу ерга келдим... Сизни ёлғиз қолдиргим келмади. Ёрдам берайми, Артём бобо?

— Яқин кела кўрма. Яхиси, тезроқ кет.

Лекин Сеня ертўла эшигидан осилиб, оёғи билан зинапояни пайпаслаб, пастга тушди.

— Нима! Ўлгинг келяптими? — Незабудний оғир-оғир нафас оларди.

Сеня қўрқиб кетди. Ваҳимали эди. Артём Иванович тиззаларини сал букиб, бармоқлари билан тиззасига таяниб, бўйни, елкаси, тирсаклари билан бениҳоя оғир кучни — нурай-нурай деб турган деворни кўтариб турарди. Тутаб ўчаётган фонаръ девор ковагидаги ўткир қиррали снарядларни, чириб синган тахта яшикдаги оғир бомбаларни хира ёритаётгани эди. Фонарнинг тути аралаш шуъласи тебранар, бомбаларнинг сояси қимиirlаб турарди. Балки зўрга кўтарилиб турган шубомбалар ростдан ҳам сал ҳаракат билан қимиirlаб тургандир.

— Яқинлашма! — қичқирди Артём. — Тентак бола, сени ким чақирди бу ерга? Кет деяпман!..

Лекин Сеня кетмади. Йўқ. У бу зим-зиё даҳшат қучогида Артём бобони ёлгиз ташлаб кетолмасди. У полвоннинг ҳолдан тояётганини кўриб турарди.

— Сеня, азизим! — ундан илтимос қилди Артём. — Илтимос... Жуда эҳтиёт бўл. Оёғимни бир ярамас тимдалаяпти. Ҳайдаб юбор... Бунақалардан жуда қўрқардим.

Сеня девор остида кўриниб турган қаламушнинг олдига секин оёқ учидаги юриб келди. Қаламуш эса ўзини пастга ташлади. Сув чалпиллаб кетди.

— Раҳмат. Жуда ҳам жонимга текканди. Энди бир қара-чи, соатим неча бўлдийкин.

Сеня тиз чўкиб, юқорига — Артём Ивановичнинг қўл соатига қаради.

— Чорак кам икки. Ҳозир келиб қолишади, кўрасиз. Озгина кўтариб туринг, Артём бобо.

— Энди кета қол. Ҳудо ҳақи, тезроқ кета қол. Тезроқ!

— Артём бобо, сиз бунақа «худо ҳақи» деманг. Гадой Забуга шунақа дейди. Қеракмас... — Сеня секингина, лекин жиддий илтимос қилди.

Незабудний жим қолди.

Мағрур болани қаранг, худога ишонгиси келмайди. Одамларни кутяпти. Ўзи ваҳимада-ю, лекин сир бой бермайди...

— Келинг, сал ёрдамлашай! — секингина гапирди Сеня. Ҳудди баланд овоз ҳам кучли портлашга сабаб бўладигандек, чўчиб. — Артём бобо, ёрдам берай, а?

Анави бочкани олиб келайми, суяниб турасиз. Лекин у ўзининг нозик ва нимжонлигини, бу улкан одамга, ўнларча пуд юкни бир соатдан бери кўтариб турган баҳайбат одамга ёрдам беролмаслигини тушуниб турарди.

— Майли, эҳтиёт бўл фақат, ўғлим,— деди Артём.— Жудаям эҳтиёт бўл... сал сур. Рост, суянсам бўларкан...

Сеня ертўланинг нариги ёғида ётган бочкани секин-секин сурниб келди. Бу куч қаёқдан келиб қолди унга?

Незабудний уни кузатиб туради.

— Секинроқ... секинроқ итар. Тақиллатма... Яхши. Уни қаранг-а, бақувват йигит экан-ку! Нимжонгина бола дейишарди. Балли!..

У Сеня келтирган бочкага тиззасини қўйди. Четига бир кафтини тиради. Елкасини сал тўғрилади. Турниш энди бир оз қулайлашган эди.

— Бобо... келишяпти... Мен ҳам ёнингизга борақолай... Майлими?— юқоридан Пъернинг овози эшитилди. Фонарнинг ёниб сўнаётган хира ёғдуси Пъернинг юзини салгина ёритди. У тўрт бурчак туйнукдан пастга қараб туради.

— Сен... сен ҳам келиб қолдингми?..— Пъернинг келганидан хафалигини ифодалай олмади.

У Сенядан Пъерни сўрамоқчи бўлиб турган эди: у қайиқда бошқалар қаторида кетдими, демоқчийди. Ахир, бир бегона бола шу оғир соатда унинг ёнида турганида ўзига азиз бўлган бола кетиб қолганда чол бир оз ранжиган бўларди. Яхши бола экан. Ташлаб кетмаган экан. Одам бўлади бу.

— Нима қилиб туриб-турибсан?— Незабудний қуюқ қошларини чимириб, тепага қаради.— Туш. Ёрдаминг тегар.

Пъер пастга тушди. У қоронфиликда гоҳ бобосига, гоҳ Сеня Грачикка тикиларди, унинг бу ердалигини у хәёлига келтирмаганди. Незабудний иккала болани ҳам нарироқда, зинапоя тагида туришини буюрди. Аъзойи бадани қора терга ботганди. У терлаб, ўзини енгилроқ ҳис этди, қаттиқ тренировка қилган спортчилар ўзларини терлагандан кейин бир оз яхши ҳис этадилар... У бўйинини қимирлатолмасди, бошини салгина буриб, шу пайтда қаттиқ ваҳима ичида турган болаларга кулиб қаради.

— Хўш... нима? Яқинроқ... йўқ, узоқроқда турганларинг маъқул. Уҳ... Нима? Оғирлашяни тими? Майли, ҳали кўтариб тура оламан... Сенлардек ёрдамчиларим бўлади-ю... Уҳ, эзяпти! Бунча вижирлайверасизлар!

Ҳайдаган бўлишига қарамай, шу оғир дамда уни ташлаб кетмаган болаларин юнатгиси келди. Мўйловларида қувонч ифодаланди. Бир кўзпни болаларга қисиб, қошини учирив қўйди.

— Сен, Пьерка, Сеняга девор кўтарган америкалик тўғрисида гапириб берсанг-чи... Уҳ, эзяпти-да... Эсингдами? Журналдан менга кўрсатган эдинг-ку.

— Ҳозир айтольмайман, бобо... Нима керак ҳозир?— Пьер ялинди.

— Айтольмасмиш. Нима, мен айтиб берайми? Ушасиз ҳам зўрға турибман... Уҳ... оғир бу...

— Айтавер!— деб шивирлади Сеня Пьернинг қулоғига, унинг биқинига сал туртиб.

Фонарнинг чўғ бўлиб турган пилтаси бир тутун чиқарди-да, бутунлай ўчиб қолди. Ҳамма қоронғи зулмат ичида қолди. Зулмат қаъридан Незабуднийнинг осоийшта, секин овози эшишилди:

— Мана. Уҳ!.. Қоп-қоронғи бўлиб қолди... Зерикманглар, болалар. Ҳўш, Пьер, гапирсанг-чи.

— Бу... бу воқеа ургуш пайтларғида бўлган,— Пьер ҳикоясини зўрға эшишиладиган қилиб бошлади.

— Сал баландроқ... Менга эшишилмаяпти...

— Бу воқеа ургуш пайтларғида бўлган,— деб баландроқ такрорлади шўрлик Пьер.

Мила Қолоброданикидаги ўша кечада Сеня Пьернинг латифаларини эшишган, ўшандан бери парижлик бу боланинг ҳеч кимга латифа айтганини эшишмаган эди. Мана энди икки қадам наридаги миналар портлай-портлай деб турган хавфли бир пайтда, зим-зиё қоронғиликда у ҳикоя қилаётганди... Агар ёругликда, кундуз куни қулайроқ бир пайтда бу ҳикоя айтилганда эрмак бўлиши мумкин... Ҳозир эса Пьер сўзларни чалгитиб, бурнини тортиб-тортиб ҳикоя қилаётган эди: ҳозиргина душмандан тортиб олинган ярим вайрона шаҳарда офицер маст сержантни кўриб қолибди. У бомбардимон қилинган уйнинг деворига суюниб турган экан. «Нега деворга таяниб турибсиз, сержант?»— «Йўқ, сэр, аксиинча, девор менга таяниб турибди».— «Тентак! Мастсиз. Қисмингизга жўнаинг дарров!»— буюрибди

офицер. «Есть, қисмимга жўнайман»,— дебди сержант честь бёриб ва ўзини четга олибди. Шунда девор офицерни таппа босиб қолибди.

— Ана шунаقا гап!— Қоронғиликдан Незабуднийнинг оҳистагина кулгиси эшитилди.— Таппа босиб қолибди де. Қалай, болалар? Зан сержант экан-а!..

Ниҳоят тепада ғўнгир-ғўнгир товушлар эшитилди. Одамлар эҳтиётлик билан зинапоядан тушаётгандилар.

Болалар зинапоя тагига келиб, туйнукдан бошлирини чиқаришиб, қичқиришди:

— Тезроқ!.. Тезроқ келинглар! Бу ёққа келинглар... Секирироқ юринглар... Бўлмаса...

Қоронғиликда кимнингдир қўли уларни нари сурди. Чўнтақ фонарларининг кучли ёғдуси — олдин бири, кейин иккинчси — туйнук орқали ертўлани ёритди. Нурлар кесишишди. Доира шаклидаги ёғду деворда яримшарлар харитасига ўхшарди. Кейин бирлашишди. Қоронғиликда аллаким команда берди. Незабудний унинг нима деганини эшитолмади, лекин яқинда уникига келган киши эканини овозидан таниди.

— Кимнинг боласи? Нега бу ерда турибсан?.. У-чи? Нима гап? Нега қирғоққа кетмадинглар?..— тез-тез сўради ўша киши.

Ертўла одамларга тўлди. Улар шовқинсиз ҳаракат қилишар, ярим қоронғиликда бир-бирларини туртишмай, эркин юришарди. Сапёрлар фонарлар ёритаётган ярим вайрона девор остига бордилар. Осилиб турган тўсинларни тортиб олишди, тушай-тушай деб турган фиштларни ерга олиб ташлашди. Бирор эҳтиётлик билан Артём Ивановичнинг қўлтиғидан ушлади. У анча пайтдан бери босиб турган юк даф қилинганини фаҳмлади. У уюшиб қолган баданини ишқади.

— Томогим қақраб кетди...— хириллаб деди у, гандираклаб.

Яқиндагина уйига бемаҳалда келган киши Незабуднийни тирсагидан тутиб, сувдонини тутқизди. Артём Иванович муздек сувни ҳузур қилиб ичди.

Унга сув ичираётган киши:

— Артём Иванович, ташаккур. Бир балодан қутқазиб қолдингиз-да... Қаранг-а!

Бу орада сапёрлар иш бошлаб юборишган эди. Уларнинг нозик, эпчил бармоқлари электр фонарлари нурида оқариб кўринар, снаряд кетидан снарядни, ми-

на кетидан минани пайпасларди. Ўқувли, эҳтиёғкор, қўрқмас бу бармоқлар яшикларнинг ёригидан туироқни секин қоқиб, занг босган снарядларни кўтарарди. Сапёрлар бомбаларнинг тагини кафтларига қўйиб, салхатога йўл қўйилгудек бўлса портлаб кетадиган мина-ларнинг симларини эҳтиёткорлик билан олишарди. Улар бу портловчи қуролларни шикастсизлантиаркац, ҳаракатлари кўп жиҳатдан илонни ушлаб туриб, заҳарини олаётган тажрибали кишиларга ўхшаб кетарди.

— Ҳа. Ишларингиз нозик,— деб қўйди Незабудний сал жунжайиб.

Сапёрлар секин гаплашиб, ўзларининг нозик ва хатарли ишларини қунт ва чидам билан, ҳеч чўчимасдан давом эттиардилар.

Сапёрлардан бири девор ёригидан маккажўхорининг сўтасига ўхшаган «ПОМЗ» гранаталарини ола бошлиди; унинг ёнида бошқа сапёр эса ёғоч корпуси салчириган «ПМДБ» гранаталарини олди.

Учинчи сапёр одатда кинолента солинадиган доира тунука қутиларни олиб, полга тера бошлади.

Минерлар бамайлихотир ишлашар, аҳён-аҳёнда:

— Вазелин!

— Олти ниллик миномётники,— деб қўйишарди.

— Буни олинглар!— деди шошилиб минерлардан бири.

Деворнинг ёригидан акулага ўхшаган катта бомба судралиб чиқа бошлади. Бир неча пудлик бу ажал уруғига кўзи тушиши билан Незабудний минерлар олдига келди, уни қучоқлаб кўтариб олди.

— Оғир!— деб уни огоҳлантиришди орқадагилар.

Уч ёш сапёр югуриб келди, улар Незабуднийдан оғир бомбани олмоқчи эдилар, лекин Незабудний бермади. Зинапоя сари вазмин қадам ташлади.

У бомбани юқорига чиқаришда ҳам ёрдамлашди. Бир неча сапёр бомбани қайиққа солиб, эҳтиёткорлик билан олиб кетди.

Незабудний бутунлай ҳолдан тойган эди. Оёқларнида мадор қолмаган эди. У дамбага ўтирди, қияликка суюнди. Бир оз нафасини ростлаб, яна ертўлага тушиб, ёрдам бермоқчи бўлганди, яқинда унга меҳмон бўлган киши олдини тўсиб, ертўлага киритмади.

— Қўймайман, Артём Иванович, нима қилсангиз қилинг, лекин қўймайман. Сиз тезроқ қирғоққа кетинг.

Афт-ангордингизга қаранг. Қандай қилиб юрганингизга ҳайронман.

Незабудний чарчаганини ҳам, оғриқни ҳам сезмасди. У ўз кучи билан ҳеч қачон бунчалик фахрланмаган эди. Бекиёс куч әндигина иш берди. Артём Иванович умрида ҳеч қачон ўзини бугунгидек баҳтиёр ҳис этмаган эди.

Тонг ота бошлади. Шарқ томонда булутлар нари кетиб, осмоннинг бир қисми оқарди, еув омбори ҳам тинчиб қолганди. Сухоярка ҳовлиларидағи хўроздар бирин-кетин қичқира кетдилар. Ҳозир шахталар ҳам эрталабки сменага чақириб қолади. Лекин ҳамма ёқ тонгги сукунат оғушида эди. Болалик йилларидан бери қадрдан бўлган, ҳозиргина ҳалокатдан у қутқариб қолган бу ўлка Незабуднийга янада ширинроқ туюлди.

Портлаш!.. Кучли портлаш овози қулоқларни қоматга келтирди... Юракларни зирқиратиб юборди. Незабудний дамбага йиқилди.

Незабудний кўзини зўрға очди. У атрофии одамлар қуршаб, тепасида ваҳима билан унга эгилиб қараб туришганини кўрди... У ҳамма кучли портлашдан қўрқиан деб ўйлаб, уларни юпатмоқчи бўлди.

— Хе!— кучли оғриқ билан зўрға гапирди.— Ҳеч гапмас... Бу... юрагим фақат...

Сухояркада тирик жон қолмаганди. Жимжит кўчаларда электр чироқлар ёниб турар, энди, эрталаб улар сариқ рангда кўзга ташланарди. Уларни ўчиришни унутганлари кўриниб турибди. Ёмғир тинган. Фақат ҳамма ёқдан жилгалар сув омборига томон шилдираб оқиб турарди.

Тревога билан шахтадан чиқарилган шахтёrlар ва комсомол патруллари одамларни хатарсиз жойларга, тепанинг нариги ёнига олиб кетгандилар. Сапёrlарнинг ертўлада бир неча соатлик иши қолганди. Эҳтиёт бўлиш талаб қилинарди. Бирорта ҳам мина қолмагани аниқлангандан кейингина одамларни уйларига келтириш мумкинлигини сапёrlар командири тайинлаган эди.

Артём Ивановични узоққа олиб бориб бўлмасди. «Тез ёрдам» машинасида қайиқ пристанига келган доктор Левон Ованесович:

— Қасални узоққа олиб бориб бўлмайди,— деди.

Уни— Незабуднийни ясси кемада олиб келишганди.

Қирғоқда бирор район хатарли, доктор ҳам кетиши керак эди, деб эслатганда Левон Ованесович кўзойнаги гардиши устидан шундай ўқрайиб қарадики, гапираётган киши жим қолди. Доктор Незабуднийнинг тугмаларини ечиб кенг кўкрагини очди. Докторнинг бармоқлари ҳам сапёрларникига ўхшаб, эпчил ҳаракат қиласарди.

Кейин Незабуднийни беш киши бўлиб зўрға кўтариб — у шунчалик оғир эди — қайиқчининг уйига олиб киришди. Доктор Арзумян укол қилди, беморни тинч қўйиш учун ҳаммани ташқарига чиқарди. Доктор ташвишли кўринарди.

«Тез ёрдам» машинаси аллақаёққа кетиб, тез қайтиб келди. Ундан катта ғозга ўхшаган бир нарсани кўтариб олган қиз сакраб тушди, бу кислород ёстиғи эди. Қиз уй томон югурди, тирсаги билан эшикни очиб, ичкарига кирди.

Сеня билан Пьер уйнинг эшиги тагида гап-сўзсиз кутуб туришарди. Уларни Незабудний билан бир қайиқда, келтиришган эди. Ҳамма Незабудний билан бўлиб, болаларни унутишган эди.

Оролдан қайиқ келди. Ундан қирғоққа Никифор Колоброва билан боши боғланган Богдан Анисимович Тулубей тушди. Богдан Анисимович шарпа чиқармай, эшикни ғижирлатмай, оҳистагина уйга кирди. Никифор Колоброва эса болалар ёнига борди. Шошилинч, саросимада оролчада унутиб қолдирилган кубок унинг қўлида яракларди.

— Мана шуми?— сўради Колоброва.— Ўшоқда қолибди. Мана топилди у.

Болалар индамай туришарди. Улар бошларини буриб, бир қараб қўйдилар-у, яна эшикка тикилишди. Эшик оҳистагина очилди. Остонада Богдан Анисимович кўринди.

— Хўш, қалай?— суринштирди Никифор Колоброва. Богдан Анисимович бош чайқаб қўяқолди, холос.

— Ишкал!— деди у вазминона.— Докторнинг айтишича, томирларида, қон қуиилиб, тиқилиб қолибди. Зўриққанидан.

Яқингина ердан металл кузовли автомобилнинг гу-

виллашию шарақа-шуруқи эшитилди. Муюлишдан бўш ағдарма машина чиқиб келди. Сеня отасининг машинасини ўша заҳотиёқ таниди. Машина жуда катта тезликда учиб келди—қайиқ пристанига етиб келди. Машина кабинасининг иккала эшиги ҳам тарақлаб очилди. Бир томондан Галина Петровна Тулубей, иккничисидан Тарас Андреевич Грачик сакраб тушди.

— Артёмга нима бўпти?— безовталаниб сўради Галина Петровна.— Болаларнинг бу ерда қолишига ким рухсат берди? Ҳаммани олиб кетишди, нима, буларнинг бошида туғи борми?. Артёмнинг олдига кирсам бўладими?

Богдан Анисимович уни тўхтатпб, сездирмайгина орқа томонида турган болаларни ишора қилиб:

— Доктор ҳеч ким қўйилмасин деди... Аҳволи чатоқ. Турмушда ана шунаقا ажойиб ишлар ҳам бўлади, Галя... Тогдек одам эди, уч умрга етадиган кучи бор эди. Энди қарасанг, шўрлик...

— Ҳар ҳолда мен кирсаммикин дейман, Богдан?— деди Галина Петровна, эри болалардан узоқроққа бошларкан.

— Яхиси, керакмас, Галя. Безовта қиласан. Левон Ованесович мени ҳам олдида ўтиргизмади, эшик олдида тур, деди. У Артёмга: «Бугунчалик гапирманг, етар», деди. У зўрга гапиряпти, уколдан кейин оғриғи камайди шекилли, гапиргани гапирган: «Эртага мен, доктор, бу оламда бўлмасам-чи», дейди. Доктор: «Гапирманг деяпман», деди. Артём унга: «Доктор, менинг гапим энди бошланяпти. Бутун умрим бекорчи нарсаларга сарф бўлди, бекорчи гаплар кўп бўлди». Доктор ҳаммани унинг олдидан чиқариб юборди. Уни ётқизгунча ҳамма қийналиб кетди. «Улим иккала курагимни ерга тегизмасин дейман», дейди. Доктор билан ҳамшира зўрга ётқизиб қўйишди.

Пъер зинапояда тирсакларини тиззаларига, бошини, кафтларига қўйиб ўтиради. У бу воқеаларни жуда олисдан кузатаётгандек эди, катта, тузатиб бўлмайдиган баҳтсизлик уни олисларга улоқтирганга ўхшарди. Баҳтсизлик уни ўзига қадрдан бўлиб қолган бу одамлардан узоққа улоқтириб ташлаётгандек туюларди. Ҳеч қачон у бунаقا қайфу-ҳасратни кўрмаган, катта мashaққат билан эга бўлган ҳаёти яна вайрон, порлоқ

келажакдан далолат бериб турган умри яна хараб бўлаётгандек, ҳасрат-надомат ичидан қолган эди у.

Артём бобо... Агар у вафот этгуудек бўлса, энг керак, энг қадрдан шу киши бўлмаса, аҳволи нималар бўлишини тасаввур этиш ҳам даҳшат. У бобосининг улкан елкасига ёпишиб ўзи одатланмаган бу ҳаётга келган эди. Кимсасиз Пьер бир маҳалларда трамвай вагонининг томида депога борар, у ерда бир оз исинар, қуруқроқ жойдә ухлар, яна эргалаб қаҳратон соvuқ кўчага трамвайнинг томида чиқар, уззу кун янада бепарво қаҳри қаттиқ осмон остида кунни бир наф қилиб ўтказарди. Наҳотки ўша кунлар яна қисматида бўлса, ўша пайтларда топилмаган бошпанини у энди излашни ҳам истамасди...

Унинг аъзойи баданини титроқ босган эди. Алам ҳаддан зиёда эди.

— Қўйсанг-чи, Пьерка... Хафа бўлаверма,— Сеня уни юпатмоқчи бўларди.

Пьер ҳамон қалт-қалт титрарди.

Галина Петровна унинг олдига борди, ёнгинасига, зинапояга ўтириди.

— Петя... Яхшимас... Нега бунча хафа бўляпсан. Кел, яхши ният қилайлик, умид қилайликки, Артём бонг соғайсин. Биласанми қанақа зўр у?.. Ўзи асрассин-у, лекин бирор кўргулик бўлгудек бўлса кўчада қолармидинг. Биз ҳаммамиз ҳам сен билан биргамиз. Сен ўзимизникисан. Шу пайтгача кўзларинг қаёқда эди? Ҳеч тушунгинг келмайди... Тур жойингдан, Петруша, кетдик. Бу ерда ўтиришдан фойда йўқ. Сени болаларнинг олдига олиб бориб кўяман. Тура қол энди:..

У узатилган қўлга ёпишиб, жойидан турди. Галина Петровна билан бирга юқ машинаси томон юрди.

Сеня эса уни ҳам олиб кетишларидан чўчиб, ўзини уйнинг панасига олди. Машина юқорига кўтарилиб, анча юргандан кейинги жойига қайтди.

У оstonада турар, эшик олдида айланар, очиб ичкари киришга журъат қилолмасди. Бир хўрсинди, зинапояга букилиб ўтириб олди. Кейин бошини кўтариб, мактаб турган оролга қаради. Фонарнинг хира ёғдусида Артём Ивановичнинг ваҳимали юкни кўтариб тургани кўз олдига келди. У Никифор Колоброда эшик олдига қўйган кубокка тикилди, сал нарида турган яғриндор Богдан Тулубейга қаради, пакана, лекин ба-

қувват Колобродага кўз қирими ташлади. Ҳаммага ҳам бошқачароқ эътибор билан қаради у. Ани шу қадр-  
төн, бақувват ва ишончли кишилар орасида энди Ар-  
тём Незабудний бўлмаслигини хаёлига келтириб, бу  
фикридан қаттиқ қўрқиб кетди.

Ўлкаси тўлиб, йиглаб юборганини ўзи ҳам билмай-  
қолди. Богдан Анисимович унга ўгирилди.

— Нима гап?— Богдан Анисимович яқин келиб,  
боланинг юзидағи кўз ёшлари қолдирган изни кўрди.

— У оламдаги... энг зўр киши эди... энди бирдан...

Богдан Анисимович Сенянинг ёнига ўтириб, унинг  
елкасиний қучоқлади.

— Тентак бола-ей! Одам бёласига кучнинг нима  
кераги бор экан, мана, ўлим бир зумда йиқитиб қўяр-  
кан, деб ўйлајапсанми?.. Йўқ, билмас экансан, кўриб  
турибман. Бу одам ўз кучи билан бир эмас, ўн минг  
ўлимни даф қилди. Агар у ўша деворни кўтариб тур-  
маганда, биласанми, нима бўларди? Унинг кучи, била-  
санми, нимага иш берди. Шу нарсага тушунмай туриб-  
сан, тентаккинам...

У гапдан тўхтаб, қуёш кўтарилиб чиқаётган сув ғом-  
бори қирғози томонга ўйчан нигоҳ ташлади, кейин эса  
шавқ билан:

— Бутун оламда Незабудний деган ном узоқ янг-  
ради, бундан буён ҳам одамлар бу номни кўп такрор-  
лашади,— деди.

Унинг овози атрофдан акс садо бериб қайтди. «Б-  
будний... будний...»

Сеня бу номни бутун атроф миннатдорлик билан  
такрорлаётганини эшилди.

Сапёрлар эса қазиб олинган снаряд ва миналарни  
олисдаги чўлда, сув ғомборидан олисда портлатаётган  
эдилар.

Портлаш товуши ўн километрлаб масофадан ҳам  
эшитилиб турарди. Сухояркадаги мактаб остидан то-  
пилган бу даҳшатли хазинанинг хабари етиб борган  
район марказидагилар ҳам портлаш товушини эшита-  
ётган эдилар.

Автобус ва юк машиналарида қум тепаликдан нари-  
га, посёлкадан тўрт километр нарига олиб кетилган  
сухояркалик болалар ҳам бу товушни нафасларини  
ютиб эшитишарди.

Посёлка атрофида соқчиликда турган жангчи ва

милициөнерлар портлаш овози келаётган томонга бошларини ўгиреб қаардилар.

Кенг округда, қуёшни қутлаб хурсанд бўлган бу жойда, фақат бир кишигина, қайиқчининг тор уйида ётиб, ҳеч нарсани эшиитмаёди.

Кекса доктор яна энгашди, у яна бир укол қилмоқчи эди, лекин қўлларини икки ёқقا ёйиб, энди фойдасиз бўлиб қолган шприцни ҳамширага берди. Ҳамширага у орқасини ўгирди. Ҳамшира оҳистагина пиқиллаб, оқ халатнинг боғичларини секин ечиб қўйди.

Доктор ҳорғин қадам ташлаб ташқарига чиқди. Урнидан дик этиб турган Сеня унинг чеҳрасидан. Энди умид узилганини дарров пайқади.



## ХОТИМА

Ўша ваҳимали тунга бир йил бўлди. Роса бир йил.

Эстафетани қайта. ўтказишганига ҳам кўп вақт бўлди. Қумуш гладиаторли, оливин қадаҳли кубок ўн йиллик мактабнинг янги биноси залида ойнаванд жавонда, фаҳрли ўринда турибди. Оролликлар бу бинога янги ўқув йилидан кўчиб кирган эдилар.

Мактабда машғулотлар тугагач, Сеня Грачик билан Қсанा Тулубей янги, чиройли бинонинг, бу ерда ҳали улар яна уч йил ўқийдиган бинонинг эшигидан чиқиб, сув омбори қирғоғыга томон йўл олишди. Улардан сал орқароқда Мила Колоброда, Сурик Арзумян, Катя Ступина, Юра Брилев, Витя Халилеев боришарди. Ҳаммаси иноқ, қадрдон.

Сеня сув ёқасига, кичик тўлқинлар жимиirlаб турган жойга борди. Қсанা унга яқин тошлардан бирига ўтирди.

Ҳаво мусаффо эди. Сув омбори бениҳоя текислик ҳосил қилиб ярқираб турарди. Сувдан баҳра олган салқин шабада Сухояркага томон йўналиб, гуллаган чўлдан хушбўй ҳидлар келтираётган эди. Болаларнинг қаршисида, тепаликда, бир пайтлар уларнинг мактаби турган жойда монумент—Григорий Тулубейнинг ҳайкали юксалиб турарди.

Болалар қирғоқда жимгина ўша ёққа нигоҳ ташлаб туришарди. Улар бу ерга тез-тез келишади. Бу ер уларнинг севимли сайдроҳлари бўлиб қолган.

Ханна єк сув.

— Қандай яхши-я! — деди Кесапа. — Қара, Сенде! —  
У күзларини юмб, бармоқтарини гарданига чиркәү-  
тириб, баҳор ҳавесидан чуқур нафас олди...

Сув бүйнде турган Сеня унга қаради. Сеняниң өзүн  
зик елкалари ўтган бир йил ичидә анча кенгайған әйел.  
У елкаларини кериб қўйди. Эҳ, ҳали у жуда ҳам  
бўлади. Кучли ва раҳмдил бўлади. Раҳмдил ва дар-  
юрак. Ҳар ишда адолатли бўлади. Унинг ким бўлмас-  
чилигини ҳали ҳеч ким билмайди. Пайланин унада  
кўрса бўлади, лекин юракда нима борини ҳеч кам  
долмайди. У этилди, ўтлар орасини тимиекинада,  
пок тош толиб, ўтира туриб, қулочкиштаб томони сун-  
сатхига улэтирди...

Тош ортида халка-халка түленилар көнгөрүп сүйбетида сакрай кетди...

— ...Ети. Саккэ! Түүхэн! — оржиндэй шалтгаан санашарды.

Бу Сүхэлжээнд энэхүү тайвартай, ялангуяа сүүдээжүүлэхэд  
төшөөтэй болжсан.

Сув бетидаги ҳалқалар кенгая бориб, аста-секин йўқолиб кетарди.

— Ун... ўн бир... ўн икки...

Майли, бу ҳалқалар сув бетида изсиз йўқолиб кетаверсин. У отаверади, ҳар куни отади. Қўли бақувват бўлаверади. Бир кунмас бир кун у ўзига шундай касб танлайдики, изи тез йўқолмайдиган, узоқ вақт сақланадиган ишлар қиласди. Унинг атрофида энг қудратли, энг матонатли, адолатпарвар кишилар яшапти. Тош отишни унга жаҳонда энг кучли киши ўргатган эди.

1956—1960

## МУНДАРИЖА

### I ҚИСМ

#### БАҲАЙБАТ ПАҲЛАВОН ВА ОДДИЙ КИШИЛАР

I б о б.	Яна ўғил болалар тўғрисида . . . . .	7
II б о б.	Дунёда энг зўр одам . . . . .	10
III б о б.	Богритули билан икки учрашув . . . . .	24
IV б о б.	Ватандошларим, менинг ватандош- ларим . . . . .	35
V б о б.	Совға рад қилинди . . . . .	43
VI б о б.	Парижлик Пьер Кондратов . . . . .	48
VII б о б.	Кўнгилсиз воқеалар . . . . .	55
VIII б о б.	Кенса ва ёш . . . . .	61
IX б о б.	Бир қисим тупроқ . . . . .	70
X б о б.	Ҳам у, ҳам бу томондан . . . . .	83
XI б о б.	Учинчи дилсиёҳлик . . . . .	93
XII б о б.	Омадли оталар клуби . . . . .	104
XIII б о б.	Турлн-туман нуқтан назарлар тўғри- сида муаммо гаплар . . . . .	117
XIV б о б.	Зўрларнинг ожизлиги . . . . .	127
XV б о б.	Сир ва киноялар . . . . .	134
XVI б о б.	Ташвиш . . . . .	153
XVII б о б.	Номус ва шухрат . . . . .	162
XVIII б о б.	Кубок иш берди . . . . .	180
XIX б о б.	Ўшами ёки бошқамикни? . . . . .	188
XX б о б.	Яккама-якка . . . . .	197

### II ҚИСМ

#### ТИРИК ВА ЎЛИК СУВ

I б о б.	Сувин кутлаб . . . . .	205
II б о б.	Робинзоннинг етти жумаси . . . . .	214
III б о б.	У келди! . . . . .	223

IV б о б.	Оролликлар	229
V б о б.	Сувда ва қуруқликда синов	237
VI б о б.	Икки таёқча	244
VII б о б.	Ҳаммаси йўққа чиқди	256
VIII б о б.	Эски сирининг янги изи	264
IX б о б.	Ўша булутли тунда	273
X б о б.	Кубокли киши	281
XI б о б.	Шошилинч чора	288
XII б о б.	Номаълум жойдаги сұхбат	301
XIII б о б.	Красношахтёрская күчасидаги уйда сұхбат	302
XIV б о б.	Гладиатор қабри	303
Хотима		322

БИБЛИОТЕКА КГПИ

РНВ. № 193927

**K 27**

**Кассиль Лев.**

**Паҳлавоннинг қисмати. (Баҳайбат паҳлавон ва миттивой киссаси). Роман. Т.,  
«Ёш гвардия», 1972.  
328 б.**

**Кассиль Лев. Чаша глadiатора**

**P 2  
7-3-4**

Катта ҳиндаги болалар учун

На узбекском языке

**Кассиль Лев Абрамович**

**ЧАША ГЛАДИАТОРА**

**(Р о м а н)**

Перевод с издания Детгиз — 1961 г.

Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1972

Рассом Г. Жирнов  
Редактор Эркин Миробидов  
Расмлар редактори К. Назаров  
Техн. редактор Л. Пузенко  
Корректор М. Мирзаев

Босмахонага берилди 7/1-1972 г. Босишга руҳсат этилди  
6/IV-1972 й. Формати 84×108<sup>1/3</sup>. Босма листи 10,25. Шартли  
босма листи 17,22. Нашр листи 16,94. Тиражи 30000. Шарт-  
нома № 53 — 64. Қоғоз № 3.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети „Ёш гвардия“  
нашриёти, Тошкент, Навоний кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти босмахонаси,  
Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, 26. Заказ 96. Баҳоси 59 т.

